ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

А К А Д Е М И Я

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА ШАРҲЛАР

Тошкент «Адолат» 2000

ББК 67.99(5У)1

Ўзбекистон Республшаси ИИВ Академияси Илмий Кенгаши маъқуллаган

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ҳ. Р. АЛИМОВ, З. А. АЛМАТОВ, Ҳ. Б. БОБОЕВ, У. К. МИНГБОЕВ, Б.Ш. МИРБОБОЕВ, С.М. МИРСАФОЕВ, Ҳ. Э. ПИРМУҲАМЕДОВ, У. Т. ТОЖИХОНОВ (нашр учун маъсул).

МУАЛЛИФЛАР ЖАМОАСИ:

Ҳожимурод АЛИМОВ, юридик фанлари номзоди, доцент — 1—21, 53—54, 56, 57, 90-96, 129, 133, 145, 157-163, 242-284, 294-348-моддалар. **Улуғбек АЮБОВ** — 65—96-моддалар.

Насриддин ИСМОИЛОВ - 104^1, 175^1, 175^2, 175, 186^1, 241^1, 285-293-моддалар.

Олимжон МАҲМУДОВ - 113-128, 130-132, 134-136, 138-144, 146-156-моддалар.

Бахтиёр МИРБОБОЕВ, юридик фанлари номзоди — 22—39-моддалар. **Ҳошимжон РАҲМОНОВ** - 40-51, 97-130, 166-171-моддалар. **Анвар САМАНДАРОВ** - 52, 55, 58, 59, 64-моддалар.

Лидия СОЛОВЬЁВА, юридик фанлари номзоди, доцент — 164, 165, 172, 183—241-моддалар.

Марат ШОТУРСУНОВ, юридик фанлари номзоди, доцент — 104, 112, 176—179-моддалар.

Тақризчилар: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий суди.

Ушбу шарҳлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига 2000 йил 1 майгача қадар киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳисобга олинган ҳолда тайёрланди (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1995 йил, 3-сон, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 9-сон, 193-модда; 12-сон, 269-модда; 1996 йил, 5—6-сон, 69-модда; 9-сон, 144-модда; 1997 йил, 2-сон, 4—5-сонлар, 126-модда; 9-сон, 241-модда; 1998 йил, 3-сон, 38-модда; 5—6-сон, 102-модда; 9-сон, 181-модда; 1999 йил, 1-сон, 20-модда; 9-сон, 229-модда; 1999 йил 5-сон, 124-модда).

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мазкур шарҳлар ана шундай адабиётга нисбатан қўйиладиган замонавий талабларга мос бўлиб тушган ва ҳуқуқий жиҳатдан бир шаклга келтирилган нашрни чиқариш йўлидаги дастлабки уринишдир. Шарҳларни тайёрлаш чоғида Россия Федерацияси, МДҲ давлатлари ва жаҳондаги бир қанча бошқа мамлакатларнинг тажрибасидан фойдаланилди.

Мазкур нашр ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ҳуқуқни қўллаш органлари ходимлари, шунингдек, юридик ўқув юртларининг ўқитувчилари, аспирантлари, адъюнктлари, талабалари, тингловчилари ва курсантлари учун мўлжалланган.

Муаллифлар жамоаси ва нашриёт Шарҳлар юзасидан Сиз биддирадиган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар учун олдиндан миннатдорчилик изҳор этади.

1203020400-008 _ 2000

(04)-2000

© «Адолат», 1997.

© «АДОЛАТ», 2000— (таржима).

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2000

С Ў З Б О Ш И

Ўзбекистон ўзининг давлат тузумини, демократик ҳуқуқий жамиятни, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш, миллий мустақилликнинг янги мафкурасини, улуғ аждодларимизнинг бой тарихий мероси пойдеворига асосланган давлат бошқаруви тузилмаларини шакллантириш йўлидан собитқадамлик билан олға бормоқда. Ҳуқуқий демократик давлатни ва фуқаролар жамиятини барпо этиш асосий вазифалардан бири бўлиб, у Ўзбекистон Республикасида халқаро эътироф қилинган нормалар асосида ва халқнинг миллий анъаналари, урф-одатларини ҳисобга олган ҳолда, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини давлат ва умуман, жамият манфаатларини мустаҳкам кафолатланган тарзда ҳимоя қилишни таъминлаш асосида оғишмай ва изчиллик билан ҳал этилмоқда.

Миллий ҳуқуқий тизим негизини Конституция ва қонунлар ташкил этади. Шахс ҳуқуқий мақомининг барча томонларини қамраб оладиган талабларни қатъият ва изчиллик билан амалга ошириш ниҳоятда муҳим ва долзарб вазифадир. Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш фақат қонун билан тартибга солиниши лозим.

Республикамизда қабул қилинган Конституция ва бир қанча муҳим қонунлар ҳаётимиз барча соҳаларини демократиялашнинг, жамиятимизни янгилаш жараёнлари муқаррарлигининг, Ўзбекистон ўзининг ишончли ва истиқболли ҳамкори сифатида биладиган жаҳондаги кўпгина мамлакатлар билан ҳамкорликнинг қудратли ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Биз ўзимиз учун қатъий хулоса чиқариб олдик: демократик жамият, бозор иқтисодиёти сари бошланган ҳаракатнинг ортга қайтмаслиги ва барқарорлиги унинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришга бевосита боғлиқдир. Мустаҳкам ҳуқуқий асос мавжуд бўлган тақдирдагина эски, ўз умрини яшаб бўлган тузумни тўла ишонч билан қайта қуриш, ривожланган, юқори самарали бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамиятни барпо этиш мумкин бўлади.

Қонуннинг устуворлиги бизнинг ислоҳотлар андозамизга мустаҳкам сингиб кетган етакчи тамойил бўлиб, ҳуқуқий давлатнинг асосий мезонларидан бири бўлиб хизмат қилади. Буюк бобокалонимиз Амир Темур ўзининг: «Қонун ҳукмрон бўлган жойда эркинлик ҳам бўлади», — деган доно сўзларини олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйишни буюрган эди.

«Биз қонунчилик тизимини тубдан ўзгартиришгагин[1] эмас, балки қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни рўёбга чиқариш борасида ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари уйғун ҳаракат қилишига катта аҳамият бермоқдамиз. Шу сабабли қабул қилинган қонунларни кундалик ҳаётга татбиқ этиш масаласи биз учун ҳамма вақт долзарбдир...»

---

[1] *И. Каримов.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон». 1997, 289-бет.

Қонунийликни таъминлашда 1994 йил сентябрда қабул қилинган ва 1995 йил 1 апреддан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси катта аҳамиятга эгадир. Мафкура қонун устидан ҳукмрон бўлган тоталитар маъмурий буйруқбозлик тузумидан чинакам ҳуқуқий демократик давлатга ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари устуворлигини таъминлайдиган жамиятга ўтишнинг юридик амалйёти Кодексда муайян маъмурий-ҳуқуқий нормалар асосида реал гавдалантирилади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги 1985 йилги кодексидан тубдан фарқ қилади. Аввалги кодекс фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига зарар етказган ҳодда маъмурий-буйруқбозлик тизимининг нормаларини ўзида акс эттирган эди. У инсон ҳуқуқларини жиддий равишда чеклаб, бир қатор энг муҳим сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишда маъмурий мажбурловчи воситалар ва усулларнинг аҳамиятини бўрттириб юборган эди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги янги Кодекс реал шароитлардан, янгича принциплар ва воқеликлардан келиб чиқади. Унда қадриятларга тубдан қайта баҳо берилган, унга инсон ва фуқаронинг ҳуҳуқлари ва эркинликлари асос қилиб олинган бўлиб, улар халқаро миқёсда эътироф қилинган демократик принципларга, халқимизнинг маънавий ва ахлоқий мезонлари ҳамда анъаналарига тўла мос келади. Кодексда асосий тамойил сифатида ҳаққоний манфаатлар ғояси ўз ифодасини топган. Худди ана шу муҳим қоида ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини ҳам, жазо чораси қўлланилишини ҳам белгилаб берган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс беш бўлимдан ташкил топган.

Биринчи бўлим маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий қоидаларини, яъни Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, жоилардаги давлат ҳокимияти органларининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунларининг вазифалари, принциплари ва ваколатларини, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун таъсир кўрсатиш чораларини қўллашда ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунларнинг амал қилишида қонунийликни таъминлаш масалаларини мустаҳкамлайди.

Кодекснинг **иккинчи бўлими** Умумий ва Махсус қисмлардан ташкил топган.

Умумий қисм ҳуқуқбузарликлар ва жазо чоралари тўғрисидаги, маъмурий жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахслар тўғрисидаги, жазо чоралари ва уларни тайинлаш тартиби ҳақидаги асосий қоидаларни қамраб олади.

Махсус қисмда маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг айрим турлари учун маъмурий жавобгарлик белгилаб берилди.

Учинчи бўлимда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган органлар (мансабдор шахслар) белгилаб берилган.

Тўртинчи бўлимда маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш тартиби баён этилади, **бешинчи бўлимда** маъмурий жазо чораларини қўлланиш тўғрисидаги қарорларни юкро этиш масалалари ёритилади.

Албатта, ҳар қандай қонун ҳужжати қотиб қолган бир аъмол эмас ва у ижтимоий ҳаётнинг ўзгариб бораётган шарт-шароитларига мувофиқ равишда такомиллашиб бориши мумкин. Бугунги кунда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда қамраб олинган янги тамойиллар ва. нормаларни чуқур англаб етиш, уларни тўла-тўкис ўзлаштириш, судлов-ҳуқуқий ва маъмурий амалиётда уларга оғишмай риоя қилиш ниҳоятда муҳимдир. Зеро ҳуқуқий маданият даражаси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки уларнинг бажарилиши билан белгиланиши яхши маълум.

Ҳақиқатан ҳам қонун фақат уни ҳуқуқий жиҳатдан бевосита татбиқ этувчиларгагина эмас, шу билан бирга, мамлакатимиз аҳолисига ҳам тушунарли бўлиб, улар томонидан идрок этилсагина, жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ўзаро ҳуқуқий муносабатларнинг кенг амалиётига кириб борсагина самарали бўлади. Шу билан бирга, тажрибанинг кўрсатишича, янги қонунни оммавий равишда эгаллаш учун муайян вақт талаб қилинади. Ўтмиш асорати эса маъмурий-ҳуқуқий амалиётга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бироқ мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар жамият ҳуқуқий онгининг мукаммал даражада бўлишини талаб қилмоқда. Ҳуқуқий онг — бу шахснинг онгига, жамият ғояларига сингиб борувчи ҳуқуқдир, ҳуқуққа ва қонунийликка нисбатан маънавиятнинг эътиқод, тасаввурлар, баҳолар, ҳис-туйғулар ва бошқа таркибий қисмлари тизими. У давлат ва жамият томонидан тартибга солувчи таъсир кўрсатишга энг кам даражада дучор бўлади. Янги қонунни тезлик билан қабул қилиш, давлат органини ташкил этиш мумкин, лекин инсоннинг ҳуқуқий онгини тезда ўзгартириб бўлмайди.

Юксак даражадаги ҳуқуқий онгни шакллантириш кўп куч ва вақт талаб қиладиган қийин вазифадир. Жамиятдаги ҳуқуқий маданиятни ошириш Миллий дастури ўзининг асосий мақсади — барча ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий онг даражасини айнан оширишдан иборат деб билиши бежиз эмас.

Ушбу Шарҳлар ана шу мақсадларга хизмат қилиши лозим. Олимлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг амалиётчи ходимларидан иборат муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган бу китоб маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун нормаларини илмий тахдил қилишга ва юридик жиҳатдан асослаб, тушунтириб беришга интилишдан иборатдир. У ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ва барча фуқароларга "Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун"нинг бир бутун янги қоидаларини тушуниб олишда ёрдам кўрсатишга қаратилган.

Шу нарса шак-шубҳасизки, моддаларга доир ҳар бир шарҳ мазкур маъмурий-ҳуқуқий ҳодисани реал тавсифлаб берадиган муаммолар доирасини тўла маънода қамраб олиши мумкин, буни эса «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун» нормаларининг янгилиги ва муайян даражада мураккаблиги, ҳуқуқни татбиқ этиш соҳасидаги амалий тажрибанинг етарли

эмаслиги тақозо этади. Шу билан бирга, Шарҳларда мавжуд бўлган қоидалар фақат назарий хулосаларгагина асосланган, деб бўлмайди. Бу қоидалар ҳуқуқбузарликларга қарши маъмурий-ҳуқуқий кураш олиб бориш шакллари ва усулларининг амалда намоён бўлишини таҳлил этиш ва умумлаштириш, бу жараеннинг кучли ва заиф томонларини ҳисобга олиш натижаси ҳисобланади.

Тақдим этилаётган Шарҳлар бу соҳадаги дастлабки ишлардан бири бўлиб, уларда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги янги кодекс барча моддаларининг амалиётга асосланган илмий талқини ҳар томонлама қамраб олинган.

Шарҳлар муаллифларининг кўпчилиги янги Кодексни ишлаб чиқишда ва уни муҳокама қилишда бевосита иштирок этган бўлиб, улар маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида мавжуд бўлган қоидаларни ҳуқуқий жиҳатдан кенг талқин қилиб берганлар. Айни вақтда, Шарҳлар, шак-шубҳасиз, ҳуқуқий онгни ривожлантиришга, Кодексдан жой олган янги нормаларни янада теранроқ таҳлил қилиб беришга қаратилган. Унинг нашр этилиши қонун ва ҳуқуқтартиботни мустаҳкамлашга, жамиятдаги ҳуқуқий маданиятни оширишга, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этишга қўшилган муҳим ҳисса бўлади.

Убайдулла ТОЖИХОНОВ, профессор.

Б И Р И Н Ч И Б Ў Л И М

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

І б о б. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

1-м о д д а. **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодекс, Узбекистон Республикаси қонунлари, Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ва Вазирлар Кенгашининг қарорлари, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорларидан иборатдир.

Ушбу Кодекс қоидалари мазкур Кодексга киритилмаган қонун ҳужжатларида содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларга ҳам тааллуқлидир.

1. Бу моддада Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунлари тизими белгилаб берилган. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунлар ушбу Кодексни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунлари ва қарорларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини, Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти юқори органи ва ҳукуматининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ваколатли ҳокимият органларининг ҳамда ҳокимларининг ҳужжатларини ўз ичига олади.

2. Моддада маъмурий жавобгарлик тўғрисида ҳужжатлар чиқаришга ваколатли бўлган юқори органлар ва мансабдор шахслар доираси кўрсатилган. Уларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши, шунингдек, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари киради.

Модда матнини таҳлил қилишдан шу нарса кўриниб турибдики, қонунлар билан қонун ҳужжатлари тушунчалари фарқланган. Қонун ҳужжатларига фақат Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти юқори органларининг ҳужжатлари киритилган, яъни буларга юқори ижроия органларнинг қарорлари киритилмайди.

3. Узбекистон Республикаси Конституциясининг 71-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси қонуни Корақалпоғистон Республикаси қонунидан

фарқ қилса, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари амал қилади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, Қорақалпоғистон Ресгубликасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунлари Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига зид бўлмаслиги лозим.

4. Кодексга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунлари, Президент Фармонлари киритилишига қадар Вазирлар Маҳкамасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қарорлари Узбекистон ҳудудида бевосита улар кучга кирган пайтдан бошлаб амал қилади. Бундай ҳолда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ҳал қилиш, агар янги қабул қилинган ҳужжатда бошқа қоидалар белгиланмаган бўлса, ушбу Кодекс қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

2-м о д д а. **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари**

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, шунингдек, бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун ушбу Кодекс қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансабдор шахс) томонидан қай тартибда қанақа маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди.

1. Кодекснинг бу моддаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги бутун қонун ҳужжатлари учун муҳим аҳамиятга эгадир, чунки у қайси вазифаларга эришилишига қаратилган бўлса, ўша вазифаларни белгилаб беради.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунлар маъмурий ҳуқуқнинг таркибий қисми бўлиб, Кодекснинг 2-моддасида бевосита кўрсатиб ўтилганидек, бизнинг конституциявий тузумимизни, мулкчиликнинг барча шаклларини, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқарув тартибини, давлат ва жамоат тартибини муҳофаза қилишда, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашда иштирок этади.

2. Конституциявий тузум жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тизимларини ўз ичига олади. Иқтисодий тизим асосини мулкчилик ташкил этади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг муҳим вазифаларидан бири мулкни муҳофаза қилишдир (масалан: молмулкни майда ўғрилик қилгани учун маъмурий жавобгарлик). Маъмурий жавобгарлик

тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ёрдамида қонун билан белгиланган хўжалик юритиш принциплари ҳам ҳимоя қилинади. Масалан, валюта операцияларини амалга ошириш тартибини бузиш (171-модда), ёнилғимойлаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, олиш қоидаларини бузиш (172-модда) ва бошқалар маъмурий жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади.

3. Табиатни (ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, ҳайвонот олами, атмосфера ҳавосини) муҳофаза қилиш қоидаларининг бузилишига, ана шу объектлардан нооқилона фойдаланишга қарши кураш ҳам иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эгадир, шу билан бирга, уларнинг кўпи (ер, ер ости бойликлари, ўрмонлар) давлатнинг фавқулодда мулки ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат органлари, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар зиммасига табиатни ва унинг бойликларини авайлаб сақлаш ва ҳимоя қилиш вазифасини юклайди (50-модда). Мазкур вазифани (масалан, табиатни муҳофаза қилиш қоидаларини, ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларини бузганлик учун) амалга ошириш маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги меъёрлар билан мустаҳкамланади.

4. Конституциявий тузумни муҳофаза қилишга милиция ходимларининг қонуний фармойишлари ва талабларига қасддан бўйсунмаган шахсларга, паспорт тизимини, чегара режимини, Ўзбекистонга келиш ва ундан чиқиб кетиш қоидаларини бузувчи шахсларга таъсир кўрсатишнинг маъмурий-ҳуқуқий усуллари ҳам киради.

5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (52-модда) Ватан ҳимоясини конституциявий тузум ва Ўзбекистон сиёсати асосларига киритади. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбийхизмат тўғрисида»ги Қонун мазкур конституциявий қоидаларни Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳақиқий ҳарбий хизматга чақиришни белгилаш ва Қуролли Кучлар захирасида бўлган даврда белгиланган бурчларни бажариш йўли билан рўёбга чиқариш усулларини белгилайди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳарбий ҳисобда туриш қоидаларини бузганлик учун, чақирув бўйича мудофаа ишлари бўлимларига келмаганлик, ҳарбий ҳужжатларни йўқотганлик, ўқув ёки текширув йиғинлари ва ҳоказоларга келмаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш йўли билан мазкур тартибга риоя қилинишига кўмаклашади.

Конституция Ўзбекистон фуқароларига ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқ ҳамда эркинликларнинг тўлалигини мустаҳкамлайди ва кафолатлайди. Шу билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиши жамият ва давлат манфаатларига, бошқа фуқароларнинг ҳуқуқларига зиён етказмаслиги лозим. Фуқароларнинг ҳуқуқларини бузадиган, уларнинг қонуний манфаатларига зарар етказадиган кўпгина хаттиҳаракатлар маъмурий жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади. Масалан, бундай жавобгарлик меҳнат ҳақидаги қонун ҳужжатларини ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидаларини бузганлик, санитария-гигиена ва эпидемиологик қоидаларни бузганлик учун татбиқ этилади. Майда безориликка, ичкиликбозликка, жамоат тартиби ва савдо қоидаларини

бузишларга, уй ҳайвонларини сақлаш тартибини бузишга ва ҳоказоларга қарши кураш тўғрисидаги маъмурий қонунларининг меъёрлари фуқароларнинг шахсини, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш мақсадларига хизмат қилади.

6. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳам ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади. Масалан: ер тўғрисидаги қонунларнинг қоидаларига мувофиқ ўрнатилган чекловчи белгиларни йўқотишда айбдор бўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортилади. Худди шундай йўл билан ўрмон хўжалиги ташкилотлари ва жамоа хўжаликларининг ҳуқуқлари дарахтларни ғайриқонуний равишда кесадиган, ўрмонлардаги чекловчи белгиларни йўқ қиладиган ва шикастлантирадиган шахсларнинг хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилинади. Бу ташкилотларнинг манфаатлари давлат ўрмон фонди ерларидан ғайриқонуний равишда фойдаланганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланиши билан ҳам ҳимоя қилинади. Чиптасиз юрганлик учун жарима белгиланиши йўловчи ташиш корхоналарининг мулкий манфаатларини ҳимоя қилади.

7. Бошқарув тартиби (бу сўзнинг тор маъносида) деганда ижро этиш – фармойиш бериш фаолиятини амалга ошириш тартиби тушунилади. Масалан, ўзбошимчалик шундай тушунишдаги бошқариш тартибининг бузилишидир (200-модданинг шарҳига қаранг). Сўзнинг кенг маъносидаги бошқариш тартиби ўзига маъмурий ҳуқуқ нормалари билан белгиланган биронбир фаолиятни амалга оширишнинг ҳар қандай тартибини ўз ичига олади. Стандартларни бузганлик учун жавобгарлик бунга мисолдир (212-модда).

8. Кодекснинг 2-моддаси мазмунидан шу нарса келиб чиқадики, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунлар вазифаларига, аввало, одамларни Конституция ва қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялаш йўли билан эришилади. Бу қонун ҳужжатлари фуқароларнинг ҳуқуқлари, орномуси ва қадр-қимматини, яшаш қоидаларини ҳурмат қилиш, ўз вазифаларини виждонан бажаришни юклайди. Шу билан бирга, қонун ҳужжатлари фуқаролар ва мансабдор шахслар ўз хаттиҳаракатлари учун жамият олдида жавобгар эканликларини ҳам англатади.

9. Кодекснинг мазкур моддасини талқин қилишда шуни назарда тутиш керакки, бу модда маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг таснифини эмас, балки уларнинг объектлари доирасига умумий тавсифини беради. Шу билан бирга, мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик, айни вақтда, бир нечта объектга ҳам эга бўлиши мумкин. Масалан, чегара минтақасига кириш ва у ерда яшаш Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлигига, яъни давлат тартибига қарши қаратилган, лекин, айни вақтда, бу бошқарув тартибига ҳам тажовуз қилишдир. Кодекс ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузишни бошқарув тартибига тажовуз қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарликка киритади, лекин пировардната жада у фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солади, мулкка зарар етказади.

10.Мазкур моддада ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш вазифаси кўрсатиб ўтилган, яъни маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги бутун қонун ҳужжатларига хос бўлган унинг профилактик йўналиши аниқ ифодалаб берилган.

11.2-модданинг иккинчи қисмида кўрсатиб ўтилишича, «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс» қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансабдор шахс) томонидан қай тартибда қандай маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилиши мумкинлигини ҳам белгилаб беради.

3-м о д д а. **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принциплари**

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқарраплиги принципларига асосланади.

1. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ягона принциплари ва умумий қоидаларининг белгиланиши давлатнинг бутун худудида ижтимоий муносабатларнинг мазкур соҳасини бир хилда ҳуқуқий тартибга солишни олдиндан белгилаб беради. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда шундай принциплар, чунончи: қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик ва қилинган айб учун жавобгарликнинг муқаррар эканлиги принциплари баён қилинади.

2. Қонунийлик шуни билдирадики, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, фуқароларнинг жамоат бирлашмалари Конституция ва қонунларга мувофиқ ҳаракат қилишлари лозим. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қараб чиқиш ва маъмурий жавобгарликка тортиш ана шундан келиб чиқиб, ушбу Кодекс қоидалари асосида демократизм, инсонпарварлик ва одиллик принципларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши лозим.

3. Фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги шуни англатадики, Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгадирлар ҳамда жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар (294— 300-моддаларнинг шарҳларига қаранг).

4. Айб қилганлик учун жавобгарликнинг муқаррар эканлиги шуни англатадики, маъмурий ҳуқуқбузарликка йўл қўйган бирорта ҳам шахс жазосиз қолмаслиги лозим.

4-м о д д а. **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг ваколатлари**

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси ихтиёрига берилади:

маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принципларини аниқлаш ва умумий қоидаларини белгилаб бериш;

маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликни, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органлар тизимини (мансабдор шахсларни), мазкур ишларни юритиш ва чиқарилган қарорларнинг ижроси тартибини белгилаш;

маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида Қорақалпоғистон Республикасининг ваколатларини белгилаш;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимият вакиллик органлари ҳамда ҳокимлари маъмурий жавобгарлик назарда тутиладиган қарор қабул қилишлари мумкин бўлган масалалар доирасини белгилаш.

1.Мазкур моддада Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасидаги фавкулодда ваколатлари белгилаб берилган. Унинг мазмуни Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги ваколатларни чегаралаш имконини беради, бу эса давлаттузумимиз ўзига хос шароитларида муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси ваколатига: маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қбнун ҳужжатларининг принципларини аниқлаш ва умумий қоидаларини белгилаш, ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни белгилаш; зарур бўлган ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг айрим турлари тўғрисидаги ишларни қараб чиқиш тартиби (бу ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган) киритилган. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгилаш бўйича ҳуқуқ яратиш ваколатлари юқорида санаб ўтилган ваколатлар билан чегараланмайди. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ва умумдавлат аҳамиятига эга бўлган бошқа масалалар соҳасидаги қонун ҳужжатлари ҳам унинг ихтиёрига берилиши керак.

2. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган умумий қоидаларга маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси, жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахслар тоифалари, маъмурий жазоларнинг турлари, бундай жазолар беришнинг умумий қоидалари ва муддатлари, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қараб чиқишга вакил қилинган органлар киради ва ҳоказо.

3. Ўзбекистон Республикасининг фавқулодда ваколатига бир қатор қоидаларни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш киритилган, бу қоидалар давлатнинг бутун ҳудудида бир хилда тартибга солиб туриладиган ижтимоий муносабатларга тааллуқлидир. Ўзбекистон Республикаси ихтиёрига

темир йўл, ҳаво ва трубопровод транспорти воситалари ҳаракатининг хавфсизлиги қоидаларини, ҳарбий ҳисобга туриш, чегара режими қоидаларини, божхона ва бошқа айрим қоидаларни белгилаш, маҳсулот стандарти ва сифатини, ўлчаш воситаларини муомалага чиқариш ва сақлаш, улардан фойдаланиш, ҳисобга олиш ва статистика қоидаларини, йўл ҳаракати қоидаларини, паспорт тизимини бузганлик учун жавобгарлик белгилаш берилади.

Юқорида айтиб ўтилган эгалик шу билан тугамайди, Ўзбекистон Республикаси ихтиёрига, шунингдек, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган бошқа масалалар юзасидан ҳам маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари берилади.

4. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида, шунингдек, вакиллик ва ижроия ҳокимиятнинг маҳаллий органлари қонун ҳужжатлари белгилаб берадиган доирада қарорлар қабул қиладиган, уларни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган масалалар доирасини белгилаш ҳам Ўзбекистон Республикаси ихтиёрига берилган. Ўзбекистон Республикаси ваколатининг бу қисми Кодексда кўрсатиб ўтилган (қаранг: 6-модданинг шарҳи).

5-м о д д а. **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида Қорақалпоғистон Республикасининг ваколатлари**

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида қуйидагилар Қорақалпоғистон Республикаси ихтиёрига берилади:

жамоат тартибини сақлаш масалалари бўйича, башарти бу масалалар ушбу Кодекс билан тартибга солинмаган бўлса, шунингдек, табиий офатлар ва эпидемияларга қарши кураш масалалари бўиича маъмурий жавобгарлик белгилаш;

ушбу Кодекснинг 90, 109, 110, 161, 162-моддаларига, 164-моддасининг иккинчи қисмига, 168-моддасига биноан бузилиши маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган қоидаларни белгилаш.

1. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида Қорақалпоғистон Республикасининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, қонун яратувчилик ваколатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши чиқарадиган ҳужжатлар билан амалга оширилади.

2. Қорақалпоғистон Республикаси жамоат тартибини сақлаш масалалари бўйича, башарти бу масалалар ушбу Кодекс билан тартибга солинмаган бўлса, маъмурий жавобгарликни белгилашга ҳаклидир, яъни майда безорилик (183-модда); ўқотар қуроллардан белгиланган тартибни бузган ҳолда отганлик (185-модда); жамоат жойларда спиртли ичимликларни ичганлик учун (187-модда) жавобгарлик бундан мустаснодир.

3. Республика қонун чиқарувчи органлари касаллик келтириб чиқарувчи манбаларнинг кенгайишига йўл қўймаслик чораларини зудлик билан амалга оширишни таъминлаш мақсадида, шунингдек, фавқулодда вазиятларда (шароитларда) рўй бериши мумкин бўлган салбий оқибатларга барҳам бериш зарур бўлиб қолган ҳолларда эпидемияларга ва табиий офатларга қарши кураш масалалари юзасидан маъмурий жавобгарлик белгиловчи ҳужжатлар чиқаришга ҳақлидир.

4. Республика ихтиёрига, шунингдек, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида шундай қоидалар белгилаш топширилганки, уларни, яъни ов қилиш ёки балиқ тутиш қоидаларини, шунингдек, ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузганлик (90модда); ҳайвонларни карантинга қўйиш ва бошқа ветеринариясанитария қоидаларини бузганлик (109-модда); ит ва мушук боқиш қоидаларини бузганлик (110-модда); шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларни бузганлик (161-модда); шаҳарлардаги дарахтларни шикастлантириш ёки уларни ўзбошимчалик билан кесиб ташлаш (162-модда); ёнилғи-мойлаш материаллари билан, дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлар билан савдо қилиш (164-модданинг 2-қисми); бозорларда савдо қилиш қоидаларини (168-модда) бузганлик учун ушбу Кодексга мувофиқ маъмурий жавобгарлик назарда тутилади.

6-м о д д а. **Маъмурий жавобгарлик тўғрисида қарорлар қабул қилиш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари**

Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қуйидаги ваколатларга эгадирлар:

жамоат тартибини сақлашга доир масалалар юзасидан, башарти бу масалалар ушбу Кодекс билан тартибга солинмаган бўлса, шунингдек, табиий офатлар ва эпидемияларга қарши кураш масалалари бўйича уларни бузганлик учун маъмурии жавобгарликка тортиш назарда тутилган қарорлар қабул қилиш;

ушбу Кодекснинг 90, 109, 110, 161, 162-моддаларига, 164-моддасининг иккинчи кисмига, 168-моддасига биноан бузилиши маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган қоидаларни белгилаш.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99-моддасига мувофиқ, жойлардаги вакиллик органлари (вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда; туманларга бўйсунадиган шаҳарлар, шунингдек, шаҳарлар таркибига кирадиган туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашларидир, улар давлат ва фуқаролар манфаатларидан келиб чиқиб, ўз ваколатларига кирадиган масалаларни ҳал қиладилар.

2. Жамоат тартибини сақлашга доир масалалар юзасидан, башарти бу масалалар ушбу Кодекс билан тартибга солинмаган бўлса, маъмурий жавобгарлик белгилайдиган қарорларни қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган доирада қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига, шунингдек, тегишли ҳокимликларга берилган.

Қонун ҳужжатлари (Кодекснинг 15-боби) жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳар хил ҳуқуқбузарликлар: майда безорилик, ўқотар қуроллардан белгиланган тартибни бузган ҳолда отиш, жамоатжойларида спиртли ичимликлар ичиш учун маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги нормаларни ўз ичига олган (183, 185, 187-моддалар шарҳларига қаранг). Шундай қилиб, кўрсатиб ўтилган маҳаллий кенгашлар ўз ваколатларини амалга ошира бориб, тилга олинган нормалар билан тартибга солинмаган масалалар юзасидангина жамоат тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш тўғрисида қарорлар қабул қилишлари мумкин.

3. Маҳаллий кенгашлар ва улар ҳокимларининг маъмурий жавобгарлик соҳасида ҳуқуқ яратувчилик ваколатлари уларга қонун ҳужжатлари белгилаб берган доираларда Кодекс нормаларига мувофиқ бузилиши маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган қоидалар белгилаш ҳуқуқини беришдан ҳам иборат.

Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари ов қилиш ва балиқ тутиш, ҳайвонларни карантинга қўйиш, шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш, бозорларда савдо қилиш қоидаларини белгилайдилар (90, 109, 161, 168-моддаларнинг шарҳларига қаранг). Шу тсенгашлар яна ит ва мушук боқиш қоидаларини бузганлик (110-модда), шаҳарлардаги дарахтларни шикастлантириш ёки уларни ўзбошимчалик билан кесиб ташлаш учун (162-модда), савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузганлик учун (164-модданинг 2-қисми) жавобгарликни белгилаб беришлари мумкин.

4. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари, тегишли ҳокимлар қонун ҳужжатларида белгиланган доирада айрим фавқулодда вазиятларда ҳуқуқ яратиш ваколатларига эгадирлар. Улар табиий офатлар ва эпидемияларга қарши кураш масалалари юзасидан маъмурий жавобгарлик белгилаш тўғрисида қарорлар қабул қилишга ҳаклидирлар. Бундай ёндашув касаллик манбаларининг кенгайишига йўл қўймаслик юзасидан чораларни зудлик билан амалга ошириш ва рўй бериши мумкин бўлган салбий оқибатларга барҳам бериш зарурати билан белгиланади.

5. Жойлардаги давлат органларининг қарори билан маъмурий жазолар белгиланиши ва фуқароларга — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ошмаган миқдорда жарима солиниши мумкин (25-модда).

7-м о д д а. **Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш**

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга, фуқароларни онгли, интизомли бўлиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган тадбирлар ишлаб чиқадилар ва уларни амалга оширадилар.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ўзбёкистон Республикаси Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида эса Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига ҳам мувофиқ қонунийлик, ҳуқуқтартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъмин эта бориб, ўз ҳудудларида барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишларини мувофиқлаштириб турадилар, ички ишлар органлари, вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар ҳамда уларга ҳисобдор маъмурий ҳуқуқбузарлик билан кураш олиб борувчи бошқа органлар фаолиятига раҳбарлик қиладилар.

1. Қонун давлат органлари, жамоат бирлашмалари зиммасига маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасида чоралар ишлаб чиқиш вазифасини юклайди. Бундай чоралар ҳуқуқбузарликларни содир этишга имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни аниклаш ҳамда барҳам топтиришни, фуқароларни юксак онглилик ва интизом, қонунларга қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашни ўз ичига олади. Қонунларни амалга ошириш мансабдор шахслар, давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг амалга оширадиган тегишли тадбирлари, шунингдек, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти билан таъмин этилади. (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуни. Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 5сон, 110-модда).

2. Маҳаллий ҳокимият органлари зиммасига қонунларга риоя қилинишини таъминлаш юзасидан конституциявий вазифа юкланган (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 110-моддаси). Узбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуни конституциявий фармойишни ривожлантириб, маҳаллий ҳокимият органларининг қонунларга риоя қилишни таъминлаш, давлат ва жамоат тартибини, фуқароларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатларини тартибга солади (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 320-модда).

3. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўз ҳудудларида барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишларини ташкил этиш ҳуқуқи берилган, улар бу

ишларни ҳам бевосита, ҳам ички ишлар органлари, вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва уларга ҳисобдор ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик билан кураш олиб бориши керак бўлган бошқа органлар фаолиятига раҳбарлик қилиш йўли билан амалга оширадилар.

4. Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш шакллари ва усуллари хилма-хилдир. Маъмурий ҳуқуқбузарликларга қарши кураш олиб борилиши лозим бўлган органларга нисбатан бу шакллар ва усуллар ишларни кўриб чиқишда жамоатчиликни иштирок этишга жалб қилиш, ҳуқуқбузарликларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларга барҳам бериш тўғрисидаги масалаларни қўйишни ўз ичига олади. Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссия берилган жазолар тўғрисидаги қарорларни жамоатчиликка етказиши мумкин. Комиссия ўз ишига касаба уюшмалари қўмиталари, мактаблар ҳузуридаги ота-оналар қўмиталари, болалар уйлари ҳомийлик кенгашлари вакиллари ва бошқаларни жалб қилиши мумкин. Улар вояга етмаганларнинг қаровсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш тадбирларини бевосита ўзлари, шунингдек, тегишли давлат органлари орқали ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар.

8-модда. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун таъсир кўрсатиш чораларини қўлланиш вақтида қонунийликни таъминлаш**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ҳеч ким қонун ҳужжатларида белгиланган асослар ва тартибдан бошқача тартибда таъсир кўрсатиш чорасига тортилиши мумкин эмас.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш қонунийликка риоя қилиш асосида олиб борилади.

Тегишли ваколат берилган органлар ва мансабдор шахслар маъмурий таъсир кўрсатиш чораларини ўз ваколатлари доирасида қўллайдилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун таъсир кўрсатиш чораларини қўлланиш чоғида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши ваколатли юқори турувчи органлар ва мансабдор шахслар томонидан мунтазам равишда назорат қилиб турилиши билан, прокурор назорати билан, шикоят бериш ҳуқуқи билан таъминланади.

1. Бу модда маъмурий ҳуқуқбузарликларга қарши курашга вакил қилинган ва кураш олиб борадиган органлар ҳамда шахслар фаолиятига нисбатан қонунийлик принципининг энг муҳим талабларини: биринчидан, маъмурий таъсир кўрсатиш чораларини қўлланиш учун қонуний асосларнинг мавжуд бўлиши, иккинчидан, фақат қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкинлигини мустаҳкамлайди.

Маъмурий жавобгарликка тортиш учун асослар шахс томонидан ҳуқуққа зид ҳаракатлар содир этилганлигидан далолат берувчи маълумотлар пайдо бўлганда вужудга келади, бундай ҳуқуққа зид ҳаракатлар рўйхати Кодекснинг

Махсус қисмида ёки маъмурий жавобгарликни белгилайдиган бошқа қонун ҳужжатида келтирилган (10-модданинг шарҳига қаранг). Муайян тадбирга риоя этилгандагина маъмурий таъсир кўрсатиш чораларини қўлланишга йўл қўйилади.

Қонунийлйкка риоя қилишнинг умумий принципи маъмурий ҳуқуқбузарликларга қарши кураш бўйича олиб бориладиган фаолиятнинг турли томонларига: маъмурий ишларни юритиш тартибига, таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш тартибига ва қонунийликни таъминлашнинг юридик кафолатларига татбиқан аниқлаштирилади.

2. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда қонунийликка риоя қилишнинг муҳим шарти маъмурий таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш расмий маросимига аниқ амал қилишдир. Процессуал нормалар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиб чиқиш тартиби; маъмурий ушлаб туриш тартиби; буюмлар ва ҳужжатларни дастлабки кўриб чиқиш ва тортиб олиш тартиби; ишни кўриб чиқиш расмий маросимини тартибга солиш ва ҳоказоларни ўз ичига олади. (Кодекс IV бўлими моддаларига доир шарҳларга қаранг).

3. Қонунийликни мустаҳкамлаш учун шу нарса белгиланганки, маъмурий таъсир кўрсатиш чоралари бунинг учун вакил қилинган органлар ва мансабдор шахслар томонидан қўлланади, уларнинг ваколатлари қатъий чекланган (242, 244-моддаларнинг шарҳларига қаранг). Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳақли бўлган органлар ва мансабдор шахслар рўйхати ушбу Кодекснинг 245—268-моддаларида келтириб ўтилган.

Ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи маъмурий таъсир кўрсатиш чоралари Кодекснинг 23-моддасида белгиланган ва ўзбошимчалик билан алмаштирилиши мумкин эмас. Бундан ташқари, муайян ҳуқубузарлик учун мансабдор шахслар ўзларига қонун ҳужжатларида бериб қўйилган ваколатлар доирасида жазо қўллашлари мумкин, бу ваколатлар, одатда, мазкур мансабдор шахсларнинг лавозим мавқеи билан белгиланади. Масалан, Узбекистон Республикасининг Бош давлат санитария шифокори ва унинг ўринбосари, жумладан, санитариягигиена ва санитария-эпидемия қоидалари ҳамда нормаларини бузганлик учун мансабдор шахсга энг кам иш ҳақининг етти баравари миқдоригача жарима солишлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг бош давлат санитария шифокорлари ва уларнинг ўринбосарлари, туман бўлинишига эга бўлган шаҳарларнинг бош давлат санитария шифокорлари ва сув транспортидаги ҳавзаларнинг бош давлат санитария шифокорлари энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишлари; туман бўлинишига эга бўлмаган шаҳарларнинг, туманларнинг бош давлат санитария шифокорлари ва сув транспортидаги портлар ва линия участкаларининг бош давлат санитария шифокорлари энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишлари мумкин. Ваколатларни худди шундай чегаралаш бошқа айрим мансабдор шахслар: давлат ветеринария назорати; Ўзбекистон Республикаси Табиатни

муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари мансабдор шахслари учун ҳам белгиланган (қаранг: 259, 261-моддаларнинг шарҳлари).

4. Қонун талабларига риоя қилишнинг юридик кафолатлари, аввало, юқори органларнинг мунтазам назорат қилишини ўз ичига олади, бу органлар ва мансабдор шахслар ўз фаолиятида қонунийликка риоя қилинишини, шу жумладан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш чоғида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлашлари лозим. Бу хилдаги назорат маъмурий ҳуқуқбузарликларга қарши ҳуқуқни татбиқ этиш фаолиятини ташкил этишга; қонунийликни мустаҳкамлашда маъмурий таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш амалиётининг ролини ошириш мақсадида уларни қўллаш амалиёти натижаларини умумлаштиришга ва ҳоказоларга тааллуқли бўлган кенг масалалар доирасига дахлдордир.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш вақтида қонунийликни мустаҳкамлашда прокурор назорати алоҳида роль ўйнайди; прокурор «Ўзбекистон Республикасининг Прокуратура тўғрисида»ги қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993, 1-сон, 29-модда) мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғашга, иш материаллари билан танишиб чиқишга ва уни кўриб чиқишда қатнашишга; ишни кўришда органлар (мансабдор шахслар) ҳаракатларининг қонунийлигини текширишга; қарорнинг ижро этилишига норозилик билдириш ва уни тўхтатишга; қонунда назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақлидир (275, 317, 318, 320, 321, 323-моддаларнинг шарҳларига қаранг).

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш вақтида қонунийликнинг муҳим юридик кафолатлари маъмурий жавобгарликка тортиладиган шахсларнинг ҳуқуқларини тартибга соладиган нормалардан: иш материаллари билан танишиш, изоҳ бериш, далиллар тақдим этиш, ариза билан мурожаат қилиш, она тилида сўзга чиқиш, адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш, ишга доир қарор бўйича шикоят бериш сингари ҳуқуқдардан иборатдир (294-модданинг шарҳларига қаранг).

9-м о д д а. **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг амал қилиши**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс бу ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойда амал қилиб турувчи қонун ҳужжатлари асосида жавобгарликка тортилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки бекор қилувчи ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эгадир, яъни ушбу ҳужжатлар чиққунга қадар содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолларига ҳам тааллуқлидир. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни белгиловчи ёки жавобгарликни кучайтирувчи ҳужжатлар эса орқага қайтиш кучига эга бўлмайди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўрилаётган вақт ва жойда амал қилиб турган қонун ҳужжатлари асосида юритилади.

1. Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан татбиқ этилиши лозим бўлган қонун ҳужжатлари деганда бу ўринда ана шу ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи ҳар қандай ҳуқуқий нормаларни тушунмоқ керак. Буларга Кодекснинг Махсус қисми моддалари, Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари нормалари, Узбекистон Республикаси вакиллик ва ижро этувчи маҳаллий ҳокимият органлари белгилаган қарорлар ва қоидалар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳали Кодексга киритилмаган маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қарорлари киради.

Кўрсатиб ўтилган қонун ҳужжатларига Кодекс Умумий қисмининг моддалари ҳам киради, чунки улар ҳам маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишга таъсир кўрсатиши мумкин.

2. Белгиланган тартибда кучга кирган қонун ҳужжатлари, башарти уларнинг махсус кўрсатиб ўтилган амал қилиш муддати ўтиб кетмаган ёки улар бошқа ҳужжат билан бекор қилинмаган бўлса, амал қилаётган қонун ҳужжатлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа ҳужжатлари улар қабул қилингандан кейин етти кунлик муддат ичида эълон қилинади ва босилиб чиққан кундан кейин ўн кун ўтгач, башарти ОлийМажлис ёки Президент бошқа муддатни белгиламаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида бир вақтнинг ўзида кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг умумий аҳамиятга ёки норматив хусусиятга эга бўлган қарорлари тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами»да эълон қилинади. Улар қабул қилинган пайтдан эътиборан, агар қарорнинг ўзида унинг кучга кириш муддати кўрсатилмаган бўлса, кучга киради. Вакиллик ва ижро этувчи маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари улар қабул қилинган пайтдан эътиборан кучга киради ва муайян муддат мобайнида амал қилади.

3. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг амал қилиш ҳудудий чегаралари, аввало, уничиқарган органнинг ваколатлари билан белгиланади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари давлатнинг бутун ҳудудида амал қилади, Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, башарти амал қилиш чегараси ҳужжатнинг ўзида чекланмаган бўлса, шу республика ҳудудида амал қилади.

4. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни юмшатувчи ҳужжат санкциядан анча қаттиқ жазони чиқариб ташлаган ёки жазонинг ҳажмини камайтирган ёки қўшимча жазони чиқариб ташлаган ҳужжат ҳисобланади.

Оғирлаштирувчи шароитларда, масалан, хаттиҳаракатни такрор содир этганлик учун жавобгарликни чиқариб ташлаган ҳужжат ҳам юмшатувчи ҳужжат ҳисобланади.

Жавобгарлик қайси ҳужжат билан белгиланган бўлса, мазкур ҳужжат бекор қилиниши, шунингдек, қисман бекор қилиниши билан, бунга қадар жавобгарликка сабаб бўлган ҳуқуқбузарликлардан биттаси учун жавобгарликни чиқариб ташлаш билан жавобгарлик ҳам бекор қилинади.

Жавобгарликни юмшатувчи ёки барҳам топтирувчи ҳужжатлар ишни кўриб чиқишнинг ҳар қандай босқичида қўлланади.

Янги хатти-ҳаракатни назарда тутувчи янги ҳужжат ҳам ва унинг учун белгиланган жазо ҳам, шунингдек, амалдаги ҳужжат ҳам, унга киритилган хатти-ҳаракатларни янгилари билан тўлдирувчи ҳужжат ҳам жавобгарликни белгиловчи ҳужжат ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтирувчи ҳужжат санкцияга янги, янада қаттиқроқ жазони киритувчи ёки мавжуд бўлган жазонинг ҳажмини кўпайтирувчи ёхуд қўшимча жазо киритувчи ҳужжатдир.

5. Хаттиҳаракат содир этилган пайтдан эътиборан қонунчиликда содир булган ўзгаришлардан қатъи назар, ишни кўриб чиқиш пайтида амал қилаётган юритиш қоидалари қўлланади.

Худди шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш хаттиҳаракатнинг содир бўлиш жойига боғлиқ эмас, балки ишни кўриб чиқиш жойида амал қилаётган қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

И К К И Н Ч И Б Ў Л И М

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

У М У М И Й Қ И С М

II б о б. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК

10-м о д д а. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракати ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Ушбу Кодексда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, башарти бу ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда, амалга оширилади.

1. Қуйидаги ҳаракат ёки ҳаракатсизлик яъни: 1) ғайриҳуқуқий; 2) айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида); 3) шахсга, давлат ва жамоат тартибига, мулкчиликка, фуқароларнинг ҳуқуклари ва эркинликларига, табиий муҳитга тажовуз қилиш; 4) қонун ҳужжатларида айнан маъмурий жавобгарлик назарда тутилган ҳолатлар ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади. Бу тушунча маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг юридик белгиларига эга бўлиб, жамиятга, давлатга ва фуқароларга, корхоналарга, муассасаларга ва ташкилотларга зарар етказишни кўрсатиб ўтиш йўли билан уларга ижтимоий тавсиф беради.

2. Бошқа ҳуқуқбузарликлар ҳам ҳаракат (масалан, майда ўғрилик) ёки ҳаракатсизлик (масалан, транспортда чиптасиз юриш), яъни хатти-ҳаракатлар ҳам маъмурий ҳуқуқбузарликлардир. Лекин мазкур ҳолатда қонун чиқарувчи (Кодексни тушуниш кўпроқ қулай бўлиши учун) "хатти-ҳаракат" атамасини ишлатмаган.

3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик номининг ўзидан ҳам кўриниб турибдики, ғайриҳукуқий хатти-ҳаракатдир. Бу қилиниши тақиқланган нарсани содир этиш ёки ҳуқуқий норма билан буюрилган нарсани қилмасликдир. Кодекснинг баъзи моддалари муайян турдаги ҳуқуқбузарликларга таъриф беришда гипотезани (диспозицияни) ва ҳуқуқий норма санкциясини ўз ичига олади, лекин кўпинча у "қоидаларни бузиш..." деган ҳавола қилувчи ифодани қўллайди (сўнгра айнан қандай қоидалар ҳақида гап бораётгани кўрсатилади ва санкция қўлланилади).

4. Бошқа ҳуқуқбузарликлар сингари маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳам айбли хатти-ҳаракат, яъни қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган хатти-ҳаракат ҳисобланадй (11, 12-моддаларнинг шарҳларига қаранг). Ақли норасо шахс фақат объектив равишда ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатни содир қилади, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этмайди (20-модданинг шарҳларига қаранг).

5. Кодекс маъмурий ҳуқуқбузарликлар тажовуз қиладиган ижтимоий муносабатлар доирасини атрофлича тавсифлаб берган бўлиб, у Кодекснинг Махсус кисмида ўз ифодасини топган, у ерда, хусусан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар инсоннинг соғлиғига қарши қаратилган, мулкка тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар ҳақида, табиий мўҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги, саноат, қурилиш, иссикдик ва электр энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги, савдо ва молия соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги боблар бор ва ҳоказо.

6. Қонун чиқарувчи маъмурий ҳуқуқбузарликларга ижтимоий тавсиф берар экан, жиноятлардан фарқли ўлароқ, уларни ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатлар деб атамаган. Бу билан ҳуқуқбузарликлар мазкур икки турининг сифат фаркдари қайд этилган, жорий қонун ҳужжатлари амалиёти эса жавобгарликнинг содир этилган айбга мувофиклигини таъминлашга ва давлат мажбурлашининг ҳаддан ташқари кенгайишига барҳам берилишига қаратилган.

Маълумки, содир этилган жиноятлар учун санкциялар жиноий қонун ҳужжатларида «жазолаш» деб аталган, хусусан, «жазо» сифатида тавсифланган. Маъмурий ҳуқуқда эса «жазолаш» ва «жазо» атамалари йўқ ва бу билан ҳам жиноятлар билан маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун бериладиган санкциялар сифат жиҳатидан фарқ қилиши таъкидланган. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар фақат «жавобгарлик меъёри» деб аталган ва маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларни қонунларга риоя қилиш, умумий яшаш қоидаларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек, ҳуқуқбузарларнинг ҳам, бошқа шахсларнинг ҳам янги ҳуқуқбузарликлар содир этишининг олдини олиш мақсадида татбиқ этилади (22-модданинг шарҳларига қаранг). Бинобарин, қонун чиқарувчи маъмурий жазолашларни қўлланиш мақсадларини аниқлаш вақтида жиноий жазолаш мақсадларидан фарқли ўлароқ, «тузатиш ва қайта тарбиялаш» деб кўрсатиб ўтмайди, бу ҳам жиноятни содир этган шахсларга нисбатан қўлланадиган чоралар билан маъмурий ҳуқуқбузарликка йўл қўйган шахсларга ниебатан (булар, одатда, тузатиш ва қайта тарбиялашга муҳтож эмаслар) қўлланадиган чоралар ўртасидаги фарқлар таъкикланади.

Бироқ, маъмурий ҳуқуқбузарликлар орасида жиноятларга тугашиб кетадиганлари ва уларга яқинлари ҳам бўлади. Ана шу "чегара минтақаси"га нисбатан ҳуқуқбузарликларни тўғри таснифлаш муаммоси жуда муҳим ва айни вақтда мураккабдир. Кодекс Махсус қисмининг кўпгина ифодалари маъмурий ҳуқуқбузарликлар билан уларга яқин жиноятлар ўртасидаги аниқ чегара ажратувчи чизиқларга эга эмас. Ана шундай чегара ажратувчи чизиқлар ҳамиша ҳам кўзга ташланавермайди, улар фақат Жиноят кодекси билан Маъмурий жавобгарлик кодексининг тегишли моддалари қиёслангандагина кўзга ташланади.

Қонун чиқарувчи чегара ажратувчи чизиқлар сифатида қуйидаги белгилардан фойдаланилади: оғир оқибатларнинг мавжудлиги, ана шундай оқибатларнинг рўй бериши мумкинлиги; ҳуқуқбузарлик етказган зарарнинг миқдори; маъмурий жазо қўлланган тақдирда ҳуқуқбузарлик содир бўлишининг такрорланиши ёки бир неча марта содир бўлиши, қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши — қасддан содир этилган айб жиноят ҳисобланади (жиноят белгилари орасида камданкам ҳолларда фойдаланилади).

10-моддадан кўриниб туришича, маъмурий ҳукуқбузарлик деб шундай ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракат тушуниладики, уни содир қилганлик учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган, лекин бу жавобгарлик бошқа биронбир жавобгарлик (жиноий, интизомий, моддий ва ҳоказолар эмас, балки маъмурий жавобгарликдир), ҳамма учун мажбурий бўлган қоидаларнинг барчаси ҳам маъмурии жавобгарлик билан муҳофаза қилинавермаслигини ҳисобга олиш керак.

7. Қонун маъмурий ҳуқуқбузарлик белгиларини ифодаланган ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг субъектив томонига катта эътибор беради ва шуни ҳисобга олган ҳолда маъмурий ҳуқуқбузарликни у билан ташқи томондан ўхшаш бўлган объектив ғайриҳуқуқий хулқатвордан, у билан расман ўхшаш бўлган

ҳаракатлардан чегаралайди. Масалан, охирги зарурат, зарурий мудофаа ва ғайришуурий ҳолат, қонунга кўра, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг йўқдигини билдиради ва шу сабабли маъмурий жавобгарликни истисно қилади. Шу муносабат билан Кодекснинг 18 ва 19-моддаларида (зарурий мудофаа ва охирги зарурат тўғрисида) маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақида эмас, балки Кодексда ёки бошқа норматив ҳужжатларда кўзда тутилган, маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгилайдиган хатти-ҳаракат тўғрисида гапирилади, 20-моддада эса (ақли норасолик тўғрисида) ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тўғрисида гап боради, яъни бу ҳам маъмурий жавобгарликдан озод этади.

8. Маъмурий жавобгарлик оммавийҳуқуқий хусусиятга эга бўлади. Бу — давлат ва унинг ваколатли органлари олдида жавобгарликдир, ҳуқуқбузарлар хизмат бўйича бу органларга бўйсундирилмаган. Агар маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш билан бировнинг кишига мулкий зарар етказилган бўлса, у ҳолда бу зарарни қоплаш масаласи алоҳида (зарарнинг миқдори ва ишни ҳал қиладиган органга қараб) ҳал этилади ёки маъмурий тартибда ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишни кўриб чиқиш билан бир вақтда суд томонидан умумий даъво билдириш тартибида ҳал қилинади (38-модда). Биринчи ҳолда биз янги ҳуқуқий ҳодисани — маъмурий ишдаги фуқаролик даъвосини билдиришга ўхшаш бир нарсани кўрамиз. Зарарни бундай қоплаш маъмурий жавобгарлик ҳисобланмайди.

9. Қонун ҳужжатлари ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш мумкинлигини ҳам назарда тутган. Маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда орган, мансабдор шахс умуман огоҳлантириш билан кифояланишлари мумкин, бу эса маъмурий жазо ҳисобланмайди. Бу ўринда маъмурий ҳуқуқбузарлик яққол кўриниб турса ҳам унинг учун жавобгарлик белгиланмаган, фақат ахлоқий тусдаги расмий жавоб бериш мавжуддир (21-модданинг шарҳларига қаранг).

Мазкур хатти-ҳаракат учун қонун ҳужжатларида айнан маъмурий жавобгарлик кўзда тутилганлиги ва унинг ўзи шу сабабли маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланиши факти бундай хаттиҳаракат учун жавобгарликнинг бошқа тури бўлган интизомий жавобгарликни қўлланишни асло истисно қилмайди. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўфисидаги қонун ҳужжатлари бундай ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун айрим тоифадаги ходимлар учун маъмурий жавобгарликни эмас, балки интизомий жавобгарликни бевосита қўлланишни назарда тутади, бу эса ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатларга икки томонлама — бир вақтнинг ўзида маъмурий ҳамда интизомий хатти-ҳаракатлар сифатида баҳо бериш билан боғлиқдир. Масалан, ҳарбий хизматчилар ҳамда ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий эмас, балки интизомий жавобгар бўладилар (16-модданинг шарҳларига қаранг). Қонун ҳужжатларида юридик томондан икки томонлама баҳо бериладиган, яъни ҳам интизомий, ҳам маъмурий жазо бериладиган айни битта хатти-ҳаракатга нисбатан тақиқлаш мавжуд эмас.

11-м о д д а. **Маъмурий ҳуқуқбузарликни қасддан содир этиш**

Башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги, ғайриҳуқуқий эканлигини билган бўлса, унинг зарарли оқибатларига кўзи етган, юз беришини истаган бўлса ёки бу оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик қасддан содир этилган деб ҳисобланади.

1. 10-моддада кўрсатилганидек, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг энг муҳим белгиларидан бири қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган айбдир.

Ушбу моддада қасддан содир этилган айб тушунчаси очиб берилади. Шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этгани учун жавобгарликка тортилар экан, барча ҳолларда бундай айб қилинган бўлиши зарур. Бу хилдаги ҳуқуқбузарлик фақат қасддан содир этилиши мумкин.

Кодекс Махсус қисмининг айрим моддаларида айбнинг қасддан содир қилинган шакли тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилади. Булар маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг ҳарбий билетни, ҳарбий ҳисоб ҳужжатларини қасддан яроқсизлантириш (236-модда), муҳрлар (пломбалар)ни қасддан бузиш ёки юлиб олиш (228-модда) каби таркибларидир. Бироқ кўпчилик ҳолларда ҳуқуқбузарлик таркибининг субъектив томони тўғрисида Махсус қисмнинг тегишли моддасида келтирилган барча белгиларни таҳлил қилиш асосидагина хулоса чиқариш мумкин. Қасддан содир этилган айб, хусусан, албатта ғаразли ният билан боғлиқ бўлиб, мақсад белгиси гувоҳлик берадиган, масалан, милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаслик, майда безорилик қилган вақтда жамиятдаги хулқ-атвор қоидаларини қасддан менсимаслик, транспорт воситаси ҳайдовчисининг мастлик ҳолати тўғрисида кўрикдан ўтишдан бош тортиши ва ҳоказолар шулар жумласига киради.

Ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиши мумкин бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликлар таркибида қасддан содир этилган айбнинг мавжудлиги айбдорга нисбатан янада қаттиқроқ жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

2. Маъмурий ножўя хатти-ҳаракатлар барча таркибини, ҳам жиноятлар таркибини шартли равишда расмий ва моддий таркибларга бўлиш мумкин. Маъмурий ножўя хатти-ҳаракатлар таркиби мавжуд бўлиши учун (маъмурий ҳуқуқда улар анча кўп топилади) қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг содир этилганлиги етарлидир, бунда унинг натижасида қандай оқибатлар келиб чиққанлиги ҳисобга олинмайди. Бундай ножўя хатти-ҳаракатларга, масалан, тегишли рўйхатдан ўтмасдан ёки рухсат олмасдан туриб радиоқурилмалар ўрнатиш ва фойдаланиш сингарилар киради. Ҳуқуқбузарликларнинг моддий таркиблари расмий таркиблардан фарқли ўлароқ, ўзига мажбурий белги сифатида фақат ҳаракат ёки ҳаракатсизлик эмас, балки ҳаракат (ҳаракатсизлик) билан келиб чиққан зарарли оқибат ўртасидаги натижа ва сабаб боғланишини қамраб олади. Бундай ҳуқуқбузарлик, масалан, олов билан эҳтиётсиз муносабатда бўлиш натижасида ўрмоннинг йўқ

қилиниши ёки шикастлантирилишидан иборатдир. Бу ерда дарахтларнинг йўқ қилиниши шакли ўрмон хўжалигига етказилган зарар оқибатида намоён бўлади.

3. Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг расмий таркибларида қасддан содир этилган айб шахснинг ғайриҳуқуқий тарзда ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этганлигини, яъни уларнинг ноқонуний эканлигини англаб етганлигидан иборат бўлади.

Кодекснинг Махсус қисмидаги айрим моддаларда ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар содир этишдан огоҳлантириш, тегишли қоидалар ва йўриқномаларнинг талабларига қатъий риоя қилиш зарурлиги эслатиб ўтилади. Меҳнатга маъмурий мажбур қилиш бунга мисолдир.

У ёки бу хатти-ҳаракатларни содир этиш қайси орган томонидан қачон тақиқланганини ҳуқуқбузар аниқ билиши талаб қилинмайди. Худди, шунингдек, унинг ҳуқуқбузарлик учун қандай жазо берилиши мумкинлигини аниқ билиши ҳам шарт эмас.

Аксарият ҳолларда содир этилган қасддан қилинган ҳаракатнинг ғайриҳуқуқий эканлигини англаб етиш масаласи қуйилмайди, чунки гап, одатда, яққол йўл қўйилмайдиган ҳаракатлар тўғрисида боради, уларнинг ғайриҳуқуқий эканлигидан аҳоли кенг хабардор этилади.

4. Маъмурий ножўя хатти-ҳаракатларнинг моддий таркибларида қасддан содир этилган айб қилинган ҳаракат ёки ҳаракатсизликнйнг ғайриҳуқуқий эканлигини англаб етишдан ташқари, ҳуқуқбузарнинг келиб чиққан зарарли оқибатларга муносабатини ҳам ўз ичига олади. Шахс бу оқибатларни олдиндан кўра билади ва хоҳлайди, ёки уларнинг содир бўлишига онгли равишда йўл қўяди. Айтиш мумкинки, оқибатларни олдиндан кўра билиш ғаразли ниятнинг акдий жиҳатини ифодалайди, зарарли оқибатларнинг бошланишини исташ ёки унга йўл қўймаслик ихтиёрий жиҳатни англатади.

Ихтиёрий жиҳатга боғлиқ равишда бевосита ғаразли ният ва бавосита ғаразли ният фарқланади. Бевосита ғаразли ниятда шахс оқибатларнинг келиб чиқишини истайди, бавосита ғаразли ниятда эса у фақат оқибатларнинг бошланишига онгли равишда йўл қўяди. Муайян маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибига (шахс бу ҳуқуқбузарликни содир этгани учун маъмурий жавобгарликка тортилади) кирадиган оқибатларни олдиндан кўра билиш билан ҳам, шунингдек, истак ёки йўл қўйиш билан ҳам қамраб олиниши лозим. Масалан, шахс майда ўғрилик қилганда, ўзининг озроқ миқдордаги мулкни энг кам иш ҳақининг бир миқдоридаги ана шу мулкни бепул, ғаразли мақсад билан эгаллаб олаётганини англаб етади, бунинг натижасида мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар, корхонага, муассасага, ташкилотга шундай зарар етаётганини олдиндан кўра билади ва шуни хоҳлайди.

12-м о д д а. **Маъмурий ҳуқуқбузарликни эҳтиётсизлик орқасида содир этиш**

Башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги зарарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўра билган бўлса ҳам, лекин калтабинлик билан уларнинг олдини олиш мумкин деб ўйлаган бўлса, ёхуд бундай оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўриши лозим ва мумкин бўлгани ҳолда олдиндан кўра билмаган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик эҳтиётсизлик орқасида содир этилган деб ҳисобланади.

1. Эҳтиётсизлик орқасида қилинган айб қасддан содир этилган айб сингари маъмурий ҳуқуқбузарликнинг энг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади.

Эҳтиётсизлик орқасида содир этилган ғайриҳуқуқий ҳаракат қасддан содир этилган худди шундай ҳаракатга нисбатан камроқ жиддий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Эҳтиётсизлик орқасида содир этилган айб маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг моддий таркибларига татбиқан белгиланади ва ҳуқуқбузарнинг фақат ўз ҳаракати оқибатларига муносабати билан боғланади. Расмий ножўя хатти-ҳаракатни содир этишда, яъни келиб чиққан зарарли оқибатлардан қатъи назар, тугалланган деб ҳисобланадиган хатти-ҳаракатни содир этишда эҳтиётсизлик билан қилинган айб нимада ифодаланиши тўғрисида бу модда бевосита кўрсатмалар бермайди. Бироқ модданинг мазмунидан ва унинг олдинги, яъни қасддан қилинган айбларни қараб чиқувчи модда билан қиёслашдан шундай хулоса чиқариш мумкин: расмий ножўя хатти-ҳаракатларда эҳтиётсизлик билан қилинган айб шундан иборатки, шахс у ёки бу ҳаракатни содир этар экан, одатда, унинг ғайриҳуқуқий эканлигини англаб етмайди, лекин, у буни англаб етиши лозим ва мумкин эди. Шахс ўз ҳаракатининг ғайриҳуқуқий эканлигини, у маъмурий тартибда жазоланишини англаб етиши лозим ва мумкин эди, деган хулосани ишнинг аниқ ҳолатларини ва ҳуқуқбузарнинг субъектив имкониятларини ҳисобга олган ҳолда чиқариш мумкин.

2.Эҳтиётсизлик орқасида содир этилган айбнинг икки шакли: ортиқ даражада ўзига ишониш — бу шахснинг ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги зарарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўра билган бўлса ҳам, лекин енгилтаклик билан уларнинг олдини олиш мумкин деб ўйлаши ва бепарволик — шахснинг қонунда кўрсатилган оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра билиши лозим ва мумкин бўлгани ҳолда уларни олдиндан кўра билмагани билан фаркданади.

3.Ўзига ортиқ даражада ишонганда шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги зарарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўра билган бўлса ҳам уларнинг олдини олиш мумкин деб ўйлайди. Бунда у муайян реал имкониятлардан келиб чиқади. Шундай ҳолатга умид қилади, яъни шахс ўзининг ва бошқаларнинг кучи, билими ва тажрибасига, табиат кучларига ва шу кабиларга ишонади. Масалан, у шундай вазиятда, чунончи, транспорт воситасини бошқаришни уни бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсга берар

экан, ўзининг катта тажрибаси ва ҳаракатнинг унчалик тез эмаслиги билан у авария ҳолатининг олдини олиш мумкин, деб ҳисоблайди. Башарти, бундай авария ҳолати келиб чиқадиган бўлса, ҳайдовчи ўзига ортиқ даражада ишонишидан келиб чиққан зарарли натижа учун жавобгар бўлади.

4. Бепарволикда ҳуқуқбузар зарарли оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра билмайди. Кўпинча бу ҳол шу нарса билан боғлиқ бўладики, ҳуқуқбузар ўзи амалга оширган ҳаракат нималарга олиб келиши мумкинлигини ўйлаб кўрмайди.

Шахс ўзининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги зарарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўра билиши лозимлигини аниқлаб олиш учун у мавжуд объектив шарт-шароитларни билиши зарур бўлади.

Зарарли оқибатларни олдиндан кўра билишга шахснинг бажарадиган хизмат вазифалари хусусиятлари ва яшаш қоидалари, масалан, олов билан эҳтиётсизларча муносабатда бўлиши натижасида ўрмоннинг йўқ бўлиши ёки шикастланиши вақтидаги хизмат вазифалари ва хусусиятлари ҳамда яшаш қоидалари талаблари боғлиқ бўлиши мумкин.

Шахс келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларни олдиндан кўра билиши лозим эмаслиги маълум бўлган ҳолларда, унинг маъмурий жавобгарлиги ҳақидаги масалага ўрин қолмайди ва шахс бу оқибатларни олдиндан кўра билиши лозимми ёки лозим эмаслигини аниқлашга эҳтиёж бўлмайди.

Агар шахс зарарли оқибатлар келиб чиқишини олдиндан кўра билиши лозим бўлса, унинг бу ишни қила олишини аниқлаш талаб этилади. Бу ҳақда тўғри хулоса чиқариш учун ҳуқуқбузар шахснинг муайян ўзига хос хусусиятларини: унинг ҳаётий тажрибасини, маълумотини, касбини, иш стажини, кўникмаларини, саломатлиги ҳолларини, руҳиятини, шахс ҳаракат қилган вазиятни ва ҳоказоларни ҳисобга олиш керак бўлади.

5. Эҳтиётсизлик билан қилинган айбдан шахс жавобгар бўлмайдиган чигал иш ёки ҳодисани фарқлаш керак. Бу кейинги ҳолат учун шахс амалга оширган ҳаракат натижасида келиб чиққан зарарли оқибатларни олдиндан кўра билиши лозим ва мумкин эмаслиги хосдир. Бу ҳолатларга транспортдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўгрисидаги ишларни кўриб чиқиш вақтида дуч келиш мумкин.

13-м о д д а. **Маъмурий жавобгарликка тортилиш ёши**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

1. Айрим жиноят турларини содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга 14 ёшданоқ йўл қўядиган жиноий қонун ҳужжатларидан фарқли ўлароқ, маъмурий ҳуқуқ кўп томонлама қоидага эгадир — фақат 16 ёшга тўлган шахсларгина маъмурий жавобгарликка тортилади, бунда ишни кўриб чиқиш ёки иш бўйича қарорни бажаришнинг бошланиш пайтида эмас, балки маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган пайтга келиб мазкур ёшга етган шахслар шу жавобгарликка тортилади. Тахмин қилинишича, айни 16 ёшга тўлган ёшлар

маъмурий ҳуқуқбузарлик нимадан иборат эканлигини тўла англаб етишга, уларни содир этишга йўл қўйиб бўлмаслигини тушунишга ва шунинг учун уларни содир этганлик учун шахсан жавобгар бўлишга қодир бўладилар.

14-м о д д а. **Вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлиги**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар тўғрисидаги низомда назарда тутилган чоралар қўлланади.

Ана шу шахслар мазкур Кодекснинг 61, 125, 126, 127, 128, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, 136, 138, 183, 184, 185, 194, 218, 220, 221-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган тақдирда, улар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортиладилар. Содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусиятини ва ҳуқуқбузарнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда мазкур шахсларга нисбатан (ушбу Кодекснинг 194-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар бундан мустасно) ишлар Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи шаҳар, туман, шаҳарлардаги туман комиссиялари ихтиёрига берилиши мумкин, ушбу Кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларнинг ишлари эса шу комиссияларга берилиши лозим.

1. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар тўғрисидаги низомда 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахсларнинг маъмурий ножўя хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлиги билан боғлиқ бўлган таъсир кўрсатиш чоралари назарда тутилган. Мазкур Низом Узбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ҳайъатининг 1985 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар тўғрисидаги ва вояга етмаганларнинг жамоат тарбиячилари ҳақидаги низомга ўзгаришлар ва қўшимчалар қилиш тўғрисида»ги 452—XI сонли Фармони билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1985, 31-сон, 363-моддага қаранг). Бундай чоралар қаторига: жабрланувчидан кўпчилик олдида ёки бошқача шаклда кечирим сўраш, ҳайфсан ёки қаттиқ ҳайфсан бериш, етказилган моддий зарарни қоплаш, вояга етмаганларни ота-оналар, жамоат тарбиячилари назоратига, меҳнат жамоасининг ёки жамоат ташкилотининг назоратига бериш, мажбурий тарбиялаш характеридаги бошқа чоралар, шунингдек, жарима тўлаш чоралари киради. Бу чоралар комиссия томонидан мажбурий тарзда, яъни вояга етмаган ёшнинг, унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини эгаллайдиган шахсларнинг истагига боғланмаган ҳолда кўрилади.

Туман (шаҳар), шаҳардаги туман Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялари томонидан таъсир кўрсатиш чораси сифатида жарима қўлланиши, айни вақтда, маъмурий жазо чораси ҳам ҳисобланади. Демак, жарима 16 ёшга тўлган ва мустақил иш ҳақига эга бўлган шахсга Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви юқори органларининг

ҳужжатларида ҳамда маҳаллий вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органлари қарорларида кўзда тутилган ҳоллар ҳамда миқдорларда солинади.

Комиссиянинг ҳайфсан ёки қаттиқ ҳайфсан эълон қилиш тўғрисидаги қарори бир йил мобайнида амал қилади; башарти вояга етмаганлар ана шу муддат ичида янги ҳуқуқбузарлик содир қилмаган бўлсалар, таъсир кўрсатиш чораси олиб ташланган ҳисобланади.

Агар вояга етмаган ўсмир ўзининг тузалганлигини исботласа, комиссиянинг уни ота-оналар, улар ўрнини эгаллайдиган шахслар, жамоат тарбиячилари назоратига топшириш ёки меҳнат жамоасининг, жамоат ташкилотининг кузатувига бериш ҳақидаги қарори комиссиянинг ўзи томонидан исталган вақтда тўхтатилиши мумкин.

Етказилган зарар 16 ёшга тўлган ҳуқуқбузар томонидан қопланади (агар у иш ҳақи олса). Комиссия ҳуқуқбузар зиммасига зарарни ўз меҳнати билан қоплаш вазифасини юклаши мумкин.

Комиссия ички ишлар органлари (милиция) билан биргаликда тарбиявий ва маъмурий таъсир кўрсатиш чоралари кўрилган вояга етмаганлар хулқатворини кузатиб боришни амалга оширади.

2. Кодекс 14-моддасининг нормалари ўсмирларнинг ҳуқуқбузарликлари ҳақидаги барча ишларнинг вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга бўйсунишини белгилаб беради.

14-модданинг 2-қисми бу қоидадан мустасно бўлиб, унда ҳуқуқбузарликларнинг рўйхати берилган, уларни содир этгани учун 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахслар маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этгани учун умумий асосларда жавобгарликка тортилади. Бундай ҳуқуқбузарликларга оз миқдорда талон-торож қилиш (61-модда), йўл ҳаракати қоидаларини бузиш (125—136-моддалар), майда безорилик (183-модда), жамоат тартибига ва фуқароларнинг хавфсизлигига тахдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш мақсадида сақлаш (184-модда), ўқотар қуроллардан белгиланган тартибни бузган ҳолда отиш (185-модда), милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаслик

(194-модда), оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини қонунга хилоф равишда тайёрлаш ва тарқатиш (218-модда), ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни сақлаш ёки ташиш қоидаларини бузиш, ўқотар қуролларни рўйхатдан ўтказиш ва уларни ҳисобдан ўтказдириб қўйиш муддатларини бузиш (220—221-моддалар) киради. Бундай ҳуқуқбузарликларни ўсмирлар содир этган тақдирда, ишлар маъмурий юрисдикция томонидан кўрилади, вояга етмаганларга нисбатан (айрим истиснолар билан) катта ёшдаги ҳуқуқбузарларга нисбатан қўлланган жавобгарлик чоралари татбиқ этилиши мумкин.

3. Келтирилган рўйхат тугалланган рўйхат бўлиб, уни кенгайтирилган ҳолда талқин қилишга эҳтиёж йўқ. У фақат қонун ҳужжатларида бевосита назарда тутилган ҳолларда ўзгартирилиши мумкин, шу билан бирга, бу масалаларни ҳал қилиш Ўзбекистон Республикасининг махсус ваколатларига киритилган.

Ножўя хатти-ҳаракатлар содир қилган 16 ёшгача бўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

4. Кодекснинг 14-моддаси иккинчи қисми вояга етмаганларга нисбатан жавобгарлик ҳолларини катта ёшдагилар билан умумий асосларда белгилар экан, бундай ҳолларда ҳам ишларни Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияларга бериш имкониятини истисно қилмайди (194-моддадан ташқари). Оз миқдорда талон-торож тўғрисидаги ишлар (61-модда), одатда, вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияларга кўриб чиқиш учун берилиши керак.

Ишларни комиссияларга юбориш ҳақидаги масалалар ҳал қилинаётганда ҳуқуқбузарликнинг хусусияти ва ҳўқуқбузарнинг шахси, яъни ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий зарарлилик даражаси, айбнинг англаб етилганлиги, жазолаш чорасидан кўра тарбиялаш чорасини қўллаш мақсадга мувофиқлиги, шунингдек, ҳуқуқбузарнинг хулқ-атвори, иши ёки ўқиши устидан, бўш вақтни қандай ўтказиши устидан доимий назорат ўрнатилиши зарурлиги ҳисобга олинади.

Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссия ўз навбатида ўсмирнинг турмуш шароити ҳақидаги, ота-оналарининг уни тарбиялаш соҳасидаги бурчларни бажаришлари тўғрисидаги, оиланинг моддий-маиший шароити, балоғатга етмаганларнинг хулқ-атвори, уларнинг яқин кишилари ва бошқа иштирокчилар ҳақидаги маълумотларни, ўсмир илгари ҳуқуқбузарликлар содир этгани учун жавобгарликка тортилган-тортилмаганлиги, тарбиявий ишда қандай камчиликларга йўл қўйилганлиги ва шу кабилар тўғрисидаги маълумотларни тўплаши лозим. Башарти, ҳуқуқбузарлик алкоголли ичимликларга қарши қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ бўлса, у ҳолда спиртли ичимликларни харид қилиш манбалари, уларни истеъмол қилиш шарт-шароитлари аниқланади.

5. Таъсир кўрсатиш чораларини танлаш вақтида комиссия муайян шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ўсмирни қайта тарбиялаш учун кўзда тутилган чоралардан қайси бири мақбулроқ эканлигини ҳал этади.

Маъмуриў жазолар айрим арзимаган хатти-ҳаракатлар, шу жумладан, шўхлик қилиш, ҳазил қилганлик ва ҳоказолар учун қўлланмаслиги керак. Бу ўринда оғзаки огоҳлантириш (21-модда) билан кифояланиш, ўсмирнинг хулқ-атвори ҳақида унинг оиласига маълум қилиш мақсадга мувофиқдир.

6. Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи туман (шаҳар), шаҳардаги туман комиссияси ўсмирларга таъсир кўрсатишнинг энг самарали чорасини танлар экан, ҳуқуқбузарликнинг хусусияти уни содир этиш сабабларини, унда ҳуқуқбузарнинг иштирок этиш даражасини, унинг ёшини, турмушдаги хулқ-атворини, ўқишга, ишга муносабатини ҳамда ҳоказоларни ҳисобга олиши зарҳр.

Узларининг хулқ-атвори ёки вояга етмаганларга муносабати билан уларда жамиятга қарши йўл тутишга имкон берадиган ва маъмурий хатти-ҳаракатлар қилишга ундайдиган шарт-шароитлар яратиб берган шахслар, шу жумладан,

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасидаги ўз вазифаларини бажармаган мансабдор шахслар жавобгарликка тортилиши лозим. Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар ана шундай шахсларни аниқпашлари ва уларга нисбатан интизомий, тарбияловчи ва бошқа чораларни қўллаш масаласини қўйишлари керак.

Кодекс маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун фуқароларнинг 16 ёшдан бошлаб жавобгар бўлишини назарда тутар экан, улар учун бир қатор қўшимча кафолатларни ҳам мустаҳкамлаган. Масалан, вояга етмаган ҳуқуқбузарлар учун маъмурий қамоққа олиш (29-модда) татбиқ этилиши мумкин эмас, ҳуқуқбузарлик қилган шахснинг вояга етмаганлиги унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланади (31-модда), вояга етмаган шахсларни ҳуқуқбузарликка тортиш оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади (32-модда).

Қонун, шунингдек, вояга етмаганлар ҳуқуқларининг процессуал кафолатларини ҳам белгилайдики, улар ҳақиқатни аниқлашга, ҳуқуқбузарларни қайта тарбиялашга ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган. Ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун улар маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим.

15-м о д д а. **Мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги**

Мансабдор шахслар бошқарув тартибини, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, табиий муҳитни, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган қоидаларга ва бажарилишини таъминлаш ўз хизмат вазифаларига кирадиган бошқа қоидаларга риоя этмаганлик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим.

Мулк шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотда муайян мансабни эгаллаб турган шахс, башарти унга раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бериш, текширув-назорат вазифалари ёки моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган вазифалар юклатилган бўлса, мансабдор шахс деб ҳисобланади.

1. Мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликнинг махсус субъектлари ҳисобланади. Модданинг моҳиятидан келиб чиқиб, мансабдор шахсларнинг маъмурий ножўя хатти-ҳаракатлари бир нечта турда бўлиши мумкин. Мансабдор шахсларнинг, биринчидан, ўз ҳаракатлари билан белгиланган қоидаларни бузишлари билан; иккинчидан, ўз қўл остидагиларга ана шу қоидаларга зид келадиган кўрсатмалар беришлари билан; учинчидан, ўзлари бўйсунувчи шахсларнинг қоидаларига риоя қилишини таъминлаш юзасидан (башарти бу қоидаларга риоя.қилишни таъминлаш муайян мансабдор шахснинг хизмат вазифаларига кирса) чоралар кўрмаганлиги билан ғайриҳуқуқийдир ва жавобгарликка тортилади.

2. Мансабдор шахслар Кодекснинг кўпгина моддаларида жавобгарликнинг эҳтимол тутилган субъектлари сифатида тилга олинади. Бироқ бу моддаларда

мазкур шахсларнинг рўйхати келтириб ўтилмайди. Мансабдор шахсга таъриф 15-модданинг 2-қисмида берилган. Мансабдор шахсга таъриф беришда:

—маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс корхона, муассаса ва ташкилотда бирор лавозимни эгаллаб турган бўлишини;

—унга раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бериш, текширув-назорат қилиш вазифалари юклатилган бўлишини;

—унга моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ вазифалар юклатилган бўлишини аниқлаб олиш зарур.

3. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жазонинг фақат битта тури — жарима татбиқ этилиши мумкин. Мансабдор шахсларнинг ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракати, башарти уларда давлат-ҳокимият ваколатлари мавжуд бўлса, бошқа шахсларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликларига нисбатан кўпроқ зарар етказиши мумкин, шунинг учун маъмурий ножўя хатти-ҳаракат учун мансабдор шахсларга жарима солиш тарзидаги оширилган жавобгарлик белгиланади. Жариманинг эҳтимол тутилган микдорларини мустаҳкамлайдиган умумий норма Кодекснинг 25-моддасида келтирилган.

4. Мансабдор шахслар айбли бўлган тақдирдагина маъмурий жавобгарликка тортилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик, одатда, эҳтиётсизлик орқасида содир этилади: мансабдор шахслар ўз ҳаракатларининг зарарли оқибатларга олиб келишини олдиндан кўра билсалар ҳам, лекин калтабинлик билан уларнинг олдини олиш мумкин деб ўйлайдилар ёки бўлмаса, бундай оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра билмайдилар, ҳолбуки буларни кўра билишлари лозим ва мумкин эди.

5. Мансабдор шахснинг маъмурий ножўя хатти-ҳаракати, айни вақтда, унинг хизмат қоидаларини бузиш ҳам ҳисобланади, яъни интизомий хатти-ҳаракат ҳисобланади. Айбдор шахсга бирданига иккита жазо — маъмурий ва интизомий жазо берилишига йўл қўйиб бўлмайди.

Мансабдор шахсларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлиги натижасида қандайдир моддий зарар етказилган бўлса, уларнинг маъмурий ва моддий жавобгарлигини бирга қўшиш тўғрисидаги масала бошқачасига ҳал қилиниши лозим. Ҳуқуқбузарга моддий зарар ҳам етказган тақдирда бир вақтнинг ўзида айни битта хатти-ҳаракат учун ҳам маъмурий, ҳам моддий жавобгарлик татбиқ этилиши мумкин. Моддий жавобгарлик маъмурий жавобгарликдан фарқ қилиб, фақат ҳуқуқни тиклаш вазифасини бажаради.

6. Мансабдор шахсларга маъмурий жазо қўлланиш тартиби бошқа фуқароларга қўлланган жазодан бирор муҳим томони билан фарқ қилмайди.

16-м о д д а. **Ҳарбий хизматчилар ва интизом уставлари татбиқ этиладиган бошқа шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги**

Ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек, ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик учун интизом уставларига мувофиқ жавобгар бўладилар. Мазкур шахслар йўл ҳаракати қоидаларини, ов қилиш, балиқ тутиш ва балиқ захираларини сақлаш қоидаларини, божхона қоидаларини бузганликлари учун умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар. Юқорида кўрсатилган шахсларга нисбатан маъмурий қамоққа олиш чоралари қўлланилиши мумкин эмас. Муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга жарима солиниши мумкин эмас.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар жумласига кирмайдиган, интизом уставлари ёки интизом тўғрисидаги махсус қоидалар татбиқ этиладиган бошқа шахслар, ана шу устав ёки қоидаларда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолларда, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун интизомий жавобгар бўладилар, бошқа ҳолларда эса умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар.

1. Мазкур моддада ҳарбий хизматчилар ва бошқа айрим тоифадаги шахсларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун жавобгарлик хусусиятлари уларнинг умумий ҳуқуқий мақомини ҳисобга олган ҳолда акс эттирилган.

Бу, аввало, ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларида, ИИВ ички қўшинларида ва МХХ (Миллий хавфсизлик хизмати) қўшинларида ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган шахсларга тааллукдидир (захирадаги шахслар ҳарбий хизматчилар эмас, балки ҳарбий хизматни бажаришга мажбур кишилар ҳисобланади). МХХ тизими органларининг оддий аскарлари ва бошлиқлари таркибидаги шахслар ҳам ҳарбий хизматчиларга тенглаштирилган. Ички ишлар органлари, шу жумладан, милициянинг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар ҳам маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун уларга тенг даражада жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунига биноан (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, 10-сон, 401-модда), ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар (улар мазкур вақтда ўзларининг ҳуқуқий мавқеига кўра маълум даражада ҳарбий хизматчиларга тенглаштирилган бўлади) ҳарбий интизомни ва жамоат тартибини бузганликлари учун қўмондонлар (бошлиқлар) олдида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Интизом устави бўйича жавобгар бўладилар. Ҳарбий интизомни ва жамоат тартибини бундай бузишларга фақат ҳарбий тартибдаги ҳуқуқбузарлик эмас, шу билан бирга, ҳар қандай умуммажбурий қоидаларни (шу жумладан, қисм жойлашган ҳудуддан бўшатилган вақтда, таътил вақтида ва ҳоказо) бузишлар ҳам киради.

Тегишли мансабдор шахслар ҳарбий хизматчиларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилганини аниқлаганда, одатда, ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар ва бошқа материалларни айбдорларнинг Қуролли Кучлар Интизом устави бўйича жавобгарлиги масаласини ҳал қилиш учун бошлиқларга (қўмондонларга) берадилар. Бундай тартиб шуларни ҳисобга олиб жорий этилганки, биринчидан, ҳарбий хизматчилар ҳуқуқтартиботга қатъий риоя қилиш намунасини кўрсатишлари, иккинчидан, уларнинг қўмондонлари (бошлиқлари) ўз қўл остидагиларнинг ўзларини қандай тутишлари учун умумий жавобгардирлар. Фақат маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг айрим турларига татбиқан (улар мазкур моддада кўрсатиб ўтилган) қонун чиқарувчи мустасно тариқасида уларни содир этганлик учун умумий асосларда жавобгар бўлишни белгилаган.

2. Бу моддадан қўриниб турибдики, қонун чиқарувчи бундан ташқари, маъмурий жазонинг бир қатор турларини ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланмасликни белгилаган. Муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчилар жарималар тулашга тортилмайди, чунки оддий аскарлар таркибининг, одатда, жарима тўлаш учун пули бўлмайди (бу шахслар тўлиқ давлат таъминотида бўладилар, қўлларига фақат озгина миқдорда пул оладилар). Маъмурий қамоққа олиш ҳарбий хизматчини муайян вақт мобайнида ҳарбий сафдан чиқаришни англатарди, бунга эса йўл қўйиб бўлмайди.

Айрим фуқаро вазирликлари ва идоралари тизимларида махсус қаттиқ интизом зарурдир, масалан, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 5 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдикданган 'Интизом уставлари (қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Қарорлари Тўплами, 1993, 12-сон), «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ходимларининг интизоми тўғрисидаги устави. Бу норматив ҳужжатларда шу нарса назарда тутиладики, кўрсатиб ўтилган уставлар ва қоидалар татбиқ этиладиган шахслар хизмат вазифаларини бажараётган вақтда бир қатор маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун (айнан хизмат билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган) интизомий жавобгар бўладилар, бундай хизматларни бажармаганда — маъмурий, яъни умумий асосларда жавобгар бўладилар.

17-м о д д а. **Ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим.

Иммунитетга эга бўлган шахсларга нисбатан ушбу Кодекснинг Узбекистон Республикаси қатнашчи бўлган халқаро шартномалар ва битимларга зид бўлмаган қисми қўлланилади.

1.Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига (21, 23-моддалар) ва «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июль қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий

Кенгашининг Ахборотномаси, 1992, 9-сон, 338-модда)га мувофиқ, ажнабий фуқаролар деб Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган ва шу билан бирга, қандайдир бошқа бир хорижий давлат фуқаролигига мансублик далилларига эга бўлган шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар (апатридлар) деб эса, бундай далилларга эга бўлмаган шахслар эътироф қилинади. Ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, башарти амалдаги қонун ҳужжатларида бошқа ҳолатлар кўзда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қандай ҳуқукдар ва эркинликлардан фойдалансалар, улар ҳам шундай ҳуқуқлар ва эркинликлар билан таъминланадилар.

2.Ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республиқаси ҳудудида бўлган вақтларида қонун ҳужжатлари бўйича Ўзбекистон фуқаролари билан умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар. Амалдаги қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси билан тузилган халқаро шартномаларга биноан, маъмурий юрисдикциядан иммунитетга эга бўлган ажнабий фуқароларгина бундан мустаснодир. Уларнинг Ўзбекистон ҳудудида содир этган маъмурий ҳукуқбузарликлар учун жавобгарлиги масаласи дипломатик йўл билан ҳал қилинади. Булар дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқдари (элчилар, ишончли вакиллар), хорижий давлатлар ваколатхоналарининг дипломатия ходимлари: маслаҳатчилар, савдо вакиллари, савдо вакилларининг ўринбосарлари, ҳарбийлар, ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий-денгиз атташелари ва уларнинг ёрдамчилари, атташеларнинг биринчи, иккинчи ва учинчи котиблари ва дипломатик ваколатхоналарнинг архивчи-котибларидир. Иммунитет дипломатик ваколатхоналар бошлиқларининг оила аъзоларига ва дипломатия ходимларига мансуб шахсларнинг оила аъзоларига агар улар кўрсатиб ўтилган шахслар билан бирга яшасалар ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўлмасалар) ҳам татбиқ этилади. Шунингдек, консуллик ваколатхоналарининг бошлиқлари (бош консуллар, консуллар, консулларнинг ўринбосарлари) ва бошқа консуллик лавозимидаги шахслар ҳам иммунитетга эгадирлар, улар ўзларининг хизмат фаолиятига тааллукди соҳаларда маъмурий юрисдикция иммунитетидан фойдаланадилар. Ўзаро дўстлик принципи асосида консуллик лавозимларига бошқа иммунитетлар ҳамтатбиқ қилиниши мумкин, уларга дипломатия персонали аъзолари, Узбекистонга расмий топширикдар билан келадиган парламент ва ҳукумат делегацияларининг аъзолари эга бўладилар.

17-моддани талқин қилишда умумий ҳуқуқий нормани — ажнабий фуқаро, башарти унинг ҳаракатлари давлат хавфсизлигини таъминлаш ёки жамоат тартибини муҳофаза қилиш манфаатларига зид бўлса, Ўзбекистон Республикаси доирасидан чиқариб юборилиши мумкин, деган нормани назарда тутиш керак; бу аҳолининг соғлиғи ва ахлоқини муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарурдир; ажнабий фуқаро. Ўзбекистонда ажнабий фуқароларнинг ҳуқуқий мавқеи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, божхона, валюта ёки бошқа қонун ҳужжатларини қўполлик билан бузганда ҳам

республика доирасидан чиқариб юборилиши мумкин (қаранг: 23-модданинг 3-қисми).

18-м о д д а. **Зарурий мудофаа**

Ушбу Кодексда ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик белгиловчи бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган, лекин зарурий мудофаа ҳолатида, яъни шахсни ёки мудофааланувчининг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини ғайриҳуқуқий тажовузлардан шундай тажовуз қилаётган шахсга зарар етказиш йўли билан ҳимоя қилиш вақтида, башарти бунда зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб кетилишига йўл қўйилмаган бўлса, содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланмайди.

1. Зарурий мудофаа ҳуқуқи фуқароларнинг давлат ва жамоат манфаатларига, фуқароларга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳар қандай тажовуз қилишлардан ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва вазифалари тўғрисидаги конституциявий қоидаларни рўёбга чиқаришнинг энг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланади. Зарурий мудофаа ҳуқуқи аҳолини ҳуқуқбузарликларга қарши кураш олиб боришда иштирок этишга, бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни барҳам топтиришга жалб этишга имкон беради.

2. Мазкур моддада ғайриҳуқуқий тажовузлардан зарурий мудофаада қандай аниқ давлат, жамоат ва шахсий манфаатлар ҳимоя қилиниши мумкинлиги кўрсатиб ўтилади. Булар давлат ва жамият, шахснинг манфаатлари, мудофааланувчи ёки бошқа шахснинг ҳуқуқларидир. Зарурий мудофаада бартараф қилинадиган тажовуз кўрсатиб ўтилган манфаатларга ёки ҳуқуқларга зарар етказиш ёхуд ана шундай зарар етказишга бевосита тахдид солиши керак.

3. Зарурйй мудофаада бартараф қилинадиган тажовуз ғайриҳуқуқий бўлиши, яъни Кодекснинг Махсус қисмида ёки бошқа назарий ҳужжатда назарда тутилган бўлиши лозим. Кўрсатиб ўтилган тажовуз айни вақтнинг ўзида айбли тажовуз бўлиши шарт эмас. Кичик ёшдагиларга, шунингдек, ақли норасоларга қарши мудофаага ҳам йўл қўйилади. Бироқ бу шахсларга нисбатан мудофааланувчи зарар етказмаган ҳолда тажовузни барҳам топтириш учун иложи борича барча чораларни кўриши керак.

Мансабдор шахсларнинг ҳаққоний ҳаракатларига қарши, масалан, майда безорилик қилган шахсни ушлаган милиция ходимига нисбатан мудофаага йўл қўйиш мумкин эмас.

4. Бартараф қилинадиган тажовузга қарши мудофаанинг тўғрилиги шарти тажовузнинг мавжудлигидир, бу эса уни даф қилиш пайтида зарар етказилишини ёки зарар етказиш бевосита хавфининг реаллигини назарда тутади. Башарти тажовуз ҳали бошланмаган бўлса ёки тугалланган бўлса, мудофаа тўғри деб эътироф қилиниши мумкин эмас.

Зарурий мудофаанинг шарти мудофааланувчининг тахмини эмас, балки тажовузнинг ҳақиқийлигидир. Ҳужум қилиш сохта эмас, балки ҳақиқий бўлиши лозим.

5. Зарурий мудофаада тажовуздан ҳимояланиш, охирги заруратдан фарқ қилиб, учинчи шахсларга эмас, балки фақат тажовуз қилувчининг ўзига зарар етказиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Зарурий мудофаада тажовуз қилувчига зарар етказиш Кодекснинг Махсус қисмида ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи бошқа норматив ҳужжатда кўзда тутилган ҳаракатни содир этганлик натижаси бўлиши лозим.

6. Зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб кетилиши билан ҳимоянинг тажовуз хусусияти ва хавфига яққол мос келмаслиги эътироф этилади. Зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб кетилиши белгиларининг мавжудлиги ёки йўқлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилганда, фақат тегишли ҳимояланиш ва ҳужум қилиш воситаларининг мос келишинигина эмас, шу билан бирга, мудофааланувчига таҳдид солаётган хавфнинг хусусиятини ҳам, унинг кучини ва тажовузни даф қилиш имкониятини ҳам, шунингдек, тажовуз қилувчи билан мудофааланувчи кучларининг реал нисбатига таъсир қилувчи бошқа барча ҳолатларни ҳам (тажовуз қилувчилар ва мудофааланувчилар сонини, уларнинг ёшини, жисмоний ривожланишини, қуроли борлигини, тажовуз қилиш жойи, вақт ва бошқаларни) ҳисобга олиш зарур. Бир гуруҳ шахслар ҳужум қилганда мудофааланувчи ҳужум қилувчилардан ҳар бирига нисбатан бутун гуруҳ ҳаракатларининг хавфи ва хусусияти билан белгиланадиган ҳимояланиш чораларини кўришга ҳақлидир.

7. Шахснинг маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаб берувчи норматив ҳужжатларда кўзда тутилган ҳаракатни содир этганлиги, у зарурий мудофаа ҳолатида ҳаракат қилганлиги аниқланганда, ишни қараб чиқиш бошланиши керак эмас, балки бошланган иш тўхтатилиши лозим. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, бу масалага доир қарор баённомани тузиш вақтида ҳам, шунингдек, ишни кўриб чиқиш чоғида ҳам қабул қилиниши мумкин.

19-м о д д а. **Охирги зарурат**

Ушбу Кодексда ёки бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган, ҳуқуқларга ҳамда қонун билан ҳимоя этиладиган манфаатларга зарар етказган, охирги зарурат ҳолатида, яъни шахсга ёки мазкур шахснинг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид этаётган хавфни, башарти бу хавфни ўша ҳолатда бошқача чоралар билан бартараф этиб бўлмаса ҳамда етказилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлса, бартараф этиш учун содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланмайди.

1. Ушбу моддада охирги зарурат тушунчасининг мазмуни очиб берилади ва бундай ҳолатда ҳаракат қилган шахс маъмурий жавобгарликка тортилмайдиган шарт-шароитлар келтириб ўтилади.

Охирги заруратда икки манфаатнинг тўқнашуви содир бўлади: бир хил ҳуқуқни муҳофаза қилиш манфаатларига зарар етказиш хавфи бошқа манфаатларга озроқ бўлса ҳам зарар етказиш билан бартараф этилади.

Охирги зарурат институти одамларнинг фаоллигини оширишга ёрдам беради, уларга ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш манфаатлари тўқнашган ҳолларда ҳам қатнашишга ёрдам беради.

2. Охирги зарурат ҳолати ҳуқуқларга ва қонун томонидан муҳофаза қилинаётган манфаатларга ҳақиқатда сохта эмас, балки реал хавф-хатар мавжуд бўлган тақдирда пайдо бўлади. Мазкур муҳофаза қилинаётган манфаатларга фақат келгусида хавфхатар вужудга келиши мумкин бўлса, охирги зарурат бўлмайди.

3. Охирги заруратда таҳдид солувчи хавф-хатар манбалари, хусусан, табиий офат кучлари — сув тошқинлари, ёнғинлар, зилзилалар ва ҳоказолар, ёввойи ёки уй ҳайвонларининг одамга ҳужум қилиши; юқори хавф-хатар манбаи бўлиб, масалан, носоз автомашина; ҳуқуқ билан муҳофаза қилинадиган манфаатларига зарар етказувчи ёки зарар етказиш таҳдидини солаётган одам ҳам бўлиши мумкин.

4. Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш манфаатларига таҳдидни бартараф этувчи шахснинг ҳаракатлари Кодекснинг тегишли моддаларида ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарликни белгиловчи бошқа норматив ҳужжатда назарда тутилган битта ёки бир нечта ҳуқуқбузарликларнинг таркибини расман ҳосил қилади. Масалан, битта ҳайдовчи йўл ҳаракати қоидаларини бузган тақдирда рўпарадан келаётган машинанинг ҳайдовчиси ҳар иккала машинадаги йўловчилар ҳаётини саклаб қолиш учун йўлнинг чап томонига чиқиб кетади, яъни ўзи ҳам йўл ҳаракати қоидаларини бузади, бу эса Кодекснинг 128-моддасида кўзда тутилган маъмурий хатти-ҳаракатнинг таркибини ҳосил қилади. Ёнғинни тугатиш учун сувдан фойдаланиш қоидаларини бузишга (74-модда), экинзорларни пайҳон қилишга (104-модда), қишлоқ хўжалик ерларини яроқсиз ҳолга келтиришга (65-модда) ва бошқаларга зарурат туғилиши мумкин. Одамларни ҳайвонлар ҳужумидан сақлаш учун баъзан аҳоли пунктида ўқ отишга зарурат туғилади, бу эса Кодекснинг 185-моддасида назарда тутилган хатти-ҳаракатни вужудга келтиради.

5. 19-моддада иккита шарт келтириб ўтйлган, уларга мувофиқ охирги зарурат ҳолатида бўлган шахс маъмурий жавобгарлик таркибини ҳосил қиладиган ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарликдан озод этилади. Бу шартлардан бири ҳуқуқни муҳофаза қилиш манфаатларига бўлаётган таҳдидни бошқа воситалар билан бартараф этишнинг мумкин эмаслигидир. Иккинчи шарт — етказилган зарар бартараф этилган зарардан камроқ аҳамиятли бўлиши лозим.

6. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш манфаатига зарар етказишни, башарти одамда анча қимматбаҳо бойликни сақлаб қолиш учун бошқа илож бўлмаса, ўзини оқлаган деб ҳисоблаш мумкин. Шунинг учун ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш манфаатларига бўлаётган таҳдид аниқланган тақдирда бундай таҳдиднинг олдини олиш ёки уни бартараф этишнинг ғайриҳуқуқий бўлмаган йўллари изланиши лозим. Башарти бундай имконият бўлмаса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш манфаатини энг кам даражада бузадиган чоралар қўлланилиши, яъни энг кам хавфли ҳуқуқбузарликлар келтириб чиқарадиган ҳаракатлар содир этилиши лозим. Зарарнинг олдини олиш учун фойдаланилган усул мумкин бўлган бирдан-бир усул бўлган-бўлмаганлиги масаласи ишнинг муайян шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади.

Олди олинган ва етказилган зарарни қиёслаш учун ҳимоя қилинаётган ва содир этилган манфаатларнинг ижтимоий-сиёсий мазмунини ҳисобга олиш керак. Инсоннинг ҳаёти ва соғлиғини мулкий манфаатларга солиштирганда устуворлик одамлар ҳаёти ва соғлиғига берилади. Башарти мулкий манфаатларни ҳимоя қилиш учун шундай манфаатлар бузиладиган бўлса, у ҳолда етказилган ва олди олинган зарарга баҳо беришнинг қиймат омили татбиқ этилади.

7. Башарти шахс маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳаракатни содир этган шахс охирги зарурат ҳолатида ҳаракат қилган бўлса, иш юзасидан масалани кўриб чиқиш бошланиши мумкин эмас, балки бошланган иш тўхталиши даркор. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, бу масалага доир қарор баённомани тузиб чиқиш вақтида ҳам, шунингдек, ишни кўриб чиқиш пайтида ҳам қабул қилиниши мумкин.

20-м о д д а. **Ақли норасолик**

Ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этган вақтида ақли норасолик ҳолатида бўлган шахс, яъни сурункали руҳий касаллик, руҳий фаолияти вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёхуд бошқа хил касаллик оқибатида ўз ҳаракатининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини идрок эта олмаган ёки бошқара олмаган шахс маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

1. Ақли норасолик деганда шахснинг ғайриҳуқуқий ҳаракатни ёки ҳаракатсизликни содир этиш вақтидаги шундай руҳий ҳолати тушуниладики, у мазкур шахсга айб юклаш имкониятини йўққа чиқаради. Бунда руҳий фаолиятнинг бузилиши билан боғлиқ ҳолат назарда тутилади.

2. Ушбу моддада руҳий касалликнинг шундай белгилари умумий тарзда кўрсатиб ўтиладики, улар шахсни акди норасо деб эътироф қилиш ва шу муносабат билан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Гап сурункали руҳий касаллик, руҳий фаолиятнинг вақтинча бузилганлиги, ақли заифлик ёхуд бошқа касаллик ҳолати ҳақида боради. Бу ақли норасоликнинг тиббий мезонидир. Келтириб ўтилган

касалликларнинг мавжудлиги ҳақида руҳий шифокор хулоса беради. Шунинг учун, башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсда руҳий касаллик мавжудлиги ҳақида маълумотлар мавжуд бўлса, руҳий экспертиза тайинланиши лозим.

3. Руҳий фаолиятнинг сурункали бузилганлиги деганда даволаб бўлмайдиган ёки қийин даволанадиган руҳий касалликлар назарда тутилади; улар, масалан, шизофрения, эпилепсия ва бошқалар узоқ вақт мобайнида даволанади.

Руҳий фаолиятнинг вақтинча бузилганлиги нисбатан тез ўтиб кетадиган ва тузалиш билан тугалланадиган руҳий касалликдир. Бундай вақтинча бузилишларга оғир руҳий ларзалар натижасида келиб чиқадиган реактив ҳолатлар, патологик мастлик ва бошқалар киради.

Ақли заифлик, бу сўзнинг мазмунидан кўриниб туришича, руҳиятнинг муҳим камчиликларидан бўлиб, ўз хатти-ҳаракатларининг хусусиятига ва уларни содир этишнинг эҳтимол тутилган оқибатларига баҳо беришга тўсқинлик қилади. Руҳиятнинг бундай камчилиги инсон туғилган пайтдан бўлиши ёки илк болаликда пайдо бўлиши ёхуд авж олиб борувчи қандайдир руҳий касалликнинг натижаси бўлиши мумкин. Ақли заифлик идиотия — ақлий жиҳатдан ривожланмаганликнинг энг чуқур даражаси, имбециаллик — ақли заифликнинг ўртача даражаси ва дебиллик — ақлий заифликнинг енгил даражаси шаклида ифодаланиши мумкин.

Бошқача касаллик ҳолати — руҳий бузилишнинг оғир шакли билан боғлиқ бўлган турли касалликлар, психопатиянинг айрим шакллари, юқумли касалликлар билан боғлиқ бўлган руҳий хасталиклардир.

4. Шахснинг акди норасолиги тўғрисида тиббий мезоннинг мавжудлиги ҳақида хулоса чиқариш учун келтириб ўтилган руҳий фаолият бузилишларидан бирортасини аниқлашнинг ўзи кифоя қилиши мумкин, лекин у ҳали ақли норасолик ҳақидаги қарорни олдиндан белгилаб бермайди, чунки руҳий бузилиш даражаси турлича бўлиб, ҳамиша ҳам одам ўз ҳаракатларини идора эта олмайдиган ва уларни бошқара олмайдиган ҳолатга эришиб бўлмайди. .

5. Ақли норасоликнинг юридик мезони киши ўзининг ҳаракатларини идрок этишдан ёки уларни бошқариш имкониятидан маҳрум этадиган руҳий касалликнинг мавжудлигидан иборатдир.

Башарти шахс ўзининг ҳаракатларини идрок эта олмаса, бу унинг мазкур ҳаракатларни бошқара олмаслигини ҳам англатади. Айни вақтда ўз ҳаракатларини идрок этиш имконияти инсон иродасининг заифлашганлиги ва у ўз ҳаракатларини бошқара олмаслигини мустасно қилмайди, бунга сабаб ирода кучи билан енгиб бўлмайдиган қандайдир ғайритабиий майлдир, масалан, бу клептоманларда — ўғриликка енгиб бўлмайдиган даражада майл қўйган шахсларда намоён бўлади.

6. Ғайриҳуқуқий ҳаракатни ёки ҳаракатсизликни содир этган шахснинг акди норасо эканлиги аникданганда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш бошланиши мумкин эмас, бошланган иш эса тўхтатилиши керак.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ғайриҳуқуқий ҳаракатни ёки ҳаракатсизликни содир этган шахснинг ақли расолиги ёки ақли норасолиги тўғрисидаги қарор ишнинг баённомасини тузиб чиқиш ёки уни кўриб чиқиш пайтида қабул қилиниши мумкин. Биринчи ҳолда баённомани тузиб чиқишга вакил қилинган шахслар, иккинчи ҳолда— юқорида кўрсатиб ўтилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга вакил қилинган органлар (мансабдор шахслар) қарор қабул қиладилар. Шу билан бирга, табиийки, экспертнинг хулосалари ва ишнинг бошқа материалларидан фойдаланилади. Бунда тиббий ва юридик мезонларнинг мустаҳкам боғлиқлигини ҳисобга олиш асосида қарор қабул қилинади.

21-м о д д а. **Маъмурий жавобгарликдан озод қилиш**

Содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, шу ишни кўриб чиқишга ваколати бўлган орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиши мумкин.

1. Қонун чиқарувчи ишни ҳал қилаётган органга (мансабдор шахсга) муайян шароитларда ҳуқуқбузарга нисбатан огоҳлантиришни — маъмурий жазо бериш билан ҳам, ижтимоий таъсир кўрсатиш билан ҳам боғлиқ бўлмаган тарбиявий таъсир кўрсатиш усулини татбиқ этиш имконини берди. Маъмурий жавобгарликдан озод қилиш мисоли сифатида кўчанинг пиёдалар юрмайдиган қатнов йўл қисмидан ўтмоқчи бўлган фуқарога жазо бермасдан, унинг бу хулқатвори ғайриҳуқуқий эканлигини тушунтириш хизмат қилиши мумкин.

2. Огоҳлантириш фақат кам аҳамиятли ҳуқуқбузарлик учун татбиқ этилиши мумкин. Мазкур модда маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг кам аҳамиятли эканлиги ҳақида фикр юритиш имконини берадиган белгилар рўйхати ёки кўрсатмаларни ўз ичига олмаган. Чамаси, булар катта ижтимоий зарар етказмайдиган ва жамиятга ҳамда фуқароларга бирон-бир даражада зиён келтирмайдиган хатти-ҳаракатлардир.

Ушбу моддада огоҳлантириш каби таъсир кўрсатиш чораларининг белгиланиши ҳар хил ҳуқуқбузарликка, шу жумладан, кам аҳамиятли бўлган ҳуқуқбузарликка жавоб қилишнинг муқаррарлиги тўғрисида гапириш имконини беради.

3. 21-модда барча кам аҳамиятли ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликдан озод қилишнинг мажбурий эканлигини билдирмайди, балки фақат ана шундай қарор қабул қилиш ҳуқуқини назарда тутади. Шу муносабат билан мансабдор шахс ҳуқуқбузарликнинг барча томонларини қараб чиқиши, унинг оқибатларига баҳо бериши, хатти-ҳаракатни содир этиш билан фуқароларга ёки жамиятга бирон-бир даражада катта зарар етказилмаганига ишонч ҳосил қилиши, ҳуқуқбузарлик содир этилган шароитни, ҳуқуқбузарнинг шахсини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ва шу кабиларни тадқиқ қилиши лозим. Аниқланган барча маълумотларнинг жамигина ҳуқуқбузарни жавобгарликдан озод қилиш ва унга нисбатан

огоҳлантириш билан чекланиш мумкинми ёки йўқми, деган саволга жавоб бериши мумкин.

III боб. МАЪМУРИЙ ЖАЗО

22-модда. **Маъмурий жазонинг мақсади**

Маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни хурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек, ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

1. Маъмурий жазо маъмурий жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун қўлланилади. Кодекснинг III боби, 23—29-моддаларида кўзда тутилган мажбур қилувчи чораларгина маъмурий жазо ҳисобланади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ равишда татбиқ этиладиган ва Кодекснинг бошқа бобларида қайд этилган маъмурий мажбурлашга доир бошқа чоралар (масалан, маъмурий йўл билан ушлаб туриш — 286-модда, шахсни кўрикдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш — 289-модда) маъмурий жазо ҳисобланмайди. Маъмурий жазо чораларини кўлланиш, гарчи зарур бўлса ҳам, лекин бари бир маъмурий ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг асосий воситаси эмас, балки ёрдамчи воситасидир. Асосий восита ҳуқуқбузарликларни огоҳлантириш ва фуқароларни тарбиялашдир. Давлат маъмурий жазо чораларини қўлланар экан, ишонтириш билан мажбур қилишни қўшиб олиб боради. Маъмурий жазо мажбурловчи чора бўлиб, айни вақтда, тарбиявий хусусиятга эга бўлган чора ҳамдир.

2. Маъмурий жазо чоралари ёрдамида давлат ҳуқуқбузар томонидан ҳам, шунингдек, бошқа шахслар томонидан ҳам содир этилган ҳуқуқбузарликларни огоҳлантиришни амалга оширади. Маъмурий жазо чораларининг пировард мақсади ҳуқуқбузар ҳам, бошқа шахслар ҳам маъмурий ҳуқуқбузарликларни бошқа содир этмаслигидан иборатдир.

23-модда. **Маъмурий жазонинг турлари**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қуйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

1) жарима;

2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;

3) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;

4) муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;

5) маъмурий қамоққа олиш.

Ушбу модда биринчи қисмининг 2—5-бандларида санаб ўтилган маъмурий жазо чоралари фақат Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун ажнабий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Узбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш назарда тутилиши мумкин.

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган орган фақат ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги моддада тилга олиб ўтилган муайян маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик белгиловчи моддада айтиб ўтилган маъмурий жазо чорасинигина тайинлаши мумкин.

2. 23-моддада санаб ўтилган маъмурий жазо чораларининг айримлари қонун ҳужжатларида аниқ кўрсатиб ўтилган муайян шахслар тоифасига нисбатан умуман қўлланилмаслиги мумкин (14, 28, 29-моддаларнинг шарҳларига қаранг).

24-м о д д а. **Асосий ва қўшимча маъмурий жазо чоралари**

Ашёларни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш ёки мусодара қилиш ҳам асосий, ҳам қўшимча маъмурий жазо тариқасида; ушбу Кодекснинг 23-моддасида назарда тутилган бошқа маъмурий жазо чоралари эса фақат асосий жазо тариқасида қўлланилиши мумкин.

Битта маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ё асосий ёки ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо чораси қўлланилиши мумкин.

1. Маъмурий жазо чораларининг бошқа турларига қўшимча равишда тайинланиши мумкин бўлмаган жазо чоралари асосий маъмурий жазо чоралари ҳисобланади. Жарима, махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш, маъмурий қамоққа олиш фақат асосий жазо чоралари сифатида қўлланилиши мумкин. Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ёки бевосита ашёси булган буюмларни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш ва мусодара қилиш ҳам асосий жазо чораси сифатида (масалан, 220-модданинг 1-қисми), ҳам асосий жазо чораларига қўшимча жазо чоралари сифатида татбиқ этилиши мумкин. Бироқ Кодекснинг Махсус қисмидаги кўпчилик моддаларда (масалан, 56, 90, 94-ва бошқа моддалар) ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш ва мусодара қилиш қўшимча жазо чораси сифатида назарда тутилган.

2. Кодекс Махсус қисмининг айрим моддалари санкцияларида қўшимча жазо чоралари бўлиши (масалан, 90-модда, 94-модданинг 1-қисми) мумкин ёки бўлиши лозим бўлган (масалан, 56-модда, 94-модданинг 2-қисми) жазо чоралари кўрсатиб ўтилган. Масалан, санкция муқобил санкция сифатида

(масалан, «мусодара қйлган ҳолда ёки мусодара қилмаган ҳолда жарима») ифодаланган моддаларда қўшимча жазо чоралари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қараб чиқаётган органнинг ихтиёри билан қўшимча жазо чораси қўлланилиши ёки қўлланилмаслиги мумкин. Башарти Махсус қисмнингқўлланиладиган моддаси ишни кўриб чиқаётган орган зиммасига асосий жазо чораси билан бир қаторда қўшимча жазо чорасини ҳам қўлланишни тайинлаш вазифасини юкласа, бу орган ҳеч бир ҳолатда ана шу қўшимча жазо чорасини тайинлашдан ўзини тийиши мумкин эмас.

3. Бу модда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораларининг бирга қўшиб татбиқ этилиши тўғрисидаги муҳим қоидани ўз ичига олади: муайян маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ё асосий, ёки асосий билан битта қўшимча маъмурий жазо чорасини қўлланиш мумкин. Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун асосий жазо чораси сифатида ушбу Кодекс Махсус қисмининг татбиқ этиладиган моддаси санкциясида кўрсатиб ўтилган асосий жазо чораларидан фақат биттаси тайинланиши мумкин. Бир вақтнинг ўзида иккита асосий жазо чорасини қўлланишга йўл қўйиб бўлмайди.

25-м о д д а. **Жарима**

Жарима маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахсдан давлат ҳисобига пул ундиришдир.

Жариманинг миқдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун эса бу ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтдаги белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кам миқдори энг кам иш ҳақининг элликдан бир қисмидан, мансабдор шахсларга эса — ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кўп миқдори энг кам иш ҳақининг беш бараваридан, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ошмаслиги керак. Қонунларда назарда тутилган айрим ҳолларда баъзи ҳуқуқбузарликлар учун фуқароларга — энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача ва мансабдор шахсларга — ўн беш бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан белгиланадиган жариманинг энг кўп миқдори ушбу Кодекснинг 6-моддасига биноан, фуқароларга — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ошмаслиги керак.

1. Жарима мулкий хусусиятга эга бўлган маъмурий жазо чорасидир. У пул билан ифодаланадиган жазо чораси бўлиб, ҳуқуқбузардан давлат ҳисобига муайян миқдордаги пул маблағларини ундириб олишни ифодалайди.

2. Жарима Кодексда деярли барча маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жазо чораси сифатида назарда тутилган.

3. Жарима тарзидаги маъмурий жазо чораси ҳуқуқбузарнинг онгига таъсир кўрсатиб, аввало, унинг мулкий манфаатларига зарар етказади. Жарима оғирлигининг асосий кўрсаткичи унинг миқдоридир. Кодекс мазкур жазо чорасининг энг кўп ва энг оз чегараларини белгилаб беради.

Пул қадрсизланиб, сўмнинг курси беқарор бўлиб турган бир шароитда жарима миқдорини қайд этилган суммада белгилашнинг амалда иложи йўқ. Шу муносабат билан Кодекс шуни назарда тутадики, жариманинг миқдори ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб аниқланади.

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кам миқдори энг кам иш ҳақи миқдорининг элликдан бир қисмидан, мансабдор шахсларга эса ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак. Жариманинг энг кўп миқдорига келганда, унинг чегараси тегишли равишда фуқароларга ва мансабдор шахсларга энг кам миқдордаги иш ҳақининг беш ва ўн бараваридан кам бўлмаслиги керак, айрим ҳолларда эса тегишли равишда энг кам иш ҳақи миқдорининг ўн ва ўн беш бараваригача бўлиши мумкин.

4. Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг муайян турлари учун жавобгарликни назарда тутувчи нормалар санкцияларида жариманинг миқдорлари ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий хавфлилик даражасидан келиб чиқиб аниқлаштирилади. Бунда жарима миқдорлари маъмурий жазо чорасининг мазкур тури учун белгиланган энг кўп ва энг оз миқдордан ошиб кетмаслиги керак. Кодекснинг Махсус қисми нормалари нисбатан кўпроқ белгиланган санкцияларни ўз ичига олади, унда энг кўп миқдор ва камроқ ҳолларда эса жариманинг энг кўп ва энг оз миқдори кўрсатилади. Бу ҳол органга (мансабдор шахсга) жарима миқдорини белгилашда содир этилган ҳуқуқбузарликни ва айбдорнинг шахсини тавсифловчи барча ҳолатларни ҳисобга олиш имконини беради.

5.Жарима маъмурий жазо чорасининг асосий тури ҳисобланади. У бошқа жазо чораларининг ўрнига татбиқ этилиши мумкин эмас. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жарима қўшимча маъмурий жазо чораси билан биргаликда солиниши мумкин (ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш ёки мусодара қилиш).

6.Жарима солиш тўғрисида орган (мансабдор шахс)нинг қарори чиқаридади. Кодекснинг 283-моддасида назарда тутилган ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида баённома тузилмасдан жарима солинади. Қонун бундай ҳуқуқли мансабдор шахсларнинг фақат айрим тоифаларига (масалан, транспортдаги назоратчилар ва бошқаларга) беради. Жарима тўлангани ҳақида ўша жойнинг ўзида белгиланган тартибдаги квитанция ёзиб берилади. Башарти фуқаро ўзига солинган жаримага эътироз билдирадиган бўлса, у ҳолда Кодекснинг 279-моддасига мувофиқ баённома тузилади.

26-м о д д а. **Ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш**

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш, шу ашёни мажбурий тарзда тортиб олиб, уни кейинчалик сотиб юбориш ҳамда сотишдан тушган пулни ашёнинг собиқ эгасига тортиб олинган ашёни сотиш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда топширишдан иборатдир.

Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўиииш асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш чорасини қўлланиш тартиби ва тортиб олинадиган ашёларнинг турлари ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

1. Ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш маъмурий жазо чорасининг тури сифатида маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёлар учун татбиқ этилади. Мазкур жазо чораси мулкий тарздаги маъмурий жавобгарлик ўлчови бўлиб, фақат ашёлардан ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ёки бевосита шундай нарса сифатида фойдаланган ашёлар эгасига нисбатангина қўлланилиши мумкин. Ҳуқуқбузарга тегишли бўлмаган ашёларни (масалан, ғайриқонуний ов қилиш ашёларини) ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш маъмурий жазо чораси ҳисобланмайди.

2. Мазмунан ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш ўзаро боғланган учта ҳаракатдан иборат. Биринчидан, ҳуқуқбузардан ашёни мажбуран олиб қўйиш, иккинчидан, бу ашёни сотиш, учинчидан, сотишдан тушган пулни ашёнинг собиқ эгасига олиб қўйилган ашёни сотиш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда топшириш. Бундай олиб қўйиш ҳақини тўлаш шарти белгиси бўйича бошқа маъмурий жазо чораси бўлган ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилишдан фарқ қилади. Мусодара қилинганда олиб қўйилган ашёлар давлат фойдасига ишлатилади.

3. Ашёни ҳақини тўлаб олиб қўйиш ҳам асосий, ҳам қўшимча маъмурий жазо чораси сифатида қўлланилиши мумкин. У асосий жазо чораси тарзида фақат Кодекснинг 220-моддаси 1-қисмида ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни сақлаш ёки ташиш қоидаларини бузганлик учун жарима билан муқобил тарзда назарда тутилган. Қўшимча жазо чораси сифатида ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш Кодексда хавфли моддалар ва ашёларни транспортда ташиш қоидаларини бузганлик учун (142-модданинг 2-қисми) ва ўқотар ов қуроллари ва ўқ-дориларни сотишдан бўйин товлаганлик учун (222-модда) белгиланган. Шу билан бирга, башарти биринчи ҳуқуқбузарлик учун қонун чиқарувчи ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйишни қўшимча жазо чораси сифатида

назарда тутса, иккинчи ҳуқуқбузарлик учун мазкур жазо чорасини албатта асосий жазо чораси бўлган жарима билан тўлдиради.

Ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйишни қўлланиш тартиби ва олиб қўйиладиган ашёларнинг турлари ушбу Кодекс билан ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Кодекснинг 142, 222-моддаларига мувофиқ бундай ашёлар портловчи, тез алангаланувчи, заҳарли ва заҳарловчи моддалар ҳамда ашёлар, шунингдек, ўқотар қурол ва ўқ-дорилардир.

27-м о д д а. **Мусодара қилиш**

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш шу ашёнинг ҳақини тўламасдан, мажбурий тарзда давлат мулкига Ўтказишдан иборат бўлиб, бу чора: туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўиича судьяси томонидан, божхона органлари томонидан — акциз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларни Узбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда, транспортировка (халқаро транзит бундан мустасно) қилинганда ва сақланганда, шунингдек, экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси ташқарисига олиб чиқиб кетилаётган ҳолларда; солиқ органлари томонидан — акциз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар сақланганда, реализация қилинганда, шунингдек, яширин равишда ишлаб чиқарилганда қўлланилади. Башарти Узбекистон Республикаси қонунларида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, фақат ҳуқуқбузарнинг шахсий мулки бўлган ашёгина мусодара қилиниши мумкин.

Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни, бошқа ов қуролларини мусодара қилиш асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Мусодара қилиш чорасини қўлланиш тартиби ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

1. Маъмурий жазо чораси сифатида қўлланиладиган мусодара қилиш маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўламасдан мажбурий тарзда давлат мулкига ўтказишдан иборатдир. Ҳуқуқбузарнинг мулки ҳисобланган ашёгина мусодара қилиниши мумкин.

2.. Маъмурий тартибдаги мусодара қилишни жиноий жавобгарлик чораси сифатидаги мусодара қилишдан фарқлаш керак. Маъмурий тартибдаги мусодара қилиш жиноят учун эмас, балки маъмурий ҳуқуқбузарлик учун қўлланилади. Бундан ташқари, ҳуқуқбузарнинг умуман мулки эмас, балки маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита

шундай нарса бўлган ашёгина давлат мулкига ўтказилади. Масалан, фуқароларнинг валюта бойликларини қонунга хилоф равишда сотиб олиши ёки сотиши валюта бойликларини мусодара қилишга сабаб бўлади (170-модда), жамоат тартибини, белгиланган бошқарув тартибини, савдо, ов қилиш қоидаларини, бошқа қоидаларни бузганлик учун — ўқотар ов қуроли, уйда ўткир спиртли ичимликларни тайёрлаш воситаларини ва сотиш ашёларини мусодара қилиш назарда тутилади ва ҳоказо.

Маъмурий жазо сифатидаги мусодара қилиш фақат қўшимча жазо чораси сифатида татбиқ этиладиган жиноий тарздаги мусодара қилишдан фарқ қилиб, ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо чораси сифатида қўлланилиши мумкин. Кодекснинг кўпгина моддаларида мусодара қилиш жаримага қўшимча сифатида белгиланган.

Шарҳланаётган моддада мустаҳкамлаб қўйилганидек, мусодара қилиш ушбу модданинг 1-қисмида назарда тутилган ҳолларда фақат судья ва божхона органлари томонидан қўлланилиши мумкин. Бошқа орган ёки мансабдор шахс жазо чорасининг бу турини қўлланишга ҳақли эмас.

3. Мусодара қилишни Кодексда белгиланган маъмурий жазонинг бошқа тури — ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйишдан фарқлаш керак. Ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш унинг қийматини собиқ эгасига қайтариш билан боғлиқ бўлса, мусодара қилишда ашёнинг қиймати тўланмайди.

4. Уқотар қуроллар ва ўқ-дориларни, бошқа ов қуролларини мусодара қилиш асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Судьянинг маъмурий ҳуқуқбузарлик қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш ҳақидаги қарорлари туман (шаҳар) судлари ҳузуридаги суд ижрочилари томонидан ижро этилади.

Божхона ва солиқ органларининг экспорт қилиш тақиқланган ашёлар ва маҳсулотни мусодарақилиш тўғрисидаги қарори тегишли ҳокимиятлар ташкил этадиган доимий ишловчи комиссиялар томонидан қонунлар билан белгиланган тартибда ижро этилади.

28-м о д д а. **Махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш**

Муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум қилиш чораси туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўиича судьяси томонидан уч йилгача муддатга қўлланилади. Бундай ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати ўн беш кундан кам бўлмаслиги керак.

Ногиронлиги сабабли траиспорт воситаларидан фойдаланадиган шахсларга нисбатан транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш чораси қўлланилиши мумкин эмас, транспорт воситаларини алкоголь ичимликдан, гиёҳвандлик воситаси таъсиридан маст бўлган ҳолда ёки ўзгача тарзда маст бўлган ҳолда бошқариш ҳоллари,

шунингдек, ўзлари иштирокчи бўлган йул-транспорт ҳодисалари содир этилган жойдан кетиб қолиш ҳоллари бундан мустаснодир.

Асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш чораси қўлланилиши мумкин эмас.

1. Муайян шахсга махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш тарзида берилган маъмурий жазо чораси ҳуқуқбузарнинг белгиланган фаолият билан шуғулланиш ёки муайян жамоат фондларидан фойдаланиш ҳуқуқини чеклашдан иборат. Қонун чиқарувчи бу жазо чорасини қўлланишни фақат транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан ва ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳоллари билангина чеклайди.

Кодексда махсус ҳуқуқдан маҳрум қилишнинг энг кўп ва энг оз муддатлари белгилаб берилган.

2. Махсус ҳуқуқдан маҳрум этишни туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьясигина қўлланиши мумкин.

3. Махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш кўпинча йўл ҳаракати қоидаларини ва транспортдан фойдаланиш қоидаларини қўпол равишда бузганликлари учун транспорт воситаларининг ҳайдовчиларига нисбатан қўлланилади. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг таъсирчан воситаси бўлган транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳуқуқларни маълум даражада чеклаш билан боғлиқ жазо чораси ҳисобланади. Бундай маъмурий жазо чорасини қўллаш профессионал ҳайдовчи учун муайян муддатга мутахассислиги бўйича ишлашни, ҳаваскор ҳайдовчилар учун — белгиланган муддат давомида ўзига тегишли транспорт воситасини бошқаришни тақиқлашга сабаб бўлади. Шу билан бирга, мазкур жазо чорасининг амал қилиши автомобиль, трактор ва бошқа ўзиюрар машиналар, трамвай ва троллейбуслар, мотоцикллар ва бошқа механик транспорт воситалари, кичик ҳажмли кемалар ҳайдовчилари содир этган қўпол ҳуқуқбузарликлар учун ҳам татбиқ этилади.

4. Кодексда транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш қуйидагилар учун назарда тутилади: кичик ҳажмли кемалардан ва улар турадиган базалардан (иншоотлардан) фойдаланиш қоидаларини бузганлиги (119-модданинг 2-қисми); транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солувчи гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишда қатнашганлиги (129-модданинг 2-қисми); транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариши (131-модданинг 1, 3-қисмлари); кема ҳайдовчиларининг кичик ҳажмли кемаларни маст ҳолда бошқариши (132-модда); транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келиши (133-модда); ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши транспорт воситаларининг ёки бошқа мол-мулкнинг шикастланишига олиб келиши (134-модда); йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойдан кетиб қолиш (137-модда).

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш ногиронлиги туфайли бу транспорт воситасидан фойдаланаётган шахсларга нисбатан

қўлланилиши мумкин эмас. Кодекснинг 131-моддаси 1,3-қисмлари ва 137-моддасида назарда тутилган фақат икки ҳолат бундан мустаснодир.

5. Қараб чиқилаётган жазо чорасининг бошқа тури — овқилиш ҳуқуқидан маҳрум этишдир. У ов қилиш қоидаларининг фақат айрим бузилишлари учун, яъни ов қилишга тегишли рухсати бўлмаган ҳолда ёки тақиқланган жойларда ёхуд тақиқланган муддатларда, тақиқланган қуроллар ёки усуллар билан ов қилганлик, шунингдек, ов қилиш ва балиқ тутишнинг бошқа қоидаларини мунтазам равишда бузганлик учун назарда тутилган. Овчилик тирикчиликнинг асосий манбаи бўлган шахсларга нисбатан ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш қўлланилиши мумкин эмас.

6. Кодекс муайян шахсга бериб қўйилган махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш учун энг кўп ва энг оз муддатларни белгилаб берган. У мазкур ҳуқуқдан фойдаланишни кўпол ёки мунтазам равишда бузиб келганлик учун уч йил муддатгача татбиқ этилади. Бундай ҳуқуқдан маҳрум этиш муддати 15 кундан кам бўлмаслиги керак.

29 -м о д д а. **Маъмурий қамоққа олиш**

Маъмурий қамоққа олиш уч суткадан ўн беш суткагача муддатга, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, жамоат тартибига тажовуз қилганлиги учун — ўттиз суткагача муддатга қўлланилади. Маъмурий қамоққа олиш туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўиича судьяси томонидан, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, шунингдек, ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи томонидан белгиланади.

Маъмурий қамоққа олиш чораси ҳомиладор аёлларга, уч ёшгача боласи бўлган аёлларга, ўн тўрт ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

1. Маъмурий қамоққа олиш энг қаттиқ маъмурий жазо чораси ҳисобланади. У айбдорни маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган орган (мансабдор шахс) белгилаган даврда озодликдан маҳрум этишни, жамиятдан ажратиб қўйишни билдиради.

2. Маъмурий қамоққа олиш тарзидаги маъмурий жазо чораси фақат маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган бўлиб, улар ўзининг хавфлилиги жиҳатидан қуйидаги жиноятларга яқинлашиб қолади: гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш (56-модда); майда безорилик (183-модда); жамоат тартибига ва фуқароларнинг хавфсизлигига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш (184-модда); жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш, худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш (187-модда, 2-қисм); милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаслик, уни такрор содир этиш (194-модда, 2-қисм); милиция

ходимларининг ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш (195-модда); йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намой ишлар укшгтириш, ўтказиш тартибини бузиш (201-модда); фавқулодда ҳолат тартибининг талабларини бузиш (204-модда); фавқулодда ҳолат тартиби шароитида жамоат тартибига тажовуз қилиш (205-модда). Кейинги ҳолатда маъмурий қамоққа олиш ўттиз суткагача қўлланилади.

3. Одатда юқорида тилга олинган моддаларнинг санкцияларида маъмурий қамоққа олишнинг фақат энг кўп муддати келтирилади. Бундай ҳолларда маъмурий қамоққа олиш уч суткадан муайян модданинг санкциясида кўрсатиб ўтилган муддатгача тайинланиши мумкин.

4. Маъмурий қамоққа олиш фақат туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан, фавқулодда ҳолат режими шароитида, шунингдек, ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи томонидан қўлланилиши мумкин.

5. Модданинг 2-қисмида маъмурий қамоққа олиш чорасини қўлланиб бўлмайдиган шахслар рўйхати мавжуд. Шу сабабли маъмурий қамоққа олишни жазо чораси сифатида қўлланиш тўғрисида қарор қабул қилишда бунга тўсиқлар бор-йўқлигини, аёл ҳомиладорми ёки ҳомиладор эмасми; унинг уч ёшгача бўлган болалари борми ёки йўқми; ҳуқуқбузар ўн тўрт ёшгача бўлган боласини ёлғиз ўзи тарбиялаяптими ёки йўқми; ўсмир балоғат ёшига етганми-йўқми; маъмурий жавобгарликка тортилган шахс I ёки II гуруҳ ногирони эмасми — шуларни аниқдаб олиш лозим. Кўрсатиб ўтилган мазкур барча ҳолатлар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланиши даркор.

IV *б о б.* МАЪМУРИЙ ЖАЗОНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

30-м о д д а. **Маъмурий жазо қўлланилишининг умумий қоидалари**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жазо ушбу Кодекс ва бошқа норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган доирада ва тартибда қўлланилади.

Жазони қўлланиш чоғида содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айбдорлик даражаси, мулкий аҳволи, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинади.

1. Маъмурий жазо чорасини қўлланишда орган (мансабдор шахс) қонунийлик ва жазонинг якка тартибда бўлиши каби асосий қоидаларга (принципларга) амал қилиши лозим.

2. Қонунийлик қоидаси шуни билдирадики, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарга нисбатан қонун ҳужжатлари билан белгиланган ва фақат Кодекс Махсус қисмининг содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддаси рухсат этган доирада қўлланиши мумкин.

3. Модданинг санкцияси бир неча жазо чорасини қўлланиш имкониятини ўз ичига олиши мумкин. Масалан, Кодекснинг 131-моддаси 1-қисмига мувофиқ, транспорт воситаларини ҳайдовчилар алкоголь, гиёҳванд ёки бошқа нарсалар билан маст бўлган ҳолда бошқариши энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки бир йилдан уч йилгача транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўлади. Бироқ муайян маъмурий ҳуқуқбузарлик учун фақат битта асосий жазо чораси, фақат тегишли норманинг санкциясида белгиланган доирада, мазкур ҳолатда жарима ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш чораси қўлланилиши мумкин.

Кодекс айрим ҳолларда бу чегараларни маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норма санкцияси билангина чеклаб қолмасдан, шу билан бирга, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қандай мансабдор шахслар қараб чиқишга ваколатли эканлиги ҳақидаги қоида билан ҳам чеклайди. Масалан, Кодекснинг 28-моддасига мувофиқ, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш чораси фақат туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан қўлланилади. Бошқа мансабдор шахслар жазонинг мазкур турини қўллаш ҳуқуқига эга эмаслар.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, башарти модданинг санкциялари жарима солиш билан биргаликда маъмурий ишлар бўйича судья томонидангина қўлланилиши мумкин бўлган муқобил жазо турлари ҳам (мусодара қилиш, махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш ёки маъмурий қамоққа олиш) назарда тутилар экан, бундай ҳолда ана шу ҳуқуқбузарликлар бўйича ишлар туман (шаҳар) судига юборилиши ва уларни Кодекснинг 245-моддасига мувофиқ маъмурий ишлар бўйича судья кўриб чиқиши лозим, у назарда тутилган жазо чораларидан ҳар қандайини қўлланишга ҳақлидир.

Кодекс мансабдор шахсларнинг у ёки бу миқдорда жарима солиш ваколатини ҳам чеклайди. Масалан, Кодекснинг 249-моддаси қуйидаги қоидани мустаҳкамлайди: Ўзбекистон Республикаси ёнғиндан сақлаш назорати Бош давлат инспектори ва унинг ўринбосарлари — фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваригача миқдорда; Ўзбекистон Республикаси ёнғиндан сақлаш назорати Бош давлат инспекторининг ёрдамчилари — фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваригача миқдорда; хизмат кўрсатилаётган шаҳар, туманлар ва объектларнинг ёнғиндан сақлаш назорати давлат катта инспекторлари — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — икки бараваригача миқдорда жарима солишга ҳақлидирлар.

Бундай ҳолларда мансабдор шахс Кодексда кўзда тутилган доирада жарима солиши мумкин.

4. Жазонинг якка тартибда бўлиши қоидаси шуни билдирадики, жазо чорасини қўлланишда ҳуқуқбузарликнинг хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айбдорлик даражаси, мулкий аҳволи, жавобгарликни енгиллаштирувчи

ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинади. Булар маъмурий жазо чорасини қўлланиш тўғрисида адолатли қарор чиқариш, тарбиявий ва огоҳлантирувчи мақсадларга энг самарали тарзда эришиш учун қилинади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг хусусияти унинг ижтимоий хавфлилик даражаси билан белгиланади. Анча хавфли ҳуқуқбузарликлар учун янада қаттиқроқ жазо чоралари қўлланилиши лозим. Жазо чорасини қўлланишда ҳуқуқбузарнинг айбдорлик даражаси ҳам ҳисобга олиниши керак. Қасддан содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жазога нисбатан қаттиқроқ жазо чорасини қўлланиш керак.

31-м о д д а. **Маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар**

Маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар жумласига қуйидагилар киради:

1) айбдорнинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши;

2) айбдорнинг ҳуқуқбузарликнинг зарарли оқибатлари олдини олиши, етказилган зиённи ихтиёрий равишда тўлаши ёки келтирилган зарарни бартараф қилиши;

3) ҳуқуқбузарликнинг кучли руҳий ҳаяжон таъсири остида ёки оғир шахсий, оилавий ёхуд бошқа шароитлар юзага келганлиги оқибатида содир этилиши;

4) ҳуқуқбузарликнинг таҳдид ёки мажбурлов таъсирида ёхуд хизмат юзасидан, моддий ёки бошқа жиҳатдан қарамлиги таъсири остида содир этилиши;

5) ҳуқуқбузарликнинг вояга етмаган шахс томонидан содир этилиши;

6) ҳуқуқбузарликнинг ҳомиладор аёл ёки ўн тўрт ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахс томонидан содир этилиши.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) бошқа ҳолатларни ҳам жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин.

1. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган орган (мансабдор шахс) бошқа ҳолатлар билан бир қаторда, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва шу сабабли Кодекснинг тегишли моддаси санкциясида назарда тутилганидан енгилроқ жазо чорасини қўлланиш учун асос берадиган ҳолатларни ҳам ҳисобга олиши лозим.

2. Шарҳланаётган модда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларнинг олти турини назарда тутади ва улар маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишни қараб чиқувчи орган (мансабдор шахс) томонидан маъмурий жазо чорасини қўлланиш вақтида ҳисобга олиниши керак.

3. Айбдорнинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши унинг содир этилган хатти-ҳаракатнинг ғайриҳуқуқий эканлигини англаб етганлигини, ҳуқуқбузарликка салбий муносабатини, ҳуқуқбузарликни тегишли органларга (мансабдор шахсларга) ўз ихтиёри билан маълум қилганлигини,

ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши ҳолатлари ва сабабларини тушунганлигини билдиради.

4. Айбдорнинг ҳуқуқбузарликнинг зарарли оқибатлари олдини олиши деганда унинг бундай оқибатларни бартараф этиш ёки камайтириш соҳасидаги реал ҳаракатлари тушунилади. Масалан, ҳуқуқбузар йўл қатламига шикаст етказар экан, уни дарҳол таъмирлаб беради. Зарарни ўз ихтиёри билан қоплаш шуни билдирадики, ҳуқуқбузар ҳеч бир талабсиз, эслатишсиз ўз ташаббуси билан шикаст етказилган мулкнинг қийматини тўлайди. Етказилган зарарни бартараф этиш деганда, масалан, шикастланган мулкни таъмирлаш ёки уни худди шундай янгиси билан алмаштириш тушунилади.

5. Агар ҳуқуқбузар ақли расо бўлиб, кучли руҳий ҳаяжон таъсирида ҳуқуқбузарлик содир этган бўлса, бу жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Башарти ҳуқуқбузар ақли норасолик ҳолатида ҳуқуқни бузган бўлса, бу ҳолат умуман маъмурий жавобгарликни истисно қилади. Оғир шахсий, оилавий ёки бошқа шароитлар юзага келганлиги деганда шахсий ёки оилавий тарздаги моддий ёхуд бошқа қийинчиликлар тушунилади, шахс ана шу қийинчиликлар таъсирида ҳуқуқбузарликни содир этган бўлади.

6. Ҳуқуқбузарликнинг таҳдид ёки мажбурлов таъсирида ёхуд хизмат юзасидан, моддий ёки бошқа жиҳатдан қарамлиги таъсири остида содир этилиши шуни англатадики, ҳуқуқбузар ҳуқуқбузарликни, асосан, четдан бўлган таъсир остида содир этади, башарти бу таъсир бўлмаганда, у мазкур ҳуқуқбузарликни содир этмаган бўларди.

7. Ҳуқуқбузарликнинг вояга етмаган шахс томонидан содир этилиши ҳам жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Қонунчилик бунда шу нарсага асосланадики, 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахслар ҳуқуқбузарликни ҳаётий тажрибаси етишмаслиги, жавобгарлик тўғрисидаги мавжуд нормаларни билмаслиги, катталарнинг таъсири билан содир этишлари мумкин.

8. Жавобгарликни енгиллаштирувчи яна бир ҳолат ҳуқуқбузарликни ҳомиладор аёл ёки ўн тўрт ёшгача бўлган боласини ёлғиз ўзи тарбиялаётган шахснинг содир этишидир. Ун тўрт ёшгача бўлган болани ёлғиз ўзи тарбияловчи шахс аёл ҳам, эркак ҳам бўлиши мумкин.

9. Ана шу модда нормасига мувофиқ, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган орган ёки мансабдор шахс жавббгарликни енгиллаштирувчи бошқа ҳолатларни ҳам эътироф қилиши керакки, буларга ҳуқуқбузарнинг ёши, соғлиғи; ногиронлиги, хизматлари, урушда қатнашганлиги ва шу кабилар киради.

32-модда. **Маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар**

Маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар жумласига қуйидагилар қиради:

1) ғайриҳуқуқий ҳаракатларни тўхтатиш ваколати бор шахслар томонидан қўйилган талабга қарамай, бундай ҳаракатларни давом эттириш;

2) маъмурий жазо чорасига тортилган шахснинг бир йил мобайнида яна ўша хилдаги ҳуқуқбузарликни содир этиши, худди шунингдек, ҳуқуқбузарликнинг илгари судланган шахс томонидан содир этилиши;

3) вояга етмаган шахсни ҳуқуқбузарликка тортиш;

4) ҳуқуқбузарликнинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши;

5) ҳуқуқбузарликнинг табиий офат шароитида ёки бошқа фавқулодда ҳолатларда содир этилиши;

6) ҳуқуқбузарликнинг маст ҳолда содир этилиши. Маъмурий жазо чорасини қўлланувчи орган (мансабдор шахс) содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг хусусиятига қараб, мазкур ҳолатни айбни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги мумкин.

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган орган (мансабдор шахс) маъмурий жазо чорасини қўлланаётган вақтда Кодекснинг 32-моддасида мустаҳкамланган ва ҳуқуқбузарнинг жавобгарлигини оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳам ҳисобга олиши лозим. Бу ҳолатлар мавжуд бўлганда ҳуқуқбузарга нисбатан янада қаттиқроқ жазо чораси қўлланилиши лозим.

2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибига баҳо берувчи белгилар сифатида киритилмаган ҳолатлар жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар деб эътироф қилинади. Башарти мазкур ҳолат муайян ҳуқуқбузарликка баҳо берувчи белги ҳисобланса, у жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисобланмаслиги керак. Масалан, Кодекснинг 188-моддаси вояга етмаганларни ғайри-ижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилганлик учун; 194-модда милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаганлик учун жавобгар бўлишни назарда тутади. Вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликка жалб қилиш ва милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаслик бу ҳуқуқбузарликларга баҳо берувчи белгилар ҳисобланади ва шу сабабли муайян ҳолатда жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлмаслиги мумкин.

3. Ғайриҳуқуқий ҳаракатларни тўхтатиш ваколатига эга бўлган шахслар томонидан қўйилган талабга қарамай, бундай ҳаракатларни давом эттириш жавобгарликни оғирлаштиради, чунки шахс огоҳдантиришга қарамай, ҳуқуқбузарлик содир этишни қасддан давом эттиради, бу эса ҳуқуқбузарликнинг ёвуз ният билан қилинганидан гувоҳлик беради, бунда ҳуқуқбузар ҳокимият вакилининг талабларини назарписанд қилмайди, бу ҳам унинг айбдорлик даражасини оғирлаштиради.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, айрим мансабдор шахсларнинг ва жамоатчилик вакилларининг ҳуқуқбузарликни тўхтатиш тўғрисидаги қонуний талабларини бажармаслик маъмурий ҳуқуқбузарликнинг мустақил таркибини ҳосил қилади. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 194-

моддаси милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаганлик учун, шунингдек, жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги вазифаларни амалга оширувчи бошқа шахсларнинг қонуний талабларини ҳам бажармаганлик учун жавобгарликни назарда тутади.

4. Шахс илгари содир этган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилган бўлиб, йил давомида бу ҳуқуқбузарликни содир этишни яна такрорласа, бу жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф қилинади. Бу ҳол ҳуқуқбузарнинг барқарор ғайриҳуқуқий йўл тутишидан далолат беради, унга нисбатан биринчи ҳуқуқбузарлик учун амалга оширилган маъмурий таъсир кўрсатиш ўзининг тарбиявий ва огоҳлантирувчи таъсирини ўтказмаган бўлади. Такрорий ҳуқуқбузарлик қуйидаги ҳолларда жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф қилиниши мумкин: биринчидан, фақат янгидан содир этилган бир хил ҳуқуқбузарлик шарҳланаётган модда маъносида такрорий ҳуқуқбузарлик бўлади. Башарти илгари маъмурий жазо чорасига дучор бўлган шахс шундан кейин бошқа маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этса, бундай такрорлашни (умумий такрорлашни) маъмурий қонунчилик жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф қилмайди. Иккинчидан, Кодекснинг 37-моддасига мувофиқ, қонун чиқарувчи бир йил муддат белгилайди, ана шу даврда ҳуқуқбузарлик такрорланса, у такрорий ҳуқуқбузарлик деб эътироф қилиниши мумкин.

Учинчидан, бир хил турдаги ҳуқуқбузарликни содир этгани учун маъмурий жазога тортилган шахс томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳам такрорий ҳисобланади. Тўртинчидан, башарти такрорий ҳуқуқбузарлик ҳуқуқбузарлик таркибининг баҳо берувчи белгиси ҳисобланмаса, бундай такроран содир этилган ҳуқуқбузарлик оғирлаштирувчи ҳуқуқбузарлик деб эътироф қилинади.

Илгари ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан ҳуқуқбузарликнинг содир қилиниши мазкур шахс унинг учун жиноий жавобгарликка тортилган-тортилмаганидан қатъи назар, бу оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Жиноий хатти-ҳаракат фактининг ўзи жиноий ҳаракатдан кейин яна маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳам содир этган шахснинг оширилган ижтимоий хавфли эканлигидан далолат беради.

5. Вояга етмаган шахсни ҳуқуқбузарликка тортиш, у қандай шаклда (жиноят қилишга ундаш, алдаш) бўлишидан қатъи назар, жавобгарликни оғирлаштиради.

Ана шу шахсларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатга жалб қилиш ЖКнинг 127-моддасида кўзда тутилган жиноят таркибини ҳосил қилади, қонун чиқарувчи вояга етмаганларни ғайри-ижтимоий хатти-ҳаракатга (спиртли ичимликлар, таъсир қиладиган восита ёки моддаларни истеъмол қилишга) жалб қилишнинг алоҳида хавфли эканлигини ҳисобга олиб, вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатга жалб қилганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутган (188-модданинг шарҳларига қаранг).

6. Ҳуқуқбузарликнинг шахслар гуруҳи томонидан содир этилиши ҳамиша катта хавф туғдирган. Бунда айнан битта маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш учун кучларни бирлаштириш назарда тутилади. Бир хил ҳуқуқбузарликларнинг бир неча шахслар томонидан мустақил содир этилиши шарҳланаётган модда мазмунига биноан, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланмайди.

7. Ҳуқуқбузарликнинг табиий офат шароитида ёкй бошқа фавқулодда ҳолатлар шароитида содир этилишини қонун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф қилади. Табиий офатлар шароити деганда зилзила, ўпирилишлар, селлар, ёнғинлар, сув тошқинлари ва шу каби ҳолатлар тушунилади. Бошқа фавқулодда ҳолатларга ҳарбий ҳолат ва бошқа шароитлар киради, улар вазиятни кескин мураккаблаштиради ва аҳоли учун катта хавф-хатар туғдиради. Бундай ҳолатлардан ҳуқуқбузарликни содир этиш учун фойдаланувчи шахс ушбу модда санкцияси доирасида оғирроқ маъмурий жавобгарликка тортилиши лозим. Бироқ бундай шароитда бериладиган жазо маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 29-моддаси асосида маъмурий ишлар бўйича судья, ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи томонидан 30 суткагача маъмурий қамоққа олишдир.

8. Ҳуқуқбузарликнинг маст ҳолда содир этилиши жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Бундай ҳолат иш материаллари билан (тиббий гувоҳлик далолатномаси, гувоҳларнинг берган кўрсатмаси ва шу кабилар) белгиланиши лозим. Маъмурий ҳукуқбузарликларнинг айрим турлари учун мастлик ҳолати таркибнинг зарур белгиларидан бири ҳисобланади. Масалан, Кодекснинг 131-моддаси барча тоифадаги ҳайдовчиларнинг маст ҳолда транспорт воситаларини бошқарганлиги учун жавобгарликни назарда тутади.

33-м о д д а. **Енгилроқ маъмурий жазо чорасининг қўлланилиши**

Орган (мансабдор шахс) маъмурий жазо чорасини қўлланаётганда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда сабабини албатта кўрсатиб туриб, ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги моддаларнинг жазо белгилаш қисмида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам енгилроқ жазо чорасини қўлланиши мумкин.

1. Қонун чиқарувчи маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи органларга (мансабдор шахсларга) Кодекснинг Махсус қисмидаги моддаларнинг жазо белгилаш қисмида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо чорасини қўлланиш ҳуқуқини беради.

2. Бу ҳуқуқни қўлланишнинг зарур шарти жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини ҳисобга олишдан иборат бўлиши лозим. Бунда қабул қилинган қарор албатта асосланган бўлиши, яъни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорда ушбу модданинг

санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам енгилроқ жазо чорасини татбиқ этишга асос бўлган сабабларни қайд этиши зарур.

3. Масалан, энг кам жазодан ҳам енгилроқ жазо чорасини жарима тарзида қўлланиш фуқароларга ва мансабдор шахсларга энг кам миқдордаги жаримадан кам бўлмаган жарима солишни билдиради (25-модда шарҳига қаранг).

34-м о д д а. **Бир неча ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун маъмурий жазо қўлланиш**

Битта шахс икки ёки ундан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган тақдирда, маъмурий жазо ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун алоҳида-алоҳида қўлланилади.

Башарти шахс бир неча маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бўлиб, шу ҳақдаги ишлар бир вақтнинг ўзида айни бир орган (мансабдор шахс) томонидан кўриб чиқилаётган бўлса, бу шахсга нисбатан қўлланиладиган узил-кесил жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади.

Башарти шахс ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги бир неча модда билан маъмурий жавобгарлик белгиланган ва улар тўғрисидаги ишларни ҳар хил орган (мансабдор шахс) кўрадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этган бўлса, унга нисбатан жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади.

Ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда асосий жазога содир этилган ҳуқуқбузарликлардан исталган биттаси учун жавобгарлик тўғрисидаги моддаларда назарда тутилган қўшимча жазо чораларидан бири қўшилиши мумкин.

1. Кодекснинг 34-моддасига биноан, бир неча ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун маъмурий жазо чораларининг қўлланилиши қуйидаги умумий шартлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади:

а) битта шахснинг икки ва ундан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиши, бу ҳуқуқбузарликларнинг ҳар бири учун Кодекснинг Махсус қисмидаги мустақил санкцияга эга бўлган алоҳида модда бўйича баҳо берилади;

б) ҳар бир ҳуқуқбузарлик бўйича маъмурий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетмаслиги;

в) бу ҳуқуқбузарликлардан бирортаси учун ҳам шахс маъмурий жазо чорасига тортилмаган бўлиши керак.

2. Маъмурий қонунлар жиноят қонунларидан фарқли ўлароқ, бир неча ҳуқуқбузарлик учун жазо чораларини бирга қўшиш имкониятини назарда тутмайди. 34-модданинг қоидаларига кўра, ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун жазо чораси алоҳида-алоҳида қўлланилади, ушбу модданинг 2 ва 3-қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

3. 34-модданинг 2-қисмида шундай қоида назарда тутиладики, унга мувофиқ, шахс бир неча ҳуқуқбузарлик содир этган ва бу ҳақдаги ишлар бир вақтнинг ўзида бир орган (мансабдор шахс) томонидан кўриб чиқилаётган бўлса, қўлланиладиган жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади. Бунда анча қаттиқроқ маъмурий жазо чораси қўлланилган ҳуқуқбузарлик анча жиддий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

4. 34-модданинг 3-қисмида шундай қоида назарда тутилганки, унга кўра бир неча ҳуқуқбузарлик содир этган ва унинг тўфисидаги ишни ҳар хил орган (мансабдор шахс) кўриб чиқаётган бўлса, ўша шахсга нисбатан бериладиган жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади.

5. 34-модданинг 4-қисмида белгиланишича, ушбу модданинг 2 ва 3-қисмларида назарда тутилган ҳолларда асосий жазога содир этилган ҳуқуқбузарликлардан исталган биттаси учун жавобгарлик тўғрисидаги моддаларда назарда тутилган қўшимча жазо чораларидан бири қўлланилиши мумкин.

35-м о д д а. **Маъмурий қамоқ ва махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш муддатларини ҳисоблаш**

Маъмурий қамоқ муддати суткалар билан, махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш муддати эса — кунлар, ойлар, йиллар билан ҳисобланади.

1. Маъмурий қамоққа олиш судья томонидан уч суткадан ўн беш суткагача, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса жамоат тартибига тажовуз қилингани учун судья, ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи томонидан ўттиз суткагача тайинланиши мумкин. Маъмурий қамоққа олиш муддати сутканинг қисмлари, яъни соатлар, ярим сутка билан белгиланиши мумкин эмас.

Махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш судья томонидан уч йилгача бўлган муддатга қўлланилиши мумкин. Шундай ҳуқуқдан маҳрум этиш муддати ўн беш кундан кам бўлиши мумкин эмас.

2. Маъмурий жазо чораси муайян муддатининг ўтиб бориши маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишни кўриб чиқаётган орган маъмурий жазо чораси белгилаш тўғрисида қарор қабул қилган куни (агар муддат ойлар ва йиллар билан ҳисобланса) ёки соатда (агар муддат суткалар билан ҳисобланса) бошланади.

3. Иил ва ой деганда тақвим йили ёки ойи тушунилади. Муддатлар йиллар ёки ойлар билан ҳисобланганда маъмурий жазо қайси ойдан ҳисобланса, муддат ўша ойнинг тегишли кунида тамом бўлади. Агар бу ой тегишли кунга эга бўлмаса, у ҳолда муддат ойнинг охирги суткасида тугайди.

4. Муддатлар сутка билан ҳисобланганда муддат охирги сутканинг тунида соат 24 да тамом бўлади.

5. Кунлар билан белгиланган муддатлар суткалар билан белгиланган муддатлар каби ҳисобланади.

36-м о д д а. **Маъмурий жазо қўлланиш муддатлари**

Маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб, икки ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тўхтатилган бўлсаю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Ушбу моддада назарда тутилган муддатлар ашёларни божхонага доир қонун ҳужжатлари асосида мусодара қилиш ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди.

1. Бу модда маъмурий жазо чорасини қўлланиш муддатини белгилаб беради. Бу муддат тугагандан кейин жазо чорасини қўлланиб бўлмайди.

2. Маъмурий жазо чорасини қўлланиш муддати, одатда, икки ойдан ошмаслиги керак. Бироқ хусусияти жиҳатидан ҳар хил бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун мазкур муддатни ҳисоблаш нуқтаси турличадир. Кўпчилик ножўя хатти-ҳаракатлар учун маъмурий жазо чорасини татбиқ этиш муддатининг бошланиши ҳуқуқбузарлик содир этилган кун ҳисобланади. Башарти ҳуқуқбузарликни содир этиш давом этаётган бўлса, унинг ўтиш муддати бошқача ҳисобланади. Муайян муддат давомида узлуксиз равишда амалга ошириб келинаётган ҳуқуқбузарлик давом этаётган ҳуқуқбузарлик деб эътироф қилинади. Давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарликка ўқотар қуролни сақлаш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш, рўйхатдан ўтмасдан яшаш ва шу кабилар мисол бўлиши мумкин. Бу ҳуқуқбузарликлар муайян хатти-ҳаракатни узлуксиз амалга ошириш билан ажралиб туради. Давом этаётган ҳуқуқбузарликлар бўйича икки ойлик муддат дастлабки ҳуқуқбузарлик бошланган пайтдан эмас, балки бу ҳуқуқбузарлик фактининг ўзини аниқлаш пайтидан бошланади.

3. Жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки бу иш тўхтатилган бўлсаю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чорасини қўлланиш мазкур ишни қўзғатишни рад этиш ёхуд уни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилинган кундан бошлаб, бир ойдан кечиктирмай амалга оширилиши мумкин.

4. Кодекснинг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ашёларни божхона қонунлари асосида мусодара қилиш ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди.

37-м о д д а. **Тугаганидан сўнг шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланадиган муддат**

Башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади.

1. Шахсга нисбатан маъмурий жазо чораси қўлланилиши тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб, у маъмурий жазога тортилган деб эътироф қилинади. Кодекснинг 37-моддаси мазмунига кўра, шахс янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаса, жазо чорасини ўтай бошлаган кундан бошлаб бир йил давомида у жазоланган ҳолатда бўлади. Бу муддат маъмурий жазо чорасини ўташ муддатининг тугаши ҳисобланади.

2. Шахс янги маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган тақдирда кучини йўқотиш муддати янги ҳуқуқбузарлик учун жазо чорасини ўташ муддати тугаган кундан бошланади.

3. Маъмурий жазони ўтаб бўлишнинг бир йиллик муддати, уларнинг турларидан қатъи назар, барча маъмурий жазо чоралари учун белгиланган.

4. Маъмурий жазони ўтаб бўлиш учун бир йиллик муддатнинг бошланиш нуқтаси тайинланган жазо чорасини ўташ тамом бўлган кун ҳисобланади.

Башарти айбдор шахс асосий ва қўшимча жазо чораларига тортилган бўлса, у ҳолда бир йиллик муддат вақт жиҳатидан охирги ўтилган жазони ўташ муддати тамом бўлган кундан эътиборан ҳисобланади.

Маъмурий қамоққа олиш ёки махсус ҳукуқдан маҳрум этиш қўлланилганда, жазо чорасини ўтаб бўлишнинг тугаш муддати ҳақиқатда маъмурий қамоқ муддатининг тугаши ёки фуқаро махсус ҳуқуқдан маҳрум этилган муддатнинг ўтиб бўлиши билан мос келади.

5. Маъмурий жазо чорасининг тугаши ҳеч қандай махсус ҳужжат билан расмийлаштирилмайди. У қонун билан белгиланган муайян шароитлар мавжуд бўлганда бир йиллик мудлат ўтгандан кейин ва шу бир йил давомида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилмаган тақдирда бошланади.

38-м о д д а. **Етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини юклаш**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида келтирилган зарарни қоплашй шарт.

Башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш оқибатида жисмоний шахсга, корхона, муассаса, ташкилотга, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи ёки давлатга етказилган мулкий зарар белгилаб қўйилган энг кам иш ҳақидан кўп бўлмаса, орган (мансабдор шахс) жазо қўлланиш пайтида айбдор бу зарарни қоплаши тўғрисидаги масалани ҳам ҳал этишга ҳақлидир, маъмурий ишлар бўйича судья эса— бу масалани етказилган зарар миқдоридан қатъи назар, ҳал қилаверади.

Бошқа ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган мулкий зарарни қоплаш фуқаролик-ҳуқуқий тартибида ҳал қилинади.

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик жисмоний ёки юридик шахсга мулкий зарар келтириш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай зарар албатта қопланиши лозим. Маъмурий ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган мулкий зарар ўрнини қоплашни башарти зарар иш ҳақининг белгиланган энг кам миқдоридан ошиб кетмаса, айбдорга маъмурий жазо чорасини қўллашга ваколатли орган (мансабдор шахс) зарарнинг микдоридан қатъи назар, маъмурий ишлар бўйича судья юклашга ҳақдидир. Зарарни қоплаш тўғрисидаги талабни ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс билдириши мумкин.

Шахснинг етказилган зарарни қоплаш тўғрисида ариза бериш ҳуқуқини эътироф қилиш учун махсус қарор чиқариш талаб этилмайди.

2. Зарарни қоплаш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда орган (мансабдор шахс), маъмурий ишлар бўйича судья маъмурий ҳуқуқбузарлик билан мулкий зарар ўртасидаги сабабий боғланишни, шахснинг зарар етказишдаги айбини, зарарнинг миқдорини, унинг кимга етказилганлигини ва ҳоказоларни аниқлаши лозим.

Айбдор шахсга зарарни қоплаш вазифасини юклаш тўғрисидаги масала маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш босқичида жазо чорасини қўлланиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш билан бир вақтда ҳал этилади.

3. Кодекснинг 38-моддаси 2 ва 3-қисмлари мазмунидан шу нарса келиб чиқадики, етказилган зарарни қоплаш вазифасини юклаш бу мазкур моддада кўрсатиб ўтилган органлар (мансабдор шахслар) ва маъмурий ишлар бўйича судьянинг вазифаси эмас, балки ҳуқуқидир. Башарти мазкур органлар (мансабдор шахслар) ва маъмурий ишлар бўйича судья маъмурий жазо чорасини қўлланиш вақтида зарарни қоплаш тўғрисидаги масалани ҳал қилмаган бўлсалар, у ҳолда жабрланувчининг даъво аризаси фуқаролик судлов ишларини юритиш тартибида ҳал қилинади.

39-м о д д а. **Бажарилмаганлиги учун маъмурий жазо қўлланилган вазифани ижро этиш**

Маъмурий жазони қўлланиш маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни бажарилмаганлиги учун маъмурий жазо қўлланилган вазифани бажаришдан озод этмайди.

1. Ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги бир қатор моддалар муайян қоидаларга риоя қилиниши учун мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини назарда тутади. Мазкур қоидаларнинг, масалан, санитария, ёнғин, техникавий қоидаларнинг бузилишига йўл қўймаслик мазкур шахсларнинг вазифаси ҳисобланади.

2. Қонунлар билан белгиланган муайян қоидаларга риоя этилишини таъминламаган шахсларга нисбатан маъмурий жазо чораларининг

қўлланилиши уларни бажарилмаганлиги учун маъмурий жазо қўлланилган вазифани бажаришдан озод қилмайди.

М А Х С У С ҚИСМ

V боб. ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛАДИГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

40-м о д д а. **Туҳмат**

Туҳмат, яъни била туриб ёлғон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиш, — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1.Туҳмат маъмурий ҳуқуқбузарлик бўлиб, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига тажовуз қилишдан иборатдир, буларни ҳимоя қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида мустаҳкамланган.

2.Уйдирмалар тарқатиш деганда гўё рўй берган маълумотлар, фактларни ҳеч бўлмаганда битта шахсга маълум қилиш тушунилади. Бунда маълум қилиш оғзаки, ёзма ёки бошқа бир шаклда баён этилганлигининг аҳамияти йўқ.

3. Била туриб ёлғон гапириш шундан иборатки, тегишли маълумотларни тарқатувчи шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслигини билади. Маълумотларнинг ёлғонлигини англаб етмаслик (масалан, маълумотларнинг расмий шахсдан олиниши, ҳужжатлар билан танишиш) жавобгарликни истисно қилади. Ҳақиқатда содир бўлмаган фактларнинг маълум қилиниши, лекин уларнинг мазмунига нотўғри баҳо берилиши туҳмат ҳисобланмайди (масалан, агар техник-слесарь ҳақиқатан ҳам ноҳақ йиғимлар билан шуғулланадиган бўлса, унинг аҳолидан пора олиш ҳақидаги хабар).

4. Тегишли маълумотларни тарқатувчи шахснинг мазкур маълумотлар тўғри бўлиши мумкин, деб тахмин қилиши туҳмат учун маъмурий жавобгарликни истисно қилмайди.

5. Бошқа шахсларни шарманда қилса ҳам, лекин ҳақиқатга тўғри келадиган маълумотларни тарқатиш туҳмат таркибини ҳосил қилмайди.

6. Бошқа шахсни шарманда қилувчи маълумотларни тарқатиш уйдирма ҳисобланадими деган масала ахлрқ ва маънавийлик нормалари асосида ҳал этилади. «Бошқа шахсни шарманда қилувчи уйдирмалар» жумласига қонун, ахлоқ ва маънавийлик нормаларига риоя қилиш нуқтаи назаридан фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини жамоатчилик фикрида ёки айрим фуқаролар фикрида ерга урувчи уйдирмаларни ҳам киритиш мумкин.

7. Туҳмат тўғридан-тўғри ғаразли ният билан, одатда ўч олиш, кўролмаслик каби баҳоналар билан содир этиладиган ҳуқуқбузарликдир.

8. 16 ёшга етган шахслар ҳуқуқбузарлик субъектлари ҳисобланади.

9. Туҳмат қилиниб, маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин худди шундай хатти-ҳаракатлар ЖКнинг 139-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинади.

10.Кодекснинг 245-моддасига мувофиқ, айтиб ўтилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судья томонидан кўриб чиқилади.

41-м о д д а. **Ҳақорат қилиш**

Ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситиш, — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ҳақорат қилиш — фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига тажовуз қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарлик, бундай тажовуз салбий баҳо беришдан иборат бўлиб, шахснинг маънавий нуфузига атрофдагилар кўз ўнгида путур етказади, жабрланувчининг ўзига бўлган ҳурматга зарар етказади.

2. Бу ҳуқуқбузарлик объектив томонининг хусусияти шундан иборатки, у оғзаки, ёзма (хат, расм ва шу кабилар) тарзда ёхуд фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ерга урадиган ҳаракат (тарсаки, тупурмоқ, беадаб имо-ишора сингари)лар билан содир этилиши мумкин. Туҳматдан фарқли ўлароқ, ҳақорат қилишда жабрланувчининг маънавий қиёфасини салбий тасвирловчи қандайдир фактлар кўрсатилмайди, балки шахсга баҳо берилади, бу баҳо кишининг хулқ-атворига, қиёфаси кабиларга тегишли бўлиши мумкин.

3. Бу салбий баҳо ҳақиқатга тўғри келиш-келмаслиги мазкур таркиб учун аҳамиятсиздир. Башарти, масалан, шахс жабрланувчини аҳмоқ деб атасаю, ҳақиқатан у кўпчилик бошқа шахсларнинг фикрича ҳам ақлсиз бўлса, у ҳолда ҳақорат янада яққол намоён бўлади.

4. Субъектив томондан мазкур ҳуқуқбузарлик тўғридан-тўғри қасддан иборат қилиб тавсифланади, яъни шахс ўзининг хатти-ҳаракатлари ғайриҳуқуқий эканлигини англаб етади ва уларни содир қилишни истайди. Бундан ташқари, ҳуқуқбузарнинг аниқ ифодаланган мақсади шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ерга уришдан иборатдир.

5. Ҳақорат кўпчилик ўртасида — айбдорга ҳам, жабрланувчига ҳам таниш ёки нотаниш кишилар иштирокида, ҳатто жабрланувчи йўқ бўлган вақтда ҳам қилиниши мумкин. Бу кейинги ҳолатда айбдорнинг нияти ҳақоратнинг жабрланувчига маълум бўлишидан иборатдир.

6. 16 ёшга етган ақли расо шахслар ҳуқуқбузарлик субъектлари ҳисобланади.

7. Ҳақорат қилиш худди шундай хатти-ҳаракат учун маъмурий жазо чораси қўллангандан кейин номақбул шаклда содир этилган тақдирда унга ЖКнинг 140-моддаси 1-қисми бўйича баҳо берилади.

8. Бу ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади.

42-м о д д а. **Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Фуқароларнинг тарбия ва таълим беришда тилни эркин танлашдан иборат ҳуқуқларини бузиш, тилдан фойдаланишда тўсқинлик қилиш ва чеклаш, давлат тилини, шунингдек, Узбекистон Республикасида яшовчи бошқа миллатлар ва элатларнинг тилларини менсимаслик, — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисида»ги Қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1989, 26—28-сон, 453-модда — янги таҳрирда), Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ўзбек тили ҳисобланади. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши республика ҳудудида истиқомат қилаётган миллатлар ва элатларнинг ўз она тилини ишлатишдаги ҳуқуқларини камситмайди. Қонун турмушда, шахслараро алоқада, диний ҳамда ибодат билан боғлиқ бўлган урф-одатларни нишонлашда тилларнинг ишлатилишини тартибга солмайди. Фуқаролар миллатлараро муомала тилини ўз ихтиёрлари билан танлаш ҳуқуқига эгадирлар. Ўзбекистон Республикасида барча фуқароларнинг давлат тилини ўрганишлари ва унинг ҳудудида истиқомат қилаётган миллатлар ва элатлар тилига ҳурмат билан қарашлари, бу тилларни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиб бериш таъмин этилмоқда. Ўзбекистон Республикасида давлат тилида иш олиб борадиган мактабгача болалар муассасалари, миллий гуруҳлар зич яшайдиган жойларда эса уларнинг тилларида иш олиб борадиган мактабгача болалар муассасалари ташкил этилиши таъминланмоқда. Узбекистон Республикасида яшаётган шахсларга таълим олиш тилини эркин танлаш ҳуқуқи берилади, давлат тилида, шунингдек, бошқа тилларда умумий, ҳунар-техника, ўрта махсус ва олий маълумот олиш таъминланади.

Қонуннинг 24-моддаси давлат тилига ёки бошқа тилларга назар-писанд қилмай ёхуд душманларча муносабатда бўлишни тақиқлайди. Фуқароларнинг муомала, тарбия ва таълим беришда тилни эркин танлаш ҳукуқини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи шахслар ушбу Кодекснинг 42-моддасига биноан жавобгарликка тортилади.

2. Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилади. Кодекснинг мазкур нормаси фуқароларнинг муомала, тарбия ва таълим беришда тилни эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай уринишларнинг олдини олиш ва қатъиян барҳам топтиришга қаратилган.

3. Мазкур модда бўиича жавобгарлик субъектлари мансабдор шахслар, шунингдек, 16 ёшга етган фуқаролар бўлиши мумкин.

4. Давлат тили тўғрисидаги қонунни бузиш одатда миллий ғурурни, шаън ва қадр-қимматни ҳақорат қилиш ёки ерга уриш мақсадида тўғридан-тўғри ёмон ният билан содир этилган ҳуқуқбузарликдир.

5. Мазкур ҳуқуқбузарликни маъмурий ишлар бўиича судьялар кўриб чиқадилар (245-модда).

43-м о д д а. **Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни ғайриҳуқуқий тарзда рад этганлик, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузганлик, асоссиз, қонунга зид қарор қабул қилганлик, шунингдек, фуқаронинг бузилган ҳуқуқларини тиклашни, шикоят муносабати билан қабул қилинган қарорни реал бажаришни таъминламаганлик, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасига биноан, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатда кўриб чиқилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил б майдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994, 5-сон, 140-модда)да фуқароларнинг давлат органларига, жамоат бирлашмаларига, мулкчилик шаклидан қатьи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқини, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари белгилаб берилган. Кўрсатиб ўтилган талабларни фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни ғайриҳуқуқий тарзда рад этганлик, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузганлик, асоссиз, қонунга зид қарорлар қабул қилганлик ёхуд фуқароларнинг мурожаат қилишлари тўғрисидаги қонунларнинг мансабдор шахслар ёки халқ вакиллари томонидан бошқача бузганлик кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг объектив томонини ташкил этади.

2. Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик объектлари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларидир.

3. Мазкур модда бўйича жавобгарлик субъектлари мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

4. Мазкур ҳуқуқбузарлик ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиши мумкин.

5. Башарти ҳуқуқбузарлик натижасида фуқароларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқларига ёхуд қонун томонидан муҳофаза қилинаётган манфаатларига

жиддий зарар етказилган бўлса, мансабдор шахслар ЖКнинг 144-моддаси, 1-қисми бўйича жиноий жавобгарликка тортиладилар.

6. Айтиб ўтилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади.

44-м о д д а. **Ҳужжатлар билан танишиб чиқишни асоссиз равишда рад этиш**

Фуқарога унинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини беришни асоссиз равишда рад этиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасида Республика фуқароларига уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имконияти кафолатланган. Асосий Қонун барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга бундай имкониятни яратиб бериши шарт, деб эълон қилган. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқишни асоссиз равишда рад қилиш йўли билан кўрсатиб ўтилган талабларнинг мансабдор шахслар томонидан бузилиши кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг объектив томонини ташкил этади.

2. Мазкур ҳуқуқбузарлик фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилади, бу эса кўрсатиб ўтилган хатти-ҳаракатнинг объекти ҳисобланади.

3. Мазкур модда бўйича мансабдор шахслар жавобгарлик субъектлари бўлишлари мумкин.

4. Мазкур ҳуқуқбузарлик қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиши мумкин.

5. Ушбу моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқадилар.

45-м одда. **Фуқароларнинг тураржойи дахлсизлигини бузиш**

Тураржойга унда истиқомат қилувчиларнинг хоҳиш-иродасига хилоф равишда ноқонуний тарзда кириш мансабдор бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, — энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида фуқароларнинг тураржой дахлсизлиги ҳуқуқи кафолатланган. Асосий Қонунга кўра, ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари, бировнинг тураржойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши мумкин эмас. Фуқароларнинг тураржойи дахлсиз эканлиги ҳақида кўрсатиб

ўтилган талабларнинг мансабдор бўлмаган шахснинг бу ерда яшаётганлар хоҳиш-иродасига қарши ғайриқонуний равишда кириши йўли билан бузилиши кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг объектив томонини ташкил этади.

2. Тураржойга яшаш ҳуқуқи бўлмаган шахснинг ғайриқонуний кириши деганда тураржойга унда яшовчиларнинг хоҳиш-иродасига қарши ёки эгаси бўлмаган вақтда муваққат фойдаланиш учун кириши тушунилади.

3. Бундай ҳуқуқбузарлик фақат қасддан содир этилиши мумкин.

4. Ақли расо ва 16 ёшга етган шахс мазкур ҳуқуқбузарлик субъекти бўлиши мумкин.

5. Тураржойга унда яшовчиларнинг хоҳиш-иродасига қарши ғайриқонуний равишда зўравонлик билан бостириб кириш ЖКнинг 142-моддаси билан квалификация қилинади.

6. Айтиб ўтилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқадилар.

46- м о д д а. **Фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш**

Тиббий ёки тижорат сирларини, ёзишма ва бошқа хабарлар, нотариал ҳаракатлар, банк операциялари ва жамғармалар сирларини, худди шунингдек, фуқарога, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига маънавий ёхуд моддий зарар етказиши мумкин бўлган бошқа маълумотларни ошкор этиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — икки бараваридан беш бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Мазкур норма фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси томонидан кафолатланган уларнинг шахсий ҳаётига аралашишдан муҳофаза қилиш ҳуқуқини, ёзишмалар махфийлигини ва бошқа маълумотларни ошкор қилганлик учун маъмурий жавобгарликни (27-модда), банкка қўйилган омонатлари сир тутилиши ва мерос ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарликни (36-модда), фуқарога, унинг ҳуқукдарига, эркинликлари ва қонуний манфаатларига маънавий ва моддий зарар етказиши мумкин бўлган бошқа маълумотларни ошкор қилганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаб беради.

2. Сирни ошкор қилиш фуқароларнинг розилигини олмасдан туриб даволаш ёки тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни, шунингдек, фуқарога, унинг ҳуқукдари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган бошқа маълумотларни бирор кишига маълум қилишдан иборатдир.

Ёзишмалар, нотариал ҳаракатлар, банк операциялари ва жамғармалар сирини ошкор қилиш фуқароларнинг почта-телеграф ёки радиокорреспонденцияси

билан, банк операциялари ва фуқароларнинг жамғармалари ҳужжатлари билан уларнинг бунга розилигисиз таништиришдан, шунингдек, уларнинг мазмунини кимгадир маълум қилишдан иборатдир.

3. Фуқароларнинг ёзишмалари, даво сирлари ҳисобланган маълумотларни, нотариал ҳаракатлар, банк операциялари ва жамғармалар сирини, шунингдек, жиноий жавобгарликка сабаб бўлмаса ҳам фуқарога, унинг манфаатларига маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган бошқа маълумотларни қисман бўлсада ошкор қилиш пайтидан бошлаб ҳуқуқбузарлик тугалланган ҳисобланади.

4. Мазкур ҳуқуқбузарликфақат қасддан содир этилиши мумкин.

5. Мазкур ҳукуқбузарликнинг субъекти ҳар қандай шахс — хизмат ваколатлари (масалан, мактубларни бериш ёки етказиш кабилар) туфайли маълумотлардан хабардор бўлиб, фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган мансабдор шахс, шунингдек, акди расо ва 16 ёшга тўлган мансабдор бўлмаган шахс бўлиши мумкин. Бундай ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судья томонидан кўриб чиқилади.

6. Ёзишмалар, телеграф ёки бошқа хабарлар сирини ошкор қилиш худди шундай хатти-ҳаракатлар учун маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин содир этилса, улар ЖКнинг 143-моддаси билан квалификация қилинади.

47-м о д д а. **Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик**

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан, вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши, — энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Болаларни тарбиялаш Ўзбекистон фуқароларининг конституциявий бурчидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида ота-оналар ўз болаларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканликлари мустаҳкамланган. Бу .вазифани амалга ошириш учун ота-оналарга ота-оналик ҳуқуқлари, яъни ўз фарзандларини шахсан тарбиялаш ҳуқуқи берилган. Ота-оналик ҳуқуқлари, айни вақтда, ота-оналарнинг болаларини тарбиялаш соҳасидаги вазифасини ҳам белгилаб берган. Оила тўғрисидаги қонунда бу вазифанинг мазмуни: болаларни тарбиялаш, уларнинг жисмоний камолотга етиши ва таълим олиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш очиб берилган.

2. 47-моддада ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг маъмурий жазоланадиган ҳуқуқбузарликлари қуйидаги турлари назарда тутилган, яъни: а) бу шахсларнинг вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва ўқитиш соҳасидаги вазифаларини бажармаслиги; б) ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг вояга етмаганларни тарбиялаш ва ўқитиш

соҳасидаги вазифаларини бажармаслиги оқибатида вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиши ифодаланган.

Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш вазифаларини бажармаслик деганда ҳаракатсизликнинг турли шаклларини, чунончи бунинг, яъни ҳаракатсизликнинг натижасида вояга етмаганларни тарбиялаш ёки уларга таълим бериш тўғрисида етарли ғамхўрлик қилинмаётганликларини тушунмоқ керак. Ота-оналар ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг ўз вазифаларини бажаришдан бўйин товлаши шу нарсада ифодаланадики, улар болаларнинг маънавий тарбияси, жисмоний камолга етиши ва соғлиғини мустаҳкамлаш тўғрисида, уларнинг ўз вақтида умумий ўрта ёки касб-ҳунар таълими олишлари, муваффақиятли ўқишлари тўғрисида зарур шарт-шароитлар яратиб бериш ҳақида ғамхўрлик қилмайдилар.

Болалар тарбияси ота-оналарнинг турли ҳаракатларидан ташкил топади, улардан бири болаларнинг хулқ-атворини назорат қилиб боришдир. Шу сабабдан ота-оналарнинг ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг болалар хулқ-атворига енгилтаклик ёки бефарқлик билан муносабатда бўлишлари уларнинг хулқ-атвори ва улар жамият ҳаёти нормаларига мувофиқ келишларини етарли даражада кузатиб бормасликлари кўпинча болаларнинг ҳуқуқбузарлик содир этишларига олиб келади. Натижада болалар маъмурий ва бошқа хилдаги ҳуқуқбузарлик содир этган тақдирда ота-оналар жавобгарлигининг асоси — уларнинг тарбия соҳасидаги вазифаларни етарли тарзда бажармасликлари бўлиб, бу вояга етмаганларнинг ҳукуқбузарлик содир этишларига олиб келади.

Барча ҳолларда ота-оналар ўз ҳаракатсизликлари учун жавобгардирлар, бу ҳаракатсизлик натижасида болаларнинг лозим даражада тарбияланмаслиги ёки таълим олмаслиги уларнинг ҳуқуқбузарликлар содир этишларига сабаб бўлади. Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги 47-моддага мувофиқ, мустақил асосга эга бўлиб, ўсмирларнинг ҳуқуқбузарлик қилишидан кейин эмас, балки у билан бирга содир бўлади (бунда вояга етмаганларнинг ўзига нисбатан қонунда кўзда тутилган чоралар ҳам қўлланилади).

3. Шарҳланаётган модда, башарти айбдор болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш соҳасидаги вазифаларини қасддан бажармаган бўлсагина татбиқ этилади. Вазифаларни бажармаслик қасддан қилинган-қилинмаганлиги масаласи ҳар бир муайян ҳолда болаларни тарбиялаш ва уларга таълим беришнинг давомийлиги ва сабабларини, уларга ўз вақтида муваффақиятли таълим бериш учун шароитнинг йўқлиги сабабларини, боланинг хулқ-атвори ва ўқиши устидан назоратнинг йўқлиги қанча давом этганлиги ва ишга доир бошқа барча ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади. Ҳуқуқбузарликнинг қасддан қилинганлигидан, хусусан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий нормаларни такроран (бир неча марта) бузғанлиги, бу ҳуқуқбузарликларнинг хусусияти, ота-оналарнинг турли органлар, вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар, ички ишлар органлари, мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари маъмурияти ва бошқалар томонидан боланинг хулқ-атвори ёхуд ўзлаштириши

қониқарсизлиги ва ҳоказолар ҳақида огоҳлантиришлари мавжудлиги далолат бериши мумкин.

4. Шарҳланаётган модда бўйича жавобгарликка фақат отаоналар, яъни боланинг отаси ёки онаси деб ёзилган кишиларгина эмас, балки қонун вояга етмаган болаларни тарбиялаш соҳасидаги вазифаларни бажариш соҳасида уларга тенглаштирган бошқа шахслар ҳам тортилади. Булар — бола асраб олган, болага нисбатан қонуний ота-оналари каби ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган шахслар, васийлар ва тарбиячилар бўлиб, уларнинг васийликка олинганларни тарбиялаш соҳасидаги вазифалари отаоналарнинг вазифаларига ўхшашдир.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилиш болаларни тарбиялаш соҳасидаги вазифалардан озод қилгани учун қонунда белгиланган тартибда ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган шахслар мазкур модда бўйича маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

Ота-оналар болаларни тегишли болалар давлат муассасаларига (масалан, интернатларга) ёки айрим фуқароларга тарбиялаш учун беришга ҳақлидирлар, бироқ бундай ҳолда уларни тарбиялаш вазифаси ота-оналарда қолади ва улар тарбиянинг лозим даражада амалга оширилмагани учун жавобгар бўладилар.

5. Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар болаларни вояга етгунча тарбиялайдилар. Бу ёшга етгандан кейин фуқаро тўлиқ вояга етган ҳисобланади ва ота-оналарнинг болани тарбиялаш соҳасидаги ҳуқуқий вазифасига эҳтиёж қолмайди. Ана шунга мувофиқ, мазкур ҳуқуқбузарликнинг таркиби фақат вояга етмаганларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш соҳасидаги вазифаларни бажаришни қамраб олади.

6. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар 47-модда бўйича фақат айбли хулқ-атвордагина жавобгар бўлишлари мумкин. Шунинг учун ўзларининг болаларни тарбиялаш соҳасидаги ота-оналик вазифаларини руҳий касаллик, акдий заифлик ёки бошқа сурункали касаллик сабабли ва ўзларига боғлиқ бўлмаган бошқа сабабларга биноан бажармаган шахсларга жазо чораси қўлланилмайди.

7. Вояга етмаганларнинг ота-оналарига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга доир ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар ва вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар томонидан кўриб чиқилади.

48-м о д д а. **Васийлик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш**

Васийликка олинганнинг зарарига ғаразли мақсадларни кўзлаб васийликдан ёки ҳомийликдан фойдаланиш ёки уни назоратсиз ва зарур моддий ёрдамсиз қолдириш, — энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Васийлик ёки ҳомийликдан ғаразли мақсадларда фойдаланиш васийликдаги шахснинг мулкидан қандайдир моддий манфаат олишда (масалан, мулкни ижарага қўйиш ва бундан олинган маблағни ўзлаштириш),

мулкий тарздаги у ёки бу имтиёзлар ва манфаатларга эга бўлишда (масалан, васийликдаги шахснинг ўйида ҳақтўламасдан ва бошқа коммунал хизмат ҳақини ва ҳоказоларни тўламасдан яшаш) ифодаланади. Васийлик ва ҳомийликдан ғаразли мақсадларда фойдаланишни васийликдаги шахснинг мулкини ўғирлашдан ва фуқароларнинг шахсий мулкига жиноий тарзда тажовуз қилишнинг бошқа шаклларидан фарқламоқ керак.

2. Васийликдаги шахсни назорат қилиш ва унга кўрсатилиши лозим бўлган зарур моддий ёрдам васий ёки ҳомий кишининг васийлигини амалга ошириш мақсадидаги вазифаларида белгилаб берилади.

3. Васийликдаги шахсни назоратсиз ва зарур моддий ёрдамсиз қолдириш васий шахснинг бошқа шаҳарга узоқ муддатга жўнаб кетишида ва васийликдаги шахсни уйда ёлғиз қолдириб кетишда ёки лозим даражада даволанишини таъминлашга эътибор бермасликда, васий шахс томонидан ўсмирнинг хулқ-атвори ва ўқишини назорат қилмасликда ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин.

4. Узил-кесил ҳуқуқбузарлик учун моддий манфаат чиқариш факти талаб қилинмайди. Моддий манфаатга эришиш учун ҳомийликдаги ўсмирнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига қарши қаратилган у ёки бу хатти-ҳаракатни содир этишнинг ўзи кифоя қилади.

5. Васийлик ва ҳомийликдан ғаразли мақсаддарда фойдаланиш тўғридан-тўғри ёмон ният билан қилинади; васийликдагиларни назоратсиз ва зарур моддий ёрдамсиз қолдириш ёки ҳомийликдан ўсмирга зарар етказган ҳолда фойдаланиш ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этилган бўлиши мумкин.

6. Ҳомий ва васий, яъни қонунда белгиланган тартибда шундай кишилар сифатида тайинланган шахслар кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг субъекти ҳисобланади.

7. Айтиб ўтилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқадилар.

49-м о д д а. **Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши, — энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (37-модда) фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди, бу ҳуқуқ ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий тарздаги кенг чора-тадбирлар тизими билан таъмин этилади. Меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилганлиги учун маъмурий жавобгарликнинг белгиланиши меҳнат ҳуқуқнинг муҳим юридик кафолати ҳисобланади.

2. Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликнинг объекти — меҳнат ҳуқуқи, шунингдек, фуқароларнинг бу ҳуқуқдан келиб чиқадиган соғлиғини муҳофаза қилиш, ишчи ва хизматчиларнинг хавфсиз меҳнат қилиш шароитини яратиб бериш ҳуқуқидир.

3. «Меҳнат тўғрисидаги қонунлар» тушунчасига Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни 3-моддасида санаб ўтилган ҳуқуқий ҳужжатлар (қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 5-сон, 223-модда) ва уларга мувофиқ равишда нашр этиладиган меҳнат қонунларига доир бошқа ҳужжатлар киради.

4. Меҳнатни муҳофаза қилиш деганда меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, соғлиғини ва ишчанлик қобилиятини сақлашни таъминлайдиган қонун ҳужжатлари ва уларга мос келадиган ижтимоий-иқтисодий, техникавий, гигиеник ва ташкилий тадбирлар тизими тушунилади.

5. Бу хатти-ҳаракатнинг объектив томони мансабдор шахсларнинг меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва меҳнатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қоидаларни бузишда ёки уларга риоя қилмаслигида ифодаланади.

6. Шахсни ушбу модда бўйича маъмурий жавобгарликка тортиш учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қандай муайян қонунлар ва меҳнат тўғрисидаги қандай қоидалар бузилганлигини аниқлаш лозим. Меҳнат тўғрисидаги ҳуқуқбузарликларга меҳнат шартномаси (ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш, бўшатиш ва ҳоказолар), меҳнат дафтарчалари юритиш, иш вақти ва дам олиш вақти режими, меҳнатга ҳақ тўлаш, кафолатлар ва компенсациялар, меҳнат интизоми, ходимларнинг моддий жавобгарлиги билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар киради. Меҳнат тўғрисидаги қонунларга риоя қилинишини назорат қилиш ҳуқуқий меҳнат инспекциялари зиммасига юкланган бўлиб, улар жамоа шартномасининг амалдаги қонунларга мувофиқ келиши билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳам текшириб боришлари мумкин.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг бузилишига амалдаги ҳуқуқий фармойишлар — меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини тартибга соладиган ва белгиланган тартибда тасдиқланган қоидалар, йўриқномаларни бузиш киради; қоидаларда мавжуд бўлган фармойишларнинг бузилиши ушбу модда бўйича маъмурий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Меҳнат тўғрисидаги ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунларнинг қоидаларига риоя этилишини назорат қилишни меҳнат соҳасидаги техникавий инспекция амалга оширади.

7. Меҳнат тўғрисидаги қонунларни ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қоидаларни бузганлик учун маъмурий жавобгарликдан ташқари, жиноий жавобгарлик ҳам белгиланган. Бу хатти-ҳаракатларни чегаралашда меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қоидаларнинг бузилиш оқибатлари оғирлигини ҳисобга олиш зарур.

8. Мазкур ҳуқуқбузарлик қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилган бўлиши мумкин.

9. Ҳуқуқбузарлик субъекти фақат корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, хизмат мавқеи юзасйдан ёки махсус фармойиш бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш ва тегишли участкада кўрсатиб ўтилган қоидаларга риоя қилиниши вазифаси ёки меҳнат қоидаларининг бажарилишини назорат қилиш вазифаси юкланган шахслар бўлиши мумкин.

10. Атайлаб ғайриқонуний равишда ишдан бўшатиш ёки суднинг ишга тиклаш тўғрисидаги қарорини бажармаслик, бу тадбирнинг худди шундай хатти-ҳаракатлар учун маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин Ҳам содир этилиши ЖКнинг 148моддаси, 1-қисми билан квалификация қилинади.

11. Кодекснинг 255-моддасига мувофиқ, айтиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар тўтрисидаги ишларни меҳнатга доир ҳуқуқий ва техникавий инспекторлар кўриб чиқадилар.

50-м о д д а. **Маҳаллий меҳнат органлари томонидан юборилган фуқароларни ишга олишдан бош тортиш**

Бўш ишчи ўринлари (бўш лавозимлар) бўлгани ҳолда маҳаллий меҳнат органлари томонидан корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ишга юборилган фуқароларни ишга олишдан асоссиз бош тортиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1.Давлат аҳолининг иш билан тўлиқ ва самарали таъминлаишига кўмаклашишга, меҳнат ҳуқуқини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратишга жавобгардир ва шу муносабат билан ишга қабул қилишдаги асоссиз рад этишдан ҳимоя қилишни кафолатлайди. (Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни 6-моддасининг 1-бандига қаранг. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5—6-сон, 97-модда).

Иш билан таъминланиш — фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятидир.

Иш қидираётган ва меҳнат органларига мурожаат қилган фуқаролар таъмин этиладиган иш турини, иш жойини ва меҳнат режимини эркин танлаш мақсадида касб-корига доир бепул маслаҳатлар олиш, касбга тайёрлашдан ўтиш, малака ошириш ҳамда тегишли ахборот олиш ҳуқуқига эга.

2. Мансабдор шахслар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга маҳаллий меҳнат органлари томонидан юборилган фуқароларга бўш лавозимлар бўлгани ҳолда ишсиз шахсда тегишли касб малакасининг йўқлиги туфайли; ишсиз шахсда мавжуд бўлган касб маҳоратига жавоб берадиган ишнинг йўқлиги сабабли касбини ўзгартириш зарурлиги; аввалги касби бўйича ишларни бажариш қобилиятини йўқотганлиги туфайли мос, келадиган иш танлашнинг

иложи йўқ, деган сабаблар билан ишга қабул қилишни рад этишга ҳақли эмаслар.

3. Фуқароларнинг касб-ҳунар тайёргарлиги, малака ошириш ва тайёргарлик кўриши меҳнат органлари йўлланмалари бўйича ўқув юртларида бандликка кўмаклашиш фондида ана шу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўз вақтида ахборот бермаган ва бўш жойларни (бўш лавозимларни) яширишда айбдор бўлган, Давлат иш билан таъминлашга кўмаклашиш фондига маблағ ажратишдан бош тортган мансабдор шахсларга меҳнат соҳасидаги ҳуқуқий йнспекторлар томонидан маъмурий тартибда энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солинади.

5. Шунингдек, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда касб-ҳунар билим юртларининг илгаридан маълум қилинган битирувчиларини, шу билан бирга қайта тайёрлаш учун юборилганларни ишга қабул қилишдан бош тортганлик учун ҳам худди шундай миқдорда жарима солинади.

6. Айтиб ўтилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни меҳнатга доир ҳуқуқий ва техникавий инспекторлар кўриб чиқадилар (255-модданинг шарҳига қаранг).

51-модда. **Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлов**

Қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш, — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунда (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998, 5—6-сон, 97-моддага қаранг) белгилаб қўйилганидек, фуқаролар унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф қилиш, қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни, шу жумладан, ҳақ тўланадиган ишни бажариш билан боғлиқ бўлмаган фаолиятни амалга ошириш махсус ҳуқуқига эгадирлар. Меҳнатга қандайдир шаклда маъмурий йўл билан мажбурлашга йўл қўйилмайди. Ў фақат суднинг ҳукми билан жазони ижро этиш тартибидагина ёхуд қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда қўлланади.

2. Мазкур ҳуқуқбузарликнинг тажовуз қилиш объекти эркин иш танлаш, меҳнатга адолатли ҳақ тўлаш ва меҳнат шароитини, ўзининг меҳнатга бўлган қобилиятини мустақил тасарруф қилиш ҳуқуқидир.

3.Объектив томон — корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг дам олиш ва байрам кунларида меҳнат жамоаси аъзоларининг ишга чиқиши тўғрисида, ишдан ташқари вақтда ишлаш тўғрисида, башарти бу ҳол тегишли касаба уюшмаси органи билан келишилмаган бўлса, буйруқлар ва фармойишлар чиқаришга доир хатти-ҳаракатларидир.

4.Бу хатти-ҳаракатлар фақат қасддан қилинган хатти-ҳаракатлар ҳисобланади.

5.Мазкур ҳуқуқбузарликнинг субъекти корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг буйруқ ва фармойишлар бериш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслари, раҳбарларигина бўлиши мумкин.

6.Кишиларнинг ихтиёрий равишда иш билан таъминланмаганлиги шарҳларда кўрсатиб ўтилган шахсларни жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

7.Айтиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни меҳнатга доир ҳуқуқий ва техникавий инспекторлар, шунингдек, давлат меҳнат шароитини экспертиза қилиш хизматининг мансабдор шахслари кўриб чиқадилар (255-модда).

VI *б о б.* АҲОЛИ СОҒЛИҒИНИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

52-м о д д а. **Енгил тан жароҳати етказиш**

Эҳтиётсизлик орқасида енгил тан жароҳати етказиш,— энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қасддан енгил тан жароҳати етказиш, бу ҳаракат соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятини унча кўп давом этмайдиган турғун тарзда йўқотишга олиб келмаган бўлса,— энг кам иш ҳақининг икки бараваридан тўрт бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Эҳтиётсизлик орқасида енгил тан жароҳати етказиш қуйидаги ҳолларда содир бўлади:

а) ҳаракат эҳтиётсизлик билан содир этилганлиги ва жабрланувчининг соғлиғига зарар етказганлиги, буни ҳуқуқбузар ё олдиндан кўра билмаган, ҳолбуки у зарар етказилиши мумкинлигини олдиндан кўра билиши лозим ва мумкин бўлган, лекин у зарар етказилишини олдиндан кўра билган бўлса ҳам енгилтаклик билан уни бартараф этиш мумкинлигига ишонган бўлса;

б) ҳуқуқбузар хатти-ҳаракатининг ўзи ва етказилган зарар эҳтиётсизлик орқасида содир этилган бўлса.

2. Қасддан енгил тан жароҳати етказиш — бу ҳаракат соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятини унча кўп давом этмайдиган турғун тарзда йўқотишга олиб келмаган ҳуқуқбузарликдир.

3. Етказилган тан жароҳатини енгил жароҳат деб топиш учун унинг етказилган вақтда ҳаёт учун хавфли бўлмаганини ва соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятини унча кўп давом этмайдиган тарзда йўқотишга олиб келмаганини аниқлаш лозим бўлади.

4. Соғлиқнинг ёмонлашуви муддатини ва меҳнат қобилияти қай даражада йўқотилганлиги масаласини тиббий гувоҳлик бериш хулосасини ҳисобга олган ҳолда маъмурий ишлар бўйича судья ҳал қилади.

5. Соғдиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятини унча кўп давом этмайдиган турғун тарзда йўқотишга олиб келмаган қасддан енгил тан жароҳати етказишга бирмунча тез ўтиб кетадиган шикастланишлар киради.

6. Енгил тан жароҳати етказган ҳуқуқбузарнинг ҳаракатлари зарур мудофаа чегараларидан ошиб кетган тақдирда маъмурий жавобгарликка сабаб бўлмайди, чунки улар ҳимоя қилинувчининг зарур мудофаа чорасини қўлланиши оқибати сифатида қонунда маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган ҳолат тарзида назарда тутилмаган.

7. Қасддан енгил тан жароҳати етказиш, башарти бу ҳаракатлар жамоат тартибини бузишга олиб келмаган ёки жамиятни ҳурмат қилмасликни ифодаламаган бўлса, безорилик деб баҳоланиши мумкин эмас.

8. Мазкур ҳуқуқбузарлик объекти фуқароларнинг соғлиғидир.

9. Ҳуқуқбузарлик таркибининг объектив томони енгил тан жароҳати етказилиши ҳаракатини назарда тутади.

10. Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони ҳам эҳтиётсизлик орқасида, ҳам қасддан енгил тан жароҳати етказилганлигидир.

11. Ҳуқуқбузарликнинг субъекти ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтда 16 ёшга тўлган шахс ҳисобланади.

12. Худди шундай хатти-ҳаракатлар учун маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин содир этилган қасддан енгил тан жароҳати етказилиши ЖКнинг 109-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинади.

13. Кодекснинг 52-моддаси 1 ва 2-қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбазарликлар бўйича ишлар туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьялари томонидан кўриб чиқилади.

53-м о д д а. **Санитария қонун ҳужжатларини бузиш**

Санитария қонун ҳужжатларини, санитария нормаларини, қоидаларини ва гигиена нормативларини бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар жамоат хавфсизлигига, табиий муҳит объектларига (атмосфера ҳавосидан ташқари), аҳолининг соғлиғига, меҳнат ва дам олиш шароитларига тажовуз қилади.

2. Шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш учун қандай санитария-гигиена қоидалари бузилганлигини аниқлаб олиш зарур. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ (Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992, 7-сон, 355-модда), давлат санитария-гигиена нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиммасига юкланган. Бошқа қоидалар ва нормалар манфаатдор вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан санитария-гигиена хизмати органлари ва муассасалари билан биргаликда ишлаб чиқилади. Бу қоидалар саноатнинг айрим тармоқларига, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ҳам татбиқ этилади.

3. Кўрсатиб ўтилган қоидаларга риоя этилишини назорат қилишни санитария-гигиена хизмати органлари, темир йўл, фуқаро авиацияси компаниялари, Миллий Хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги объектларида, Мудофаа вазирлигининг ҳарбий шаҳарчалари ва ўқув марказлари ҳудудида жойлашган объектларда кўрсатиб ўтилган вазирликлар ва идоралар тиббий хизматлари амалга оширади.

4. Мазкур модда бўйича жавобгарлик санитария-гигиена қоидаларининг бузилиши атмосфера ҳавосини сақлаш қоидаларининг бузилишига сабаб бўлмаган пайтда бошланади. Акс ҳолда Кодекснинг 85—88-моддалари бўйича жавобгарлик бошланади (85—88-моддаларнинг шарҳига қаранг).

5. Объектив томондан қараганда ҳуқуқбузарлик ё фаол ҳаракатларда ёки ҳаракатсизликда ифодаланади, бунда шахс белгиланган қоидаларни бажариш лозим бўлгани ҳолда, уларни бажаришдан онгли равишда бош тортган бўлади.

6. Хатти-ҳаракатнинг субъектив томони шахснинг кўрсатиб ўтилган қоидаларни онгли равишда бузишида ва қандайдир оқибатларнинг бошланишига нисбатан эҳтиётсизлик билан қараганлигида ифодаланади.

7. Ҳуқуқбузарликнинг субъекти санитария-гигиена қоидалари ва нормаларига риоя қилинишига жавобгар бўлган мансабдор шахслар ҳам, шунингдек, бу қоидаларни бузган фуқаролар ҳам бўлиши мумкин.

8. Ушбу моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни зиммасига давлат санитария назорати юкланган органлар кўриб чиқадилар (250, 251, 252, 257, 258-моддалар).

54-м о д д а. **Эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш**

Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ёки тарқалишининг олдини олиш мақсадида белгиланган мажбурий қоидаларни бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн

бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Эпидемия касалликлари касаллик тарқатувчи микроорганизмлар вужудга келтирган ва муайян шарт-шароитлар мавжуд бўлганда бемор организмидан соғлом организмга ўтишга қобилиятли бўлган юқумли касалликлар гуруҳидан иборатдир. Бундай алоҳида хавфли касалликларга вабо, ўлат, чечак, тепкили терлама, бруцеллёз ва бошқа айрим касалликлар киради. Кўрсатиб ўтилган юқумли касалликларнинг ҳаддан ташқари хавфлилиги уларнинг тез ва кенг миқёсда тарқалишга қодирлигидадир.

2. Норма диспозицияси бланкетлидир, чунки эпидемияларга қарши бузиладиган қоидалар «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонунда (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992, 9-сон, 355-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида, маҳаллий вакиллик идораларининг ва улар ҳокимларининг қарорларида баён қилинган. Уларга аҳолини сув билан таъминлашни, сотувга қўйилган маҳсулотлар сифатини санитария-гигиена жиҳатидан назорат қилишни тартибга соладиган, жамоатчилик фойдаланадиган жойларнинг, шу жумладан, транспорт, муассасалар, ташкилотлар, корхоналарнинг лозим даражадаги санитария ҳолатини таъминлайдиган, юқумли касалликлар тарқатувчиларни профилактик дезинфекциялаш ва йўқотишни тартибга соладиган қоидалар, оммавий эмлашлар ўтказиш кабилар киради.

3. Эпидемия юқумли касалликлари пайдо бўлиши ва тарқалиши хавфи туғилганда Вазирлар Маҳкамаси ёки маҳаллий вакиллик органлари ҳамда ҳокимлар (6-модданинг шарҳига қаранг) белгиланган тартибда тегишли минтақалар ва ҳудудлар доирасида яшаш, ишлаш, ўқиш, ҳаракат қилишнинг алоҳида режими ва шартларини жорий қиладилар. Бу чоралар, биринчи навбатда, кўрсатиб ўтилган касалликлар тарқалишининг олдини олиш, кейин эса бу касалликларнинг тугатилишига қаратилган бўлади.

4. Мазкур ҳуқуқбузарлик ҳаракат йўли билан ҳам, шунингдек, ҳаракатсизлик йўли билан ҳам содир этилади. Биринчи ҳолда — башарти бу ҳаракатлар белгиланган қоидалар билан тақиқланган бўлса, иккинчи ҳолда — қоидалар бажарилмайдиган муайян ҳаракатларни юкласа, шундай қилинади.

54-модда бўйича жавобгарликнинг келиб чиқиши учун эпидемия касалликлари тарқалиши хавфининг пайдо бўлиши кифоя қилади. Бир хил касалликнинг ҳеч бўлмаганда бир кишига нисбатан ҳар қандай купайиши унинг тарқалиши ҳисобланади.

5. Ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракати бошланиши мумкин бўлган ёки ҳозирнинг ўзидаёқ бошланган оқибатлар эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлишни назарда тутади.

Давлат тузумини заифлаштириш мақсади билан алоҳида хавфли бўлган эпидемияларнинг қасддан тарқатилиши жиноий жиҳатдан жазоланадиган хагги-ҳаракатлар таркибини ҳосил қилади.

6. Ушбу ҳуқуқбузарликнинг субъекти ҳар қандай шахс, шу жумладан, мансабдор шахслар бўлиши, бундай шахслар жумласига эпидемияларга қарши хизматлар ходимлари, даволаш муассасаларининг тиббиёт ходимлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларини киритиш мумкин.

7. Ушбу моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар давлат санитария органлари ва санитария назоратини амалга оширадиган бошқа органлар томонидан кўриб чиқилади (257, 258-моддалар).

55-м о д д а. **Радиацион хавфсизликка доир қоидалар, нормалар, йўриқномалар ва бошқа талабларни бузиш**

Радиацион хавфсизликка доир қоидалар, нормалар, йўриқномалар ва бошқа талабларни бузиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Мазкур ҳуқуқбузарлик бўйича объект давлат томонидан муҳофаза қилинадиган табиий муҳит, яъни атрофдаги атмосфера ҳавосини, унинг софлигини, лозим даражадаги атроф-муҳитнинг жисмоний ҳолатини ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар ҳисобланади.

2. Мазкур ҳуқуқбузарликнинг объектив томони ё мансабдор шахснинг ҳаракатини ёхуд ҳаракатсизлигини, яъни Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунида (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 1-сон 38-моддага қаранг) ва «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994, 10-сон, 252-моддага қаранг) қонунида назарда тутилган радиацион хавфсизликка доир қоидалар, нормалар, йўриқномалар ва бошқа талабларнинг бузилишидир.

3. Ҳуқуқбузарлик субъекти мансабдор шахс ҳисобланади.

4. Кодекснинг 55-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони айбнинг қасддан қилинган шакли, шунингдек, эҳтиётсизлик орқасида содир этилгани билан ажралиб туради.

5. Мазкур ҳуқуқбузарлик соҳасидаги ишлар давлат санитария назорати органлари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, саноатда ва кончиликда ишларнинг бехгтар олиб борилишини назорат қилишни амалга оширувчи тиббий хизматлар томонидан кўриб чиқилади (257, 258, 260-моддалар).

56-м о д д а. **Гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш**

Гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни утказиш мақсадини кўзламай, оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш,

сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, — гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд гиёҳвандлик воситаларини ёки писхотроп моддаларни мусодара қилиб, ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоқ жазосига сабаб бўлади.

1. Мазкур хатти-ҳаракатнинг объектив томони турли ҳаракатларни — гиёҳвандлик воситаларини ва шу кабиларни тайёрлаш, олиш, сакдаш, ташиш, жўнатишни юзага келтиради. Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳванддик воситалари ва психотроп моддалари тўғрисида»ги қонунида («Халқ сўзи», 1999 йил 16 сентябрь) белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади.

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

а) гиёҳвандлик (наркотик) воситалар — гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлар;

б) психотроп моддалар — психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар;

в) прекурсорлар — прекурсорлар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тайёрлаш учун фойдаланиладиган моддалар.

Гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни оз ёки кўп миқдорга киритиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш тергов ва суд органлари ваколатига киради, улар бунда Ўзбекистон Республикасининг Гиёҳвандлик воситаларини назорат қилиш давлат комиссиясининг 1995 йил 1 апрелдаги тавсияларига ва гиёҳвандлик воситаларининг рўйхатига амал қилишлари лозим.

Бунда шуни назарда тутиш керакки, гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни сотиш мақсадисиз оз миқдорда тайёрлаш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш маъмурий ҳуқуқбузарлик бўлиб, бунинг учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 56-моддасида назарда тутилган (Ўзбекистон Республиқаси Олий судининг 1995 йил 27 октябрь қарорига қаранг — Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Бюллетени, 1996, 1—2-сон, 65-бет).

2. Хатти-ҳаракат субъекти 16 ёшга етган шахсдир.

3. Субъектив томондан қараганда мазкур хатти-ҳаракат фақат қасддан содир этилиши мумкин. Айбдор ўзининг ғайриҳуқуқий ҳаракатлар содир этаётганини англаб етади, уларнинг зарарли оқибатларини олдиндан кўради ёки бунга онгли равишда йўл қўяди.

4. Мазкур ҳаракатларни сотиш мақсадида содир этиш ЖКнинг 273-моддаси, 1-қисми бўйича баҳоланади.

5. Ушбу моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси ва ушбу Кодекснинг 246-моддасида кўрсатиб ўтилган ҳолларда маъмурий комиссиялар томонидан кўриб чиқилади.

57-м о д д а. **Таносил касаллиги ёки ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) юқадиган манбани яшириш**

Таносил касаллигига ёки ОИТСга учраган беморнинг касаллик юқтирилган манбани, шунингдек, ўзи билан алоқа қилиб, таносил касаллиги ва ОИТС юқиши хавфини туғдирган шахсларни яшириш, — энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч барваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Хатти-ҳаракатнинг объекти соғлом аҳоли ҳисобланади.

2. Мазкур хатти-ҳаракатнинг объектив томонини қасддан яширишга қаратилган фаол, шунингдек, пассив тарздаги турли ҳаракатлар ташкил этади. Кўпинча яшириш ҳаракатсизликдан иборат бўлади, у шифокорнинг беморга унинг ўзи зарарланган манбани кўрсатиб, шифокор кўрсатган даврда бемор билан алоқада бўлган барча шахсларнинг номини айтишни тушунтиргандан ва бу шахсларни яширгани учун маъмурий жавобгарликка тортилишини огохдантиргандан кейин шифокорнинг талабини бажармасликдан иборатдир. Беморнинг зарарланиш манбаини яширган деб ҳисоблаш учун асос бўладиган маълумотлар қуйидаги хабарлардир:

— шахснинг бемор зарарланиш манбаидир, у буни билган ҳолда яширди, деган хабари;

—шахсларнинг улар бемор билан алоқада бўлганмиз, ҳолбуки у буни яширди, деган хабари;

—соғлиқни сақлаш органлари, дастлабки тергов, тергов ёки суд органларининг маълумотлари ва касалланиш манбаи ёки бемор билан алоқада бўлган шахсларни, у яширган шахсларни яширганлиги тўғрисидаги бошқа маълумотлар (башарти бу маълумотлар объектив тасдиғини топган тақдирда).

Бемор билан жинсий алоқада, ёки яқин маиший алоқада бўлиш натижасида таносил касаллиги ёки ОИТС билан зарарланган шахс зарарланиш манбаи ҳисобланади.

Бемор билан алоқада бўлиб, унга таносил касаллиги ёки ОИТС билан зарарланиш хавфини туғдирган шахслар деганда, уларнинг жинсий алоқада бўлган шериклари, шунингдек, шифокор айтган даврда то таносил касаллиги ёки ОИТСни аниқлашгача бўлган пайтгача у билан яқин муносабатда бўлган шахслар тушунилади.

3. Мазкур хатти-ҳаракатнинг субъекти ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтга келиб 16 ёшга тўлган шахслар ҳисобланади.

4. Субъектив томондан бу хатти-ҳаракат фақат қасддан содир этилиши мумкин.

5. Бошқа шахсни атайлаб таносил касаллиги ёки ОИТС билан касалланиш хавфи остига қўйиш ЖК 113-моддасининг 1 ва 4-қисмлари билан баҳоланади.

6. Кодекснинг 57-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан кўриб чиқилади.

58-м о д д а. **Таносил касаллигига ёки ОИТСга учраган шахсларнинг текширишдан бўйин товлаши**

Таносил касаллигига ёки ОИТСга учраганлиги ҳақида етарли маълумотлар бўлган шахсларнинг соғлиқни сақлаш органлари томонидан огоҳлантирилганидан кейин ҳам текширишдан бўйин товлаши, — энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Хатти-ҳаракатнинг объекти соғлом аҳоли ҳисобланади.

2. Мазкур ҳуқуқбузарликнинг объектив томонини қасддан бўйин товлашга қаратилган ҳам турли фаол ҳаракатлар, ҳам пассив ҳаракатлар ташкил этади. Кўпинча бош тортиш ҳаракатсизликдан иборат бўлиб, шифокорнинг беморга унинг ўзи зарарланган манбани ва шифокор айтган даврда ўзи билан алоқа қилган барча шахсларни айтиб беришини тушунтиргандан кейин ва бу шахсларни яширгани учун маъмурий жавобгарликка тортилиши тўғрисида огохдантирганидан кейин унинг талабларини бажармасликни англатади.

3. Бемор тиббий текширишдан бўйин товлади деб ҳисоблашга асос бўладиган маълумотлар қуйидаги хабарлардир:

—шахснинг у бемор касалланиш манбаидир, у буни билган ҳолда текширишдан бўйин товлади, деган хабари;

—шахснинг улар бемор билан алоқада бўлган, ҳолбуки бемор буни яширган, деган хабари;

—соғлиқни сақлаш органларининг, дастлабки тергов, тергов ёки суд органларининг хабарлари ва касалланиш манбаи ёки бемор билан алоқада бўлган ва у яширган шахслар аниқлангани ҳақидаги бошқа маълумотлар (башарти бу маълумотлар холисона тасдиқланган тақдирда).

Шахс кимдан таносил касаллигини ёки ОИТСни юқтирган бўлса, ўша киши касалланиш манбаи ҳисобланади.

Бемор билан алоқада бўлиб, унга таносил касаллиги ёки ОИТС билан зарарланиш хавфини туғдирган шахслар деганда, уларнинг жинсий алоқада бўлган шериклари, шунингдек, шифокор айтган даврда то таносил касаллиги ёки ОИТСни аниқлашга бўлган пайтда у билан яқин муносабатда бўлган шахслар тушунилади.

4. Ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтга келиб 16 ёшга тўлган шахслар мазкур хатти-ҳаракатининг субъекти ҳисобланади.

5. Субъектив томондан бу хатти-ҳаракат фақат қасддан содир этилиши мумкин.

6. 58-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани ички ишлар ва соғлиқни сақлаш органларининг ходимлари тузадилар.

7. Кодекснинг 58-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьялари кўриб чиқадилар.

59-м о д д а. **ОИТС юққан-юқмаганлигини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтказишда, шунингдек, тиббий ва косметик муолажаларни ўтказишда хавфсизликни етарли даражада таъминламаганлик**

ОИТС юққан-юқмаганлигини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтказишда, шунингдек, ОИТСни юқтиришга олиб келадиган тиббий ва косметик муолажа ўтказишда хавфсизликни етарли даражада таъминламаганлик, — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Соғлом аҳоли ҳуқуқбузарликнинг объекти ҳисобланади.

2. Объектив томон ОИТСни аниклаш учун тиббий текшириш ўтказиш, шунингдек, ОИТС билан зарарланишга олиб келиши мумкин бўлган тиббий ва косметик муолажа ўтказишда хавфсизликни етарли даражада таъминламаганлик билан ажралиб туради.

3. Мазкур ҳуқуқбузарликнинг субъекти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, дипломатик иммунитетга эга бўлмаган ажнабийлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек, уларга тенглаштирилган 16 ёшга тўлган шахслар, тиббий таъминот юкланган мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

4. Субъектив томондан қараб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик қасддан ва эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин. Айбнинг қандай шаклда бўлиши баҳо беришга таъсир қилмайди, лекин маъмурий жазо чораси турини ва ҳажмини танлашда ҳисобга олиниши мумкин.

5. Мазкур моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьялари томонидан кўриб чиқилади.

VII *б о б.* МУЛККА ТАЖОВУЗ ҚИЛУВЧИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

60-м о д д а. **Табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузиш**

Ердан, ер ости бойликларидан, сувдан, ўсимлик ёки ҳайвонот дунёсидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш ёхуд ерга ва бошқа табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бевосита ёки яширин шаклда бузувчи битимлар тузиш ёки бошқа ҳаракатлар содир этиш, табиатдан махсус фойдаланиш ҳуқуқини бошқаларга бериш, худди шунингдек, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида белгиланганидек, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захира умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 1-сон, 38-модда) 5-моддасида ушбу қоида ўз аксини топган. Табиий ресурслар тўғрисидаги қонунларда ҳар бир табиий объектга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги моддалар мавжуд бўлиб, улар аксарият ҳолларда табиий объектлар давлат мулки эканлигини таъкидлайди. Аммо табиий ресурс давлат ёки хусусий мулк бўлишидан қатъи назар, у табиат объекти, яъни инсоннинг меҳнати билан тузилмаган, унинг онги ва сезгисига боғлиқ эмас ва шунинг учун ҳам у умуммиллий бойликдир.

2. Узбекистон Республикасининг Ер тўғрисидаги кодекси (16-модда) ер давлатнинг мулки эканлигини белгилайди, аммо шу билан бирга, ушбу Кодекс ер участкалари юридик ва жисмоний шахсларнинг мулк ҳуқуқи вужудга келишини қуйидаги ҳолларда кўзда тутади:

савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида объектлар улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда;

дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган Узбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларнинг ваколатхона биноси сифатида фойдаланилаётган иморат ёки иморатнинг қисмлари ер участкалари билан бирга, шунингдек, мазкур ваколатхоналарнинг иморатларини куриш учун ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинганда;

чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг — дипломатия корпуси ходимларининг, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган матбуот вакилларининг, фирмалар, халқаро ташкилотлар доимий ваколатхоналарининг ходимлари, чет эл инвестиция иштирокидаги корҳоналарда доимий асосда ишловчи шахсларнинг, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат қилувчи ва яшаш учун гувоҳномаси бўлган шахсларга уйжой бинолари шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга реализация қилинганда;

давлат мулкидаги ер участкалари юридик ва жисмоний шахсларга эгалик қилиш, фойдаланиш, шу жумладан, ижарага берилади. Эгалик қилиш ҳуқуқи икки турга бўлиниб, доимий эгалик қилиш қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, корхона, муассаса ва ташкилотларга муддатсиз берилади, умрбод мерос килиб қолдириладиган эгалик қилиш ҳуқуқи асосида фуқароларга ер участкалари деҳқон хўжалиги юритиш учун, якка тартибда уйжой қуриш, жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги юритиш учун берилади.

Ер участкаларидан юридик ва жисмоний шахсларнинг фойдаланиш ҳуқуқи доимий ёки вақтинча бўлиши мумкин. Ер участкасини ижарага олиш вақтинчалик фойдаланишга киради.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари фақат тегишли давлат органининг белгиланган тартибда эгалик қилишга, фойдаланишга, шу жумладан, ижарага бериш тўғрисида қарор қабул қилиш натижасида ёки қонунда белгиланган бошқа асосларда вужудга келади (Ер кодексининг 18, 22, 23-моддалари). Ер участкалари фойдаланмаслигидан қатъи назар, улар умуммиллий бойлик ҳисобланиб, улардан ўзбошимчалик билан фойдаланиш, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўзлари эгалик қиладиган ёки фойдаланаётган ер участкаларини бошқа шахсларга фойдаланишга бериш, ер участкаларини, Қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари гаровга қўйиш, ҳадя этиш ёхуд сотиш ман этилади.

3. Мазкур моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарлик объектларидан бири ер ости бойликларидир. Улар Узбекистон Республикаси «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ фақат давлат мулкидир.

Барча ер ости бойликлари: текширилган ва ўрганилмаган, иқтисодий жиҳатдан қимматбаҳо ва кам аҳамиятли; фойдаланиладиган ва фойдаланилмайдиган бойликлар давлатга тегишлидир. Ер ости бойликлари юридик шахсларнинг ёки айрим фуқароларнинг мулки қилиб берилиши мумкин эмас, улар фақат фойдаланиш учун берилади. Ер ости бойликларини корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ёки фуқароларга фойдаланиш учун фақат Ўзбекистон Республикаси «Ер ости бойликлар тўғрисида»ги қонунининг 13, 14-моддаларида белгиланган тартибда берилиши мумкин.

Ер ости бойликларидан фойдаланувчилар ўзларига ажратиб берилган ер ости участкасини бошқа корхона, ташкилот, муассаса ёки фуқароларга бериши тақиқланади.

Ер ости бойликлари фуқаролик муомаласидан чиқарилган бўлиб, олди-сотди, васият қилиб қолдириш, ҳадя этиш ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий битимлар предмети бўлиши мумкин эмас.

Ер ости бойликларининг фақат давлат мулки ҳуқуқи эканлиги шу билан ҳам белгиланадики, ҳеч ким ваколатли давлат органи томонидан берилган рухсатсиз бу бойликдан фойдалана олмайди. Фойдали қазилмаларни қазиб олиш махсус рухсатнома (лицензия) ва кон ажратмалари далолатномаси, яъни

конлардан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқдовчи ҳужжат асосида амалга оширилади («Ер ости бойликлар тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддаси).

«Ер ости бойликлар тўғрисида»ги қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, юридик ва жисмоний шахслар ўзларига берилган ер участкалари доирасида ўз хўжалик ва маиший эҳтиёжлари учун умумтарқалган фойдали қазилмалардан ва ер ости сувлардан конларни ажратмасдан туриб фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳуқуқ бўлмай туриб, ер ости бойликларидан фойдаланиш, шунингдек, фойдали қазилмаларни қазиб олишга рухсатнинг йўқлиги ёки рухсат бор бўлгани ҳолда ажратилган кон участкаларидан ташқарида амалга ошириш ўзбошимчалик ҳисобланади.

Ер ости бойликларидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш сарфланган харажатларни қопламасдан тугатилади.

4. Сувлар табиий муҳитнинг бир қисмидир. Барча сувлар (сув объектлари) Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 5-сон, 221-модда) 4-моддасига мувофиқ, ягона давлат сув фонди таркибига киради, у ўзига дарёлар, кўллар, сув омборлари, ер устидаги бошқа сув ҳавзалари ва сув манбалари, шунингдек, канал ва ҳовузларнинг суви, ер ости сувлари ва музликларни қамраб олади.

Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасига мувофиқ, барча сув объектлари давлат мулки, яъни умумхалқ бойлиги ҳисобланади ва сувлар фақат фойдаланиш учун берилади. Корхона, ташкилот, муассаса ва фуқаролар сувдан фойдаланувчилар бўлиши мумкин.

Сувлар фуқаролик муомаласидан чиқарилган; у олди-сотди, васият қилиш, ҳадя этиш ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий битимлар предмети бўлиши мумкин эмас. Ваколатли давлат органларидан (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва бошқалар) ташқари бошқа ҳеч ким сув фондини тасарруф эта олмайди. Юридик ва жисмоний шахслар ўзбошимчалик билан сувдан фойдаланиши ёки ўз ихтиёри билан ўзига муайян мақсадларда берилган сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бировга бериши мумкин эмас.

Қонун сувдан фойдаланишнинг қуйидаги турларини белгилайди: умумий фойдаланиш — фуқароларнинг ўз эҳтиёжлари учун рухсатсиз сувдан фойдаланиши; махсус фойдаланиш — юридик ва жисмоний шахсларнинг сувларга таъсир кўрсатадиган иншоотлар ёки техникавий қурилмаларни қўллаган ҳолда махсус рухсатнома асосида амалга ошириладиган фойдаланиш; биргаликда фойдаланиш — айни битта сув объектидан сувдан фойдаланишга мустақил ҳуқуқи бўлган бир неча фойдаланувчиларнинг фойдаланиши; алоҳида фойдаланиш — сув объектлари муайян фойдаланувчиларга бириктириб қўйиладиган фойдаланиш.

Сувдан фойдаланувчиларнинг сув объектларидан алоҳида фойдаланиш ҳуқуқи маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рухсатномаси билан амалга оширилади. Сувдан махсус фойдаланиш хукуқи Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва бошқа сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни тартибга солувчи органлар томонидан бериладиган рухсатномалар асосида амалга оширилади.

Сувдан фойдаланувчилар сув объекти қандай мақсадда фойдаланиш учун берилган бўлса, у ана шу мақсадда фойдаланишни таъминлаши лозимдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 августдаги 385-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида сувдан чекланган миқдорда фойдаланиш бўйича вақтинчалик тартиб»га мувофиқ, юридик ва жисмоний шахслар фақат рўихатдан ўтказилган сув олиш иншоотлари ва сувдан махсус фойдаланишга рухсатномалари бўлган тақдирда сув олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Сувдан чекланган миқдорда фойдаланиш тартиби биринчи босқичда сув олиш иншоотлари рўйхатдан ўтказилган ва бир кеча-кундузда 100 кубометр ва ундан ортиқ.сув олишга рухсатномаси бўлган сувдан фойдаланувчиларга, кейинчалик эса оладиган сув ҳажмидан қатъи назар, барчага белгиланади, хўжалик-ичимлик сув мақсадларидаги коммунал сув қувурлари бундан мустаснодир.

Сув олишнинг чекланган микдорлари сув хўжалиги органлари томонидан сув манбаларининг тахмин этилган ва ҳақиқий серсувлигини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалигидаги сувдан фойдаланувчилар учун йилига 2 марта ва суғориш билан боғлиқ бўлмаган сувдан фойдаланувчилар учун 1 марта белгиланади.

Сувдан фойдаланиш учун белгиланган сув ҳажмлари энг чекланган ҳисобланади ва улар сув тақчиллиги шароитларида камайтирилиши мумкин. Устувор соҳаларнинг сувдан фойдаланиш ҳажми ҳар йили ортиб. бориши ҳисобга олинган ҳолда суғоришга чекланган сув миқдорлари камайтириб борилади.

Сув олиш иншоотини рўйхатдан ўтказмасдан ва туман ишлаб чиқариш, тузатиш-фойдаланиш бирлашмаси билан шартнома тузмасдан ҳар қандай манбадан сув олиш тасдиқланган тартибни бузиш деб қайд қилинади, ноқонуний, ўзбошимчалик билан сув олиш деб ҳисобланади ва сув олиш қурилмаси бузиб ташланади.

Шартномага қуйидаги шартлар киритилади: сув олиш иншоотининг рўйхатдан ўтказилган паспорти ҳамда сувдан махсус фойдаланишга рухсатнома; олинадиган сувни аниқ мақсад учун ишлатиш; рухсат берилган сув олишнинг ва чиқаришнинг чекланган ҳажми; сув олиш ва уни бериш, ҳисобга олиш тартиби ва қоидалари; белгиланган чеклашлар миқлори доирасида сув етказиб беришга ёки сувдан воз кечиш учун тезкор буюртмаларни расмийлаштириш таркиби; томонларнинг масъулияти.

Агар сувдан фойдаланиш талаб қилинган махсус рухсатномасиз ёки шартномасиз амалга оширилса, у ўзбошимчалик билан фойдаланиш ҳисобланади. Шунингдек, сувдан фойдаланишга махсус рухсатноманинг муддати ўтиб кетгандан кейин ҳам давом этса, у ўзбошимчалик билан фойдаланиш бўлади. Сувдан бошқа мақсадда фойдаланиш ҳам ўзбошимчалик билан фойдаланиш деб баҳоланади.

Сувдан фойдаланувчилар ўзларига фойдаланиш учун берилган сув объектларини фойдаланиш учун бошқа корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга беришга (бошқаларга беришга) ҳақли эмаслар.

Сувнинг давлат мулки ҳуқуқини тўғридан-тўғри ёки яширин шаклда бузадиган бошқа битимларни содир қилиш деганда сув объектларини бегоналаштиришнинг турли шакллари, олди-сотди, ҳадя қилиш, гаровга бериш, ўзбошимчалик билан алмаштириш назарда тутилиши мумкин.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасига мувофиқ, ўсимлик дунёси давлат мулки — умуммиллий бойлик ҳисобланади. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш умумий ва махсус бўлиши мумкин. Ўсимлик дунёси объектларидан умумий фойдаланиш жисмоний шахслар томонидан ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда ва тартибда бепул, рухсатномасиз амалга оширилади. Ўсимлик дунёси Объектлари махсус фойдаланишга ҳақ эвазига юридик ва жисмоний шахсларга тегишли давлат органлари рухсатномалари асосида бериб қўйилади.

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш турлари қуйидагилардан иборат: чорвачилик эҳтиёжлари учун ёввойи озуқа маҳсулотини тайёрлаш; чорва молларни ўтлатиш; ўсимлик дунёси объектларидан овчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш; ёввойи ўсимликлар техник хом ашёсини тайёрлаш; ёввойи ўсимликлар доривор хом ашёсини тайёрлаш (йиғиш); ёввойи ўсимликларни озиқ-овқат мақсадлари учун тайёрлаш (йиғиш); дарахт ва буталарни кесиш; ўсимлик дунёси объектларидан илмий-тадқиқот мақсадларида фойдаланиш; ўсимлик дунёси объектларидан маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреацион ва эстетик мақсадларда фойдаланиш; ўсимлик дунёси объектларидан табиатни муҳофаза қилиш мақсадларида фойдаланиш.

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш учун объектни, турни, ҳажмни ва муайян ҳудуд дрирасида фойдаланиш муддатини белгилайдиган рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўрмон бўйича давлат қўмитаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан берилади («Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 6, 11, 12, 15-моддалари).

Ўсимлик дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқи муайян бир шахсга берилади ва у фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериши, ўсимлик дунёсини сотиши, ҳадя қилиши, гаровга қўйиши ва ўзгача тарзда тасарруф этиши тақиқланади.

6. Барча ўрмонлар ўрмон фондини ҳосил қилади, у давлат аҳамиятига эга бўлган ўрмонларни, яъни ўрмон хўжалиги давлат рганлари тасарруфидаги ва бошқа идоралар ҳамда юридик шахслар фойдаланишидаги ўрмонларни ўз ичига олади. Ўрмон фондининг ҳуқуқий ҳолати ўрмон қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Давлат ўрмон фондига қуйидагилар кирмайди: қишлоқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган ерлардаги дарахтлар ва дарахтзорлар, шунингдек, бошқа дарахт-бута ўсимликлари; темир йўл тармоқлари ёқасидаги, автомобиль йўллари бўйидаги ва каналлар соҳилидаги иҳота дарахтлари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларидаги, ерлардаги кўкаламзорлаштириш дарахтлари ва дарахтзорлар, манзарали дарахтлар, томорқа, дала ҳовли ва боғ участкаларидаги дарахтлар, улардан фойдаланиш «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади.

Ўрмонлар давлат мулки — умуммиллий бойлик ҳисобланиб, ўрмонларни улардан фойдаланувчилар ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш давлат ўрмон хўжалиги органлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалга оширилади.

Ўрмонлардан фойдаланувчилар юридик ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин ва улар фойдаланиш ҳуқуқини давлат органларининг ёки давлат ўрмон хўжалиги корхоналарининг тегишли махсус рухсатномаси (ўрмон кесиш билети ёки ўрмон билети) асосида амалга оширадилар.

Фуқаролар махсус рухсатномасиз ўсимлик дунёсидан умумий фойдаланиш тарзида қонун ҳужжатларида белгиланган шартларда ўрмонларда бўлиши ва уларда ўз ҳолича ўсувчи мевалар, қўзиқоринлар, доривор ва резавор ўсимликларни териши мумкин.

Ўзига берилган ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқини бошқаларга бериш, яъни ўрмондан фойдаланувчиларнинг ваколатли давлат органининг рухсатисиз шундай йўл тутишлари маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Ўрмоннинг давлат мулки ҳуқуқини бузувчи бошқа битимлар олди-сотди, алмаштириш, ҳадя қилиш, гаровга бериш, мерос қилиб олиш кабилар билан боғлиқ битимлардир.

Ўрмоннинг давлат мулки ҳуқуқини бевосита ёки билвосита бузадиган битимлар бошқа шахсларда, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ҳеч қандай ҳуқуқни вужудга келтирмайди. Бундай битимлар тузилган пайтидан бошлаб, ҳақиқий бўлмаган битимлар ҳисобланади.

Ўрмон давлат мулки ҳуқуқи бузилиши қасддан содир этилади. Айбдор ўз хатти-ҳаракатларининг ғайриҳуқуқий эканлигини ҳис қилади ва уларни содир этишни истайди.

7. Ҳайвонот дунёси табиий муҳит объектларидан биридир. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасига мувофиқ, ҳайвонот дунёси давлат мулки

— умуммиллий бойлик бўлиб, унинг объектлари фойдаланиш учун фақат юридик ва жисмоний шахсларга берилади.

Шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг объекти қуруқликда, сувда, атмосферада, тупроқда табиий эркинлик ҳолатида давлатимиз ҳудудида доимо ва вақтинча яшайдиган ёввойи жонивор (сутэмизувчилар, паррандалар, судралиб юрувчи ҳайвонлар, ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшовчи ҳайвонлар, балиқлар, умуртқасизлар) ва улардан фойдаланиш тартиби ҳисобланади.

Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш умумий ва махсус фойдаланиш тартибида амалга оширилади. Ҳайвонот дунёси объектларидан умумий фойдаланиш жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва миқдорда бепул амалга оширилади. Масалан, фуқаролар ман қилинмаган жойларда ҳаваскорлик мақсадида беш килограммдан ошмаган миқдорда тутиш ман қилинмаган балиқларни овлаши мумкин.

Ҳайвонот дунёси объектларидан махсус фойдаланиш Вазирлар Маҳкамаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари, овчилик хўжаликлари томонидан бериладиган рухсатномалар асосида юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади.

Ҳайвонот дунёсини сотиш, алмашиш, ҳадя этиш ва бошқа битимларни тузиш ман этилади. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар уларга берилган ҳуқуқдан ўзлари фойдаланишлари лозим. Бунга истисно бўлиб, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддасига мувофиқ, юридик шахсларга ҳайвонот дунёси объектларидан берилган нормалар доирасида фойдаланиш учун бошқа шахсларга рухсатномалар бериш ҳисобланади.

Агар ҳайвонот дунёсидан рухсатномасиз фойдаланилса, ушбу ҳуқуқбузарлик мазкур Кодекснинг 90-моддаси билан квалификация қилиниши лозим.

8. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг субъекти фуқаро ва мансабдор шахслар бўлиши мумкин. Табиий ресурсларга давлатнинг мулк ҳуқуқини бузадиган битимларни амалга оширишда ғайриқонуний битимда қатнашувчи ҳар иккала тараф ҳуқуқбузарлик субъекти бўлади.

Ушбу маъмурий ҳуқуқбузарликлар фақат қасддан содир этилади.

9. Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси (245-модда), шунингдек, 246моддада кўрсатилган ҳолларда маъмурий комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

61-м о д д а. **Оз миқдорда талон-торож қилиш**

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотларнинг мулкини ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан оз

миқдорда талон-торож қилиш, — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Башарти талон-торож қилинган мулкнинг қиймати белгиланган энг кам иш ҳақидан ошмаса, бундай талон-торож оз миқдорда талон-торож қилиш деб ҳисобланади.

1. Мулкни оз миқдорда талон-торож қилиш мулкка тажовуз қилишнинг кенг тарқалган турларидан биридир. Бу ҳуқуқбузарлик етказадиган моддий зарар жуда катта бўлиб, бундан кўриладиган маънавий зиён ҳам озмунча эмас.

2. Мулкни ўғирлаш, шу жумладан, оз микдорда талон-торож қилиш қасддан қилинадиган, ҳақини тўламасдан содир этиладиган ғайриқонуний талон-торож бўлиб, бу мулкни ғаразли мақсадда ўзининг мулки қилиб олиш ёки бошқа шахснинг мулки қилиб бериш учун амалга оширилади. Ўғри меҳнат сарфламасдан бой бўлиб қолади, талон-торож қилинган мулкни ўз мулки сифатида тасарруф қилади, уни ишлатади, инъом этади, сотади ва ҳоказо.

3. Башарти талон-торож қилинган мулк энг кам иш ҳақининг белгиланган миқдоридан ошиб кетмаса, қилинган талон-торож оз миқдордаги талон-торож ҳисобланади. Мулк деганда саноат, хўжалик ёки ҳунармандлик ишлаб чиқариши буюмлари, хом ашё, пул, ҳақ тўланган ҳужжатлар тушунилади, улар бевосита моддий бойлик олиш ҳуқуқини беради.

4. Талон-торож қилинган мулкнинг қиймати белгиланган чакана нархлар билан аниқланади. Агар талон-торож умумий овқатланиш корхонасида (ишлаб чиқаришда, буфетда) ёки комиссион савдода рўй берган бўлса, қиймат ана шу маҳсулотни ва молни сотиш учун белгиланган нархлар асосида аниқланади.

Башарти талон-торож қилинган мулкнинг чакана нархи бўлмаса, у ҳолда қиймат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Моддий бойликларни талон-торож қилишда, растрата қилишда, қасддан йўқ қилиш ёки қасддан шикаст етказишда уларнинг чакана нархи бўлмаган тақдирда етказилган зарарни белгилаш учун нархларни ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисидаги кўрсатмалар»ига мувофиқ аниқланиши керак.

Башарти талон-торож қилинган мулкнинг, бойликнинг чакана нархи бўлмаса ва уларнинг қийматини Молия вазирлиги кўрсатмаларида назарда тутилган тартибда аниқлашнинг имкони йўқ бўлса, у ҳолда ўғирланган мулк қиймати эксперт хулосаси асосида аникданади.

5. Содир этилган талон-торож оз миқдордаги талон-торож эканлигини ҳал этишда талон-торож қилинган мулкнинг қийматидан ташқари, шунингдек, бу буюмларнинг табиий миқдори (вазни, ҳажми) ва уларнинг халқ хўжалиги учун аҳамияти ҳам ҳисобга олиниши лозим. Талон-торож қилинган мулкнинг,

айтайлик, муайян бинокорлик материалларининг ўта тақчиллиги ҳам назарда тутилиши керак.

6. Оз миқдордаги талон-торож маъмурий ҳуқуқбузарликнинг таркибини ташкил этади, башарти у мазкур моддада кўрсатиб ўтилган шакллардагина содир этилган бўлса, яъни ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб мавқеини суиистеъмол килиш ёки фирибгарлик йўли билан амалга оширилган тақдирда, шундай бўлади.

Ўғирлаш яширин тарзда талон-торож қилишдир.

Узлаштириш ҳуқуқбузарнинг ҳақиқатан ихтиёрида бўлган, масалан, омборчига сақлаш учун берилган ёки экспедиторга етказиб бериш учун топширилган мулкни сакдаб турган ҳолда ўзиники қилиб олиш ёки бошқа шахснинг мулкига айлантириш оилан боғлиқдир.

Растрата қилиш (харжлаш) айбдорнинг ихтиёрида бўлган мулкнинг ғаразли мақсадда учинчи шахс томонидан сотилиши, ишлатилиши, ҳадя қилиниши, бегоналаштирилишини билдиради.

Хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан талон-торож қилишда мулк мансабдор шахснинг ихтиёрида бўлмайди, у ғайриқонуний фармойиш бериб, сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, мулкни эгаллаб олади ва ҳоказо. Масалан, мансабдор шахс қўл остидаги одамга муассасага қарашли бензин солинган канистрни ҳақ тўламасдан ўз қариндошига топширишни буюради.

Мулкни фирибгарлик йўли билан эгаллаб олиш учун бу мулк кимда сақланаётган бўлса, уни чалғитиш, мулкни айбдорга беришга ундаш мақсадида ёлғондан фойдаланиш, ҳақиқатни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш хосдир.

Бир қатор талон-торожларни баҳолашга таъсир қиладиган ҳолатлар жиноий хатти-ҳаракат бўлса ҳам улар оз миқдордаги талон-торож қилиш учун аҳамиятсиз бўлади. Бир гуруҳ шахсларнинг оз миқдордаги талон-торожни содир қилиш учун олдиндин келишиб олиши, уни алоҳида хавфли, такроран жиноят қилган кишининг содир этиши, шунингдек, жиноятни ижро этиш усули (бинога кириш ёки бошқа омборхонага кириш йўли билан) оз миқдордаги талон-торожни (бундай жиноят учун ғаразли ният мавжуд бўлмаган тақдирда) жиноий жазога тортиладиган талон-торож деб баҳо бериш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳисобланмайди. Бироқ бундай ҳолатлар айбдорга жазо чорасини белгилашда ҳисобга олиниши лозим.

7. Субъектив томондан қараб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик тўғридан-тўғри ғаразли ният ва мақсаднинг мавжудлигини назарда тутади. Ҳар қандай шаклдаги оз миқдордаги талон-торожни мулкка тажовуз қилган ҳодда содир этишда ўғирловчи ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракат содир этаётганини англаб етади, унинг моддий зарар тарзидаги зарарли оқибатларини олдиндан кўради. Ўғирлик қилувчининг мақсади ғайриқонуний бўлиб, у ғаразли мақсад билан мулкни ўз мулкига ёки бошқа шахснинг мулкига айлантиришни истайди.

Айбдорнинг ёвуз нияти катта миқдордаги мулкни ўғирлашдан иборат бўлиб, талон-торож қилинган мулк белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан кўпроқ

турса, у ҳолда жиноий жавобгарлик келиб чиқади, чунки катта миқдордаги мулкни ўғирлаш яққол кўзга ташланиб туради. Бундай ҳолатда талон-торож қилиш ЖКнинг 167- ва 168-моддалари билан квалификация қилинади.

8. Оз миқдордаги талон-торож учун жавобгарлик 16 ёшдан бошланади. Мансаб мавқеини суиистеъмол қилган ҳолда оз миқдорда талон-торож қилишни фақат мансабдор шахслар амалга оширишлари мумкин.

9. Кодекснинг 61-моддасида кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўфисидаги ишлар туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьялари ва вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссия томонидан кўриб чиқилади (245, 247-моддалар).

62-м о д д а. **Топиб олинган молмулкни яшириш**

Топиб олинган ёки тасодифан қўлига тушиб қолган қиймати энг кам иш ҳақининг уч бараваридан ортиқ бўлган ўзганинг мол-мулкини яшириш, — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг тажовуз қилиш объекти шундай мол-мулк ҳисобланадики, у ҳуқуқбузарлик содир этилаётган пайтда бу мол-мулкка мулкчилик ҳуқуқи бўлмаган хусусий шахснинг қўлида бўлади.

2. Ҳуқуқбузарнинг ҳаракати ўзи топиб олган, тасодифан унинг қўлига тушиб қолган ўзганинг мол-мулкини яширишдан, яъни ғайриқонуний равишда ва ҳақини тўламасдан ўз фойдасига қаратишдан иборатдир.

3. Топиб олинган (топилган) нарса деб шундай мол-мулкка айтиладики, у бошқа бировнинг мулки бўлиб, бирон-бир сабаб билан бу мулк ишониб топширилган шахсларнинг ихтиёридан ташқарида бўлиб қолади ёки қаровсиз ҳолатда турган бўлади.

Яширишда мол-мулк бутунлай назоратсиз, йўқолган, мазкур шахснинг ихтиёридан ташқарида, табиий офат натижасида, эгасининг ҳафсаласизлиги ва шу кабилар орқасида назоратсиз қолган бўлади.

Кодекснинг 62-моддаси тасодифан ҳуқуқбузарнинг қўлига тушиб қолган молмулкни яшириш ҳолларини ҳам қамраб олади (масалан, эгаси кетаётганда ўз мулкини эсдан чиқариб қўяди ва ҳоказо).

4. 62-модда бўйича маъмурий жавобгарлик шундай ҳолда бошланадики, яширилган мол-мулкнинг нархи моддада кўрсатиб ўтилган нархдан юқори (энг кам иш ҳақининг уч бараваридан кўпроқ) бўлади ёки мулк анча кўпроқ қийматга эга бўлади (масалан, тарих ёдгорлиги, оилавий эсдалик ва шу кабилар сифатида қийматли бўлади).

5. Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик ғаразли мақсадда амалга оширилаётган қасддан қилинган ҳуқуқбузарликдир. Айбдор топиб олинган ёки тасодифан ўз қўлига тушиб қолган мулк ҳақини тўламай, уни ғайриқонуний равишда

яшираётганини ҳис қилади ва бу мулкнинг бошқа шахсга тегишли эканлигини яхши билади.

6. Мазкур ҳуқуқбузарликнинг объекти фуқароларнинг шахсий мулки бўлиб, бу мулк уларнинг ўз қўлидадир.

7. Мазкур хатти-ҳаракатнинг объектив томони топиб олинган ёки ҳуқуқбузарнинг қўлига тасодифан тушиб қолган мол-мулкни яширишдан иборатдир.

8. Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони тўғридан-тўғри ғаразли ниятда намоён бўлади, яъни мол-мулкни яширган шахс бу мулкнинг бошқа шахснинг қўлига тушиб қолганлигини олдиндан билади.

9. Кодекснинг 62-моддаси бўйича 16 ёшга тўлган шахс ҳуқуқбузарлик субъекти ҳисобланади.

10.62-моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьялари кўриб чиқадилар (245-модда).

63-м о д д а. **Ғайриқонуний ов маҳсулотларини қабул қилиш**

Ғайриқонуний ов маҳсулотларининг тайёрлов ташкилотларининг мансабдор шахслари томонидан қабул қилиб олиниши, — энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 37-модда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1995 йил, №6, 188-модда; 1997 йил), «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990 йил, 31— 33-сон, 371-модда), «Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1998 йил, 1-сон, 14-модда) қонунларига, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонига илова, № 11 — 12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5—6, 102-модда) мувофиқ, ҳайвонот дунёси давлат мулки ҳисобланади ва қонун билан муҳофаза қилинади.

Ҳайвонот дунёси объектларига табиий эркинликда яшовчи ёввойи ҳайвонлар — сутэмизувчилар, паррандалар, судралиб юрувчи ҳайвонлар, балиқлар ва умуртқасизлар киради, улар ҳайвонот дунёсини ташкил этади ва табиий муҳитнинг объектларидан бири ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 40моддасига мувофиқ, қонунга хилоф равишда тутилган ҳайвонот дунёси объектлари, улардан олинган маҳсулот қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб қуйилиши лозим.

Қонунга хилоф равишда тутилган ҳайвонот дунёси объектлари деб тегишли рухсат бўлмаган ҳолда, ман қилинган жойларда, ман қилинган вақтда ёки ман қилинган қуроллар билан ов қилинган ҳайвонлар тушунилади.

3. Объектив томон — тайёрлов ташкилотлари мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ов маҳсулотларини қабул қилиб олишидан иборатдир. Ғайриқонуний ов маҳсулотларини қабул қилиш деганда мансабдор шахснинг ов қилишга ҳуқуқи бўлмаган шахсдан қандайдир ҳайвонларни ёки уларнинг қисмларини (шохлари, териси, гўшти ва ҳоказо) олиши тушунилади. Ушбу мансабдор шахслар ов маҳсулотларини харид қилишдан олдин, уни тақдим этаётган шахслардан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ёки овчилик жамияти ёхуд овчилик хўжалиги томонидан берилган белгиланган шаклдаги лицензия (рухсатнома) талаб қилишлари керак.

4. Ушбу ҳукуқбузарликнинг субъекти тайёрлов ташкилотининг мансабдор шахси ҳисобланади.

5. Субъектив томондан ҳуқуқбузарлик тўғридан-тўғри ғаразли ният билан содир этилади: шахс маҳсулот қабул қилиш қоидасини атайлаб бузаётганини ва шундай ҳаракатлар содир этишни истаётганлигини ҳис қилади.

6. Бундай ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан кўриб чиқилади (Кодекснинг 261-моддаси).

64-м о д д а. **Тарих ёки маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Тарих ёки маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини қасддан бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Қонун томонидан муҳофаза қилинадиган тарих ва маданият ёдгорликларига куйидагилар киради:

— халқ ҳаётидаги энг муҳим тарихий воқеалар билан боғлиқ бўлган тарих ёдгорликлари, бинолар, иншоотлар, унутилмас жойлар;

—археология ёдгорликлари — шаҳарчалар, қўрғонлар, қадимги манзилгоҳларнинг қолдиқлари, истеҳкомлар, ишлаб чиқаришлар, каналлар, йўлларнинг қолдиқлари, қадимги одамлар дафн этилган жойлар, тошдан ишланган ҳайкаллар, лабиринтлар, қояларга ишланган тасвирлар ва ҳоказолар;

—шаҳарсозлик ва меъморчилик ёдгорликлари — меъморчилик ансамбллари ва мажмуалари, тарихий марказлар, даҳалар ва ҳоказолар;

—санъат ёдгорликлари — монументал, тасвирий, декоратив, амалий ва бошқа ёзма ва чизма ҳужжатлар, қадимги ва бошқа қўлёзмалар, архив ва бошқалар, шунингдек, тарихий ва илмий, бадиий ёки бошқа маданий қимматга эга бўлган объектлар ҳам киритилиши мумкин.

2. Мазкур ҳуқуқбузарликда объектив томонни ҳаракат ифодалайди, айб эса тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш тарзида ифодаланади.

3. Ҳуқуқбузарлик объекти 16 ёшга етган фуқаролар, ақли расо, шунингдек, мансабдор шахслардир.

4. Субъектив томон фақат ғаразли ният билан тавсифланади. Шахс ўзининг хатти-ҳаракати ғайриҳуқуқий эканлигини ҳис қилади ва бу оқибатларнинг юзага келишини истайди.

5. Давлат муҳофазасига олинган тарихий ёки маданий ёдгорликларни қасддан йўқ қилиш, бузиш, уларга шикаст етказиш худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин содир этилса, бу ҳол ЖКнинг 132-моддаси 1-қисми билан жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

6. 64-моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьялари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар томонидан кўриб чиқилади (245 ва 246-моддалар).

VIII *боб*. ТАБИИЙ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

65-м о д д а. **Ерлардаи хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз ҳолга тушириш**

Ерлардан хўжасизларча фойдаланиш, объектлар қуриш пайтида унумдор қатламни олмаслик, ер майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ерларни фойдаланишдан чиқаришга, ҳосилдорлик пасайишига, тупроқнинг бузилиши ёки йўқ бўлиб кетишига олиб келадиган бошқа ҳаракатларни содир этиш, шунингдек, таназзулга юз тутган қишлоқ хўжалиги ерларини консервациялашнинг белгиланган тартибини бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қишлоқ хўжалиги ва бошқа ерларни яроқсиз ҳолга тушириш, уларни ишлаб чиқариш чиқитлари ва бошқа чиқиндилар, кимёвий ва радиоактив моддалар ҳамда оқова сувлар билан ифлослантириш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ерлардан оқилона фойдаланиш қоидаларини бузишда ифодаланади ва ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ерларни ижарага олувчилар томонидан Узбекистон Республикасининг Ер

кодекси 39, 40, 48, 79-моддаларида назарда тутилган мажбуриятларнинг амалга оширилмаслигида намоён бўлади (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 82-модда).

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ерларни ижарага олувчиларнинг ерлардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги вазифалари қуйидагилардан иборат: ер участкасидан белгиланган мақсадга мувофиқ оқилона фойдаланиш; тупроқ унумдорлигини ошириш; ишлаб чиқаришда табиатни муҳофаза қилиш технологиясини татбиқ этиш, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик; ерларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш (деҳқончиликнинг энг самарали тизимларини, ўтлоқларни сув билан таъминлаш ва пичан ўримини яхшилаш, ерлар шўрланишининг олдини олиш, суғориладиган ерларнинг ботқоқлашуви ва ифлосланиши, тупроқнинг шамол, сув эрозияси, ифлосланишининг олдини олиш, қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган ерларни буталар ва майда ўрмонлар, бегона ўтлар ва ҳоказолар босиб кетишидан ҳимоя қилиш).

Иккинчи томондан, ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ерлардан фойдаланмасликда ёки мақсадсиз фойдаланишда, яъни ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни берувчи ҳужжатларда, шу жумладан, ерга доимий эгалик қилиш ёки доимий фойдаланиш Давлат актида, шунингдек, ижара шартномасида кўрсатиб ўтилган мақсадларга мувофиқ фойдаланмасликда ифодаланиши мумкин.

2. Ерларни фойдаланишдан чиқаришга, уларнинг ҳосилдорлиги пасайишига, тупроқнинг бузилиши ёки йўқ бўлиб кетишига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар деганда, минерал ўғитларни нотўғри ишлатишни ёки ерларни белгиланган нормаларни бузган ҳолда суғоришни тушуниш керак.

Хўжалик фаолияти туфайли бузилган қишлоқ хўжалик ерлари консервацияланиши, яъни муайян вақт фойдаланилмаслиги ва уларда тупроқни тиклаш юзасидан агромелиорация ишлари ўтказилиши лозим.

3. Мазкур ҳуқуқбузарлик объекти эгалик қилиш учун, фойдаланиш учун, шу жумладан, ижарага берилган ер участкалари ҳисобланади.

4. Маъмурий ҳуқуқбузарлик субъектлари корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, ерга эгалик қилаётган, ундан фойдаланаётган ва ер участкаларини ижарага олган фуқаролар ҳисобланади. Масалан, фермер хўжаликларининг бошлиқлари Кодекснинг 15-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ мансабдор шахслар ҳисобланади.

5. Субъектив томондан мазкур ҳуқуқбузарлик қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин. Объектив томондан ҳуқуқбузарлик ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан амалга оширилиши мумкин.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузардик тупроқнинг сифат жиҳатдан ўзгаришига олйб келадиган, ундан мақсадли фойдаланишни йўққа чиқарадиган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан содир этилиши мумкин.

Ерларнинг ишлаб чиқариш чиқитлари ва бошқа чиқиндилар, кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланиши ушбу Кодекснинг 91-моддасида объект бўйича кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлардан фарқ қилади, яъни мазкур ҳуқуқбузарликда объект ер ҳисобланади. Тупроқнинг ишлаб чиқариш чиқитлари ва бошқа чиқиндилар, кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланиши «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 22, 42, 45-моддалари (Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 1-сон, 38-моддага қаранг) ва Ер кодексининг 79, 90-моддалари билан тақиқланади (Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5—6-сон, 82-моддага қаранг).

6. Мазкур ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари мансабдор шахслар ва фуқаролардир.

7. Ерлардан фойдаланиш шартларининг бузилиши оғир оқибатларга олиб келса, бу жиноят ЖКнинг 197-моддаси билан квалификация қилиниши лозим.

8. Ушбу моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар табиатни муҳофаза қилиш органлари (Кодекснинг 261-моддаси) ва маъмурий комиссиялар томонидан кўриб чиқилади (246-модда).

66- м о д д а. **Ер бериш тартибини бузиш**

Ер беришнинг тартибини бузиш, худди шунингдек, фермер ёки деҳқон хўжалиги юритиш учун, якка тартибда уй-жой қуриш ва тураржой биносига хизмат кўрсатиш, жамоа боғдорчилиги ва полизчилиги учун фуқароларга ер берилишига тўсқинлик қилиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарлик ер бериш тартибини бузишда ифодаланади. Ер бериш тартиби Ер кодексининг 18, 23, 24, 25, 27, 53, 55-моддаларида (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5—6-сон, 82-моддага қаранг), «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 9—11-моддаларида (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5—6-сон, 86-модда), «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасида (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5—6-сон, 88-моддага қаранг), Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 27 майдаги «Ўзбекистон Республикасида ер участкаларини олиб қўйиш ва уларни қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун беришга доир материалларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 248-сонли қарорида (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1992, 6-сон, 17-моддага қаранг), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300-сонли қарори билан тасдиқланган «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини фуқароларга узоқ муддатли ижарага бериш тартиби»да белгилаб берилган. Ер бериш тартиби ер участкаларини ажратиб бериш билан боғлиқ бўлган жараёнда бажариладиган ҳаракатларда намоён бўлиб, унга қуйидаги

масалалар киради: ер бериш масаласи ушбу органнинг ваколатига киришлиги, ерни бериш тўфисидаги аризаларни кўриб чиқиш муддатлари, ер участкалари ажратиб беришга доир материаллар хусусида тегишли давлат органлари билан келишиш, ер участкаси чегараларини жойда аниқ белгилаш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тўғри расмийлаштириш, ер қайтариб олинадиган бўлса, ер эгасига ва ердан фойдаланувчига етказилган зарарни тўғри аниклаш ва ҳоказолар.

Фуқароларга фермер ёки деҳқон хўжалиги юритиш, якка тартибда уй-жой қуриш ва тураржой биносига хизмат кўрсатиш, жамоа боғдорчилиги ва полизчилиги учун ер беришга тўсқинлик қилиш деганда асоссиз равишда рад қилиш ёхуд фуқароларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун ер бериш тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқмаслик, шунингдек, ер участкалари беришнинг зарурлиги (эҳтиёжлиги)ни аниклаш учун бу ариза берувчиларнинг уй-жой шароитларини нотўғри текшириш йўли билан фуқароларга ер беришга тўсқинлик қилиш тушунилади.

2. Мазкур ҳуқуқбузарликнинг объекти эгалик қилиш ёки фойдаланиш учун ер участкалари беришнинг (шу жумладан, ижарага беришнинг) белгиланган тартиби ҳисобланади.

3. Мазкур ҳуқуқбузарликнинг субъекти ер бериш масаласи ваколатига кирадиган давлат органининг, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналарининг мансабдор шахсларидир.

4. Субъектив томондан мазкур ҳуқуқбузарлик қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилади.

5.0бъектив томондан бу ҳуқуқбузарлик ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан содир этилади.

6. Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар туман (шаҳар) судлари маъмурий ишлар бўйича судьялари томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

67-м о д д а. **Вақтинча эгаллаб турилган ерларни ўз вақтида қайтариб бермаслик ёки уларни ўз ўрнида фойдаланиш учун ярокди ҳолга келтирмаслик**

Вақтинча эгаллаб турилган ерларни ўз вақтида қайтариб бермаслик ёки уларни ўз ўрнида фойдаланиш учун ярокди ҳолга келтириш юзасидан мажбуриятларни бажармаслик, — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ер кодексининг 20-моддасига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1998, 5—6-сон, 82-модда) ер муддатли (вақгинча) фойдаланишга, 24-моддасига мувофиқ эса ижарага берилиши мумкин. Ер участкалари вақтинча фойдаланишга муайян мақсадлар учун маълум вақтга берилади, масалан, Ер кодексининг 25-моддасига асосан қидирув ишлари учун (конларни геологик жиҳатдан ўрганишга).

Ер участкаларидан муддатли фойдаланиш қисқа муддатли — уч йилгача ва узоқ муддатли — уч йилдан ўн йилгача, яйлов чорвачилиги учун йигирма беш йилгача бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш зарурияти тақозо этганда бу муддатлар тегишлича қисқа муддатли ёки узоқ муддатли вақтинча фойдаланиш муддатларидан ортиқ бўлмаган даврга шу участкаларни берган органлар томонидан узайтирилиши мумкин.

Ерларни ижарага бериш ердан муддатли фойдаланиш турларидан бири бўлиб, шартномага асослангандир. Фермер хўжаликларига ижара асосида ердан фойдаланишнинг муддатлари ўн йилдан эллик йилгача белгиланган, бошқа ҳоллардаги ер ижараси муддатининг чегараси қонунда қатъий белгиланмаган.

2. Фойдаланиш муддати тамом бўлгандан кейин юридик ва жисмоний шахслар фойдаланилган ер участкасини давлатга ёки илгари кимнинг эгалигида ёки фойдаланишида бўлган бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахсларга қайтаришлари лозим. Бунда давлат органининг ерни бериш тўғрисидаги қарорида ёки ижара шартномасида бу ерларни қайтариб бериш шартлари (уларнинг ҳосилдорлиги, рекультивация ўтказиш ва ҳоказолар) қайд этилган бўлиши керак. Одатда қайтариб бериладиган ер участкаси ўз вазифасига кўра фойдаланиш учун, яъни ер участкаси қандай ерлар тоифасига киришига қараб яроқли ҳолатга, яъни бу участка ана шу тоифага мос ҳолатга келтирилиши лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 27 май 248-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида ер участкаларини олиб қўйиш ва уларни қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун беришга доир материалларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг II бўлим 11- ва 17-бандларига мувофиқ, тупроқнинг ҳосилдор қатламини олиш зарурлиги унинг қуввати ва вақтинчалик тўплаш жойи, ер участкаларини танлаш материалларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорда акс эттирилади ва ердан фойдаланувчи ушбу мажбуриятни амалга ошириши лозим.

3. Мазкур ҳуқуқбузарликнинг объекти ердан вақтинча фойдаланишнинг белгиланган тартиби ҳисобланади.

4. Объектив томондан бу ҳуқуқбузарлик ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан содир этилади.

5. Мазкур ҳуқуқбузарликнинг субъекти корхоналар ёки ташкилотларнинг мансабдор шахслари ёхуд ер участкаларини вақтинча фойдаланиш учун олган фуқаролардир.

6. Субъектив томондан мазкур ҳуқуқбузарлик қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилади.

7. Ушбу моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьялари томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

68- м о д д а. **Хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳаларидан ўзбошимчалик билан четга чиқиш, давлат Ер кадастри юритиш қоидаларини бузиш**

Тасдиқланган ер тузилиши лойиҳа ҳужжатларидан тегишли рухсат бўлмай туриб четга чиқиш, худди шунингдек, тегишли органлар билан келишмай туриб объектларни жойлаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш ва уларни фойдаланишга топшириш, давлат Ер кадастри юритиш қоидаларини бузиш, ерлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни бузиб кўрсатиш, ахборотларни беришдан бўиин товлаш ёки нотўғри ахборот бериш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ер кодексининг 12-моддаси саккизинчи ва тўққизинчи қисмларига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998, 5—6-сон, 82-моддага қаранг), ички хўжалик ер тузиши турли қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳудудини ички хўжалик негизида белгилаб олиб, илмий асосланган алмашлаб экишни юритиш, барча қишлоқ хўжалик ерларини (пичанзорларни, яйловларни, боғлар, узумзорлар ва ҳоказоларни) жойлаштиришни, тупроқ эрозиясига қарши кураш тадбирларини, шунингдек, суғориладиган ерларни комплекс қайта ташкил этиш (реконструкция қилиш)ни қамраб олади.

Ер тузиши тарзида ерлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бошқа лойиҳалар, масалан, шаҳарларда батафсил қурилиш лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Ер кодексининг 13-моддасига мувофиқ, ер тузиш лойиҳалари тегишли органлар билан келишиб олинади ва уларни тегишлича Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари тасдиқлайдилар, масалан, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ички хўжалик ер тузиш лойиҳалари туман ҳокими томонидан тасдикданади ва унинг рухсати билан ушбу лойиҳаларга ўзгартириш киритилиши мумкин.

Ерлардан фойдаланиш, шу жумладан, ер участкаларида иморатлар ва бошқа объектлар қурилиши ер тузилиши лойиҳалари билан мувофиқ равишда амалга оширилиши лозим. Шу муносабат билан иморатлар ва бошқа объектлар қурилишини амалга ошириш учун Ер кодекси 26-моддасига асосан ер участкасини сакдаш вазифасига оид мажбуриятлар бажарилган тақдирда ер тузиш, табиатни муҳофаза қилиш, меъморчилик каби органлар билан келишиш талаб қилинади.

Ер кодексининг 15-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 августдаги «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, давлат ер кадастри юритилади. У ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий режими, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва баҳоси, ер участкаларининг жойлашган манзили ва ўлчамлари, уларни ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ижарачиларга ҳамда мулкдорларга тақсимлаш тўғрисидаги зарур, ишончли маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат. Давлат ер кадастрини юритиш топография-геодезия, картография, тупроқ, геоботаник ва бошқа текширишлар ва қидиришлар ўтказиш, ер эгалиги ва ердан фойдаланувчиларни рўйхатга олиш, ерларни ҳисобга олиш ва баҳо бериш билан таъминланади. Юқорида кўрсатиб ўтилган қонунларга мувофиқ, ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорлари бир ой ичида туман (шаҳар) рўйхатга олувчи органларига ўз ихтиёридаги ер участкаларида рўй берган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишлари, туманлар, вилоятлар, шаҳарларнинг давлат ер кадастри юритувчи органлари бу материалларни умумлаштиришлари лозим.

2. Бу ҳуқуқбузарлик объекти ҳудудларни хўжалик ичида ташкил этиш, Давлат ер кадастрини юритишнинг белгиланган тартибидир.

3. Субъектлар — давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мансабдор шахслари, фуқаролар ҳисобланади.

4. Мазкур моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарлик қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидаги ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан содир этилиши мумкин.

5. Ушбу моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ер ресурслари бўйича давлат қўмитаси органларининг мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилади (261, 66-моддалар).

69- м о д д а. Чегара ва чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш

Эгаликдаги ва фойдаланишдаги ерларнинг чегара белгиларини, ўрмонлардаги чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш барарваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Эгаликдаги ва фойдаланишдаги ер участкаларининг чегара белгилари ва ўрмонлардаги чеклов белгилари ердан ёки ўрмонлардан фойдаланиш участкалари чегараларини аниқлаш мақсадида ўрнатилади, уларни йўқ қилиш ёки шикастлантириш низоларга сабаб бўлиши, ер участкалари чегараларини ўзгартириши мумкин. Шунинг учун ҳам мазкур моддада бу чегара ва чекловларни йўқ қилганлик ёки шикастлантирганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

2. Эгалик қилиш ёки фойдаланиш учун берилган ер ва ўрмон участкалари кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликнинг объекти ҳисобланади.

3. Бу ҳуқуқбузарликнинг субъектлари фуқаролар ва мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

4. Мазкур ҳуқуқбузарлик қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидаги ҳаракатлар билан содир этилиши мумкин.

5. Объектив томондан кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар ҳаракат билан, яъни чегара ва чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш билан ажралиб туради.

6. Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (261-модда), Ер ресурслари бўйича давлат қўмитаси органларининг мансабдор шахслари томонидан (266-модда) ва маъмурий комиссиялар томонидан кўриб чиқилади (246-модда).

70- м о д д а. **Ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш талабларини бузиш**

Фойдали қазилмалар жойлашган майдонларга ўзбошимчалик билан иморатлар қуриш, фойдали қазилма конларини табиатни муҳофаза қилиш ва кон назорати органлари билан келишмай туриб ишга солиш, ер ости бойликларидан фойдаланиш талаблари ва тартибини бузиш, ер ости бойликларини муҳофаза қилиш қоидаларини ва табиий муҳитни, бинолар ва иншоотларни ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш талабларини бажармаслик, ер ости сувлари режимини кузатиш учун қазилган қудуқларни, маркшейдерлик ва геологик белгиларни йўқ қилиш ёки шикастлантириш, худди шунингдек, ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчилар томонидан умумтарқалган фойдали қазилмалардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Конларнинг бой участкаларини танлаб ишлатиш, минерал хом ашёни қазиб олаётганда ва қайта ишлашда фойдали қазилмаларни нормативдан ортиқ нобуд қилиш, фойдали қазилма конларини яроқсиз ҳолга келтириш ва фойдали қазилма захираларидан оқилона фойдаланиш талабларини бошқача тарзда бузиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Маркшейдерлик ҳужжатларини йўқотиш, тугатилаётган ёки консервация қилинаётган конларни ва бурғуланган қудуқларни аҳолининг хавфсизлигини таъминловчи ҳолатга келтириб қўйиш талабларини, шунингдек, консервация вақтида конларни, қазилаётган жойларни ва бурғуланган қудуқларни муҳофаза этиш талабларини

бажармаслик, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ёки учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 37-моддасига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994, 10-сон, 252-моддага қаранг) ва «Қишлоқхўжалик эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш ва беришга доир материалларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида»ги низом II бўлимининг 4-бандига мувофиқ (Узбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1992, 6-сон, 17-моддага қаранг), фойдали қазилмалар жойлашган майдонларда иморат қуришга фақат кон назорати, табиатни муҳофаза қилиш органлари билан келишилган ҳолда рухсат этилади. Одатда иморатлар қуриш учун ер участкалари ер ости геологик жиҳатдан ўрганилгандан кейин берилади.

Фойдаланувчилар «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 18, 36-моддаларига асосан қуйидаги талабларга риоя қилишлари лозим: ер остидан асосий фойдали қазилмалар билан бирга қўшимча қазилмаларни ҳам тўлиқ қазиб олиш; ер остидан қазиб олинадиган ва қолдириладиган асосий фойдали қазилмалар билан биргаликда улар билан ёнмаён учрайдиган фойдали қазилмаларнинг ҳам аниқ ҳисобини олиб бориш; қазиб чиқарилган минерал хом ашёдан унинг таркибидаги саноат аҳамиятига эга бўлган қазилмаларини оқилона ва комплекс ажратиб олиш.

Ер ости бойликларидан фойдаланишда бу бойликларни муҳофаза қилиш бўйича қуйидаги қоидаларга риоя этилиши лозим: фойдали қазилмалар конларини ифлосланишдан, сув босишидан, сувга тўлишидан, ёнғинлардан, фойдали қазилмаларнинг сифатини ва конларнинг саноат қимматини пасайтирадиган ёки уларнинг қазиб олинишини қийинлаштирадиган бошқа омиллардан муҳофаза қилиш; сув чиқариш майдонларида ва ер ости сувлари жойлашган ерларда саноат ва маиший чиқиндиларнинг тўпланиб қолишини бартараф этиш; ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларни амалга оширишда, айниқса, нефть ва бошқа моддаларни ер остида сақлаш, зарарли моддаларни, радиоактив чиқиндиларни ва ишлаб чиқариш чиқитлари материалларини кўмиб ташлашда ер ости ифлосланишининг олдини олиш; конлардан фойдаланишда экологик хавфсизликни таъминлаш.

Кузатиладиган режим қудуқларини йўқ қилганлик ёки уларни шикастлантирганлик учун мазкур моддада «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 115-моддаси асосида жавобгарлик белгиланади (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 5-сон, 221-моддага қаранг).

«Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 15-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994, 10-сон, 252-моддага қаранг) ҳамда Ер кодексининг 39-моддасига мувофиқ, ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг умумтарқалган фойдали қазилмалардан махсус рухсатларсиз ўзларига берилган ер участкалари доирасида фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар, шу билан бирга, улар фойдаланиш жараёнида муайян қоидаларга риоя этишлари, масалан, умумтарқалган фойдали қазилмалардан фақат ўз хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланишлари, уларни қазиб олишни муайян чуқурликда амалга оширишлари лозим ва ҳоказо.

2. Ер ости бойликларидан фойдаланувчиларнинг асосий вазифалари қуйидагилардир: конларнинг бой участкаларини танлаб қазиб олишга, минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлашда фойдали қазилмаларнинг меъёрдан ортиқ нобуд бўлишига йўл қўймаслик; конлардан мақсадли фойдаланиш; ишларни лойиҳаларга мувофиқ амалга ошириш ва ҳоказолар. «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994, 10-сон, 252-моддага қаранг) 18-модда, иккинчи қисмида ва бошқа моддаларида назарда тутилган ер ости бойликларидан оқилона фойдаланишга доир мажбуриятларни ер ости бойликларидан фойдаланувчилар бажармасалар, шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми бўйича маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

3. Мазкур модданинг учинчи қисмида маркшейдерлик ҳужжатларини йўқотганлик учун, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасида назарда тутилган, шунингдек, ер ости бойликлари участкасини консервация қилиш соҳасидаги тадбирларни бажармаганлик учун ҳам маъмурий жавобгарлик назарда тутилган. Масалан, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 31-моддасига мувофиқ, фойдали қазилмалар участкаларини консервация қилиш конлардан фойдаланиш муддати ўтиб бўлгандан кейин ёки у муддатидан олдин тўхтатилганда ўтказилади ёхуд участкани тўлиқ қазиб бўлгандан кейин ёки бундан бу ёғига экологик, иқтисодий ва бошқа сабабларга кўра конни қазиш мумкин эмаслиги сабабли фойдали қазилмалар қазиб оладиган корхона ёхуд унинг қисми консервация қилиниши лозим. Консервация қилиш талаблари Ўзбекистон Республикаси Саноатда ишларни бехатар олиб бориш ва кон назорати бўйича Давлат қўмитаси йўриқномалари билан белгиланади, улардан асосийлари экология ва аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш, конларни, кон қазилмаларини ва бурғулаш қудуқларини сақлаш ҳисобланади.

4.Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси татбиқ этилгандан кейин бир йил давомида такроран содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутади.

5.Мазкур моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар объекти ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг белгиланган тартибидир.

6.Мазкур ҳуқуқбузарлик субъекти мансабдор шахслар ва фуқаролар ҳисобланади. Лекин фуқаролар ер ости сувларини кузаттиш режим қудуқларини йўқ қилганлик ёки шикастлантирганлик учун, уларга эгалик қилиш ёки фойдаланиш учун берилган ер участкаларидаги умумтарқалган фойдали қазилмалардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

7.Мазкур ҳуқуқбузарлик қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидаги ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар билан содир этилиши мумкин.

8.Ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини бузганлик оғир оқибатларга олиб келса, мазкур ҳуқуқбузарлик ЖКнинг 197-моддаси билан квалификация қилинади.

9.70-моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Саноатда ишларни бехатар олиб бориш ва кон назорати бўйича Давлат қўмитаси (260-модда) ва умумтарқалган фойдали қазилмалардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан кўриб чиқилади (261-модда).

71-модда. **Ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини олиб бориш қоидалари ва талабларини бузиш**

Ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини олиб бориш қоидалари ва талабларини топилган фойдали қазилмалар захираларига ёки фойдали қазилмалар қазиб олиш корхоналари, шунингдек, фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш шароитларига нотўғри баҳо берилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тарзда бузиш, ер ости бойликларини кейинги геологик жиҳатдан ўрганишда ва конларни ишга солишда зарур бўлган геологик ҳужжатларни, фойдали қазилма намуналари дубликатларини ва кернларини йўқотиб қўйиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса,— энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ер остини геологик жиҳатдан ўрганишга қўйиладиган асосий талаблар «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасида белгиланган (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994, 10-сон, 252-модда). Ер қаърини геологик ўрганишни амалга ошираётган фойдаланувчилар ер қаъри геологик ўрганишнинг қидириб топилаётган конларни, фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш учун, шунингдек, зарарли моддалар, радиоактив чиқиндилар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини кўмиб

ташлаш учун бериладиган ер қаъри участкаларини ишга солишнинг кончилик-техника, геологик-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларининг бекам-кўстлигини; асосий қазилма ва у билан бирга жойлашган бошқа қазилма бойликлари миқдори ва сифати аниқ белгиланишини; ер қаърини геологик ўрганиш бўйича ишларнинг фойдали қазилмалар асоссиз нобуд бўлиши ва сифати пасайишини истисно этувчи усулларда олиб борилишини таъминлашлари лозим.

Мазкур талабларнинг бузилиши, башарти улар фойдали қазилмаларнинг идириб топилган захираларига, фойдали қазилмалар қазиб олиш бўйича корхоналар, шунингдек, фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш шарт-шароитларига нотўғри баҳо беришга олиб келиши мумкин бўлса ёки олиб келган тарзда маъмурий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин.

2. Ер остини геологик жиҳатдан ўрганишни амалга оширувчи корхоналар, ташкилотлар қидириладиган конлар ва бурғуланадиган қудуқларнинг, геологик ва ижро этиштехник ҳужжатларнинг, кон жинслари ва рудалар намуналари, керн, фойдали қазилмалар пробалари нусхаларининг сақланишини таъмин этишлари лозим, улардан ер ости бойликларини янада ўрганиш, конларни қидириш ва ишлов беришда фойдаланиш мумкин («Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддаси — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994, 10-сон, 252-моддасига қаранг).

3. Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганишни амадга оширувчи юридик шахсларнинг мансабдор шахслари ҳисобланади.

4. Шарҳланаётган моддада кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик билан қилинган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар билан содир этилиши мумкин.

5. Модданинг 2-қисми кўрсатилган ҳуқуқбузарликларни такроран содир этганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутади.

6. Бу моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар табиатни муҳофаза қилиш органлари (табиатни муҳофаза қилиш соҳасида) ва Ўзбекистон Республикаси Саноатда ишларни бехатар олиб бориш ва кон назорати бўйича Давлат қўмитаси органлари томонидан кўриб чиқилади (260- ва 261-моддалар).

72- м о д д а. **Сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш**

Сувларни ифлослантириш ёки булғатиш, сув тўплагич иншоотларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Корхоналар, коммунал ва бошқа объектларни сувларнинг ифлосланиши ва булғаниши ёки уларнинг зарарли оқибатлари олдини олувчи иншоотлар ва қурилмаларсиз фойдаланишга топшириш, шунингдек, сув объектларининг табиий ҳолатини бузувчи бошқа ҳаракатлар қилиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Сув қудуқларини қазишнинг белгиланган қоидаларини ва технологиясини бузиш, ишлатилаётган ва кузатув қудуқларини йўқ қилиб юбориш ёки шикастлантириш, сув ўзи чиқадиган қудуқларни уларни тартибга соладиган қурилмалар билан жиҳозлаш, шунингдек, ишлатишга яроқсиз қудуқларни консервациялаш ёки йўқ қилиш чораларини кўрмаслик, сифатли ер ости сувлари ҳосил бўладиган теграда ер ости сувларининг ифлосланиши ёки уларнинг сифати ёмонлашиши манбаи бўлиб қолиши мумкин бўлган саноат, қишлоқ хўжалик иншоотлари ва бошқа объектларни жойлаштириш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ёки учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг камиш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Барча сувлар (сув объектлари) аҳоли соғлиғига зарар келтириши, шунингдек, балиқ захираларининг камайиб кетишига, сув таъминоти шароитларининг ёмонлашувига ва бошқа ноқулай ҳолларга олиб келиши мумкин бўлган ифлосланиш, булғаниш ва тугаб (қуриб) қолишдан муҳофаза этилиши лозим («Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 97-моддаси — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 5-сон, 221-модда).

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга қуйидагилар ман этилади: сув объектларига ишлаб чиқариш, маиший, бошқа чиқиндилар ва ахлатларни ташлаш; ёғ, ёғоч, кимёвий, нефть ва бошқа маҳсулотларнинг нобуд бўлиши орқасида сувларни ифлослантириш ва булғантириш; ювилиши ер усти ва ер ости сувларининг ёмонлашувига сабаб бўладиган музликлар сиртини ишлаб чиқариш, маиший чиқиндилар, ахлатлар ва ташландиқлар, шунингдек, нефть ва кимёвий маҳсулотлар билан ифлослантириш, булғантириш, сувларни ўғитлар ва заҳарли кимёвий моддалар билан ифлослантириш («Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 99-моддаси).

Шу билан бирга, қонунларда сув объектларига оқава сувларни ташлаш, башарти улар сувдаги ифлослантирувчи моддаларнинг белгиланган нормалардан ортиб кетмаган тақдирда ва сувда фойдаланувчининг оқава

сувларни белгиланган чегарагача тозалаб туриши шарти билан рухсат этилиши асосида йўл қўйилади.

Сув объектларини ифлосланишдан, булғанишдан, сув объектлари (кўллар, сув омборлари, дарёлар, каналлар ва ҳоказолар) атрофини қуриб қолишдан сақлаш мақсадида сувларни муҳофаза қилиш зоналари ва санитария муҳофазаси зоналари белгиланади. Бу зоналарни белгилаш ва уларнинг режими Ер кодексида (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998, 5—6-сон, 82-моддага қаранг), «Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 6-сон,255-моддага қаранг), «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 5-сон, 221-моддага қаранг), қонунлар ва Сув омборлари, бошқа сув объектлари, дарёлар, магистрал каналлар ва коллекторларнинг, ичимлик ва маиший сув таъминоти, маданий-соғломлаштириш аҳамиятига эга бўлган сув манбаларининг сув муҳофаза зоналари тўғрисидаги низом билан (Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги 174-қарори билан тасдиқланган) тартибга солиб турилади. Хусусан, Низомда ана шу зоналарда хўжалик фаолиятини чеклашлар назарда тутилган бўлиб, уларнинг бузилиши шарҳданаётган модданинг биринчи қисми бўйича маъмурий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

2. «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 15-моддасига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 5-сон, 221-моддага қаранг), сувларнинг ифлосланиши ва булғаниши олдини оладиган қурилмалар билан таъмин этилмаган янги ва қайта таъмирланган корхоналар, цехлар, агрегатлар, коммунал ва бошқа объектларни ишга тушириш тақиқланади. Табиий ҳолатни бузадиган бошқа ҳаракатлар деганда, сув объектларининг ифлосланиши, булғаниши ёки камайишига олиб келадиган ҳаракатларни, масалан, сув омборларига ўзан тайёрлаш бўйича лойиҳада кўзда тутилган тадбирларни амалга оширмасдан олдин сув билан тўлдиришни тушунмоқ керак.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида ер ости сувларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳолатини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган. Ер ости сувларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир талаблар «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 101-моддасида (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 5-сон, 221-моддага қаранг) «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 36-моддасида (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994, 10-сон, 252-моддага қаранг) белгилаб берилган.

4. Мазкур модданинг тўртинчи қисми юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган тақдирда кўриладиган маъмурий жазо чорасини назарда тутади.

5. Бу ҳуқуқбузарликларнинг объектлари сувлар (сув объектлари ва уларнинг қисмлари), сувдан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир белгиланган тартибдир.

6. Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари фуқаролар ва мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

7. Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар билан содир этилган бўлиши мумкин.

8. Сувдан ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларининг бузилиши оғир оқибатларга олиб келса, ЖКнинг 193 ёки 196-моддалари бўйича квалификация қилинади.

9. Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар табиатни муҳофаза қилиш органлари (261-модда), термал сувларга тааллуқли қисмида эса Ўзбекистон Республикаси Саноатда ишларни бехатар олиб бориш ва кон назорати бўйича Давлат қўмитаси органлари томонидан кўриб чиқилади (260-модда).

73-модда. Зарарли моддалар ва қоришмаларга оид операцияларни кема ҳужжатларида қайд этиш мажбуриятларини бажармаслик

Кема ёки бошқа сузиш воситаси капитани ёки бошлиқлар таркибига мансуб бошқа шахслар томонидан зарарли моддалар ёки қоришмаларга оид операцияларни кема ҳужжатларида қайд этиш юзасидан амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги, — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Кема ёки бошқа сузиш воситаларининг бошлиқлар таркибига кирувчи шахслар зарарли моддаларни ҳисобга олиш, сув объектларига зарарли моддаларни ташлашнинг олдини олиш мақсадида зарарли моддалар билан амалга ошириладиган операцияларни кема ҳужжатларида қайд этишни амалга оширишлари лозим. Зарарли моддалар ёки қоришмалар деганда нефть маҳсулотлари, ёғлар ва ҳоказоларни тушуниш керак.

2. Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар билан содир этилган бўлиши мумкин.

3. Кўрсатиб ўтилган ҳукуқбузарлик субъектлари кемалар ёки бошқа сузиш воситаларининг мансабдор шахслари ҳисобланади.

4. Шарҳланаётган модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан кўриб чиқилади (261-модда).

74- м о д д а. **Сувдан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Табиий сув манбаларидан (дарё, сой, кўл, булоқ, ер ости сувларидан) сув олиш қоидалари ва лимитларини бузиш, шунингдек, лойиҳада назарда тутилган балиқларни муҳофаза қилиш иншоотлари ва қурилмалари бўлмаган табиий сув манбаларидан сув олишни амалга ошириш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ирригация тармоқларидан сув олиш қоидаларини бузиш тарзида сувдан хўжасизларча фойдаланиш, гидротехника ишларини ўзбошимчалик билан бажариш, сувдан фойдаланишнинг белгиланган лимитлари ва режаларини бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса — иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми бўйича маъмурий жавобгарлик табиий сув манбаларидан сувдан фойдаланиш қоидалари бузилган тақдирда вужудга келади. Ушбу қоидаларни бузиш манбалардан сувни олиш муддатлари, нормалари, шу жумладан, лимитларини бузиш, яъни белгиланган меъёрдан ортиқча ҳажмда сув олиш, сувдан хўжасизларча фойдаланиш орқали намоён бўлади.

«Сув ва сувданфойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 5-сон, 221-моддага қаранг), сувдан фойдаланувчилар сувдан фойдаланишнинг белгиланган лимитига риоя қилишлари зарур. Лимитлар деганда сув объектларидан сув олиш режаларини тушуниш керак («Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 30-моддаси — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 5-сон, 221-моддаси; Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 августдаги «Узбекистон Республикасида сувдан лимитлаштирилган ҳолда фойдаланиш тўғрисида»ги 385-сонли қарорига қаранг).

«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасида сувдан фойдаланувчиларнинг табиий объектларга, шу жумладан, балиқ захираларига зарар етказмаслик соҳасидаги вазифалари ҳам назарда тутилган. Шу муносабат билан қонуннинг 61-моддасида балиқ захираларини муҳофаза қилиш ва такрор ишлаб чиқариш соҳасидаги тадбирлар, шу жумладан, саноат мақсадлари, суғориш ва бошқа эҳтиёжлар учун балиқ хўжалиги сув ҳавзаларидан сув

олишга фақат табиатни муҳофаза қилиш органлари билан келишилган ҳолда баликдарнинг сув иншоотларига тушиб қолиши мумкинлигига барҳам берадиган махсус мосламалар ўрнатган шароитдагина амалга ошириш мумкинлиги қоидалари белгилаб берилган.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига мувофиқ, ирригация тармоқларида сувдан фойдаланиш қоидалари бузилган тақдирда маъмурий жавобгарлик қўлланилади.

Сувдан хўжасизларча фойдаланиш деганда шундай фойдаланишни тушунмоқ керакки, бунда олинадиган ёки қуйиладиган сув технологик нормадан ортиқча, мақсадсиз фойдаланилади. Гидротехника ишларини ўзбошимчалик билан бажариш, деганда шу жумладан, сув чиқариш учун қурилган қурилмани тартибга солиш, тўғонлар, сув тўсқичлар, насос станциялари ва ҳоказолар қуриш тушунилади. Ирригация тармоқларида сувдан фойдаланишда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 30-моддасига ва Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 август 385-сонли қарорига мувофиқ белгиланган лимитларга риоя этилмаса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидагй кодекснинг 74-модда иккинчи қисми бўйича жавобгарлик чоралари қўлланилади.

3. Мазкур ҳуқуқбузарликларнинг объекти сувдан фойдаланиш тартибидир.

4.Мазкур ҳуқуқбузарликларнинг субъекти фуқаролар ёки мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

Шарҳланаётган моддада кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар билан содир этилиши мумкин.

5. Модданинг учинчи қисми Кодекснинг 74-моддаси 1, 2қисмларида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутади.

6. Шарҳданаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар табиатни муҳофаза қилиш органларининг мансабдор шахслари томонидан (261-модда), 74-модданинг 2 ва 3-қисмлари учун эса — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг республика сув назорати — Ўзсувназорат органлари томонидан кўриб чиқилади (266^2-модда) (Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелдаги «Айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айримларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонуни — Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997, 4—5-сон, 126-моддага қаранг).

75-м о д д а. **Сувларнинг давлат ҳисобини юритиш қоидаларини бузиш**

Сув объектларидан олинадиган ва уларга қуйиладиган сув миқдорининг дастлабки ҳисобини юритиш ва оқиб келиб қўшилаётган

сувлар сифатини аниқлаш қоидаларини бузиш, шунингдек, давлат Сув кадастри юритишнинг белгиланган тартибини бузиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 5-сон, 221-моддага қаранг), сувдан фойдаланувчилар олинадиган сувнинг ҳисобини олиб боришлари шарт. Худди шу талаб Ўзбекистон Рёспубликасида сувдан лимитлаштирилган ҳолда фойдаланиш бўйича Муваққат тартибнинг 4-бандида ҳам мустаҳкамланган. Оқава сувларни сув объектларига ташлашга берилган рухсатномада сувдан фойдаланувчиларнинг ташлайдиган сувлари миқдори ва сифати кўрсатилган бўлиши лозим.

Бундан ташқари, кўрсатиб ўтилган Қонуннинг 112-моддасига ва Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 январдаги 11-сонли, «Узбекистон Республикасининг Давлат сув кадастрини ишлаб чиқиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ, сувларнинг давлат ҳисоби, Давлат кадастрини юритиш Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология Бош бошқармаси (сиртқи сувларни тақсимлаш бўйича), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (сувдан фойдаланиш бўйича) ва Геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси (ер ости сувларини тақсимлаш бўйича) томонидан амалга оширилиши лозим. Сувдан фойдаланувчиларнинг бирламчи ҳисобга олиш тартибини бузишда, шунингдек, кўрсатиб ўтилган органлар мансабдор шахсларининг сувларнинг давлат ҳисобини олиб бориш ва Давлат сув кадастрини юритиш тартибини бузишда айбдор бўлганлар шарҳланаётган модда бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Бу модданинг иккинчи қисми кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этганлик учун жавобгарликка тортишни назарда тутади.

2. Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг объекти сувларни ҳисобга олиб бориш ва Давлат сув кадастрини юритишнинг белгиланган тартиби ҳисобланади.

3. Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

4. Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлар ёхуд ҳаракатсизликлар билан содир этилиши мумкин.

5. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар табиатни муҳофаза қилиш органларининг мансабдор шахслари (261-

модда) ва ирригация тармоқларидан олинадиган сув миқдорини ҳисобга олиш, шунингдек, Давлат сув кадастри юритишнинг белгиланган тартибини бузишга оид қисми бўйича Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзсувназорат» республика инспекциясининг мансабдор шахслари (266^2-модда) томонидан кўриб чиқилади.

76-модда. **Сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш, улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш, — энг кам иш ҳақининг учдан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Шарҳланаётган модда бўйича маъмурий жавобгарлик «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 115-моддасида белгилаб берилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 5-сон, 221-моддага қаранг). Қаналлар, сув омборлари, тўғонлар, сув узатувчи ва сувни тартибга солувчи насослар (насос станциялари) ва бошқа сув хўжалик қурилмалари ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик объектлари ҳисобланади. Сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларининг шикастланиши қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлар билан содир этилиши мумкин.

2. Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликнинг субъектлари фуқаролар ёки мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

3. Сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 76—82, 155-моддаларида белгиланган қоидаларни, шунингдек, сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини ишлатиш қоидаларини бузишда ифодаланади ҳамда бу ҳуқуқбузарликнинг объектлари ҳисобланади.

4. Иккинчи қисмда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарлик субъектлари сувдан фойдаланувчилар — сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларидан фойдаланувчи юридик шахсларнинг мансабдор шахслари бўлиши мумкин.

5. Бу ҳуқуқбузарлик қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар билан содир этилиши мумкин.

6. Биринчи кисмда назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьялари (245-модда) томонидан, иккинчи қисмида кўзда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўтрисидаги ишлар — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Ўзсувназорат» республика инспекциясининг мансабдор шахслари (266^2-модда) томонидан кўриб чиқилади.

77-м о д д а. **Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Тегишли рухсат олмай туриб иморат солиш, ёғочни қайта ишлаш, омборлар ва бошқа иншоотлар қуриш мақсадида ўрмон фонди ерларидаги дарахтни кундаков қилиш, ўрмон фонди ерларида пичанзорлар ва яйловларни шикастлантириш, ўзбошимчалик билан пичан ўриш ва мол боқиш, дренаж тизимларини ва йўлларни йўқ қилиш ёки шикастлантириш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ўрмон фонди ерлари деб ўрмон билан қопланган ерлар, ўрмон хўжалиги эҳтиёжи учун берилган, лекин ўрмон билан қопланмаган ерларга аталади (Ер кодексининг 8-моддаси — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998, 5—6 сон, 82-моддасига қаранг).

Бу ерлардан ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун, биринчи навбатда, ўсимликлар дунёсини қайта тиклаш учун фойдаланиш керак. Улардан иморатлар барпо этиш, омборлар ва ҳоказолар қуриш учун фойдаланишга фақат рухсатнома бўлсагина амалга оширилиши лозим.

Урмонларда ва ўрмон фондига қарашли, лекин дарахт билан қопланмаган ерларда пичан ўриш ва мол ўтлатиш ўрмонга зарар етказиши мумкин бўлган жойларда тақиқланади.

Давлат ўрмон хўжалиги корхоналари ихтиёридаги ўрмонларда ўрмон хўжалиги ва ёғоч тайёрлаш саноати эҳтиёжи учун фойдаланилмайдиган пичанзорлар ва яйловлар қишлоқ хўжалик корхоналарига, ташкилотлар ва фуқароларга вақтинча фойдаланишга, башарти бундай фойдаланишлар ўрмон хўжалиги манфаатларига мос бўлиб тушса, берилади (Ўрмон тўғрисидаги қонуннинг 27-моддаси — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999, 5-сон, 122-моддасига қаранг; 1978, 22-сон, 371-модда; 1980,34-модда; 1994, 5-сон, 58-модда). Ҳокимият органлари «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998, 1-сон, 12-моддага қаранг), ўрмон хўжалиги органлари ёки ўрмон хўжалиги корхоналари томонидан бериладиган ўрмон билетлари асосида корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қишлоқхўжалиги ишлари юритиш, ёввойи озуқа маҳсулотларини тайёрлаш ва чорва молларини боқиш учун вақтинча фойдаланишга беришлари мумкин.

Дренаж тизимлари ва йўлларнинг йўқ қилиниши ҳамда шикастланиши ўрмонлардан фойдаланишга ва уларни муҳофаза қилишга салбий таъсир этиши мумкин.

2. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 77-моддасида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг объекти ўрмон фонди ерларидан фойдаланишнинг белгиланган тартибидир.

3. Бу ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари фуқаролар ва мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

4. Шарҳланаётган моддада кўрсатиб ўтилган ҳукуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлар билан содир этилиши мумкин.

5. Модданинг иккинчи қисми худди шундай ҳуқуқбузарликларни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутади.

6. 77-моддада кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар табиатни муҳофаза қилиш органлари мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилади (261-модда).

78-м о д д а. **Кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланиш тартибини бузиш**

Кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланиш, ёғоч тайёрлаш ва ташиб олиб кетиш тартибини, шунингдек, ўрмон кесиш чиптаси (ордери)да ёки ўрмон чиптасида белгиланган бошқа талабларни бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ёғоч тайёрлаш тартиби Ўрмон тўғрисидаги қонуннинг 26-моддасида белгилаб берилган. Ўзбекистонда ўрмонлар, асосан, биринчи гуруҳга таалуқли бўлган, яъни булар табиатни муҳофаза қилиш, санитария-соғломлаштириш аҳамиятига эга бўлган ҳисобланиб, ёғоч тайёрлаш (кесиш) чекланган. Шу билан бирга, ёғоч тайёрлаш чекланган миқдорда, асосан, пишиб етилган дарахт туплари участкаларини иккинчи гуруҳга ўтказиш ва ўрмонни тиклаш учун кесишни амалга ошириш йўли билан бажарилади. Иккинчи гуруҳ ўрмонларида ёғоч тайёрлаш ўрмонларни хўжалик жиҳатдан қимматли бўлган ёғоч навларини тиклашга, ўрмонларни ҳимоя қилиш ва сувни сақлаш хоссаларини сақлашга қаратилган усуллар билан асосий фойдаланиладиган кесиш тартибида ўтказилиши мумкин.

Ёғоч кесишга рухсат этиш — ўрмон кесиш чиптасини (ордерини) бериш чоғида фойдаланувчига ёғоч тайёрлаш тартиби ва ёғоч кесиш қоидалари — кесиш усули, ёғочни ташиб олиш тартиби, ҳуқуқ ва вазифалари, ёғоч кесганлиги учун тўловлар миқдори ва ҳоказолар тушунтирилади.

Ўрмондан оқилона фойдаланиш талаблари, яъни ўрмондан фойдаланувчиларнинг асосий вазифалари, ўрмондан фойдаланиш тури, ўрмондан фойдаланиш шартлари, фойдаланиш миқдорлари ва муддатлари, ўрмонларни муҳофаза қилиш тадбирлари ва бошқа алоҳида шарт-шароитлар ўрмон кесиш чиптасида (ордерида) ва ўрмон чипталарида акс эттирилади, бу чипталар ўрмон хўжалиги корхоналари (ўрмон хўжаликлари) томонидан берилади.

Ўрмондан фойдаланиш ўрмон кесиш чиптасида (ордерида) ёки ўрмон чиптасида кўрсатиб ўтилган талабларга аниқ мувофиқ келган тарзда амалга оширилади. Агар тайёрлов ташкилоти ўрмон чиптаси (ордери) талабини кесиш учун топширилмаган участкалардаги ёғочларни кесишни амалга ошириш йўли билан, фуқарорлар эса бошқа участкада, нормадан ортиқча дарахт кесиш ёки дарахтларнинг бошқа навларини кесиш йўли билан бузсалар, у ҳолда мазкур ҳаракатлар ушбу Кодекснинг 79-моддаси бўйича квалификация қилинади.

2. Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг объекти ўрмондан фойдаланишнинг белгиланган тартиби ҳисобланади.

3. Бу ҳуқуқбузарликларнинг шарҳланаётган моддада назарда тутилган субъектлари фуқаролар ва мансабдор шахслардир.

4. Бу ҳуқуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар билан содир этилиши мумкин.

5. Кодекснинг 78-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар табиатни муҳофаза қилиш органларининг мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилади (261-модда).

79-м о д д а. Дарахтлар, буталар, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш

Дарахтлар, буталарни, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, ансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Бу моддада назарда тутилган дарахтларни ғайриқонуний равишда кёсиш деганда ёғоч тайёрлаш ташкилотларининг ёки фуқароларнинг кесиш учун ажратилмаган участкаларда ўрмон ўсимликларини кесиши ёхуд бошқа дарахтлар, буталарнинг бошқа навларини ёки нормадан ортиқ кесишини ҳисоблаш керак. Кўрсатиб ўтилган ҳолларда ёғоч тайёрлаш ташкилотлари ва

фуқаролар дарахтлар, буталарни кесишга рухсатлари бўлгани ҳолда ўрмон кесиш чиптасида (ордерида) ўрмондан фойдаланиш объектига нисбатан кўрсатиб ўтилган талабларни бузадилар. Ўрмон кесиш чиптасида (ордерида) назарда тутилган бошқа талаблар бузилган тақдирда бу ҳуқуқбузарлик Кодекснинг 78-моддаси бўйича баҳоланиши керак. Башарти дарахтлар, буталар ўзбошимчалик билан (ўрмон хўжалиги органларининг рухсатисиз) кесилган бўлса, у ҳолда мазкур ҳаракат Кодекснинг 60-моддаси билан баҳоланиши лозим.

Дарахтлар, буталар, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни шикастлантириш ёки йўқ қилиш деганда дарахтлар ва бошқа ўрмон ўсимликларини синдириш, шох-шаббаларини шикастлантиришни тушунмоқ керак. Одатда дарахтлар, буталар, ниҳоллар, шохлар ва кўчатларни шикастлантириш ёки йўқ қилиш улардан фойдаланиш муносабати билан эмас, балки ёғоч кесиш, уни ташиш, ўрмон фонди ерларида қурилиш ва бошқа ишларни амалга ошириш вақтида содир бўлади. Шикастлантириш ёки йўқ қилиш фуқароларнинг ўрмонлардан дам олиш учун фойдаланиш вақтидаги ҳаракатлари билан содир этилиши мумкин.Шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг объекти дарахтлар, буталар, шохлар, ниҳоллар, бошқа ўрмон ўсимликлари (кўчатлар, уруғдан ўсиб чиққан кўчатлар ва бошқалар) ҳисобланади.

2. Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлардаги субъектлар мансабдор шахслар ва фуқаролар ҳисобланади.

3. Шарҳланаётган моддада кўзда тутилган ҳуқуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида вужудга келган ҳаракатлар билан содир этилиши мумкин.

Иккинчи қисм худди шундай ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган тақдирда маъмурий жавобгарликни назарда тутади.

5. Ўрмонни ёки бошқа дарахтларни ғайриқонуний равишда кесиш катта зарар етказган тақдирда бундай ҳуқуқбузарлик ЖКнинг 198-моддаси 2-қисми бўйича квалификация қилинади.

6. Кодекснинг 79-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар табиатни муҳофаза қилиш органларининг мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилади (261-модда).

80-м о д д а. **Ўрмонларни тиклаш қоидаларини бузиш**

Ўрмонларни тиклаш, уларнинг ҳолатини ва тури таркибини яхшилашга, уларнинг маҳсулдорлигини оширишга, шунингдек, етилган ёғоч захираларидан фойдаланишга оид қоидалар ва йўриқномаларни бузиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ёғоч кесилган ўрмон фонди участкаларида ва илгари ўрмон бўлган бошқа майдонларда ўрмонларни тиклаш ишлари амалга оширилиши лозим (Ўрмон тўғрисидаги қонуннинг 34-моддаси). Ўрмонни тиклаш ишлари ўрмон хўжалигини юрйтадиган корхоналар, ташкилотлар томонидан амалга оширилади, улар бу ишларни давлат ўрмон хўжалиги органлари томонидан белгиланадиган тартибда хўжалик жиҳатдан қимматли дарахт навларидан юқори маҳсулли ўрмонлар яратишни таъминлайдиган усуллар билан ўтказадилар. Бундан ташқари, ўрмонларнинг сифат таркибини яхшилаш мақсадида ўрмонни парвариш қилиш учун кесиш, санитария жиҳатидан кесиш ва кам аҳамиятли кўчатларни қайта тиклаш билан боғлиқ бўлган кесишлар ўтказилиши, ўрмонларнинг ёш таркибини яхшилаш, шу жумладан, ғовлаб кетган кўчатлар тўпланиб қолишининг олдини олиш, шунингдек, тупроқнинг унумдорлигини, ўрмонларнинг маҳсулдорлигини оширишга имкон берадиган бошқа ишлар амалга оширилиши лозим (Ўрмон тўғрисидаги қонуннинг 35, 36-моддалари).

2. Ушбу Кодекснинг 80-моддасида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг объекти ўрмонларни тиклаш ва яхшилашнинг белгиланган тартибидир.

3. Бу ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари ўрмон хўжалиги юритадиган корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг мансабдор шахслари ҳисобланади.

4. Шарҳланаётган моддада кўзда тутилган ҳуқуқбузарликлар қасддан қилинадиган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар туфайли содир этилиши мумкин.

5. Ушбу моддада кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар табиатни муҳофаза қилиш органларининг мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилади (261-модда).

81-м о д д а. **Қизил китобга киритилган ўсимликларни йиғиш**

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ўсимликларни ёхуд шундай ўсимликларнинг илдизлари, поялари, шохлари, барглари, гуллари, мевалари ва уруғларини ўзбошимчалик билан йиғиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисйнинг Ахборотномаси, 1998, 1-сон, 12-моддага қаранг), Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги «Қимматли ва йўқолиб бораётган ўсимликлар ва ҳайвонлар турларини муҳофаза этишни

кучайтириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 9-сон, 337-моддага қаранг), Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 9 мартдаги 109-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби тўғрисида»ги қарорининг 5-бандига ва 1993 йил 15 декабрдаги 600-сонли «Еввойи ҳайвонлар ва ўсимликларни муҳофаза этишни кучайтириш ҳамда улардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Қизил китобга киритилган ўсимликларни тўплаш, крнунларда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, тақиқланади. «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ўсимлик турларидан фойдаланиш, улар билан (уларнинг қисмлари ёки маҳсуллари билан) савдо қилиш, уларни чет элга олиб чиқишга алоҳида ҳолларда Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг тақдимномаси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосаси бўйича Вазирлар Маҳкамаси берадиган рухсатномалар асосида йўл қўйилади.

2. Мазкур моддада кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг объекти Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ўсимликлардир;

3. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликнинг субъектлари фуқаролар ёки мансабдор шахслар ҳисобланади.

4. Бу ҳуқуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинадиган ҳаракатлар билан содир этилади.

5. Моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар табиатни муҳофаза қилиш органларининг мансабдор шахслари томондан кўриб чиқилади (261-модда).

82-м о д д а. **Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тартибини бузиш**

Давлат қўриқхонаси тартибини бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Давлат миллий табиат боғлари, буюртма қўриқхоналари, табиат ёдгорликлари, сувни муҳофаза қилиш тегралари, курорт табиий ҳудудлари, ботаника боғлари, дендрология ва ҳайвонот боғлари, қўриқланма (оралиқ) тегралар, ўрмонларнинг тақиқланган минтақалари, балиқ хўжалиги тегралари ва алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга ҳудудлар тартибини бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш

ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Давлат қўриқхоналарининг ҳолати «Аллоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасида белгилаб берилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 6-сон, 255-модда). Давлат қўриқхоналари ҳудудида қўриқхоналар мақсадларига зид келадиган ҳар қандай хўжалик, рекреацион ва бошқа фаолият олиб бориш тақиқланади. Қўриқхоналар, уларнинг муҳофаза этиладиган тегралари ҳудудида иқлимлаштириш мақсади билан ўсимликлар ва ҳайвонларнинг турлари ҳамда кичик турларини жойлаштириш тақиқланади. Қўриқхоналар ҳудудларида қўриқхона ва уларга қарашли бўлган органларнинг ходимларидан ташқари фуқароларнинг бўлишига бу органларнинг ёки қўриқхона маъмуриятининг рухсати бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

Давлат миллий табиат боғлари, буюртмабоғлар, табиат ёдгорликлари, сувни муҳофаза қилиш тегралари, курорт табиий ҳудудлари, ботаника боғлари, дендрология ва ҳайвонот боғлари, қўриқланма (оралиқ) тегралар, ўрмонларнинг тақиқланган минтақалари, балиқ хўжалиги тефалари ва алоҳида муҳофаза қилинадиган ўзга табиий ҳудудлар ҳолати «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўфисида»ги қонуннинг 18, 20, 21, 23, 25, 26—32-моддаларида белгилаб берилган. Сувни муҳофаза қилиш тефалари, бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 апрелдаги 174-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар, магистрал каналлар ва коллекторларнинг, шунингдек, ичимлик суви ва маиший сув таъминотининг, даволаш ва маданий-соғломлаштиришда ишлатиладиган сув манбаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳақидаги Низом»да ҳам белгилаб берилган.

Алоҳида муҳофаза этиладиган бу табиий ҳудудларнинг тартиби ҳайвонот ва ўсимликларнинг нодир ва йўқолиб бораётган турларини, табиий мажмуаларни, ноёб манзараларни, аҳолининг дам олиши ва саломатлиги, сувларни ва ҳоказоларни муҳофаза қилиш учун шартшароитларни сақлаб қолиш мақсадида хўжалик ва ўзга фаолиятнинг айрим турларини чеклаш ёки тақиқлаш билан ажралиб туради.

Қўриқхоналар муҳофаза қилишнинг анча қаттиқ тартиби билан ажралиб туриши туфайли уларнинг тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик Кодекснинг 82-моддаси алоҳида қисмида белгиланган.

2. Мазкур моддада кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг объекти алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг белгиланган ҳолати ҳисобланади.

3. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари фуқаролар ёки мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

4. Бу ҳуқуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар билан содир этилиши мумкин.

5. Модданинг учинчи қисми бу ҳуқуқбузарликларни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутади.

6. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тартибининг бузилиши катта зарар ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келса, бу ҳолат ЖКнинг 204-моддаси бўйича квалификация қилинади.

7. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўтрисидаги ишлар табиатни муҳофаза қилиш органларининг мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилади (261-модда).

83-модда. **Ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юбориш**

Ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юбориш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ҳашаротхўр қушлар, чумолилар ва ўрмон учун фойдали бўлган бошқа фауна шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарлик объектларидир.

Ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилганлик учун маъмурий жавобгарлик Ўрмон тўғрисидаги қонуннинг 33-моддасида белгилаб берилган.

2. Бу ҳуқуқбузарликнинг субъектлари мансабдор шахслар ва фуқаролар ҳисобланади.

3. Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарлик қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлар ёхуд ҳаракатсизликлар билан содир этилиши мумкин.

4. Ушбу моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар табиатни муҳофаза қилиш органларининг мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилади (261-модда).

84-м о д д а. **Ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузиш**

Ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ўрмон тўғрисидаги қонуннинг 33-моддасига мувофиқ, ўрмонлар ёнғиндан сақланмоғи лозим. Ўрмондан фойдаланувчилар ёнғинга қарши хавфсизлик қоидаларига риоя қилишлари, ишларни амалга ошириш жойларида ёнғинга

Қарши тадбирларни амалга оширишлари, ёнғин келиб чиққан тақдирда эса уни ўчиришни амалга оширишлари шарт (Ўрмон тўғрисидаги қонуннинг 21-моддаси). Бундан ташқари, ихтиёрида ўрмонлар мавжуд бўлган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўрмонларнинг ёнғинга қарши режали тузилишини, ёнғин чиқишининг олдини олиш, уларни ўз вақтида аниқлаш ва қарши кураш тадбирларини амалга оширишлари керак.

2. Енғин хавфсизлиги талабларини бузишларга: белгиланмаган жойларда гулханлар ёқиш, осон аланга оладиган моддалардан фойдаланишда ёнғин хавфсизлигига, улардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик, ўрмонлардаги ахлатни ёқиб юбориш, ўрмон кесилгандан кейин чиқиндиларни тўплаб қўйиш ва йўқ қилиш, электр узатиш тармоқлари қурилиши қоидаларига риоя қилмаслик ва ҳоказолар киради.

3. Шарҳданаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликнинг объекти ўрмонларда ёнғинга қарши хавфсизлик талаблари ҳисобланади.

4. Кўрсатиб ўтилган ҳукуқбузарликнинг субъектлари фуқаролар ва мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

5. Бу ҳуқуқбузарлик қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлар ёхуд ҳаракатсизлик билан содир этилади.

6. Модданинг иккинчи қисми худди шундай ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутади.

7. Агар ўрмон хавфсизлиги талабларининг бузилиши билан ўрмонларда ўрмон ўсимликлари йўқ қилинган ёки шикастланган бўлса, у хрлда бу ҳаракатга (ҳаракатсизликка) Кодекснинг 79 ва 84-моддаларини биргаликда татбиқ этиш керак.

8. Агар олов билан эҳтиётсиз тарзда муомала қилиниши натижасида ўрмонлар шикастланган, йўқ қилинган ва бу билан ўрмон хўжалигига катта зарар етказилган бўлса, кўрсатиб ўтилган ҳаракат ЖКнинг 198-моддаси биринчи қисми бўйича квалификация қилинади.

Агар ўрмонда қасддан қилинган ҳаракатлар туфайли чиққан ёнғин натижасида катта зарар етказилган бўлса, бу ҳаракат ЖКнинг 198-моддаси учинчи қисми бўйича квалификация қилиниши лозим.

9. Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар табиатни муҳофаза қилиш органлари (261-модда) ва ёнғин назорати органларининг мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилади (249-модда).

85-м о д д а. **Ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш, унга зарарли физикавий таъсир кўрсатиш ёки атмосфера ҳавосидан белгиланган талабларни бузган ҳолда фойдаланиш**

Ифлослантирувчи моддаларни ва биологик организмларни йўл қўйиладиган нормалардан ортиқ даражада атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш; атмосфера ҳавосига йўл қўйиладиган энг юқори нормативдан ортиқ даражада зарарли физикавий таъсир кўрсатиш; махсус ваколат берилган давлат органларининг рухсатисиз атмосферага ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни чиқариб ташлаш; қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус ваколат берилган давлат органларининг рухсатини олиш талаб этиладиган ҳолларда бундай рухсатни олмай туриб атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш, худди шунингдек, ноқулай метеорологик шароит даврида атмосферанинг ифлосланганлик даражаси ортиб кетишига сабаб бўлувчи ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни чиқариб ташлашни камайтириш чоратадбирларини тўлиқ ҳажмда бажармаганлик; бундай моддаларни ёппасига чиқариб ташлашларнинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга оширмаслик, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун атмосфера ҳавосидан белгиланган нормативлардан ортиқча фойдаланиш, худди шунингдек, атмосфера ҳавосидан тасдиқланган нормативларсиз ёки махсус ваколат берилган давлат органларининг рухсатисиз фойдаланиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга асос бўлади.

1. Ифлослантирувчи ва биологик организмларни ифлослантирувчи доимий манба томонидан атмосферага чиқариб ташлашга ҳар бир ҳолда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари берадиган рухсатнома асосида йўл қўйилади, бу рухсатномада ифлослантирувчи моддаларни йўл қўйиладигандан ортиқ даражада чиқариб ташлаш нормативлари ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишни таъминлайдиган бошқа шартшароитлар ҳамда талаблар кўрсатилади («Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддаси — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997, 2-сон, 52-моддага ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Низоми 12-бандининг ўн тўққизинчи хат боши (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5—6-сонлар, 70-моддага қаранг).

Атмосфера ҳавосига ҳар қандай зарарли физик таъсир кўрсатишга йўл қўйиладигандан ортиқ даражадаги нормативларга риоя қилиш шарти билан, бунга Соғлиқни сақлаш вазирлиги органларининг рухсатномаси берилган ҳолларда эса — мазкур рухсатномада назарда тутилган бошқа талабларга ҳам риоя қилиш шарти билан йўл қўйилади («Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддаси — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997, 2-сон, 52-моддага қаранг).

2. Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни ва биологик организмларни йўл қўйиладиган доирадаги чиқариш ва йўл қўйиладиган доирадаги зарарли физик таъсир кўрсатиш нормативлари, мазкур ҳудуднинг

ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда унинг муайян ва бошқа барча манбаларидан чиқариб ташланадиган зарарли моддалар, биологик организмларни ва зарарли физик таъсир кўрсатишлар ифлослантирувчи моддаларнинг атмосфера ҳавосидаги йўл қўйиладиган даражада ортиқ концентрациясининг ва физик таъсир кўрсатишнинг йўл қўйиладиган даражасидан оширишга олиб келмайдиган даражада белгиланади («Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 7, 8-моддалари — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997, 2-сон, 52-моддага қаранг).

Кутилаётган ноқулай метеорология шароитлари муносабати билан атмосфера ҳавосида ифлослантирувчи моддалар концентрацияси ошиши мумкинлиги тўғрисидаги огоҳлантиришни олиш билан корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар бундай моддаларни атмосферага чиқариб ташлашларни камайтириш тадбирларини ўтказишлари лозим.

Фаолияти атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқариб ташлаш билан боғлиқ бўлган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар бундай моддаларни чиқариб ташлашга доир рухсатномаларда назарда тутилган шартлар ва талабларни бажариш юзасидан техникавий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирларни, шу жумладан, бундай моддаларни ёппасига чиқариб ташлашларнинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга оширишлари лозим.

3.Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг объектлари атмосфера ҳавосига зарарли моддалар ва биологик организмларни чиқариш ва унга зарарли физик таъсир кўрсатишнинг белгиланган тартиби ҳисобланади.

4. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

5. Мазкур моддада кўзда тутилган ҳуқуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлар ёхуд ҳаракатсизликлар билан содир этилиши мумкин.

6. Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни ва биологик организмларни чиқариб ташлаганлик ҳамда унга зарарли физик таъсир кўрсатганлик учун маъмурий жавобгарлик ушбу моддага мувофиқ фақат доимий манбалардан чиқадиган ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни чиқариб ташлаганлик ёки зарарли физик таъсир учун белгиланган.

7. Транспорт воситалари ва кўчма қурилмаларнинг атмосфера ҳавосини ифлослантирганлиги учун маъмурий жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 87, 125-моддаларида белгиланган.

8. Атроф-табиий муҳитнинг оғир оқибатларга сабаб бўлувчи ифлосланиши ЖКнинг 196-моддаси бўйича квалификация қилинади.

9. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар табиатни муҳофаза қилиш органлари мансабдор шахслари

(261-модда) ва ушбу моддада назарда тутилган санитария-гигиена қоидаларини бузиш деб ҳисобланувчи атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатиш, биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш қоидаларини бузганлик учун давлат санитария назорати органлари томонидан кўриб чиқилади (257-модда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997, 9-сон, 241-моддага қаранг).

86-м о д д а. **Атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалаш иншоотидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, шунингдек, ундан фойдаланмаслик**

Атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалаш учун ўрнатилган иншоотлар, ускуналар, аппаратуралардан, шунингдек, чиқариб ташланадиган зарарли моддалар миқдори ва таркибини назорат қилувчи воситалардан фойдаланиш қоидаларини бузиш ёки улардан фойдаланмаслик, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Фаолияти атмосферага зарарли моддалар чиқариб ташлаш билан боғлиқ корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ифлослантирувчи моддаларни тозалаш учун ҳамда улар миқдорини ва таркибини назорат қилишга мўлжалланган иншоотлар, асбоблар ва аппаратураларнинг узлуксиз ишлаб туришини таъминлашлари ва назорат қилишлари, соз ҳолатда бўлишини таъминлашлари, шунингдек, атмосферага чиқариб ташланадиган ифлослантирувчи моддаларнинг миқдори ва таркибини доимий равишда ҳисобга олиб боришни амалга оширишлари шарт («Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддаси — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 1-сон, 38-моддага ва «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддаси — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997, 2-сон, 52-моддага қаранг).

2. Бу ҳуқуқбузарликларнинг объекти атмосфера ҳавоси ҳисобланади.

3. Кодекснинг 86-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари мансабдор шахслар ҳисобланади.

4. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар билан содир этилади.

5. Агар Кодекснинг ушбу моддасида назарда тутилган ҳаракатлар одамларнинг оммавий равишда касалланишига, ҳайвонларнинг нобуд бўлишига ёхуд бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, у ҳолда улар ЖКнинг 196-моддаси бўйича квалификация қилинишлари керак.

6. Атмосфера ҳавосига зарарли физик таъсир кўрсатилган тақдирда, мазкур моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар давлат санитария назорати органларининг мансабдор шахслари (257-модда) ва табиатни муҳофаза қилиш органларининг мансабдор шахслари томонидан (261-модда) кўриб чиқилади.

87-м о д д а. **Чиқиндиларида ифлослантирувчи моддалар нормативдан ортиқ бўлган транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни тайёрлаш ҳамда фойдаланишга чиқариш**

Чиқиндиларида ифлослантирувчи моддалар, шунингдек, ишлаб турган вақтида шовқин ва бошқа физик таъсир даражаси белгиланган нормативдан ортиқ бўлган автомобиллар, самолётлар, кемалар ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни тайёрлаш ҳамда фойдаланишга чиқариш ёхуд ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш чоғида, ишлатиб чиқарилган газлардаги ифлослантирувчи моддаларнинг таркиби ҳамда улар физикавий омилларининг зарарли таъсири тегишли нормативларга мувофиқлигини текшириш ва тартибга солиб туришни таъминламаслик, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Чиқиндиларида ифлослантирувчи моддалар, шунингдек, ишлаб турган вақтида шовқин даражаси белгиланган нормативдан ортиқ бўлган ҳаракатланувчи қурилмалардан фойдаланиш, — энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш мақсадида ифлослантиришнинг ҳаракатланувчи манбалари чиқарадиган ифлослантирувчи чиқиндиларнинг ортиқ даражада йўл қўйиладиган нормативлари, шунингдек, зарарли физик таъсирлар кўрсатишнинг ортиқ даражада йўл қўйиладиган нормативлари белгиланади. Бу нормативлар «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасига мувофиқ (Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997, 2-сон, 52-моддага қаранг), транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмалар модели учун белгиланади, нормативлар газ билан ифлосланиш, тутун, шовқин стандартлари тарзида белгиланади. Мазкур стандартларга ҳаракатланувчи воситаларни ишлаб чиқариш ёки тайёрлашда, фойдаланишга топширишда риоя қилиниши лозим. Транспорт воситалари деганда барча турдаги поездлар, самолётлар,

теплоходлар, автомобиллар, мотоцикллар, тракторлар, кўчма дизель ёки бензин билан ишлайдиган компрессорлар ёхуд генераторлар тушунилади.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасига асосан ҳаракатланувчи воситалар ва курилмаларни таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш чоғида ишлатиб чиқарилган газлардаги ифлослантирувчи моддаларнинг таркиби ва улар физикавий омилларининг зарарли таъсири тегишли нормативларга мувофиқлигини текшириш ва тартибга солиб туришни таъминламаслик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Кодекснинг шарҳланаётган моддаси иккинчи қисмида «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддасига мувофиқ, чиқиндиларидаги ифлослантирувчи моддалар, шунингдек, ишлаб турган вақтида пайдо бўладиган шовқин даражаси белгиланган нормативлардан юқори бўлган ҳаракатланувчи воситаларни ишлатганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаб берилган.

Мазкур модданинг учинчи қисми кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликни жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутади. Чиқиндиларида ифлослантирувчи моддалар бўлган, шунингдек, ишлаб турган вақтида пайдо бўладиган шовқин даражаси белгиланган нормативдан юқори бўлган транспорт воситаларидан фойдаланганлик Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 125-моддасида белгиланади.

2. Атмосфера ҳавосига транспорт ва ҳаракатланувчи воситалар билан зарарли таъсир кўрсатишнинг белгиланган тартиби ушбу ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади.

3. Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг (мазкур ҳолда транспорт воситалари, ҳаракатланувчи қурилмаларнинг) сифати учун ёхуд улардан фойдаланиш учун йўлга (объектга) чиқаришга ёки таъмирлашга жавобгар бўлган корхоналар, ташкилотлар ёки муассасаларнинг мансабдор шахсларни бўлиши мумкин.

4. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар билан содир этилади.

5. Ушбу моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар табиатни муҳофаза қилиш органлари (261-модда) ва атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатилганда санитария назорати органлари (257-модда)нинг мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилади.

88-м о д д а. **Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик**

Қурилиш ишларини ва бошқа ишларни бажариш чоғида ёнилғи моддалар ва бинокорлик материалларини тўплаш, махсус техник қурилмасиз очиқ аланга олдириб уларни ёқиш, битум эритишда

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Мазкур модда бинокорлик материаллари тайёрлаш ва бошқа ишларни бажариш чоғида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги талабларни бузганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилайди. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга доир қоидаларни бузиш техник қурилмаларсиз очиқ алангада битумни, бошқа бинокорлик материаллари ва ҳоказо материалларни ёқишда ифодаланади. Масалан, битумни ёпиқ идишларда эритиш лозим, бу ҳол битумнинг ўзи ёнишига ва туташига йўл қўймайди. Ушбу талабларни бузганлик учун жавобгарлик «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 20, 21-моддаларига мувофиқ белгиланган.

2. Бу ҳуқуқбузарликнинг объекти қурилиш ва бошқа ишларни бажаришда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг ўрнатилган тартибидир.

3. Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг субъекти фуқаролар ёки мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

4. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлар билан содир этилиши мумкин.

5. Модданинг иккинчи қисми кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликнинг маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутади.

6. Ушбу моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар табиатни муҳофаза қилиш органлари (261-модда) ва атмосфера ҳавосига зарарли физик таъсир кўрсатиш соҳасида санитария назорати давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан (257-модда) кўриб чиқилади.

89-м о д д а. **Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва қўлланиш қоидаларини бузиш**

Ўсимликларни ҳимоя илиш воситаларини, уларнинг ўсишини тезлаштирувчи воситаларни, минерал ўғитлар ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва қўлланиш қоидаларини тупроқ, сув, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига ёки ўсимликлар, ҳайвонот дунёсининг йўқ қилиб юборилишига олиб келиши мумин бўлган тарзда бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса ёхуд тупроқ, сув, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зарар етишига олиб келса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. «Табиатни муҳрфаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 42-моддасига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 1-сон, 38-моддага қаранг), корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахелар кимёвий моддаларни сақдаш, ташиш, ишлатиш чоғида экологик талабларга, белгиланган нормативлар ва қоидаларга риоя қилишлари шарт.

Қишлоқ хўжалик ва бошқа корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек, фуқаролар ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, уларнинг ўсишини тезлаштирувчи воситаларни, минерал ўғитлар ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва ишлатиш қоидаларига риоя қилишлари лозим, токи атмосфера ҳавосининг бузилишига йўл қўйилмасин («Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддаси — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997, 2-сон, 52-моддага қаранг); Шунга ўхшаш талаблар «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 30, 31, 33-моддаларида (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 1-сон, 14-моддага қаранг); Ер кодексининг 79-моддасида (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5—6-сон, 82-модда); «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 97—100-моддаларида (Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994, 5-сон, 158-моддага қаранг); «Алоҳида муҳофаза Этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонуннинг 13, 18, 20, 21, 23, 25, 29-моддаларида (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 6-сон, 255-моддага қаранг) ҳам белгилаб берилган.

2. Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг объекти тупроқ, атмосфера ҳавоси, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсидир.

3. Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари фуқаролар ёки мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

4. Шарҳланаётган моддада кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар билан содир этилиши мумкин.

5. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, уларнинг ўсишини тезлаштирувчи воситаларни, минерал ўғитларни ва бошқа моддалардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши одамнинг ўлимига, кишиларнинг оммавий равишда касалланишига, ҳайвонларнинг қирилишига ва бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, ЖКнинг 201-моддаси бўйича квалификация қилинади.

6. Кодекснинг 89-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатиш соҳасида

давлат санитария назорати органлари (257-модда) ва қолган соҳаларда табиатни муҳофаза қилиш органлари (261-модда) мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилади.

89[1]-м о д д а. **Ишлатиш тақиқланган ва ишга яроқсиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни зарарсизлантириш қоидаларини бузиш**

Ишлатиш тақиқланган ва ишга яроқсиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни тегишли рухсатномасиз, худди шунингдек, рухсатномада кўрсатилган шартларни бузган ҳолда зарарсизлантириш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1.Мазкур модда «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун 18-моддасининг иккинчи қисмига асосан (Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 52-моддага қаранг) тақиқланган ва яроқсиз ҳолга келган кимёвий моддаларни Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тегишли органларининг рухсатномасини олмасдан туриб, шунингдек, кўрсатиб ўтилган рухсатномадаги шартларни бузган ҳолда зарарсизлантирилганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилайди.

2.Бу ҳуқуқбузарликнинг объекти — ишлатиш тақиқланган ва ишга яроқсиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни зарарсизлантиришнинг белгиланган тартиби.

3.Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг субъекти мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

4.Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлар билан содир этилиши мумкин.

5.Мазкур модданинг иккинчи қисми худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилганлиги учун маъмурий жавобгарликни назарда тутади.

6. Тақиқланган ва ишга яроқсиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни зарарсизлантиришнинг белгиланган тартиби бузилиши одамнинг ўлимига, кишиларнинг оммавий равишда касалланишига, ҳайвонларнинг қирилишига ва бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, ЖКнинг 201-моддаси бўйича квалификация қилинади.

7. Кодекснинг 89[1]-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар табиатни муҳофаза қилиш органларининг мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилади (261-модда). (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 241-моддага қаранг).

90-м о д д а. **Ов қилиш ёки балиқ тутиш қоидаларини, шунингдек, ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш**

Ов қилиш, балиқ тутиш ёки балиқ захираларини муҳофаза этиш қоидаларини, шунингдек, ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Тегишли рухсати бўлмай туриб ёки тақиқланган жойларда ёхуд тақиқланган муддатларда, тақиқланган қуроллар ёки усуллар билан ов қилиш ёки балиқ тутиш, шунингдек, ов қилиш ёки балиқ тутишнинг бошқа қоидаларини мунтазам равишда бузиш, — шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга, ёхуд шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, уч йилгача муддатга ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўлади.

1. Ов қилиш ва балиқ тутиш қоидалари Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 1-сон, 14-моддага қаранг), Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 10 апрелдаги 95-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов қилиш ва овчилик-балиқчилик хўжалигини юритиш тўғрисидаги низоми (Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуматининг Қарорлари Тўплами, 4-сон, 10-моддага қаранг), Узбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат биология назоратининг 1991 йил 16 майдаги 9—11-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов қилиш ва балиқ тутиш қоидалари билан белгилаб берилган.

2. «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 18 ва 19-моддаларига мувофиқ, табиий эркинликда яшайдиган ёввойи ҳайвонларни ов қилиш, тутиш мақсадида излаш, изига тушиш ва қувлаб бориш, тутишга интилиш ёки тутиш (отиш, тутиб олиш) шаклида амалга оширилиши мумкин. Республика ҳудудида ов қилиш ва овчилик-балиқчилик хўжалигини юритиш тўғрисидаги низомнинг 14моддасига мувофиқ, ов қилишнинг объекти бўлиб табиий эркинлик ҳолатидаги ёввойи ҳайвонлар ҳисобланади.

Ов қилиш ҳайвонот дунёсидан махсус фойдаланиш ҳисобланиб, фақат махсус рухсатнома — ҳайвонлар, қушларни отиш ёки тутишга лицензия ёхуд йўлланма асосида амалга оширилади. Бундан ташқари, .ов қилиш учун шахс овчилик жамиятининг аъзоси бўлиши талаб этилади.

Баликларни қайта ишлаш, сотиш мақсадида балиқ тутиш фақат махсус рухсатномалар — лицензиялар асосида амалга оширилади, спорт ёки ҳаваскорлик Тарзида балиқ тутиш табиатдан умумий фойдаланиш тартибида, яъни биронбир рухсатсиз, лекин тақиқланмаган муддатларда, белгиланган миқдорда ва тақиқланган қуроллар, кймёвий дорилар, тўр ва ҳоказолар ишлатмасдан амалга оширилади.

3. Ов қилишга лицензиялар берилиши, ов қилишга рухсат этилиши (овчилик мавсумининг бошланиши) ёхуд балиқ тутишни тақиқлаш муддатларини белгилашни республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари амалга оширади. Бундан ташқари, ов қилиш учун лицензиялар ўрмон хўжалиги органлари ва овчилик хўжаликлари томонидан ҳам берилиши мумкин. Балиқчилик хўжаликларига бириктириб қўйилган сув ҳавзаларида спорт ёки ҳаваскорлик тарзидаги балиқ тутишни фақат шу хўжаликларнинг рухсати билан, рўйхатга олинган сув ҳавзаларида эса,—жамиятнинг йўлланмалари билан амалга ошириш мумкин (Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов қилиш ва балиқтутиш қоидалари 16-бандининг «а» кичик банди).

4. 90-моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг объекти табиий эркитчлик ҳолатида бўлган ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг белгиланган тартиби ҳисобланади.

5. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар талабларни бузган ҳолда амалга ошириладиган ов қилиш ёки балиқ тутиш вақтида содир этилади. Масалан, умумий тарзда фойдаланиладиган сув ҳавзаларида беш килограммдан ортиқ балиқ тутиш шундай ҳуқуқбузарликка киради.

Фойдаланишнинг бошқа турларини бузишларга ёввойи ҳайвонларнинг қисмларини (шохини, жунини ва ҳоказо), тухумини, увулдириғини ва шу кабиларни овлаш қоидаларини бузиш киради.

6. 90-модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар юқорида санаб ўтилган ҳуқуқбузарликлардан фарқли ўлароқ, ов қилиш ва балиқ тутиш қоидаларини қўпол равишда бузиш билан содир этилади.

Овчилик жамиятининг аъзоси бўлмаган шахснинг ов қилиши ёки лицензиясиз ов қилиши ва балиқ тутйши (гарчи лицензиянинг бўлиши шарт ҳисоблансада) тегишли рухсатномасиз ов қилиш ёки балиқ тутиш ҳисобланади.

Давлат қўриқхоналарида, миллий табиий боғларнинг қўриқхона зоналарида, шаҳарлар ва посёлкалардан бир километрдан яқинроқда, бошқа аҳоли пунктларидан 300 метр, автобуслар қатнайдиган йўлдан 150 метрдан яқинроқда ва бошқа тақиқланган жойларда ов қилиш тақиқланган жойларда ов қилиш ҳисобланади (Ўзбекистон ҳудудида ов қилиш ва балиқ тутиш қоидаларининг 3-банди).

Тақиқланган муддатларда ов қилиш Ўзбекистон ҳудудида ов қилиш ва балиқ тутиш қоидаларининг 6-бандида назарда тутилган муддатларни бузган ҳолда ов қилиш ҳисобланади. Шу қоидаларнинг 11-бандида назарда тутилган

муддатларда (балиқларнинг кўпайиш мавсумларида) балиқ тутиш тақиқланган муддатларда балиқ тутиш деб эътироф қилинади.

Тақиқланган қуроллар ва усуллар билан ов қилиш ёки балиқ тутишга фалокатга йўлиққан ёввойи ҳайвонларни ов қилиш (сувдан сузиб ўтиш вақтида, ёнғиндан ҳимоя қилиниш вақтида, боқилмай қолган вақтда ва ҳоказо вақтларда ов қилиш) ҳайвонларни музликка, ўрмон ичкарисига, сувга ҳайдаш, яъни мазкур муҳит турига хос бўлмаган муҳитга, ёввойи ҳайвонларни умумхавфли ва қирувчи қуроллар ҳамда усуллар билан овлаш (милтиқларни, қўндоқли камонларни тайёр ҳолда сақлаш, овланадиган чуқурлар қазиш, илгаклар, қармоқлар, жуфт туёқлиларга қопқонлар қўйиш, портловчи, кимёвий ва биологик заҳарловчи ва беҳуш қилувчи моддалар ишлатиш, электр токи, тўрлар ва ҳоказоларни қўлланиш), ҳайвонларни жалб қилиш учун овоз чиқарувчи аппаратураларни ишлатиш, жониворларни тунда ёритиш асбоблари билан, механизациялашган транспорт воситаларини қўлланган ҳолда овлаш ва ҳоказолар киради (Узбекистон ҳудудида ов қилиш ва балиқ тутиш қоидаларининг 3-банди).

7.Ов қилиш ва балиқтутишнинг бошқа қоидаларини мунтазам равишда бузишларга ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни кўп марта содир этиш ёхуд ов қилиш ва балиқ тутишнинг бошқа қоидаларини бузишлар киради.

8. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан қасддан қилинган ҳаракатлар билан содир этилиши мумкин.

9. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини (ов қилиш ва балиқ тутишдан ташқари) ўзбошимчалик билан амалга ошириш Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланиши керак.

10.Агар ов қилиш ва балиқ тутиш қоидаларининг бузилиши анча миқдорда зарар келтиришга сабаб бўлса ёки кўрсатилган бошқа оқибатларга олиб келса ёхуд бир гуруҳ кишилар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилса ва ҳоказо; у ҳолда мазкур ҳаракатлар ЖКнинг 202-моддасига мувофиқ баҳоланиши керак.

11.90-модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг мансабдор шахслари (261-модда), иккинчи қисмидаги ҳуқуқбузарликлар эса маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади (245-модда), бу ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомалар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Урмон давлат қўмитаси органларининг мансабдор шахслари томонидан (280-модда) тузилади.

91-м о д д а. **Саноат, рўзғор чиқиндилари ва ўзга чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш, утиллаштириш, кўмиб ташлаш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш**

Саноат, рўзғор чиқиндиларини ва ўзга чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш, утиллаштириш, кўмиб ташлаш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса ёхуд табиий муҳитга зарар етказса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 45моддасига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 38-моддага қаранг), чиқиндиларни шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари ҳудудлари ва яқинида, аҳолиси юқори даражада зич жойлашган минтақаларда, курортлар, даволаш-соғломлаштириш ва рекреацион тефаларда, шунингдек, сувни муҳофаза қилиш тегараларида кўмиб ташлаш тақиқланади. Чиқиндиларни полигонларда зарарсизлантириш табиатни муҳофаза қилиш органларининг рухсати билан ўтказилади. Ишлаб чиқариш чиқиндиларини атмосферадаги табиий муҳит учун хавфсиз равишда йўқ қилиш учун бу чиқиндиларни ҳосил қилган ташкилотлар ёки шахс жавобгар бўлади. Рўзғор чиқиндиларини йўқ қилишни «Табиатни муҳофаза қилиш тўфисида»ги қонуннинг 22-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ташкил этади.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 42-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, радиоактив чиқиндилар ва кимёвий моддаларни кўмиб ташлашга рухсатни табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда давлат санитария ва кон назорати органлари билан келишган ҳолда беради.

2.91-моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг объекти саноат, рўзғор ва ўзга чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш, утиллаштириш, кўмиб ташлашнинг белгиланган тартиби ҳисобланади.

3.Шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар мансабдор шахсларнинг ҳам, фуқароларнинг ҳам қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлари ёхуд ҳаракатсизликлари билан содир этилиши мумкин.

4. Кодекснинг 91-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўфисидаги ишлар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилади (261-модда).

92-м о д д а. **Ҳайвонлар яшайдиган муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни вужудга келтириш ва улар билан савдо қилиш қоидаларини бузиш,**

худди шунингдек, ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бошқа жойга кўчириш, иқлимлаштириш ёки чатиштириш

Ҳайвонлар яшайдиган муҳитни ва уларнинг кўчиш йўлларини муҳофаза қилиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни вужудга келтириш, тўлдириш, сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекциялар билан савдо қилиш қоидаларини, шунингдек, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни бошқа жойга жўнатиш ва чет элга олиб кетиш қоидаларини бузиш, худди шунингдек, ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бошқа ерга кўчириш, иқлимлаштириш ёки чатиштириш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 34-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 1-сон, 14-модда) аҳоли пунктларини, корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш ва қуришда, мавжуд технологик жараёнларни такомиллаштириш ва янгиларини жорий этиш, қўриқ ерларни хўжалик оборотига киритиш, ерларни мелиорациялаш, ўрмондан фойдаланишни амалга ошириш, геологик ишларни ўтказиш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш, қишлоқ хўжалик ҳайвонларини ўтлатиш ва яйловда боқиш, туристик маршрутлар ишлаб чиқиш ва аҳолининг оммавий дам олиш жойларини ташкил этишда ҳайвонлар яшайдиган муҳитни ва ҳайвонларнинг кўпайиш шарт-шароитларини сақлаш соҳасидаги тадбирлар назарда тутилиши ва амалга оширилиши, шунингдек, ҳайвонлар яшайдиган муҳит сифатида алоҳида қимматли бўлган участкаларнинг дахлсизлиги таъмин этилиши лозим.

Транспорт магистралларини, электр узатиш ва алоқа линиялари, шунингдек, каналлар, тўгонлар ва бошқа гидротехник иншоотларни жойлаштириш, лойиҳалаш ва қуришда ҳайвонларнинг кўчиб юриш йўлларини сақлашни таъминлайдиган тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши лозим («Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддаси).

«Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳайвонларни табиий муҳитдан ажратиб олиш йўли билан зоологик коллекциялар яратиши ва уларни тўлдиришига бунинг учун махсус ваколати бўлган ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш давлат органлари томонидан бериладиган рухсатномалар билан йўл қўйилади, фуқаролар эса зоологик коллекцияларни ов қилиш, балиқ тутиш ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларидан олинган ўлжалар билан вужудга келтиришлари ва тўлдиришлари мумкин, бу иш белгиланган талабларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги «Ўсимликлар ва ҳайвонларнинг қимматли ва йўқолиб бораётган турларини муҳофаза қилишни кучайтириш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорида (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 337-моддага қаранг) назарда тутилишича, фақат тегишли рухсатга эга бўлгандагина ёввойи ҳайвонларнинг қимматли ва йўқолиб бораётган турларини тутқунликда сақлаш ва республикадан ташқарига олиб кетиш мумкин.

Ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бир жойдан иккинчи жойга кўчириш иқлимлаштириш ва чатиштириш тақиқланади. Республика фаунаси учун янги бўлган ҳайвонлар турларини янги яшаш жойларига кўчиришга илмий-тадқиқот ва хўжалик мақсадларида тегишли илмий ташкилотларнинг хулосаларини, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосасини ҳисобга олган ҳолда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қарори билан йўл қўйилади («Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 26-моддаси).

2. 92-моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг объекти ҳайвонлар яшайдиган муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни вужудга келтириш ва улар билан савдо қилиш, ҳайвонларни бошқа жойга кўчириш, иқлимлаштириш ёки чатиштиришнинг белгиланган қоидаларини бузиш ҳисобланади.

3. Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасйда қилинган ҳаракатлар билан фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан содир этилиши мумкин.

4. Шарҳданаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилади (261-модда).

93-м о д д а. **Қизил китобга киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар турларини сақлашга зарар келтиради деб топилган ҳайвонлар ёки ўсимликларни қонунга хилоф равишда олиб келиш**

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар турларини сақлашга зарар келтиради деб топилган ҳайвонлар ёки ўсимликларни қонунга хилоф равишда Узбекистон Республикасига олиб келиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 36-моддасига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 1-сон, 14-моддага қаранг), камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвонлар турларининг нобуд бўлишига,

сонининг қисқаришига ва улар яшайдиган муҳитнинг бузилишига олиб келадиган ҳаракатларга йўл қўйилмайди. Табиий биогеоценознинг (ҳайвонлар яшайдиган ва ўсимликлар кўпаядиган яшаш муҳити шарт-шароитларининг) бузилишига, шу жумладан, ўсимликлар ва ҳайвонларни олиб келиш йўли билан бузилишига йўл қўйилмайди.

2.93-моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг объекти Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлардир.

3.Шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлари билан содир этилиши мумкин.

4.93-моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилади (261-модда).

94-м о д д а. Ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфида турган ҳайвонларни йўқ қилиб юбориш, ўлжа қилиш ёхуд шундай ҳайвонларнинг қирилиб кетишига, сони камайиб кетишига ёки яшаш муҳити бузилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа ҳаракатлар содир этиш

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвон турларига мансуб ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турган ҳайвонларни йўқ қилиб юбориш, ўлжа қилиш ёхуд уларнинг тухум, увулдириқ қўядиган инларини, бошпаналарини йўқ қилиш, инлари, уялари ва бошқа яшириниш жойларини бузиш ёхуд шундай ҳайвонларнинг қирилиб кетишига, сони камайиб кетишига ёки яшаш муҳити бузилишига сабаб бўладиган бошқа ҳаракатлар содир этиш ёхуд бундай ҳайвонларни овлаш рухсатномасида кўрсатилган шартларни бузган ҳолда ўлжа қилиш, — шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли бўлган ашёларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли бўлган ашёларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни 36-моддасига мувофиқ ноёб ва йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турган ҳайвонлар турлари Ноёб ва йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турган ҳайвонлар ва ўсимликлар турлари китобларига — Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилади. Ҳайвонларни, шу

жумладан, Қизил китобга киритилган ҳайвонларни муҳофаза қилиш ҳайвонот дунёсидан фойдаланишни тақиқлаш ва чеклашларни белгилаш йўли билан таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўсимликлар ва ҳайвонларнинг қимматли ва йўқолиб бораётган турларини муҳофаза қилишни кучайтириш ҳамда улардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорида (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 337-модда) кўзда тутилишича, ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турган ҳайвонларни отиш (овлаш) фақат махсус рухсатномалар билан амалга оширилиши мумкин, бундай рухсатномалар Ов қилиш ва овчилик-балиқчилик хўжалигини юритиш тўғрисидаги Низом асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан илмий, маданий-маърифий ва бошқа мақсадлар учунгина берилиши мумкин.

94-моддада, шунингдек, дайвонларнинг тухум, увулдириқ қўядиган инларини, бошпаналарини йўқ қилганлик, инлари, уялари ва бошқа яшириниш жойларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган. Бу ҳуқуқбузарликлар ҳайвонот дунёсидан бевосита фойдаланиладиган шахслар томонидан, шунингдек, бошқа хўжалик фаолияти билан шуғулланадиган шахслар томонидан ҳам содир этилиши мумкин. Бундай ҳайвонларнинг қирилиб, сони камайиб кетишига ёки яшаш муҳити бузилишига сабаб бўладиган бошқа ишлар олиб бориш киради, булар натижасида ҳайвонларнинг қирилиб кетиши содир бўлади, Қизил китобга киритилган ҳайвонларнинг яшаш муҳити ёмонлашади, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, бундай ҳайвонларни ов-лаш фақат махсус рухсатномалар — лицензиялар асосида амалга оширилади, уларда бундай ҳайвонларни овлашнинг асосий шарт-шароитлари, масалан, ҳайвонларнинг турлари, сони, овлаш жойи, усули белгиланиб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан берилади. Бу усулларни бузганлик учун ушбу моддада маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

2. 94-моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг объекти ноёб ва йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турган ҳайвонлар, уларнинг тухуми, увулдириғи, уялари ва ҳоказолардир.

3. Шарҳланаётган моддада кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) билан содир этилиши мумкин.

4. 94-моддада маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида шундай ҳуқуқбузарлик такрор содир этилганлиги учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган (иккинчи қисм).

5. Қизил китобга киритилган ҳайвонлар, қушлар, балиқлар ёки ҳайвонот дунёсининг бошқа турлари йўқ қилиниши билан боғлиқ бўлган ов қилиш қоидаларини бузиш ЖКнинг 202-моддаси иккинчи қисми билан баҳоланиши лозим.

6. 94-моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

95-м о д д а. **Табиий муҳитни тиклаш, табиий захираларни қайта ҳосил қилиш ва табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганлик**

Табиий муҳитни тиклаш, табиий захираларни қайта ҳосил қилиш ва табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бэртараф этиш чораларини кўрмаганлик, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Табиий муҳитни тиклаш табиатдан фойдаланувчиларнинг табиатдан ғайриҳуқуқий тарзда фойдаланувчи ёхуд хўжалик ва бошқа турдаги фаолият натижасида атроф-муҳитни зарарлантирган ёки унга бошқача таъсир кўрсатган шахслар зиммасига юклатилади, зеро бу ҳолат етказилган таъсирни зарарсизлантириш тадбирларини ўтказишни талаб қилади. Бу — табиий муҳитга етказилган зарарли таъсирга барҳам бериш тўғрисидаги талаб билан ҳам ўзаро боғлиқдир.

Табиатни муҳофаза қилиш принципларидан бири табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш, атроф, табиий муҳит ва инсон саломатлиги учун зарарли, орқага қайтмас оқибатларга йўл қўймаслик зарурлигидир («Табиатни муҳофаза қилиш тўфисида»ги қонуннинг 4-моддаси — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 38-моддага қаранг). Шу Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, табиатдан фойдаланишга атрофдаги табиий муҳитнинг ҳаёт кечириш учун яроқдилигини сақлаш, табиий ресурслардан тегишли нормативлар билан белгиланган доирада фойдаланиш ва тикланувчан ва тикланадиган табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш шарти билан йўл қўйилади. Жонли табиат объектларидан (ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсидан) уларнинг тикланишга бўлган қобилиятини сақлаб қолиш, улар турларининг хилма-хиллиги ва туркумлар барқарорлигини сақлаб қолиш шарти билан фойдаланилади.

2. 95-моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар объекти атрофдаги табиий муҳит ва айрим табиий ресурслардир.

3. Шарҳланаётган моддада кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг қасддан қилинган ҳаракатлари билан содир этилиши мумкин.

4. 95-моддада назарда тутилган ҳукуқбузарликларни 65-моддада белгиланган ҳуқуқбузарликлардан (ерларни фойдаланишдан чиқаришга, улар ҳосилдорлигининг пасайишига, тупроқнинг бузилиши ёки йўқ бўлиб кетишига, таназзулга юз тутган қишлоқ хўжалик ерларини консервациялашнинг белгиланган тартибини бузишга олиб келадиган ҳаракатлар содир этиш), 67-моддада белгиланган ҳуқуқбузарликлардан (ерлардан ўз ўрнида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш юзасидан олинган мажбуриятларни бажармаслик), 80-моддада белгиланган ҳукуқбузарликлардан (ўрмонларни тиклаш, уларнинг

ҳолатини ва тур таркибини яхшилашга, маҳсулдорлигини оширишга оид қоидалар ва йўриқномаларни бузиш) фарқлаш керак.

5. Агар экологик ифлосланиш одамларнинг оммавий касалланишига, ҳайвонларнинг қирилиши ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, у ҳолда мансабдор шахсларнинг зарарсизлантирадиган ёки бошқа тиклайдиган тадбирлар ўтказишдан бўйин товлаши ёхуд бу тадбирларни лозим даражада ўтказмаслигига ЖКнинг 195-моддаси билан баҳо берилиши лозим.

6. 95-моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилади (261-модда).

96-м о д д а. **Лойиҳаларни давлат экологик (санитария-экологик) экспертизасининг ижобий хулосасисиз рўебга чиқариш**

Лойиҳаларни давлат экологик (санитария-экологик) экспертизасининг ижобий хулосасисиз ёхуд унга риоя қилмаган ҳолда рўебга чиқариш, шунингдек, бундай хулосаси бўлмай туриб, объектларни маблағ билан таъминлашни бошлаш ёки маблағ билан таъминлаш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Давлат экологик экспертизасини ўтказиш хўжалик қарорини қабул қилишдан олдин ўтказиладиган табиий муҳитни муҳофаза қилиш зарур чора-тадбирларидан ҳисобланади. Давлат экологик экспертизасининг мақсади экологик хавф-хатар даражасини, мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ёхуд бошқа фаолият даражасини аниқлаш, уларнинг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунларга мувофиқ келишига баҳо бериш, табиатни муҳофаза килиш соҳасида назарда тутилган лойиҳаларнинг етарли ва асосли эканлигини аниқлашдан иборат («Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддаси — Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси 1993 й., 1-сон, 38-моддага қаранг). Давлат экологик экспертизасига: ишлаб чиқарувчи кучларни ва халқ хўжалиги тармоқларини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг давлат дастурлари, концепциялари, асосий йўналишлари ва схемалари, лойиҳалари; барча турдаги қурилиш майдончаларини танлаш материаллари, лойиҳадан олдинги ва лойиҳа ҳужжатлари, табиий ресурсларнинг экологик ҳолатига баҳо бериш, улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган тадқиқот ишлари дастурлари; хўжалик фаолиятини ва табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга соладиган йўриқнома-методик ва норматив-техник ҳужжатлар лойиҳалари; янги техника, технологиялар, материаллар ва моддаларни яратиш ҳужжатлари ҳамда бошқа ҳужжатлар ва техника, маҳсулотларга стандартлар; Узбекистон Республикасига

олиб келинадиган ва Ўзбекистон Республикасидан олиб кетиладиган маҳсулотлар; кимёвий моддалар; айрим минтақалар, жойлар ва объектларнинг экологик вазияти; ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектлар; атроф табиат муҳитининг ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектлар мансубдир. Давлат экологик (санитария-экологик) экспертизасининг ижобий хулосаси бўлмаса, лойиҳаларни амалга ошириш тақиқланади («Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддаси).

Давлат санитария-экологик экспертизаси атроф табиий муҳит ифлосланишининг инсон саломатлигига зарарли таъсир кўрсатиш даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

2. 96-моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг объекти давлат экологик ва санитария-экологик экспертизасини ўтказишнинг белгиланган тартиби ва давлат экологик ҳамда санитария-экологик экспертизаси талабларига риоя қилмаслик натижасида зарар етказилиши мумкин бўлган инсон соғлиғи, шунингдек, табиий объектлар ҳисобланади.

3. Шарҳланаётган моддада кўрсатиб ўтилган ҳукуқбузарликлар мансабдор шахсларнинг қасддан қилинган ҳаракатлари билан содир этилиши мумкин.

4. Агар лойиҳалар давлат экологик (санитария-экологик) экспертизасининг ижобий хулосасисиз ёки ундан четга чиққан ҳолда амалга оширилган бўлиб, бир шахс ёки кўпроқ шахсларнинг ўлимига, одамларнинг оммавий касалланиши ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келган бўлса, бу ҳаракатларга ЖКнинг 193-моддаси билан баҳо берилиши керак.

5. 96-моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар давлат экологик экспертизаси соҳасида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари (261-модда) ва санитария-экологик экспертиза соҳасида давлат санитария назорати органлари (257-модда) мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилади.

IX *б о б*. САНОАТДАГИ, ҚУРИЛИШДАГИ ВА ИССИҚЛИК ҲАМДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

97-м о д д а. Саноатда ҳамда «Давтехконназорат» органлари назорати остидаги бошқа объектларда ишларни бехатар олиб боришга оид қоидалар, нормалар ва йўриқномаларни бузиш

Саноатда ҳамда «Давтехконназорат» органлари назорати остидаги бошқа объектларда ишларни бехатар олиб боришга оид қоидалар, нормалар ва йўриқномаларни бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. «Давтехконназорат» органлари назорати остидаги саноат тармокдарида ва объектларда ҳар хил иш турларини бажаришда одамларнинг хавфсизлиги ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади.

2. Бу хатти-ҳаракатнинг объектив томони ишларни бехатар олиб бориш соҳасидаги чора-тадбирларни тартибга солишга қаратилган зарур қоидалар, нормалар ва йўриқномаларнинг бузилишидан иборат.

3. Мазкур модданинг биринчи қисми Узбекистон Республикаси саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитаси — Ўзбекистон Республикаси «Давтехконназорат» тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда касаба уюшмаларининг марказий қўмиталари билан келишган ҳолда тасдиқлайдиган қоидалар, нормалар ва йўриқномаларни бузганлик учун жавобгарликни белгилайди. Худди шундай тартибда ишларни бехатар олиб бориш важиҳозларни ўрнатишга доир тармоқ қоидалари ва нормалари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан, тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишилган ҳолда эса тармоқлараро қоидалар ва нормалар тасдиқланади.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Давтехконназорат» кўмир, кон-руда, кон-кимё, металлургия, нефть ва газ қазиб чиқарувчи саноат, минерал ўғитлар саноатида ишларнинг бехатар олиб борилиши аҳволини, геологик-қидирув ва Қўмита назорати остидаги бошқа кон ишларини олиб боришдаги, шаҳарлар, шаҳар типидаги посёлкалар ва қишлоқ жойларида газ билан таъминлаш тизимлари қурилиши ва улардан фойдаланишдаги, шунингдек, табиий ва суюлтирилган (пропан-бутан) газларни ташиш, сақлаш ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган объектларда (қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар) ва барча портлаш ва ёнғин чиқиш хавфи бўлган кимёвий ва нефть-кимёвий ишлаб чиқаришларда ишларни олиб бориш, саноатдаги портловчи материалларни сакдаш, улардан фойдаланиш ва ҳисобга олиш, фойдали қазилма конларини топишда ер ости бойликларидан оқилона фойдаланишни ва сақлашни таъминлаш устидан давлат назоратини амалга оширади ва ҳоказо.

5. Ушбу модданинг иккинчи қисми бўйича шахсни жавобгарликка тортиш учун тегишли қоидалар, нормалар ва йўриқномаларнинг бузилиши маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлиши зарур.

6. Ҳуқуқбузарлик субъектлари ишларнинг бехатар олиб борилиши бўйича қоидалар, нормалар ва йўриқномаларга риоя қилиниши юкланган фуқаролар ҳам, шунингдек, мансабдор шахслар ҳам бўлишлари мумкин.

7. Мазкур ҳуқуқбузарлик ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этилган бўлиши мумкин.

8. Кон ишлари хавфсизлигининг бузилиши ўртача оғирликдаги жароҳатга ёки оғир тан жароҳатига олиб келса, у ЖКнинг 258-моддаси бўйича квалификация қилинади.

9. Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар «Давтехконназорат» органлари томонидан кўриб чиқилади (260-модда).

98-м о д д а. **Портловчи ҳамда радиоактив материалларни (манбаларни) ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Саноатда ҳамда «Давтехконназорат» органлари назорати остидаги бошқа объектларда портловчи ҳамда радиоактив материалларни (манбаларни) ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини, нормалари ҳамда йўриқномаларини бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Жамоат хавфсизлиги, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади.

2. Объектив томондан мазкур хатти-ҳаракат портловчи ва радиоактив материалларни ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича белгиланган қоидаларни ва йўриқномаларни бузишдан иборатдир.

3. Шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш учун портловчи ва радиоактив моддаларни ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаб берадиган қандай қоидалар, нормалар ва йўриқномалар бузилганлигини аниқлаб чиқиш зарур. Бундай қоидалар, нормалар ва йўриқномалар Ўзбекистон

Республикаси Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат кўмитаси (Ўзбекистон Республикаси «Давтехконназорати») томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Портловчи моддаларни ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси «Давтехконназорат» органлари, шунингдек, вазирликлар, идоралар назорати остидаги корхоналар, ташкилотлардаги идоравий кон-техника инспекциялари томонидан олиб борилади, Мудофаа вазирлиги корхоналари ва ташкилотлари бундан мустаснодир.

4. Портловчи ва радиоактив моддаларга тезда ўз-ўзидан тарқаладиган кимёвий ўзгаришга (портлашга) қобилиятли бўлган шундай бирикмалар ва аралашмалар, чунончи: симоб, нитроглицерин, нитрогликольпироксилин,

тротил, порох, динамит, оксиликвиддар, нитробензолнинг азот кислотадаги эритмаси, ацетилен кабилар киради.

5. Объектив томондан мазкур хуқуқбузарлик айбнинг эҳтиётсизлик орқасида қилинган шаклини назарда тутади.

6. Маъмурий хуқуқбузарлик содир этилган вақтга келиб 16 ёшга етган фуқаролар ва хизмат бўйича портловчи материаллар ишониб топширилган мансабдор шахслар хуқуқбузарлик субъекти бўлиши мумкин.

7. Портловчи ва радиоактив материалларни ҳисобга олиш, сақдаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик ҳам белгиланган (ЖКнинг 250, 253, 254-моддалари). Бундай жавобгарлик юқорида айтиб ўтилган қоидаларни бузиш оғир оқибатларга: бир ёки бир неча кишининг ҳалок бўлишига, ақалли бир кишига бўлса ҳам ўртача оғирликдаги тан жароҳати ёки оғир тан жароҳати етказилишига олиб келган ҳолларда бошланади. Башарти портловчи моддаларни сақлаш, улардан фойдаланиш ва ҳисобга олиш қоидалари бузилганлиги айтиб ўтилган оқибатларга сабаб бўлмаган тақдирда, ушбу модда бўйича маъмурий жавобгарлик бошланади.

8. Ушбу моддада назарда тутилган маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни «Давтехконназорат» органлари кўриб чиқади (260-модда).

99-м о д д а. **Қурилиш нормалари ва қоидаларини бузиш**

Ишларни бажариш ва қабул қилиб олиш вақтида қурилиш нормалари ва қоидаларини, техник шартларини бузиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч барваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қурилиши тугалланган бинолар ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш, шунингдек, шаҳарлар ва туман марказларини режалаштириш ҳамда қуриш юзасидан тасдиқланган лойиҳаларни қабул қилиб олиш қоидаларини бузиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Қурилиш ишларини бажариш ва уларни қабул қилиб олиш вақтида нормалар ва қоидаларнинг ўзи ушбу модда 1-қисмининг бевосита объекти ҳисобланади.

2. Объектив томон қурилиш ишларини бажариш ва қабул қилиб олиш чоғида қабул қилинган ҳамда бажарилиши мажбурий бўлган махсус қоидаларнинг бузилишидан иборатдир.

3. Агар қурилиш ишларини бажариш ва қабул қилиб олиш чоғида махсус қоидаларнинг бузилиши билан бир вақтда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича умумий қоидалар ҳам бузилган тақдирда, ҳуқуқбузарнинг хатти-ҳаракати 99-модданинг 1-қисми ва 49-модда бўйича биргаликда квалификация қилиниши керак.

4. Мазкур ҳуқуқбузарликнинг субъекти мансабдор шахс бўлиши мумкин.

5. Курилиши тугалланган бинолар ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш, шунингдек, шаҳарлар ва туман марказларини режалаштириш ҳамда қуриш юзасидан тасдиқланган лойиҳаларни қабул қилиб олиш қоидалари ва нормалари шарҳланаётган модданинг 2-қисми бўйича ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади.

6. Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг объектив томони қурилиши тугалланган бинолар ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш, шунингдек, шаҳарлар ва туман марказларини режалаштириш ҳамда қуриш юзасидан тасдиқланган лойиҳаларни қабул қилиб олиш қоидаларини бузишдан иборатдир.

7. Субъектив томондан мазкур ҳуқуқбузарлик ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин.

8. Айтиб ўтилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқадилар (245-модда).

100-м о д д а. **Электр ва иссиқлик энергиясини беҳуда сарфлаш**

Электр ва иссиқлик энергиясини беҳуда сарфлаш, яъни электр двигателларидан, электр печлари ва бошқа электр ҳамда иссиқлик ускуналаридан мунтазам равишда, ишлаб чиқариш зарурати бўлмаган ҳолда тўлиқ фойдаланмаслик ёки уларни бекорга ишлатиб қўйиш, зичланган ҳаво, сув ва иссиқликнинг мунтазам равишда нобуд бўлиши, энергия билан таъминловчи ташкилотларнинг рухсатисиз хизмат бинолари ва бошқа биноларни иситиш учун, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнида назарда тутилмаган бошқа мақсадлар учун электр энергиясидан фойдаланиш, ёритиш учун электр энергиясидан хўжасизларча фойдаланиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Энергия истеъмолчилари электр ва иссиқлик энергиясини истеъмол қилиш режалари ва тартибларига риоя қилишлари, энергйядан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлашлари, уларни исроф қилиб, хўжасизларча сарфлашга йўл қўймасликлари керак. Электр ва иссикдик энергиясини сарфлаш асослари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари билан тартибга солинади.

2. Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар давлат мулкига тажовуз қилади ва давлатга мулкий зарар етказади.

3. Бу ҳуқуқбузарликлар ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин.

4. Мазкур модда электр ва иссиқлик энергиясини исроф қилиб сарфлагани учун фақат мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини назарда тутади. Бундай

шахсларга мулкчилик шаклларидан қатъи назар, барча корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари, бош муҳандислари, бош энергетиклари, бош механиклари, цехларнинг бошлиқлари, маъмурий-хўжалик хизматларининг раҳбарлари киради.

5. Электр ва иссиқлик энергиясини исроф қилиб сарфлаш тўғрисидаги ишлар туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьялари томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

101-м о д д а. **Рўзғорда электр, иссиқлик энергияси ёки газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Рўзғорда электр, иссиқлик энергияси ёки газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш, электр, иссиқлик энергияси ёки газ тармоқларини ўзбошимчалик билан улаб олиш, — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Энергия ва газ билан таъминловчиларнинг истеъмолчилар сифатидаги фуқаролар билан муносабатлари Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги томонидан 1981 йил 6 декабрда 310-рақам билан тасдиқланган Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари билан белгиланади.

2. Кўрсатиб ўтилган қоидаларда электр ва иссиқлик энергияси ҳамда газдан ўзбошимчалик билан фойдаланиш тақиқланади. Ўзбошимчалик билан фойдаланиш деганда энергия ва газдан тегишли равишда энергия, иссиқлик ёки газ билан таъминловчи ташкилотларнинг рухсатисиз фойдаланиш тушунилади.

Тураржойларда ёки айрим фуқароларга шахсий мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлган уйларда, боғ участкаларида, шахсий машиналар учун қурилган гаражлар ва ҳоказоларда истеъмолчи янги электр симини улаш учун электр билан таъминловчи ташкилотга ариза-мажбурият бериши ва рухсат олиши шарт.

Иссиқлик энергияси ва газдан фойдаланиш қоидаларида фуқароларга уларга (хонадонларга) ўзбошимчалик билан иссикдик энергияси ўрнатиш ва газлаштириш тақиқданган.

3. Энергия ва газдан ўзбошимчалик билан фойдаланиш факти аниқланган тақдирда инсонни ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбур этган сабабни ҳисобга олиш зарур. Ғаразли мақсад шахснинг бойишга интилишини, яъни ҳуқуқбузарлик содир этиш йўли билан меҳнатсиз даромад олишга интилишини билдиради.

4. Марказий бошқарув органлари томонидан энергиянинг ҳар хил турларидан ва газдан фойдаланиш бўйича белгилаб берилган қоидалар ўзбошимчалик

билан фойдаланишдан ташқари, электр ва газ ускуналарининг ўзини ишлатиш талабларини, энергия ва газни ҳисобга олиш асбобларини ўрнатиш, шунингдек, энергия ва газ учун ҳисоб-китоб қилиш талабларини бузишни ҳам ўз ичига олади.

5. Ғаразли мақсадларда энергиядан, иссиқлик, электр, газдан ўзбошимчалик билан фойдаланиш фақат қасддан қилинган ҳаракат бўлиши мумкин.

6. Фақат фуқаролар жавобгарликка тортилиши мумкин. Агар бу хилдаги ҳуқуқбузарликларни мансабдор шахслар ўзларининг хизмат вазифаларини бажариш жараёнида содир этган бўлсалар, бундай шахслар тегишли равишда Кодекснинг 97, 100, 102, 103-моддалари бўйича жавобгар бўладилар.

7. Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар туман (шаҳар) судларининг маъмурий ишлар бўйича судьялари томонидан кўриб чиқилиши мумкин (245-модда).

102-м о д д а. **Электр тармоқларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш**

1000 вольтгача кучланишли электр тармоқларини (ҳаво, ер ости ва сув ости электр узатиш, киритма ва тақсимлаш қурилмаларини) муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, башарти бу ҳол истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлашда узилишга, электр тармоқларининг шикастланишига ёки халқ хўжалигига бошқа хил зиён етишига олиб келса ёки олиб келиши мумкин бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса — иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1000 вольтдан ортиқ кучланишли электр тармоқларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, башарти бу ҳол истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлашда узилишга, электр тармоқларининг шикастланишига ёки халқ хўжалигига бошқа хил зиён етишига олиб келса ёки олиб келиши мумкин бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ушбу модданинг 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликнинг объектив томони 1000 вольтгача кучланишли электр тармокдарининг шикастланишидан иборат бўлиб, у истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлашда узилиш бўлишига олиб келган ва халқ хўжалигига зиён етказган бўлади. Шундай қилиб, башарти электр тармоқларининг шикастланиши фактининг ўзи эмас, шу билан бирга, юқорида айтиб ўтилган зарарли оқибатлар ҳам келиб чиққанлиги аниқланган бўлса, мазкур модда бўйича жавобгар бўлиш мумкин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1984 йил 12 апрелдаги 193-

сонли қарор билан 1000 вольтгача кучланишли электр тармокдарини муҳофаза қилиш қоидалари тасдиқланган бўлиб, улар бу тармоқларнинг сақланишини таъминлашга қаратилгандир. Қоидаларда электр узатиш ташқи линиялари бўйлаб, ер ости кабель линиялари бўйлаб муҳофаза тегралари белгилаб берилган.

3. Электр узатиш линиялари муҳофаза тегралари доирасида бу линияни ишлатувчи ташкилотнинг ёзма розилигисиз: қурилиш, монтаж, портлатиш ва бошқа ишларни амалга ошириш, шунингдек, спорт майдончалари барпо этиш ва минерал ўғитлар, озуқа омборлари қуриш, кемалар, баржалар, сузувчи кранлар турадиган жой учун бандаргоҳлар қуриш, ортиш-тушириш, тупроқ қазиш ишларини ўтказиш, шунингдек, балиқ тутиш, сув ҳайвонлари ва ўсимликларни ўлжа қилиб олиш, машиналар ва механизмлар учун баландлиги 4,5 метрдан юқори бўлган йўлаклар қуриш, шунингдек, транспорт воситалари учун туриш жойлари ташкил этиш, 0,3 метрдан ортиқ чуқурликда тупроқ ишлари ўтказиш ва техника воситалари (бульдозерлар, экскаваторлар ва шу кабилар) ёрдамида тупроқни режалаштириш ишларини бажариш тақиқланади.

4. Электр тармоқларининг нормал ишлашини бузиш ёки унинг шикастланишига олиб келадиган, яъни симларга яқин жойларни ҳар хил ашёлар билан тўлдириб ташлаш, уларнинг устига бино томларидан қорларни кураш; катта-оғир нарсаларни ташлаш; электр тармоқларида улаш ва узиш ишларини бажариш; симларга ёт нарсаларни ташлаш; тегишли равишда келишувсиз электр линиялари ўтган жойларда турли объектлар ва иншоотларни кўчириш ёки қайтадан қуриш сингари ҳар қандай ҳаракатлар ман этилади.

1000 вольтгача кучланишли электр узатиш линияларини муҳофаза қилиш тегараларидаги ер майдони ердан фойдаланувчилардан тортиб олинмайди, лекин улардан фойдаланишда қоидаларда кўрсатиб ўтилган талабларга албатта риоя қилиниши зарур. Ердан фойдаланувчилар бу тармоқларнинг сақланишини таъминлашга ёрдам берадиган ўзларига боғлиқ барча чораларни кўриши шарт.

Бирон-бир ишни амалга оширадиган корхоналар ва ташкилотлар электр тармоқларининг шикастланишига сабаб бўлсалар, ишларни бажариш бошланишидан камида уч кун олдин электр тармоғидан фойдаланадиган ташкилот билан ишларни бажаришни келишиб олишлари ва бу тармоқларнинг сақланишини таъминлаш чораларини кўришлари шарт.

Ҳаводаги электр узатиш тармоқлари яқинида турли хил механизмлардан фойдаланган ҳолда ишларни бажаришга фақат, агар ҳаво орқали механизмдан ёки унинг кўтариш ёки сурилма қисмларидан, шунингдек, кўтариладиган юкдан ток остида бўлган энг яқин симгача бўлган масофа камида 1,5 метр бўлсагина йўл қўйилади. Бу масофа ҳар бир айрим ҳолда электр узатиш кабель тармоғидан фойдаланадиган ташкилот томонидан белгиланади. Ишларнинг бехатарлигини таъминлайдиган шарт-шароитларга риоя қилишнинг иложи бўлмаса, электр тармоғи участкасидан қувват узиб қўйилиши лозим.

Ер ишларини бажариш вақтида техник қувватларда кўрсатилмаган кабель аниқланиб қолган тақдирда ишни тўхтатиш, кабелнинг сақланишини

таъминлаш чорасини кўриш ва бу ҳақда электр тармоғидан фойдаланувчи ташкилотга хабар қилиш лозим.

9. Қурилиш бораётган майдонча ҳудудида ёки унинг яқинида 1000 вольтли кучланишли электр тармоқлари жойлашган тақдирда қурилиш лойиҳалари ва сметаларида электр тармоқларидан фойдаланадиган ташкилотлар билан келишиб, кўрсатиб ўтилган тармокларнинг сақланишини таъминлайдиган тадбирларни назарда тутиш лозим бўлади.

Зарурат туфайли вужудга келган ишларни бажарадиган ташкилотлар бунга электр тармокдаридан фойдаланадиган ташкилотнинг розилигини олишлари керак.

Борди-ю, кабель лангар ёки балиқ овлайдиган тўр билан кўтариб олинган тақдирда капитанлар кабелнинг бўшатиб олиниши чорасини кўришлари, бу ҳақда энг яқин портга хабар беришлари ва кабель кўтарилган жой ҳамда вақгнинг координатларини кўрсатишлари керак, порт эса бу ҳақда энг яқин орадаги энергия таъминоти корхонасига маълум қилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик вақтига келиб 16 ёшга тўлган фуқаролар, шунингдек, электр тармокдарини шикастлантиришга олиб келган ишларни амалга оширишга жавоб берадиган раҳбарлар ва бошқа мансабдор шахслар мазкур ҳуқуқбузарлик субъекти ҳисобланади.

Субъектив томондан мазкур ҳуқуқбузарликлар эҳтиётсизлик орқасида содир этилганлиги билан ажралиб туради.

Модданинг 2-қисми бўйича ҳуқуқбузарлик 1000 вольтдан ортиқ кучланишга эга бўлган электр тармоғининг нормал ишлашига қарши қаратилган бўлади.

Мазкур модда бланкетли диспозицияга эга бўлиб, шунинг учун уни татбиқ этганда 1000 вольтдан ортиқ кучланишга эга бўлган электр тармоғини муҳофаза қилиш қоидаларига мурожаат этиш зарур бўлади. Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган.

Мазкур модда бўйича жавобгарликка тортиш 1000 вольтдан ортиқ кучланишга эга бўлган электр тармокдарини муҳофаза қилиш қоидалари шундай бузилган бўлиши зарурки, у истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлашда узилишга, электр тармоқларининг шикастланиши ёки халқ хўжалигига бошқа хил зиён етишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлиши керак.

17. 1000 вольтдан ортиқ кучланишли электр тармоқлари деганда кичик станциялар, тақсимлаш қурилмалари, ток ўтказгичлар, ҳаво электр узатиш, ер усти ва ер ости электр узатиш кабель линиялари ва уларга тааллукди иншоотлар тушунилади. Уларни муҳофаза қилишни ихтиёрида бу тармоқлар бўлган корхоналар (ташкилотлар) амалга оширади. Электр тармокдари учун ер участкалари ажратилади, муҳофаза қилиш тегралари белгиланади, электр тармокдаридан бинолар, иншоотлар, ер ва сув сатҳларигача йўл қўйиладиган энг кам масофа аниқланади, ўрмон массивларида ва яшил дарахтзорларда кесиб ташланган тор йўллар қурилади.

Электр тармоқларини муҳофаза қилиш тегралари қуйидагича белгиланади: ҳаво электр узатиш линиялари бўйлаб ер ва ҳаво бўшлиғи тарзида, улар вертикал юзалар билан чекланган бўлиб, четки симлардан линиянинг ҳар икки томони бўйлаб маълум ораликда ва оғмаган ҳолда махсус белгиланган масофада туради; электр узатиш ер усти кабель линиялари бўйлаб ер участкаси тарзида бўлиб, улар вертикал юзалар билан чекланади. Ва четки симлардан ҳар икки томон бўйлаб кетувчи оралиқ 1 метр бўлади; сув усти электр узатиш кабель линиялари бўйлаб сув юзасидан сув тубигача бўлган сув бўшлиғи тарзида, шунингдек, сув ҳавзалари орқали ўтадиган ҳаво электр узатиш линиялари ўтиш йўллари бўйлаб сув ҳавзалари устидаги ҳаво бўшлиғи тарзида бўлади.

Электр тармоқлари муҳофаза теграсига кирувчи ер участкалари ердан фойдаланувчилардан олиб қўйилмайди ва улар томонидан қоидаларга албатта риоя қилинган ҳолда қишлоқ хўжалик ва бошқа ишлар ўтказиш учун фойдаланилади.

Муҳофаза қилиш тегараларида ихтиёрида бу тармоқлар бўлган корхоналар (ташкилотлар)нинг розилигисиз ҳар қандай бинолар ва иншоотлар қуриш, капитал таъмирлаш ёки кўчириш, ҳар қандай кон ишларини, ортиш-тушириш ишларини, портлатиш, тупроқ қазиб олиш, мелиоратив ишларни амалга ошириш, дарахтлар экиш ва кесиш; моллар ўтлайдиган жойлар ташкил этиш ва бошқа ишларни бажариш; қўлбола балиқ овлаш қуроллари билан балиқ тутиш; моллар сув ичадиган жой ташкил этиш, музни ёриш ва тайёрлаш (сув ости электр узатиш кабель линияларини муҳофаза қилиш тефаларида); ер устидан умумий баландлиги 4,5 метрдан ортиқ бўлган машиналар ва механизмларнинг ўтишига йўл қўйиш (ҳаво электр узатиш линиялари муҳофаза қилиш тефаларида); 0,45 метрдан чуқурроқда тупроқ ишларини, шунингдек, тупроқни режалаштириш ишларини ўтказиш (ер ости элекф узатиш кабель линияларини муҳофаза қилиш тефаларида) тақиқланади.

Элекф узатиш линияларининг муҳофаза қилиш тегралари доирасида ишларни олиб бориш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг манфаатдор вазирликлари ва идоралари билан келишилган ҳолда, қурилиш ишлари соҳасида эса

Ташжилинвестстрой акциядорлик жамияти билан келишилган ҳолда белгиланади.

Электр тармокдарининг нормал ишлашини бузишга, уларни шикастлантиришга ёки бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин бўлган бironбир ҳаракатлар олиб бориш, хусусан, автомобилларга ёнилғи тарқатиш станциялари ва ёнилғи-мойлаш материаллари омборларини электр тармокдарини муҳофаза қилиш тегараларида жойлаштириш; электр тармокдарига борадиган йўлларни ортиқча юклар билан тўлдириб ташлаш; симларга, таянчларга ёт нарсаларни ташлаш; ҳар хил нарсалар уюлиб ташланадиган, ем-хашак, ўғитлар, похол, ўтин, торф, бошқа материаллар

тўпланадиган омборлар ташкил этиш, олов ёқиш; спорт майдончалари, машина ва механизмлар учун тўхташ жойлари қуриш, одамларнинг кўпчилиги тўпланиши билан боғлиқ бўлган ҳар қандай тадбирлар ўтказиш; варраклар учириш, аппаратларнинг спорт моделларини учириш (ҳаво электр узатиш линияларини муҳофаза қилиш тегараларида ва улар яқинида); барча турдаги транспортнинг тўхташи, зарбли механизмлар билан ишлар бажариш, оғирлиги 5 тоннадан юқори бўлган юкларни ташлаш; лангар ташлаш, берилган лангарлар, занжирлар, лотлар, судратма тўрлар ва траллар билан ўтиш (сув ости электр узатиш кабель линияларини муҳофаза қилиш тегараларида) тақиқданади.

Электр тармокдарини муҳофаза қилиш тегралари яқинида уларни шикастлантириши мумкин бўлган ишлар олиб борадиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ишлар бошланишидан 12 сутка олдин ихтиёрида электр тармокдари бўлган органлар билан бу ишларни амалга ошириш шартлари ва тартибини келишиб олиши шартдир.

Электр узатиш линияларининг ҳақиқий аҳволига доир материаллар халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ҳокимиятларига уларни ердан фойдаланишнинг тегишли хариталарига киритиш учун берилиши лозим. Ҳокимиятлар электр узатиш линияларининг ўтган жойлари тўғрисидаги маълумотларни манфаатдор ташкилотлар ва муассасаларга берадилар.

1000 вольт ва ундан юқори кучланишли ҳаво электр узатиш линияларининг автомобиль йўллари билан кесишган жойларида муҳофаза қилиш тефаларида транспортнинг тўхташини тақиқловчи белгилар ўрнатилади.

Ихтиёрида элекф тармокдари бўлган ва ўрмон массивларининг дарахт кесилган тор йўлларидан ўтадиган қисмларида жойлашган корхоналар (ташкилотлар) бу тор йўлларни ёнғиндан бехатар ҳолатда сакдашлари, тор йўл кенглигини белгиланган ҳажмда сакдашлари; баландлиги 4 метрдан юқори бўлган дарахтларни белгиланган тартибда кесиб туришлари керак.

Ихтиёрида электр линиялари бўлган корхоналар (ташкилотлар) ишларни бажариб бўлгандан кейин ер майдонларини белгиланган мақсадларда фойдаланишга яроқли ҳолга келтиришлари, шунингдек, ишларни бажариш чоғида ердан фойдаланувчиларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплашлари лозим.

Кабель сувдан лангар билан, балиқ овлаш тўри билан кўтариб олинган тақдирда кемаларнинг капитанлари бу ҳақда ихтиёрида электр тармоғи бўлган корхона (ташкилот), бошқа энергетика корхонасига ёки Маҳаллий кенгаш ҳокимиятига дарҳол хабар беришлари зарур.

Электр тармокдарининг муҳофаза қилиш тефаларидаги ва унинг яқинидаги корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқаролар ихтиёрида электр тармокдари бўлган корхоналар (ташкилотлар) ходимларининг электр тармоқларининг сақланишини таъминлашга ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини

олишга қаратилган талабларини бажаришлари шарт.

Мазкур ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони тўғрисида мазкур модда шарҳининг 12—13-бандларига қаранг.

Ушбу моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар туман (шаҳар) судларининг маъмурий ишлар бўйича судьялари (245-модда) ва фуқароларнинг ўзиниўзи бошқариш органлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар томонидан (246-модда) кўриб чиқилади. Ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомалар ихтиёрида электр тармоқлари бўлган корхоналар (ташкилотлар)нинг бунга вакил қилинган шахслари томонидан тузиб чиқилади. Қоидаларнинг бузилиши тўғрисида баённомалар тузишга вакил қилинган мансабдор шахслар рўйхатлари тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан тасдиқланади.

103-м о д д а. **Газдан ёқилғи ёки хом ашё сифатида фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликлар**

Газдан фойдаланиш қурилмасига газни рухсатсиз очиб бериш ёхуд газ учун ажратилган фондларни ошириб юбориш ёки газ истеъмол қилишнинг белгиланган тартибига риоя қилмаслик ёхуд газдан фойдаланиш қурилмаларида газ сарфлашнинг тасдиқланган солиштирма нормаларисиз газ сарфлаш ёки бундай нормалардан ортиқча сарфлаш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Газдан фойдаланиш қурилмаларини газ сарфини ҳисобга олмай туриб ёки газ қўлланиб ҳосил қилинадиган иссиқлик энергияси ва маҳсулотларни ҳисобга олмай туриб ишлатиш ёхуд газдан фойдаланиш қурилмаси лойиҳасида назарда тутилган газ ёниш жараёнини автомат тарзда бошқариб турувчи воситаларнинг, иссиқлик техникаси назорати асбобларининг ёки газдан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминловчи иссиқликдан фойдаланиш ускуналарининг бўлмаслиги (бузуқлиги), — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Газ истеъмол қилувчи корхона, муассаса ва ташкилотлар учун назарда тутилган резерв ёқилғи хўжалигининг ишга тайёр эмаслиги ёки газдан фойдаланиш қурилмаларининг белгиланган резерв ёқилғи турларида ишлашга тайёр эмаслиги, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Газдан фойдаланиш қурилмасига газни очиб беришга газни назорат қилиш давлат органлари белгиланган тартибда рухсат беради. Бундай рухсат бўлмаса, газдан фойдаланиш қурилмаларига газни очиб бериш тақиқланади.

2. Газдан фойдаланиш қурилмаларига газни очиб беришга рухсат этиш тартиби халқ хўжалигида газдан фойдаланиш қоидаларида белгилаб берилган.

Бу қоидаларда, хусусан, шу нарса белгилаб қўйилганки, газдан фойдаланиш қурилмаларига газни очиб беришга рухсат давлат газ назорати инспектори ускунанинг газни қабул қилишга тайёрлигини текшириб чиққандан ва у тегишли хулоса бергандан кейин давлат газ назоратининг ҳудудий инспекцияси (бўлими) томонидан берилади.

Агар ёқилғи режимида резерв ёқилғидан фойдаланиш назарда тутилган бўлса, газни очиб беришга рухсат лойиҳага мувофиқ ва газдан фойдаланувчи қурилмаларнинг белгиланган резерв ёқилғида ишлашга ҳозирлигига қараб, резерв ёқилғи хўжалиги қурилиши тамом бўлгандан кейингина берилади.

3. Газдан фойдаланувчилар газга ажратилган фондларни оширмасликлари ёки газдан фойдаланишнинг белгиланган тартибини бузмасликлари лозим.

Газ етказиб берувчилар, газ билан таъминловчи ва газни тарқатувчи ташкилотлар ва истеъмолчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар магистрал газ қувурларига ва истеъмолчиларга газ бериш қоидалари, халқ хўжалигида газдан фойдаланиш қоидалари билан тартибга солинади.

Газ беришнинг ойлик режалари Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси томонидан газ қазиб чиқарувчи ва газни қайта ишловчи корхоналарнинг техникавий имкониятларини, шунингдек, магистрал газ қувурлари ва тармоқ газ қувурларининг унумдорлиги ва техникавий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Газ етказиб берувчи, газ билан таъминловчи, газни тақсимловчи ташкилотлар ва истеъмолчилар бир ой мобайнида ойлик лимитдан ҳисоблаб чиқариладиган ўртача суткалик норма доирасида бир текисда газ беришлари ва олишлари, зарурат туғилган ҳолларда эса томонлар ўртасида келишиб олинган ўртача суткалик истеъмол қилиш нормасидан четга чиқишлари лозим.

Айрим ҳолларда газдан фойдаланиш хусусиятига ва корхоналарнинг тўлиқ бўлмаган ҳафтада ишлаши газни истеъмол қилиш ҳажмига қараб ойнинг айрим кунларида газ бир текисда етказиб берилмайди, бунда корхоналарга газ етказиб беришнинг ўртача суткалик нормаси газ етказиб бериш ойлик режасини корхонанинг иш кунлари миқдорига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

Бундай газ истеъмолчилар рўйхати газ тақсимловчи ва газ билан таъминловчи ташкилотлар билан келишиб олинади.

4. Барча корхоналар, ташкилотлар ишлаб чиқариш бирлашмалари, жамоа ва давлат хўжаликлари, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари белгиланган тартибда тасдиқланган ишлаб чиқариладиган (газ ишлатган ҳолда) барча маҳсулот турлари ва бажариладиган ишларга шартли равишда ҳисобланган газ сарфлаш нормаларига эга бўлишлари лозим. Газ сарфини нормалаш халқ хўжалигида ёқилғи, иссиқлик ва электр энергияси сарфлашни нормалаш бўйича Асосий низомларга мувофиқ амалга оширилади.

5. Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этилган бўлиши мумкин.

6. Фақат мансабдор шахсларгина жавобгарликка тортилиши мумкин. Бу

шахслар раҳбарлар, раҳбарларнинг ўринбосарлари, бош энергетиклар (бош механиклар), цех бошлиқлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг хизмат бошлиқлари бўлиши мумкин.

7. Газдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар туман (шаҳар) судларининг маъмурий ишлар бўиича судьялари томонидан (245-модда), шунингдек, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар томонидан (246-модда) кўриб чиқилади.

Хбоб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК, ВЕТЕРИНАРИЯ-САНИТАРИЯ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

104-м о д д а. **Экинзорларни пайҳон қилиш, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиш ёки уни йўқ қилиб юбориш, кўчатларга шикаст етказиш**

Чорва моллар ёки паррандаларнинг хўжалик экинзорларини пайҳон қилиши, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиши ёки уни йўқ қилиб юбориши, кўчатларга шикаст етказиши, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Экинзорларни ёки кўчатзорларни ҳамма турдаги ҳаракатланувчи техника воситаларида босиб ўтиш, — энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Шарҳланаётган модда уч қисмдан иборат. «Мулкчилик тўғрисида»ги қонуннинг амал қилишини ҳисобга олиб, мазкур модда фақат тўплаб қўйилган қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилинигина эмас, шу билан бирга, буталарнинг кўчатларини ҳам ҳимоя қилишга мўлжалланган. Ҳуқуқбузарликларга баҳо берганда кўчатларнинг барча турлари, қишлоқ хўжалигидаги ҳам техника экинлари, ҳам озиқ-овқат ва озуқа экинларининг тўпланадиган ва тўпланган ҳосили шикастланганлигини ҳисобга олиш керак бўлади.

2. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган тажовузкорликнинг объекти «Мулкчилик тўғрисида»ги қонунда кўзда тутилган барча турдаги мулкнинг сакланиши хусусидаги ижтимоий муносабатлардир (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990 й., 31—33-сон, 371-

модда).

3. Шарҳланаётган моддада қамраб олинган хатти-ҳаракатларнинг мавзулари, аввало, экинларнинг (ғалла, техника, озуқа, полиз ва ҳоказолар) кўчатлари, дарахтлар, ўсимликларнинг кўчатлари, шунингдек, кўкаламзорлаштирувчи ва бошқа дарахтлар ҳамда ўсимликларнинг кўчатларидир. Тақиқланган дарахтлар ва ўсимликларнинг кўчатлари бундан мустасно. Бироқ санаб ўтилган ашёлар мулк эгасига тегишли бўлиши лозим, чунки у бунга меҳнат сарфлаган ва фойдаланилган майдондан табиий озуқалар олишни истайди.

4. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони экинларни пайҳон қилишдан, кўчатларга шикаст етказиш ёки экинлар ва кўчатларнинг чорва моллари ва паррандалар (уй паррандалари) томонидан йўқ қилиниши (шикастланиши) билан боғлиқ ҳаракат ёки ҳаракатсизликдан иборатдир (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 октябрдаги «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1994 й., 11 — 12-сон, 298-моддага қаранг).

5. Субъект хонаки, идораларга қарашли чорва моллар ва паррандаларнинг эгаларидир.

6. Биринчи қисмда назарда тутилган хатти-ҳаракатлар ҳам қасддан (чорва моллари ва паррандаларни экинзорга қўйиб юбориш йўли билан), ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин (11, 12-моддаларнинг шарҳларига қаранг). Вакил қилинган мансабдор шахс ҳуқуқбузарлик содир этилганлигини аниқлаганда, 280-моддага мувофиқ етказилган зарарни ҳисобга олган ҳолда баённома тузади ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни (38, 285-моддалар) маъмурий ишлар бўйича судьяга кўриб чиқиш учун топширади (245-модда), 246-моддада кўрсатиб ўтилган ҳолларда — маъмурий комиссияга тақдим этади.

Шарҳланаётган модда бўйича етказилган зарарнинг миқдори фақат шикастланган, йўқ қилинган мол-мулкнинг (экинлар, ҳосил, кўчатлар ва бошқа) миқдорига боғлиқ бўлиб қолмайди. Зарарнинг миқдорини ана шу экинлардан олинмай қолган ҳосилнинг қийматини харид нархлари бўйича ҳисоблашдан келиб чиқиб аниқдаш керак бўлади. Етказилган зарарнинг ўрнини қоплашни таъминлаш мақсадида чорва моллари ва паррандалар ушлаб олиниши мумкин.

7. 2 ва 3-қисмлар бўйича ҳуқуқбузарлик объекти 1-қисмдаги кабидир. Ҳуқуқбузарлик 2-қисмининг объектив томони экинзорлар ёки кўчатзорларни ҳаракатланувчи воситалар (от-улов транспорти, автомобиль, трактор, комбайн ёки бирорта ўзиюрар машина) билан босиб ўтишда ифодаланади.

2-қисм бўйича транспорт воситаларининг эгалари субъект сифатида майдонга чиқади. Автомобиль ёки от-улов транспортини мансабдор шахс ҳам бошқара олади, бундай ҳолда у умумий асосларда жавобгар бўлади.

Шарҳланаётган модданинг 3-қисми маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида 1 ва 2-қисмлар бўйича содир этилган ҳуқуқбузарликни

такрорлагани учун жавобгарликни назарда тутади.

8. Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан (245-модда) ва 246-моддада назарда тутилган ҳолларда маъмурий комиссиялар томонидан кўриб чиқилади.

104[1]-м о д д а. **Қишлоқ хўжалик экинларининг навини янгилаш ва нав жойлаштириш тартибини бузиш**

Қишлоқ хўжалик экинларининг навини янгилаш ва нав жойлаштириш тартибини бузиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Шарҳланаётган моддада белгиланган тартиб Ўзбекистон Республикасининг «Уруғчилик тўғрисида»ги 1996 йил 29 август Қонунида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 130-модда). Ушбу Қонунга кўра, уруғчиликнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

-қишлоқ хўжалиги экинларининг ўз уруғчилик базасини яратиш;

-навни янгилаш ва нав алмаштириш жараёнида уруғлик навлари ва дурагайларининг биологик ҳамда хўжалик жиҳатидан қимматли хусусиятларини сақлаб қолиш;

-қишлоқ хўжалигини серҳосил ва юқори сифатли уруғликлар билан таъминлаш;

-уруғликларнинг сифати устидан давлат назоратини амалга ошириш.

Экиш учун ишлатиладиган уруғликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сертификатланиши лозим.

Уруғликларни сертификатлаш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалик экинлари уруғининг сифатини сертификатлаш ва назорат қилиш давлат маркази томонидан ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Стандарт уруғликларга сертификат, ностандарт уруғликларга эса уларнинг сифати тўғрисида талон берилади.

Уруғликларни сертификатлаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш давлат маркази:

барча қишлоқ хўжалик экинларининг уруғликлари сифатини назорат қилишни ташкил этиш бўйича жойлардаги бўлинмаларининг ишига раҳбарлик қилади;

хўжаликлар, корпорациялар, бошқа корхоналар ва муассасаларда уруғликлар ва экиладиган кўчатларнинг нави ҳамда экинбоплик хусусиятларини аниқдайди;

уруғликларнинг сифатини аниқлаш услубларини ишлаб чиқади,

такомиллаштиради ва тасдиқлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқбошқа вазифаларни бажаради.

2. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони ҳаракат ёки ҳаракатсизликдан иборат.

3. Ҳуқуқбузарликнинг субъекти фақат мансабдор шахслардир.

4. Ҳуқуқбузарлик субъектив томондан қасддан содир этилади.

5. Ўшбу моддада кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш давлат маркази органлари томонидан кўриб чиқилади (266^3-модда).

105- м о д д а. **Таркибида гиёҳванд моддалар бўлган экинларни қўриқлашни таъминлаш чораларини кўрмаганлик**

Таркибида гиёҳванд моддалар бўлган наша ва мойли кўкнор экинларини, мазкур экинлар ҳосилини сақлаш ва қайта ишлаш жойларини қўриқлаш юзасидан белгиланган тартибни таъминлаш чораларини кўрмаганлик, шунингдек, таркибида гиёҳванд моддалар бўлган шундай экинларнинг анғизлари ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини йўқ қилиб ташлаш чораларини кўрмаганлик, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Мазкур норма таркибида гиёҳванд моддалар бўлган экинларни, шунингдек, гиёҳванд моддалар олиш манбаларидан бири бўлган қолдиқлар ва чиқиндиларни қўриқлашга қаратилган.

2. Таркибида гиёҳванд моддалар бўлган экинларга наша ва мойли кўкнор киради. Ёввойи тарзда ўсадиган ўсимликлар ҳуқуқбузарлик ашёси ҳисобланмайди.

3. Мазкур модда бўйича жавобгарлик таркибида гиёҳванд моддалар бўлган экинларни қўриқлашнинг белгиланган тартибини таъминлаш чораларини кўрмаганлик фактининг ўзи учун бошланади.

4. Ушбу модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин.

5. Зиммасига шундай экинларни қўрикдаш, қолдикдари ва чиқиндиларини йўқ қилиш вазифаси юкланган хўжаликлар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари бундай чораларни кўрмаганликлари учун жавобгарликка тортиладилар.

6. Шарҳданаётган моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар (245-модда) томонидан, 246-моддада кўрсатиб ўтилган ҳолларда эса маъмурий комиссиялар томонидан кўриб чиқилади.

106-м о д д а. **Ёввойи нашани йўқ қилиб юбориш чораларини кўрмаганлик**

Тасарруфида ер майдонлари бўлган шахслар томонидан ёввойи нашани йўқ қилиб юбориш чораларини кўрмаганлик, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Гиёҳвандликка қарши кураш ва фуқароларнинг соғлом турмуш тарзини таъминлаш мақсадида ёввойи нашани йўқ қилиб юбориш чораларини кўрмаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Ёввойи наша деганда таркибида гиёҳванд моддалар бўлган, уруғи ёки кўчати экилмайдиган, ҳам айрим, ҳам бошқа қишлоқ хўжалик экинлари билан биргаликда агроишлов берилмайдиган ўсимликларга айтилади.

2. Шарҳданаётган модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликни муайян ҳудудда мазкур ўсимликнинг қишлоқ хўжалик экинлари орасида, боғларда, узумзорларда, ўрмон хўжаликларида, кўчалар, паркларда, дала четларида, суғориш ва ирригация тармокдари ёқаларида, темир йўл ва автомобиль йўлларининг алоҳида минтақаларида, хўжаликларнинг қўрғонларида, шаҳарлар, посёлкалар ва бошқа аҳоли пунктларидаги одамларнинг ер участкаларида, шунингдек, давлат ўрмон ва сув фонди захираси ерларида, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга бириктириб қўйилган ер участкаларида мавжудлиги вужудга келтиради.

3. Мазкур ҳуқуқбузарлик қасддан содир этилади. Айбдор шахс таркибида гиёҳванд модда бўлган нашани ўстириш ва парвариш қилиш ғаириқонуний эканлигини билади ва уни содир қилишни истайди.

4. Қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг раҳбарлари, ўрмон хўжаликларининг, мевали кўчатзорларнинг бош агрономлари, мансабдор шахслари ва фуқаролар жавобгарлик субъекти ҳисобланади.

5. Ушбу моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар (245-модда) томонидан, 246-моддада кўрсатиб ўтилган ҳолларда эса маъмурий комиссиялар томонидан кўриб чиқилади.

107-м о д д а. **Карантин эълон қилинган зараркурандаларга, ўсимликлар касалликлари ва бегона ўтларга қарши кураш қоидаларини бузиш**

Карантин эълон қилинган зараркурандаларга, ўсимликлар касалликларига ва бегона ўтларга қарши курашнинг санитария қоидаларини ва бошқа хил қоидаларни бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса

— бир бараваридан икки бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар томонидан заҳарли бегона ўтларга қарши кураш чораларини кўрмаганлик, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан икки бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Карантин эълон қилинган зараркунандаларга, ўсимликларнинг касалликларига ва бегона ўтларга қарши кураш қоидаларининг бузилиши натижасида шундай қишлоқ хўжалик тармокдарига, чунончи, деҳқончиликка, шунингдек, ўрмон хўжалигига зарар етказилади. Етказилган зарар қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг пасайиб кетишига таъсир кўрсатади.

2. Карантин эълон қилинган зараркунандаларга, ўсимликларнинг касалликларига ва бегона ўтларга қарши кураш бўйича махсус қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг норматив ҳужжатлари билан белгиланади.

3. Карантин эълон қилинган зараркунандаларга, ўсимликларнинг касалликларига ва бегона ўтларга қарши кураш олиб боришни назарда тутувчи қоидаларга деҳқончилик маҳсулотларини ва хорижий давлатлардан ташиб келтириладиган бошқа материалларни четдан келтириш ва мамлакат ичкарисида ташишни тартибга соладиган турли нормалар ва кўрсатмалар, ўсимликлар ва бегона ўтларнинг карантин эълон қилинган касалликлар, ўсимликлар ва бегона ўтларнинг карантин эълон қилинган касалликларга қарши курашиш учун заҳарли кимёвий дорилар, махсус техника ва воситаларни қўлланиш тартиби ва шарт-шароитларини тартибга солувчи қоидалар киради.

4. Карантин эълон қилинган зараркунандаларга, ўсимликларнинг касалликларига ва бегона ўтларга қарши кураш олиб бориш қоидаларини бузиш тегишли қоидалар билан тақиқланган ҳаракатларни содир этишда ҳам, масалан, карантин эълон қилинган касалликлар билан зарарланган дон ўсимликларини экиш ва ҳаракатсизликда — карантин эълон қилинган ўсимликларни йўқ қилиш бўйича қоидаларда кўрсатилган ишларни бажармасликда, агротехника тадбирларини ўтказиш, ўсимликларнинг аникланган касалликлари кенг тарқалмаслиги бўйича чоралар кўрмаслик ва ҳоказоларда ифодаланади.

5. Ўсимликларнинг касалликлари ва зараркурандаларига қарши кураш бўйича қоидаларни бузганлик учун маъмурий жавобгарликдан ташқари, жиноий жавобгарлик ҳам белгиланган (ЖКнинг 199-моддаси). Бу жавобгарлик, башарти, ўсимликларнинг касалликлари ёки зараркурандаларига қарши кураш олиб бориш талабларинибузиш оғир оқибатларга сабаб бўлган тақдирда бошланади. Ўсимликларнинг зараркунандаларига қарши кураш қоидаларини бузиш оғир оқибатларга олиб келмаган бошқа ҳолларда айбдорлар маъмурий жавобгарликка тортилади.

6. Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарлик, одатда, эҳтиётсизлик

орқасида содир этилади, лекин бевосита ғаразли ният ҳам бўлиши мумкин, бунда шахс зарарли оқибатлар келиб чиқишини олдиндан кўра билади ва бунга онгли равишда йўл қўяди.

7. Ҳуқуқбузарлик субъекти вазифасига карантин эълон қилинган зараркурандаларга, ўсимликларнинг касалликларига ва бегона ўтларга қарши кураш қоидаларига риоя қилиш киradиган мансабдор шахслар (қишлоқ хўжалик корхоналарининг раҳбарлари, агрономлари, ўрмон хўжалиги ходимлари), шунингдек, фуқаролар — боғбонлар, жамоа хўжалиги аъзолари ва бошқалар бўлиши мумкин.

8. Ушбу моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар (Кодекснинг 245-моддаси) томонидан, шунингдек, 246-моддада кўрсатилган ҳолларда эса маъмурий комиссиялар томонидан кўриб чиқилади.

108-м о д д а. **Карантин текширувидан ва тегишли тартибда ишлов беришдан ўтказилмаган материалларни ташиб чиқиб кетиш**

Чет мамлакатлардан келтирилиб, карантин текширувидан ва тегишли ишлов беришдан ўтказилмаган материалларни чегарадаги дарё портларидан (пристанларидан), темир йўл станцияларидан, автовокзаллардан (автостанциялардан), аэропортлардан ва бошқа чегара пунктларидан ташиб чиқиб кетиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Бу ҳуқуқбузарликнинг объекти Ўзбекистон Республикасининг санитария ва ветеринария хавфсизлиги билан боғлиқ муносабатлар ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликнинг мазкур таркибини белгилашнинг мақсади Ўзбекистонга чет эллардан ўсимлик зараркунандалари, бегона ўтлар, микроблар ва ўсимликлар, уруғ, микроорганизм, тупроқ касалликлари манбалари, яъни чет мамлакатлардан келтириладиган ўсимликларга, биологик материалларга алоқадор бўлган ва қрнунчиликка биноан карантин текширувига, агар керак бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ташиб келишдан олдин махсус ишлов беришга мажбур қилинадиган ҳар қандай нарсанинг кириб келишига халақит беришдир.

2. Мазкур модда бўйича фуқаролар ҳам, мансабдор шахслар ҳам жавобгар бўлади, лекин мансабдор шахслар бирмунча қаттиқроқ жавобгарликка тортилади. Бундай ҳуқуқбузарликлар ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин.

3. Бундай ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомалар ўсимликларнинг карантин хизмати мансабдор шахслари томонидан тузилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар (Кодекснинг 245-моддаси), 246-моддада кўрсатиб ўтилган ҳолларда эса

маъмурий комиссиялар томонидан кўриб чиқилади.

109-м о д д а. **Ҳайвонларни карантинга қўйиш қоидаларини ва бошқа ветеринария-санитария қоидаларини бузиш**

Ҳайвонларни карантинга қўиииш қоидаларини ва бошқа ветеринария-санитария қоидаларини бузиш, эпизоотияларга қарши кураш чораларини кўрмаганлик, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса — иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ҳуқуқбузарлик объекти ветеринария хавфсизлиги билан, бу орқали эса санитария хавфсизлиги билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар, шунингдек, давлат мулки ва шахсий мулкдир. Ўзбекистонда «Ветеринария тўғрисида»ги қонун (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 335-модда) чорва моллар, парранда касалликлари олдини олиш ва аҳолини касалликлардан муҳофаза этиш чора-тадбирларини тартибга соладиган, шунингдек, давлат санитария назоратининг тузилиши, вазифалари ва ваколатларини белгилаб берадиган норматив ҳужжатлар амал қилади. Қонун ҳайвонларнинг юқумли касалликлари тарқалганда (Қонуннинг 19, 20-моддалари) карантин белгилаш, олиб ташлаш тартибини ва бошқа ветеринария қоидаларини ўз ичига олади, шунингдек, идоравий ветеринария хизмати ҳуқуқини (Қонуннинг 11-моддаси) ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг маъмурий жавобгарлик тўғрисида қарорлар қабул қилиш соҳасидаги ваколатларини назарда тутади (Кодекснинг 6-моддаси шарҳига қаранг). 109-моддани талқин қилишда шу нарсани ҳисобга олиш керакки, ветеринария қоидалари бузилиб, бунинг натижасида эпизоотиялар тарқалса ёки бошқа огир оқибатлар келиб чиқса, бу ҳодисалар жиноят ҳисобланади (ЖКнинг 200-моддаси).

2. Шарҳланаётган модда бўйича фуқаролар ва мансабдор шахслар жавобгар бўладилар, лекин мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги каттароқ бўлади. Ҳуқуқбузарлик ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин.

3. Бу хилдаги ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомаларни Давлат ветеринария назорати органларининг мансабдор шахслари тузадилар.

4. 109-моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар Давлат ветеринария назорати органлари томонидан кўриб чиқилади (259-модда).

110- м о д д а. **Ит ва мушук боқиш қоидаларини бузиш**

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида ит ва мушук боқишнинг қоидаларини бузиш, худди шунингдек, мансабдор шахслар томонидан эгасиз ҳайвонларни туттириш чораларини кўрмаганлик, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача,

мансабдор шахсларга эса — иккидан бир қисмидан бир бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик фуқароларнинг соғлиғи еки молмулкига зарар етишига олиб келса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ҳуқуқбузарлик объекти жамоат тартиби, шунингдек, тураржой фондининг санитария-гигиена ҳолатидир.

Ит ва мушук боқиш қоидаларининг бузилиши уйларда, хиёбонларда, кўчаларда ва бошқа жамоат жойларида ғайрисанитария вазиятини яратишга олиб келади, шунингдек, бир қатор ҳолларда фуқароларнинг соғлиғи ва мол-мулкига зарар етказишга сабаб бўлади. Дайди итлар ва мушуклар қутуриш касаллигини тарқатиш манбаи ҳисобланади. Ит ва мушукларни нормал тарзда боқмаслик санитария ва ветеринария қоидаларининг бузилишига сабаб бўлади.

2. Шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш учун бу ҳайвонларни боқишнинг қандай муайян қоидаси бузилганлигини аниқлаб олиш лозим. Ит, мушук ва бошқа ҳайвонларни боқиш қоидаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 18 январдаги 32-сонли қарори билан тартибга солинади.

3. Кўрсатиб ўтилган қоидалар, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ҳам, шунингдек, ит ва мушук эгалари бўлган фуқароларга ҳам тааллуқлидир.

4. Ит ва мушукни айрим хонадонда боқишга санитария-гигиена ва ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилиш шарти билан, бир неча оила яшайдиган хонадонларда эса, бўндан ташқари, истиқомат қилувчи барча фуқаролар розилиги билан йўл қўйилади. Кўпчилик фойдаланадиган жойларда: тураржойларда (зина хоналари, чордокдар, ертўла, подвал, йўлаклар ва ҳоказоларда), коммунал хонадонларда, шунингдек, балкон ва пешайвонларда, қабристонларда, диққатга сазовор жойларда ит ва мушук боқиш ҳамда уларни сайр қилдиришга рухсат этилмайди.

5. Қоидаларда янги олинган итларни зоти ва жинсидан қатъи назар, уч ойлик вақтдан бошлаб рўйхатдан ўтказиш назарда тутилган. Рўйхатдан ўтказиш бир ҳафта ичида амалга оширилиши лозим. Ҳар йили фуқароларнинг яшаш жойларидаги ветеринария муассасаларида ҳайвонларни қайта рўихатдан ўтказиш белгиланган. Ветеринария муассасалари рўйхатдан ўтилгани ҳақида гувоҳнома ва рўйхат белгиси беради, шунингдек, итнинг эгасини уни боқиш қоидалари билан таништиради, бу рўйхатдан ўтиш гувоҳномасида қайд этилади. Рўйхат белгиси ит бўйинбоғига тақиб қўйилади.

6. Ит ва мушук эгалари атрофдагиларнинг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриши, ит ва мушукларнинг хонадонлар, зина хоналари, лифтлар, ертўла (подвал)лар ва катта уйлардаги умумфойдаланадиган жойларни, ҳовлилар, йўлакларни ифлос қилишига йўл қўймаслиги, хоналарда

осойишталик бўлишини таъминлаши, ит ва мушукларнинг болалар майдончалари, дўконлар, ошхоналар, жамоат транспорти ва бошқа умумфойдаланадиган жойларда бўлишига йўл қўймаслиги шарт.

7. Ит ва мушукларни маҳаллий ҳокимиятлар белгилаганидан ортиқ миқдорда боқишга йўл қўйилмайди.

8. Сайрга чиққанда ит эгалари уйлардан уларни қисқа тасмада ва тумшуқбоғда, бўйнида рақам белгиси бйлан (уч ойликкача бўлган кучуклардан ташқари) кўчага олиб чиқиши лозим. Итларни сайр қилдиришга фақат шу мақсад учун ажратилган майдончада рухсат этилади. Агар майдонча атрофи ўраб олинган бўлса, у ҳолда итларни тасмасиз ва тумшуқбоғсиз сайр қилдиришга рухсат этилади. Майдончалар бўлмаган тақдирда ҳокимият белгилаган обод қилинмаган ва бошқа жойларда сайр қилдиришга рухсат этилган. Итларни эрталаб соат 7 дан кеч соат 23 га қадар сайр қилдиришга рухсат этилади.

9. Мазкур ҳуқуқбузарлик фақат қасддан содир этилиши мумкин, чунки ит эгалари рўйхатдан ўтказиш вақтида итларни боқиш қоидалари билан таништирилган бўлади.

10. Мазкур модданинг иккинчи қисми такрорийлик ҳолатида ва башарти қоидани бузиш фуқароларнинг соғлиғи ёки молмулкига зарар етишига олиб келган тақдирда қўлланилади. Бундай зарар Кодекснинг 38-моддаси тартибида фақат ҳайвон эгаларидан ундириб олинади.

11. Ҳуқуқбузарлик субъектлари ит ва мушук эгалари бўлган фуқаролар ҳамда тасарруфида ҳайвонлар бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мансабдор шахслари бўлиши мумкин.

12. Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни маъмурий ишлар бўйича судьялар (245-модда), 246-моддада кўрсатиб ўтилган ҳолда эса — маъмурий комиссиялар ҳам кўриб чиқадилар.

111-м о д д а. **Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш**

Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш уларнинг ўлимига ёхуд майиб бўлишига олиб келса, худди шунингдек, ҳайвонларни қийнаш, — энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш деганда мансабдор шахслар, фуқароларнинг чорва молларига, паррандаларга яшаш учун энг оз миқдордаги зарур шарт-шароитни яратиб бермаслиги, шунингдек, ёввойи ва яйловда боқиладиган моллар ҳамда паррандаларни соғломлаштириш ва озуқа билан таъминлаш ҳамда бошқа энг оз миқдордаги зарур нарсалар билан тегишли ёрдам кўрсатилмаганлигини тушуниш керак.

2. Ҳайвонлар билан муомалага доир ижтимоий муносабатлар ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади.

3. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони ҳайвонлар билан шафқатсизларча муносабатда бўлишдан иборат, бу уларнинг ўлимига ёки майиб бўлишига ёхуд қийналишига олиб келиши мумкин.

4. Хатти-ҳаракат содир этилган пайтга келиб 16 ёшга етган фуқаролар, мансабдор шахслар мазкур ҳуқуқбузарликнинг субъекти ҳисобланади.

5. Субъектив томондан бу ҳуқуқбузарликлар қасддан қилиниши билан ажралиб туради.

6. Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомаларни ички ишлар органлари (милиция)нинг ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш устидан давлат ва идоравий назоратни амалга оширадиган мансабдор шахслари, бунга вакил қилинган бошқа шахслар тузади.

7. Ушбу моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқади (245-модда).

8. Мазкур моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахс маъмурий жазо чораси билан бир қаторда, етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаши ҳам керак бўлади.

112- м о д д а. **Механизаторлар томонидан қишлоқ хўжалик машиналаридан техник жиҳатдан фойдаланиш ва техника хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузиш**

Механизаторлар томонидан тракторлар, комбайнлар ва бошқа хил ўзиюрар қишлоқ хўжалик машиналаридан техник жиҳатдан фойдаланиш ва техника хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузиш, — энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга ёки механизаторларни ушбу машиналарни бошқариш ҳуқуқидан бир йилгача муддатга маҳрум қилишга сабаб бўлади.

1. Мазкур ҳуқуқбузарликнинг объекти қишлоқ хўжалик машиналарини нормал ва хавфсиз ишлатиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тракторлар, комбайнлар ва бошқа ўзиюрар қишлоқ хўжалик машиналаридан, шунингдек, улар билан муомала қилишдаги хавфсизлик техникасидан фойдаланиш қоидаларини ҳар қандай бузиш эмас, балки қўпол равишда бузиш ҳисобланади. Мазкур моддани талқин қилишда шу нарсани дарҳол ҳисобга олиш керакки, мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик шахсларга тегишли бўлган тракторлар, автомобиллар, комбайнлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналаридан жинояткорона эҳтиётсизлик билан фойдаланиш ёки сакдаш уларнинг бузилишига ёхуд шикастланишига олиб келса, шунингдек, бу машиналар бутлаб бўлмас ҳолга келса, жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

2. Ҳуқуқбузарлик ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин.

3. Санкциялар жарима солиш ёки мазкур машиналарни ҳайдаш ҳуқуқидан

бир йилгача маҳрум этилишдан иборат маъмурий жазо чорасини назарда тутади.

4. Бу хилдаги ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар «Бошдавқишлоқхўжалик» назоратининг мансабдор шахслари томонидан, Кодекснинг 266-моддасига мувофиқ, жарима солишга доир ишлар қишлоқ хўжалигидаги машиналар ва қурилмаларни назорат қилиш ва уларнинг техник ҳолати бўйича Бош давлат инспекцияси («Бошдавтехназорат») органлари томонидан тузиб чиқилади, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзидаги жазо чорасини қўллаш — маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

XI *б о б.* ТРАНСПОРТДАГИ, ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИ ВА АЛОҚА СОҲАЛАРИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

113-м о д д а. **Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш**

Темир йўл изларига поезддар қатновининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ашёларни қўйиш, шунингдек, темир йўлни, иҳота дарахтларини ва қор тўсиш ғовларини ҳамда бошқа йўл объектларини, сигнал бериш ва алоқа иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш, — энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Темир йўлдан от-арава ҳайдаб ўтиш ва чорва молларини ҳайдаб ўтиш, чорва молларини темир йўл яқинида боқиш қоидаларини бузиш, — энг кам иш ҳақининг бешдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Темир йўл транспортига юк ортиш вақтида белгиланган габаритларга риоя қилмаслик, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бешдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Темир йўлларни белгиланмаган жойлардан кесиб ўтиш, — энг кам иш ҳақининг йигирмадан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан темир йўл изини белгиланмаган жойдан кесиб ўтиш, — энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Темир йўл транспортида хавфсиз ишлаш мазкур хатти-ҳаракатнинг объекти ҳисобланади.

2. Мазкур моддада назарда тутилган хатти-ҳаракатнинг объектив томони ё муайян ҳаракатлар ёки темир йўл транспортида амал қилувчи бир қатор

норматив ҳужжатлар (қоидалар, йўриқномалар)нинг талабларини бузиш ташкил этади. 1-қисмда мазкур хатти-ҳаракатнинг объектив томонини ташкил этувчи муайян қоидаларнинг бузилиши санаб ўтилган. Булар темир йўл изи устига турли нарсаларни қўйишдан иборат бўлиб, улар поездлар ҳаракатининг бузилишини, поездларнинг шикастланишини, йўлларнинг шикаст топишини, иҳота дарахтларининг, қор тўсиш ғовларининг, шунингдек, бошқа объектлар, сигнал бериш ва алоқа иншоотлари ҳамда қурилмаларининг шикастланишига сабаб бўлиши мумкин. Кўрсатиб ўтилган ҳаракатлар эҳтиётсизлик орқасида содир этилади.

3. 2-қисм темир йўлдан от-арава ҳайдаб ўтиш, чорва молларни ҳайдаб ўтиш, чорва молларни темир йўл яқинида боқиш қоидаларини бузиш ташкил этади. Кўрсатиб ўтилган ҳаракатлар фақат қасддан содир этилиши мумкин.

4. Кўриб чиқилаётган хатти-ҳаракатларнинг субъектлари 16 ёшга етган ҳар қандай фуқаро бўлиши мумкин.

5. Модданинг 3-қисмида назарда тутилган хатти-ҳаракатнинг объектив томони темир йўл транспортида амал қилаётган вагонларга юк ортиш ва тушириш вақтида белгиланган габаритларга риоя қилиш қоидаларининг бузилишидир.

6. Субъектив томондан мазкур хатти-ҳаракат ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин. Хатти-ҳаракат субъекти транспорт ходими ва ҳар қандай бошқа шахс бўлиши мумкин.

7. 113-модданинг 4-қисмидаги ҳуқуқбузарликнинг яна бир таркиби — темир йўлларни белгиланмаган жойлардан кесиб ўтишдан иборат. Бу хатти-ҳаракатнинг объектив томони мана шу муайян ҳаракатда акс этган, субъектив томондан эса бу қасддан қилинган ҳаракатдир. Мазкур хатти-ҳаракатнинг субъектлари 16 ёшга етган ҳар қандай фуқаро бўлиши мумкин.

8. Модданинг 5-қисмида транспорт воситалари ҳайдовчиларининг темир йўл изини белгиланмаган жойдан кесиб ўтиши учун жавобгарлик белгиланган. Субъектив томони — ғаразли ният, субъект — транспорт воситасининг ҳайдовчиси.

9. Мазкур хатти-ҳаракатни ЖКнинг 260-моддасида назарда тутилган жиноятлардан фаркдаш керак. Бундай чегаралашни объектив томон бўйича ўтказиш лозим. Кўрсатиб ўтилган моддада назарда тутилган жиноятларнинг объектив томони фақат ҳуқуққа зид ҳаракатларни ўз ичига олибгина қолмай, шу билан бирга, ўртача ёки оғир тан жароҳати етказишни, шунингдек, одамнинг қурбон бўлишини ҳам қамраб олади.

10. Кўрсатиб ўтилган ҳаракатларни содир этиш жарима солинишига сабаб бўлади.

11. Ушбу ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ички ишлар органлари бошликдари ва бошлиқ ўринбосарлари, шунингдек, Кодекснинг 250-моддаси 3-қисмида кўрсатиб ўтилган темир йўл транспорти органларининг мансабдор шахслари ҳам кўриб чиқишга ҳакди. Бу ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги

баённомани милиция ходимлари, маҳалла посбонлари, темир йўл транспортининг ваколатли ходимлари тузади.

114- м о д д а. **Темир йўл транспорти воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Зарурат бўлмай туриб, ўзбошимчалик билан поездни тўхтатиш, — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Юк поездларида ўзбошимчалик билан юриш, поезд юриб кетаётганда поездга чиқиш ва поезддан тушиш, вагонларнинг зинапояларида ва томларида кетиш, — энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Бу хатти-ҳаракатнинг объекти темир йўл транспортининг нормал, хавф-хатарсиз ишлашидир. Кўрсатиб ўтилган модданинг биринчи қисми поездларни (йўловчилар ёки юк поездларини) тўхтатиш билан боғлиқ бўлган қоидаларнинг бузилишини қамраб олади.

2. Мазкур хатти-ҳаракатнинг объектив томони кўрсатиб ўтилган ҳаракатларни содир этиш фактининг ўзидир. У худди ана шу томони билан ЖКда назарда тутилган жиноятнинг объектив томонидан фарқ қилади, бунда зарурат бўлмай туриб, ўзбошимчалик билан поездни тўхтатиш вақтининг ўзи етарли бўлмайди, бу ерда мазкур тўхтатиш муайян ноқулай оқибатлар (поездлар нормал ҳаракатининг бузилиши, одамлар ҳаётида бахтсиз ҳодисаларнинг содир бўлиши, ҳаракат таркибининг ҳалокати, шикастланиши ёки бошқа оғир оқибатлар) билан боғланади. Шуни назарда тутиш керакки, ўзбошимчалик билан тўхтатишни турли ҳаракатлар билан (стоп-кран билан, ҳаво тормоз магистралини тарқатиб юбориш ва бошқа шу каби йўллар билан) амалга ошириш мумкин ва бу ҳолат квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас. Ножўя хатти-ҳаракат таркиби мавжуд бўлиши учун поездни (йўловчи ташувчи ёки юк поездини) тўхтатиш ўзбошимчалик билан, яъни поезд бошлиғи, кондуктор, машинист, бунга ваколатли бўлган темир йўл транспорти бошқа ходимининг рухсатисиз содир этилган бўлиши керак. Поездни ўзбошимчалик билан тўхтатиш татбиқ этганда бу тўхтатиш заруратсиз, яъни бундай ҳаракатларни оқлайдиган етарли жиддий сабабсиз амалга оширилиши лозим.

3. Бу хатти-ҳаракатнинг объекти 16 ёшга етган ҳар қандай шахс, шунингдек, транспорт ходимлари (бунда мазкур ҳаракатни улар хизмат вазифасини бажармаётган вактда содир этадилар) ёки ҳар қандай бошқа шахс бўлиши мумкин.

4. Субъектив томондан мазкур хатти-ҳаракат ғаразли ният билан қилинади, яъни айбдор шахс поездни заруратсиз тўхтатаётганини ва буни исташини англайди.

5. Ушбу модданинг иккинчи қисмида юк поездларида ўзбошимчалик билан

юриш, поезд юриб кетаётганида поездга чиқиб, поезддан тушганлик, вагонларнинг зинапояларида ва томарида кетганлик учун жавобгарлик белгиланган.

6. Хатти-ҳаракат субъекти 16 ёшга етган ҳар қандай шахс ўлиши мумкин.

7. Хатти-ҳаракатнинг субъектив томони тўғридан-тўғри ғаразли ният билан боғлиқдир.

8. Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликнинг содир тилгани тўғрисидаги баённома ички ишлар органлари ходимлари томонидан ёхуд темир йўл транспорти ходимлари томонидан тузилади.

9. Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар Кодекснинг 248 ва 250-моддаларига мувофиқ, ички ишлар органи бошлиғи ва унинг ўринбосари ёхуд темир йўл транспорти органларининг мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилади.

115-м о д д а. **Метрополитендан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Метрополитендан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларини бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса — иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Мазкур хатти-ҳаракатнинг объекти метрополитеннинг хавфхатарсиз ишлашидир.

2. Кодекснинг 115-моддасида назарда тутилган хатти-ҳаракатнинг объектив томонини Тошкент шаҳар ҳокимининг 1993 йил 19 январдаги «Метрополитендан фойдаланиш тўғрисидаги II сонли қоидалари» талабларини бузувчи хатти-ҳаракатлар ташкил этади. Бу ҳаракатларга йўл ҳақини, шу жумладан, ҳажми белгиланган нормадан ортиқ бўлган юк ҳақини тўламасдан назорат пункти орқали станцияга ўтиш, ёпиқ назорат пунктларига ғов тўсиқлари орқали ўтиш; станцияга йўловчиларнинг кийимини, вагонларни, метрополитен иншоотлари ва қурилмаларини ифлос қиладиган кийим ва пойабзалда кириш; ёнғин чиқиш хавфи бўлган, портловчи, заҳарловчи ва заҳарли моддаларни ҳамда ашёларни ташиш, олиб ўтиш; рўзғор, газ баллонларини, ўқ отиш қуролини; ҳайвонларни; санчилувчи, кесувчи ва осон синувчи буюмларни, чанғи ва конькиларни жилдсиз ташиш, олиб кириш; ускуналарни ва меъморлик-бадиий пардоз элементларини, вестибюль ва хизмат хоналари ойналарини, метрополитеннинг ҳаракатдаги таркиби элементларини ва бошқа техникавий воситаларини шикастлантириш; станциянинг вестибюллари, ўтиш йўлаклари ва платформаларини, вагонларнинг салонларини, эскалаторларни, йўлларни ифлос қилиш ва чиқиндилар ташлаш, эскалатор зиналарида ўтириш, буюмларни тутқичларга қўйиш, эскалатор ва платформалар бўйлаб югуриш, вагонларнинг ўриндиқларига болаларни ва юкларни қўйиш; ҳаракат вақтида вагонларнинг эшикларини очиш, станцияларда эшикларнинг очилиши ёки ёпилишига халақит бериш; заруратсиз

«йўловчи — машинист» алоқасидаги, ҳамда эскалатор балюстради «стоп» ёзувли виключателдан фойдаланиш; йўлларга тушиш ва уларга поездлар ҳаракатини бузишга сабаб бўладиган буюмларни ташлаш; метрополитен маъмуриятининг рухсатисиз кино ва фотосуратлар олиш, шунингдек, магнитофон, радиоприёмник ва мусиқа асбобларидан фойдаланиш; метро бекатларида, вагонларда хизмат ва техника хоналарида, метрополитеннинг бошқа иншоотларида спиртли ичимликлар ичиш; ҳар қандай маҳсулотларни сотиш, поездлар айланиш йўлларида метрополитен вагонларида юриш кабилар киради.

Метрополитен вагонлари ички жиҳозлари ойналарини шикастлантирганлик, шунингдек, вагонларда, вестибюлларда, станцияларнинг ўтиш йўллари ва платформаларида чекканлик учун Кодекснинг 121, 122-моддалари бўйича жавобгарлик назарда тутилгандир.

3. Хатти-ҳаракат субъекти 16 ёшга етган ҳар қандай шахс, шу жумладан, метрополитеннинг ходимлари ва мансабдор шахслари, шунингдек, ҳар қандай бошқа шахслар бўлиши мумкин.

4. Субъектив томондан шарҳданаётган ҳуқуқбузарлик ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин.

5. Юқорида санаб ўтилган моддалар ва нормаларнинг бузилиши тўғрисидаги баённомаларни метрополитенни муҳофаза қилиш бўйича милиция ходимлари тузади.

6. Мазкур модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни метрополитенни муҳофаза қилиш бўйича ички ишлар бўлимининг бошлиғи ёки бошлиқ ўринбосари (248-модда) ҳамда метрополитен органлари кўриб чиқади (250-модда).

116- м о д д а. **Учиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш**

Аэродром минтақасида аэродромларни аниқлаш учун қабул қилинган белгилар ва қурилмаларга ўхшаш биронбир белги ва қурилмалар ўрнатиш ёки аэропорт, аэродром маъмуриятининг рухсатисиз пиротехника буюмларини ёқиш ёхуд ҳаво кемаларининг учиши учун хавфли бўлган ва парандаларнинг кўплаб йиғилишига сабаб бўлувчи объектлар қуриш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бинолар ва иншоотларда тунги ва кундузги аниқлаш белгилари ёки қурилмаларини ўрнатиш қоидаларини бажармаганлик, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Аэродром ускуналарини, аэродром белгиларини, ҳаво кемаларини ва уларнинг ускуналарини шикастлан гириш, — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Тегишли рухсати бўлмай туриб, аэропортлар (аэровокзаллардан ташқари), аэродромлар, учишни радио ва ёруғлик билан таъминлаб турувчи объектлар ҳудудида пиёда ёки транспортда юриш, — энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Маст ҳолдаги экипаж аъзоларининг ҳаво кемасини бошқаришига ижозат бериш — экипаж аъзоларини ҳаво кемасини бошқаришга ижозат бериш учун масъул бўлган мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Мазкур хатти-ҳаракат объекти ҳаво кемаларининг нормал, хавф-хатарсиз парвоз қилишидир.

Ҳаво кемаларининг аэропортлар ва аэродромлар минтақасидаги ерда, шунингдек, уларнинг ҳудудида нормал ва хавф-хатарсиз учишини таъминлаш учун ҳаво кемаларининг учувчиларига мўлжал олишда ёрдам берадиган муайян аниқлаш белгилари ва қурилмалари ўрнатилади. Бу хилдаги тунги ва кундузги белгилар ҳамда қурилмалар бинолар ва иншоотларга ҳам ўрнатилади.

Ҳаво транспортида ана шу белгилар ва қурилмаларни шикастланишдан муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган бир қатор қоидалар, шунингдек, аэродром минтақасида ўзининг ташқи кўриниши, тузилиши, ранги ва ҳоказолар билан аэродромларни аникдаш учун қабул қилинган белгилар ва қурилмаларга ўхшаш бирон-бир белги ва қурилмалар ўрнатишни тақиқлайдиган қоидалар амал қилади. Шунингдек, аэродромлар минтақасида аэропорт ва аэродром маъмуриятининг рухсатисиз пиротехника буюмларини ёқиш ва ҳаво кемаларининг учиши учун хавфли бўлган объектлар қуриш ҳам тақикланади. Ҳаво кемаларининг хавф-хатарсиз парвози, шунингдек, аэродромдаги бошқа ускуналарни, аэродром белгиларини, ҳаво кемаларини ва уларнинг ускуналарини шикастланишдан муҳофаза қилиш билан ҳам таъминланади.

Ниҳоят, ҳаво транспортида амал қиладиган қоидаларда кўрсатиб ўтилган объектларнинг мансабдор шахсларидан тегишли рухсати бўлмай туриб, аэропортлар, аэродромлар, учишни радио ва ёруғлик билан таъминлаб турувчи объектлар ҳудудида пиёда ёки транспортда юриш тақикданган. Аэровокзаллар бу қоидадан мустасно бўлиб, у ерда пиёда юриш ва транспортда юриш эркиндир.

2. Мазкур таркибларнинг объектив томони 116-моддада белгиланган тақиқларни бузиш фактининг ўзи бўлиб, бу уларни ЖК 260-моддасида назарда тутилган жиноят таркибидан фарқлаб туради.

3. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган хатти-ҳаракатлар субъекти фуқароларнинг ўзлари, шунингдек, мансабдор шахслар ҳам бўлиши мумкин.

4. Субъектив томондан кўрсатиб ўтилган ҳаракат қасддан содир этилиши мумкин, ушбу модданинг 3-қисмида назарда тутилган ҳаракатлар бундан мустасно бўлиб, улар эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин.

5. Ҳукуқбузарликларнинг содир этилиши жарима солишга сабаб бўлади.

6. Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликнинг содир этилгани тўғрисида баённома ё ички ишлар органлари ходимлари ёхуд ҳаво транспорти органларининг бунга вакил қилинган мансабдор шахслари томонидан тузилади.

7. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва маъмурий жазо чораси қўлланишга транспортдаги ички ишлар органларининг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари (248-модданинг 1, 3, 4-қисмлари), шунингдек, аэродромларда фуқаро авиацияси органларига бўйсунадиган ёки бундай аэродромларнинг минтақаларида ҳуқуқбузарлик содир этилгани учун ҳаво транспорти органларининг мансабдор шахслари ҳам ҳакдидирлар (251-модданинг 1-қисми).

117-м о д д а. **Ҳаво кемасида юриш-туриш қоидаларини бузиш**

Ҳаво кемасида бўлган шахсларнинг кема командири фармойишларини бажармаслиги, — энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳаво кемаси бортида туриб фотосуратга, кинога, видеога олиш, шунингдек, радиоалоқа воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, — фотокиноплёнка ёки видеокассеталар мусодара қилиниб, энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ҳаво кемасида белгиланган тартибни ва учишларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳаво кемасида бўладиган барча шахслар учун мажбурий махсус юриш-туриш қоидалари белгиланган. Шундай қилиб, ушбу модданинг 1-қисмида назарда тутилган хатти-ҳаракатнинг объекти ҳаво кемасидаги тартиб ва парвоз хавфсизлигидир.

2. Объектив томондан мазкур хатти-ҳаракат кема командирининг фармойишларини бажармаслик билан боғлиқдир. Бу фармойишни бажармаслик одатдаги ҳаракатсизлик (командирнинг фармойишига эътиборсизлик билан қараш)дан, шунингдек, командирнинг кемада бирон-бир ҳаракатни (баландлик олиш ва пасайиш вақтида кема бўйлаб юриш, кема салонида ва бошқа жойларда чекиш) тухтатиш тўғрисидаги фармойишига қарамасдан, уларни давом эттиришдан иборат бўлиши мумкин. Бундай хатти-ҳаракат ерда ҳам, шунингдек, учиш вақтида ҳам содир этилиши мумкин.

3. 16 ёшга етган шахслар бу хатти-ҳаракатнинг субъекти бўлиши мумкин.

4. Субъектив томондан хатти-ҳаракат тўғридан-тўғри ғаразли ният билан боғлиқдир.

5. Мазкур модданинг 2-қисми ҳаво кемаси бортида туриб фотосуратга, кинога, видеога олиш ва радиоалоқа воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни назарда тутади. Зеро бундай хатти-ҳаракатлар ҳаво транспортидаги хавфсизликни таъминлаш доирасидан четга чиқади, чунки кино ва видеосъёмкалар, фотосуратни белгиланган тартибни бузган ҳолда олиш каби ҳаракатлар транспортдан фойдаланиш қоидаларини бузиш объекти

ҳисобланади.

6. Хатти-ҳаракатлар объектив томони қоидаларни бузиш фактининг ўзидир.

7. 16 ёшга етган ҳар қандай шахс 2-қисмдаги хатти-ҳаракатнинг субъекти бўлиши мумкин.

8. Субъектив томон бевосита ёки билвосита ғаразли ният билан ажралиб туради.

9. Мазкур ҳуқуқбузарлик учун санкция жаримадир. Ушбу модданинг 2-қисмида назарда тутилган хатти-ҳаракатни содир этиш жарима билан бир қаторда, мажбурий тартибда фотоплёнка ва видеокассеталарни мусодара қилишга сабаб бўлади.

10. Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани ҳаво кемасининг мансабдор шахслари тузадилар. Ушбу моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар ҳаво транспорти органларининг мансабдор шахслари томонидан кўриб чикилади (251-модда).

118-м о д д а. **Сув транспортида ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш**

Сув транспорти соҳасида кемаларнинг портга кириши ва портдан чиқиши, порт сувларида кемаларнинг ҳаракати ва туриши ҳамда шатакка олиниши қоидаларини ёхуд сигнал чироқлари бериш, товуш сигналлар, шунингдек, кўрилма ва кундузги сигналлар алмашинишнинг белгиланган тартибини бузиш ёки кема йўлига балиқ тутиш қурилмаларини ўрнатиш, — энг кам иш ҳақининг бешдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Порт сувларида тегишли рухсати бўлмай туриб, ғаввослик ишларини бажариш, шундай ишларни олиб борган чоғда сигналлар бериш қоидаларига риоя қилмаслик, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бешдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Сув транспортида хавфсизликни таъминловчи сигнал ва алоқа иншоотлари ҳамда қурилмаларини шикастлантириш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса — бешдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Мазкур модда айбдор шахсларнинг муайян ҳаракатлари учун ва махсус қоидаларда назарда тутилган ҳаракатлар учун жавобгар бўлиши белгилаб берилган.

2. Шарҳланаётган модда мураккаблиги туфайли унга кирувчи хатти-ҳаракатларга тажовузлар объекти ҳам бир хил эмас. Бир хил ҳолатларда ҳуқуқбузарлик билан денгиз транспортидаги ҳаракат хавфсизлигига зарар етказилса, бошқа ҳолларда тегишли рухсати бўлмай туриб, ғаввослик

ишларини бажаришда бошқарув муносабатларига, ғаввослик ишларини бажариш вақтида сигнал бериш қоидаларига риоя қилмаслик билан инсонни муҳофаза қилишга алоқадор бўлган муносабатларга, сув транспортидаги алоқа ва сигнал бериш воситаларининг нормал фаолият кўрсатишига зарар етказилади.

3. Шарҳланаётган моддага кирувчи маъмурий ҳатти-ҳаракатлар таркибининг объектив томони ўзининг йўналиши бўйича турлича бўлган ҳаракатларда ёки ҳаракатсизликда ифодаланиши мумкин. Мазкур модданинг 1-қисмига қуйидаги таркиб турлари киритилган: кемаларнинг портга кириш қоидаларини бузиш; кемаларнинг портдан чиқиш қоидаларини бузиш; кемаларнинг ҳаракат қилиш қоидаларини бузиш; порт сувларида кемаларни шатакка олиш қоидаларини бузиш; сигнал чироқлари беришнинг, товуш сигналлари, шунингдек, кўрилма ва кундузги сигналлар айирбошлашнинг белгиланган қоидаларини бузиш; кеманинг юриш йўлига балиқ овлаш учун қурилмалар ўрнатиш.

Хатти-ҳаракатларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, объектив томон, аввало, амалдаги нормаларни бузишдан иборат бўлган ҳаракатлар содир этишда ифодаланади. Бунга, масалан, давлат денгиз лоцманисиз портга кириш, тегишли йиғимларни тўламай портдан чиқиш ва ҳоказолар киради. 2-қисм бўйича қуйидаги таркиблар киритилган: техникавий участка ёхуд гидрометеорология хизмати билан тегишли равишда келишиб олмай туриб, порт сувларида ғаввослик ишларини амалга ошириш; ғаввослик ишларини бажариш чоғида сигналлар бериш қоидаларига риоя қилмаслик. Ғаввослик ишларини ўтказиш қоидаларига риоя қилишда хавфсизлик талаблари ғаввосларнинг сувга тушиши ва ғаввослик ишларини бажаришни таъминлаш жиҳозлари ва воситалари давлат стандартларига мос келиши лозим.

4. Шарҳланаётган модданинг ҳар иккала қисмида кўрсатиб ўтилган ҳаракатлар субъектив томондан ҳам қасддан, шунингдек, эҳтиётсизлик билан содир этилиши мумкин (11 ва 12-моддаларнинг шарҳига қаранг).

5. Ғаввослик ишларини бажариш вақтида сигналлар бериш қоидаларига риоя қилмаслик ҳам қасддан ёхуд эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин. Бироқ ғаввослик ҳаёт фаолиятини таъминлаш (хавф-хатар ҳақида сигналлар) билан боғлиқ бўлган қоидаларга риоя қилмасликка фақат эҳтиётсизлик шаклида йўл қўйилиши мумкин.

6. Денгиз ва дарё транспортидаги ҳаракатнинг бузилиши оғир оқибатлар (одамларнинг ўлимига, авариялар ва ҳоказолар)га олиб келса, иш ЖКнинг 260-моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим.

7. Ғаввослик ишларини бажариш вактида сигнал бериш қоидаларига риоя қилмаслик оғир оқибатларга олиб келса ёки ғаввослик ишлари ходимларининг соғлиғи ёхуд ҳаётига хавф солган бўлса, бу ҳам жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

8. Модданинг 2-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг субъекти фақат кемалар, портларнинг мансабдор шахслари, ғаввослик ишлари ва сувга тушириш раҳбарлари, ғаввослик ишлари ва сувга туширишни суғурталовчи ва

таъминловчи шахслар бўлиши мумкин.

9. 3-қисмининг объектив томони шундай ҳаракатларда ифодаланадики, уларнинг содир этилиши натижасида сув транспортидаги сигнал бериш иншоотлари ва қурилмалари шикастланади.

10. Сигнал бериш ва алоқа иншоотлари ҳамда қурилмаларнинг шикастланиши деганда шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳаракатларнинг содир этилиши натижасида вужудга келган шундай ҳолат тушуниладики, у (иншоотлар ва қурилмаларга) мақсадди вазифаларни бажариш имконини бермайди ёки уларни фақат қисман бажариши мумкин. Масалан, буй (дарё ва кўлларда хатарли жойларни кўрсатиш учун қўйилган аломат) лампочкалари ойнасининг синиши бунга мисол бўла олади. Бундай ҳолда иншоотнинг ўзи жойида туради-ю, лекин унинг кундузги вақтдаги кўриниши чекланган бўлади.

11. Сув транспортидаги сигнал бериш ва алоқа иншоотларига ҳамда қурилмаларига, аввало, сигнал бериш воситалари: сув транспорти кемаларидаги — уларнинг борти ва қуйруғида сингари жойларидаги чироқ ва белгилар; муҳофаза қилинадиган сув ости ўтиш минтақаларидаги (трубопроводлар ва тоннеллар, телеграф, телефон, электр ва бошқа кабеллар ва ҳоказоларнинг) қатнов белгилари: сув транспорти кемаларининг ускуналари; радиостанциялар, радиопеленгаторлар, радиолокаторлар, компаслар ва бошқа воситалар киради.

12. Кемаларнинг юқорида санаб ўтилган иншоотлари ва воситалари таркибига кирувчи ускуналарнинг шикастланиши 121-моддада назарда тутилган ускуналарнинг шикастланишидан шу билан фарқ қиладики, шарҳланаётган моддада назарда тутилган ускуналар ва воситалар фақат сигнал бериш ҳамда алоқа ускуналари ва воситаларига тааллуқлидир. Улар бошқа вазифаларни адо этмайди.

13. Субъектив томондан шарҳланаётган ҳуқуқбузарликлар эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин.

14. Ушбу модданинг 3-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг субъекти ҳам фуқаролар, ҳам мансабдор шахслар бўлиши мумкин. Мансабдор шахслар шарҳланаётган модда бўйича, башарти, масалан, бирон-бир иш турини бажариш чоғида навигация воситалари шикастланса, жавобгар бўладилар.

15. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома сув транспортининг, ички ишлар органларининг мансабдор шахслари томонидан тузилиши мумкин.

16. Сув транспорти органларининг мансабдор шахслари мазкур тоифадаги ишларни кўриб чиқишлари ва улар юзасидан қарорлар чиқаришлари мумкин (252-модда).

119-м о д д а. **Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш қоидаларини, шунингдек, бундай кемалардан ва улар турадиган базалардан (иншоотлардан) фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Кичик ҳажмли кемалар давлат инспекцияси назоратидаги кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш қоидарини бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса — иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Кичик ҳажмли кемалар ва улар турадиган базалардан (иншоотлардан) фойдаланиш қоидаларини бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд кема ҳайдовчиларини кемани бошқариш ҳуқуқидан бир йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

1. Мазкур модда белгиларига тўғри келадиган ҳуқуқбузарликларнинг объекти сув транспортининг хавф-хатарсиз сузиш муносабатлари ҳисобланади.

2. Объектив томони сифатида кемаларнинг хавф-хатарсиз сузишига таъсир кўрсатувчи турли ҳаракатлар ифодаланиши мумкин. Бунга қуйидагиларни киритса бўлади: муайян нуқсонлар билан кеманинг сузишга қўйилиши, кемани ва унинг механизмларини ҳамда ускуналарини бошқаришга тегишли дипломга (гувоҳнома, шаҳодатномага) эга бўлмаган ёки бу кемаларни бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларга рухсат этиш. Кичик ҳажмли кемалар учун сузиш хавфсизлигига таъсир қилувчи ўзига хос нуқсонлар ҳаракатланувчи қурилмалардаги носозликлар, елканлар майдонининг мос келмаслиги, кичик ҳажмли кемани тегишли рухсатсиз қайта жиҳозлаш кабилар бўлиши мумкин. Бундан ташқари, кичик ҳажмли кемани сузишга чиқаришни тартибга солишда кемани белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказмаслик ёки техник қаровнинг йўқлиги ва шу кабилар билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликлар бўлиши мумкин.

3. Шарҳланаётган модда билан қамраб олинадиган ҳуқуқбузарликлар субъекти кичик ҳажмли кемалардан фойдаланишга масъул ҳисобланган сув транспорти органларининг мансабдор шахслари бўлиши мумкин.

4. Ушбу модданинг 2-қисмига мувофиқ, жавобгарлик кичик ҳажмли кемалардан фойдаланишни тартибга солишга, улар учун тўхташ жойларидан хавф-хатарсиз фойдаланишни таъминлаш, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатишни камайтиришга қаратилган.

5. Кичик ҳажмли кемалар бўйича давлат инспекциялари томонидан назорат қилиб бориладиган кичик ҳажмли кемаларнинг тўхташ жойлари учун базалар (иншоотлар) кичик ҳажмли кемалар бўйича давлат инспекциясининг участкаларида (бўлимларида), ўзлари жойлашган ҳудудда албатта ҳисобга олиниши лозим.

Кичик ҳажмли кемалар турадиган жойларнинг авариясиз фойдаланишга ва хавфсизлигини таъминлашга тайёрлигини текшириш мақсадида сузиш воситаларининг жойлашиш нормалари, шарт-шароитлари ва техник талабларига мувофиқ, ҳар йили кичик ҳажмли кемалар бўйича Давлат инспекциясининг давлат инспекторлари томонидан техникавий текширув ўтказилади. Техникавий текширув ўтказиш муддатлари базаларнинг эгалари

билан келишилган ҳолда кичик ҳажмли кемалар бўиича инспекция ҳудудий органлари томонидан белгиланади.

Агар базанинг (иншоотнинг) аҳволи хавф-хатарсиз фойдаланиш, кишиларнинг ҳаётини ёки атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига жавоб бермаса, кичик ҳажмли кемалар бўйича Давлат инспекцияси томонидан тузилган далолатнома асосида кемадан фойдаланишни тақиқлаш тўғрисида қарор чиқарилади. Қонунбузарлик кичик ҳажмли кемалар бўйича Давлат инспекцияси органларининг рухсатисиз кичик ҳажмли кемалар турадиган базалар (иншоотлар)дан фойдаланишга тақиқ мавжуд бўлгани ҳолда буни ҳисобга одмасдан улардан фойдаланишда, техникавий текширувдан ўтказмасдан фойдаланишда ўз ифодасини топади.

6. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши олдини олиш мақсадида белгиланган нормадан ортиқ кичик ҳажмли моторли кемалардан фойдаланиш ҳар бир сув объекти учун чекланиши лозим.

Сузиш воситаларининг лойиҳада белгиланган миқдорига қараб, базалар разрядларга бўлинади. Масалан, бешинчи разрядли база 20 тагача, тўртинчи разрядли база 20 тадан 100 тагача бўлган кемаларга хизмат қилади ва ҳоказо. Разрядлилик ва базанинг маҳаллий шарт-шароитларга мувофиқ иморатлар, ускуналар, бинолар, бошқа мол-мулклар белгилаб чиқилади.

Муайян база (иншоот) учун сузиш воситаларини жойлаштириш нормаси кичик ҳажмли кемалар бўйича Давлат инспекцияси томонидан белгиланади. Бу норманинг бузилиши маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

7. База (иншоотлар)дан фойдаланиш учун шарт-шароитлар ва техникавий талаблар кичик ҳажмли кемаларнинг навигация даври мобайнида бутун кеча-кундуз давомида хавфсиз сақланишини, кемаларнинг ўзи, моторлар, асбоб-ускуналар, инвентарларнинг сакданишини, одамларнинг кемага чиқиш ва тушиш хавфсизлигини, кемани таъмирлаш, кўтариш ва бошқа ишларни бажаришни, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олишни таъминлайди.

Бу талаблар соҳилдаги ва сузувчи иншоотлар, ёқилғи омбори, акватория, ёнғинга қарши ускуналар, сув объектлари ифлосланишининг олдини олиш воситалари аҳволи ва ҳоказога тааллуқлидир.

8. Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган кичик ҳажмли кемаларни кўрсатиб ўтилган базаларда сақлаш деганда улар турадиган ва сақланадиган жой тушунилади.

9. 119-моддада кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарлик ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин.

10. Мазкур модда бўйича йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар учун кичик ҳажмли кемалар турадиган базалар (иншоотлар)дан фойдаланишга масъул ҳисобланган мансабдор шахслар жавоб берадилар.

11. Мазкур моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кичик кемалар бўйича Давлат инспекцияси органлари (253-модда), модданинг 2-қисми бўйича ҳуқуқбузарликларни эса маъмурий

ишлар бўйича судьялар кўриб чиқади (245-модда).

120-м о д д а. **Портларда юкларни ортиш, тушириш ва тахлаш қоидаларини бузиш**

Портларда юкларни ортиш, тушириш ва тахлаш қоидаларини бузиш, — энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Мазкур моддада белгиланган жавобгарлик юкларни ортиш, тушириш ва тахлашни тартибга соладиган махсус қоидаларни бузганлик учун келиб чиқади. Мазкур модда фақат дарё портларида санаб ўтилган тадбирларни бажариш чоғида айтиб ўтилган қоидаларни бузганлик учун жавобгарликни назарда тутади.

2. Ортиш-тушириш ишлари ва тахлаш жараёнида турли юклар, шу жумладан, разрядлиларга тегишли юклар (портловчи моддалар, кучли таъсир қилувчи, заҳарли моддалар ва ҳоказолар) қайта жойлаштириш ва тахлаб қўйишга дучор бўлади. Шу муносабат билан шарҳланаётган модда таркибига кирувчи ҳуқуқбузарликлар объекти сифатида турли муносабатлар: юкларни ортиш-тушириш ишлари, портда юкларни ташиш билан боғлиқ нормал фаолият майдонга чиқади. Бироқ жамоат хавфсизлиги муносабатлари ҳам шундай объект бўлиши мумкин. Одатда ана шу кейинги муносабатлар разрядди юкларга доир операциялар билан боғлиқ бўлади.

3. Шарҳланаётган модданинг объектив томони дарё портида юкларни ортиш, тушириш ва тахлаш бўйича муайян қоидаларни бузувчи ҳаракатларда ёки ҳаракатсизликда ифодаланади. Буларга юк оғирлигининг йўл қўйиладиган чегарасига риоя қилмаслик, юкларни яроқсиз идишда ноқулай жойга тахлаш, уларни омборда миқдор жиҳатидан ҳам, вақт жиҳатидан ҳам нормативлардан ортиқча сақлаш, тез бузиладиган юкларга нисбатан чоралар кўрмаслик, турли физикавий-кимёвий хоссаларга эга бўлган юкларни аралаш-қуралаш сақлаш (уларни биргаликда сакдашга йўл қўйилмайди) ва ҳоказо.

4. Субъектив томондан ҳуқуқбузарлик ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этилган бўлиши мумкин.

5. Мазкур модда бўйича баҳоланадиган хатти-ҳаракатнинг субъекти мансабдор шахслар ҳам, шунингдек, фуқаролар ҳам бўлиши мумкин. Шу билан бирга, шарҳланаётган модда бўйича дарё портига алоқадор фуқаролар ва мансабдор шахслар, кеманинг мансабдор шахслари ва унга хизмат кўрсатувчи ходимлар; порт бошлиғи (унинг ўринбосари), юк ортиш-тушириш ишлари учун масъул шахслар; кранчи, юк ташувчи ва бошқа ишчилар жавобгар бўладилар.

6. Сув транспорти органларининг вакил қилинган шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишлари ва мазкур ишлар бўйича қарорлар қабул қилишлари мумкин. (252-модда).

121-м о д д а. **Транспорт воситаларининг ички жиҳозларига шикаст етказиш**

Локомотивлар, вагонлар, дарё ва ҳаво кемалари, худди шунингдек, ҳамма турдаги махсус транспортларнинг ойналари ва ички жиҳозларига шикаст етказиш, — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Автобусларнинг, таксиларнинг, маршрут таксиларининг, шаҳар электр транспортининг ва метрополитен вагонларининг ойналари ва ички жиҳозларига шикаст етказиш, — энг кам иш ҳақининг икки бараваридан тўрт бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Шарҳланаётган модда бўйича ҳуқуқбузарликлар объекти молмулкка тааллукди бўлган ижтимоий муносабатлардир. Тажовуз ашёси сифатида транспорт воситаларининг ички жиҳозлари намоён бўлади.

2. Ҳуқуқбузарликларнинг объектив томони барча турдаги транспорт воситаларининг ички жиҳозларини шикастлантиришга қаратилган ҳаракатларда ифодаланади. Шикастланиш жиҳозларни шундай ҳолатга келтириши лозимки, тегишли таъмирлашдан кейингина уларнинг фаолияти тикланиши мумкин.

3. Мазкур ҳуқуқбузарликларни содир қилиш воситаси турли ашёлар ойналарни шикастлантириш учун — оёқ, қўл, мушт ва тошлар, бошқа қаттиқ буюмлардан; темир йўл транспорти вагонлари, ҳаво ва сув транспорти кемалари ички жиҳозларини шикастлантириш учун пичоқдан, бошқа буюмлардан фойдаланилган бўлиши мумкин.

4. Мазкур ҳуқуқбузарликнинг таркиби, агар фуқаро буюмлар, жиҳозлар, ўриндиқлар, тўсиқларга ва шу кабиларга катта ҳажмли оғир буюмларни ортиш, тушириш йўли билан шикаст етказган бўлса ҳам яққол намоён бўлиши мумкин.

5. Субъектив томондан шарҳланаётган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин.

6. Қараб чиқилаётган ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари фақат 16 ёшга етган фуқаролар бўлиши мумкин.

7. Мазкур модданинг 2-қисми автобуслар, таксилар, маршрут таксилари, шаҳар электр транспорти ва метрополитен вагонлари ойналари ва ички жиҳозларини шикастлантириш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни бирлаштиради.

8. Шарҳланаётган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомалар темир йўл, ҳаво ёки дарё транспортининг вакил қилинган мансабдор шахслари ёки ички ишлар органлари (милиция) ходимлари томонидан тузилади.

9. Ички ишлар органлари (милиция), темир йўл, ҳаво ва сув транспорти, шунингдек, йўловчи ташийдиган шаҳар ва шаҳарлараро транспорт ва электр транспортининг мансабдор шахслари (248, 250, 251, 252, 254-моддалар) тегишли транспортда ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги учун бу тоифадаги ишларни кўриб чиқиб, улар юзасидан қарорлар қабул қила оладилар.

122-м о д д а. **Транспортда белгиланмаган жойларда чекиш**

Маҳаллий ва узоққа қатнайдиган поездларда, дарё ва ҳаво кемаларида белгиланмаган жойларда чекиш, шунингдек, шаҳар атрофига қатнайдиган поездларнинг вагонларида (шу жумладан, тамбурларида), шаҳар ва шаҳарлараро автобусларда, таксиларда, маршрут таксиларида ва шаҳар электр транспортида чекиш, — энг кам иш ҳақининг йигирмадан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ушбу модда бўйича ҳуқуқбузарлик объекти фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. Хатти-ҳаракатларнинг объектив томони транспорт воситаларидаги тақиқланган жойларда чекишда ифодаланади. Булар шаҳар атрофига қатнайдиган поездларнинг вагонлари (шу жумладан, тамбурлари), метрополитен, маҳаллий ва узоққа қатнайдиган поездларнинг вагонлари, шунингдек, дарё транспорти кемаларининг чекиш учун белгиланмаган жойларидир.

3. 16 ёшга етган фуқаролар кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликларнинг субъекти ҳисобланади.

4. Кодекснинг 283-моддасига мувофиқ, ҳуқуқбузарликларнинг мазкур тури бўйича баённома тузилмайди. Тегишли транспортда ҳуқуқбузарлик содир этилгани учун ишларни кўриб чиқишга ва улар юзасидан қарорлар қабул қилишга ички ишлар органлари (милиция), сув, темир йўл, ҳаво транспорти, шунингдек, йўловчилар ташийдиган шаҳар ва шаҳарлараро автомобиль транспорти ҳамда электр транспортининг мансабдор шахслари (248, 250, 251, 252, 254-моддалар) ҳақлидирлар.

123-модда. **Транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш**

Поездларнинг вагонлари, автомобиль ва шаҳар электр транспортидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш, — энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Шарҳланаётган моддада поездларнинг вагонлари, автомобиль ва шаҳар электр транспортидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юборганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Тажовуз объекти атроф-муҳитнинг софлигини ва нормал санитария ҳолатини муҳофаза қилиш билан боғлиқдир.

2. Объектив томон поездларнинг вагонлари, автомобиль транспорти, трамвай ва троллейбусларнинг деразалари ёки эшикларидан ахлат ёхуд бошқа нарсаларни ташлаб юбориш билан ажралиб туради.

3. Субъектив томондан шарҳланаётган моддада санаб ўтилган қоидаларни

бузиш ёки ҳаракатлар қасддан ёхуд эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин. Ҳаракатларнинг оқибатларига келганда, айбдорнинг муносабати ҳамиша айбнинг эҳтиётсизлик билан содир этилган шакли билан ажралиб туради.

4. Шарҳланаётган модда белгиларига тўғри келадиган хатти-ҳаракатларнинг субъектлари фуқаролар ҳисобланади.

5. Ички ишлар, темир йўл транспорти, йўловчилар ташийдиган шаҳар ва шаҳарлараро автомобиль транспорти ва электр транспорти органлари ишларни кўриб чиқиб, улар юзасидан қарорлар қабул қила оладилар (248, 250, 254-моддалар).

124-м о д д а. **Транспортда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш**

Транспортда белгиланган ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Бу моддада тилга олиб ўтилган қоидалар Саноат корхоналари учун ёнғин хавфсизлиги намунавий қоидаларида, Темир йўл транспортида ёнғин хавфсизлиги қоидаларида, Дарё транспортида ёнғин хавфсизлиги қоидаларида, Фуқаро авиациясини муҳофаза қилиш бўйича қўлланмада келтириб ўтилган.

2. Шарҳланаётган моддага кирувчи ҳуқуқбузарликларнинг тажовуз объекти ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича ижтимоий муносабатлардир.

3. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони темир йўл, дарё ёки ҳаво транспорти объектларида, шунингдек, бошқа объектларда, транспортнинг бу турлари билан маълум даражада боғланган (вокзаллар, портлар ва уларнинг иншоотлари, омборхона бинолари кабиларда) ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузувчи ҳаракатларда ёки ҳаракатсиздикда ифодаланади.

Бу модда ҳуқуқбузарликларнинг кўпгина турлари (гуруҳлари) ва уларнинг муайян кўринишларини қамраб олади. Ҳуқуқбузарликларнинг бу турлари (гуруҳлари), биринчидан, транспортнинг тури билан, иккинчидан, бу ҳуқуқбузарликларга йўл қўйиладиган объектлар (поезд, самолёт, вокзал, порт, омбор ва ҳоказолар)га боғлиқ қоидалар билан олдиндан белгилаб чиқилган. Муайян ҳуқуқбузарликлар турли ҳаракатларда, масалан, вагонларда, самолётларда, каюталарда керосин, бензин ва бошқа осон аланга оладиган ва ёнилғи моддалар ташишда; юқорида санаб ўтилган транспорт воситаларидан уларнинг корпусига ток ўтаётган ҳолда фойдаланишга рухсат этишда; самолётни баклари тўлдирилган ҳолда ангарга киритишда; двигатель қурилмалари ишлаб турган транспорт воситаларининг ёнилғи-мойлаш материаллари, нефть қуйиш кемалари ва ҳоказолар яқинида туришда ифодаланади.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузишнинг объектив томони фақат фаол ҳаракатларда эмас, шу билан бирга, ҳаракатсизликда ҳам ифодаланиши

мумкин. Бундай ҳаракатсизлик транспорт объектларидаги ёнғин хавфсизлигининг муайян қоидаларида назарда тутилган. Уларга, масалан, чекиш жойларининг аниқланмаганлиги, атрофи ўраб қўйилмаганлиги ва ҳоказолар киритилиши мумкин.

4. Шарҳланаётган модда бўйича жавобгарлик бironбир мулкий зарар етказилиши билан боғланмайди. Ўртача оғирликдаги ёки оғир тан жароҳати етказилган тақдирда бу ҳуқуқбузарликлар ЖКнинг 259-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин.

5. Субъектив томондан ушбу моддада кўрсатиб ўтилган ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этилган бўлиши мумкин.

6. Ҳуқуқбузарлик субъекти ҳам фуқаро, ҳам мансабдор шахс бўлиши мумкин.

7. Мазкур моддага тўғри келадиган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилгани тўғрисидаги баённома 281-модда асосида 249, 250, 251, 252, 254-моддаларда кўрсатиб ўтилган вакил қилинган шахс томонидан тузилади.

8. Тегишли транспортда ҳуқуқбузарлик содир этилгани учун шарҳланаётган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни давлат ёнғин назорати органлари, темир йўл транспорти, сув, ҳаво транспорти, йўловчилар ташийдиган шаҳар ва шаҳарлараро автомобиль транспорти ва электр транспортининг мансабдор шахслари (249, 250, 251, 252, 254-моддалар) кўриб чиқишлари ва улар юзасидан қарорлар қабул қилишлари мумкин.

125-м о д д а. **Транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Ҳайдовчилар ва йўловчиларнинг мотошлемлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаслиги, — энг кам иш ҳақининг йигирмадан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳайдовчиларнинг фойдаланиш ман этиладиган даражада носозлиги бўлган транспорт воситаларини бошқариши, — энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳайдовчиларнинг давлат техника кўригидан ўтмаган ёки белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган ёхуд тормоз тизимида ёки руль бошқарувида ёхуд уловчи қурилмада носозлиги бўлган, худди шунингдек, ишлаётганида ташқарига чиқараётган ифлослантирувчи моддаларнинг миқдори, шунингдек, шовқин даражаси белгиланган нормадан ортиқ бўлган ёхуд тегишли рухсати бўлмай туриб, қайта жиҳозланган транспорт воситаларини бошқариши, — энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фойдаланиш белгиланган тартибда ман этилган транспорт воситаларини, худди шунингдек, давлат рақам белгиси ўзбошимчалик

билан ечиб олинган ёхуд давлат рақам белгиси ясама ёки ўзга усулларда ўзгартирилган транспорт воситаларини бошқариш, — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қарашли транспорт воситаларини ишдан ташқари вақтда улардан фойдаланиш шартларига мувофиқ келадиган тарзда махсус жиҳозланмаган жойда сақлаш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу Кодекснинг 125, 126, 127, 128, 129, 130, 131, 133, 134, 135, 136, 139, 140, 141-моддаларида транспорт воситалари дейилганда барча турдаги автомобиллар ва тракторлар, бошқа хил ўзиюрар машиналар, трамвай ва троллейбуслар, шунингдек, мотоцикллар ва бошқа механик транспорт воситаларини тушунмоқ керак.

1. Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиши — йўл ҳаракати хавфсизлигига ва бу воситалардан фойдаланишнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарликдан йўл ҳаракати қатнашчиларинингхавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тасдиқлаган йўл ҳаракати қоидалари ва бошқа норматив ҳужжатлар транспорт воситаларидан фойдаланишга доир бир қатор талабларни, уларнинг мажбурий равишда ДАН рўйхатидан, техник кўрикдан ўтказилишини белгилаб беради.

2. Хавфсизлик мақсадларида қондаларда мотоцикл ҳайдовчиларда мотошлем бўлиши назарда тутилади. Қоидаларга мувофиқ, транспорт воситаларининг ҳаракатланиши вақтида ҳайдовчи ва йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлашнинг айтиб ўтилган воситаларидан фойдаланиш мажбурий ҳисобланади. Кўрсатиб ўтилган Қоидаларни бузиш Кодекснинг мазкур моддаси 1-қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибини ҳосил қилади.

3. Модданинг 2-қисми носозликлари бўлган транспорт воситаларини бошқариш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликлар таркибини ҳосил қилади.

4. Мазкур модда 3-қисмининг объектив томони ҳайдовчиларнинг техника кўригидан ўтмаган ёки белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган ёхуд тормоз тизимида ёки руль бошқарувида ёхуд уловчи қурилмада носозлиги бўлган, худди шунингдек, ишлаётганида ташқарига чиқарадиган ифлослантирувчи моддалар миқдори, шунингдек, шовқин даражаси белгиланган нормадан ортиқ бўлган ёхуд тегишли рухсати бўлмай туриб қайта жиҳозлангантранспорт воситаларини бошқаришда ифодаланади.

5.Йўл ҳаракати қоидалари ягона норматив ҳужжат бўлиб, транспорт воситалари кимга тегишли бўлишидан қатъи назар, улардан фойдаланишга доир бир қатор талаблар қўяди. Масалан, Қоидаларга мувофиқ, йўл ҳаракатида иштирок этувчи транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга тааллуқли бўлган соҳадаги техникавий ҳолати ва

жиҳозлари тегишли андозаларга, техник фойдаланиш қоидаларига, тайёрловчи корхоналарнинг йўриқномаларига, рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ва бошқа норматив-техникавий ҳужжатларга жавоб бериши лозим.

Қоидалар транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқлайдиган шартларни белгилаб беради. Қоидаларда тормоз тизимига, руль бошқарувига, ташқи ёритиш асбобларига ва бошқаларга тааллуқли бўлган носозликлар кўрсатиб ўтилган.

6. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида транспорт воситаларини ўзбошимчалик билан қайта жиҳозлаш ман этилади. Уларнинг қайта тузилиши ҳар бир ҳолатда хавфсизлик талабларини пасайтирмаслиги ва ДАН рухсати билан амалга оширилиши лозим. Тегишли рухсатга эга бўлмай туриб, қайта жиҳозланган транспорт воситаларини бошқариш Кодекснинг шарҳланаётган моддасига кўра жавобгарликка сабаб бўлади.

7. Ўзбекистонда транспорт воситаларини ягона ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш жорий этилган. Ҳар бир транспорт воситасига техник паспорт ва белгиланган намунадаги рақам белгиси берилади. Рўйхатдан ўтказилмаган транспорт воситасини бошқариш ушбу моддага мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

8. Транспорт воситасидан фойдаланиш табиий едирилишга олиб келади, унинг хавфсиз имкониятларини пасайтиради. Техникавий жиҳатдан йосоз транспорт воситаларини ишлатишга барҳам бериш мақсадида бу воситалар мунтазам равишда техник кўрикдан ўтказиб турилади, унинг натижалари асосида техник паспортга транспорт воситасининг созлиги (ёки носозлиги) тўғрисида белги қўйилади. Техникавий кўрикдан ўтказилмаган транспорт воситасини бошқариш ҳам ушбу моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибини ҳосил қилади.

9. Мазкур модда 4-қисмининг объектив томонини фойдаланиш белгиланган тартибда ман этилган транспорт воситаларини, худди шунингдек, рақам белгиси ўзбошимчалик билан ечиб олинган ёхуд рақам белгиси ясама ёки ўзга усуллар билан ўзгартирилган транспорт воситаларини бошқариш ҳосил қилади. Жуда кўп ҳолларда транспорт воситаларидан, хоҳ ўзиники бўлсин, хоҳ олиб қочилган бўлсин, жиноятлар содир этиш мақсадида фойдаланилади.

10. Шарҳланаётган модда бўйича жавобгарлик юқорида кўрсатиб ўтилган талабларни бузган ҳолда транспорт воситаларини бошқариш фактининг ўзи аниқланиши билан бошланади. Агар бу ҳаракатлар йўл-транспорт ҳодисасига сабаб бўлган тақдирда оқибатлар хусусияти ва уларнинг ҳажмига қараб, айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 266-моддаси бўйича квалификация қилинади.

11. Субъектив томондан ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиши қасддан қилинган айб билан ажралиб туради. Ҳайдовчи транспорт воситаси хавфсизлик ва фойдаланиш талабларига жавоб бермаслигини билгани ҳолда уни бошқаришни истайди. Ҳуқуқбузарлик сабаби (ишлаб чиқариш зарурати, бошқа шахсларнинг илтимоси ва шу кабилар) квалификация қилинишда аҳамиятга эга бўлмайди.

12. Кўриб чиқилаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик субъекти фақат давлат корхонасига, муассасасига, ҳарбий ёки жамоат ташкилотига тегишли транспорт воситаси ёхуд шахсий транспорт воситаларининг ҳайдовчиси бўлиши мумкин. Башарти мазкур ҳуқуқбузарлик транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан содир этилган бўлса, у ҳолда улар Кодекснинг 135-моддаси бўйича жавобгар бўладилар. Мансабдор шахслар техникавий кўрикдан ўтмаган, носозлиги бўлган, шу туфайли улардан фойдаланиш тақиқланган транспорт воситаларини, рухсат олмай туриб қайта жиҳозланган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган транспорт воситасини йўлга чиқаргани учун Кодекснинг 139-моддаси бўйича маъмурий жавобгарликка тортилади (ушбу моддалар шарҳига қаранг).

13. 125-моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ички ишлар органлари (милиция)нинг мансабдор шахслари, ДАН бошлиғи, инспекторлар таркиби, шунингдек, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар кўриб чиқадилар (247, 248, 256-моддалар).

126-м о д д а. **Кўзгусимон ва туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ностандарт ойналар ўрнатилган транспорт воситаларидан фойдаланиш**

Кўзгусимон, шунингдек, тегишли давлат стандартларида белгиланган нормаларни бузган ҳолда тайёрланган туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойналар ўрнатилган транспорт воситаларидан фойдаланиш, — энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

1. Кодекснинг ушбу моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик объекти йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳисобланади. Мазкур модда ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун жавобгарликни бедгилайди.

2. Модданинг объектив томонини транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳосил қилади; булар кўзгусимон, шунингдек, тегишли давлат стандартларида белгиланган нормаларни бузган ҳолда таиёрланган туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойналар ўрнатилган транспорт воситаларидан фойдаланишда ўз ифодасини топади.

3. Субъектив томондан ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш қасддан қилинган айб билан боғлиқдир. Ҳайдовчи транспорт воситаси хавфсизлик ва фойдаланиш талабларига жавоб бермаслигини билган ҳолда уни бошқаришни истайди.

4. Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик объекти транспорт воситасининг ҳайдовчиси бўлиши мумкин.

5. Мазкур моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги

ишлар вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар ва ички ишлар органларининг мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилади (247, 248-моддалар).

127-м о д д а. **Транспорт воситаларининг товуш чиқарувчи ва ёритувчи қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Товуш сигналини сабабсиз бериш, транспорт воситаларига уни ишлаб чиқарган корхона назарда тутмаган товуш чиқарувчи ва ёритувчи қурилмаларни ўрнатиш, худди шунингдек, уларни ўзгартириб ўрнатиш, — энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Тегишли рухсат олмай туриб, транспорт воситаларига товуш чиқарувчи ва ёритувчи махсус қурилмаларни ўрнатиш, — ана шу қурилмаларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Мазкур моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объекти — йўл ҳаракати хавфсизлиги. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида транспорт воситаларини ўзбошимчалик билан қайта жиҳозлаш ман этилади. Уларни қайта жиҳозлаш ҳар бир ҳолатда хавфсизлик талабларини пасайтирмаслиги ва фақат ДАН рухсати билан амалга оширилиши лозим.

2. Модданинг объектив томонини товуш сигналини сабабсиз бериш, транспорт воситаларига уни ишлаб чиқарган корхона назарда тутмаган товуш чиқарувчи ва ёритувчи қурилмаларни ўрнатиш, тегишли рухсат олмай туриб, транспорт воситаларига сигнал берувчи, товуш чиқарувчи ва ёритувчи қурилмаларни ўрнатиш тарзида транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳосил қилади.

3. Субъектив томондан ҳайдовчиларнинг товуш ёки ёритиш қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиши қасддан қилинган айб ҳисобланади. Ҳайдовчи ДАН органларининг тегишли рухсатини олмай туриб, транспорт воситасини қайта жиҳозлаганини билади ва уни бошқаради.

4. Кўриб чиқилаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик субъектлари фақат транспорт воситаларининг ҳайдовчиси ёки мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

5. Кодекснинг ушбу моддаси бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни маъмурий ишлар бўйича судьялар, ички ишлар органларининг мансабдор шахслари ва вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар кўриб чиқади (245, 247, 248-моддалар).

128-м о д д а. **Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ҳаракат тезлигини ошириб юбориши, йўл белгилари ва йўл ҳаракатининг бошқа қоидалари талабларига риоя қилмаслиги**

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юбориши, светофорнинг ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишораларига бўйсунмаслиги, пиёдалар йўлкасидан юргизиши, устунлик берувчи, тақиқловчи ва кўрсатма берувчи йўл белгилари талабларига, йўлнинг ҳаракат қисмидаги ҳаракатда ўтказиб юборишни кўрсатувчи чизиқларга риоя этмаслиги, одам ташиш, транспорт воситаларини қувиб ўтиш, жамоат транспорти тўхтайдиган бекатлар ёки пиёдалар ўтиш жойларидан юриш қоидаларини, сутканинг қоронғи даврида ёки кўриш чекланган шароитларда ёритиш асбобларидан фойдаланиш қоидаларини бузиши, шунингдек, йўловчиларга лой сачратиши, — энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бир йил мобайнида ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлардан учтасини содир этиш, худди шунингдек, тўсқинликсиз ҳаракат қилиш ҳуқуқидан фойдаланадиган транспорт воситаларининг ўтиб кетишига халақит бериш ёхуд авария ҳолати юзага келишига олиб борган, яъни йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларини тезликни, ҳаракат йўналишини кескин ўзгартиришга ёки ўз хавфсизликлари ёхуд бошқа фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўзга чораларни кўришга мажбур қилувчи ҳуқуқбузарликларни содир этиш, — энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бир йил мобайнида ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлардан тўрттасини ва ундан кўпроғини содир этиш, — энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

1. Кодекснинг ушбу моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар объекти йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳисобланади. Мазкур модда йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузганлик учун ҳайдовчиларнинг жавобгарлигини белгилайди. Уларнинг хавфсизлиги шундан иборатки, бу ҳуқуқбузарликлар натижасида кўпинча йўл-транспорт ҳодисалари рўй беради. Мазкур модда ҳуқуқбузарликларнинг бир нечта таркиби учун жавобгарликни назарда тутади.

2. Объектив томондан бу ҳуқуқбузарликлар йўл ҳаракати қоидаларини бузишлар, яъни транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган тезликни оширишлари; светофорнинг тақиқловчи сигналида ёки йўл ҳаракатини бошқарувчининг тақиқловчи ишорасида юриш; пиёдалар йўллари бўйича ҳаракат қилиш; устунлик берувчи йўл белгиларининг, тақиқловчи ва кўрсатма

берувчи белгиларнинг талабларига, йўлнинг қатнов қисмидаги ҳаракатни ўтказиб юборишни кўрсатувчи чизиқларга риоя этмаслик, одам ташиш қоидаларини бузиш; транспорт воситаларини қувиб ўтиш қоидаларини бузиш; жамоат транспорти тўхтайдиган бекатлар ёки пиёдалар ўтиш жойларидан юриш; сутканинг қоронғи даврида ёки кўриш чекланган шароитларда ёритиш асбобларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, шунингдек, йўловчиларга лой сачратишни содир этишда ифодаланади. Санаб ўтилган бу хатти-ҳаракатлардан ҳар бири Кодекснинг мазкур моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик таркибини ҳосил қилади. Йўл ҳаракати қоидаларини ана шу бузишлардан келган зарарли оқибатлар келиб чиққан пайтда етказилган зарарнинг хусусияти ва ҳажмига қараб, жиноий қонунлар бўйича жавобгарлик бошланади.

3. Ушбу модда юқорида айтиб ўтилган маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг оддий ва малакали таркиблари учун жавобгарликни назарда тутади. Модданинг 2-қисми бўйича жавобгарлик худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган тақдирда бошланади. Мазкур модданинг 3-қисмига мувофиқ квалификация қилувчи белги бир йил мобайнида ушбу модданинг 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлардан учтасини ва ундан ҳам кўпроғини содир этиш, худди шунингдек, юқорида санаб ўтилган йўл ҳаракати қоидаларини бузишлар, авария ҳолати юзага келишига сабаб бўлишидан иборатдир.

Авария ҳолатини вужудга келтириш деганда айбдорнинг йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузиши натижасида шундай ҳолатлар юзага келиши тушуниладики, улар ҳаракат хавфсизлигига, кишилар ҳаёти ва соғлиғига реал хавф туғдиради. Бу, аввало, қоидабузарнинг йўл ҳаракати бошқа қатнашчиларининг тезликни, ҳаракат йўналишини кескин ўзгартиришга мажбур этган ҳаракатлари бўлиб, бу йўл ҳаракатидаги кескинликни авж олдиришга сабаб бўлади.. Авария ҳолатини вужудга келтириш деганда Қонуннинг, шунингдек, Кодекснинг мазкур моддаси 1-қисмида назарда тутилган қоидабузарликлар ҳам тушунилади, улар йўл ҳаракати бошқа қатнашчилари учун ўз хавфсизликларини ёхуд бошқа фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўзга чораларни кўриш зарурлигига сабаб бўлади.

4. Субъектив томондан кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик қасддан қилинган айб билан боғлиқ бўлади. Айбдор ўзининг йўл ҳаракати қоидаларини бузишни содир этаётгани ҳуқуққа зид эканлигини ҳис қилади, бу қоидабузарлик натижасида йўл ҳаракати хавфсизлиги таҳдид остида қолишини олдиндан кўра билади ва бу таҳдидни истайди ёхуд онгли равишда бунга йўл қўяди.

5. Кодекснинг ушбу моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг субъекти фақат давлат корхоналари, муассасалари, ҳарбий ёки жамоат ташкилотларига қарашли транспорт воситаларининг ҳайдовчиларигина эмас, шунингдек, шахсий транспорт ҳайдовчилари ҳамдир. Агар бундай ҳуқуқбузарликлар транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берадиган ҳужжати бўлмаган шахслар томонидан содир этилган бўлса, улар Кодекснинг

135-моддаси бўиича жавобгар бўладилар (мазкур модда шарҳига қаранг).

6. Кодекснинг ушбу моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ички ишлар органлари (милиция)нинг мансабдор шахслари, ҳарбий автомобиль инспекцияси ва вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар томонидан кўриб чиқилади (247, 248, 256-моддалар).

129-м о д д а. **Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солувчи гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишда қатнашиши**

Мотоцикллар ва бошқа транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўлларда йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи ёки авария ҳолатини келтириб чиқарувчи гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишда қатнашиши, — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойдан бир йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

1. Кодекснинг ушбу моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объекти йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳисобланади. Мазкур модда транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишда қатнашганлиги учун жавобгарликни белгилайди. Уларнинг хавфи шундан иборатки, бу ҳуқуқбузарликлар натижасида кўпинча йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлади.

2. Объектив томондан бу ҳуқуқбузарликлар йўлларда мотоцикллар ва бошқа транспорт воситаларида йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солишда ёки авария ҳолатини келтириб чиқаришда ифодаланади.

3. Кодекснинг мазкур моддаси 2-қисми худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилганлиги учун жавобгарликни назарда тутади.

4. Субъектив томондан кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик қасддан айб қилиш билан боғлиқдир. Айбдор ўзи содир этаётган йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши ғайриҳуқуқий эканлигини англайди, бу ҳуқуқбузарлик натижасида йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солиниши ёки авария ҳолати вужудга келишини олдиндан кўра билади ва бу таҳдидни истайди ёхуд онгли равишда бунга йўл қўяди.

5. Кодекснинг ушбу моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликнинг субъекти фақат транспорт воситаларининг ҳайдовчилари бўлиши мумкин. Агар бундай ҳуқуқбузарлик транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берадиган ҳужжатга эга бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, бундай шахслар

Кодекснинг 135-моддаси бўйича жавобгар бўлади (мазкур модда шарҳига қаранг).

6. Кодекснинг 129-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар, вояга етмаганлар ишлари билан шугулланувчи комиссиялар ва ички ишлар органлари томонидан кўриб чиқилади (245, 247, 248-моддалар).

130-м о д д а. **Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг темир йўлнинг ўтиш жойларидан ўтиш қоидаларини бузиши**

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг темир йўлнинг ўтиш жойларидан ўтиш қоидаларини бузиши, — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойдан бир йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

1. Мазкур ҳуқуқбузарлик объекти йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳисобланади. Хавф шу билан ҳам ошадики, темир йўлнинг ўтиш жойидан ўтиш қоидаларига риоя қилмаслик транспорт воситаларининг поезд билан тўқнашув хавфини солади. Йўл ҳаракати қоидалари темир йўлнинг ўтиш жойидан ўтишнинг махсус қоидасини белгилайди.

2. Шарҳланаётган модда транспорт воситалари ҳайдовчиларининг темир йўлнинг ўтиш жойларидан ўтиш қоидаларини бузишининг объектив томонини ҳосил қилувчи ҳаракатлар рўйхатини ўз ичига олмаган. Бу ҳаракатларга қуйидагилар киради: ўтиш жойига шлагбаум ёпиқ вақтда ёки ёпилаётган вақтда келиш, шлагбаумни ўзбошимчалик билан очиш ёки уни айланиб ўтиш, темир йўлнинг белгиланмаган жойларидан кесиб ўтиш. Шуниси борки, мазкур рўйхат тўлиқ ҳисобланмайди. Йўл ҳаракати қоидалари ўтиш жойига, агар ҳайдовчининг орқа томонида тирбандлик ҳосил бўлса, у ҳайдовчини ўтиш жойида тўхташга, қишлоқ хўжалик, йўл, қурилиш ва бошқа машиналарни нотранспорт ҳолатида ўтказишга мажбур этса, ўтиш жойига келишни тақиқлайди. Темир йўлнинг ўтиш жойларидан ўтиш қоидаларини бузишнинг Йўл ҳаракати қоидалари 17.1 — 17.9 бандларининг бузилиши билан боғлиқ ҳар қандай факти мазкур моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибини ҳосил қилади. Агар айтиб ўтилган ҳаракатлар зарарли оқибатларнинг бошланишига сабаб бўлса, у ҳолда уларнинг хусусияти ва етказилган зарарнинг ҳажмига қараб, айбдор Кодекснинг 134-моддаси бўйича (ушбу модда шарҳига қаранг) жавобгар бўлади.

3. Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик субъектив томондан айбнинг қасддан қилинган шакли билан ажралиб туради. Ҳайдовчи темир йўлнинг ўтиш жойларидан ўтиш қоидаларини бузишнинг ижтимоий хавфли эканлигини

англаб етган ҳолда бу қоидаларни бузишни истайди.

4. Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъекти, транспорт воситасининг кимга мансуб эканлигидан қатъи назар, унинг ҳайдовчиси бўлиши мумкин. Худди шундай ҳуқуқбузарликни транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берадиган ҳужжатга эга бўлмаган шахснинг содир этиши Кодекснинг 135-моддаси билан квалификация қилинишига сабаб бўлади (ушбу модда шарҳига қаранг).

Кодекснинг 130-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ички ишлар органлари, ҳарбий автомобиль инспекциясининг мансабдор шахслари ва вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссия томонидан кўриб чиқилади (247, 248, 256-моддалар).

131 -м о д д а. **Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш**

Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини алкоголли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқариши, — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилдан икки йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан уч йил муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини алкоголли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқариши, — энг кам иш ҳақининг етти баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Алкоголли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст шахсга транспорт воситаларини бошқаришни топшириш, — энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан икки йилдан уч йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

1. Мазкур ҳуқуқбузарлик объекти йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳисобланади. Унинг хавфсизлиги шу нарса билан боғлиқки, алкоголли ичимликлар ёки гиёҳванд моддаларнинг таъсирида транспорт воситаси ҳайдовчиси организмининг энг муҳим функциялари бузилади, бошқарув учун зарур бўлган реакция ва шу кабилар йўқолади. Статистиканинг гувоҳлик беришича, транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш кўпинча ўзининг оқибатлари жиҳатидан энг оғир йўлтранспорт ҳодисаларига ва одамларнинг ўлимига олиб келади.

2. Объектив томондан мазкур модданинг 1-қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳайдовчининг транспорт воситасини маст ҳолда бошқаришида ифодаланади. Бошқариш деганда транспорт ҳаракати вақтида ҳайдовчининг функциясини бевосита бажариш ёки ҳайдовчи-инструктор

вазифаларини бажариш тушунилади. Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг мажбурий белгиси транспорт воситасини бошқаришни маст ҳолда бўлган ҳайдовчининг бажаришидир, бундай ҳолатда бўлиш деганда алкоголли ичимлик ва гиёҳванд модда билан маст бўлиш назарда тутилади. Кодекснинг мазкур моддаси таркиби мавжуд бўлиши учун мастликнинг қандай даражада бўлиши аҳамиятли эмас. Шу билан бирга, унинг учун муҳим нарса — транспорт воситасини бошқарувчи ҳайдовчининг маст ҳолда бўлиши фактининг ўзини аниқдашдир. Қонун мастлик ҳолатини аниқдаш тартибини назарда тутади. Шунингдек, Кодекс транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ана шундай текширувдан ўтишдан бўйин товлашлари учун ҳам маъмурий жавобгарлик белгилайди (Кодекснинг 136-моддаси шарҳига қаранг).

Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик таркиби учун транспорт воситасини маст ҳолда бошқарган ҳайдовчи йўл ҳаракати қоидаларини яна қандайдир даражада бузишни содир этган-этмаганлиги (тезликни ошириш, маневрлаш қоидаларини бузиш ва ҳоказолар) аҳамиятли эмас. Бироқ бундай ҳуқуқбузарликнинг мавжуддиги Кодекснинг ушбу моддаси санкцияси доирасида маъмурий жазо чораси миқдори ва турини белгилашда ҳисобга олиниши мумкин.

3. Мазкур модда 2-қисмининг объектив томонини транспорт воситаларини алкоголли ичимликлар, гиёҳванд моддалар ёки ўзгача турдаги мастлик ҳолатида бўлган ва транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берадиган ҳужжатга эга бўлмаган шахсларнинг бошқариши ҳосил қилади.

4. Модданинг 3-қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектив томонини, шунингдек, транспорт воситасини бошқаришни маст ҳолдаги шахсга топшириш ҳам ташкил этади. Бу таркиб учун хос бўлган нарса транспорт воситасини бошқариши лозим бўлган ҳайдовчи ўзини транспорт воситасини бошқаришдан четлатиб, уни бошқаришни маст ҳолда бўлган шахсга бошқариш учун топширишидир. Шарҳланаётган модданинг маъносига кўра, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берадиган ҳужжатга эга бўлган шахснинг бошқаришни маст ҳолда бўлган шахсга топшириши назарда тутилади. Бунда ҳуқуқбузарлик таркиби мавжуд бўлиши учун транспорт воситасини бошқариш топширилган шахснинг бу транспорт воситасини бошқаришга ҳуқуқи борйўқдиги аҳамиятга эга бўлмайди.

5. Объектив томондан Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик қасддан қилинган айб билан боғлиқдир. Ҳайдовчи транспорт воситасини ёки уни бошқаришни маст ҳолдаги шахсга топширишнинг, маст ҳолда бошқаришнинг ғайриҳуқуқий эканлигини англаган ҳолда, ўзининг бу ҳаракати натижасида йўл ҳаракати учун хавф туғилишини олдиндан билади ва буни истайди. Бу ҳаракатларнинг сабаблари кўриб чикилаётган ҳуқуқбузарлик таркиби учун аҳамиятга эга эмас.

6. Ҳуқуқбузарлик субъекти давлат корхонаси, муассасаси, ҳарбий ёки жамоат ташкилоти транспорт воситасининг ҳайдовчиси ёхуд шахсий транспорт ҳайдовчиси бўлиши мумкин.

7. Ушбу модданинг санкцияси жарима тарзидаги маъмурий жазо чорасига

ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилдан уч йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлишини кўзда тутади. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзидаги жазо чорасини белгилашда транспорт воситаларининг бир неча турини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган ҳайдовчиларга нисбатан мазкур жазо чораси барча турдаги транспортга татбиқ этилади. Масалан, Кодекснинг ушбу моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган ҳайдовчи енгил, юк транспорти ва мотоциклни бошқариш ҳуқуқига эга бўлса, транспорт воситаларининг мазкур барча турларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

8. Кодекснинг 131-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар ички ишлар органлари мансабдор шахслари (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этишдан ташқари), ҳарбий автомобиль инспекцияси (2қисм бўйича), маъмурий ишлар бўйича судья (1, 3-қисмлар бўйича) ва вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссия томонидан кўриб чиқилади (245, 247, 248, 256-моддалар).

132-м о д д а. **Кема ҳайдовчиларининг кичик ҳажмли кемаларни маст ҳолда бошқариши**

Кема ҳайдовчиларининг кичик ҳажмдаги кемаларни маст ҳолда бошқариши, шунингдек, кичик ҳажмли кемаларни бошқаришни алкоголли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолдаги шахсларга топшириш, — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга ёки кема ҳайдовчиларини кемани бошқариш ҳуқуқидан олти ойгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

1. Шарҳланаётган ҳуқуқбузарлик объекти кемаларнинг хавфхатарсиз сузиши, белгиланган бошқариш тартибига доир ижтимоий муносабатлардир.

2. Бу моддага киритилган хатти-ҳаракатларнинг объектив томони кема ҳайдовчиларининг кичик ҳажмли кемаларни маст ҳолда бошқаришида, шунингдек, бундай кемаларни бошқаришни алкоголли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолдаги шахсга топширишда ифодаланиши мумкин.

3. Шарҳланаётган модда учун хос бўлган нарса шуки, мазкур ҳуқуқбузарлик учун шахс, башарти кема ҳайдовчиси бўлса ва кемани бошқаришни маст ҳолдаги шахсга топширган бўлса, жавобгарликка тортилади.

4. Маст ҳолат деганда фақат алкоголли ичимлик эмас, балки бошқа гиёҳванд ва заҳарли моддалар истеъмол қилиш туфайли вужудга келган ҳолатни тушуниш керак.

5. Агар шахс сузиш қоидасини ёки кемадан фойдаланиш қоидаларини бузишга йўл қўйган бўлса, ёхуд буларга йўл қўймаган бўлса-ю, лекин у ҳаддан ташқари чарчаган ҳолатда бўлса, Кодекснинг ушбу моддасига мувофиқ, жавобгарликка тортилмайди. Бундай ҳолатда жавобгарлик содир этилган

ҳаракатга қараб, Кодекс моддалари бўйича белгиланади.

6. Кодекснинг мазкур моддаси қамраб оладиган ҳуқуқбузарликлар субъекти ҳам кема ҳайдовчилари, ҳам кемани бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар бўлиши мумкин.

7. Кўрсатиб ўтилган ҳаракатларни содир этиш жарима солишга ёки кема ҳайдовчиларини кемаларни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўлади.

8. Агар кичик ҳажмли кемани бошқаришни маст ҳолдаги шахсга топшириш инсонга оғир тан жароҳати етказилишига ёхуд унинг ўлимига олиб келган бўлса, бундай ҳуқуқбузарлик ЖКнинг 265-моддаси билан квалификация қилинади.

9. Бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга маъмурий ишлар бўйича судьялар, шунингдек, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи туман (шаҳар) комиссиялари ҳақлидирлар (245, 247-моддалар).

133-м о д д а. **Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келиши**

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келиши, — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан бир йилдан уч йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

Анча миқдордаги моддий зарар деганда, энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан ошиб кетган зарар тушунилади.

1. Бу ҳуқуқбузарликлар объекти йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳисобланади. Кўшимча объект сифатида инсон соғлиғи ва мол-мулк намоён бўлади.

2. Объектив томондан Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни Кодекснинг 125-131-моддаларида назарда тутилган, жабрланувчиларга енгил тан жароҳати етказилишига ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига сабаб бўлган йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ташкил этади.

Бу норманинг диспозицияси ҳавола қилинадиган диспозициядир, чунки унда йўл ҳаракати қоидаларини бузиш белгилари айтилмайди, балки Кодекснинг айтиб ўтилган моддаларига ҳавола мавжуддир.

Шунинг учун ҳам бу ҳуқуқбузарликлар квалификация қилинганда айбдор ҳайдовчиларнинг ҳаракатларида йўл ҳаракати қоидаларини маъмурий бузишлар белгилари бор-йўқлиги (улар учун жавобгарлик Кодекснинг 125—131-моддаларида белгиланган), транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, тезликни ошириш, йўл белгилари талабларига риоя қилмаслик, темир йўлнинг ўтиш жойларидан ўтиш қоидаларини бузиш ва шу

кабилар бор-йўқлигини аниқлаш лозим бўлади. Бироқ кўрсатиб ўтилган моддалардан фарқли ўлароқ, қараб чиқилаётган ҳуқуқбузарликлар объектив томонининг зарур белгиси зарарли оқибатларнинг содир бўлиши, жабрланувчига енгил тан жароҳати ёхуд анчагина миқдорда моддий зарар етказилишидир. .Шу билан бирга, кимнинг мол-мулкига жиддий зарар етказилганлиги аҳамиятга эгадир. Шарҳланаётган модда жабрланувчига етказилган зарарни, яъни шахснинг мол-мулкига етказилган зарарни аникдаб беради. Агар айтиб ўтилган йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши натижасида мол-мулкка анча миқдорда моддий зарар ёки енгил тан жароҳати етказилган бўлса, у ҳолда транспорт воситасининг айбдор ҳайдовчиси ҳаракатлари Кодекснинг мазкур моддаси бўйича квалификация қилиниши керак. 133-моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликнинг объектив томони учун шу тариқа Кодекснинг 125-131-моддаларида назарда тутилган йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши факти, жабрланувчига енгил тан жароҳати ёхуд анчагина моддий зарар етказилиши тарзидаги зарарли оқибатларга сабаб бўлганини, ўша ҳуқуқбузарликлар билан келиб чиққан оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш зарур бўлади.

3. Субъектив томондан қараб чиқилаётган ҳуқуқбузарликлар айбдорнинг ҳаракатларига нисбатан қасддан қилинган айб сифатида ажралиб туради, зарарли оқибатларнинг бошланишига нисбатан эса айбнинг эҳтиётсизлик орқасида келиб чиққан шакли ҳам бўлиши мумкин, бунда айбдор ўзининг йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги натижасида зарарли оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра билмаган, лекин у буни кўра билиши лозим эди.

4. 133-моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъекти давлат корхоналари, муассасалар, жамоат ташкилотлари транспорт воситаларининг ҳайдовчилари, шунингдек, шахсий транспорт ҳайдовчилари бўлиши мумкин. Агар бу ҳуқуқбузарликлар транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, у ҳолда айбдорнинг жавобгарлиги Кодекснинг 135-моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим (шарҳларга қаранг).

5. Ушбу 133-моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни маъмурий ишлар бўйича судьялар ва вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар кўриб чиқади (Кодекснинг 245, 247-моддалари).

134-м о д д а. **Ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши транспорт воситаларининг ёки бошқа молмулкнинг шикастланишига олиб келиши**

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши транспорт воситалари, йўл ҳаракатини тартибга солувчи воситалар ёки бошқа мол-мулк шикастланишига олиб келса, лекин анча миқдорда моддий зарар етказмаса, — энг кам иш ҳақининг бир

бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойдан бир йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

1. Бу ҳуқуқбузарликнинг объекти йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳисобланади. Мол-мулк қўшимча объект сифатида намоён бўлади.

2. Субъектив томондан Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни Кодекснинг 125—131-моддаларида назарда тутилган, транспорт воситасининг ёки бошқа мол-мулкнинг шикастланишига сабаб бўлган йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши ташкил этади.

Бу норманинг диспозицияси ҳавола этиладиган диспозициядир, чунки унда йўл ҳаракати қоидаларини бузиш белгилари айтилмайди, балки Кодекснинг айтиб ўтилган моддаларига ҳавола мавжуддир.

Шунинг учун бу ҳуқуқбузарликларга баҳо берганда айбдор ҳайдовчиларнинг ҳаракатларида йўл ҳаракати қоидаларини маъмурий бузишлар белгилари бор-йўқдиги (улар учун жавобгарлик Кодекснинг 125—131-моддаларида белгиланган), транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, тезликни ошириш, йўл белгилари талабларига риоя қилмаслик, темир йўлнинг ўтиш жойларидан ўтиш қоидаларини бузиш ва шу кабилар бор-йўқлигини аниқлаш лозим бўлади. Бироқ кўрсатиб ўтилган моддалардан фаркди ўлароқ, кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликлар объектив томонининг зарур белгиси транспорт воситалари, юклар, йўллар, йўл иншоотлари ва бошқа иншоотлар ёхуд ўзгача тарздаги мол-мулкнинг шикастланиши тарзидаги зарарли оқибатларнинг келиб чиқишидир. Кимнинг мол-мулкига — давлат, жамоат ёки шахсий мол-мулкка зарар етказилганлиги аҳамиятга эга эмас. Шу билан бирга, етказилган зарар анча миқдорда бўлмаслиги лозим ва жабрланувчиларга тан жароҳатлари (енгил тан жароҳатларидан бирмунча камроқ) етказилмаслиги лозим. Агар айтиб ўтилган йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши натижасида мол-мулкка анчагина миқдорда зарар ёки тан жароҳати етказилган бўлса, у ҳолда транспорт воситаси айбдор ҳайдовчисининг ҳаракатларини Кодекснинг 133-моддаси бўйича квалификация қилиш керак бўлади. Кодекснинг 134-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик таркибининг объектив томони учун шу тариқа Кодекснинг 125—131-моддаларида назарда тутилган йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши фактини аниқлаш, транспорт воситаларига ёки бошқа мол-мулкка унчалик муҳим бўлмаган шикаст етказилиши тарзидаги зарарли оқибатларнинг келиб чиқишини, бу ҳуқуқбузарлик билан келиб чиққан оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш лозим бўлади.

3.Субъектив томондан кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликлар айбдорнинг ҳаракатларига нисбатан қасддан қилинган айб сифатида ажралиб туради, зарарли оқибатларнинг келиб чиқишига нисбатан эса айбнинг эҳтиётсизлик шакли ҳам бўлиши мумкин, бунда айбдор йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги натижасида зарарли оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра билмаган, лекин у буларни олдиндан кўра олган бўлиши ва кўриши лозим эди.

4. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик субъекти давлат корхоналари, муассасалар, жамоат ташкилотлари транспорт воситаларининг ҳайдовчилари, шунингдек, шахсий транспорт ҳайдовчилари бўлиши мумкин. Агар бу ҳуқуқбузарликлар транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, у ҳолда айбдорнниг жавобгарлиги Кодекснинг 135-моддаси бўйича келиб чиқиши лозим (135-модда шарҳига қаранг).

5. Кодекснинг 134-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни маъмурий ишлар бўйича судьялар ва вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар кўриб чиқади (Кодекснинг 245, 247-моддалари).

135-м о д д а. **Бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлари бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқариши**

Ҳайдовчилик гувоҳномаси ёки унинг талони, ишончнома, транспорт воситасини рўйхатдан ўтказганлик ҳақидаги ёки транспорт воситасига тааллуқли ўзга ҳужжатлар ёнида бўлмаган ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариши, — энг кам иш ҳақининг бешдан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг шу воситаларни бошқариши, худди шунингдек, бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсга транспорт воситаларини бошқаришнинг топширилиши, — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсларнинг бундай воситаларни бошқариши, — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Мазкур ҳуқуқбузарлик объекти йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳисобланади. Бу ҳуқуқбузарликнинг жиддийлиги ва ундан келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар шу нарса билан боғлиққи, транспорт воситасини, яъни оширилган хавф-хатар манбаини махсус тайёргарликка, ҳайдаш кўникмаларига эга бўлмаган шахс бошқаради.

2. Объектив томондан Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларини ҳайдовчилик гувоҳномаси ёки унинг талони, ишончнома, транспорт воситасини рўйхатдан ўтказганлик ҳақидаги бошқа ҳужжатлар ёнида бўлмаган ҳайдовчиларнинг бошқаришида (биринчи қисм); бу воситаларни бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг шу воситаларни бошқариши, худди шунингдек, бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсга транспорт воситаларини бошқаришни топширишда (иккинчи қисм), транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсларнинг бундай воситаларни бошқаришида (учинчи қисм) ифодаланади.

Бу ҳуқуқбузарликларнинг таркиби шахснинг битта транспорт турини

(масалан, мотоциклни) бошқариш ҳуқуқига эга бўла туриб, ўзи бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган транспорт воситасини (масалан, енгил автомобилни) бошқарган ҳолатларни ҳам қамраб олади.

Ҳуқуқбузарликнинг мазкур таркиби учун етказилган зарар анча микдорда бўлмаслиги ва жабрланувчилар соғлиғига зарар етказмаслиги лозим. Агар етказилган моддий зарар анчагина микдорда бўлса, ёхуд кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик натижасида жабрланувчиларга тан жароҳати етказилган бўлса, у ҳолда айбдорнинг ҳаракатлари Кодекснинг 133-моддаси бўйича квалификация қилинади.

3. Субъектив томондан Кодекснинг шарҳланаётган моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик қасддан қилинган айб билан ажралиб туради. Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ўзининг транспорт воситасини бошқариши хавфли ва ғайриҳуқуқий эканлигини ҳис қилади, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солишини олдиндан кўра билади ва бундай таҳдидни истайди (бунга онгли равишда йўл қўяди). Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсга бошқаришни топшириш ҳам қасддан қилинган айбдорлик хосдир.

4. Кўриб чиқилаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик субъекти 16 ёшга етган ҳар қандай ақли расо шахс; биринчи қисм бўйича — ёнида транспорт воситасини бошқаришга ҳужжатлар ва уни бошқариш ҳуқуқи бўлмаган; иккинчи қисм бўйича — транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс, худди шунингдек, транспорт воситасини бошқаришни бунга ҳуқуқи бўлмаган шахсга топшириш; учинчи қисм бўйича — илгари бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс бўлиши мумкин.

5. Кодекснинг шарҳданаётган моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар ички ишлар органлари, ҳарбий автомобиль инспекциясининг мансабдор шахслари (248, 256-моддалар) ва ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияларга берилганда улар томонидан кўриб чиқилади (247-модда).

136-м о д д а. **Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг мастлиги ёки маст эмаслигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаши**

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоголли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлиги ёки маст эмаслигини белгиланган тартибда аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаши, — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойдан бир йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилдан уч йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Мастлик ёки маст эмаслик ҳолатини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаш йўл ҳаракати қатнашчилари учун белгиланган хулқ-атвор тартибини бузиш билан боғлиқдир. Лекин у йўл ҳаракати хавфсизлиги учун бевосита таҳдид солмайди.

2. Объектив томондан мазкур моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик мастлик ҳолатини аниқдаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлашда ифодаланади. Бунда ана шундай бўйин товлаш шакли (текширувдан ўтишни рад қилиш, транспорт воситасини ташлаб кетиш, яширинишга уриниш ва шу кабилар) мазкур ҳуқуқбузарликка баҳо бериш учун аҳамиятга эга эмас. Кодекснинг 292-моддасига мувофиқ, текширувдан ўтишга юбориш «Алкоголли ёки таркибида алкогол бўлган ичимликларни, гиёҳванд ёки гангитувчи бошқа моддаларни истеъмол қилганлик фактини аниқдаш ва текширувдан ўтказиш учун текширувдан ўтишга юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»да белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. Субъектив томондан қараб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик бевосита ғаразли ният билан ажралиб туради. Шахс транспорт воситаларини бошқарувчи шахсларнинг текширувдан ўтиши бўйича белгиланган тартибни бузаётганини англаб етади ва бундай текширувдан ўтишдан бўйин товлашни истайди.

4. Мастлик ёки маст эмаслик ҳолатини аниқдаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлашнниг субъекти транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ва бу воситаларни бошқарувчи бошқа шахслар бўлиши мумкин. Шарҳданаётган модда субъектга қараб ҳуқуқбузарликнинг икки таркибини назарда тутади: биринчи қисм бўйича — транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ҳуқуқбузарликни содир этиши; иккинчи қисм бўйича — транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқбузарликни содир этиши.

5. Кодекснинг 136-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар ички ишлар органлари, ҳарбий автомобиль инспекциясининг мансабдор шахслари (248, 156-моддалар) ва вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар томонидан сўриб чиқилади (247-модда).

137-м о д д а. **Йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойдан кетиб қолиш**

Йўл-транспорт ҳодисаси қатнашчиларининг белгиланган қоидаларни бузган ҳолда ҳодиса юз берган жойдан кетиб қолиши, — энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан бир йилдан уч йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

1. Кодекснинг шарҳланаётган моддасида назарда тутил ган маъмурий ҳуқуқбузарлик объекти йўл ҳаракати қоидалари ҳисобланади.

2. Объектив томондан бу ҳуқуқбузарликлар йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойни ташлаб кетишда ифодаланади. Йўл ҳаракати қоидалари 5. 1-бандига мувофиқ, йўл-транспорт ҳодисаси юз берган тақдирда ҳайдовчи қуйидагиларни бажариши шарт:

-транспорт воситасини дарҳол тўхтатиш, мажбуран тўхташ сигналини улаш ёки белги ўрнатиш, транспорт воситасининг ва ҳодисага алоқадор ашёларнинг ўрнини алмаштирмаслик;

-жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш, «тез ёрдам»ни чақириш, агар бундай имконият бўлмаса, ўзининг транспорт воситасида ёки ўтиб кетаётган бошқа транспортда жабрланувчи (жабрланувчилар)ни яқин орадаги даволаш муассасасига олиб бориш, у ерда ўз фамилияси, исми, отанинг исмини, транспорт воситасининг рақам белгисини айтиш ва ҳодиса юз берган жойга қайтиб келиш;

-рўй берган ҳодисани милицияга хабар қилиш, гувоҳларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда уларнниг яшаш жойларини ёзиб олиш ва милиция ходимлари етиб келишини кутиш;

-рўй берган ҳодиса изларини сақлаш, ҳодиса юз берган жойни ўраб олиш ва бу жойни айланиб ўтишни ташкил этиш;

-агар транспорт воситалари ҳаракатини таъминлаш зарур бўлса, гувоҳларнинг иштирокида рўй берган ҳодисага алоқадор бўлган ашёлар ва изларни қайд этиш, йўлнинг одам ва транспорт ўтадиган қисмини бўшатиб қўйиш.

Йўл-транспорт ҳодисаси қатнашчиларининг кўрсатиб ўтилган вазифаларни бажармаслиги кодекснинг шарҳданаётган моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик таркибини ҳосил қилади.

3. Субъектив томондан қараб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик қасддан қилинган айб билан ажралиб туради. Айбдор ўзи содир этган ҳуқуқбузарликнинг ғайриқонуний эканлигини англаб етади.

4. Кодекснинг ушбу моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик субъекти транспорт воситаларининг ҳайдовчилари бўлиши мумкин. Агар бундай ҳуқуқбузарлик транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, у ҳолда бу шахснинг жавобгарлиги Кодекснинг 135-моддаси бўйича келиб чиқади (135-модда шарҳига қаранг).

5. Кодекснинг 137-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқади (245-модда), ишни кўриб чиқиш вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияларга топширилган тақдирда, бу комиссиялар томонидан ҳам кўриб чиқилади (247-модда).

138-м о д д а. **Пиёдалар ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг ҳаракат қоидаларини бузиши**

Пиёдаларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи сигналларга бўисунмаслиги, уларнинг йўлнинг ҳаракат қисмини белгиланмаган жойлардан кесиб ўтиши, шунингдек, мопед ва велосипед ҳайдовчиларнинг, аравакашлар ва йўлдан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи сигналларга бўисунмаслиги, устунлик берувчи, тақиқловчи ёки кўрсатма берувчи йўл белгилари талабларига риоя этмаслиги, — энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳайдовчиларга ҳар хил хизмат кўрсатиш мақсадида йўлнинг қатнов қисмида фуқароларнинг туриши, йўлларга ажратилган минтақа теграсида мол боқиш, — энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан учдан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши авария ҳолатини вужудга келтирса, — энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Кўриб чиқилаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик объекти йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳисобланади. Пиёдалар ва йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчилари томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузишнинг хавфли эканлиги шундан иборатки, улар транспорт ҳаракати учунгина таҳдид солиб қолмасдан, шу билан бирга, кўпинча уларнинг ўзлари, йўл-транспорт ҳодисалари статистикасининг гувоҳлик беришича, бундай ҳодисаларда жабрланувчи бўлиб қоладилар. Йўл ҳаракати қоидалари фақат транспорт воситалари ҳайдовчиларининг вазифаларини эмас, балки пиёдалар, йўловчилар, велосипедчилар ва йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчилари вазифаларини ҳам белгилаб беради.

2. Шарҳланаётган модда пиёдалар ва бошқа йўл ҳаракати иштирокчиларининг уч гуруҳидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгар бўлишини назарда тутади.

3. Объектив томондан Кодекснинг мазкур моддаси 1-қисми бўйича содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик пиёдаларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузишнинг бир неча турларида ва йўлнинг белгиланмаган жойлардаги ҳаракати қисмидан ўтиш вақтида йўл ҳаракатини тартибга солиш сигналларига риоя қилмаслигида; шунингдек, мопедларни ва велосипедларни бошқарувчиларнинг, йўлдан фойдаланувчи юк ташувчилар ва бошқа шахсларнинг риоя қилмаслигида; йўл ҳаракатини тартибга солувчи сигналларга бўйсунмасликда; устунлик берувчи, тақиқловчи ёки кўрсатма берувчи йўл белгилари талабларига риоя этилмаслигида ифодаланади. Шарҳланаётган модданинг мазкур қисми бўйича жавобгарлик юқорида тилга олиб ўтилган ҳуқуқбузарликларни содир этганлик фактидан келиб чиқади.

Агар пиёдалар, шунингдек, мопедлар ва велосипедларнинг бошқарувчилари,

йўлдан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши авария ҳолатини вужудга келтирса, уларнинг жавобгарлиги Кодекснинг 138-моддаси 3-қисми бўйича келиб чиқади. (Авария ҳолатини вужудга келтириш тушунчаси тўғрисида Кодекснинг 128-моддаси шарҳларига қаранг).

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, мазкур ҳуқуқбузарликнинг таркиби фақат оғир бўлмаган оқибатларнигина қамраб олади. Пиёдалар, велосипедчилар, юк ташувчилар ва йўлдан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши оғир оқибатларга (жабрланувчига тан жароҳати етказишга, давлат, жамоат ташкилотларига ёки айрим фуқароларга анчагина миқдорда зарар етказишга) олиб келган тақдирда, ЖКнинг 268-моддасида назарда тутилган жиноят таркибини ҳосил қилади.

Кодекс 138-моддасининг иккинчи қисми ҳайдовчиларга ҳар хил хизмат кўрсатиш мақсадида йўлнинг қатнов қисмида турганлик, йўлларга ажратилган минтақа теграсида мол боққанлик учун жавобгарликни белгилайди.

4. Субъектив томондан кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган айб шакллари билан ажралиб туради, Кодекснинг 138-моддаси 3-қисми бўйича қасддан қилинган айб ҳаракат қоидаларини бузишда намоён бўлади, келиб чиққан зарарли оқибатларга нисбатан эса айб кўпинча эҳтиётсизлик орқасида содир қилинади. Пиёда ёки йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчиси ўз хатти-ҳаракатининг ғайриҳуқуқий эканлигини англаб етади, авария ҳолати вужудга келиши мумкинлигини олдиндан кўради, лекин енгилтаклик билан уларнинг олдини олиш мумкин, деб ҳисоблайди ёхуд бу оқибатларни олдиндан кўра олмайди, ҳолбуки буни олдиндан кўриши лозим ва мумкин эди. Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликларга баҳо беришга айбнинг қандай шаклдалиги таъсир кўрсатмайди, лекин у маъмурий жазо чораси турини ва миқдорини белгилашда ҳисобга олиниши мумкин.

5. Кодекснинг 138-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик субъектлари йўл ҳаракатининг турли иштирокчилари — пиёдалар, велосипедчилар, юк ташувчилар ва бошқалар (транспорт воситалари ҳайдовчиларидан ташқари), ақли расо ва 16 ёшга етган шахслар бўлиши мумкин.

6. Кодекснинг 138-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ички ишлар органлари, ҳарбий автомобиль инспекциясининг мансабдор шахслари ва юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни қабул қилиб олган орган (мансабдор шахс) уни қараб чиқиш учун вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияларга топширган тақдирда, бу комиссиялар кўриб чиқади (247, 248, 256-моддалар).

139-м о д д а. **Носоз транспорт воситаларини йўлга чиқариш ва транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш**

Носозлиги туфайли фойдаланиш тақиқланган ёки тегишли рухсат олмай туриб қайта жиҳозланган ёхуд кўзгусимон, шунингдек, белгиланган нормаларни бузган ҳолда туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойна ўрнатилган ёки белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган ёхуд техника кўригидан ўтказилмаган транспорт воситаларини йўлга чиқариш, — транспорт воситаларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланиш учун масъул мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик объекти йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳисобланади.

2. Объектив томондан ушбу ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланиш учун жавобгар бўлган мансабдор шахсларнинг фойдаланиши тақиқланган (носозлиги туфайли) ёки тегишли рухсат олмай туриб қайта жиҳозланган ёхуд кўзгусимон, шунингдек, белгиланган нормаларни бузган ҳолда туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойна ўрнатилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган ёхуд техника кўригидан ўтказилмаган транспорт воситаларини йўлга чиқаришда ифодаланади. Кўрсатиб ўтилган ҳаракатлардан биттасини содир этиш ҳуқуқбузарлик таркиби ҳосил қилади, бунинг учун жавобгарлик Кодекснинг 139-моддасида белгиланган.

3. Кодекснинг ушбу моддаси маъносига кўра, кўриб чиқилаётган маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг таркиби фақат кўрсатиб ўтилган нуқсонларга эга бўлган транспорт воситалари йўлга чиқишининг ўзини қамраб олади. Ғайриҳуқуқий бу хатти-ҳаракатларнинг зарарли оқибатлари мазкур ҳуқуқбузарлик таркиби доирасидан четда қолади. Шу билан бирга, агар техник жиҳатдан носоз транспорт воситаларини атайлаб йўлга чиқариш ЖКнинг 262-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келган бўлса, айбдорлар ЖКнинг мазкур моддаси бўйича жавобгар бўладилар.

4. Субъектив томондан кўриб чиқилаётган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши қасддан ва эҳтиетсизлик орқасида қилинган ҳаракат асосида келиб чиқиши мумкин. Айбнинг шакли қандай баҳо берилишига таъсир қилмайди, лекин маъмурий жазо чорасининг тури ва миқдорини танлашда ҳисобга олиниши мумкин.

5. Мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик объектлари мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари бўлиши мумкин, уларга амалдаги йўриқномалар ёки қоидаларга, тегишли фармойиш билан ёхуд эгаллаб турган ёки хизмат мавқеига кўра транспорт воситаларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланиш учун жавобгарлик белгиланган бўлади.

6. Кодекснинг 139-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар ички ишлар органлари ва ҳарбий автомобиль инспекциясининг мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилади (248, 256-моддалар).

140-м о д д а. **Маст ҳолдаги ҳайдовчиларнинг ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқаришига йўл қўйиш**

Алкоголли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст бўлган ҳайдовчиларнинг ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқаришига йўл қўйиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Йўл ҳаракати хавфсизлиги мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади.

2. Объектив томондан мансабдор шахсларнинг ғайриҳуқуқий ҳаракатлари транспорт воситаларини маст ҳолда бўлган ҳайдовчиларнинг бошқаришига йўл қўйишида ифодаланади. Қонун мазкур пайтда маст ҳолда бўлган ҳайдовчиларнинг, шунингдек, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг бошқаришига йўл қўйганлик учун жавобгарлик белгилайди. Мазкур ҳуқуқбузарлик таркиби учун мастлик даражаси аҳамиятга эга эмас. Агар транспорт воситаларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланиш учун жавобгар бўлган мансабдор шахс маст ҳолда бўлган ҳайдовчининг ёки бошқа шахснинг транспортни бошқаришига йўл қўйса, ҳуқуқбузарлик яққол кўзга ташланиб турган ҳисобланади. Ҳайдовчи ёки бошқа шахс йўлга чиққан ёки чиқмаганлиги баҳо бериш учун аҳамиятга эга эмас. Кодекснинг ушбу моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби зарарли оқибатларни қамраб олмайди. Агар транспорт воситасининг маст ҳолдаги шахс бошқаришига йўл қўйилиши натижасида оғир тан жароҳатлари етказилган бўлса ёки одамнинг ўлимига сабаб бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 261-моддасида назарда тутилган жиноят таркибини ҳосил қилади.

3. Субъектив томондан ҳуқуқбузарлик фақат қасддан қилинган айб билан ажралиб туради. Мансабдор шахс маст ҳолдаги ҳайдовчининг ёки транспорт воситасини бошқаришга қўйилган бошқа шахснинг ҳолатини олдиндан билади. Мазкур ҳолатда сабаб ҳуқуқбузарликка баҳо беришга таъсир кўрсатмайди.

4. Ҳуқуқбузарлик субъектлари органларнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мансабдор шахслари бўлиши мумкин, уларга амалдаги йўриқномалар ёки қоидаларга биноан, тегишли фармойиш билан ёхуд эгаллаб турган хизмат мавқеи туфайли транспорт воситаларининг техникавий ҳолати ва улардан фойдаланиш учун жавобгарлик юкланган бўлади.

5. Кодекснинг 140-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ички ишлар органлари ва ҳарбий автомобиль инспекциясининг мансабдор шахслари кўриб чиқадилар (248, 256-моддалар).

141-м о д д а. **Транспорт воситаларидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш**

Ҳайдовчиларнинг корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қарашли транспорт воситаларидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиши, — энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ушбу моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик, бир томондан, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга тегишли бўлган транспорт воситалари, машиналар ёхуд механизмлардан (шахсий транспорт воситаларидан ташқари) фойдаланишнинг белгиланган тартибига тажовуз қилади, иккинчи томондан, бировнинг молмулкига зарар етказади. Транспорт воситаларидан машиналар, механизмлардан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ғайриқонуний равишда меҳнатсиз даромад олиш турларидан бири ҳисобланади.

2. Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг объектив томони шахсий бойлик орттириш мақсадида, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга қарашли транспорт воситалари, машиналар ёхуд механизмлардан фойдаланишда ифодаланади.

Амалдаги меъёрий хужжатларда фуқароларга машиналар ёхуд механизмлар ёрдамида бажариладиган транспорт ва бошқа хизматлар кўрсатиш тартиби ва уларга тўланадиган ҳақ миқдори назарда тутилган. Тегишли рухсат олмай туриб, ана шу воситалардан фойдаланиш эса ҳуқуққа зид ҳисобланади.

3. Транспорт воситалари дейилганда барча турдаги автомобиллар ва тракторлар, бошқа хил ўзиюрар машиналар, трамвай ва троллейбуслар, шунингдек, мотоцикллар ва бошқа механик транспорт воситаларини тушунмоқ керак (125-модданинг 6-қисмига қаранг).

Транспорт воситалари ва машиналардан ғаразли мақсадларда ўзбошимчалик билан фойдаланиш Кодекснинг 141-моддаси маъносига кўра, ҳуқуққа зид ҳаракатларнинг мураккаб таркибини ташкил этади. Булар тасарруфида тегишли техника бўлган мансабдор шахсларнинг (гараж мудири, автоколонна бошлиғи ва шу кабиларнинг) ҳам, транспорт воситасидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланадиган шундай восита ҳайдовчисининг ҳам, давлат техникасининг ёрдамида транспорт ёки бошқа хизматлар кўрсатилаётган фуқаронинг ҳам ҳаракатларидир. Транспорт воситалари ва машиналар учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарлик фаол ҳаракатлар шаклида (ҳайдовчига ғайриқонуний рейсни амалга ошириш ҳақида фармойиш беришда) ҳам, шунингдек, ҳаракатсизлик шаклида (ҳайдовчиларнинг бундай хатти-ҳаракатларига халақит бермасликда) ҳам ифодаланиши мумкин.

4. Субъектив томондан кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик қасддан қилинган айб шаклида кўзга ташланади. Шахс корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг транспорт воситалари, машиналар ёки механизмларидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш ҳуқуқига зид эканлигини англаб етади ва

шундай фойдаланишни хохдайди. Мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик субъектив томонининг объектив белгиси шахсий бойлик орттириш мақсадидир. Ҳуқуқбузарлик таркиби мавжуд бўлиши учун айбдор бундай мақсадга эришган ёки эришмаганлиги аҳамиятга эга эмас. Транспорт .воситалари, машиналар ва механизмлардан фойдаланиш шахсий бойлик орттириш мақсадида амалга оширилганини аниқлаш муҳимдир.

5. Кодекснинг 141-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик субъектлари 16 ёшга етган фуқаролар; транспорт воситаларининг ҳайдовчилари; транспорт воситалари, машиналар ва механизмлардан фойдаланиш учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар бўлиши мумкин. Шўни таъкидлаш керакки, кўриб чиқилаётган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун айтиб ўтилган субъектлардан бири, шунингдек, улардан ҳар бири ҳам жазоланиши мумкин.

6. Транспорт воситалари, машиналар ёхуд механизмлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш тўғрисидаги ишлар ички ишлар органлари ва ҳарбий автомобиль инспекциясининг мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилади. Ички ишлар органлари ваколатига транспорт воситалари ҳайдовчилари содир этган бундай ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар киритилган (248, 256-моддалар).

142-м о д д а. **Хавфли моддалар ва ашёларни транспортда ташиш қоидаларини бузиш**

Темир йўл, ҳаво ва сув транспортида қўл юки сифатида ёнувчан, заҳарловчи, тез алангаланувчи, портловчи ҳамда заҳарли моддалар ва ашёларни олиб юриш қоидаларини бузиш, — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Юк сақлаш камерасига портловчи, тез алангаланувчи, заҳарли ва бадбўй моддалар ва ашёларни топшириш, — ана шу моддалар ва ашёларни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиб ёки олиб қўймай ёхуд мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Троллейбусда, трамвайда, метрополитенда, автобусда, маршрут таксисида портловчи, тез алангаланувчи, заҳарловчи ҳамда заҳарли моддалар ва ашёларни олиб юриш, — энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ушбу модда бўйичаҳуқуқбузарликларнинг объекти жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ижтимоий муносабатлар бўлиб, улар хавфли моддалар ва ашёларни ташиш ёхуд юбориш ёки багажга ёхуд юк сақлаш камерасига топшириш билан боғлиқдир.

Бу модда бланкетли бўлганлиги сабабли хатти-ҳаракатнинг объектив томонини белгилашда кўрсатиб ўтилган транспорт турларида хавфли қўл юкини ташишни, шунингдек, уларни юк сақлаш камерасига топширишни

тартибга соладиган норматив ҳужжатларга мурожаат қилиш зарур.

2. 142-моддага кирувчи маъмурий ҳуқуқбузарликларнингобъектив томони транспортда хавфли юкларни ташиш қоидаларини бузувчи ҳаракатларда ёки ҳаракатсизликда ифодаланиши мумкин. Ҳуқуқбузарликлар хусусияти ташиладиган юкларнинг хоссаларига боғлиқдир. Ташиладиган моддаларнинг нейтраллаштирувчиси, иккинчи қўшимча юкнинг йўқлиги ва бошқалар шарҳданаётган модда бўйича жавобгарликка тортилишга асос бўлиши мумкин. Юк ёмон ўрамда ташилганда ёки қаровсиз қолдирилганда, хавфли юк бошқа вагонда ёхуд бошқа транспортда ташилган ҳолларда ҳам жавобгарлик келиб чиқиши мумкин ва ҳоказо.

3. Хавфли ашёларни ва моддаларни багажга ёхуд юк сақдаш камерасига топширишни расмийлаштириш босқичида айбдорларнинг ҳаракатлари ёхуд бу моддада айтиб ўтилган юк билан шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида санаб ўтилган ва ҳаракатда бўлган транспорт ичида ҳақиқатда бўлиши ҳуқуқбузарлик ҳисобланиши мумкин.

4. 142-модданинг 3-қисми бўйича объектив томон троллейбусда, трамвайда, автобусда, маршрут таксисида хавфли моддаларни (портловчи, осон алангаланувчи, заҳарловчи, заҳарли моддаларни) олиб юриш (ташиш)да ифодаланади.

Мазкур модда бўйича жавобгарлик кўрсатиб ўтилган ашёлар ва моддаларни ташиш шаҳар атрофига қатнайдиган поездда (электричкалар), шунингдек, метрода амалга оширилганда ҳам келиб чиқиши мумкин.

5. Айбдор шахслар хавфли (разрядли) юкларни темир йўл транспортида ташиганда, агар ташиш қўл юки (ўзи билан бирга) сифатида амалга оширилса, ташиш қоидаларини бузганда, 142-модда бўйича жавобгар бўлмайди.

6. Айрим ҳолларда хавфли юкларни олиб юриш разрядли юклар деб аталувчи юкларни (масалан, пассажир поездларида разрядли юкларни қўл юки ва юк багажи сифатида олиб юриш қоидаларининг 1-бандига қаранг) олиб юришдан иборат бўлиши мумкин. Радиоактив, гиёҳванд моддаларни ёхуд шарҳланаётган моддада кўрсатиб ўтилган моддаларни ташиш қоидаларини бузиш, агар бу ҳуқуқбузарликлар оғир оқибатларга олиб келиши мумкин ёки олиб келган бўлса, 142-модда бўйича баҳоланиши мумкин эмас (ЖКнинг 250, 253, 273-моддалари).

7. Субъектив томондан хавфли моддаларни ташиш қоидаларини бузиш ёхуд уларни мазкур моддада кўрсатиб ўтилган транспорт турларида олиб юриш, багажга топшириш ёки юк сақлаш камерасига топшириш ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин.

8. 142-модда бўйича ҳаракат субъектлари сифатида қоидаларни бузиш ёхуд мазкур моддада кўрсатиб ўтилган ҳаракатларни содир этиш турига қараб, мансабдор шахслар (жўнатувчи) ҳам, шунингдек, фуқаролар ҳам бўлиши мумкин.

9. 142-модда бўйича баённомалар кўрсатиб ўтилган транспорт турларининг,

шунингдек, ички ишлар органларининг вакил қилинган шахслари томонидан тузиб чиқилади. Ички ишлар, ҳаво, темир йўл, сув, автомобиль транспортининг, шаҳар электр транспортининг вакил қилинган шахслари, шунингдек, маъмурий ишлар бўйича судьялар ўз ваколатлари доирасида ишларни кўриб чиқишлари ва улар юзасидан қарорлар қабул қилишлари мумкин (245, 248, 250, 251, 252 ва 254-моддалар).

143-м о д д а. **Кира ҳақи тўламасдан юк олиб юриш**

Троллейбусда, трамвайда, шаҳар ичида ва шаҳар атрофига қатнайдиган автобусда, маршрут таксисида кира ҳақи тўламасдан юк олиб юриш, — ҳар бир юк жойи учун энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

1. Мазкур ҳаракат объекти транспортнинг нормал фаолияти ҳисобланади.

2. Йўловчи ташийдиган шаҳар ва шаҳар атрофига қатнайдиган автомобиль транспортидан ва электр транспортидан фойдаланиш қоидаларида йўловчиларнинг белгиланган ҳажмдагидан ортиқ бўлган юкни олиб юриши вазифаси белгиланган.

Йўловчи ташийдиган шаҳар ва шаҳар атрофига қатнайдиган автомобиль транспортида ва электр транспортида кира ҳақи тўламасдан юк олиб юриш кўриб чиқилаётган ҳаракатнинг объектив томонини ташкил этади.

3. Ҳаракат субъекти 16 ёшга етган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

4. Субъектив томондан у ҳаракат қасддан қилинади.

5. Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилганда баённома тузилмайди, балки ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида жарима солинади ва бу жарима ундириб олинади. Жарима солиниши тўғрисида ҳуқуқбузарга белгиланган намунадаги квитанция берилади, жаримани тўлаш йўловчини кира ҳақи тўлашдан озод қилмайди.

Агар қоидабузар ўзига кўрилган жазо чорасидан норозилик билдирса, Кодекснинг 279-моддасига мувофиқ баённома тузилади (283-модда).

6. Ушбу моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни назоратчи-тафтишчилар, чипта назоратчилари ва бунга вакил қилинган йўловчи ташийдиган шаҳар ва шаҳар атрофига қатнайдиган автомобиль транспорти ва электр транспортининг бошқа вакиллари кўриб чиқадилар (254-модда).

144-м о д д а. **Транспортда чиптасиз юриш**

Йўловчининг транспортда чиптасиз юриши, ўн ёшдан ўн олти ёшгача бўлган болаларни чиптасиз олиб юриш:

а) шаҳар атрофига қатнайдиган поездларда, — энг кам иш ҳақининг бешдан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади;

б) маҳаллий ва узоқ масофага қатнайдиган поездларда, — энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Шаҳар атрофига қатнайдиган поездларда, маҳаллий ва узоқ масофага қатнайдиган поездларда беш ёшдан ўн ёшгача бўлган болаларни чиптасиз олиб юриш, — энг кам иш ҳақининг бешдан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Йўловчиларнинг самолётда чиптасиз юриши, — энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Шаҳарлараро қатнайдиган автобусда чиптасиз юриш, — энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Йўловчининг троллейбусда, трамвайда, шаҳар ичида ва шаҳар атрофига қатнайдиган автобусда чиптасиз юриши, — энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

1. Мазкур ҳуқуқбузарликнинг объекти транспорт ташкилоти билан фуқаро ўртасида юк ташиш юзасидан пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Чиптасиз юриш (учиш) умуман чиптасиз юриш (чипта сотиб олинмаган, ёхуд йўқотилган, кимгадир берилган ва ҳоказо) ёки ҳақиқий бўлмаган чипта билан юриш (масалан, шаҳар йўловчи ташиш транспортида амал қилиш муддати ўтиб кетган ягона билет билан юриш) ҳисобланади. Шаҳар йўловчи ташиш транспортида чипта навбатдаги бекатга етиб боришга қадар сотиб олиниши ёки чакичланилиши лозим. Акс ҳолда, бундай юриш чиптасиз юриш ҳисобланади.

Мазкур моддадан кўриниб турибдики, беш ёшдан ўн олти ёшгача бўлган болаларни чиптасиз олиб юриш (беш ёшгача бўлган болаларни олиб юриш умуман пулсиздир, ўн олти ёшга етган шахс чипта сотиб олишга мажбурдир) ҳам маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

2. Жарима миқдори мазкур моддада энг кам иш ҳақига нисбатан қатъий суммада назарда тутилган, шу билан бирга, беш ёшдан ўн олти ёшгача бўлган болаларни чиптасиз олиб юрганлик учун худди катта ёшдаги шахснинг чиптасиз юриши каби жарима солинади, маҳаллий ва узоқ масофага қатнайдиган поездларда жарима катта миқдорда солинади. Бу ҳолатларнинг ҳар бирида белгиланган жариманинг миқдори муайян турдаги транспорт ташкилотига йўловчининг чиптасиз юриши (учиши) ва болаларни чиптасиз олиб юриш билан етказилган моддий зарарнинг қонунда белгиланган миқдори билан тахминан яқин келтирилади, лекин бу зарар миқдоридан албатта ортиқроқбўлади, токи чиптасиз юриш ва болаларни чиптасиз олиб юриш инсофсиз йўловчи учун иқтисодий жиҳатдан фойдасиз эканлиги маълум бўлсин. Жарима солиниш таҳдиди чипталарни сотиб олишга ундайди.

3. Бундай ҳуқуқбузарликни ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этган шахс жавобгар бўлади.

4. Бу ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни тегишли равишда темир йўл,

ҳаво, йўловчи ташиш, шаҳар ва шаҳарлараро автомобиль транспорти ва электр транспорти органлари назоратчилари, тафтишчилари ва бошқа мансабдор шахслари, шунингдек, ички ишлар органларининг мансабдор шахслари кўриб чиқади (248, 256, 251, 254-моддалар). Жарима ўша жойнинг ўзида (баённома тузмасдан) солинади ва ундирилади. Жарима тўлашдан бош тортилган тақдирда эслатиб ўтилган мансабдор шахслар ўша жойнинг ўзида ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузадилар (283-модда).

145-м о д д а. **Йўловчиларни чиптасиз ташиш**

Ҳаво, темир иўл транспортида йўловчиларни чиптасиз ташиш, — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Сув, автомобиль транспортида ва шаҳар электр транспортида йўловчиларни чиптасиз ташиш, — энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади,

1. Мазкур моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик объекти транспорт ташкилоти билан фуқаро ўртасида юк ташиш юзасидан вужудга келадиган иқтисодий муносабатлардир.

2. Объектив томондан бу ҳуқуқбузарликлар ҳаво кемаларининг командирлари ёки стюардессалари, йўловчилар ташиш поездларининг проводниклари, бригадирлари, бошликлари, шаҳар атрофига қатнайдиган поездларнинг назоратчи-тафтишчилари, дарё йўловчи ташиш кемалари капитанлари, автомобиль транспорти ва шаҳар электр транспорт ҳайдовчилари томонидан йўловчиларни чиптасиз ташишда ифодаланади.

3. Субъектив томондан қараб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик қасддан қилинган айб ҳисобланади.

4. Кодекснинг 145-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликнинг субъекти йўловчиларни фақат чиптасиз ташишни амалга оширувчи шахслар бўлиши мумкин (шарҳланаётган модданинг объектив томонига қаранг). Чиптасиз йўловчи Кодекснинг 144-моддасига мувофиқ жавобгар бўлади (144-модданинг шарҳига қаранг).

5.Кодекснинг 145-моддаси бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ички ишлар органлари, темир йўл, ҳаво транспорти органлари, йўловчи ташийдиган шаҳар ва шаҳарлараро автомобиль транспорти ва электр транспорти органлари кўриб чиқади (248, 250, 251, 254-моддаларнинг шарҳига қаранг).

146-м о д д а. **Ҳаво, темир йўл, сув ва автомобиль транспортида юкларнинг сақланишини таъминлаш қоидаларини бузиш**

Темир йўлнинг юк ташиш учун мўлжалланган қатнов таркибига, контейнерларга, сузувчи ва бошқа транспорт воситаларига, шунингдек, юк ташувчи мосламаларга шикаст етказиш, — энг кам иш ҳақининг бир

бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳаво кемалари, юк вагонлари, автомобиллар, автомобиль тиркамалари, контейнерларнинг, сузувчи воситалар трюмлари ва бошқа юкхоналарнинг пломбаларига ва бекитгич қурилмаларига шикаст етказиш, уларнинг пломбаларини бузиш, айрим юк ўринларига ва юк ўрамаларига, пакетларига, юк қўраларининг, темир йўл станцияларининг, юк автомобиллар станцияларининг, контейнер пунктларининг (майдончаларининг), портларнинг (пристанларнинг) ва юк ташиш билан боғлиқ бўлган операцияларни бажариш учун фойдаланиладиган омборларнинг тўсиқларига шикаст етказиш, шунингдек, тегишли рухсати бўлмай туриб юк қўраларига, контейнер пунктларига (майдончаларига), портлар (пристанлар), шлюзларнинг юк турган ҳудудларига (жойларига) ва юқорида зикр этилган омборларга кириш, — энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳаво, темир йўл, сув ва автомобиль транспортида юкларнинг бут сақланишини таъминлаш қоидаларини бузиш, — мансабдор шахсларга энг кам ойлик иш ҳақиниг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Транспортда жуда катта моддий қимматга эга бўлган кўп миқдордаги юклар ташилади, шунинг учун ҳам давлатнинг ваколатли органлари ташиладиган юкларнинг сакданишини таъминлайдиган қоидалар белгилаб беради. Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик объекти юкларнинг сақланишини таъминлайдиган тартибдир.

2. Эслатиб ўтилган қоидалар транспортни бошқариш органлари томонидан чиқарилади.

3. Кодекснинг ушбу моддаси темир йўл, ҳаво, сув ва автомобиль транспортида юкларнинг сақланиши қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилайди. Модданинг биринчи қисми ҳаракат таркибининг (вагонлар, сузувчи воситалар, юк автомашиналари), контейнерлар, шунингдек, ташувчи мосламаларнинг шикастланганлиги учун жавобгарлик белгилайди.

4. Модданинг иккинчи қисми ҳуқуқбузарликнинг икки гуруҳини назарда тутади: а) ҳаво кемалари, юк вагонлари, автомобиллар, автомобиль тиркамалари, контейнерлар, сузувчи воситалар трюмлари ва бошқа юкхоналарнинг пломбаларига ва бекитгич қурилмаларига шикаст етказиш, уларнинг пломбаларини бузиш, айрим юк ўринлари ва юк ўрамаларига, пакетларига шикаст етказиш; б) темир йўл станцияларининг, юк автомобиллари станцияларининг, контейнер пунктларининг (майдончаларининг), портларнинг (пристанларнинг), юк ташиш билан боғлиқ бўлган операцияларни бажариш учун фойдаланиладиган омборларнинг тўсиқларига шикаст етказиш, шунингдек, тегишли рухсати бўлмай туриб юк қўраларига, контейнер пунктларига (майдончаларига), юк турган ҳудудларга (жойларга) ва юқорида айтиб ўтилган омборларга кириш.

5. Агар ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида мол-мулкни оз миқдорда талон-торож қилиш каби маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби йўқ бўлган тақдирдагина 146-модда бўйича квалификация қилинади, акс ҳолда, бундай ҳаракатлар Жиноят кодексининг 167-моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим.

6. Айб ғаразли ният ёки эҳтиётсизлик шаклида содир этилиши мумкин.

7. Мазкур ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари фуқаролардир.

8. Ушбу моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ички ишлар органлари, темир йўл, ҳаво, сув транспорти органлари (теглшли транспорт турида ҳуқуқбузарлик содир этилганлик учун), шунингдек, йўловчи ташувчи шаҳар ва шаҳарлараро автомобиль транспорти органларининг мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилади. (Кодекснинг 248, 250, 251, 252, 254-моддалари).

147-м о д д а. **Йўлларга, йўл иншоотларига, йўл ҳаракатини тартибга солиб турувчи техник воситаларга шикаст етказиш, уларни сақлаш қоидаларини бузиш**

Йўлларга, темир йўлдан ўтиш жойларига, йўл ҳаракатини тартибга солиб турувчи бошқа иншоотлар ёки техник воситаларга шикаст етказиш, шунингдек, йўл ҳаракатига қасддан халал бериш, шу жумладан, йўл қопламасини ифлослантириш йўли билан халал бериш, — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Иўл белгиларини ўрнатиш, йўлларни, темир йўлдан ўтиш жойлари ва бошқа йўл иншоотларини ҳаракат учун хавфсиз ҳолда сақлаш қоидаларини бузиш ёки йўлнинг айрим қисмларидан фойдаланиш ҳаракат хавфсизлигига тахдид этадиган пайтда уларда ҳаракатни ўз вақтида тақиқлаш ёки чеклаш чораларини кўрмаслик, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Автомобиль йўллари ўз таркибига кирадиган барча иншоотлари (кўприклар, қувурлар, кечув жойлари, линия-фойдаланиш хизмати бинолари ва автотранспорт иншоотлари, яшил дарахтлар, қордан ҳимояланиш ва йўл тўсиқлари, мустаҳкамловчи қурилмалар, йўл белгилари ва кўрсаткичлари) билан давлат мулки ҳисобланади. Йўл ҳаракатининг хавфсизлиги ва узлуксизлиги ана шу иншоотларнинг яхши ҳолатда бўлишига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бу барча объектларга зарар етказишга йўл қўйиб бўлмайди. Кодекснинг ушбу моддасида санаб ўтилган ҳуқуқбузарликлар мол-мулкка тажовуз қилади ва булар учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992, 9-сон, 353-модда), «Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қонунларида (Ўзбекистон Республикаси Олий

Кенгашининг Ахборотномаси. 1992, 3-сон, 156-модда), Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 17 февралдаги 90-сонли «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги қўшимча чоралар тўғрисида»ги қарорида йўллар ва йўл иншоотларининг сақланишини таъминлашга доир бир қатор нормалар мавжуд. Хусусан, бу қонун ҳужжатлари йўлларнинг ўтиш жойларини, йўл белгиларини, ҳаракатни тартибга солувчи ва ташкил этувчи воситаларни шикастлантиришни, йўл иншоотлари ва безакларини шикастлантиришни тақиқлайди.

Автомобиль йўлларида ерда ўрмалаб юрадиган ёки ғилдирагида металл шторли машиналарнинг ҳаракатланиши учун махсус чеклашлар белгиланган. Бу барча тақиқлар йўллар ва йўл иншоотлари шикастланишининг олдини олишга хизмат қилади. Транспорт воситаларининг барча ҳайдовчилари ва фуқаролар йўлларда ёки йўл иншоотларида ҳаракат хавфсизлигига таҳдид соладиган носозликларни аникдаган тақдирда бу ҳақда дарҳол яқин орадаги йўл органларига ва ички ишлар идораларига хабар қилишлари лозим.

3. Объектив томондан шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар йўл ҳаракатига зарар етказувчи ёки унинг учун халал берувчи ҳаракатлардир. Халал етказиш турлича бўлиши мумкин ва у Кодекснинг, 147-моддаси бўйича ҳуқуқбузарликларни баҳолаш учун аҳамиятга эга эмас (транспорт воситаларини, бошқа ашёларни йўлнинг қатнаш қисмида қолдириш ва ҳоказо). Қонун чиқарувчи йўл ҳаракати хавфсизлигига халал бериши мумкин бўлган йўл қопламасини ифлослантиришни алоҳида ажратиб кўрсатади.

Бунда агар ҳуқуққа зид ҳаракат билан шикастланиш ўртасидаги сабабий боғланиш аниқтанган бўлса, жавобгарлик келиб чиқади.

4. Субъектив томондан йўлларнинг, темир йўлнинг ўтиш жойи ва бошқа йўл иншоотларининг шикастланиши ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин. Ҳаракат учун халал бериш фақат қасддан қилинган ҳаракат бўлиши мумкин.

5. Ҳуқуқбузарликнинг субъектлари фуқаролар ёки мансабдор шахслар бўпиши мумкин.

6. Қодекснинг мазкур моддаси 2-қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар объекти йўл белгиларини ўрнатиш ва йўллар, темир йўлларнинг ўтиш жойлари ва йўл ҳаракатининг хавфсизлигини таъминлайдиган бошқа йўл иншоотларини сақлаш тартиби, шунингдек, йўлнинг айрим қисмларидан фойдаланиш ҳаракат хавфсизлигига таҳдид этадиган пайтда уларда ҳаракатни вақтинча тақиқлаш ёки чеклаш чораларини кўришдир.

7. «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, йўл органлари қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:

а) йўллар ва сунъий иншоотларни тоза ва соз ҳолда сақлаш, йўл қопламаларининг текис бўлишини доимий равишда таъминлаш, йўлларни ўз

вақтида қордан тозалаш ва яхмалак вақтида сирғанишнинг олдини оладиган чоралар кўриш;

б) Давлат автомобиль назорати билан келишилган ҳолда йўлларда амалдаги давлат стандартларига мувофиқ йўл белгиларини ўрнатиш жойларини аниқлаш ва ўрнатиш, шунингдек, пиёдалар ўтиш йўлларини белгилаш.

Ҳаракатни тартибга солиш транспорт воситаларининг тезлигини чеклайдиган йўл белгиларини қўйиш ва ўтиш қисмини белгилаш билан амалга оширилади;

в) йўлларнинг ҳаракат учун хавфли бўлган участкаларини тумбалар, калта қилиб қоқиладиган йўғон қозиқлар ёки панжаралар билан қуршаб олиш;

г) йўл-таъмирлаш ишлари амалга оширилаётган жойларни кундузги ва тунги вақтда яхши кўринадиган йўл белгилари билан ўраб қўйишни таъминлаш. Тунда ишламайдиган йўл машиналарини йўлларнинг қатнов қисмларидан олиб қўйиш ва ҳоказо.

Темир йўлнинг ўтиш жойларида ҳаракат учун хавфсиз бўлган ҳолатини таъминлашга нисбатан чораларни темир йўл транспорти органлари кўради.

8. Қонунда белгиланишича, табиий офат юз берган ҳолларда ёки йўл-иқлим шароитлари туфайлигина йўлларда транспорт ҳаракати вақтинча тўхтатилиши ёки чекланиши мумкин. Транспорт воситаларининг ҳаракатини тўхтатиш ёки чеклаш тўғрисидаги қарор йўлларнинг тоифасига қараб, ваколатли органлар томонидан қабул қилинади. Зарур ҳолларда бу ҳақдаги қарорни ички ишлар органлари қабул қилади.

Йўлларнинг айрим участкаларидан фойдаланиш ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солган вақтда бу участкаларда ҳаракатни вақтинча тақиқлаш ёки чеклаш йўл органлари учун шарт ҳисобланади, буларни бажармаслик Кодекснинг 147-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни вужудга келтиради.

9. Объектив томондан қараб чиқилаётган ҳуқуқбузарликлар ҳаракат ёки ҳаракатсизликни ташкил этиб, автомобиль йўлларини, темир йўлнинг ўтиш жойларини ёки бошқа йўл иншоотларини сақлаш юзасидан вазифаларни бажармасликдан ёки йўлларнинг айрим участкаларида ҳаракатни ўз вақтида тақиқлаш ёхуд чеклаш чораларини кўрмасликдан иборат.

10. Бу ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган бўлиши мумкин.

11. Бу ҳаракатларнинг субъектлари йўлларнинг, темир йўлларнинг кесиб ўтиш жойлари ва бошқа иншоотларнинг аҳволи учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар ҳисобланади.

12. Шарҳланаётган моддаларда назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ишлар ички ишлар органлари томонидан кўриб чиқилади (248-модда).

148-м о д д а. **Темир йўллар ва автомобиль йўллари учун ажратилган минтақаларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш**

Темир йўллар ва автомобиль йўллари учун ажратилган минтақаларда темир йўл органлари ва йўл органлари билан келишмай туриб ерни ҳайдаш, ўт ўриш, дарахт кесиш ва уларга шикаст етказиш, чимларни олиб ташлаш ва тупроқ олиш, канализация, саноат, мелиорация сувларини ва оқава сувларни сув қочириш иншоотларига ва резервларига оқизиш, шунингдек, ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёқиш, ёғоч кўприклар ва тахта тўшамали кўприкларда чекиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг тўртдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Кодекснинг 148-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар объекти темир йўлларнинг ва автомобиль йўлларининг ажратилган минтақасидан фойдаланишнинг белгиланган тартибидан иборат бўлиб, унга риоя қилиш йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга ёрдам беради.

2. Ҳар бир йўл ва йўллар учун ажратилган минтақа белгиланади, унинг кенглиги йўлларнинг тоифасига қараб аниқланади. Ажратилган минтақа учун темир йўлларни, автомобиль йўлларини, туташ иншоотларни муҳофаза қилишнинг алоҳида тартиби белгиланади. Ажратилган йўл минтақасига тураржой, жамоат бинолари ва омборлар қуриш, шунингдек, бу минтақа доирасида ҳаракат хавфсизлигига алоқаси бўлмаган реклама тахталари ва плакатлар ўрнатиш тақиқланади. Ажратилган минтақада йўл органлари билан келишмасдан туриб, қуйидагиларни амалга ошириш тақиқланади: қурилиш, геологик қидирув, топофафик, кон қазиш ва қидириш ишларини амалга ошириш, шунингдек, ер усти иншоотларини барпо этиш; йўл белгилари ва кўрсаткичлари ўрнатиш Давлат автомобиль назорати органлари билан келишиб олиниши лозим. Шунингдек, ер ҳайдаш, ўт ўриш, дарахт кесиш ва уларга шикаст етказиш, чимларни олиб ташлаш ва тупроқ олиш, канализация, саноат, мелиорация сувларини ва оқава сувларни сув қочириш иншоотларига ва резервларига оқизиш тақиқланади. Темир йўлларда ва автомобиль йўлларида, хусусан, ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёқиш, ёғоч кўприклар ва тахта тўшамали кўприкларда чекиш ман этилади.

Кодекснинг 148-моддаси кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни белгилайди.

3. Объектив томондан бу ҳуқуқбузарликлар ҳаракатлар тарзида ифодаланиши мумкин.

4. Айб ғаразли ният ёки эҳтиётсизлик тарзида ифодаланади.

5. Бу ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари фуқаролар ёки мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

6. Шарҳданаётган моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар

тўғрисидаги ишларни фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар, маъмурий ишлар бўйича судьялар ва табиатни муҳофаза қилиш органлари кўриб чиқади (245, 246, 261-моддалар).

149-м о д д а. **Ер эгалари ёки ердан фойдаланувчиларнинг автомобиль йўлларини ва йўл иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиши**

Автомобиль йўлларига ажратилган минтақага туташ жойлардаги ер эгалари ёки ердан фойдаланувчиларнинг умум фойдаланишдаги йўллардаги аҳоли пунктлари доирасида, ўзларига бириктириб қўйилган ер майдони чегарасида пиёдалар юрадиган йўлкалар ва улар ўтадиган кўприкчалар қуриш, уларни таъмирлаш ва мунтазам орасталаб туриш мажбуриятларини, шунингдек, ўзларига бириктирилган ер майдонидан чиқиш йўлларини ёки умум фойдаланишдаги автомобиль йўлларига келиб туташадиган йўлларни, шу жумладан, кесиб ўтиладиган кўприкларни техник жиҳатдан соз ҳолда ва озода сақлаш мажбуриятларини бажармаслик, — энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

1. Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг объекти автомобиль йўлларини ва йўл иншоотларини муҳофаза қилишдир. Мазкур қоидани бузиш транспорт ва пиёдаларнинг ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солади, шунинг учун ҳам бундай ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланади.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992, 9-сон) автомобиль йўлларига ажратилган минтақаларга туташ участкаларнинг ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар зиммасига қуйидагиларни юклайди: давлат аҳамиятига эга бўлган йўллардаги аҳоли пунктлари доирасида пиёдалар ўтадиган йўллар, уларга бириктирилган ер майдони чегарасида ўтиш минтақалари қуриш ва таъмирлаш, шунингдек, мунтазам равишда орасталаб туриш, ўзларига бириктирилган ер майдонидан чиқиш йўллари ва умумфойдаланадиган йўлларга келиб туташадиган йўлларни, шу жумладан, кесиб ўтиладиган кўприкларни техник жиҳатдан соз ҳолда ва озода сакдаш.

Шарҳланаётган модда ана шу мажбуриятларни бажармаганлик учун санкцияларни ўз ичига олади.

3. Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар ҳаракатларда ёки ҳаракатсизликда ифодаланиши мумкин.

4. Айб шакллари ғаразли ният ёки эҳтиётсизликдир.

5. Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари фуқаролар ёки мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

6. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар, маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади (245, 246-моддалар).

150-м о д д а. **Магистрал қувурларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш**

Магистрал қувурларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми, мансабдор шахсларга эса бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

1. Кодекснинг 150-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик объекти — қувурларнинг муҳофаза қилинадиган тегралари режими бўлиб, уларни бузиш бу муҳим транспорт магистралларини шикастлантиришга олиб келиши ва халқ хўжалигига зарар етказиши мумкин.

2. Магистрал қувурларни муҳофаза қилиш қоидалари нефть ва нефть маҳсулотлари, табиий ва сунъий углеводородли газлар, конденсат, суюлтирилган углеводородли газлар, суюк аммиак, беқарор бензин ва конденсат, шунингдек, бошқа суюлтирилган углеводородлар ташиладиган магистрал қувурлар (шу жумладан, кон ва конлараро коллекторлар)нинг сақланишини таъминлаш мақсадида, бу қувурлардан фойдаланишнинг нормал шароитларини яратиш ва уларда бахтсиз ҳодисалар рўй бериши олдини олиш учун жорий этилган (Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 декабрдаги «Табиий газни ташиш бўйича Ўзбекистон Давлат бирлашмасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига қаранг).

Бу ҳужжат нормалари мазкур қоидалар татбиқ этиладиган қувурлар таркибига кирадиган объектларни, жойларда қувурларни белгилаш усулларини аниқлаб беради.

3. Қувурлардан фойдаланишнинг нормал шарт-шароитларини таъминлаш ва уларнинг шикастланиш имкониятини бартараф этиш учун (қувурларни ётқизишнинг ҳар қандай турида) муҳофаза тегралари ва уларнинг ҳажми белгиланади, мазкур теграларда фойдаланувчилар учун алоҳида маъмурий тартиб белгиланади.

Қувурларни муҳофаза қилиш теграларида қувурлардан фойдаланувчи корхоналар, ташкилотларнинг ёзма розилигисиз қуйидагилар тақиқланади:

а) ҳар қандай иморат ва иншоотлар барпо этиш;

б) барча турдаги дарахтлар ва буталарни экиш, ем-хашакларни, ўғитлар ва материалларни тахлаш, пичан ва похолни ғарам қилиш, от боғлаидиган қозиқ ўрнатиш, мол боқиш, балиқчилик корхоналарига ер майдони ажратиш, балиқ тутиш, шунингдек, сув ҳайвонлари ва ўсимликларни парвариш қилиш, суғоришни ташкил этиш;

в) қувур трассалари орқали йўл ва кесиб ўтиш жойлари барпо этиш, автомобиль транспорти, тракторлар, механизмлар турадиган жойлар қуриш, жамоа боғлари ва экинзорларини жойлаштириш;

г) мелиоратив тупроқ ишларини бажариш, суғориш ва қуритиш тизимларини бунёд қилиш;

д) ҳар турли кончилик, қурилиш, монтаж ва портлатиш ишларини бажариш, тупроқ текислашни амалга ошириш;

е) геологик съёмкалар, геодезия ишлари ва қудуқлар, шурфларнинг тузилиши ва ер намуналарини олиш (тупроқ намуналаридан ташқари) билан боғлиқ бўлган бошқа қидириш ишларини амалга ошириш.

Қувурларни муҳофаза қилиш тегараларида кўрсатиб ўтилган ишларни олиб боришга ёзма рухсат олган корхоналар ва ташкилотлар қувурларнинг сақланишини таъминлайдиган шартларга риоя қилган ҳолда бу ишларни бажаришлари шарт.

Қувурларни муҳофаза қилиш тегараларида қувурларнинг нормал ишлашини бузиши ёхуд уларни шикастлантириши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш тақиқланади (масалан, иморатни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш ва қуриш, таниш белгилари ёки сигнал белгиларини, назорат-ўлчаш пунктларини бузиш, ҳар қандай ахлатхоналар ташкил этиш, кислоталар, тузли ва ишқор эритмаларини тўкиш, олов ёқиш ва бирон-бир очиқ ёки ёпиқ ўт чиқиш манбаларини ва шу кабиларни жойлаштириш).

Бу тегараларда белгиланган тартибда бажарилишига рухсат этилган ишлар билан банд бўлмаган кишиларнинг тўпланиши билан боғлиқ ҳар қандай тадбир ўтказиш тақиқланади.

4. Қараб чиқилаётган ҳуқуқбузарликлар объектив ҳаракатларда ёки ҳаракатсизликда ифодаланиши мумкин.

5. Айб ғаразли ният ёки эҳтиётсизлик шаклида бўлиши мумкин.

6. Бу ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари фуқаролар ёки мансабдор шахслардир.

7. Шарҳданаётган моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади (Кодекснинг 245-моддаси).

151-модда. **Рухсатсиз радиоузаткич шохобчаси ўрнатиш ва (ёки) ундан фойдаланиш, шунингдек, абонентлик қурилмасини электр алоқа тармоқларига улаш**

Қувватидан қатъи назар, радиоузаткич шохобчасини рухсатсиз ўрнатиш ва (ёки) ундан фойдаланиш, — фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Абонентлик қурилмасини рўйхатдан ўтказмай ёки рухсатсиз электр алоқа тармоқларига улаш, — абонентлик қурилмасини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, энг кам ойлик иш ҳакининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Шарҳланаётган модданинг объекти Ўзбекистон Республикасида радиоузаткич шохобчасини ўрнатиш, фойдаланиш, шунингдек, абонентлик

қурилмасини электр алоқа тармоқларига улаш бу қурилмаларни рўйхатдан ўтказиш тартибини белгиловчи қоидалар ҳисобланади. Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Частота спектридан фойдаланиш телерадиодастурларни шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотларни узатиш самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1998 йил 10 июль қарори ҳамда шу қарорга илова қилинган «Давлат рўйхатидан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш), телерадиодастурларни тарқатиш, маълумотларни узатиш билан шуғулланиш фаолиятига лицензиялар бериш тартиби»да (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 7-сон, 1998 йил, 26-модда) қайд этилган.

Радиоузаткич шохобчасини ўрнатиш, ундан фойдаланиш, абонентлик қурилмасини рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, электр алоқа тармокдарига қўшилиш учун рухсат (лицензия) бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат матбуот қўмитаси, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси мутахассисларидан иборат Идоралараро мувофиқлаштириш комиссияси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Бу махсус рухсатнома мазкур доимий комиссия қарори асосида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан берилади.

2. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони — рухсатсиз радиоузаткич шохобчасини ўрнатиш, ундан фойдаланиш, абонентлик қурилмасини рўйхатдан ўтказмаслик (ҳаракатсизлик), шунингдек, электр алоқа тармоқларига рухсатсиз уланиш каби ҳаракатлардан иборат. Ҳуқуқбузар томонидан шу ҳаракатлардан бирининг содир этилиши ҳуқуқбузарлик таркибини ташкил этади.

3. Субъект — 16 ёшга тўлган ақли расо шахс ва мансабдор шахс.

4. Ҳуқуқбузарлик субъектив томондан қасддан содир этилади.

5. Ушбу ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар ва Узбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг давлат инспекпияси органлари томонидан кўриб чиқилади (245, 263-моддалар).

152-м о д д а. **Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланиш тартибини бузйш**

Радиоэлектрон воситалар ёки юқори частотали қурилмаларни лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш) ва улардан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларини, радиоайирбошлаш ва радиочастоталардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, радионурланишнинг давлат стандартлари, нормалари ва белгиланган тартибда ўрнатилган параметрларига риоя этмаслик, — фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Радиоэлектрон воситаларни ёки юқори частотали қурилмаларни тайёрлаш, олиш, сотиш ёки ўзгача доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш

учун бериш тартибини бузиш, — радиоэлектрон воситаларни ёки юқори частотали қурилмаларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, фўқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — радиоэлектрон воситаларни ёки юқори частотали қурилмаларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Шарҳланаётган моддада белгиланган тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 июль қарори билан тасдиқланган «Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиб олиш (бериш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш), ишлатиш ҳамда чет элдан келтириш тартиби тўғрисида»ги низомда қайд этилган (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами 7-сон, 1998 йил 26-модда).

Ушбу Низомга асосан, ҳар қандай турдаги ва мақсаддаги турғун радиоэлектрон воситаларни лойиҳалаш ва қуриш (ўрнатиш) фақат Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг ёки у вакил қилган органнинг рухсатномаси мавжуд бўлгандагина амалга оширилади.

Низомда белгиланган тартиб қуйидагиларга татбиқ этилмайди:

а) телевидение ва радиоэшиттириш дастурларини қабул қилиб олиш учун мўлжалланган қурилмалар, маиший радиоэлектроника буюмлари, агар бундай қурилмалар ва буюмларни савдо тармоқлари орқали сотишга рухсат берилган бўлса;

б) Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ҳукумат алоқа хизмати ва Миллий хавфсизлик хизмати томонидан Ўзбекистон Республикаси мудофааси ва хавфсизлиги мақсадида фойдаланиладиган ва фойдаланишга мўлжалланган радиоэлектрон воситалар;

в) фуқаро авиацияси корхоналари томонидан парвозларни ва ҳавода ҳаракатланиш хизматини радионавигация билан таъминлаш мақсадида фойдаланиладиган радиоэлектрон частоталар;

г) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит бўйича олиб ўтиладиган, божхона назоратида бўладиган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган бутун вақт мобайнида ишлатилмайдиган радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалар.

Радиоэлектрон воситаларни ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикасининг битта вазирлиги, идораси, корхонаси, муассасаси, ташкилоти, фуқароси, ^фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан сотиб олиш,

шунингдек, Ўзбекистон Республикасидаги бошқа вазирликка, идорага, корхонага, муассасага, ташкилотга (шу жумладан, битта вазирлик ёки идора ичидаги), фуқарога, доимий ёки вақтинча фойдаланиш учун бериш Агентлик рухсатига биноан амалга оширилади.

Радиоэлектрон воситаларни ва юқори частотали қурилмаларни хорижий юридик шахслар ва фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Агентликнинг рухсатномасиз Узбекистон Республикаси ҳудудига келтириш тақиқланади.

2. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони — Агентлик рухсатисиз радиоэлектрон воситалар ёки юқори частотали қурилмаларни лойиҳалаш, қуриш, ўрнатиш ва улардан фойдаланиш, олиш, сотиш ёки ўзгача доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш учун бериш (ҳаракат), шунингдек, радионурланишнинг давлат стандартлари, нормалари ва белгиланган тартибда ўрнатилган параметрларига риоя этмаслик (ҳаракатсизлик)дан иборат.

3. Ҳуқуқбузарлик субъекти — корхона, ташкилот ва муассалар мансабдор шахслари, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

4. Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони — қасддан содир этилади.

5. Ушбу моддада назарда тутилган хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўиича судьялар ва Узбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги тизимидаги давлат алоқа инспекцияси органлари томонидан кўриб чиқилади (245, 263-моддалар).

153-м о д д а. **Алоқа хизматининг сифатига доир нормалар ва давлат тармоқ стандартларини бузиш**

Алоқа хизматининг сифатига доир нормалар ва давлат тармоқ стандартларини, давлат алоқа тармоғи билан боғланадиган симли электр алоқа воситаларининг, радионурланишларининг параметрларини бузиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Мазкур ҳаракатнинг объекти аҳолига ва халқ хўжалигига алоқа хизматлари кўрсатувчи корхоналар ҳисобланади. Айрим ҳолларда Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 августдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиоэлектрон воситаларни сотиб олиш, улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги 379-сонли қарорига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 8-сон, 25-моддага қаранг), алоқа турларига қараб уларни сотиб олишга махсус рухсат талаб қилинади. Белгиланган тартиб алоқа хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларига риоя қилинишини ва уларнинг сифатини таъминлайди.

2. Объектив томондан мазкур ҳаракат алоқа хизматининг сифатига доир нормалар ва давлат стандартларини, давлат алоқа тармоғи билан боғланадиган симли электр алоқа воситаларининг, радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалар радионурланишларининг параметрларини бузишда

ифодаланади.

3. 153-моддада назарда тутилган ҳаракат субъекти алоқа хизмати кўрсатувчи корхоналарнинг мансабдор шахслари, давлат корхоналари, алоқа шохобчалари, концернларнинг раҳбарлари, цехлар, участкалар, бўлинмаларнинг бошлиқлари, бухгалтерлари, шунингдек, мансабдор шахслари бўлиши мумкин.

4. Мазкур ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони ҳам бевосита, ҳам билвосита ғаразли ният билан, шунингдек, эҳтиётсизлик орқасида содир этиш билан ажралиб туради.

5. Бу ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома Ўзбекистон Республикаси Почта ва телекоммуникациялар агентлигининг давлат инспекцияси органлари мансабдор шахслари томонидан тузилади.

6. Кодекснинг 153-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Почта ва телекоммуникациялар агентлигининг Давлат алоқа инспекцияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий органларининг Давлат алоқа инспекциялари томонидан кўриб чиқилади (263-модда).

154-м о д д а. **Алоқа йўллари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш**

Алоқа йўллари ва иншоотларини, шунингдек, алоқа йўли ва кабель иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, — фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса, — фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Шарҳланаётган модданинг объекти — алоқа йўллари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидалари. Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 1998 йил 15 май қарори (Узбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 5-сон, 1998 йил, 19-модда) билан белгиланган.

Алоқа йўлларига (коммуникацияларига) сим ва алоқа кабели тортилган алоқа ҳаво линиялари, алоқа ва радиолаштиришнинг тиргакли линиялари, уларнинг сигнал ва ўлчов белгилари (устунлар)ни билдирадиган ер ости кабель линиялари, радиореле алоқа линиялари, кабелли телефон канализацияси, хизмат кўрсатилмайдиган ер усти ва ер ости кучайтириш (регенерация қилиш) пунктлари, тақсимловчи шкафлар, қутилар, ерга уланган симлар контурлари ва бошқалар киради.

Алоқа йўллари (коммуникациялари): шаҳар ва қишлоқ телефон алоқаси, радиолаштириш ва сигнализация, шаҳарлараро, халқаро алоқа, радиореле алоқаси, турли хил технология алоқаси линияларига бўлинади.

Алоқа коммуникациялари трассаларидаги муҳофаза ҳудудлари ва очиқ жойлар доирасида ушбу коммуникациялар эгаларининг ёзма равишдаги розилигисиз:

а) 0,3 метрдан ортиқ чуқурликда ҳар қандай қурилиш, ер қазиш, монтаж ва портлатиш ишлари, далаларда қишлоқ хўжалиги зарурати учун ерни юмшатиш, шунингдек, суғориш тармокдарини тозалашни амалга ошириш;

б) хўжалик уйлари ва бошқа иншоотлар барпо этиш, дарахтлар ва токлар ўтқазиш, дала шийпонларини жойлаштириш, чорва моллари боқиш, материаллар, ем-хашак ва ўғитларни тўплаб қўйиш, гулханлар ёқиш, ўқ отиш майдонлари ташкил қилиш;

в) алоқа коммуникацияларини муҳофаза қилиш бўйича махсус чора-тадбирларсиз автотранспортлар, трактор ва механизацияларнинг ўтишини ва тўхтаб туриш жойларини ташкил қилиш, ҳаво алоқа коммуникациялари симлари остидан габаритсиз юкларни ташиш;

г) қудуқлар, шурфлар қазиш ва тупроқдан намуналар олиш билан боғлиқ бўлган геологик-расмга олиш, геодезия, қидирув ва бошқа излаш ишларини бажариш;

д) кемалар,. баржалар ва сузувчи кранлар тўхтаб туриши учун причаллар қуриш, юк ортиш-тушириш, сув тагини чуқурлаштириш ва ер қазиш ишларини бажариш, лангар ташлаш, ташланган лангарлар, занжирлар, лотлар, волокушалар ва траллар билан ўтиш, балиқ овлайдиган участкалар ажратиб бериш, балиқ, шунингдек, бошқа сув жониворларини ва ўсимликларини сув тагига бориб етадиган асбоблар ёрдамида овлаш, чорва моллари суғориладиган жойлар қуриш, музларни тешиш ва муз тайёрлаш тақиқланади.

Автомобиль йўллари ва темир йўллар ўтган жойлардаги алоқа коммуникацияларининг муҳофаза қилинадиган ҳудудлари йўл ва темир йўллар органлари томонидан ўз эҳтиёжлари учун, лекин крммуникацияларнинг сақланишини албатта таъминлаган ҳолда, фойдаланилиши мумкин.

Алоқа коммуникациялари ишини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш тақиқланади, жумладан:

а) алоқа коммуникациялари ўтказилган, ушбу коммуникацияларнинг ҳаво тирговучлари ўрнатилган, кабель қутилари ва тақсимлагич қутичалар жойлаштирилган ерларда ушбу иншоотлар ва қурилмалар эгалари билан келишиб олинган лойиҳа бўйича алоқа коммуникацияларининг қурувчилар томонидан олдиндан олиб чиқиб кетмасдан биноларни, кўприкларни бузиш ва реконструкция қилиш, зовурларни, метрополитен ва темир йўлларнинг ер ости йўлларини қайта қуриш;

б) ўлчов ва сигнал белгиларини кўмиб юбориш ва синдириш, оғир (5 тоннадан кўп) юкларни ташлаш, алоқа коммуникациялари трассаларида

кислоталар, тузлар, ишқорлар ва бошқа суюқликлар оқизиладиган ариқлар барпо этиш;

в) хизмат кўрсатилмайдиган кучайтиргич (регенерация) жойларининг кабель канализациялари қопқоқларини тупроқ, ахлат, қурилиш материаллари билан кўмиб ташлаш, бетон ёки асфальт ётқизиш;

г) хизмат кўрсатилмайдиган (ер ости ва ер усти) кучайтиргич (регенерация) жойларининг ва радиореле станцияларининг, телефон канализацияси кабель қудуқларининг, тақсимлаш шкафлари ва кабель қутиларининг эшикларини ва қопқоқларини очиш, шунингдек, хизмат кўрсатишга алоқаси бўлмаган шахсларни ушбу алоқа коммуникацияларига жалб қилиш;

д) дарёларнинг қайирларида ва ўзанида оқими бўйича кабель ўтган жойлардан 2,5 км яқин масофада баландда ёки қуйида шағал ёки қумни саралаб олиш учун очиқ кон қазиш;

е) олдиндан чуқурлаштирмасдан ёки ер ости алоқа коммуникацияларини чиқариб олмасдан ерни текислаш;

ж) бир жўякнинг ўзи бўйлаб ер юмшатиш тракторларини бир неча бор ўтказиш ва алоқа коммуникацияларининг муҳофаза қилинадиган ҳудудларида жўякларда ер юмшатиш тракторларини буриб олиш;

з) алоқа коммуникацияларига шикаст етказиши мумкин бўлган бошқа (масалан, ҳаво алоқаси линиялари тирговучлари ва арматурасини шикастлантириш, симларни узиб юбориш, уларга бошқа нарсаларни ташлаб юбориш) ҳаракатларни қилиш.

2. Ҳуқуқбузарлик объектив томони — юқорида қайд этилган ҳаракатлар.

3. Субъект — 16 ёшга тўлган акли расо шахслар, мансабдор шахслар.

4. Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони қасддан содир этилади.

5. Ушбу ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги тизимидаги Давлат алоқа инспекцияси органлари кўриб чиқадилар (263-модда).

155-м о д д а. **Ахборотдан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Ахборот тизимидан фойдаланиш мақсадида унга рухсатсиз кириб олишда ифодаланган ахборот ва ахборот тизимларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ахборот тизимларининг ишини бузишга олиб келган худди шундай ҳуқуқбузарлик, худди шунингдек, кириш чекланган ахборот тизимларини ахборот-ҳисоблаш тармоқларига улаш чоғида тегишли ҳимоя чораларини кўрмаганлик, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш

бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборот тизимларини халқаро ахборот тармоқларига қонунга хилоф равишда улаш, бу тармоқларга тегишли ҳимоя чораларини қўрмасдан уланиш, худди шунингдек, улардан маълумотларни қонунга хилоф равишда олиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзганинг электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастури ёки маълумотлар базасини ўз номидан чиқариш ёхуд қонунга хилоф равишда ундан нусха олиш ёки бундай асарларни тарқатиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик Ўзбекистон Республикаси ахборот мажмуи фаолиятининг ҳуқуқий ва ташкилий негизларига тажовуз қилади. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 6-сон, 252-моддага қаранг), фаолият соҳасини давлат органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотни тўплаш, жамғариш, ишлов бериш, узатиш, фойдаланиш ва уни рухсат этилмаган ҳолда фойдаланишдан ҳимоя қилиш соҳаларидаги муносабатларга ҳам тарқатиш;

ахборот тизимларини, маълумотлар базалари ва банкларини ҳамда ахборотга ишлов бериш ва узатишнинг бошқа тизимларини яратиш, жорий этиш ва фойдаланиш назарда тутилади.

2. Объектив томондан мазкур ҳаракат ахборотдан ва ахборот тизимларидан фойдаланиш қоидаларини бузишни билдиради, бу ахборот тизимидан фойдаланиш мақсадида унга рухсатсиз киришда ифодаланади.

155-модданинг 2-қисми худди шу ҳуқуқбузарликни назарда тутади, лекин энди ахборот тизимларининг ишини бузишга олиб келган худди шундай ҳуқуқбузарлик, худди шунингдек, кириш чекланган ахборот тизимларини ахборот-ҳисоблаш тармоқларига улаш чоғида тегишли ҳимоя чораларини кўрмаганликни назарда тутади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборот. тизимларини халқаро ахборот тармоқларига қонунга хилоф равишда улаш, бу тармоқларга тегишли ҳимоя воситаларини кўрмасдан уланиш ёки улардан маълумотларни қонунга хилоф равишда олиш учун, шунингдек, ўзганинг электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастури ёки маълумотлар базасини ўз номидан чиқариш ёхуд қонунга хилоф равишда ундан нусха олиш ёки бундай асарларни тарқатиш учун ҳам жазо берилади.

3. Ҳаракат субъекти ҳам мансабдор шахслар, ҳам 16 ёшга етган бошқа шахслар бўлиши мумкин.

4. Мазкур ҳаракатнинг субъектив томони уни ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этиш билан ажралиб туради.

5. Бу ҳуқуқбузарликнинг содир этилганлиги тўғрисидаги баённомани ахборотни бошқариш давлат органлари ходимлари тузади.

6. Кодекснинг 156-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни маъмурий ишлар бўиича судьялар кўриб чиқадилар (245-модда).

156-м о д д а. **Автомат-телефонларни шикастлантириш**

Автомат-телефонларни шикастлантириш, — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Мазкур ҳаракатнинг объекти алоқанинг нормал ва узлуксиз ишлаши, шунингдек, ўзганинг мулкидир.

2. Автомат-телефонларни (таксофонларни) шикастлантириш деганда уларга шундай зарар етказиш тушуниладики, бунда уларнинг қиммати пасайиб кетади, улар ўз функционал вазифасига кўра фойдаланиш учун қайта тиклашсиз ёки тузатишсиз ярокди бўлиши мумкин эмас. Автомат-телефонларнинг шикастланишини уларни йўқ қилишдан, яъни тўлиқ яроқсиз ҳолга келтиришдан фаркдаш керак, бунда уларни қайта тиклаб ёки тузатиб бўлмайди. Бундай ҳолда ҳуқуқбузарга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 173-моддаси 1-қисми бўйича жазо берилади.

3. Кўриб чиқилаётган ҳаракатнинг субъекти 16 ёшга етган шахс бўлиши мумкин. Агар бундай салбий ҳаракат ўсмирлар томонидан содир этилган бўлса, уларнинг ота-оналари жавобгар бўлади.

4. Субъектив томондан мазкур ҳаракат ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этилган бўлиши мумкин. Бу хатти-ҳаракатни қасддан содир этганда айбдор хулқ-атворининг сабаблари ва мақсади турлича — ғараздан, безорилик майллари ва шу кабилардан келиб чиқиши мумкин. Автомат-телефонларни шикастлантириш турли ҳаракатларда ифодаланиши мумкин, бироқ шуниси муҳимки, ҳаракатлар билан келиб чиққан натижалар ўртасида сабабий боғланиш бўлиши керак.

5. Кодекснинг 156-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ички ишлар органлари, Почта ва телекоммуникациялар агентлиги Давлат инспекцияси органлари томонидан кўриб чиқилади (248, 263-моддалар).

XII *боб*. ФУҚАРОЛАРНИНГ ТУРАРЖОЙ ҲУҚУҚЛАРИГА ТАЛЛУҚЛИ, КОММУНАЛ ХИЗМАТ ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

157-м о д д а. **Ҳисобга олиш тартибини ҳамда уйларга ва тураржой биноларига кўчиб кириш муддатларини бузиш**

Тураржой шароитини яхшилашга муҳтож фуқароларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва фуқароларга тураржой бериш тартибини бузиш, уйларга ва тураржойларга кўчиб киришнинг белгиланган муддатларига риоя қилмаслик, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ушбу моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг тажовуз объекти уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни ҳисобга олиш, уйлар ва тураржой биноларига кўчиб кириш муддатлари тартибини ташкил этади. Бу ҳуқуқбузарликлар фуқароларнинг Конституцияда белгиланган уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқини поймол қилади, шунинг учун ҳам мазкур ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

2.Уй-жой кодексида (қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексини тасдикдаш тўғрисидаги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1-сон, 1999 йил. 4-модда) тураржой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни ҳисобга олишнинг, давлат ва жамоат тураржой фондларидан уй-жой беришнинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари, ҳокимиятлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун ягона тартиби белгиланган.

Тураржой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни ҳисобга олиш ва уй-жой бериш қоидалари асосида тураржой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни ҳамда навбатдан ташқари ва биринчи навбатда тураржой олиш ҳуқуқидан фойдаланувчиларни уй-жой билан таъминлаш учун тураржой ажратиш тартиби белгиланган. Бу қоидалар қуйидагиларни белгилаб беради: фуқароларнинг тураржой шароитини яхшилашга муҳтож деб эътироф қилиш асослари; уларни ҳисобга олиш тартиби; фуқароларга тураржой беришнинг навбат тартиби; ордерлар бериш, расмийлаштириш ва топшириш тартиби; ётоқхоналардан ёрдамчи уй-жой майдони бериш тартиби.

3. Қоидаларда белгиланишича, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ҳокимиятлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг тураржойларга кўчиб кириш муддати тураржой бинолари давлат комиссиялари томонидан фойдаланиш учун қабул қилиб олингандан кейин 30 кундан ортиқ бўлмаслиги лозим.

4. Кодекснинг мазкур моддасида санаб ўтилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг таркиби тураржой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни ҳисобга олиш ва тураржой бериш қоидаларини бузишдан,

шунингдек, тураржойларга кўчиб кириш муддатларига риоя қилмасликдан иборатдир.

5. Ҳуқуқбузарлик субъектлари тураржой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва фуқароларга тураржой беришни амалга оширадиган мансабдор шахслар, шунингдек, фойдаланиш учун қабул қилиб олинган уйларга белгиланган тартибда ўз вақтида кўчиб кириш учун жавобгар бўлган кишилардир.

6. Субъектив томондан кўрсатиб ўтилган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар қасддан ёхуд эҳтиётсизлик орқасида қилинган бўлиши мумкин.

Ушбу моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьялари томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

158-м о д д а. **Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш қоидаларини бузиш**

Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш қоидаларини бузиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш фуқаролар ва нодавлат юридик шахсларнинг давлатдан давлат мулки бўлган

– жойни сотиб олишидир.

2. Уй-жойни хусусийлаштиришнинг асосий принциплари қуагилардир;

— уй-жойни ҳақини тўлаб ва бепул беришни бирга қўшиб либ бориш;

— хусусийлаштирилиши лозим бўлган уй-жойни олишда фуқаролар ҳуқуқининг тенглиги;

уй-жойни хусусийлаштириш шароитида барча фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш;

— уй-жойни хусусийлаштириш соҳасидаги тадбирларни амалга ошириш устидан давлат ва жамоатчилик назорати («Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрдаги қонунига қаранг — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992, 1-сон, 43-модда).

3. Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарлик объекти давлат тураржой фондини хусусийлаштириш қоидаларидир.

4. Объектив томондан мазкур моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарлик уй-жойни хусусийлаштиришнинг асосий принциплари ва қоидаларини бузишга қаратилган ҳаракатларда ифодаланади.

5. Субъектив томондан мазкур ҳукуқбузарлик ғаразли ният билан ажралибг туради. Уй-жойни хусусийлаштиришни амалга оширувчи, тегишли ҳужжатларни тайёрловчи мансабдор шахс уй-жойни хусусийлаштириш

қоидаларини бузаётганини билади.

6. Мазкур ҳуқуқбузарлик субъекти Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг мансабдор шахслари, шунингдек, уй-жойни хусусийлаштириш учун жавобгар бўлган ҳокимиятларнинг ходимларидир.

7. Кодекснинг 158-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар туман (шаҳар) судларининг маъмурий ишлар бўйича судьялари томонидан кўриб чиқилади (Кодекснинг 245-моддаси).

159-м о д д а. **Тураржойлардан фойдаланиш қоидаларини, уй-жой фондидан техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларини бузиш**

Тураржойларни сақлаш ва улардан фойдаланиш, умум фойдаланадиган жойларни санитария ҳолатида сақлаш қоидаларини бузиш, уй-жой фондидан техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларини бузиш, кўп квартирали уйлардаги тураржойларда чорва молларини, худди шунингдек, одамларнинг саломатлигига хавф солувчи ҳайвонларни боқиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг объекти тураржой биноларидан фойдаланиш, уй-жой хоналари ва муҳандислик жиҳозларидан фойдаланишнинг белгиланган тартибидир;

уни бузиш уй-жой хўжалигига зарар етказади, унда истиқомат қилувчиларга ноқулайликлар яратади.

2. Тураржой биноларидан ва коммунал хизматлардан фойдаланиш қоидаларига тааллуқли асосий қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 15 июндаги «Ўзбекистон Республикасида коммунал хизмат кўрсатишни бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги 617-сонли Фармонида (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 7сон, 278-моддага қаранг) ва Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Коммунал хўжалиги вазирлиги тўғрисида»ги низомни тасдикдаш ҳақида»ги 490-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1993, 10-сон, 36-модда)да, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг уй-жой кодексида (Тошкент, «Адолат», 1999 й.) баён қилинган.

Бу қоидаларда тураржой биноларидан фойдаланиш қоидалари муайянлаштирилиб, уларда тегишли тартиб белгилаб берилган. Қоидалар қуйидаги бўлимлардан ташкил топган: умумий қоидалар; тураржой биноларидан фойдаланиш; уй-жойни ва уй яқинидаги ҳудудни сақлаш қоидаларига ривя қилиниши учун жавобгарлик.

3. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар

қоидани бузувчи ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тарзида; тураржой хоналаридан ўз вазифасига мувофиқ фойдаланмаслик; уй-жой фондига ёки муҳандислик жиҳозларига шикаст етказиш; яшаш хоналари ва ёрдамчи хоналар, балконлар ва лоджияларни қайта режалаштириш ёки қайта жиҳозлашда ифодаланади.

4. Қоидалар санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш, яшаш хоналари ва ёрдамчи хоналарни ораста сақлаш, йўлакларда, лифт кабиналарида, зинапояларда ва умум фойдаланадиган бошқа жойларда тозалик ва тартибни сақдаш мажбуриятини белгилаб беради.

5. Ҳуқуқбузарликларга яна ободонлаштириш объектларини, болалар ва спорт майдончалари ускуналарини, скамейкаларни, майсазор тўсиқдарини шикастлантириш ва шу кабилар киради.

6. Кодекснинг ушбу моддаси уй-жойдан, яшаш хоналари ва муҳандислик жиҳозларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун ҳам жавобгарлик белгилайди. Ҳозирги вақтда уй-жой фондидан техникавий фойдаланиш қоидалари ва нормалари мавжуд. Мазкур ҳужжат қуйидаги бўлимлардан ташкил топган: умумий қоидалар, тураржойдан фойдаланиш ташкилоти хизмат кўрсатадиган ҳудуддан фойдаланиш қоидалари, уйларни қайта жиҳозлаш ва режалаштириш. Бу ҳужжатда мавжуд қоидаларни бузиш айбдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигига сабаб бўлади.

7. Шарҳданаётган модданинг бузилиши қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир қилинган бўлиши мумкин.

8. Бу ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари фуқаролар ёки мансабдор шахслардир.

Агар уй-жойни ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки у билан бирга яшовчи бошқа шахслар мунтазам равишда бинони бузиб ёки шикастлантириб келсалар, ёхуд ундан вазифасига кўра фойдаланмасалар ёинки яшаш қоидаларини мунтазам равишда бузишлари билан битта хонадонда ёки уйда ўзлари билан бирга яшовчиларга нрқулайликлар келтириб чиқарсалар, огохлантириш ва жамоатчиликнинг таъсир кўрсатиши натижасиз бўлиб чиқса, айбдор шахслар Уй-жой кодексига мувофиқ, суд тартибида тураржойдан чиқариб юборилиши мумкин.

10. 159-моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьялари томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

160-м о д д а. **Уй-жойларни қуриш қоидаларини бузиш**

Фуқароларнинг уй-жойларни, хўжалик ва рўзғор биноларини қуриш қоидаларини бузиш, — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Кодекснинг ушбу моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тажовузи объекти уй-жойлар, хўжалик ва рўзғор биноларини қуриш юзасидан давлат

томонидан ўрнатилган тартибдир. Ўзбошимчалик билан иморат қуриш шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган бошқа жойларни режалаштириш ва уй-жойлар қуришнинг тасдиқланган режаларини амалга оширишни қийинлаштиради, натижада шаҳар қиёфасига путур етади, бузилган режани тиклаш учун зарур моддий харажатлар қилинади.

2. Қонунчилик уй-жойлар, хўжалик ва рўзғор биноларини қуришнинг алоҳида тартибини белгилаб беради.

3. Давлат корхоналари ва муассасалари, кооператив ва жамоат ташкилотлари ҳамда айрим фуқароларга халқ депутатлари шаҳар ёки туман кенгаши ҳокимиятларидан ёзма рухсатнома олгунга қадар қурилишга киришиш тақиқланган.

4. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, муассасалар, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва якка тартибдаги иморат қурувчилар тегишли тарздаги ёзма рухсатномасиз ўзбошимчалик билан иморат қурганликлари учун белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5. Кодекснинг шарҳданаётган моддаси уй-жойларни, хўжалик ва рўзғор биноларини қуришни ўзбошимчалик билан амалга оширган фуқаролар учун маъмурий жавобгарликни белгилайди. Субъектив томондан бу тегишли рухсатномага эга бўлмай туриб, бундай иншоотларни қуриш соҳасидаги ҳаракатлардир.

6. Мазкур ҳаракатлар қасддан қилинган ҳаракатлардир. Шахс гарчи бунга рухсати бўлмаса ҳам объект қуриш мақсадида қурилишни атайлаб амалга оширади.

7. Ҳуқуқбузарлик субъекти фуқародир.

8. Тегишли ёзма рухсатномага эга бўлмай туриб, ўзбошимчалик билан уй-жой қуришга киришганлар дарҳол ҳокимиятнинг тегишли ёзма рухсатномасини олганга қадар қурилишни тўхтатишлари ва бир ой муддат ичида ўзлари қурган барча иморатларни ёки унинг бир қисмини ўз кучлари билан ёки ўз ҳисобларидан буздиришлари ва ер майдонини тартибга келтириб қўйишлари лозим.

Ўзбошимчалик билан иморат қурувчи қурилишни тўхтатиш ва иморатни бузиб ташлаш тўғрисидаги ҳокимиятнинг талабларини бажармаган тақдирда ҳокимият коммунал хўжалик бўлимига ўзбошимчалик билан қурилган иморатни ёки иморатнинг бир қисмини бузиб ташлаш ҳақида фармойиш беради. Ички ишлар органлари (милиция) иморатни бузиб ташлаш тўғрисидаги ҳокимиятнинг фармойиши бажарилиши учун кўмаклашмоғи шарт.

9. 160-моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьялари томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

161-м о д д а. **Шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш**

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг ҳудудларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш, шунингдек, тозалик ва санитария тартибини таъминлаш қоидаларига риоя қилмаслик, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан икки бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Кодексга 161-модданинг киритилишига сабаб шуки, Кодекснинг 6-моддасида халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашининг ва улар ҳокимларининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган доирада қоидалар белгилаш ҳуқуқи жорий қилинган бўлиб, уларни бузганлик учун жавобгарлик келиб чиқади.

Шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган пунктларни ободонлаштириш тартиби, белгиланган қоидалари маъмурий ҳуқуқбузарликнинг тажовуз объекти ҳисобланади, уларни юқорида кўрсатиб ўтилган халқ депутатлари кенгашлари ва уларнинг ҳокимлари белгилайдилар, бу қоидаларни бузиш аҳоли пунктининг қиёфасига путур етказади, унда яшовчилар учун ноқулайликлар келтириб чиқаради.

2. Юқорида санаб ўтилган давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ва ҳокимларининг қарорлари билан ободонлаштириш, тозалик ва тартиб масалалари юзасидан: ҳудудларни йиғиштиришни ташкил этиш, ер ости иншоотлари ўтказиш ва қайта ташкил этиш ишларини амалга ошириш, уйлар, хонадонларни рақамлаб чиқиш тартиби тўғрисида, белгиларни жойлаштириш, уй-жойларни, биноларни, иншоотлар ва шу кабиларни қисмларга ажратиш ва бузиш қоидалари жорий қилинади.

Уй-жойлар, маъмурий ва саноат бинолари ҳамда бошқа объектларнинг сақланиши учун жавобгар бўлган ташкилотларнинг раҳбарлари ва мансабдор шахслар, шунингдек, ер участкаларининг фойдаланувчилари қуйидагиларни бажаришлари шарт: бинолар ва иншоотларнинг олд томонларини, тўсиқларни, экранлар, балконлар ва лоджияларни, ҳовли ва кўча ҳудудларининг асфальт ва бошқа қатламларини таъмирлаш ва бўяш ишлари ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш; фуқаролар ва ташкилотларнинг балконлар ва лоджияларни ўзбошимчалик билан қайта жиҳозлашига, ҳудудларни ўзларича кавлашларига, саройлар, гаражларни, штакет ва бошқа тўсиқларни вилоят аҳамиятига эга бўлган шаҳарларнинг бош меъморчилик-режалаштириш бошқармаси билан келишмасдан туриб қуришларига йўл қўймаслик.

Уй-жой ташкилотлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳамда шахсий мулк ҳуқуқидаги уй-жойларга эгалик қилувчи фуқаролар шаҳарларнинг ҳудудларини йиғиштиришни ташкил этиш қоидаларига риоя қилишлари лозим.

Ваколатли органларнинг махсус рухсатига эга бўлмай туриб, ўзбошимчалик билан эълонлар ёпиштириш, рекламалар, ахборот ва маълумотномалар

стендларини, лавҳалар, газ-нурли қурилмалар, афишалар ва шу кабиларни жойлаштириш тақиқланади.

Кўчаларда ер ости иншоотларини ўтказиш, қайта қуриш ва таъмирлашда ер кавлаш, ёғочлар, деворлар, тўсикдар ўрнатиш билан боғлиқ барча иш турлари ваколатли органларнинг рухсати билан амалга оширилиши лозим.

Шаҳар кўчаларида ва майдонларида чакана савдо объектларини жойлаштириш амалдаги намунавий лойиҳалар асосида ва ваколатли органлар билан келишилган жойларда амалга оширилиши керак.

Ишлаб чиқариш, савдо, коммунал ва маданий-маиший корхоналарнинг раҳбарлари ўз корхоналарининг йўлаклари, цоколлари, витриналари, лавҳалари, реклама ва бошқа жиҳозларини тоза ва соз ҳолатда сақлашни, кечқурунги вақтларда барча витриналарнинг ёритилишини таъмин этишлари шарт.

Трамвай деполари, троллейбус, автобус ва таксомотор парклари, автобазалар, гаражларнинг маъмурияти, барча турдаги транспорт ҳайдовчилари, шунингдек, шахсий мулк ҳуқуқида транспорт воситаларига эга бўлган шахслар мазкур воситаларни шаҳар кўчаларига ораста ва тоза ҳолатда чиқаришлари шарт.

Ҳар қандай тупроқ ва ахлатни ана шу мақсадлар учун ажратилмаган жойларга ағдариш қатъиян ман қилинади.

Кўчаларда, майдонларда кичик меъморчилик шаклларидаги стендларни ўрнатиш ваколатли органлар билан келишилган жойларда амалдаги намунавий лойиҳалар асосида амалга оширилиши лозим.

3. Бундай ҳуқуқбузарлик қасддан ва эҳтиётсизлик билан қилинган бўлиши мумкин.

4. Уларнинг субъектлари фуқаролар ва мансабдор шахслардир.

5. 161-моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьялари (245-модда), фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қошида тузилган маъмурий комиссиялар (246модда) ва 248-модданинг фуқароларга тааллуқли 4-бандида кўрсатилган ички ишлар органларининг мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилади.

162-м о д д а. **Шаҳарлардаги дарахтларни шикастлантириш ёки уларни ўзбошимчалик билан кесиб ташлаш**

Айрим жойларда иморат қураётганда шу ерда ўсиб турган дов-дарахтларга шикаст етказиш, уларни ўзбошимчалик билан кесиб ташлаш ёки бошқа жойга кўчириш, шунингдек, фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг ўз ихтиёрларидаги дов-дарахтларни муҳофаза қилиш чораларини кўрмаслиги, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан

уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Шаҳарлардаги яшил дов-дарахтлар атмосфера ҳавосининг софлигини таъминлаш, одамларнинг соғлиғи ва кайфиятини яхшилаш учун катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун давлат уларни парвариш қилишнинг муайян тартибини белгилайди. Ҳам шаҳар, ҳам мавзе ичидаги барча дов-дарахтлар шаҳарнинг дахлсиз яшил фондини ҳосил қилади.

2. Шу нарса белгиланганки, айрим жойларда иморат қурилаётганда шу жойда ўсиб турган дов-дарахтлар, одатда, сақлаб қолиниши лозим. Дов-дарахтларни фақат ҳокимиятнинг рухсати билангина кесиш ёки уларни бошқа жойга олиб ўтқазишга рухсат этилади. Шунинг учун ҳам агар ҳатто дов-дарахтларни ўтқазишда ҳокимиятлар томонидан белгиланган қоидалар бузилган, масалан, дарахтлар бевосита уйларнинг деразалари яқинига ўтқазилган тақдирда ҳам уларни ҳокимиятларнинг рухсатисиз кесишга йўл қўйилмайди (Тошкент шаҳар Ҳокимининг 1994 йил 22 мартдаги «Дарахтларни кесганлик, майсазорларга шикаст етказганлик ва табиатни муҳофаза қилиш қоидаларини бошқа бузишлар учун даъво санкциялари микдорини қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги фармойишига қаранг).

3. Кодекснинг 162-моддаси Кодекснинг 79-моддасидан фаркди ўлароқ, шаҳарлардаги дов-дарахтларни кесганлик учун жавобгарлик белгилайди. 79-моддада эса ўрмонлардаги дарахтларни, буталарни, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантирганлик ёки йўқ қилганлик учун жавобгарлик тўғрисида гап борган эди.

3.Ҳуқуқбузарликнинг махсус таркиби мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ўз тасарруфларида бўлган дов-дарахтларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўрмаганликларидир. Бу дов-дарахтлар уй-жой хўжалигини бошқариш ташкилотлари ҳудудида ёки фуқаролар шахсий мулк сифатида эгалик қиладиган уйларнинг ҳовлисида бўлиши мумкин. Бундай ҳолда мансабдор шахслар ва фуқаролар дов-дарахтларни муҳофаза қилиш чораларини кўришлари, уларга авайлаб муносабатда бўлишлари лозим.

4. Объектив томондан Кодекснинг 162-моддаси бўйича ҳуқуқбузарликлар — булар, масалан, дов-дарахтларни кесиб ташлашда ифодаланувчи ҳаракатлар, дов-дарахтларни муҳофаза қилиш чораларини кўрмасликда ифодаланувчи ҳаракатсизликдан иборатдир.

5. Субъектив томондан бу ҳаракатлар қасддан ва эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлар бўлиши мумкин.

6. 162-модданинг субъекти мансабдор шахслар ва фуқаролар ҳисобланади.

7. Ушбу моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари (мансабдор шахслар) томонидан кўриб чиқилади (261-модда).

163-м о д д а. **Водопровод ёки канализация тармоқларини ўзбошимчалик билан улаб олиш ва водопровод ёхуд канализациядан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш**

Уй-жойларни, жамоат, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектларни, шунингдек, ер участкаларини водопровод ёки канализация тармоқларига ўзбошимчалик билан улаб олиш, таркибидаги ифлослантирувчи моддалар йўл қўйиладиган даражадан ортиқ бўлган оқова сувларни канализацияга оқизиш ҳамда водопровод ёхуд канализациядан фойдаланиш қоидаларини, ер ишлари ва бошқа ишларни бажараётганда водопровод ёки канализация тармоқларини муҳофаза қилиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш, башарти бу ҳол уларнинг шикастланишга сабаб бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Шарҳланаётган модданинг объекти уй-жойларни, тураржой бинолари ва ёрдамчи биноларни водопровод тармокдарига улашнинг белгиланган тартиби ва ичимлик сувдан фойдаланиш, водопровод тармоқларини муҳофаза қилиш қоидаларидир.

2. Объектив томондан биринчи қисмда белгиланган ҳуқуқбузарлик ҳаракатларини содир этишни, яъни уй-жойларни, жамоат, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектларни, шунингдек, ер участкаларини водопровод ёки канализация тармокдарига ўзбошимчалик билан улаб олиш, таркибидаги ифлослантирувчи моддалар йўл қўйиладиган даражадан ортиқ бўлган оқова сувларни канализацияга оқизиш ҳамда водопровод ёхуд канализациядан фойдаланиш қоидаларини, ер ишлари ва бошқа ишларни бажараётганда водопровод ёки канализация тармокдарини муҳофаза қилиш қоидаларини бошқача тарзда бузишни, башарти бу ҳол уларнинг шикастланишга сабаб бўлса, назарда тутади.

3. Субъектив томондан бу ҳуқуқбузарликлар кўп ҳолларда қасддан содир этилади. Айрим ҳолларда ҳуқуқбузарлик эҳтиётсизлик орқасида ҳам содир этилиши мумкин.

4. Ҳуқуқбузарлик субъекти ҳам фуқаролар, ҳам мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

5.163-модданинг 2-қисми худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган тақдирда жавобгарликни назарда тутади.

6. Кодекснинг 163-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар

тўғрисидаги ишлар туман (шаҳар) судларининг маъмурий ишлар бўйича судьялари томонидан (245-модда), фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қошидаги маъмурий комиссиялар томонидан кўриб чиқилади (246-модда).

XIII *боб*. САВДО, ТАДБИРКОРЛИК ВА МОЛИЯ СОҲАЛАРИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

164-м о д д а. **Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш**

Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ёнилғи-мойлаш материаллари билан, дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлар билан қўлда савдо қилиш ёхуд шаҳарларда белгиланмаган жойларда қўлда савдо қилиш, — сотилаётган ашёларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлар ёхуд ёнилғи-мойлаш материаллари сотиш қоидаларини бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. 164-модда бўйича ҳуқуқбузарликлар объекти савдо корхоналарининг нормал фаолиятини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликлар предмети кейин сотиш мақсади билан омборлар, базалар, савдо корхоналарига келтирилган ҳар қандай товарлар бўлиши мумкин.

Савдонинг асосий қоидаларида назарда тутилишича, товарлар аҳолига фақат дўконнинг савдо залида ва белгиланган вақтда, яъни харидорларнинг савдо корхонасига келиш имкони бўлган вақтда сотилиши лозим.

Савдо қилиш қоидалари хилма-хил ва кўп сонли бўлиб, қуйидагиларга тааллуқли бўлади: савдо зали (хизмат кўрсатиш зали)нинг ва ёрдамчи бинолarнинг тузилиши, витриналарнинг безатилиши; товарларни сақдаш; товарларни харидорларга олиб бериш; улар билан пул ҳисоб-китобини қилиш; тош-тарозиларни сақлаш ва улардан фойдаланиш; савдо корхоналарининг ишлаш вақти ва ҳоказолар.

Савдо қоидалари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, маҳаллий ҳокимият органларининг — ҳокимиятларнинг қонун ҳужжатлари билан тасдикданади (масалан, савдо корхонасининг ишлайдиган кунлари, соатлари). Савдо қоидаларига савдо корхоналарига татбиқ этиладиган меҳнатни муҳофаза

қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидалари, ёнғинга қарши ва санитария қоидалари татбиқ этилмайди.

2. Объектив томондан ҳуқуқбузарликларнинг бундай тури товарни қонунга хилоф равишда сотиш ёки уни харидорлардан яширишдан иборатдир. Товарларни яшириш (сир сақлаш) товарлар магазинларга, дўконларга ва шу кабиларга сотиш учун берилгандан кейингина эътироф қилиниши мумкин. Сотиш учун мўлжалланган товарлар бутун иш куни мобайнида тўла ҳажмда турлари билан берилиши лозим. Масалан, товарга «сотилган» деган лавҳанинг осиб қўйилиши, сақлаш квитанцияларини тузиш, товарни пештахта остида сақлаш ҳам уни яшириш ҳисобланади.

Товарларни омбордан (базадан) савдо корхонасига етказиб бериш вақти ҳам 164-модданинг амал қилишига сабаб бўлади. Масалан: автомашиналардан туриб сотиш ва ҳоказо.

Товарларни яшириш жойи омбор бинолари, савдо қилиш залидаги турли қурилмалар, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар (хоналар), хизмат кабинетлари, йўлаклар ва ҳоказолардир.

3. Ҳуқуқбузарликнинг мазкур тури бўйича субъектлар фақат савдо ходимлари, яъни мансабдор шахслар ва ўзга шахслар (директор, секция, бўлим, ишлаб чиқариш, омбор мудири, сотувчи, ёрдамчи ишчи ва шу кабилар), акди расо ва 16 ёшга етган шахслар бўлиши мумкин.

4. Савдо қоидаларининг бузилиши тўғридан-тўғри, қасддан содир этилади. Товарларни савдо қоидасини бузган ҳолда сотувчи ёки уни яширувчи шахс бундай ҳаракатларнинг ижтимоий хавфли эканлигини билади ҳамда товарни сотишни ёки уни харидорлардан яширишни истайди.

Бундан ташқари, бу ерда харидорлардан қонунга хилоф равишда ҳақ олиш тарзидаги моддий нафга эга бўлишдан иборат ғаразли манфаатдорлик назарда тутилади. Ғайриқонуний йўл билан қариндошлар ёки танишларни товарлар билан таъминлашга (ёхуд ўзаро хизматларга эга бўлиш мақсади билан) интилишдан иборат шахсий манфаатдорлик ҳам бўлиши мумкин.

Кодекснинг 164-моддаси 1-қисми бўйича ишлар давлат солиқ органлари томонидан кўриб чиқилади (Кодекснинг 264-моддаси).

5. 164-модданинг 2-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар, аввало, савдо-сотиқни юритиш тартибига қарши қаратилган. Шаҳарларда савдо қилиш учун белгиланган жойлар харидорларга қулай бўлишини, кўчалар ва майдонларда, ер ости ўтиш жойларида, ҳовлиларда ва ҳоказоларда тозалик ва санитария тартибини таъминлашни, пиёдалар оқимининг ҳаракати учун нормал шарт-шароит яратишни ҳисобга олган ҳолда ҳокимиятлар томонидан белгиланади.

6. Кодекснинг 164-моддаси мазкур қисми бўйича 2-моддада кўрсатиб ўтилган материаллар, воситалар ёки буюмларни белгиланмаган жойда қўлда сотиш билан шуғулланган шахслар жавобгар бўладилар. Ҳуқуқбузарликлар ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин.

7. Бундай ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомалар милиция ходимлари томонидан тузилади. Ишларни маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқади (Кодекснинг 145-моддаси).

8. Ҳуқуқбузарликлар ёнилғи ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича ижтимоий муносабатларга тажовуз қилади ва бирмунча моддий талафотларга олиб келиши, аниқ мақсад учун ёнилғининг етишмаслигига, шунингдек, ёнилғи-мойлаш материалларини ғайриқонуний равишда сотувчи шахсларнинг меҳнатсиз бойишига сабаб бўлиши мумкин. Дори-дармон воситаларини ёки тиббий аҳамиятга эга бўлган ашёларни сотиш қоидаларини бузиш сунъий танқислик яратилишига сабаб бўлади.

Ҳуқуқбузарлик предмети сифатида ғоят турли-туман ёнилғи-мойлаш материаллари, дизель ва газ ёқилғиси, ёғлаш мойлари намоён бўлади. Ёнилғи-мойлаш материалларини, дори-дармон воситаларини ёки тиббий аҳамиятга эга бўлган ашёларни тақсимлаш тартиби норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 7 сентябрдаги «Нефть маҳсулотларини сотишда тартиб ўрнатиш чоралари тўғрисида»ги Фармони — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992, 10-сон, 423-модда; Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 8 сентябрдаги «Аҳолини дори-дармон билан таъминлаш соҳасидаги қўшимча чоралар тўғрисида»ги қарори — Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1993, 13-сон).

Ёнилғи-мойлаш материалларини сотиб олиш ҳуқуқи бўлмаган шахсларга бундай материалларни тарқатиш ғайриқонуний ҳисобланади. Ғайриқонуний сотиш деган тушунчага битта давлат ёки жамоат корхонасининг бошқа корхонага, шунингдек, шахсий транспорт эгаларига ёнилғи сотиши тўғри келади. Бундан ташқари, ёнилғи-мойлаш материалларини тарада сотиш уларни сотиш қоидаларини бузиш ҳисобланади. (Айрим ҳолларда катерларга, мотонартларга ёнилғи қуйиш ва ҳоказолар бундан мустаснодир).

Дори-дармон воситаларини ёки тиббий аҳамиятга эга бўлган ашёларни шифокорнинг рухсатисиз ёхуд рецептда кўрсатилган микдордан ортиқ сотиш уларни сотиш қоидаларини бузиш ҳисобланади.

9. 16 ёшга етган шахслар, ёнилғи-мойлаш материалларини сотиш учун масъул бўлган шахслар жавобгарликка тортилади. Улар ҳам мансабдор шахслар, ҳам автомобиль ёнилғиси қуйиш станциясининг ва автомобиль ёнилғисини қуйиш пунктининг моддий жавобгар ходимлари бўлиши мумкин. Дори-дармон воситаларини ёки тиббий аҳамиятга эга бўлган ашёларни сотиш вақтида — дорихона мудирлари, дорихона дўкончаларининг мудирлари ва бошқалар жавобгарликка тортилади.

10 Ғайриқонуний сотиш тўғридан-тўғри ғаразли ният билан содир этилади. Шахс бензин, дори-дармон воситаларини ғайриқонуний равишда (рецептсиз) сотаётганини билади ва буни амалга оширишни истайди.

Ҳуқуқбузарликнинг мазкур турига баҳо беришда ўғирлик қилиш мақсадининг йўқлигини аниқлаш зарур.

11. Кодекснинг 164-моддаси 3-қисми бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар давлат солиқ органлари томонидан кўриб чиқилади (264-модда).

12. Маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин савдо қоидасини бузиш ёки хизмат кўрсатишни содир этиш ЖКнинг 189моддаси бўйича жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

165-м о д д а. **Харидорни ёки буюртмачини алдаш**

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, аҳолига товарлар сотишни амалга ошираётган ёки хизматлар кўрсатаётган корхоналарда, шунингдек, савдо ёки хизматлар кўрсатиш соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган шахслар томонидан энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан ошмаган миқдорда ўлчовдан, тарозидан, пуддан уриб қолиш ёхуд харидорни ёки буюртмачини ўзгача тарзда алдаш, — энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Харидорни ва буюртмачини алдашда тажовузкорлик объекти савдо, жамоат овқатланиши, маиший хизмат кўрсатиш, коммунал хўжалигининг нормал фаолият кўрсатиши, шунингдек, фуқароларнинг моддий манфаатларидир.

2. Объектив томон харидорларни ўлчаш ва тарозидан уриб қолиш шаклида ифодаланади. Бу — харидорга тегишли бўлган товарни камроқ миқдорда бериш, яъни тарозидан ёки ўлчашдан уриш, буюртмачига эса у ҳақ тўлаганидан камроқ микдордаги материални беришдир.

Баъзан ўлчаш махсус тайёрланган мосламалар ёрдамида амалга оширилади. Тарозидан уриш эса сотилаётган товарни катта ҳажмдаги қоғозга ўраб сотиш ва бунда унинг вазнини чиқариб ташламаслик ёки харидорларга маҳсулотни тузатилмаган тарзда, чиқиндиларини олиб ташламасдан (масалан, колбаса маҳсулотларининг четини) сотиш, тортиш эса нотўфи тортиш йўли билан бажарилиши, маҳсулотни тарозига ташлаб юбориш), шунингдек, тарозини нотўғри ўрнатиш, тарозилардан ва бошқа ўлчов асбобларидан, масалан, тошлардан фойдаланиш қоидаларини бузишдир.

Ўлчаш учун шундай ҳаракатлар, чунончи, ресторанлар, қаҳвахоналар, тамаддихоналарда ўткир спиртли ичимликларни, автомобиль ёнилғисини қуйиш шохобчаларида бензин ёки техник ёғни тўлиқ қуймаслик; газламалар дўконида уларни ўлчаш вақтида чўзиш; омборда дераза оинасини, тахтани ўлчашда қасддан катта ўлчов меъёридан фойдаланиш хосдир ва ҳоказо.

Ҳисобдан уришда қайтим тўлиқ ёки қисман берилмайди, сотувчи хариднинг тўлиқ умумий қийматини нотўфи ҳисоблайди, донали товар тўланган пулга мос келмайдиган микдорда берилади.

Харидорларни алдашнинг кенг тарқалган усули белгиланган чакана нархни ошириб айтишдир.

Белгиланган чакана нархларни ошириб кўрсатиш нормалари ва прейскурантлари қўйилмайдиган савдо ёки маиший корхоналарда содир этилади, бу жойларда харидорлар ва буюртмачилар ўзлари танлаган товар ёки хизматларнинг сифати ва нархи қандайлигидан хабардор қилинмайди.

Ўзгача алдаш деганда нархли товарларнинг юқори нархда сотилиши, шунингдек, қалбаки товарлар, масалан, сув қўшилган ароқнинг сотилишини тушунмоқ керак. Буюртмачини ўзгача алдашга бирон-бир буюмни тайёрлашда ишлатиладиган матонинг мефини ошириб кўрсатиш ҳолларини киритиш мумкин.

Умумий овқатланиш корхоналарида алдаш усуллари ўзига хосдир: масалан, нормада белгиланганидан камроқ маҳсулот солинади. Бу ҳол тайёрланадиган овқатнинг сифатини ёмонлаштиради ва миқдорини камайтириб юборади. Шу билан бирга, харидорларни алдашнинг турли шакллари бирга қўшиб қўлланилади (ўлчаш, тортиш, белгиланган чакана нархларни ошириб кўрсатиш ва ҳоказо).

Ҳуқуқбузарликни содир этиш жойи савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат ва коммунал хўжалик корхоналаридир. Товар ёки буюртмани уйга етказиб беришда, буюртмачининг хонадонида қилинган таъмир ёки кўрсатилган хизмат ҳақида ҳам алдаш бўлиши мумкин.

3. Кодекснинг 165-моддаси бўйича ҳуқуқбузарлик субъекти савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходими, шунингдек, товарларни сотувчи ёки буюртмаларни бажарувчи ва аҳолига бошқа хизмат кўрсатувчи 16 ёшга етган ўзга шахс бўлиши мумкин.

4. Харидорлар ва буюртмачиларни алдаш фақат тўфидан-тўфи ғаразли ният билан содир этилиши мумкин, шахс алдаш фактини англаб етади ва шундай ҳаракатлар содир этишни истайди.

Харидорлар ва буюртмачиларни алдаш энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан ортиқмиқдорда содир этилган бўлса, ЖКнинг 187-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Кодекснинг 165-моддаси бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўфисидаги ишлар давлат солиқ органлари томонидан кўриб чиқилади (264-модда).

166- м о д д а. **Молларни уларнинг сифатини ва ишлаб чиқариш маркасини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз сотиш**

Хўжалик юритувчи субъектларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат молларини уларнинг сифатини ва ишлаб чиқариш маркасини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз сотиши, худди шунингдек, сотиш мақсадида олиши, — молларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан

кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — молларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ишлаб чиқариш маркасида ёки товар белгисида ишлаб чиқарувчининг номи ва жойлашган ери тўғрисида ахборот бўлмаган товарларни реализация қилиш, шунингдек, реализация қилиш мақсадида сотиб олиш,— мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Бу маъмурий ҳуқуқбузарлик объекти савдо тартиби бўлиб, у мазкур ҳолатда аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилиш билан боғлиқдир. Савдо қоидаларида белгиланишича, спиртли ичимликлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат молларининг сифатини, ишлаб чиқариш маркасини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлган тақдирдагина уларни сотиш мумкин.

Бундан ташқари, шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида худди шундай ҳуқуқбузарликни содир этиш янада каттароқ жавобгарликка сабаб бўлади.

2. 166-модданинг диспозициясини таърифлашдан шу нарса келиб чиқадики, бу модда бўйича фақат ақли расо, 16 ёшга етган фуқароларгина эмас, шу билан бирга, савдо қоидаларини қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида бузишда айбдор бўлган савдо корхоналари ва умумий овқатланиш корхоналарининг мансабдор шахслари ҳам жавобгар бўладилар.

Бундай ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомалар бозорларнинг мансабдор шахслари ва милиция ходимлари томонидан тузилади.

Шарҳланаётган моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

167-м о д д а. **Видеоёзувли кассеталарни сотиш ва видеомуассасаларнинг ишлаш қоидаларини бузиш**

Эксперт комиссияси баҳоламаган видеоёзувли кассеталарни сотиш, — видеокассеталарни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Тегишли рухсат олмай туриб видеомуассасаларни (видеоёзувли кассеталарни ижарага бериш пунктлари, видеозаллар, кабель телевидениеси студияларини) очиш ёки бундай муассасаларни ёпиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин ҳам уларнинг фаолиятни давом эттириши, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Видеомуассасаларда эксперт комиссияси баҳоламаган видеоёзувли

кассеталардан фойдаланиш, — видеоёзувли кассеталарни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ёки учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — видеоёзувли кассеталарни ва видеоаппаратурани мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Қараб чиқилаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик объекти ижтимоий ахлоқ ва видеоёзувли кассеталарни сотиш ва видеомуассасалар фаолият кўрсатишининг белгиланган қоидаларидир.

2. Бундан ташқари, шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, 167-модданинг 1-қисми ҳуқуқбузарлик худди шу модданинг 2 ва 3-қисмларида назарда тутилган таркибга тўғри келмаган ҳолларда татбиқ этилади, бу таркибга тўғри келмаган тақдирда бирмунча юқори жавобгарлик назарда тутилади. Мазкур модданинг иккинчи қисми видеокассеталарни ижарага бериш, видеозаллар, кабель телевидениеси студияларини тегишли рухсат олмай туриб, ўзбошимчалик билан очиш ҳоллари кўпайганлиги муносабати билан жорий этилган.

3. Бу модданинг диспозициясидан шу нарса келиб чиқадики, ақли расо 16 ёшга етган фуқаролар, шунингдек, видеомуассасаларнинг мансабдор шахслари жавобгарликка тортиладилар.

4. 167-модданинг 1, 2, 3-қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган тақдирда янада юқорироқ жавобгарликка тортилади.

5. Субъектив томондан қараб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик тўғридан-тўғри ғаразли ният (модданинг иккинчи қисми) билан, шунингдек, эҳтиётсизлик билан ажралиб туради.

6. Бундай ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомалар милиция ходимлари томонидан тузилади.

7. Шарҳданаётган моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

168-м о д д а. **Бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш**

Бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми, мансабдор шахсларга эса — иккидан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

1. Мазкур ҳуқуқбузарлик объекти бозорларда савдо қилишнинг белгиланган тартибидир. Бундай тартиб бозорларда савдо қилишнинг намунавий қоидаларига мувофиқ ўрнатилади.

2. Савдони тартибга солишнинг тегишли масалаларини ҳал қилиш давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ваколатига киради. Бозорларда савдо қилиш қоидаларини белгилаш ва уларни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш Қорақалпоғистон Республикаси ваколат доирасига (Кодекснинг 5-моддаси), вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ваколатига киритилган (Кодекснинг 6-моддаси).

Аҳоли тегишли маҳаллий кенгашларнинг ҳудудида ишлаб турган бозорларда савдо қилиш қоидаларини билиши учун савдо қоидалари бозорларда ҳар бир бозорнинг ҳудудида кўзга кўринадиган жойларга осиб қўйилиши лозим.

3. Бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш у ёки бу қоиданинг хусусиятидан қатъи назар, 168-моддага мувофиқ маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

4. Бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузганлик учун мансабдор шахслар ҳамда бозор ходимлари бўлган фуқаролар, шунингдек, бозор ҳудудида ишлаб турган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ходимлари ва бозорда савдо қилувчи фуқаролар жавобгар бўладилар.

5. Ҳуқуқбузарлик ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этилади.

6. Бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузишлар тўғрисидаги ишларни давлат солиқ органлари кўриб чиқадилар (264-модда).

169- м о д д а. **Таркибида кимёвий моддаларнинг қолдиғи йўл қўйиладиган даражадан ортиқ бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш**

Таркибида одамлар ва ҳайвонлар саломатлиги учун зарарли бўлган пестицидлар, минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий моддаларнинг қолдиқ миқдори йўл қўйилиши мумкин деб белгиланган даражадан ортиқ эканлигини била туриб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, худди шунингдек, заҳарли ёввойи ўсимликларни, уларнинг ҳосилини, меваларини, уруғларини, барглари ва илдизларини бозорларда сотиш, — маҳсулотларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — маҳсулотларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг икки бараваридан тўрт бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Шарҳланаётган модда бўйича ҳуқуқбузарликлар объекти савдо қилишнинг белгиланган тартиби бўлиб, у мазкур ҳолда аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш билан боғлиқдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш қоидалари сотишга тақдим этилган гўшт, балиқ, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини озиқ-овқат назорат станцияси томонидан ветеринария-санитария экспертизасидан ўтказишни назарда тутади.

2. Таркибида одамлар ва ҳайвонлар саломатлиги учун зарарли бўлган пестицидлар, минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий моддаларнинг қолдиқ миқдори йўл қўйилиши мумкин бўлган даражадан ортиқ эканлигини билган шахсларнинг бу маҳсулотларни, шунингдек, заҳарли ёввойи ўсимликларнинг бу маҳсулотларни, шунингдек, заҳарли ёввойи ўсимликларни, уларнинг ҳосилини, меваларини, уруғларини, барглари ва илдизларини сотиши қараб чиқилаётган моддада назарда тутилган яққол ҳуқуқбузарликни ташкил этади. Шу билан бирга, мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик юқорида кўрсатиб ўтилган маҳсулотларни ветеринария-санитария экспертизасидан ўтказмасдан туриб, шунингдек, уларни озиқ-овқатни назорат қилиш станцияси тақиқлагандан кейин ҳам сотганлик учун жавобгарлик келиб чиқади.

Сифатсиз маҳсулотни сотиш ўртача оғирликдаги ёки оғир тан жароҳатига, одамнинг ўлими, одамларининг қурбон бўлишига олиб келса, бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, айбдор шахс ЖКнинг 166-моддаси бўйича жиноий жавобгар бўлиши лозим.

3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик субъектлари 16 ёшга етган акди расо фуқаролар, шунингдек, савдо ва умумий овқатланиш корхонасининг ходимлари ҳисобланади. Бундай ҳуқуқбузарлик фақат қасддан содир этилади.

4. Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомаларни милиция ходимлари, шунингдек, бозор ва озиқ-овқатни назорат қилиш станциясининг ходимлари тузадилар. 169-модда бўйича ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

170- м о д д а. **Валюта бойликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш**

Валюта бойликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш, — валюта бойликларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Мазкур ҳуқуқбузарлик объекти Ўзбекистон Республикасининг валюта монополиясига тажовуз қилишдан иборат бўлиб, давлатнинг молиявий манфаатларига зарар етказади.

Ҳуқуқбузарлик предмети валюта бойликларидир. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунига биноан валюта бойликларига қуйидагилар киради: 1) чет эл валютаси (банкнотлар, ғазна билетлари, тангалар); 2) чет эл валютасидаги қимматбаҳо қоғозлар — фонд бойликлари (акциялар, облигациялар ва бошқалар); 3) чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари (чеклар, векселлар, аккредитивлар ва бошқалар); 4) қимматбаҳо металлар (олтин, кумуш, платина) ва платина гуруҳидаги металлар (палладий, иридий, радий, рутений ва осмий) ҳар қандай турдаги ва ҳолатдаги; бу металлардан ясалган заргарлик буюмлари ва бошқа рўзғор буюмлари, шунингдек, мазкур буюмларнинг синикдари; 5) қимматбаҳо табиий тошлар (олмос, қизил ёқут,

зумрад, сапфир ва александритлар) хом ашё ва ишланган турда, шунингдек, дур (марварид), бу тошлардан ишланган заргарлик буюмлари ва бошқа рўзғор буюмлари ҳамда уларнинг синиқлари.

2. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони валюта бойликларини ғайриқонуний равишда сотиб олиш ёки сотишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида валюта бойликларини харид қилиш, сотиш ёки улар билан бошқача муомала қилишнинг белгиланган қоидаларини бузган ҳолда валюта бойликларини сотиб олиш ёки сотиш буни амалга ошириш пайтида ғайриқонуний деб эътироф қилинади.

Валюта бойликларини ғайриқонуний равишда сотиб олиш (қўлга киритиш) турли шаклларда амалга оширилиши мумкин. Кўпинча у олди-сотди шаклида амалга оширилади. Валюта бойликларини сотиб олиш бошқа шаклларда ҳам учрайди (айирбошлаш, кўрсатилган хизматлар учун ёки қарзни узиш ҳисобига олиш ва ҳоказо).

Сотиш валюта бойликлари билан ғайриқонуний равишда муомала қилишнинг мустақил шакли бўлиб, валюта бойликларини ҳақини тўлаб реализация қилишга қаратилган фаол фаолият ҳисобланади. Айбдор шахс валюта бойликларининг эгаси бўлиб олиб ёхуд бошқа шахснинг топшириғи билан шундай ҳаракатларни содир этиб, муайян мақсадга — валюта бойликларини сотишга эришишга интилади.

Валюта бойликларини ўтказиш, сотиш, айирбошлаш, уларни қарз ҳисобига бериш ва ҳоказолар шаклида ифодаланади.

Валюта бойликлари билан боғлиқ бошқа барча битишувлар (мерос қилиб қолдириш, ҳадя этиш, сақлаш) ушбу Кодекснинг 170-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик таркибини ҳосил қилмайди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 7 октябрдаги «Республикада валюта бозорини ривожлантириш соҳасидаги қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги, резидентлар ва норезидентлар ўртасидаги барча тўловлар ва ҳисоб-китоблар фақат миллий валютада амалга оширилиши лозим.

Ташкилотлар ва фуқаролардан валюта бойликларини сотиб олиш, шунингдек, уларга сотишга доир операциялар Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат банки томонидан ёки унинг топшириғига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги бошқа ихтисослашган банклар томонидан амалга оширилади.

4. Субъект — ҳуқуққа зид ҳаракатлар содир этиш пайтига келиб 16 ёшга тўлган шахсдир (Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек, унинг ҳудудида турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги йўқ шахслардир).

5. Субъектив томон: ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғридан-тўғри ғаразли ниятни кўзда тутади, шахс ўз ҳаракатининг ҳуқуққа зид эканлигини билади, лекин шунга қарамасдан, уни содир этади.

Валюта бойликларини ғайриқонуний равишда сотиб олиш ёки сотиш бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, ЖКнинг 177-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

6. Ушбу моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқади (245-модда).

171 -м о д д а. **Валюта ва экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш тартибини бузиш**

Валюта операцияларини амалга оширувчи корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва банклар ходимларининг чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасининг ваколат берилган банклардаги валюта счётларига яшириб қолиш мақсадини кўзламай туриб, вақтида ёхуд тўлиқ ўтказилмаслик, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг саккиз бараваридан ўн икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Валюта тушумининг бир қисмини қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва миқдорларда мажбурий сотишдан бўйин товлаш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг саккиз бараваридан ўн икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишнинг белгиланган тартибини бузиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг саккиз бараваридан ўн икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваридан ўн беш бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ҳуқуқбузарликнинг объекти молиявий соҳада вужудга келадиган ижтимоий муносабатлардир.

2. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони чет эл валютасини яшириш, Ўзбекистон Республикасининг вакил қилинган банкларига ўз вақтида тўлиқ ўтказмасликдан иборат; валюта маблағининг бир қисмини қонунда белгиланган тартибда ва миқдорда мажбурий сотишдан бўйин товлаш; экспорт-импорт операцияларининг белгиланган тартибини бузиш, шунингдек, ушбу модданинг 1, 2 ва 3-қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрорсодир этишдан иборатдир (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1995 йил 22 декабрдаги қонунига қаранг. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1995, 12-сон).

3. Ҳуқуқбузарлик субъекти валюта ҳисоблари бўиича операцияларни, шунингдек, экспорт-импорт операцияларини амалга оширадиган корхоналар, муассасалар; ташкилотлар ва банкларнинг ходимлари ҳисобланади.

4. Субъектив томон — ҳуқуқбузарлик қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин.

5. Ушбу моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни: 1-қисм бўйича — маъмурий ишлар бўйича судьялар, 2, 3, 4-қисмлар бўйича — давлат солиқ органлари кўриб чиқадилар (245, 264-моддалар).

172- м о д д а. **Ёнилғи-мойлаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, олиш қоидаларини бузиш**

Ёнилғи-мойлаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, олиш қоидаларини бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Қараб чиқилаётган ҳуқуқбузарликлар ёнилғидан назоратсиз фойдаланиш, нефть маҳсулотларини талон-торож қилиш билан боғлиқдир. Улар корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг нормал хўжалик фаолиятини бузади, моддий зарар етказишга, ёнилғи етишмаслигига олиб келади. Бундан ташқари, ёнилғи-мойлаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, тарқатиш, сотиш қоидаларини бузадиган шахслар учун меҳнатсиз даромад олиш учун шарт-шароит яратиб беради.

Ҳуқуқбузарлик предмети бензин ва бошқа ёнилғи-мойлаш материаллари; дизель ёқилғиси, суюлтирилган углеводород, бошқача газ ёқилғиси, трансмиссион ёғлар, мойлаш ёғлари ва бошқалардир.

Бензин ва бошқа ёнилғи-мойлаш материалларини тарқатиш (сотиш) стационар ва кўчма автомобиль ёнилғиси қуйиш станцияларида давлат фонди лимитлари бўйича ёки накд ҳисоб-китоб (шахсий автотранспорт эгаларига) асосида амалга оширилади.

Бензин ва бошқа ёнилғи-мойлаш материалларини тарқатиш махсус норматив ҳужжатлар билан тартибга солиб турилади (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 сентябрдаги «Нефть маҳсулотларини сотишда тартиб ўрнатиш чоралари тўғрисида»ги Фармони — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992, 10-сон, 423-модда). Нефть маҳсулотларини моддий жавобгар шахслар олади, сакдайди ва тарқатади, улар билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилиши лозим.

Берилган нефть маҳсулотлари миқдори қатъий ҳисобга олиб борилиши лозим. Ҳайдовчилар иш тамом бўлганидан кейин ёнилғи сарфи учун ҳисоб беришлари шарт; вазирликлар, идоралар ва ҳоказоларга тегишли бўлган автомобиль ёнилғиси қуйиш пунктларида нефть маҳсулотлари олиш устидан назорат ўрнатилган. Давлат ёки жамоат транспортига нефть маҳсулотларини тарага бериш тақиқланади (айрим ҳоллар — катерлар ва мотонартларга ёнилғи

қуйиш ва бошқалар бундан мустаснодир).

Кодекснинг 172-моддаси бўйича жавобгарлик шахсий транспорт эгаларига, шунингдек, давлат ва жамоат корхоналари, муассасалар ва ташкилотларга қарашли автомашиналар ҳайдовчиларига ёнилғи-мойлаш материалларини тарқатиш қоидаларини бузишда содир бўлади. Шунингдек, корхоналар ва ташкилотларнинг четга ёнилғи сотиши ҳам, ёнилғини бошқа товар-моддий бойликларга алмаштириш ҳам ғайриқонуний ҳисобланади.

2. 172-модда бўйича ҳуқуқбузарликларнинг субъекти автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари ва пунктларининг, бошқа ёнилғи қуйиш корхоналарининг бензин ва бошқа ёнилғи-мойлаш материалларини тарқатиш учун масъул бўлган мансабдор шахслари, бу материалларни ғайриқонуний қўлга киритган шахсий транспорт эгалари, давлат ва жамоат автотранспортининг ёнилғи-мойлаш материалларини сотувчи ҳайдовчилари, корхоналар; муассасалар ва ташкилотларнинг фонд интизомини бузувчи, бензинни четга сотувчи, нефть маҳсулотларини ва ҳоказоларни ғайриқонуний равишда тарқатишни содир этган мансабдор шахслари ҳисобланади.

3. Субъектив томон бойлик орттириш, қандайдир бойликларга эга бўлиш мақсади билан тўғрисидан-тўғри ғаразли ниятдан иборат шаклда ифодаланади. Айбдор шахс ўз хатти-ҳаракатларининг ҳуқуққа зиддигини билади ва уни содир қилишни истайди.

4. Кодекснинг 172-моддаси бўиича маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар давлат солиқ органлари томонидан кўриб чиқилади (264-модда).

173-м о д д а. **Стандарт талабларига ёки техник шартларга жавоб бермайдиган ёнилғи-мойлаш материалларини реализация қилиш**

Стандарт талабларига ёки техник шартларга жавоб бермайдиган ва кўплаб заҳарли моддалар чиқишига олиб келадиган ёнилғи-мойлаш материалларини реализация қилиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Кодекснинг 173-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик нормал фаолиятга путур етказади. Савдонинг обрўсини тушириб, харидорлар манфаатларига ва экологияга, хусусан, атмосфера ҳавосига зарар етказади.

Стандарт талабларидан, техник шартлар ёки бошқа зарурий нормалардан четга чиққан ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулот, бундай маҳсулот вазифасига кўра ишлатилиш-ишлатилмаслигидан қатъи назар, ностандарт (стандарт талабларига ёки техник шартларга жавоб бермайдиган) маҳсулот деб эътироф қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1994, 2-сон, 46-модда) стандартлаштиришнинг асосий турлари қуйидагилардир:

-ҳалқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар;

-Ўзбекистон Республикасининг стандартлари;

-тармоқ стандартлари;

-техник шартлар;

-корхоналарнинг стандартлари;

-чет эл мамлакатларининг миллий стандартлари.

Стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларга стандартлаштириш бўйича қоидалар, нормалар, техник-иқтисодий ахборотнинг классификаторлари ҳам киради. Уларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш тартиби Ўзбекистон Давлат стандарти томонидан белгиланади.

Норматив ҳужжатларсиз маҳсулот ишлаб чиқаришга ва уни сотишга йўл қўйилмайди.

Маҳсулот, атроф-муҳит, аҳоли турмуши, саломатлиги ва мол-мулкининг хавфсизлигини таъминлаш учун, техник ахборотнинг мувофиқ келишини, маҳсулотнинг ўзаро алмаштирилишини, назорат қилиш усуллари бирлиги ва маркировка бирлигини таъминлаш учун стандартлар томонидан белгиланган талаблар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонуни билан белгиланган бошқа талаблар давлат бошқарув органлари, хўжалик фаолияти субъектлари риоя қилишлари учун мажбурий бўлган талаблардир.

Маҳсулотнинг яхши сифатли эканлигини, стандартлар ва комплекслиликка жавоб беришини аникдаш, одатда, техник ёки ўзгача махсус экспертизадан ўтказишни талаб қилади.

2. Кодекснинг 173-моддаси бўйича ҳуқуқбузарликнинг объектив томони ҳаракат шаклида (ёнилғи-мойлаш материалларини сотиш) ифодаланади.

3. Субъектлар автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари, пунктлари ва бошқа ёнилғи қуйиш корхоналарининг бензин ва бошқа ёнилғи-мойлаш материалларини тарқатиш учун жавобгар бўлган ҳам мансабдор шахслари, ҳам моддий жавобгар бўлган ходимларидир.

4. Субъектив томон айбнинг ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик шаклида ифодаланиши мумкинлигидир. Айбдор мансабдор шахслар ўз ҳаракатларининг ғайриқонуний эканлигини англаб етадилар ва уларни амалга оширишни истайдилар.

5. Кодекснинг 173-моддаси бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқадилар (245-модда).

174-м о д д а. **Солиқлар ва бошқа тўловлар тўлашдан бўйин товлаш**

Солиқ олинадиган фойдани (даромадни) ёки бошқа объектларни қасддан яшириш (камайтириб кўрсатиш) ёхуд солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан қасддан бўйин товлаш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача,

мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Даромадлар тўғрисида декларация тақдим этишдан бўйин товлаш, декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик ёки унга атайин нотўғри маълумотларни тақдим этиш, — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ўзбекистон Ресубликасининг 1991 йил 15 февралдаги «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги қонунига мувофиқ (кейинги киритиб борилган қўшимчалар ва ўзгаришлар билан бирга), Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиркорлик ва бошқа фаолият билан шуғулланувчи, даромад келтирувчи корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар солиқ тўлайдилар (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991, 4-сон, 86-модда; 8-сон, 191-модда; 1992, 1-сон, 49-модда; 4-сон, 177-модда; 337-модда; 1993, 1-сон, 20-модда; 6 - сон, 240-модда; 1994, 5-сон, 159-модда; 11 —12-сон, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996, 9-сон, 193-модда; 12-сон, 269-модда; 1996, 5—6-сон, 69-моддага қаранг).

Муайян солиқ турини белгилаган ҳокимият органлари ёки улар вакил қилган бошқа орган қуйидагиларни белгилайди:

-солиқ тўловчини;

-солиқ солиш объектини;

-солиқ ставкасини;

-солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартибини;

-солиқ солиш соҳасидаги имтиёзларни;

-солиқнинг амал қилиш муддатини.

Фойдадан олинадиган солиқ тўловчилар қуйидагилардир: а) хўжалик ҳисоби принциплари асосида ишлаб чиқариш, тижорат ва бошқа тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган, мустақил балансга эга бўлган ва юридик шахслар ҳисобланувчи корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этилган қўшма корхоналар, идоралараро бирлашмалар, хўжалик фаолияти юритадиган ва бошқа суверен республикалар ва мамлакат ҳудудида мулкчилик шаклидан қатьи назар, юридик шахслар ва фуқаролар иштироки билан ташкил этилган қўшма корхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган шохобчалари;

б) хўжалик ҳисобида бўлмаган, лекин хўжалик ва бошқа тижорат фаолиятидан даромад оладиган ташкилотлар;

в) хўжалик ёки бошқа тижорат фаолиятини амалга оширадиган идоралараро ноҳукумат ташкилотлар (бирлашмалар).

Солиқ солиш объекти баланс фойдасидан келиб чиқиб ҳисобланадиган фойда бўлиб, у маҳсулотни (ишларни, хизматларни) сотишдан, бошқа моддий

бойликлар ва мазкур операциялар бўйича харажатлар суммасига камайиб борадиган реализациядан ташқари даромадлардан келадиган суммадан иборатдир.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган фойда маҳсулотни (ишлар, хизматларни) сотишдан тушган оборот солиғисиз маблағ билан бу маҳсулотни ишлаб чиқаришга ва сотишга кетган, маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига кетадиган харажатлар ўртасидаги амалдаги нархлар ҳисобидаги фарқ сифатида белгиланади.

Реализациядан ташқари даромадлар (харажатлар) таркиби қуйидагиларни ўз ичига олади: қўшма корхоналарда улуш қўшиб иштирок этишдан олинган даромадлар, мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромаддан, корхоналарга тегишли акциялар, облигациялар, қимматбаҳо қоғозлар бўйича олинган дивидендлар, шунингдек, бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар, хизматлар) ва уни сотиш билан боғлиқ бўлмаган операциялардан тушган бошқа даромадлар, шу жумладан, иқтисодий санкциялар ва етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тарзида олинган ва тўланган суммалар.

Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ бюджетга корхона ихтиёрида қолган фойда ҳисобига санкциялар сифатида киритилган суммалар солиқни ҳисоблаш вақтида реализациядан ташқари операциялар бўйича сарфланган харажатлар таркибидан чиқариб ташланади.

Барча тўловчилар чорак давомида бюджетга тўланадиган солиқнинг аванс бадалларини ҳар бир ойнинг 10 ва 25-кунларидан кечиктирмай фойдадан олинадиган солиқнинг чоракдаги миқдорининг 1/6 қисмига тенг бўлаклар билан тўлашлари лозим.

Тўловчининг илтимосига мувофиқ, солиқ органи бюджетга тўловнинг битта муддатини — ҳар бир ойнинг 20-кунини белгилаши мумкин, бунда бир чоракдаги солиқ суммасининг 1/3 қисми тўланади.

Биринчи чорак, ярим йил, тўққиз ой ва йил тамом бўлгандан кейин тўловчи йил бошидан эътиборан, солиқнинг ортиб борувчи якунини ҳисоблаб чиқади, бунда солиқ солинадиган фойданинг ҳақиқатда олинган миқдорига асосланилади.

Ўзбекистон ҳудудида ўзбек ва чет эл юридик шахслари ҳамда фуқаролари иштироки билан ташкил этилган қўшма корхоналар бир йил давомида фойда олишнинг чоракдаги аванс бадалларини бюджетга йиллик тўловнинг 1/4 қисми миқдорида тўлашлари керак, бунда ҳар бир чоракнинг охирги ойи 15-кунидан кечикмаслик лозим.

Солиқ тўловчилар ўзлари яшаб турган жойдаги солиқ органларига қонунда белгиланган тартиб ва муддатларда бухгалтерлик ҳисоблари (декларациялар) ва балансlар ҳамда фойда солиғи суммаси ҳисоб-китобларини тақдим этадилар.

Соликдарни ҳисоблашнинг тўғрилиги, уларни бюджетга ўз вақтида тўлаш ва солиқ солиш тўғрисидаги амалдаги қонунларга риоя қилиниши учун жавобгарлик солиқ тўловчилар ва уларнинг мансабдор шахслари зиммасига

юкланади.

Солиқ тўловчилар солиқ тўлаш учун белгиланган муддатда бухгалтерия ҳисоботлари ва балансларига тегишли давр учун белгиланган формадаги оборот солиғи ҳисоб-китобига эга бўлмасалар, олдинги ҳисоб даври учун ҳисобланган солиқ суммасининг 110% ини тўлайдилар. Санаб ўтилган ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин солиқ солинадиган оборотдан ва бошқа солиқ солиш объектларидан олинган фойдадан келиб чиқиб, қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Солиқ тўловчилар фойда (даромад) ҳисобининг йўқлиги ёки бу ҳисобни белгиланган тартибда бузган ҳолда юритганлик учун, шунингдек, солиқ органларига ҳисоботлар, ҳисоб-китоблар ва солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш учун керак бўладиган бошқа ҳужжатларни тақдим этмаганлик, ўз вақтида тақдим этмаганлик учун тўланиши лозим бўлган солиқнинг 10% миқдорида бюджетга жарима тўлайдилар.

Фойда (даромад) яширилган (пасайтириб кўрсатилган) ёки солиққа тортиладиган бошқа объектлар яширилган тақдирда тўловчилардан бюджет даромадига яширилган (пасайтириб кўрсатилган) фойданинг бутун суммаси ундирилади.

2. Кодекс 174-моддасининг объектив томони ҳаракат тарзида (фойдани яшириш, пасайтириб кўрсатиш, фойда ҳақидаги ҳисоботни ўз вақтида тақдим этмаслик), шунингдек, ҳаракатсизлик — даромадлар тўғрисида декларация тақдим этмаслик, атайлаб сохта маълумотларни тақлим этиш тарзида намоён бўлади.

3. Субъектлар корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, 16 ёшга етган фуқаролар бўлиши мумкин.

4. Ҳуқуқбузарлик субъектив томоннинг тўғридан-тўғри ғаразли нияти билан ифодаланади. Айбдор шахс ўзи содир қилаётган ҳаракатнинг ҳуқуққа зид эканлигини билади ва уни содир этишни истайди.

5. Даромадлар тўғрисида декларация топширишдан қасддан бўйин товлаш ЖКнинг 184-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

6. Кодекснинг 174-моддаси бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар давлат солиқ органлари томонидан кўриб чиқилади (264-модда).

175-м о д д а. **Солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операцияларини юритиш тартибини, шунингдек, тўлов интизомини бузиш**

Фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёхуд бундай ҳисобни белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб бориш, шунингдек, солиқларни, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган солиқ ҳисоботларини, ҳисоб-китобларини ва бошқа

ҳужжатларни тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки белгиланмаган шаклда тақдим этиш, башарти бу ҳаракатлар тўланиши лозим бўлган солиқ ёки бошқа тўловларнинг миқдорини камайтиришга олиб келса, — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Касса операцияларини юритиш тартиби ва тўлов интизомини бузиш, шу жумладан, қарздор корхоналардан тўловларни ундириш бўйича солиқ органларининг инкасса топшириқларини бажармаслик, шунингдек, дебиторлик ва кредиторлик қарзи муддатларини ўтказиб юбориш ҳамда корхоналарнинг ҳисобварақаларида тегишли маблағлар бўлган ҳолда тўловларни амалга оширишнинг белгиланган муддатларини бузиш, шунингдек, пул маблағларини ҳисобдан чиқариш навбатини бузиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Солиқ органларида рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи маълумотномасиз корхоналар ва ташкилотларга ҳисоб-китоб ёки бошқа ҳисобварақаларини очиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бюджетга тўловлар бўйича қарзи бўлган корхоналарга ўз вақтида инкасса топшириқномасини тақдим этмаслик, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Республика молиявий фаолияти, унинг давлат бюджети шарҳланаётган ҳуқуқбузарлик тажовузининг объекти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган соликлар тўғрисида»ги қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991, 4-сон, 86-модда) биноан, солиқ тўловчилар:

а) бухгалтерия ҳисобини ва молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидагй ҳисоботни белгиланган тартибда юритишлари ҳамда солиқ органларига бухгалтерлик ҳисоботлари ва балансларини солиқ бўйича ҳисоб-китобларни ҳамда солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ бошқа зарур ҳужжатлар ва маълумотларни;

б) солиқлар соҳасида имтиёзларга эга бўлиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатларни кўрсатишлари, тегишли ҳолларда эса бундай ҳужжатларни тақдим этишлари;

в) тўланиш керак бўлган солиқ суммаларини ўз вақтида ва тўла-тўкис тўлаб

туришлари;

г) солиқ идораларининг мансабдор шахсларига даромадлар олиш билан ёки солиқ солинадиган объектларни сақлаш билан боғлиқ бўлган биноларни текшириб чиқиш учун, шунингдек, солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш масалалари юзасидан текширишлар ўтказиш учун имконият яратиб беришлари шарт.

Солиқ дўлаш учун белгиланган муддатда бухгалтерлик ҳисоботи ва балансга, айланма маблағ солиқларининг тегишли ҳисобот даври учун белгиланган шаклда ҳисоб-китобга эга бўлмаган солиқ тўловчилар келгуси ҳисобот даври учун ҳисобланадиган солиқ суммасидан 110% тўлайдилар.

Фойда (даромад) ҳисобининг йўқлиги ёки бу ҳисоб белгиланган тартибга хилоф равишда олиб борилганлиги, шунингдек, ҳисобот, ҳисоб-китоб ва солиқни ҳисоблаш ва тўлаш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни солиқ идораларига тақдим этмаганлиги, ўз вақтида топширмаганлиги учун солиқ тўловчи бюджетга солиққа тегишли сумманинг 10% миқдорида жарима тўлайди.

2. Объектив томон ҳаракатсизлшс (ҳисобга олишнинг йўқлиги) шаклида ҳам, касса операцияларини юритиш қоидаларини бузадиган ҳаракатда ҳам ифода қилинади.

3. Корхоналар, бирлашмалар, ташкилотларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи 16 ёшга тўлган фуқаролар шарҳланаётган ҳуқуқбузарлик субъекти бўлишлари мумкин.

4. Субъектив ҳуқуқбузарлик (бир тарафлама) қасддан ёки эҳтиётсизлик шаклида ифодаланиши мумкин. Айбдор шахслар ўз хатти-ҳаракатларининг ноқонунийлигини сезиб турсалар ҳам унга онгли равишда йўл қўядилар. Ёки молиявий ҳужжатларни пала-партиш тутиб, касса операцияларини юритиш тартибини бузадилар.

5. Кодекснинг 175-моддаси бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишни давлат солиқ органлари ва хўжалик судлари кўриб чиқадилар (245^1,264-моддалар).

175^1-м о д д а. **Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартибини бузиш**

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартибини бузиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади

1. Шарҳланаётган модданинг объекти — Ўзбекистон Республикасининг

молиявий фаолияти. Бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги 1996 йил 30 август қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1996 йил, 9-сон, 142-модда), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 30 сентябрда тасдиқланган бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари билан, шу жумладан, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун соддалаштирилган бухгалтерия ҳисобини юритиш стандарти билан белгиланади.

Банкларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш Марказий банк томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Пул, товар-моддий ва бошқа бойликларни қабул қилиш ва бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлар, корхона, муассаса ва ташкилотнинг кредит ва ҳисоб-китоб мажбуриятларини, шунингдек, бухгалтерия ҳисоботлари ва баланслари раҳбар томонидан ёки у белгилайдиган шахслар томонидан имзоланади.

Бухгалтерия ҳисоби регистрлари икки ёкдама ёзув қоидаларига мувофиқ юритиладиган журналлар, қайдномалар, дафтарлар, тасдиқланган бланкалар (шакллар)дир. Бухгалтерия ҳисоби регистрларига тасдикданмаган тузатишларнинг киритилишига йўл қўйилмайди.

Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тузилади.

Бухгалтерия ҳисоботи қуйидагиларни ўз ичига олади:

-бухгалтерия баланси;

-молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;

-асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

-пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;

-хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот;

-изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

Кичик ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисоботи соддалаштирилган шаклда тузилади.

Бухгалтерия ҳисоботи қуйидаги органларга тақдим этилади:

-солиқ органларига;

-таъсис ҳужжатларига мувофиқ мулкдорларга;

-давлат статистика органларига;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа органларга.

2. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони — юқорида қайд этилган тартиб-қоидаларга риоя этмаслик, яъни ҳаракатсизлик. 175^{1}-модданинг 2-қисми ҳуқуқбузарликни бир йил давомида такрор содир этилганлик учун маъмурий жазо белгилайди.

3. Субъект — хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахслари.

4. Субъектив томондан ҳуқуқбузарлик қасддан содир этилади.

5. Кодекснинг 175^1-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади.

175^2-модда. **Бюджет интизомини бузиш**

Бюджет интизомини бузиш, яъни бюджет маблағларини бюджетда ёки бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллаш, шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича бюджетдан ажратилган маблағларнинг лимитлардан ортиб кетиши, штат-смета интизомини бузиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларга иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа харажат тўлови учун пул маблағлари бериш банкларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан асоссиз равишда кечиктирилганлиги, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Шарҳланаётган модданинг объекти — Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими. Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги бюджет тизими республика бюджети, Қорақалпоғистон бюджети, шунингдек, вилоят, туман, шаҳар, шаҳарлардаги туманлар бюджетларини ўз ичига оладиган маҳаллий бюджетларининг мажмуидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси бюджети Республика Олий Мажлиси томонидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети Жўқорғи Кенгеси томонидан қонун тарзида тасдиқланади, маҳаллий бюджетлар эса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларй қарори билан тасдиқланади.

2. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони бюджет маблағларини бюджетда ёки бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллаш, шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича бюджетдан ажратилган маблағларнинг лимитлардан ортиб кетиши, штат-смета интизомини бузишда ифодаланган ҳаракатдан иборат.

Модданинг иккинчи қисми бўйича бюджетдан молияланадиган, муассасалар ва ташкилотларга иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа харажат тўлови учун пул маблағлари бериш банкларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан асоссиз равишда кечиктирилганликда ифодаланган ҳаракатсизликдан иборат. Санаб ўтилган ҳаракатлардан бирининг содир этилиши ҳуқуқбузарликнинг алоҳида таркибини ташкил этади.

Ҳуқуқбузарликнинг бир йил давомида такрор содир этилиши Жиноят кодексининг 184[1]-моддасига кўра жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади.

3. Субъект — мансабдор шахс.

4. Ҳуқуқбузарлик субъектив томондан қасддан содир этилади.

5. Ушбу моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси органлари томондан кўриб чиқилади (264[1]-модда).

175[3]-модда. **Солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини қўлланиш тартибини бузиш**

Солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини қўлланиш тартибини бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Шарҳланаётган моддада белгиланган тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 130-сонли қарори билан тасдикланган «Ўзбекистон Республикасида солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини бериш ва қўллаш тизими тўғрисида»ги низомда (Ўз. Р. ҲҚТ 3-сон, 1997 йил 10-модда) ва Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4—5-сонга илова, № 9, 241-мода; 1998 йил, №3, 38-модда, № 5—6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда) қайд этилган.

Солиқ тўловчиларга идентификация рақамларининг шахсий кодларини бериш қуйидагиларни таъминлашга қаратилган:

Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг идентификация рақамлари ягона реестрини шакллантириш;

солиқ тўловчиларни ҳисобга олишни тартибга солиш;

солиқларнинг бюджетга тушишини ҳисобга олиш ва солиқ органларининг ўзаро ҳамкорлиги бўйича маълумотларни компьютерда ишлашини жорий этиш;

солиқ қонунчилигига риоя этилиши бўйича ахборотларнинг яхлитлиги ва ишончлилиги кўп томонлама текширилиши, назорат қилишини ташкил этиш.

Идентификация рақами солиқ тўловчининг барча солиқ мажбуриятлари ва барча ижтимоий ҳуқуқлари бўйича ягона ҳисобланади, унинг давлат ҳокимияти ва назорати органлари билан давлат ижтимоий суғуртаси ҳамда бошқа суғурта жамғармаларидан тўловлар (маблағлар) олиш бўйича барча ўзаро муносабатларида қўлланади ва ўзгартирилмайди.

Идентификация рақами бир марта берилади ва фақат юридик шахснинг тугатилиши, жисмоний шахснинг вафоти ёки бошқа мамлакатга кўчиб кетиши муносабати билан, ушбу воқеалар рўй бергандан кейин уч йил ўтгач, бекор қилиниши мумкин.

Идентификация рақами солиқ тўловчиларга улар ўзлари яшайдиган жойдаги давлат солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтказиш шаклларини тўлдирганидан кейин берилди. Рўйхат ўтказиш шакллари маълумотлари давлат солиқ инспекциясида компьютерга ёзилади, электрон почта орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига берилади. Давлат солиқ қўмитасида идентификация рақамини беришда такрорга йўл қўймаслик мақсадида ҳар бир солиқ тўловчининг маълумотлари текширилади.

Давлат солиқ қўмитасидан идентификация рақами берилгани тўғрисидаги маълумотлар олингач, Давлат солиқ инспекциясида солиқ тўловчиларга идентификация рақами берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома тақдим этилади.

Идентификация рақами солиқ тўловчиларнинг қуйидаги тоифаларига берилади:

а) солиқ мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пайдо бўлган барча юридик шахсларга;

б) солиқ мажбуриятлари Ўзбёкистон Республикаси ҳудудида пайдо бўлган асосий яшаш жойига эга барча Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек, доимий яшаш жойига эга бўлмаган, бироқ солиқ мажбуриятлари Республика ҳудудида пайдо бўлган фуқароларга.

Солиқ мажбуриятлари деганда жисмоний ёки юридик шахсда даромад олиш манбаи мавжудлиги ёки солиқ солишнинг бошқа объекти тушунилади.

Солиқ тўловчининг идентификация рақами тўққизта рақамли белгидан иборатдир, дастлабки 8 рақам солиқ тўловчининг ўз рақами, охирги рақам эса назорат сонини ташкил этади.

Жисмоний шахсни рўйхатдан ўтказиш яшаш жойи бўйича давлат солиқ инспекциясида фақат бир марта амалга оширилади.

2. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони юқорида қайд этилган қоидаларни бузишдан иборат.

3. Субъект — солиқ тўловчилар, шунингдек, солиқ тўловчининг идентификация рақамини беришга, рўйхатдан ўтказишга маъсул бўлган мансабдор шахслар.

4. Субъектив томондан ҳуқуқбузарлик қасддан содир этилади.

5. Ушбу ҳуқуқбузарлик бўйича ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

176-м о д д а. **Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузиш**

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишнинг белгиланган тартибини бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш

бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Савдо ёки воситачилик фаолиятини рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаган ҳолда амалга ошириш, — ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартиби:

— 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ведомостлари, 1991, № 2, 62-модда) билан;

— Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 февралдаги «Узбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорлар тўплами, 1992, 2-сон, 3-модда);

— Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган мансабдор шахслар рўихати тўғрисида»ги 1992 йил 6 март қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорлар тўплами, 1992 йил, № 3, 1-модда) билан;

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1994 йил 21 январдаги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, 3-сон, 70-модда) билан тартибга солинади.

— Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5—6-сон, 102-модда.

2. Тадбиркорлик бозор инфраструктурасини шакллантиришни тезлатиш, нодавлат корхоналари ва фуқароларни халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга фаол жалб этиш, Республика бозорини истеъмол моллари билан бойитиш мақсадида қилинаётган ижтимоий фойдали фаолият ҳисобланади.

3. Фуқаро ва мансабдор шахсларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш қонун нормаларида назарда тутилган доирада рухсат этилади.

4. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган шахслар (фуқаролар, юридик шахслар) уни расмийлаштиришни тегишли давлат органларига белгиланган тартибда амалга оширишлари лозим.

5. Кичик корхоналар улар жойлашган туман, шаҳар, шаҳарлардаги туман ҳокимликларида, биржалар — Адлия вазирлигида, чет эл инвестицияси бўлган корхоналар эса Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтадилар.

6. Фуқароларга (алоҳида фуқарога) фойда (даромад) олиш мақсадида таваккалчилик билан ва ўз мол-мулкига жавобгарликни зиммасига юклаб меҳнат қилишга ишчи ёллаш билан амалдаги қонун доирасида хусусий

тадбиркорлик билан шуғулланишга ижозат берилади.

7. Хусусий корхона мулкдори ишлаб чиқариш, савдо ва юридик жиҳатдан мустақилликка эга, бегона фирма ва товар белгиларини, шунингдек, бир корхона маҳсулотининг бошқа ишлаб чиқарувчининг маҳсулотига аралашиб кетишига имкон берувчи исталган маълумотни ўзлаштиришига йўл қўйилмайди.

8. Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг объектив томони тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибларига амал қилмасликда ифодаланади.

9. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга алоқадор ижтимоий муносабатлар ушбу ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади.

10. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишнинг белгиланган тартиби бузилгани аникданса, солиқ инспектори, молия органи, ички ишлар органлари ёки бошқа ваколатли органларнинг ходимлари Молия вазирлиги белгилагандек, баённома ёки далолатнома тузишлари лозим. Баённома ушбу Кодекснинг 176-моддаси биринчи қисми бўйича кўриб чиқиш учун давлат солиқ органига юборилади (245-модда).

11. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар рўихатдан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномани, ҳисоб-китоблар ва молиявий операциялар амалга ошириладиган молиявий ҳисобларни тегишли органга кўрсатишлари лозим. Рўйхатдан ўтганлик гувоҳномасини бошқа шахсларга бериши тақиқланади.

12. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун рўйхатдан ўтганлик гувоҳномаси бўлган шахслар муқим яшаш учун бошқа жойга кўчиб ўтганларида янги яшаш жойидаги ҳокимликдан рухсатнома оладилар.

13. Ҳуқуқбузарлик амалга оширилган пайтда 18 ёшга тўлган фуқаролар ва мансабдор шахслар ушбу ҳуқуқбузарлик субъекти ҳисобланадилар.

14. Ушбу ҳуқуқбузарлик бир томонлама олиб қаралганда, тўғридан-тўғри, қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир бўлган, деб тавсифланади.

15. Кодекснинг 176-моддаси биринчи қисми бўйича материаллар давлат солиқ органлари томонидан кўриб чиқилади (264-модда).

16. 176-модда иккинчи қисми «Рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, савдо ёки тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш»нинг таркибини назарда тутади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ички бозорни халқ истеъмоли моллари билан бойитиш мақсадида савдо-сотиқ ва биржа савдосининг кенг тармоқлари юзага келди.

Республикада бу савдо турлари фаолиятини тартибга солувчи бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Давлат бошқармасининг тегишли соҳасида рўйхатдан ўтиш ана шу талаблардан биридир. Масалан, 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги қонунга биноан (қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992, 10-сон,

394-модда) халқ истеъмоли молларининг исталган турини сотиш учун лицензия олиниши лозим.

17. Ҳуқуқбузарликнинг кўриб чиқилган таркиби бозор иқтисодиётига ўтиш даврида савдо қоидаларига қарши йўналтирилган ва у давлат ҳисобидан даромад олиш усулларидан бири саналади.

18. Белгиланган савдо қоидалари ушбу ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади.

19. Ушбу ҳуқуқбузарликнинг объектив томони унинг ҳаракат ёки сусткашлик билан амалга оширилишидир.

20. 18 ёшга тўлган, ўз хатти-ҳаракатлари учун қонун олдида жавоб бера оладиган шахс ушбу ҳуқуқбузарликнинг субъекти ҳисобланади.

21. Ҳуқуқбузарликнинг қасддан, ошкора амалга оширилиши унинг ғаразли томонидир.

22. Шу модда бўйича ҳуқуқбузарлик кўринишлари аниқланганда назорат қилувчи ички ишлар органлари унинг биринчи қисми бўйича давлат солиқ органлари, иккинчи қисми бўйича эса маъмурий ишлар судьялари кўриб чиқадиган баённома тузадилар.

176-м о д д а. **Шартнома интизомини бузиш**

Шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида хўжалик юритувчи субъектларга мулкий зарар етказиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ун беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармонида («Халқ сўзи», 1998 йил 5 март) иқтисодий ҳуқуқбузарликни содир қилган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўллаш, хўжалик юритувчи субъектга етказилган мулкий зарарни айбдор мансабдор шахслар ҳисобидан қоплаш назарда тутилган.

2. Ҳуқуқбузарлик аникданганда, Узбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг мазкур моддасида назарда тутилган маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш хўжалик баҳси кўриб чиқилаётган жараёнда амалга оширилади.

3. Маъмурий жавобгарликка тортиш хўжалик судининг қарори билан расмийлаштирилади. Қарор суд далолатномасининг мажбурий реквизити билан бирга, у жавобгарликка тортилаётган шахс ҳақида маълумот, ушбу маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи меъёрий далолатномани ўз ичига олади.

4. Хўжалик судининг маъмурий жазони қўллаш тўғрисидаги қарорига билдирилган шикоят (эътироз) апелляцион (кассацион) тартибда кўриб

чиқилади.

5. Шартномавий тартибот шарҳланаётган ҳуқуқбузарликка қасд қилиш объектидир.

6. Объектив томони фаолиятсизлик (бажармаслик) шаклида ҳам, шартномавий мажбуриятларни бошқариш хатти-ҳаракатида ҳам ифодаланади.

7. Мансабдор шахслар ушбу ҳуқуқбузарликнинг субъекти ҳисобланади.

8. Субъектив томони қасддан қилиш ёки эҳтиётсизлик шаклида ифодаланади.

9. Кодекснинг 176^1-моддаси бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишни хўжалик судлари кўриб чиқади 245^1-моддаси).

176^2-м о д д а. **Хўжалик юритувчи субъектнинг манзили, банк реквизитлари ўзгарганлиги ёки қайта рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаслик ёки ёлғон маълумогларни тақдим этиш**

Хўжалик юритувчи субъект томонидан манзили (тураржойи), банк реквизитлари ўзгарганлиги ёки қайта рўихатдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотларни ваколатли давлат органларига тақдим этмаслик ёки ёлғон маълумотларни тақдим этиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленумининг «Узбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар ҳақида»ги 1998 йил 9 апрелдаги 71-қарорида ҳуқуқбузарлик аниқланганида хўжалик судининг маъмурий жавобгарлик чоралари кўриш ваколати хўжалик даъволашувини кўриб чиқиш жараёнида амалга оширилиши уқтирилган.

2. Республиканинг молиявий фаолияти шарҳданаётган ҳуқуқбузарликнинг қасд қилиш объекти ҳисобланади.

Объектив томони фаолиятсизлик (маълумот бермаслик) шаклида ҳам, хўжалик юритувчи субъектнинг манзили ёки банк реквизитлари ўзгаргани ҳақида сохта маълумот беришда ҳам ифодаланади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахслари ҳукуқбузарлик субъектлари бўлиши мумкин.

Субъектив томони қасддан ҳуқуқбузарлик қилиш шаклида ифодаланиши мумкин.

Кодекснинг мазкур моддаси бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш хўжалик суддари томонидан кўриб чиқилади (245^1-модда)

177-м о д д а. **Маҳсулот белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси эгасининг ҳуқуқларини бузиш**

Бир хил маҳсулотларни белгилаш учун маҳсулот белгисидан ёки хизмат кўрсатиш белгисидан ёхуд унга ўхшаш белгидан маҳсулот белгиси эгасининг ҳуқуқларини бузган ҳолда фойдаланиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Кодекснинг 177-моддаси «Маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида»ги қонун (қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1993, 6-сон, 244-модда)ни бажариш юзасидан муаллифлик ҳуқуқи (патент) ва маҳсулот белгиларини, шу жумладан, Республикамиз ташқарисида ҳам ҳимоя қилиш учун ўрнатилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг янги таркиби ҳисобланади.

2. Савдо белгилари ёки хизмат кўрсатиш белгиларидан фойдаланишнинг ўрнатилган қоидаси ушбу ҳуқуқбузарлик таркибининг объекти ҳисобланади.

3. Савдо белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси эгасининг ҳуқуқи бузилган, бу белгилардан қонунга хилоф равишда фойдаланилган ҳолдаги хатти-ҳаракат ушбу ҳуқуқбузарликнинг объектив томони ҳисобланади.

4. Бегоналарнинг маҳсулот белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгисидан фойдаланувчи 16 ёшга етган фуқаролар ёки мансабдор шахслар маъмурий жавобгар шахс ҳисобланадилар.

Муаллифнинг ташаббуси бйлан ёки идора инспекцияси вакиллари ва мансабдор шахсларга нисбатан мана шундай факт бўйича маъмурий иш кўзғатилиши мумкин.

5. Бевосита қасд мазкур ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони ҳисобланади.

6. Кодекснинг 177-моддасида кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

178-м о д д а. **Монополияга қарши қаратилган қонун ҳужжатларини ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Монополияга қарши қаратилган фаолиятни амалга оширувчи ваколатли органга ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органларга ахборот тақдим этмаслик ёки уларга атайин нотўғри маълумот тақдим этиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли органнинг қоидабузарликни тугатиш, дастлабки ҳолатни тиклаш, шартномаларни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги талабларини

ёхуд бошқа қонуний қўрсатмаларини бажаришдан бўйин овлаш ёки ўз вақтида бажармаслик, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Монополияга қарши қаратилган қонун ҳужжатларининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Монополия фаолиятининг екланиши тўғрисида»ги қонуни — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992, 10-сон, 392-модда) вазифалари:

— тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, маҳсулот бозорида рақобатни кучайтириш;

— монополия фаолиятининг бозорда устунлик вазиятинй суиистеъмол қилишнинг олдини олиш ва унга йўл қўймасликка, монополиячи-корхоналар нархларини тартибга солишга, инсофсизликка асосланган рақобатга барҳам беришга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилишдан иборат.

Қонун тадбиркорликни рағбатлантиришни, жамият манфаатларини ҳимоя қилишни, хўжалик субъекти, ҳокимият, давлат органлари ва бошқармаларининг рақобатни чеклаш ёки бартат раф этишга йўл қўймасликка қаратилган устама фойда олиш мақсадидаги ҳаракатлари ёки сусткашликлари, шунингдек, монополия фаолиятининг олдини олиш ва унга барҳам беришнинг ҳуқуқий асосларини белгилашни кўзда тутади.

2. Монополияга қарши фаолиятни амалга ошириш ваколатини олган орган монополияга қарши қонун бузилган тақдирда хўжалик субъектларига бузилиш ҳолатларини тўхтатиш, дастлабки ҳолатни тиклаш ҳақида, асоссиз олинган даромадни тегишли бюджетга ўтказиш ва хўжалик субъектларини мажбурий равишда йириклаштириш (бўлиб ташлаш) ҳақида ва бозорда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳукмронлик ҳолатига барҳам бериш ёки камайтиришга йўналтирилган бошқа чора-тадбирларни бажариш мажбурий бўлган фармойиш бериш, шунингдек, уларга, бошқарув органларига ва мансабдор шахсларга жарима солиш ҳуқуқига эга.

Қонуннинг 7-моддаси монополияга қарши давлат сиёсатини ўтказиш мақсадида материалларни қонунда белгиланган тартибда кўриш чиқиш учун суд, хўжалик суди, прокуратура органларига йўллаш ҳуқуқи билан монополияга қарши фаолиятни амалга ошириш ваколатини олган орган тузишни кўзда тутади.

3. Бозор иқтисодиётига ўтиш ва маҳсулотларнинг рақобатини тартибга солиш давридаги ижтимоий муносабатлар ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади.

4. 178-моддада кўзда тутилган ҳуқуқбузарликнинг объектив томони ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан ифодаланади.

5. Жавобгарлик субъекти мансабдор шахсдир.

6. Бу ҳуқуқбузарлик қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли амалга оширилади.

7. Мана шу моддада кўзда тутилган ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши маъмурий жазо қўлланилгандан кейин Жиноят кодексининг 183-моддаси билан

квалификация қилинади.

8. 178-моддада кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишни монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш (268[1]-модда) бўйича органлар, «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 1996 йил 26 апрелдаги қонунни бузиш қисмини эса меъморчилик ва қурилиш соҳасидаги органлар кўриб чиқади.

178-м о д д а. **Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Рекламага тааллуқли маълумотларни ваколатли давлат органига белгиланган муддатда тақдим этмаганлик, шунингдек, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини тугатиш ҳақидаги кўрсатмаларни ўз муддатида бажармаганлик, — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Нотўғри реклама берганлик, ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя этмаганлик ёки аксилреклама беришдан бош тортганлик — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Шарҳланаётган модданинг объекти рекламани тайёрлаш ва тарқатиш билан боғлиқ тартиб-қоидалардир. Мазкур тартиб-қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги 1998 йил 25 декабрь Қонунида белгиланган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1-сон, 1999 йил, 14-модда).

Ушбу Қонунга асосан, реклама — бу бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар ёки маҳсулот тўғрисида тарқатиладиган махсус ахборотдир.

Рекламада қуйидагилар тақиқланади:

ишлаб чиқарилиши ёки реализация қилиниши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган маҳсулот тўғрисида ахборот тарқатиш;

жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқейга қараб, бошқа ҳолатларга кўра камситиш ёки ўзга шахсларнинг маҳсулотини бадном этиш;

қонун ҳужжатларининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган, фуқароларнинг соғлиғи ёки ҳаётига ва атроф-муҳитга зарар етказувчи ёхуд зарар етказиши мумкин бўлган, шунингдек, хавфсизлик воситаларига эътиборсизлик туйғусини уйғотувчи ҳаракатларга даъват қилиш;

мажбурий сертификатлаштирилиши зарур бўлган ёки ишлаб чиқарилиши ёхуд реализация қилиниши учун махсус рухсатнома (лицензия) бўлиши талаб этиладиган маҳсулотни тегишли сертификати, лицензияси бўлмай туриб реклама қилиш.

Реклама берувчи, реклама тайёрловчи ва тарқатувчи ўз зиммасига реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат олиб бориш

юклатилган давлат органларининг талабига кўра, улар белгиланган муддатда реклама ахборотига тааллуқли ҳужжатлар ва материалларни тақдим этиши шарт.

Реклама берувчи, реклама тайёрловчилар ва тарқатувчиларнинг рекламага тааллуқли ҳужжатлари ва материалларини монеликсиз олиш ҳуқуқи монополияга қарши давлат органининг мансабдор шахсларига берилади.

2. Қонунга кўра, ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориш, яшириб кетиши оқибатида, рекламани тарқатиш вақти, жойи ва усулига нисбатан қўйилган талабларни ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талабларини бузиши натижасида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган шахсларга, шунингдек, давлатга зарар ва маънавий зарар етказиши мумкин бўлган реклама нотўғри реклама ҳисобланади.

3. Ташқи рекламага алоҳида махсус конструкцияларда, тахта лавҳаларда, экранларда, биноларнинг, иншоотларнинг ташқи томонида ва ҳоказоларда жойлаштириладиган реклама киради.

Ташқи рекламани жойлаштириш тартиби маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида белгиланади.

Муайян шахс эгаллаб турган бинонинг ташқи томонида, бинога кириш жойида шу шахс тўфисида жойлаштирилган ёки мазкур шахснинг маҳсулоти ҳақида шу бино вифинасидаги ахборот (пешлавҳа) реклама ҳисобланмайди ва бунинг учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рухсатини олиш талаб этилмайди.

Ваколатли давлат органлари реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлигини аниқлаган тақдирда, қонунбузар мазкур органларнинг қарорига биноан ва улар кўрсатган муддатда аксилреклама бериши шарт. Аксилреклама бериш, шунингдек, ихтиёрий равишда ёки суднинг қарорига биноан амалга оширилиши мумкин.

4. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони — рекламага тааллукди маълумотларни ваколатли давлат органига белгиланган муддатди тақдим этмаганлик, реклама тўфисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини тугатиш ҳақидаги кўрсатмаларни ўз муддатида бажармаганлик, ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя этмаганлик, аксилреклама беришдан бош тортганлик (ҳаракатсизлик), нотўғри реклама берганлик (ҳаракат)дан иборат.

5. Ҳуқуқбузарлик субъекти — реклама берувчи, реклама тайёрловчи ва тарқатувчи шахслар.

6. Субъектив томонидан ҳуқуқбузарлик қасддан содир этилади.

7. Ушбу ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органлари томонидан кўриб чиқилади (268^{1}-модда).

179-м о д д а. **Аудиторнинг қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳолларини яшириши**

Аудиторнинг суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг топшириғига биноан аудиторлик текширувини ўтказиш чоғида аниқланган қонун ҳужжатлари ҳамда бухгалтерия ҳисоб-китоби юритишга, шунингдек, молиявий ҳисобот ҳужжатларини тайёрлашга доир талаблар бузилганлиги ҳолларини яшириши,— энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Аудиторлик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўфисида»ги қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 4-сон, 15 моддага қаранг) ва Вазирлар Маҳкамасининг «Аудитор ва аудиторлик фирмалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 1993 йил 17 июндаги 293-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами. 1993, 6-сон, 24-модда) асосида амалга оширилади.

2. Тадбиркорлик соҳасида ижтимоий муносабатларнинг бузилиши ушбу ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади.

3. Ҳуқуқбузарлик ушбу турининг объектив томони ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан амалга оширилади, яъни аудитор қонун ва бухгалтерия ҳисоб-китоблари юритишнинг, шунингдек, суриштирувчи, дастлабки тафтишчи, прокурор ва судья топшириғи аудиторлик текширувини ўтказиш пайтида молиявий ҳисобот тузишнинг белгиланган тартиби бузилгани фактини яширади.

4. Аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс ушбу маъмурий ҳуқуқбузарлик субъекти ҳисобланади.

5. Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони шахсий бойлик орттириш мақсадида даромадни қоплаш сабаби билан онгли равишда ҳаракатда ифодаланади.

6. Ҳуқуқбузарлик факти адлия органлари ваколатли мансабдор шахслари томонидан аниқланиб, маъмурий ишлар бўйича судья томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

XIV *боб*. ОДИЛ СУДЛОВГА ТАЖОВУЗ ҚИЛУВЧИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

180-м о д д а. **Судга ҳурматсизлик қилиш**

Гувоҳ, жабрланувчи, даъвогар, жавобгар, ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг судга келишдан қасддан бўйин товлашида ёки мазкур шахсларнинг ва бошқа фуқароларнинг раислик қилувчи фармойишига бўйсунмаслигида ёхуд суд мажлиси пайтида тартибни бузишда ўз ифодасини топган судга ҳурматсизлик, — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Одил судлов (суд) органининг нормал фаолияти ушбу маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объекти ҳисобланади.

2. Гувоҳ, жабрланувчи, даъвогар, жавобгар, ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг судга келишдан қасддан бўйин товлашида ёки мазкур шахсларнинг ва бошқа фуқароларнинг раислик қилувчи фармойишига бўйсунмаслигида ёки суд мажлиси пайтида тартибни бузишда ўз ифодасини топган хатти-ҳаракат ҳуқуқбузарликнинг объектив томони ҳисобланади.

3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик амалга оширилган пайтда қонун олдида жавоб бера оладиган, 16 ёшга тўлган шахс ҳуқуқбузарлик субъекти бўлиши мумкин.

4. Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони айбнинг қасддан қилинган усули сифатида тавсифланади. Бу ўринда ҳуқуқбузарнинг судга ҳурматсизлиги, шунингдек, судни ошкора менсимасликдан далолат берувчи хатти-ҳаракат қилгани намоён бўлади. (Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонуни, 68-модда — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 10-сон, 367-модда).

5. Шарҳланаётган моддада кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси ва хўжалик судлари кўриб чиқади (245^1-моддалар).

181-м о д д а. **Суднинг хусусий ажрими (қарори) бўйича чоралар кўрмаслик**

Мансабдор шахс томонидан суд чиқарган хусусий ажримни (қарорни) кўриб чиқмаслик ёхуд ажримда (қарорда) кўрсатилган қонунни бузиш ҳолларини бартараф этиш чораларини кўрмаслик, худди шунингдек, хусусий ажримга (қарорга) ўз вақтида жавоб бермаслик, — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари корхоналари, муассасалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлган ҳужжатлар қабул қилувчи одил судлов органлари ушбу ҳуқуқбузарликнинг объекти ҳисобланади (Ўзбекистрн Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонуни, 3-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 10-сон, 367-моддага қаранг).

2. Мансабдор шахс томонидан суд чиқарган хусусий ажримни (қарорни) кўриб чиқмаслиқ ёки ажримда (қарорда) кўрсатилган қонунни бузиш ҳолларини бартараф этиш чораларини кўрмаслик, худди шунингдек, хусусий ажримга ўз вақтида жавоб бермаслик ҳуқуқбузарликнинг объектив томонидир.

3. Ҳар қандай мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда лавозимга эга бўлган раҳбарлик, ташкилий, тадбирий ёки моддий бойликларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган масъулият зиммасига юклатилган шахсгина ҳуқуқбузарлик субъекти бўлиши мумкин.

4. Субъектив томондан ҳуқуқбузарлик эҳтиётсизлик орқали амалга оширилган бўлиши мумкин, зеро бундай мансабдор шахс ўз хатти-ҳаракатининг зарарли оқибатлари — суднинг хусусий ажримини (қарорини) кўриб чиқмаслик ёки суднинг хусусий ажрим (қарор)ини қабул қилмаслик ёки ажримда кўрсатилган қонунбузарликни бартараф этиш учун чора кўрмаслик, яъни хусусий ажримга ўз вақтида жавоб бермаслик — кучга кириши мумкинлигини олдиндан кўрмаган бўлади.

5. Мансабдор шахслар фақат уларнинг айби доирасида маъмурий жавобгарликка тортилади (15-модда шарҳига қаранг).

6. Содир бўлган оқибатни олдиндан кўриши лозим бўлмаган шахс аникданган тақдирда уни маъмурий жавобгарликка тортиш масаласи қолдирилади ва бу оқибатни олдиндан кўриш мумкинми ёки йўклигини аниқлашнинг ҳожати қолмайди.

7. Мансабдор шахсларга бериладиган жазо тартиби бошқа фуқароларга бериладиган жазо тартибидан фарқ қилмайди.

8. Шарҳланаётган моддада кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси ва хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилади (245, 245[1]-моддалар).

182-м о д д а. **Халқ маслаҳатчисининг судга боришига тўсқинлик қилиш**

Мансабдор шахснинг халқ маслаҳатчиси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун судга боришига тўсқинлик қилиши, — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Одил судлов органининг фаолияти ушбу ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади.

2. Мансабдор шахснинг халқ маслаҳатчиси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун судга боришига тўсқинлик қилган хатти-ҳаракати объектив томондан ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

3. Корхонада, муассасада, ташкилотда лавозимни эгаллаган шахс мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳуқуқбузарлик субъекти ҳисобланади.

4. Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик субъектив томондан айбнинг атайлаб қилинган шакли сифатида тавсифланади, чунки унда судья билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланувчи халқ маслаҳатчисининг ҳуқуқига дахл қилинган ушбу вазиятда судьяга ҳурматсизлик ва уни менсимаслик ҳолати мавжуд.

5. Шарҳланаётган моддада кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

XV *б о б.* ЖАМОАТ ТАҒТИБИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛУВЧИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

183-м о д д а. **Майда безорилик**

Майда безорилик, яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хаттиҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриштуриш қоидаларини қасддан менсимаслик, — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

1. Жамоат тартиби майда безориликнинг қасд қилиш объекти ҳисобланади.

Жамоат тартиби жамоат жойларида ҳуқуқ меъёрларини сақлашга асосланган муносабатлардир. Жамоат тартиби фақат ҳуқуқий меъёрларгина эмас, балки бошқа ижтимоий меъёрлар: ахлоқ, урф-одат, жамоат ташкилотларининг меъёрлари билан ҳам мустаҳкамланади.

Ҳукуқий меъёрлар асосий роль ўйнайди, чунки тартибни бузганлик учун юридик жавобгарликни, жазонинг тури ва меъёрини шулар белгилайди.

Айбдорнинг хатти-ҳаракати жамиятнинг, теварак-атрофдаги фуқароларнинг манфаатларини яққол менсимасликдан, маданий савиясининг пастлигидан, ахлоқ ва одобнинг мавжуд қоидаларини эътиборга олмасликдан далолат бериб туради.

2. Фуқаролар осойишталиги ва жамоат тартибини бузувчи хатти-ҳаракат ҳуқуқбузарликнинг объектив томонини тавсифлайди. Булар: жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш; фуқароларга ҳақоратомуз тегажаклик қилиш, яъни бошқа шахснинг обрўэътибори, иззат-шаънини ҳақоратловчи ҳамда уларнинг оромини бузувчи шилқимлик хатти-ҳаракати бўлиши мумкин. Бунга, шунингдек, фуқарони инсон қадр-қимматини ҳақоратловчи суҳбатга зўрлаб тортиш, шилқимлик билан унинг қўлини силташ ёки куч билан қўлидан ушлаш, бош кийимини юлқиб олиш; сигарет тутунини унинг юзига пуфлаш ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Майда безорилик объектив томонининг муҳим белгиси вазият, макон, вақт ҳисобланади. Турли шароитда бир хил хатти-ҳаракат турлича аҳамият касб этади. (Масалан, жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш майда безориликка хос воқеа, худди шундай хатти-ҳаракат тантанали .мажлис, байрам ва бошқа оммавий тадбирларда жиноят тарзида жазоланувчи безорилик сифатида тавсифланиши мумкин ЖК 277-модда 6-бандниг III қисми).

Майда безорилик кўпинча жамоат жойларида амалга оширилади, яъни омманинг қабул қилиш идрокига таянилади. Бироқ жамоатга ёки инсон шаънига нисбатан менсимаслик муносабати (уятли сўзлар ёзиш, майсазор, гулпушта, гулзорларни бузиш ва ҳоказолар) маълум бўлиб қолишини эътиборга олиб, ҳуқуқбузарлик яширинча бажарилган бўлиши мумкин.

3. Майда безорилик субъектив томондан қасддан ва кўпинча ошкора амалга оширилиши билан тавсифланади. Айбдор қонунга қарши хатти-ҳаракат қилаётганини тушунади ва шунинг натижасида ёмон оқибатга олиб келишига — жамоат тартиби ва фуқаролар осойишталиги бузилишига йўл қўяди.

Майда безорилик онда-сонда эгри ният билан амалга оширилади.

4. 16 ёшга тўлган шахс майда безорилик субъекти бўлиши мумкин.

5. Майда безорилик ЖК 277-моддасида кўзда тутилган безорилик хатти-ҳаракатидан фарқ қилади.

6. Майда безорилик ҳақидаги иш маъмурий ишлар бўйича судья томонидан (245-модда), агар 247-моддада кўзда тутилган иш бўлса, вояга етмаганлар иши бўйича комиссия, шунингдек, ички ишлар органлари томонидан кўриб чиқилади.

184-м о д д а. **Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш мақсадида сақлаш**

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, — материалларни ҳамда уларни тайёрлаш ва тарқатишнинг тегишли воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

1. Жамоат тартиби, бошқаришнинг белгиланган тартиби шарҳланаётган ҳуқуқбузарликнинг қасд қилиш объекти ҳисобланади. Мустақил Ўзбекистонда ички бошқарув соҳасида турли ишлар бажарилмоқда, шу жумладан, республика фуқароларининг кенг комплекс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ бўлган кўп сонли ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилишга қаратилган жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини муҳофаза қилиш таъминланмоқда.

Жамоат тартиби жамоат жойларида шаклланадиган ижтимоий муносабатлар тармоғидир. Буларни шакллантириш одамларнинг меҳнат фаолияти, турмуши ва дам олиши учун, шунингдек, ижтимоий ахлоқ, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш талабларига риоя этиш учун осойишта вазият ва қулай шарт-шароитни таъминлайди.

Жамоат хавфсизлиги деганда хавф-хатарнинг, яъни кимгадир ёки нимагадир, аввало, одамлар ва уларнинг мол-мулкига хавф солишнинг йўқлиги тушунилади. Шу билан бирга, хавф-хатар турли сабаблар натижасида, шу жумладан, турлича транспорт воситаларидан фойдаланиш талаблари бузилганда, қурол-яроғ, ўқ-дори, портлатгич материаллар, кучли таъсир қилувчи заҳарли моддалар ва шу кабилар билан муомала қилинганда юзага

келиши мумкин.

Жамоат хавфсизлиги бошқача йўсиндаги шароит юзага келганда ҳам бузилиши мумкин. Бошқача йўсиндаги шароит деганда Республиканинг маълум бир қисмида аҳолининг меъёрий ҳаёти, давлат органлари, шунингдек, корхона, муассаса, ўқув юртлари, жамоат ташкилотларининг фаолияти табиий офатлар, гурухди безорилик, оммавий тартибсизлик ва бошқача вазиятлар оқибатида бузилиши тушунилади.

Хавфсизлик шартлари кўп сонли одамларнинг ўзаро муносабатларини тартибга сололмаслик: оммавий тадбирлар ташкил этишда йўл қўйилган камчиликлар, кўп сонли одамларнинг бетартиб тўпланиши жараёнининг олдини олиш учун чора кўрмаслик ёки кечикиб чора кўрганлик натижасида бузилиши мумкин.

2. Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг объектив томони хатти-ҳаракатда ифодаланади. Ҳуқуқбузар сиёсий тусдаги мулоҳаза ва ўзида мавжуд эътиқод ҳамда қарашлар билан ҳаракат (варақалар тарқатиш, даъват этиш, ваҳимани юзага келтирувчи ёлғон миш-мишлар) қилади.

3. 16 ёшга тўлган, қонун олдида жавоб бероладиган шахслар, мансабдор шахслар субъектлар ҳисобланади.

Мансабдор шахслар ғайриҳуқуқий шарт-шароит яратиб берган (видеоовоз маҳсулотларини намойиш этиш, материалларни кўпайтирувчи кўпайтирув техникаси учун бинони бериб тургани) учун ҳуқуқбузар бўлишлари мумкин.

4. Субъектив томони тўғридан-тўғри ёки эҳтиётсизлик билан қасд қилишда ифодаланади. Агар ҳуқуқбузар шу йўсинда (ваҳимани юзага келтирадиган миш-миш, ғийбат гапларни тарқатиш) ҳазиллашишни мўлжаллаб, бундай «ҳазил»нинг зарарли оқибатларини хаёлига келтирмай янглишган бўлса, эҳтиётсизлик билан қасд қилиш ҳисобланади.

5. Ҳуқуқбузарликнинг ушбу кўриниши бўйича барча материалларни маъмурий ишлар бўйича судьялар (245-модда), 247-моддада кўрсатилган ҳолатларда эса вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия кўриб чиқиши лозим.

6. Фуқароларни қирғин қилиш ёки мажбуран кўчириб юборишга даъват этиш мазмунидаги ёки аҳоли орасида ваҳима уйғотишга қаратилган ёзма, босма видеотовуш шаклидаги материалларни мусодара қилиш тўғрисидаги қарор туман (шаҳар) судлари ҳузуридаги суд ижрочилари томонидан ижро этилади (337-модданинг 1-қисми).

184[1]-м о д д а. **Фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юриши**

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришлари, — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача

миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

1. Диний ташкилотлар ибодат қилиш ёки диний расм-русумлар ўтказиш учун қулай жойлар ташкил этиш ва уларни сақдаб туриш, шунингдек, зиёратгохдарни сақдаб туриш ҳуқуқига эгадир.

Ибодат, диний расм-русумлар ва маросимлар диний ташкилотлар жойлашган манзилдаги ибодатхоналарда ва уларга тегишли ҳудудларда, зиёратгохдарда, қабристонларда, зарур ҳолларда фуқароларнинг ихтиёрларига биноан уларнинг уйларида ўтказилади.

Касалхоналарда, госпиталларда, кексалар ва ногиронлар уйларида, дастлабки қамоқ ва жазони ўташ жойларида ибодатлар ва диний расм-русумлар шу ердаги фуқароларнинг илтимосларига биноан ўтказилади.

Диний маросим ва ибодат биноларидан ташқарида ўтказиладиган оммавий ибодатлар, диний расм-русумлар ва маросимлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришларига йўл қўйилмайди.

Диний ташкилотлар диндорлардан мажбурий пул йиғимлари ва тўловлар ундиришга, шунингдек, уларга нисбатан шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи чораларни қўллашга ҳақли эмас (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни 14-моддасига қаранг).

2. Шарҳланаётган ҳуқуқбузарликнинг объекти жамоат тартиби ҳисобланади.

3. Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг объектив томони хатти-ҳаракатда ифодаланади. Ҳуқуқбузар жамоат жойларида ибодат либосида юради.

4. 16 ёшга тўлган ақли расо шахс қонун олдида субъект ҳисобланади.

5. Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилиш шаклида ифодаланади.

6. Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьялари томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

185-м о д д а. **Ўқотар қуроллардан белгиланган тартибни бузган ҳолда отиш**

Ўқотар қуроллардан белгиланган тартибни бузган ҳолда отиш, — қурол ва ўқ-дориларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Жамоат тартиби ва аҳолининг хавфсизлиги кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг қасд қилиш объекти ҳисобланади. Уқотар қуроллардан фойдаланиш қоидасини бузганлик учун жавобгарлик белгиланади.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг отиш тирлари, отиш жойлари, отиш-ов қилиш масканлари теварак-атроф хавфсизлигини таъминлайдиган ички ишлар органлари рухсати билан ишлайдиган отиш учун ажратилган махсус жой деб тушунилади.

Ҳар бир муайян жойда хавфсизлик чораларига амал қилинмаслик белгиланган тартибни бузиш, деб тушунилади. Отиш раҳбарининг команда бермасидан аввал ёки «Ут очиш тўхтатилсин!» командасидан кейин ўт очиш, одамлар, машина ва ҳайвонлар пайдо бўлиб қолган тақдирда ўт очиш, носоз қуролдан ўт очиш ёки хавфли йўналишга ўқ узиш, қуролни бошқа шахсга бериш тартибни бузиш деб тан олинади.

2. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони қуйидаги хатти-ҳаракатда ифодаланади:

— аҳоли пунктида, шу мақсад учун махсус ажратилмаган жойда, белгиланган тартибни бузган ҳолда отиш.

3. Ҳар қандай ўқотар қуроллар, шу жумладан, текис стволли ов милтиғи ўқотар қурол ҳисобланади. Заводда тайёрлангани ҳам, хонаки қурол ҳам шу тоифадандир.

Старт бериладиган, сигнал чалинадиган, қурилиш, газ пистолетлари, ракета отадиганлар, портлаш халтачаси ва бошқа пиротехникага ўхшаганлари, ёритув воситалари, пневматик милтиқлар қурол тоифасига кирмайди.

4. 16 ёшли фуқаролар ушбу ҳуқуқбузарлик субъекти бўлиши мумкин. Шуниси ҳам борки, кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик субъекти қоидада белгиланган тартибда қуролдан фойдаланиш ҳуқуқини олганлиги ёки ўз хизмат бурчини бажариш билан боғлиқ бўлганлиги ёхуд корхона, муассаса, ташкилот томонидан вақтинча фойдаланиш учун берганини ва ниҳоят, у белгиланган қоидани бузган ҳолда қуролга эгалик қилган ва фойдаланганини назарда тутиши керак.

5. Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони ўқотар қуролдан фойдаланиш қоидасини онгли равишда, қасддан бузишда ифодаланади. Ҳуқуқбузарликни квалификация қилиш учун қилмишнинг сабаб ва мақсади аҳамиятга эга эмас.

6. Бузғунчининг шахсий мулкида бўлган қурол ва ўқ-дори мусодара қилинади. Ов қилиш яшашнинг асосий манбаи бўлган шахсларга бундай чора қўлланилмайди.

7. Ушбу ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани милиция ходимлари тузадилар.

Милиция ходими иш кўриб чиқилгунга қадар ўқотар қурол ва ўқ-дорини олиб қўйиш ҳуқуқига эга. Баённомада бу ҳақда қуролнинг маркаси ёки модели, калибри, серияси ва рақами, ўқ-дориларнинг миқдори ва тури батафсил

кўрсатилади.

Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик хизмат вазифасини бажараётган шахс томонидан амалга оширилган тақдирда милиция ходими шахсан уни ва унинг буюмларини назоратдан ўтказиш, ўқотар қурол ва ўқ-дориларни олиб қўйиш ҳуқуқига эга.

8. Кодекснинг 185-моддаси бўйича ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

Вояга етмаганлар тўғрисидаги ишлар вояга етмаганлар ишлари юзасидан туман (шаҳар), шаҳардаги туманлар ҳузуридаги комиссияларга юборилиши мумкин.

186-м о д д а. **Фуқароларнинг хонаки усулда ҳозирланадиган ўткир спиртли ичимликларни сотиш мақсадида тайёрлаши ёки сотиши**

Фуқароларнинг хонаки усулда ҳозирланадиган ўткир спиртли ичимликларни сотиш мақсадида тайёрлаши ёки сотиши, — сотишга мўлжалланган ашёларни ва тайёрлаш воситаларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Хонаки усулда тайёрланган ўткир спиртли ичимликлар тоифасига уй шароитида турли углевод сақловчи хом ашёдан тайёрланган ҳар қандай спиртли суюқликни ҳайдаш орқали олинган 18 фоиздан ортиқ спирти бўлган ҳар қандай тусдаги суюқлик киради. Бунга хонаки арақ, чача, тутдан тайёрланган арақ ва бошқаларни киритиш мумкин. Кимёвий таркиб бирлигидаги бу ичимликларнинг фарқи бошланғич хом ашёда намоён бўлади. Шундай қилиб, кимёвий таркиб ва тайёрлаш усулининг бирлиги уларни умумий самогон тушунчаси остида бирлаштириш имконини беради, тайёрлашнинг технология хусусиятлари, ҳайдаш аппаратларининг конструкциясидан қатъи назар, таркибида 18 фоиздан кам спирти бўлган самогонлар учраб туради.

Юқорида санаб ўтилганлардан ташқари, хонаки усулда ҳозирланадиган ўткир спиртли ичимликлар тоифасига ачитқи маҳсулотларидан маст қилувчи массани ҳайдаш ёки бошқа усулда ажратиб олиш йўли билан тайёрланган бошқа спиртли ичимлик — настойка, коньяклар ҳам киради. Этил спиртли, қанд, сивуш мойи ва ҳоказоларга эга бўлишлик бу ичимликларга хос белгилардир.

Хонаки усулда ҳозирланадиган ўткир спиртли ичимликлар тоифасига таркибида углеводи бор ҳар қандай хом ашёни ачитиш йўли билан олинадиган спиртли суюқлик сифатида таърифланувчи брага (хонаки пиво) ҳам киритилган; бунда лавлаги, картошка, шакар, нўхот, дон экинлари, помидор қиёми ва 18 фоизгача спирти бўлган бошқа маҳсулотлардан тайёр алкоголь ичимлик сифатида истеъмол учун ҳам тайёрланади, ҳам қайтадан хонаки усулда ўткир спиртли ичимликка айлантириш учун қайта ишланади.

Брагани ўткир спиртли ичимликлар тоифасига киритишнинг асосий белгилари:

— чўкманинг, хом ашё, ачитқи, сивуш мойи, этил спиртининг заррачалари мавжуд эканлиги.

Вино, пиво, квас ва бошқа фақат табиий ачитиш йўли билан хонаки тайёрланадиган ичимликлар ўткир спиртли ичимликлар тоифасига кирмайди.

Хонаки усулда ўткир спиртли ичимликлар ҳозирланадиган аппаратларни тайёрлаш таркибий унсурлари ягона тармоққа қисман ёки тўла уланган аппаратлар яратишни ҳам, уй-рўзғор буюмлари ва турмушда қўлланиладиган жиҳозлардан иборат қурилмани қўллашни ҳам ўз ичига олади (Спирал кўринишидаги пўлат қувурчалар, ягона тармоққа уланган сут бидони кўриб чиқилаётган спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш учун қурилма ҳисобланади).

Ушбу ҳуқуқбузарликнинг хавф-хатари шундан иборатки, у самогон ҳайдаш, чача, арақ, тут арағи, брага ва бошқа хонаки усулда ўткир спиртли ичимликлар тайёрлашнинг тарқалишига ёрдам беради. Уларни тайёрлаш алкоголь билан савдонинг ўрнатилган қоидаси самарадорлигини сусайтиради ва шу билан жамоат тартибини бузиш учун шароит яратади.

2. Республика иқтисодиётига сезиларли зарар келтирадиган жамоат тартиби, самогон ҳайдаш кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади. Самогон тайёрлаш учун кўпгина қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан фойдаланилади, хонаки усулда тайёрланган ўткир спиртли ичимликларни сотишдан эса меҳнатсиз даромад ояинади.

3. Моддий манфаат кўриш учун хонаки усулда тайёрланган кучли спиртли ичимлик тайёрлаш ва сотишда объектив томон ифодаланади.

4. 16 ёшга тўлган, қонун олдида жавоб бероладиган шахс кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик субъектидир.

5. Субъектив томони — ушбу ҳуқуқбузарлик бевосита қасд қилиш билан амалга оширилади. Айбдор ўз хатти-ҳаракатининг жамоат учун зарарли эканини англайди ва шундай қилганига афсусланмайди.

Кодекснинг 186-моддасида кўзда тутилган ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади (245-модда), сотиш ашёлари ва тайёрлаш воситаларини мусодара қилишни туман (шаҳар) судлари қошидаги суд ижрочилари амалга оширадилар (337-модда, 1-қисм).

186[1]-м о д д а. Этил спирти, алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини ноқонуний равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш

Этил спирти, алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини ноқонуний равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш, — ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Алкоголли

маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат монополиясини кучайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алкоголли ва тамаки маҳсулотларини сотишдан бюджетга тушумни кўпайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1998 йил 21 май, 221-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 июл (Ҳукумат қарорлари тўплами, 7-сон, 1998 йил, 23-модда) қарори билан тасдиқланган «Спирт ва алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, идишларга куйиш, сақлаш ва улгуржи сотишни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилишга оид низомга асосан, этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ўз фаолиятини:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан бериладиган лицензия;

акциз маркалари ва мувофиқлик белгиси маркаланган алкоголли маҳсулотга (давлат солиқ хизматининг ҳудудий органлари томонидан бериладиган) идентификациялаш мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширадилар.

Ишлаб чиқарилган алкоголли маҳсулот дейилганда ихтисослаштирилган корхоналарда амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқарилган ва стандартлар талабларига жавоб берадиган спиртли ичимликлар тушунилади ҳамда улар вино, вино материаллари, арақ, ликёрарақ маҳсулотлари, коньяк, бальзам, коньяк спирти, озиқ-овқат спирти ва спирт хом ашёсини ўз ичига олади.

Вазирлар Маҳкамасининг рухсатисиз келтирилган чет эл озиқ-овқат спиртидан алкоголли маҳсулот ишлаб чиқаришга йўл қўйилмайди. Чет эл спирти мавжудлиги, шунингдек, бундай спиртни келтиришга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсатномасига эга бўлмаган корхоналар томонидан мазкур спиртдан алкоголли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳоллари аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати органлари спиртни ва шу спиртдан ишлаб чиқарилган алкоголли маҳсулотни давлат фойдасига мусодара қиладилар.

Этил спиртли алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси ва «Ўзкимёсаноат» уюшмаси томонидан тасдикданган технологик тартибга кўра амалга оширилади.

Этил спирти ва алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳуқуқи ишлаб чиқариладиган маҳсулот турига Вазирлар Маҳкамаси томонидан берилган махсус рухсатномага ва уни ишлаб чиқариш учун зарур шартларга эга бўлган, белгиланган тартибда рўихатдан ўтказилган, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналарга берилади.

2. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони — этил спирти, алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини ихтисослаштирилмаган корхоналарда, махсус рухсатномасиз, белгиланган стандартлар талабига жавоб бермайдиган ноқонуний ишлаб чиқариш, яъни ҳаракат.

Мазкур ҳуқуқбузарлик бир йил давомида такрор содир этилса, Ўзбекистон

Республикаси Жиноят кодексининг 186^{1}-моддаси билан жавобгарликка тортилади.

3. Субъекти — 16 ёшга тўлган акди расо шахс.

4. Субъектив томони — қасддан содир этиладиган ҳуқуқбузарлик.

5. Мазкур ҳуқуқбузарликлар бўйича ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади ва маъмурий жазо қўлланилади.

187-м о д д а. **Жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш**

Кўчаларда, стадионларда, хиёбонларда, боғларда, барча турдаги жамоат транспортида ҳамда спиртли ичимликларни қуйиб сотишга рухсат этилган савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан бошқа жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш, — энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан учдан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидаи бир бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

1. Жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш ахлоқ қоидаларига зид бўлиб, безорилик қилиш, ҳақоратлаш учун шароит яратади. Ҳуқуқбузарлик спиртли ичимликлар ёки уларнинг бир қисми ичиб бўлинганда эмас, балки ичимлик истеъмол қилишга тайёрланган пайтда (масалан, спиртли ичимлик стаканларга қуюлганда) тугалланган ҳисобланади.

2. Ушбу ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш учун жамоат жойларида (спиртли ичимликларни қуйиб сотишга ижозат берилган савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари) спиртли ичимлик ичиш фактининг ўзи кифоя қилади, бошқа ноҳуқуқий хатти-ҳаракатни амалга ошириш талаб этилмайди.

3. Агар жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш пайтида беадаб сўкинишлар, ҳақоратлар, шилқимлик содир қилинса ва жамоат тартибини, фуқаролар осойишталигини бузадиган бошқа хатти-ҳаракатлар амалга оширилса, ҳуқуқбузар Кодекснинг 183-моддаси бўйича майда безорилик учун ҳам маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

4. Спиртли ичимликлар ичиш тақиқланган бошқа жамоат жойлари тоифасига йўлаклар, лифт майдончалари, ҳовлилар, тураржой лифтлари, томоша муассасалари (кинотеатр, театр, маданият саройлари), сув бўйидаги чўмилиш жойлари ҳам киради. Одатда жамоат жойлари ҳисобланмайдиган, аммо у ерда фуқаролар дам оладиган пайтдаги масканлар, фуқаролар борган пайтдаги дам олиш зоналари, дарё, кўл, ҳовуз бўйлари, ўтлоқлар ва шу кабилар ҳам мазкур ҳисобга киради.

5. 16 ёшга тўлган шахслар ҳуқуқбузарлик субъектлари бўлиши мумкин.

6. Жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш субъектив томондан айбдорнинг қасддан қилган хатти-ҳаракати сифатида тавсифланади.

7. Шарҳланаётган модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар 2-қисми бўйича маъмурий ишлар бўйича судьялар

(245-модда), фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги маъмурий комиссия (246-модда) ва 1-қисми бўйича ички ишлар органлари томонидан (248-модда) кўриб чиқилади.

188-м о д д а. **Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш**

Вояга етмаган шахсни тиланчиликка, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёҳвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига, иродасига таъсир қиладиган моддалар ёки воситаларни истеъмол этишга жалб қилиш, — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Жамоат тартиби, вояга етаётган авлоднинг саломатлиги ва ахлоқий тарбияси ушбу ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади.

2. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатга эргаштирадиган ҳар қандай усул ва восита ҳуқуқбузарлик таркибига киради.

188-модда бўйича жавобгарликка тортиш учун вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатга жалб этишнинг ўзи кифоя қилади.

3. Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг объектив томони вояга етмаган шахснинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатга якка тартибда жалб этишни кўзда тутади.

Вояга етмаган шахс маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ғайриижтимоий хатти-ҳаракатга жалб этилган тақдирда жавобгарлик ЖКнинг 127-моддаси бўйича тавсифланади.

Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатга жалб этишнинг камданкам ҳолатлари кўриб чиқилаётганда материалларни кўздан кечираётган орган аниқ вазиятни, мақсад, далил, иштирокчиларнинг ёшини ҳисобга олади, бундан ташқари иш кўрилаётганда юридик тавсиф, катта ёшдагиларга нисбатан кўлланиши лозим бўлган жавобгарликнинг тури ва меъёри (маъмурий ёки жиноий) масаласи ҳал этилади.

4. Вояга етмаган шахснинг ота-онаси ва 18 ёшга етган бошқа шахслар (васий, ҳомий), вояга етмаганнинг танишлари, дўстлари ҳуқуқбузарликнинг субъекти бўлишлари мумкин.

5. Ҳуқуқбузарлик субъектив томондан бевосита қасддан қилинган, деб тавсифланади.

6. Ушбу ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни фуқароларнинг ўзини-ўзи

бошқариш органлари ҳузуридаги (246-модда) маъмурий комиссия кўриб чиқади, ички ишлар органлари (248-модда) ота-оналар ёки улар ўрнини босувчи шахсларга нисбатан ишлардан ташқари; вояга етмаганлар ишлари юзасидан комиссиялар кўриб чиқадиган (247-модда) ишларни ҳам кўради.

189-м о д д а. **Порнографик мазмундаги материалларни тарқатиш**

Порнографик мазмундаги асарлар, босма нашрлар, ашёларнинг тасвирлари, кино-видео фильмлар, телерадио дастурлар, видео ва овоз ёзувли материаллар, кино-фото материаллар ва бошқа маҳсулотларни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, — мазкур материалларни, шунингдек, уларни тайёрлаш ва тарқатиш воситаларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий зарари жамоат тартибига қасд қилиши, жамиятга, айниқса, ёшларга таъсир кўрсатиши билан белгиланади, жинсий муносабатлар соҳасида идеал ва ахлоқий тамойилларни йўқотишга олиб келади.

Порнография дейилганда, одатда, носоғлом жинсий ҳиссиёт уйғотиш мақсадида жинсий ҳаётни қўпол натуралистик тарзда беадаблик билан, уятсизларча тасвирловчи асарлар, нашрлар, материаллар тушунилади. Бунда учта вазиятни ҳисобга олиш лозим:

— порнографик хусусияти жинсий ҳаётни таърифлаш ва тасвирлаш;

— улар шакли бўйича қўпол, беҳаё, ножўя;

— носоғлом жинсий ҳиссиёт уйғотишга қаратилган бўлиши лозим.

Насрий ёки шеърий усулдаги асарлар, кўлёзмалар ва кўпайтирилган тасвирлар (картина, расм, ҳайкалтарошлик, фотосурат, кинофильмлар, шунингдек, пластинкалар, магнитофон ёзувлари ва ҳоказолар) порнография ашёлари бўлиши мумкин.

Бироқ санъат асарларини шаҳвоний мотив ва порнографик мазмундаги маҳсулотлардан фаркдай билиш керак. Санъатдан шаҳватпарастликни чиқариб ташдаш фақат нотўғригина эмас, балки зарарли ҳисобланади, чунки сексуал ишкибозлик ва шаҳвоний ҳиссиёт ёмон, ярамас, эстетик фазилатлардан холи деган нотўғри тасаввурни юзага келтиради. Санъатни бундай ерга уриш инсоний сексуал алоқалар нафосатини ҳис этишни ўтмаслаштириб қўяди.

Шуни ҳам назарда тутмоқ керакки, шаҳвоний санъат, ҳатто натурализм унсурларига эга бўлса ҳам, ҳали у порнография эмас. Санъат асарини белгилашда ва уни порнографиядан чегаралашда:

— асарнинг ғоявий йўналишини;

— ижтимоий аҳамияти ва фойдасини;

— шаклнинг мазмунга мослигини ҳисобга олиш керак.

Асарнинг адабий, тасвирий хусусиятига баҳо беришда адабиётшунослик, санъатшунослик экспертизаси ёрдамига суянилади. Порнографик асар сифатида баҳо берилганида бажарилиш маҳорати ва шаклидан қатьи назар, унинг мазмунига асосланади.

2. Тарқалиш ва савдо қилиш мақсадида порнографик ашё тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, сақлаш ушбу хуқуқбузарликнинг объектив томони ҳисобланади.

Тайёрлаш порнографик асарни тўла ёки қисман (матнини тузиш, расм чизиш, порнографик мазмундаги кино ва фотосурат асари) яратиш демакдир. Суратга олиш, расм чизишда маълум бир вазиятда туришга ҳам порнографияни тайёрлашда қатнашиш сифатида қараш керак.

Порнографик расмларни фотосуратга туширишни, порнографик матнларни кўпайтирувчи аппаратларда кўпайтиришни ҳам порнофафия тайёрлаш тоифасига киритиш лозим.

Порнографик ашёларни реклама қилиш бошқа шахсларга уларни кўрсатиш, шунингдек, порнофафияни тарқатувчи шахс ҳақида, порнография билан танишиш мумкин бўлган жой ҳақида ва порнофафик ашёларнинг мазмуни ҳақида оғзаки, ёзма ёки босма шаклдаги эълонлардир.

Агар уни тарқатиш мақсадида сақлаб туриш амалга оширилган тақдирда уни сақлаш, деб тан олинади. Порнофафик ашёлар фақат шахсий фойдаланиш учун сақлаб турилса, жавобгарликка тортилмайди.

3. 16 ёшга етган, қонун олдида жавоб берадиган шахс ушбу ҳуқуқбузарликнинг субъектидир.

4. Ҳуқуқбузарликнинт субъектив томони бевосита қасд сифатида тавсифланади. Субъект ўзи тайёрлаган ёки тарқатган «асар»лар порнографик хусусиятга эга эканлигини тушунади ва буларни бошқа шахсларга кўрсатишни истайди.

5. Шарҳданаётган ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

Порнофафик мазмундаги маҳсулотни мусодара қилиш ҳақидаги қарор туман (шаҳар) судлари ҳузуридаги суд ижрочилари томонидан амалга оширилади (337-модда).

6. Маъмурий жазо қўлланилганидан кейин кўрсатилган хатти-ҳаракатни амалга ошириш ЖКнинг 130-моддаси бўйича квалификация қилинади.

190-м о д д а. **Фоҳишалик билан шуғулланиш**

Фоҳишалик билан шуғулланиш, — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — энг кам иш

ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Аёлнинг моддий мукофот эвазига эркак билан жинсий алоқада бўлишини фоҳишалик деб тушуниш керак.

Фоҳишалик тушунчасинингўзи эркаклар билан жинсий алоқалар орқали моддий манфаат кўришга йўналтирилган мунтазам хатти-ҳаракатдир. Шунинг учун рағбат эвазига эркак билан алоқада бўлишнинг алоҳида, айрим фактлари шарҳланаётган айб белгисига эга эмас.

Моддий манфаат кўриш учун эркаклар билан бир неча марта (йил давомида икки мартадан кўп) жинсий алоқада бўлишни мунтазамлилик деб тушуниш керак.

Фоҳишалик билан касб сифатида шуғулланиш моддий манфаат кўриш учун эркаклар билан мунтазам жинсий алоқага киришишни, бу рағбат асосий ёки қўшимча, лекин моддий манфаат кўришнинг доимий манбаи эканини кўзда тутади. Бунда ҳар бир жинсий алоқа учун олинадиган рағбат миқдори тасниф учун аҳамиятга эга эмас.

Моддий рағбат сифатида фақат ўзбек ва чет эл валютасигина эмас, балки моддий оламнинг турли ашёлари (буюмлар, қимматбаҳо нарсалар, спиртли ичимликлар ва ҳоказолар) ҳам ишлатилиши мумкин.

2. Ушбу ҳуқуқбузарлик субъектив томондан бевосита қасддан қилинган сифатида тавсифланади, яъни аёл ўз хатти-ҳаракатининг ноқонуний эканини англаса ҳам уни амалга ошириш ниятида бўлади. Бундан ташқари, ҳуқуқбузарда аниқ ифодаланган мақсад — моддий манфаат кўриш хоҳиши бор.

Моддий манфаат кўриш фоҳишаликнинг амалий белгисидир, чунки бу мақсад ҳуқуқбузарда жинсий алоқага киришишдан олдин юзага келади.

3. 16 ёшга етган аёл жинсидаги шахс ҳуқуқбузарликнинг субъекти ҳисобланади.

Фоҳишалик билан шуғулланаётганига етарли даражада асос бўлган шахслар жамият учун зарарли хулқ-атворга йўл қўйилмаслиги хусусида расмий равишда огохдантириш ва рўйхатга олиб қўйиш учун милицияга чақиртириладилар. Бундай шахсларга нисбатан ички ишлар органлари (милиция)нинг бунга вакил қилинган мансабдор шахслари маъмурий ушлаб туриш, шахсан текшириш ва буюмларни мусодара қилиш чораларини қўллаши мумкин (285—291-моддаларга қаранг). Ушбу ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ички ишлар органлари (милиция) ходимлари томонидан тузилади. Мавжуд ҳуқуқбузарлик тўфисида баённома тузиш учун ҳуқуқбузар милиция ходимлари томонидан ички ишлар органларига (милицияга) олиб келиниши мумкин.

4. Тилга олинган ҳуқуқбузарлик тўфисидаги иш маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

5. Фоҳишалик билан шўғулланган учун маъмурий жазоланган шахс таносил касаллигини аникдаш ва даволаш мақсадида тиббий текширув учун

юборилиши лозим. Тиббий кўрикка ёки ички ишлар органига келишдан бош тортган шахслар милиция ходимлари томонидан ушлаб келтирилиши мумкин. Ҳуқуқбузар узрли сабабсиз тиббий муассасага ёки ички ишлар органи (милиция)га боришдан бош тортган тақдирда мажбурий тартибда ушлаб келтирилади.

191-м о д д а. **Қимор ўйнаш**

Белгиланган тартибни бузиб пул, ашё ва бошқа хил қимматбаҳо нарсаларни тикиб қимор ўйнаш, — қимор ўйини буюмларини, шунингдек, ўйинга тикилган пуллар, ашёлар ва бошқа қимматбаҳо буюмларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ушбу ҳуқуқбузарликнинг объекти жамоат тартиби ҳисобланади. У айрим бетайин фуқароларда текинхўрликка мойилликни ривожлантиришга, меҳнатсиз даромад олиш имкониятини юзага келтиришга ва ахлоқий негизни қўпоришга кўмаклашади.

Қимор ўйнаш дейилганда фақат ўйновчининг маҳоратига ёки тасодифга боғлиқ бўлган ютуқнинг ўзигина эмас, балки коммерция тусидаги ўйинлар — преферанс, винт, шунингдек, пул тикиб ўйналадиган бильярд, домино, лото, нард ва ҳоказолар ҳам тушунилади, ўйин асосини пулли ютуқ, буюм ёки аллақандай бошқа қимматли бойлик ташкил этади.

2. Пул, буюм ва бошқа хил қимматбаҳо нарсаларни тикиб қимор ўйнашнинг объектив томони шахснинг ўйнашга розилик беришида; пул ёки бошқа хил қимматбаҳо нарсалар довга қўйилишида, ўйин шартлари амалий бажарилганда ўз ифодасини топади.

Бундан ташқари, объектив томони, шунингдек, спорт ва бошқа томоша мусобақалари (футбол ва хоккей ўйинлари, югуриш ва ҳоказолар) ўтказилаётганда пул, буюм ва бошқа қимматбаҳо ашёлар дов сифатида қабул қилинишида ҳам ифодаланади.

Ташкилий хусусиятга эга бўлган қуйидаги хатти-ҳаракат объектив томон таркибига киради:

— ўйин жиҳозлари билан қатнашчиларни таъминлаш;

— ўйинга кишиларнинг кенг. доираларини жалб этиш (реклама қилиш, тарғиб этиш, ўйнашга розилик берган ўткинчиларни ютадиган қилиб кўрсатиш);

— ўйин учун қулай шароит яратиш (рақобатчиларни бартараф этиш, ўйин ташкилотчиларининг шахсий хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вакиллари пайдо бўлгани ҳақида ўйновчиларни ўз вақтида огоҳлантириш ва ҳрказолар).

Уйин қатнашчилари маъмурий жавобгарликка дахлдордирлар. Масалан, «ангишвона» ўйинини ташкил этган ўйновчининг ўзигина эмас, балки

гуруҳнинг бошқа аъзолари — тезловчилар, чорловчилар, хазинабонлар, «жангчилар», «жиловдорлар» ва барча гуруҳнинг бевосита раҳбари ҳам жавобгар бўлиши лозим.

Кодекснинг ушбу моддаси бўйича жавобгарликнинг бошланиши шартларидан бири ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, яъни кўча, хиёбон, ўйингоҳ, истироҳат боғи, чўмилиш жойи, жамоат транспортининг барча турлари ва бошқа жамоат жойлари ҳисобланади. Лекин шуни ҳам таъкидлаш керакки, ножўя иш амалга оширилган жой (жамоат жойи ёки бошқаси бўлсин) белгили ҳолат ҳисобланмайди.

3. 16 ёшга тўлган, қонун олдида жавоб бера оладиган шахс ҳуқуқбузарлик субъекти бўлиши мумкин.

4. Ҳуқуқбузарлик фақат қасддан амалга оширилган бўлиши мумкинлиги ҳуқуққа хилоф ҳаракатнинг субъектив томонидир. Бунда айбдор қилаётган иши қонунга хилоф эканини сезади ва маълум бир моддий фойда кўришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

5. Ушбу ҳуқуқбузарлик содир бўлгани ҳақида милиция ходимлари баённома тузадилар. Унда бу қилмиш турини сифатловчи вазият таъкидланади. Бунда пул ва қимматбаҳо нарса тикиб ўйнаш хусусий шахсларнинг спорт ва бошқа мусобақаларда дов қабул қилиши билан баравардир.

Баённомаларни маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқади (245-модда). Ўйин жиҳозлари — ўйинда дов ҳисобланган пул, ашё ва бошқаларни мусодара қилиш суд ижрочилари томонидан амалга оширилади.

192-м о д д а. **Маиший шовқинга қарши кураш талабларин бузиш**

Тунги вақтда — соат 23-00 дан 6-00 гача — фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузиш, яъни баланд овоз билан қўшиқ айтиш, мусиқа чалиш, товуш сигналлари бериш, хонадонларда, тураржойларнинг йўлаклари ва эшикларида, кўчаларда овози баланд қилиб қўйилган телевизорлар, радиоприёмниклар, магнитофонлар ва овоз чиқарувчи бошқа аппаратуралардан фойдаланиш, тураржой биноларида ва улардан ташқарида жуда зарур бўлмагани ҳолда шовқин чиқарувчи ишлар қилиш, шунингдек, маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузувчи бошқа ҳаракатларни содир этиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми, мансабдор шахсларга эса — учдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорида, мансабдор шахсларга эса иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Жамоат тартиби, фуқароларнинг осойишталиги, дам олиши ушбу

ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади.

Фуқароларнинг осойишталиги аниқ бир шарт-шароит билан боғлиқ ҳолда бошқа пайтларда ҳам бузилиши мумкин. Масалан, соғломлаштириш-даволаш муассасалари доирасида осойишталик «уйқу соатлари»да ҳам, кутубхоналарнинг ўқиш залларида сутканинг бошқа вақтларида ҳам бузилиши мумкин.

2. Бу ҳуқуқбузарликнинг объектив томони фуқароларнинг меъёрида яшаш шароити ва осойишталигига зарар келтиришда ифодаланади. Айбдор ўзининг жамият манфаатларига қарши хулқатвори билан юзлаб одамларнинг осойишталиги ва дам олишига зарар етказади. Шу билан бирга, у фуқаролар осойишталигини бузишни мақсад қилиб қўймайди.

192-модданинг 2-қисми маъмурий жазо қўлланилгандан кейин бир йил давомида яна худди шундай ҳуқуқбузарликка нисбатан жавобгарликни кўзда тутади.

3. 16 ёшга тўлган шахслар билан мансабдор шахслар ҳуқуқбузарликнинг субъектлари бўлиши мумкин.

4. Қасддан ҳаракат қилиш ҳуқуқбузарликнинг субъектив томонидир. Шахс амалга оширилган ҳуқуқбузарликка бефарқ қарайди ёки етарли даражада эҳтиёткорлик қилмаганлиги оқибатида бунга йўл қўяди.

Агар ҳуқуқбузарлик МЖКнинг 183-моддасида кўрсатилган хатти-ҳаракат туфайли юз берган бўлса, у 192-модда бўйича кўрилмаслиги мумкин.

5. Ушбу ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ички ишлар органлари томонидан кўриб чиқилади (248-модда).

XVI *б о б.* БОШҚАРУВНИНГ БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛУВЧИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

193-м о д д а. **Депутатлик фаолиятининг кафолатларини бузиш**

Давлат органлари ва фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари депутатлар олдидаги ўз вазифаларини бажармаслиги, уларнинг ишига тўсқинлик қилиши, уларга атайлаб сохта маълумот бериши, депутатлик фаолиятининг кафолатларини бузиши, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Депутатлар жамоат манфаатларини ифодалаш ва ҳимоялашга, давлат ишларига, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга раҳбарлик қилишга, давлат аппарати ишини йўналтириш ва назорат қилишга даъват этилган ваколатли ва масъулиятли халқ вакилидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига мувофиқ, депутат яширин овоз бериш пайтида сайланиши ва бевосита сайланиш ҳуқуқи натижасида ўз ваколатига эга бўлади.

Депутатнинг ваколати у сайланган кундан бошланади. Унинг ваколати янги чақириқ халқ депутатлари сайланган кундан бошлаб тугайди.

Депутат, одатда, ўз ваколатини ишлаб чиқариш ёки хизмат фаолиятидан ажралмаган ҳолда амалга оширади. Депутатларнинг бир қисми Олий Мажлисда доимийлик асосида ишлайди.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси депутатларининг мақоми тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 6-сон, 114-модда), ҳар бир депутатга ўз ваколатларини монеликсиз ва самарали амалга ошириши учун шароит яратилишига кафолат берилади, унинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати муҳофаза қилинади.

Депутат олдидаги ўз вазифаларини бажармайдиган, унинг ишига тўсқинлик қиладиган, унга атайлаб сохта маълумот берадиган, депутатлик фаолияти кафолатларини бузадиган давлат ва жамоат органлари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари лавозимларидан озод этилишгача интизомий ёки маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Мажлис, сессия пайтида, шунингдек, бошқа ҳолатларда депутатлик фаолиятини амалга ошириш учун депутат ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод этилади. Бу ўринда депутатлик фаолияти билан боғлиқ сарф-харажатлар тегишли давлат ёки маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан қопланади.

Депутатлар депутатлик фаолиятини амалга ошириши учун депутатга зарур бўлган муддатга ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилинишга ҳақлидирлар.

Депутатни олдиндан кенгаш розилигини олмай туриб, маъмурият ташаббуси билан корхонада, муассаса ёки ташкилотда ишдан бўшатиш, ўқув юртидан ўчириш ёки интизомий жазо сифатида кам маошли ишга ўтказиш (лавозимини пасайтириш) мумкин эмас.

Сайланганидан кейин ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифасидан озод этилган депутатга ваколатлик муддати тугаганидан кейин аввалги иши ёки у бўлмаган тақдирда олдингиси билан тенг бошқа иш тавсия этилади.

Депутатнинг кенгаш ва унинг органларидаги иш вақти умумий иш стажига, мутахассислик иш стажига киради.

2. Бошқаришнинг белгиланган тартиби 193-модда бўйича қасддан ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади.

3. Объектив томони мансабдор шахслар: муассаса, ташкилот, корхона, бўлим, тузилма бўлинмаларининг раҳбарлари томонидан ҳаракат ёки

ҳаракатсизлик шаклида ифодаланади.

4. Субъект — мансабдор шахс ҳисобланади.

5. Субъектив томон ҳуқуқбузарликни қасддан амалга оширишдир. Мансабдор шахс гўё ўзини хизмат вазкфасига амал қилаётгандай, давлат манфаатини ҳимоя этаётгандай қилиб кўрсатади ва ўзининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ҳуқуққа зид эканлигини тушунади.

6.193-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқадилар (245-модда).

194-м о д д а. **Милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаслик**

Милиция ходимининг ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳужжатларни текшириш учун тақдим этиш, милицияга бориш ёки кўрсатилган муддатда милицияда бўлишдан иборат қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик, транспорт воситасини тўхтатиш, жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қонуний талабларини бажармаслик ёхуд милиция ходимининг қонуний талабларига бошқача тарзда бўйсунмаслик, худди шунингдек, жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш вазифаларини амалга ошираётган бошқа шахсларнинг қонуний талабларини бажармаслик, — энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — энг кам иш ҳақининг иқки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

1, Ҳуқуқий тартиботни ҳимоя қилиш ва қонунни мустаҳкамлашда ички ишлар органларининг таркибий кисми ҳисобланувчи милиция алоҳида роль ўйнайди. Милиция ходимлари давлат ҳокимиятининг вакиллари ҳисобланадилар, давлатнинг алоҳида ҳимоясида турадилар. Милиция ходимининг қонуний талаби барча фуқаро ва мансабдор шахслар томонидан бажарилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ички ишлар органлари оддий ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар милиция ходимлари ҳисобланади. Жамоат тартибини сақлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш вазифасини амалга оширувчи шахсларга — ихтисослаштирилган ижтимоий тузилма аъзолари бўлмиш фуқаролар (маҳалла посбонлари), Ўзбекистон Республикаси ИИВ Миллий гвардияси, Куролли кучларнинг оддий сержант ва зобитлар таркибига кирувчи ҳарбий хизматчилар ана шундай шахслардир.

Улар жамоат тартибини сақлаш вазифаларини бажариш жараёнида фуқароларга ва тегишли мансабдор шахсларга мажбурий фармойиш бериш ва ҳуқуқий тартиботни қўллаб-қувватлаш учун зарурий талаблар қўйиш ҳуқуқига эгадирлар.

2. Бошқарув тартиби соҳасида ижтимоий муносабатлар ушбу ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади.

Давлат ҳокимияти, милиция ходими ҳамда жамоат тартибини сақдаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини уларнинг жамоат тартибини амалга ошириш бўйича олиб борадиган расмана фаолияти соҳасидаги вазифаларни амалга оширувчи шахсларнинг обрўси милиция ходимининг қонуний талаби бажарилмаслигининг бевосита объекти ҳисобланади.

3. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони милиция ходими, маҳалла посбони, ҳарбий хизматчининг талабини бажармасликка қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан ифодаланади.

Милиция ходимининг талабини бажармаслик натижасида зарарли оқибатнинг юзага келиши шарт эмас. Ҳуқуқбузарнинг таркиби доирасига бевосита кирмайдиган оқибатларга фақат ҳаракат ёки ҳаракатсизликни ифодаловчи белгилар талабини бажармасликнинг объектив томони қўшилади.

Таркибни таснифлаш учун шахснинг қонуний талабларни бажармаганлигини, яъни бўйсунмаганлигини белгилаш муҳим. Бунда шуни таъкидлаш керакки, шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарлик таркиби талабни бажармаслик фақат бир неча марта қатъий қилинган талабни бажармасликда ёки жамоат тартибини муҳофаза қиладиган шахслар ва органларга нисбатан яққол ҳурматсизлик кўринишидан далолат берадиган қўпол шаклдаги бўйсунмасликда юзага келади. Милиция ходими, маҳалла посбонлари ёки ҳарбий хизматчининг талаби такрорий ва қатъий усулда бўлиши, тартиб бузувчининг буни бажаришдан воз кечиши сўз, имо-ишора, сукут саклаш шаклида намоён бўлиши лозим. Бунда айбдор кўпчилик олдидами ёки милиция ходими, халқ дружиначиси ёки ҳарбий хизматчи олдидами бўйсунмасликни намоён этишининг аҳамияти йўқ.

4. 16 ёшга етган шахс кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг субъекти бўлиши мумкин.

5. Субъектив томони — ҳуқуқбузарлик қасддан қилинганлиги билан ажралиб туради.

6. Агар милиция ходими ёки маҳалла посбони, худди шунингдек, ҳарбий хизматчининг талаби қонуний, яъни қонунда кўрсатилгани бўйича асосланган ва жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариш чоғида берилган ёки кўрсатилган бўлса, айбдор 194-модда бўйича жавобгарликка тортилади. Шунинг учун, агар 194-моддада кўрсатилган ҳаракат милиция ходими, халқ дружиначиси ёки ҳарбий хизматчи жамоат тартибини сақлаш бўйича ўз вазифасини ўтаётган пайтда эмас, балки бошқа қонуний фаолият кўрсатаётганда содир бўлса, унда 194-модда қўлланилмайди.

7. Милиция ходими ёки маҳалла посбони, худди шунингдек, ҳарбий хизматчининг жамоат тартибини сакдашда ўз вазифасини бажараётганини белгиланган тартибда кийингани, кўкрак белгиси борлиги ёки тегишли гувоҳнома кўрсатиши шоҳидлик беради.

8. Агар ҳуқуқбузарлик милиция ходими, маҳалла посбони ёки ҳарбий хизматчи томонидан жамоат тартиби ҳар қандай тартибда бузилиши ёки ахлоққа зидлиги огохлантирилган ёки олди олинган бўлса, айбдорнинг мазкур ҳаракати 194-модда бўйича квалификация қилинади. Кўпинча милиция ходимининг қонуний талаби бажарилмаслиги қонун бўйича маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган бошқа жамоат тартиби бузилишини келтириб чиқаради. Агар бу ҳаракат амалда битта ҳуқубузарлик элементларини юзага келтирса, уларни айбдор амалга оширган қилмиш энг жиддий жавобгарлик назарда тутилган модда билан квалификация қилинади.

9. Ҳуқуқбузарлик милиция ходими, маҳалла посбони ёки ҳарбий хизматчига жамоат тартибини сакдашда ўз вазифасини бажаришга тўсқинлик қилган-қилмаганлигидан қатъий назар, қонуний талабни бажармасликда айбдор ҳисобланган пайтдан бошлаб тан олинади.

10. Жамоат тартибини сакдаш бўйича ўзига юклатилган вазифани бажаришларида милиция ходими ёки маҳалла посбонига, худди шунингдек, ҳарбий хизматчига қаршилик кўрсатган айбдорлар ЖКнинг 219-моддасига мувофиқ, жиноий жавобгарликка тортиладилар.

11. 194-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишни маъмурий ишлар бўйича судьялар амалга оширадилар (145-модда).

195-м о д д а. **Милиция ходимларининг ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш**

Милиция ходимининг ўз вазифаларини бажаришга тааллуқли қонуний талабларини бажармасликка ҳар қандай кўринишда омма олдида даъват қилиш, худди шунингдек, милиция ходимларига оммавий равишда бўйсунмасликни келтириб чиқариш мақсадида атайин сохта уйдирмаларни тарқатиш, — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ҳисобида турувчи оддий ва бошлиқлар таркиби милиция ходимлари ҳисобланадилар.

2. Милиция ходимларининг ўз вазифаларини бажаришга тааллуқли қонуний талабларини бажармасликка ҳар қандай кўринишда омма олдида даъват қилиш Кодекснинг 195-моддаси бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибини ташкил этади.

3. Омма олдида даъват қилиш бошқа фуқароларни жамоат жойини тарк этишдан бош тортиш, ҳаракатни тўхтатмаслик; ҳокимият вакиллари обрў-эътиборига путур етказиш, уларни ҳақоратлаш, уларга зулм ўтказиш каби қилмишлар содир этишга ундашдан иборат.

4. Атайин сохта уйдирмалар деганда айбдорнинг бошқа фуқаролар орасида тарқатган турли миш-мишлари, хабарлар тушунилади. Бу шундай маънони англатадики, айбдор ё умуман бўлмаган факт ва маълумотлар юз бермаган

воқеаларни баён қилади ёки айрим лавҳаларни бузиб кўрсатади.

Айбдорнинг барча хатти-ҳаракати, шу жумладан, ёлғон маълумотлар, уларни баён этиш усули милиция ходимларига оммавий бўйсунмасликка қаратилади.

5. Бошқаришнинг белгиланган тартиби кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг қасддан қилиш объекти ҳисобланади.

6. Объектив томони фаол хатти-ҳаракат: бўйсунмасликка даъват, қаршилик кўрсатиш, куч ишлатиш, тан жароҳати етказиш, била туриб сохта уйдирмаларни оғзаки усулда тарқатиш шаклида ифодаланади.

7. Субъект 16 ёшга етган фуқародир.

8. Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони бевосита ғаразда ифодаланади. Айбдор қонунга қарши хатти-ҳаракат қилаётганини била туриб, айнан ҳокимият вакилига бўйсунмасликни омма олдида даъват этади ва қаршилик кўрсатиш, оммани бўйсунмасликка иғвогарларча чақиради.

9.195-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқади (245-модда).

196-м о д д а. **Ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан милициянинг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик**

Ҳуқуқбузарликни содир этиш сабабларини ҳамда уни содир этишга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан милициянинг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Милиция фуқароларни, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жамият ва давлатни жиноий ҳамда бошқа ҳуқуққа қарши тажовузлардан қўриқловчи, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи давлат ташкилотидир.

Милициянинг фаолияти қонун, шахсни ҳурматлаш, ижтимоий адолат, демократизм, интернационализм, инсонпарварлик, меҳнат шакллари ва аҳоли билан ўзаро ҳамкорлик, жамоат фикрини доимо ҳисобга олиб бориш қоидаларига мос тарзда қурилади.

Милициянинг фаолияти фуқаролар, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари учун ошкора ва очиқ ҳисобланади.

2. Милиция давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, аҳоли ва оммавий ахборот воситаларини ҳуқуқ-тартибот ва уни мустаҳкамлаш чораларининг аҳволи ҳақида хабардор қилади;

— тегишли давлат идораларига, жамоат бирлашмаларига ёки мансабдор шахсларга жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарлик содир бўлишига яратилган сабаб ва шароитларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўриш зарурлиги ҳақида тақдимнома киритади.

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари милиция органларининг ёзма тақдимномасини олгач, унда кўрсатилган жиноят ва ҳуқуқбузарликнинг рўй беришига имкон туғдирадиган сабаб ва шароитларни бартараф этишлари ва кўрилган чора-тадбирлар ҳақида қонунда белгиланган муддатда милиция органларига хабар беришлари лозим.

Ушбу Кодекснинг 313-моддасига биноан ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни аниқлаганда, тегишли корхона, ташкилот, муассаса раҳбарига бу сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилиш юзасидан чоралар кўриш тўғрисидаги тақдимномани тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига киритади. Раҳбар тақдимнома келиб тушган кундан бошлаб бир ой ичида уни киритган органга (мансабдор шахсга) кўрилган чора ҳақида маълум қилиши шарт.

Бошқаришнинг белгиланган тартиби шарҳланаётган ҳуқуқбузарликка қасд қилиш объекти ҳисобланади.

3. Объектив томони ҳаракатсизлик шаклида ифодаланади.

4. Субъект — мансабдор шахс, яъни корхона, ташкилот ва муассаса раҳбари.

5. Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони қасддан ёки совуққонлик шаклидаги эҳтиётсизликдир.

6. 196-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқади.

197-м о д д а. **Прокурорнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ва унинг талабларини бажармаслик**

Далолатнома ва бошқа зарур ҳужжатлар, материаллар ва маълумотлар тақдим этишнинг текширишлар ва тафтишлар ўтказишни, мутахассислар ажратишни рад этишда, прокуратурага келишдан, қонунни бузганлик тўғрисида тушунтириш беришдан бўиин товлашда ифодаланган прокурорнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ва унинг талабларини бажармаслик, худди шунингдек, прокурор фикри билдирилган ҳужжатларни кўриб чиқмаслик ёки уларни тўлиқ ҳажмда бажармаслик, шунингдек, прокурорнинг ғайриқонуний қарор қабул қилишига эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин бironбир таъсир кўрсатганлик, — энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. «Прокурор» деганда Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори, барча қуйи прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари, бошқарма ва бўлимларнинг бошлиқлари, катта ёрдамчилар, ёрдамчилар ўз ҳукуқ доирасида ҳаракат қилувчи бошқарма ва бўлимларнинг катта прокурори ва прокурорлари тушунилади. (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрь қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1993, 1-сон, 30-модда).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан (118-модда), Бош прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорлар барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар кимнинг тасарруфида бўлишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона ва ташкилотлар, ҳарбий қисмлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, фуқаролар қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этишлари устидан назоратни амалга оширадилар.

Прокурор фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси назоратида бўлади ва прокурорнинг қонунлар ижро этилишини назорат қилиш, аризалар ва хабарларни текшириш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш борасидаги фаолиятига давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа идоралари, ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг, шунингдек, мансабдор шахсларнинг аралашиши тақиқланади (Прокуратура тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 декабрь қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 29-модда).

Прокуратура идоралари партиядан холи қилинган ва уларда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг ташкилий тузилмаларини тузишга йўл қўйилмайди.

Прокурорнинг ғайриқонуний қарор қабул қилишига эришиш ёки ўз фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин, бирон-бир таъсир кўрсатганлик, унинг дахлсизлигига тажовуз қилганлик, шунингдек, прокурор ва терговчининг рухсатисиз текширувларга ва дастлабки терговга доир маълумотларни ошкор этганлик қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш, яъни ишни ҳар томонлама тўла ва холисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш мақсадида суриштирувчи, терговчи ёки прокурорга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш ЖК 236-моддаси бўйича жавобгарликка олиб келади.

Прокурор ўз ваколати доирасида назоратни амалга ошириш чоғида:

хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг тобелигидан, кимга қарашли эканлигидан ва мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар, муассасалар, корхоналар, ташкилотлар ва бирлашмаларнинг ҳарбий қисмлар, жамоат бирлашмаларининг ҳудуди ва биноларига монеликсиз киришга, ҳужжатлар ва материалларни олиб кўришга;

текшириш учун зарур бўлган қарорлар, фармойишлар, йўриқномалар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олишга, қонунийликнинг аҳволи тўғрисида ва уни таъминлашга доир чора-тадбирлар ҳақида маълумотлар олишга;

давлат идоралари, ҳарбий қисмларнинг раҳбарлари ва мансабдор шахслардан ўз назорати остидаги ҳамда ўз бўйсунувидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятини текшириш ва тафтиш этишни, текширишлар, идоравий ва ноидоравий эксперизалар ўтказиш учун мутахассислар ажратишни

талаб қилишга;

мансабдор шахслар ва фуқароларни чақиртириб, улардан қонунлар бузилганлигига доир оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар талаб қилишга ҳақлидир.

Конун бузилганлиги аниқланган тақдирда прокурор ва унинг ўринбосари ўз ваколатлари доирасида:

— вазирликдар, давлат қўмиталари ва идораларнинг, муассасаларнинг корхоналар ва ташкилотлар, ҳокимлар, ҳарбий қисмлар ва жамоат бирлашмалари ҳужжатларига, шунингдек, мансабдор шахсларнинг қарорлари ва хатти-ҳаракатларига нисбатан протест келтиришга;

қонунда белгиланган тартибда жиноий ишлар, интизомий ишлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир ишлар қўзғатишга, кўриб чиқиш учун материалларни жамоатчилик муҳокамасига топширишга;

қонунни очиқдан-очиқ бузиш ҳолларига чек қўйиш тўғрисида амрнома беришга;

қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик хусусида мансабдор шахслар ва фуқароларга ёзма равишда огоҳнома билдиришга;

давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларга қонунбузарлик ҳолларини, шунингдек, қонун бузилишининг сабаблари ва бунга йўл очиб берган шароитларни бартараф этиш ҳақида тақдимномалар киритишга;

фуқаролар, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида судлар ёки хўжалик судларига ариза бйлан мурожаат этишга;

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига давлат идоралари ва жамоат бирлашмаларининг меъёрий ҳужжатлари мос эмаслиги хусусида мурожаат этишга ҳақлидир.

2. Бошқаришнинг белгиланган тартиботи 197-модда бўйича ҳуқуқбузарлик ва. қасд қилиш объекти ҳисобланади.

3. Объектив томони ҳаракат (қаршилик кўрсатиш, бўйин товлаш, прокурорга таъсир ўтказиш) ва ҳаракатсизлик (бажармаслик, тақдимномадан воз кечиш) шаклида ифодаланади.

4. Субъект — мансабдор шахслар ва 16 ёшга етган фуқаролардир.

5. Субъектив томони — қасддан содир этиш. Айбдорлар қилмишлари ҳуқуққа зид эканини ҳис қилсаларда, ўз эътиқодларига кўра аллақандай мақсадни кўзлаб прокурорнинг қонуний фаолиятига у ёки бу кўринишда тўсқинлик қилишда давом этадилар.

6.197-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликтўғрисидаги ишни маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқадилар (245-модда).

198-м о д д а. **Ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаслик ёки хизмат вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилиш**

Ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаслик ёки хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин такрор содир этганлик, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Маъмурий юрисдикциянинг тармоқ органлари — давлат органлари ва инспекциялар — тармоқ фаолиятига қараб тегишли қоидаларни бажариш юзасидан контроль ёки назорат қилишни амалга оширишга ва барча мансабдор шахслар ва фуқаролар бу қоидаларга риоя қилишларини талаб қилишга даъват этилгандир (МЖтКнинг 248-моддасидан 268-моддасигача).

Бу орган ва инспекциялар тўғрисидаги низомга мувофиқ, улар, масалан, қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— амалдаги меъёрлар бажарилиши устидан тегишли назоратни амалга ошириш;

— вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларга меъёр талабларининг бузилишига йўл қўйган ўз қарамоқларидаги бирлашмалар, корхоналарнинг раҳбарлари ва мансабдор шахсларини тартибий ва моддий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиш учун тақдим этиш;

— алоҳида тузилма ва технология участкаларидаги ишларни вақтинча тўхтатиш тўғрисида қарор чиқариш;

— давлат стандартлари, техникавий шароит, қоида, йўриқнома ва бошқа меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва хулоса бериш;

— республика худудида жойлашган корхоналарда, улар қайси маҳкамага бўйсунишига қарамай, ўз ҳуқуқи доирасида бемалол текширишни амалга ошириш;

— аникданган камчиликлар бартараф этилганидан сўнг такрорий текширув ўтказиш ва ҳоказолар.

2. Бошқаришнинг белгиланган тартиби шарҳланаётган ҳуқуқбузарликка қасд қилиш объекти ҳисобланади.

3. Объектив томони ҳаракат (хизмат вазифасини бажаришга қаршилик кўрсатиш) ва ҳаракатсизлик (қонуний талабларни бажармаслик) шаклида ифодаланади.

4. Субъект фуқаролар ва мансабдор шахслардир.

5. Субъектив томони — қасддан содир этиш. Давлат инспекцияси мансабдор шахсининг кўрсатмасини бажармаслик ё бевосита қасддан, ё ўз хизмат бурчини бажаришга совуққонлик билан қараш белгилари билан амалга оширилади.

198-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқади (245-модда).

199- м о д д а. **Махсус хизматларни қасддан алдаб чақирганлик**

Милиция, ёнғинга қарши хизмат, тиббий тез ёрдам ва бошқа махсус хизматларни қасддан алдаб чақирганлик, — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ихтисослаштирилган хизматнинг расмана иши ва бошқаришда ўрнатилган тартибот 199-модда бўйича ҳуқуқбузарликка қасд қилиш объекти ҳисобланади.

2. Объектив томони ҳаракатда ифодаланади. Айбдор телефонда диспетчер билан боғланиб ва сохта маълумотлар келтириб, у ёки бу ихтисослашган хизматни чақиради.

3. Субъект — 16 ёшга тўлган фуқаролар.

4. Субъектив томон бевосита қасд қилиши билан тавсифланади. Айбдор ўз қилмиши қонунга қарши эканлигини англаб, салбий оқибатларнинг юзага келишига йўл қўяди-ю, бироқ бу ҳаракатнинг номаълум бўлиб қолишига умид қилади. Баҳона ва мақсади — безорилик ниятида ихтисослашган хизмат чақирилган масканда яшовчи фуқародан ўч олиш туйғуси ва ҳоказодир.

5.199-моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқади (245-модда).

200-м о д д а. **Ўзбошимчалик**

Ўзбошимчалик, яъни ўзининг ҳақиқий ёки назарда тутилган ҳуқуқини фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларига, давлат манфаатлари ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар ёки зиён келтирмаган ҳолда ўзбошимчалик билан амалга ошириш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Фуқароларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш тартибини қонун белгилаб берган. Қонунга ёки тегишли қоидага зид бўлган ҳуқуқни амалга ошириш ўзбошимчалик ҳисобланади. Шундай қилиб, ўзбошимчалик фуқароларнинг давлат томонидан белгиланган ўз ҳуқуқларини амалга ошириш тартибига қасд қилади.

Шахсга қонун ёки қонун кучидаги ҳужжатлар асосида тегишли бўлган ҳуқуқ ҳақиқий деб тан олинади. Айбдорнйнг ўзига ва у манфаати учун ҳаракат қилаётган бошқа шахсга тегишли бўлган виждонан адашиш ҳуқуқи фараз

қилинган. Ҳуқуқбузар ҳаққи йўқ нарсанинг эгаси бўлишга уринаётганини била туриб, атайин қонунга зид ҳаракат қилган тақдирда, у, агар ҳаракатида бошқа маъмурий хуқуқбузарлик ёки жиноят таркиби бўлмаса, 200-модда бўйича жавобгарликка тортилиши мумкин.

2. Ўзбошимчаликнинг объектив томони фаол ҳаракат билан тавсифланади. Ҳаракатсизлик билан ўзбошимчалик қилиш мумкин эмас. Суд, давлат ёки жамоат органининг шахсни маълум бир ҳаракат қилишга мажбур этувчи қарорини бажармасликни ўзбошимчалик деб ҳисоблаб бўлмайди.

Агар фуқароларга ёки давлат ва жамоат ташкилотларига жиддий зарар келтириш кўринишидаги оқибатлари бўлмаган тақдирда 200-моддада кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби мавжуд бўлади. Бу ўринда маъмурий жазолаш билан ЖК 229-моддасида назарда тутилган жинояткорона ўзбошимчаликни чегаралаш муҳим ҳисобланади. Жинояткорона ўзбошимчаликнинг объектив томони учун фуқароларга ёки давлат ва жамоат ташкилотларига етказилган жиддий зарарнинг мавжудлиги зарур.

Зиённинг моҳияти унинг ҳажми, хусусияти, шунингдек, жабрланувчи учун бузилган эзгуликнинг алоҳида қиймати билан белгиланиши, яъни моддий зиён, маънавий зарар, фуқаро ҳуқуқининг бузилиши (масалан, фуқарони тураржойдан фойдаланиш имкониятидан маҳрум этиш)да ифодаланиши мумкин. Ўзбошимчаликни квалификация қилиш учун келтирилган зарар миқдори эмас, балки уни жабрланувчи сезиб туриши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Кўп ҳолларда, масалан, тураржойга эга бўлиш ҳуқуқи, ташкилотнинг одатий иши бузилган тақдирда зарар беҳисоб бўлиши мумкин. Зарарни баҳолаш пайтида жамиятда мавжуд бўлган шу каби зиёнларни объектив баҳолаш эътиборга олинади.

3. Ўзбошимчалик қасддан содир этилган ҳуқуқбузарликдир. Айбдор ушбу ҳуқуқни амалга ошириш учун ўрнатйлган тартибни бузаётганлигини, яъни ўз ҳаракати ноқонуний эканини сезади, бу хатти-ҳаракат зарарли оқибатга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўради, бунга афсусланади ёки онгли равишда йўл қўяди.

4. 16 ёшга тўлган фуқаролар ёки ўзининг хизмат мавқеидан фойдаланиб, ўзбошимчалик қилган мансабдор шахслар ушбу ҳуқуқбузарлик субъекти бўлиши мумкин.

5. Мазкур ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни маъмурий ишлар бўйича судьялар (245-модда) ва туман марказидан олисда, бориш қийин бўлган посёлка, қишлоқ ва овуллардаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар кўриб чиқади (246-модда).

201-м одд а. **Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш**

Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш, — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш

бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш, — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ (29, 33-моддалар) фуқаролар учун сўз, матбуот, йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар эркинлиги кафолатланган.

Бундай ҳуқуқлардан фойдаланиш учун ишончли жамоат тартиби ва хавфсизлик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш кафолати, амалдаги қонунларга оғишмай амал қилиш зарур.

Ўзбекистон Республикасида йиғилишлар, митинглар кўча юришлари ва намойишларни ташкил этиш учун:

ҳокимиятга мажбурий равишда олдиндан (тадбир бошланишига камида 10 кун қолганда) оммавий тадбирнинг у ёки бу турини ўтказишга рухсат берилиши сўралган ариза билан мурожаат қилинади. Аризада тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад, унинг шакли, жойи ёки ҳаракат йўналиши, қачон бошланиши ва тугаши, иштирокчиларнинг тахминий сони, ташкилотчилар (вакиллар)нинг фамилияси, исми, отасининг исми, уларнинг яшаш, ишлаш, ўқиш жойлари, ариза берилган сана кўрсатилади.

Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойиш ўтказиш ҳақида меҳнат жамоалари, корхоналар ёки муассасалар ҳамда бошқа жамоат бирлашмалари, ижтимоий ташаббускор органлар ва фуқаролар айрим гуруҳларининг 18 ёшга тўлган вакиллари ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Ҳокимият аризани кўриб чиқиб, мазкур тадбирларни ўтказувчи вакилларга (ташкилотчиларга) тадбир ўтказишга камида 5 кун қолгунга қадар хабар беради. Ҳокимият зарурат туғилган тақдирда, ариза билан мурожаат қилганларга тадбир ўтказиш учун бошқа вақт ва жойни таклиф қилиши мумкин.

Қарор хусусида юқори ижроия ва бошқарув органига амалдаги қонунда белгилаган тартибда шикоят билдирилиши мумкин; бу аризада кўрсатилган тадбирни ўтказишга ҳокимиятдан ёзма рухсатнома олиш тартиби мавжуд.

Ҳуқуқбузарлик йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларнинг белгиланган тартибга хилоф равишда олдиндан ташкил этиш бўйича ҳаракатни амалга оширишда ифодаланмайди.

Ташкилотчилик фаолиятига қуйидаги ҳаракатларни киритиш мумкин:

— ҳокимиятнинг тегишли босқичига оммавий тадбир ўтказишга рухсат беришларини сўраб ёзма равишда мурожаат қилиш;

— иштирокчиларга тадбирни ўтказиш жойи, вақти ва шакли ҳақида хабар

бериш соҳасидаги ҳаракат;

— тадбирни ўтказиш ташкилотчилари мавқеини ифодаловчи зарурий атрибутлар (плакат, варақа, босма маҳсулотлар, ахборот материаллари ва ҳоказолар) тайёрлаш;

— ўтказиладиган тадбирни техник жиҳатдан таъминлаш чораларини кўриш (ҳужжатлаштириш воситалари, кинокамералар, фотоаппаратлар, радиокарнайлар);

— тадбир дастурини тайёрлаш, иштирокчилараро ролларни тақсимлаш, нотикдарни, босма ёки бошқа ахборотларни тарқатувчиларни, оммавий ахборот воситалари вакиллари, шу жумладан, чет эл журналистлари билан алоқага, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ҳаракатини ҳужжатлаштиришга масъул шахсларни белгилаш.

Номидан тадбир ўтказишга рухсат беришни сўраб, ҳокимиятга мурожаат қиладиган, ҳокимият давлат органлари ва бошқармалари намояндалари билан алоқа қилиб турадиган ва ташкилий кўринишдаги бошқа ишларни амалга оширадиган, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ижтимоий ташкилот органлари ва фуқароларнинг алоҳида гуруҳлари вакил қилиб тайинлаган шахслар ташкилотчилар деб, тан олиниши мум кин.

Бу шахслар ҳокимият қарорида оммавий тадбирлар ташкилотчилари сифатида кўрсатилади.

Ҳокимият билан расмий муносабатга киришмайдиган, оммавий тадбирни ўтказиш учун зарурий шарт-шароитни яратиш ёки ташкилий тусдаги масалаларни ҳал этиш билан шуғулланувчи шахсларни ҳам оммавий тадбирлар ташкилотчилари сирасига киритиш керак.

Ташкил отчилар:

— ҳокимият оммавий тадбир ўтказишни тақиқлаганига эътибор бермаслик ёки уни ўтказиш шартлари бузилганда;

— оммавий тадбир ўтказиш учун тегишли рухсат беришини сўраб ҳокимиятга мурожаат қилинмаган тақдирда жавобгарликка тортиладилар.

2. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар ўтказиш тартибининг бузилиши 201 -моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликнинг иккинчи таркиби ҳисобланади. Ҳуқуқбузарлик:

— аризада кўрсатилган мақсад, шакл, ўтказиш жойи, бошланиши ва тугаши, тадбир иштирокчиларининг тахминий сони ва ҳоказоларга риоя қилмасликда;

— тадбирни ўтказиш вақтида жамоат тартиби ва хавфсизлигининг бузилишида;

— тадбир иштирокчилари қурол, шунингдек, одамлар ҳаёти ва саломатлигига зид ишлатилиши ёки давлат, жамоат бирлашмаларига ва фуқароларга моддий зарар етказувчи махсус тайёрданган ёки мослаштирилган нарсалар билан юришида;

— ҳокимият давлат органлари вакилларининг рухсат берилмаган оммавий тадбирни тўхтатиш ҳақидаги қонуний талабларини бажармасликда намоён бўлади.

Тан жароҳати етказиш учун махсус мослаштирилган қуроллар деганда олдиндан тайёрланган ёки безорилик ҳаракатларини содир этиш учун махсус мослаштирилган ашёлар тушунилади.

Ииғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар ўтказиш тартибини бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка фақат шу тадбирларда иштирок этган шахслар тортиладилар.

Ошкора сўзлайдиган, бакириб шиорлар ташлайдиган, талаблар қўядиган, шиорларни намойиш қилувчи ва ахборот материалларини тарқатадиган, йиғилганлар орасида тушунтириш ишларини олиб борадиган, давлат ҳокимият органлари вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакилларига қаршилик кўрсатувчилар хатти-ҳаракатларини ҳужжатлаштириш мақсадида фотосуратга олиш, киносъёмка қилиш билан шуғулланадиган шахслар фаол қатнашчилар сифатида тан олиниши мумкин.

Фаол ҳаракат қилмайдиган, аммо шу билан бирга, ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг тадбирни тўхтатиш ва ўтказилаётган жойни бўшатиш тўғрисидаги талабларини бажаришдан атайин бўйин товлайдиган шахсларни ҳам шу тоифага қўшиш мумкин.

Давлат ҳокимият органлари вакилларининг тадбирни ўтказиш жойини тарк этиш ҳақидаги бир неча марта такрорлаган талабига эътибор бермаслик факти кўриб чиқилаётган ҳуқукбузарлик субъектининг ўзига хос белгиси сифатида киритиш мумкин.

3. Ички ишлар органлари (милиция) ёки ҳокимиятнинг ваколатли мансабдор шахслари 201-моддани бузувчиларга нисбатан маъмурий баённома тузадилар.

Баённомага ўтказилаётган тадбирнинг белгилари (шиор, босма ёки қўлёзмали ахборот), ҳуқуқбузарликни юзага келтириш воситаси ҳисобланган асбоблар қўшиб қўйилади.

Агар оммавий тадбирларнинг ташкилотчилари ёки уларнинг қатнашчилари кўриб чиқиш турли органлар ёки мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ доирасида бўлган бир қанча маъмурий ҳуқуқбузарликни амалга оширган бўлса, қилмишнинг ҳар бир факти бўйича алоҳида баённома тузилади ва кўриб чиқиш учун тегишли орган ва мансабдор шахсларга юборилади.

Бошқа ҳолларда ўша шахснинг қилмишлари санаб ўтилган битта баённома тузилади.

4. Диний урф-одат ва маросимларни ўтказиш қоидасини Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрирда) 14-моддаси тартибга солади. (Ушбу Кодекс 184^1-моддаси шарҳининг 1-бандига қаранг).

5. Бошқарувнинг белгиланган тартиби, жамоат тартиби ва жамоат

хавфсизлиги 201-модда қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади.

6. Объектив томони ҳаракатдир.

7. Қонун олдида жавоб берадиган 16 ёшга тўлган шахс ҳуқуқбузарлик субъекти ҳисобланади.

8. Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони қасддан ёки эҳтиётсизлик орқали содир этилади.

9. 201-моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

Иифилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартибини бузганлиги учун ушланган шахслар иш кўриб чиқилгунга қадар ички ишлар органлари (милиция)даги ушланганлар сақланадиган жойга юбориладилар.

Маъмурий ишлар бўйича судьялар маъмурий жазо белгилаш тўғрисида қарор чиқараётганда тубжой аҳолиси бўлмаган ҳуқуқбузарларни маъмурий хатти-ҳаракат юз берган жойни тарк этишга мажбур қилиш ҳуқуқига эга. Суднинг ушбу қарорини бажаришни ички ишлар органлари амалга оширадилар.

Амалга оширилган худди шундай ҳаракати учун унинг ташкилотчисига маъмурий жазо чораси қўлланилгандан сўнг йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш ва ўтказишнинг белгиланган тартибини бузганлиги учун айбдор ЖК 217-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Йиғилишлар, митинглар уюштириш ва ўтказишнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати 1988 йил 19 августдаги Фармонида белгилаган тартиб (қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ведомостлари, 1988, 24-сон, 299-модда) меҳнат жамоатлари ва жамоат ташкилотларининг қонунлар ва қоидаларга мувофиқ тарзда ўтказиладиган йиғилиш ва митингларига нисбатан татбиқ қилинмайди.

10. Диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа ибодат маросимларини ўтказиш қоидаларини бузиш ҳоллари худди шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин ҳам юз берса, у ЖКнинг 217-моддаси 2-қисми бўйича квалификация қилинади.

202- м о д д а. **Рухсат этилмаган йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар ўтказиш учун шароитлар яратиш**

Рухсат этилмаган йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар қатнашчиларига бинолар, давлат ёки жамоат мулки (алоқа воситалари, кўпайтирадиган ва бошқа хил техник ускуналар, транспорт)ни бериш ёки шундай тадбирларни ўтказиш учун бошқа шароитларни яратиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг етти

бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасига биноан Ўзбекистон. Республикаси фуқароларига сўз, матбуот, йиғилиш эркинлиги кафолатланган.

Ўзбекистон Республикасида йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар ташкил этиш учун:

— тадбир бошланишидан камида 10 кун илгари уни ўтказишга рухсат берилишини сўраб, ариза билан ҳокимиятга албатта мурожаат қилиш талаб этилади;

— аризага имзо чеккан шахс 18 ёш ва ундан юқори бўлиши,. ариза корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, жамоат бирлашмаларининг меҳнат жамоаси ёки айрим фуқаролар номидан сўралган бўлиши;

— аризада кўрсатилган тадбирни ўтказишга ёзма рухсат олиниши;

— ариза рад этилган тақдирда юқори ижроия ёки бошқарув органига қабул қилинган қарорни қайта кўриб чиқишни сўраб, мурожаат қилиш каби шартларга амал қилиниши лозим. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат ташкилотлари ёки айрим фуқаролар ваколат берган ва улар номидан ҳокимиятга мурожаат қиладиган шахслар ташкилотчилар сифатида тан олинади.

Оммавий тадбирлар ташкилотчиларига, шунингдек, ҳокимият ва бошқа давлат органлари билан расмий муносабатда бўлмай, оммавий тадбирларни ўтказишда бино, транспорт, алоқа воситалари, кўпайтирувчи ёки бошқа техникани уларнинг ихтиёрига бериш, зарурий шароит яратиш билан шуғулланадиган шахсларни ҳам киритиш лозим.

2. Бошқарувнинг белгиланган тартиби кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликлар объекти ҳисобланади.

3. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони ҳаракат шаклида ифодаланади.

4. Ҳуқуқбузарлик субъекти — мансабдор шахслар.

5. Субъектив томондан ҳуқуқбузарлик қасддан содир этилади. Мансабдор шахслар ҳуқуқбузарлик учун шароит яратар экан, ўз қилмиши ноқонуний эканини тушунади, бироқ аллақандай мулоҳазага бориб, уни амалга оширади.

6. 202-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади.

202[1]-м о д д а. **Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларнинг фаолиятида қатнашишга ундаш**

Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларнинг, оқимларнинг, секталарнинг фаолиятида қатнашишга ундаш, — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн

бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

1. Виждон эркинлиги — фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмйсликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир.

Фуқаро ўзининг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка, ибодатга қатнашишга, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди.

Динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида диний моҳиятдаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракати, шунингдек, республикадан ташқарида тузилган диний партияларнинг шохобчалари ва бўлинмаларини тузишга ва уларнинг фаолият юритишига йўл қўйилмайди.

Терроризм, наркобизнес ва уюшган жамоатчиликка кўмаклашадиган, шунингдек, бошқа мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг фаолияти ман этилади (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги 3,5-моддаларига қаранг).

2. Жамоат тартиби, жамоат хавфсизлиги ва бошқарув тартиби Кодекснинг шарҳданаётган моддасидаги ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади.

3. Объектив томон ҳаракат, яъни фуқароларни тақиқланган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундашдир.

4. Субъект — 16 ёшга етган ақли расо жисмоний шахс.

5. Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони — бевосита қасддан ҳаракат қилиш.

6. 202^{1}-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин такрор содир этилса, ЖК 216^{1}-моддаси бўйича тавсифланади.

203- м о д д а. **Байроқлар ва вимпеллардан ғайриқонуний фойдаланиш, плакатлар, эмблемалар ва рамзларни тайёрлаш, тарқатиш ёки тақиб юриш**

Белгиланган тартибда рўихатдан ўтказилмаган байроқдар ва вимпеллардан жамоат жойларида фойдаланиш, худди шунингдек, мазмуни давлат ва жамоат тартибига, фуқароларнинг ҳуқуқларига ва қонуний манфаатларига зарар етказишга қаратилган плакатлар, эмблемалар ва рамзларни тайёрлаш, тарқатиш ёки тақиб юриш, — мазкур ашёларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой эмблемалари ва фарқловчи белгиларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Республика давлат суверенитетининг рамзидир.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи халқаро майдонда: Ўзбекистон Республикаси расмий делегациясининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, халқаро ташкилотларда, конференцияларда, жаҳон кўргазмаларида, спорт мусобақаларида Ўзбекистон Республикасининг тимсоли бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи байроқнинг бутун узунлиги бўйлаб ўтган тўқ мовий ранг, оқ ранг ва тўқ яшил рангли учта эндан таркиб топган тўғри тўртбурчак шаклидаги матодир.

Байроқнинг узунлиги 250 сантиметрга, кенглиги 125 сантиметрга тенг. Мовий ранг, оқ ранг ва яшил рангли энларнинг кенглиги бир хил. Ҳар бир эн 40 сантиметрга тенг. Байроқнинг ўртасидаги оқ рангли эннинг четларидан кенглиги 2,5 сантиметрга тенг қизил ҳошиялар ўтказилган.

Байроқнинг юқори қисмидаги мовий рангли эннинг юз томони ва орқа томонида, дастага яқин жойида оқ рангли янги ой ва унинг ёнида ўн иккита оқ рангдаги беш қиррали юлдуз тасвирланган,

Янги ой ва юлдузчаларнинг тасвири мовий рангли юқори эннинг ўртасида 75Х30 сантиметрга тенг тўғри тўрт бурчакка сиғадиган қилиб жойлаштирилган.

Янги ой вертикал ҳолатда юқори томони дастага қаратилган, дастадан 20 сантиметр масофада жойлаштирилган бўлиб, диаметри 30 сантиметрли доирага сиғади. Юлдузлар диаметри 6 сантиметрли доирага сиғади. Доиралар орасидаги масофа 6 сантиметр. Юлдузлар узунасига ва тиккасига, қуйидаги тартибда жойлашади: юқори қаторда учта, ўрта қаторда тўртта ва қуйи қаторда бешта юлдуз. Қуйи қатордаги юлдузлар янги ойнинг пастқи учидан 3,5 сантиметр масофада жойлашади.

«Узбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонунга мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992, 1-сон, 27-моддага қаранг), Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи:

— доимий суратда: Ўзбекистон Республикаси Президентининг аппарат биносида; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биносида; Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг биносида; Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Ҳукумати биносида; Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг биноларида, Ўзбекистон Республикаси доимий ваколатхоналари биносида, халқ депутатлари кенгашларининг сессиялари ўтказилаётган бинолар ва уйларда бутун сессия давомида;

— Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланган байрам кунларида Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари, бошқа давлат ва жамоат идоралари биноларида, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, шунингдек, тураржой биноларида;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари, Республика халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатларига сайлов кунларида ёки референдум кунларида — овоз бериш ўтказилаётган бино ва уйларда;

— Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатия, савдо ваколатхоналари ва консуллик муассасалари биноларида ва ҳаракатланиш воситаларида — дипломатик протоколнинг халқаро қонун-қоидаларига мувофиқ;

— чет элдаги Ўзбекистон Республикасига қарашли бўлган, расмий шахслар сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири — Миллий гвардия қўмондони, Ўзбекистон Республикаси дипломатик ва консуллик ваколатхоналарининг бошлиқлари тушган денгиз ва дарё кемаларида, бошқа ҳаракатланиш воситаларида;

— Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг фармойишига мувофиқ;

— Республиканинг давлат ва жамоат идоралари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўтказадиган маросимларда, тантанали тадбирларда;

— спорт майдонларида — Ўзбекистон Республикаси чемпионати ва биринчиликларини, миллий терма командалар иштирокида халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш чоғида ҳамда Узбекистон Республикасининг спорт терма командаларидан вакил бўлган халқаро мусобақа ғолибларини мукофотлаш муносабати билан маросимлар ўтказиш вақгида кўтарилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини ҳурмат қилишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси халқ анъаналари, инсонпарварлик, меҳршафқат ва

беғараз ёрдам кўринишларига қулай шарт-шароит яратиш, шунингдек, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Қизил Хоч ва Қизил Яримой ҳаракатининг юксакмақсадлари ҳамда асосларини амалга оширишда қатнашмоқда (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 9 сентябрда рўйхатга олинган жамият тўғрисидаги низомга қаранг).

Ўзбекистон Қизил Яримой жамияти Республиканинг бутун ҳудудида фаолият кўрсатмоқда ва давлатга ҳамда унинг соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш идораларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш соҳасида кўнгилли равишда кўмаклашяпти. Давлат Қизил Яримой жамиятининг ҳуқуқлари ва ваколатлари сақданишини кафолатлайди ва унинг уставига мос келадиган фаолиятни амалга оширишда кўмаклашади.

«Оқ майдонда Қизил Яримой» белгиси тегишли муассаса ва тузилма, шунингдек, санитария ходимлари фойдаланадиган санитария хизматининг фарқлаш белгиси ҳисобланади. Уларга ўқ узилмаслиги, бомба ташланмаслиги, уларга нисбатан жанговар ҳаракатлар қўлланмаслиги лозим.

203-модданинг 2-қисми Қизил Хоч ва Қизил Яримойнинг фарқлаш белгилари ҳамда эмблемаларидан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарликни назарда тутади.

Санитария муассасалари шахсий таркибига алоқаси бўлмаган шахсларнинг бу белгилардан фойдаланиши ноқонуний ҳисобланади.

Санитария муассасаларига алоқаси бўлмаган жойларда Қизил Хоч ва Қизил Яримой байроғини кўтариш, унинг бошқа белгиларидан фойдаланиш, шунингдек, санитария муассасаларининг транспорт воситаларига хос бўёқдан самолёт, поезд, кемаларда, вазифаси ўзгача бўлган бошқа транспорт воситаларида фойдаланиш қонунга зиддир.

2. 203-модда бўйича бошқарувнинг белгиланган тартиби ҳуқуқбузарликнинг қасд қилиш объекти ҳисобланади.

3. Объектив томон — ҳаракат (фойдаланиш, тайёрлаш, тарқатиш ёки олиб юриш)да ифодаланади.

4. Субъектлар 16 ёшга тўлган ва мансабдор шахслардир.

5. Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони — бевосита қасд қилиш. Айбдорлар ўз қилмишларининг қонунга зид эканини биладилар ва номаъкул оқибат юз беришини истайдилар.

6. 203-моддалар бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни маъмурий ишлар бўйича судьялар (245-модда) ҳамда туман марказидан олисда, бориш кийин бўлган ерларда жойлашган шаҳарча, қишлоқ ва овуллардаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қошида тузилган маъмурий комиссиялар (246-модда) кўриб чиқади.

204-м о д д а. **Фавқулодда ҳолат тартибининг талабларини бузиш**

Фавқулодда ҳолат тартибининг талабларини бузиш, — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

1. Фавқулодда ҳолат Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг «Фавқулодда ҳолатнинг ҳуқуқий тартиби тўғрисида»ги қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ведомостлари, 1990, 16—18-сонлар, 283-модда)га мувофиқэълон қилинадиган муваққатчорадир. Мазкур чора табиий офатлар, йирик фалокат ёки ҳалокат, эпидемия, эпизоотия, шунингдек, оммавий тартибсизликлар пайтида Республика фуқаролари хавфсизлиги манфаатларини таъминлаш мақсадида кўрилади.

Фавқулодда ҳолат эълон қилишдан кўзланган мақсад вазиятни барқарорлаштиришни, қонун ва ҳуқуқ-тартиботни ўз изига солишни тезлаштиришдир.

Фавқулодда ҳолат эълон қилинаётганда шундай қарор қабул қилиш сабаби, муддати ва унинг ҳудудий чегараси кўрсатиб ўтилади.

Фавкулодда ҳолат шароитида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари аниқ вазиятлардан келиб чиқиб, ҳуқуқ-тартибот ўрнатадилар ва қуйидаги чора-тадбирларни қўллайдилар:

— аҳоли ва халқ хўжалигининг ҳаётий фаолиятини таъминловчи объектлар ва жамоат тартибини муҳофазалашни кучайтириш;

— яшаш учун хавфли жойлардан фуқароларни вақтинча кўчириш;

— кириш ва чиқишнинг алоҳида тартибини ўрнатиш;

— алоҳида фуқароларга белгиланган муддат давомида муайян жойни, ўз хонадони (уйи)ни тарк этишни тақиқлаш;

— фуқаролардан ўқ отиш қуроллари ва ўқ-дориларни, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан, шунингдек, ўқув ҳарбий техникаси, портловчи моддалар, радиоактив моддалар ва материаллар, кучли таъсир этувчи кимёвий ҳамда заҳарли моддаларни вақтинча олиб қўйиш;

— митинглар, кўча юришлари ва намойишлар, шунингдек, томоша, спорт ва бошқа оммавий тадбирларни ўтказишни такиқлаш;

— корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг алоҳида иш тартибини ўрнатиш;

— корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларини ишга тайинлаш ва озод этиш, узрли сабаб билан ишдан бўшашдан ташқари ишчи ва хизматчиларни ўз хоҳишига кўра ишдан бўшатишни тақикдаш;

— забастовкалар ўтказишни тақиқлаш;

— меҳнатга лаёқатли фуқароларни корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда ишлашга, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилишни

таъминлаган ҳолда фавқулодда ҳолат оқибатларини тугатиш учун жалб этиш;

— қурол, кучли таъсир этувчи кимёвий ва заҳарли моддалар, шунингдек, спиртли ичимликлар ва таркибида спирт бўлган моддалар савдосини чегаралаш ёки тақиқлаб қўйиш;

— карантин жорий этиш;

— кўпайтирувчи техника, шунингдек, радиотелеузатувчи аппаратлар, аудио ва видеоёзувчи техникадан фойдаланишни чеклаш ва тақиқлаб қўйиш;

— овоз ёзув техникаси ва техника воситаларини мусодара килиш;

— оммавий ахборот воситалари устидан назорат ўрнатиш;

— алоқадан фойдаланишнинг алоҳида қоидаларини киритиш;

— транспорт воситалари ҳаракатини чеклаш ва уларни назоратдан ўтказиш;

— комендантлик соатини жорий қилиш;

— вазиятни барқарорлаштиришга халақит берувчи сиёсий партияларнинг, оммавий ҳаракатларнинг, фуқароларнинг мустақил бирлашмалари фаолиятини тўхтатиш;

— фуқароларнинг қонунда кўзда тутилмаган қуролли тузилмаларини барпо этиш ва фаолият қўрсатишини тақиқлаш;

— фуқароларнинг оммавий тўпланган жойларда ҳужжатларни текшириш, фуқароларда қурол борлиги тўғрисида маълумот бўлган тақдирда шахснинг ашёлари ва транспорт воситаларини кўрикдан ўтказиш.

Комендантлик соати жорий этилган пайтда фуқароларга уларнинг шахсини тасдиқловчи махсус рухсатнома ва ҳужжатсиз кўчага чиқиш ёки жамоат жойларида бўлиш ёхуд уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатсиз ўз тураржойидан бошқа жойда бўлиш тақиқланади.

2. 204-модда бўйича фавқулодда ҳолат шароитида бошқаришнинг белгиланган тартиби ҳуқуқбузарликнинг қасд қилиш объекти ҳисобланади.

3. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони ҳаракатда ифодаланади.

4. Субъект — 16 ёшга тўлган фуқаролар.

5. Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони — бевосита қасд қилиш шакли.

6. Бу ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомалар ички ишлар органлари ёки алоҳида жой комендатураси ходимлари томонидан тузилади.

7. 204-модда бўйича маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар (245-модда), ички ишлар органлари (248-модда), алоҳида жой комендантлари («Фавқулодда ҳолатнинг ҳуқуқий тартиби тўғрисида»ги қонуннинг 9моддаси — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ведомостлари, 1990, 16—18-сон, 283-модда) томонидан кўриб чиқилади.

205-м о д д а. **Фавқулодда ҳолат тартиби шароитида жамоат тартибига тажовуз қилиш**

Фавқулодда ҳолат эълон қилинган жойларда миш-мишлар тарқатиш ва ҳуқуқ-тартиботни бузишга ундовчи ёки миллий адоватни авж олдирувчи бошқа ҳаракатлар, фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг ўз қонуний ҳуқуқлари ва бурчларини амалга оширишларига фаол тўсқинлик қилиш, худди шунингдек, ички ишлар органлари ходимининг, ҳарбий хизматчи ёки жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажараётган бошқа шахсларнинг қонуний фармойиши ёки талабига қасддан бўисунмаслик ёхуд жамоат тартибини ва фуқаролар осойишталигини бузадиган бошқа шунга ўхшаш ҳаракатлар ёки маъмурий назорат қоидаларини бузиш, — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўттиз суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

1. Фавқулодда ҳолат эълон қилинишидан мақсад вазиятни тезроқ барқарорлаштириш, табиий офатлар, йирик фалокат ёки ҳалокат, эпидемия, эпизоотия, шунингдек, оммавий тартибсизликлар пайтида қонун ва ҳуқуқ-тартиботни тиклашдан иборат.

Фавқулодда ҳолат тартиби шароитида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари вазиятга қараб жамоат тартибини қўриқлашни кучайтиради, ўша жой аҳолиси бўлмаган жамоат тартибини бузувчиларни ўзларининг доимий яшаш жойларига ёки фавкулодда ҳолат эълон қилинган жойдан уларнинг ўз маблағлари ҳисобига чиқариб юборадилар.

2. Иғвогарлик миш-мишларини тарқатиш, ҳуқуқ-тартиботни бузишга қутқу солувчи ёки миллий нифоқни ўт олдирувчи хаттиҳаракат, фуқаро ва мансабдор шахсларга ўз қонуний ҳуқукдари ҳамда бурчларини бажаришларига фаол тўсқинлик қилиш, яъни ички ишлар органлари ходимининг, ҳарбий хизматчининг ўз хизмат вазифасини ёки жамоат тартибини қўриқлаш бўйича жамоат олдидаги бурчини бажараётган бошқа шахсларнинг қонуний фармойиш ёки талабларини қасддан бажармаслик ёки шунга ўхшаш бошқа ҳаракатлар, жамоат тартибини ва фуқаролар осойишталигини бузиш ёки фавқулодда ҳолат эълон қилинган жойда бажарилган маъмурий назорат қоидаларини бузиш 205-модда бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради.

Иғвогарлик миш-мишларини тарқатиш дейилганда бошқа фуқаролар орасидаги турли мулоҳазалар, хабарлар, атайин сохта маълумотлар тарқатиш, республикада юз бераётган воқеаларни бузиб кўрсатувчи турли баҳолар бериш тушунилади.

3. Милиция ходими, маҳалла посбони ё ҳарбий хизматчининг қайта-қайта такрорий фармойиши ёки талабини бажаришдан бош тортиш ёхуд жамоат тартибини сакдаётган органга нисбатан рўй-рост ҳурматсизлик кўринишлари ҳақида гувоҳлик берувчи кўпол тарзда бўйсунмасликни қасддан бўйсунмаслик деб ҳисоблаш керак.

4. Милиция ходимлари, маҳалла посбони, шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг кўча ва жамоат жойларида пост ёки патрул хизматини бажариш, намойишлар, митинглар, томошалар, спорт мусобақалари ва бошқа оммавий тадбирлар ўтказиш, фалокат ва табиий офатлар оқибатларини тугатиш, қасддан қилинган ғайриқонуний хатти-ҳаракатнинг олдини олиш ёки бартараф этиш чоғида тартибни сақдаш юқорида зикр этилган ходимларнинг ўз мажбуриятларини бажариш, деб тушунилади.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги қонунига биноан (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 33-модда), маъмурий назорат мажбурий чора ҳисобланади ва у вояга етган шахсларга нисбатан ўрнатилади.

6. 205-модда бўйича ҳуқуқбузарлик объекти жамоат тартиби ҳисобланади.

7. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони ҳаракатда ҳам, ҳаракатсизликда ҳам ифодаланади.

8. Субъект — 16 ёшга тўлган фуқаролар.

9. Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони қасддан ёки эҳтиётсизлик орқали содир этилади.

10. 205-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар (245-модда), ички ишлар органлари (248-модда) ва тегишли жой (туман) ҳарбий комендanti (29-модда) томонидан кўриб чиқилади.

11. Маъмурий жазо қўлланилгандан кейин маъмурий назоратни бузиш ЖК 226-моддасининг 1-қисми бўйича квалификация қилинади.

206-м о д д а. **Маъмурий назорат қоидаларини бузиш**

Устидан маъмурий назорат ўрнатилган шахсларнинг бундай назорат қоидаларини бузиши, — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахсларнинг хулқ-атворини кузатиб бориш, улар томонидан такрор жиноят содир этилиши олдини олиш, уларда ижобий ижтимоий ўзгаришларни шакллантириш учун судьялар кўрсатилган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатадилар.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги. 1992 йил 9 декабрь қонуни (Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1993, 1-сон, 33-модда)га биноан маъмурий назорат мажбурий чора ҳисобланиб, у қуйидаги ҳолларда вояга етган шахсларга нисбатан қўлланилади:

а) оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта ҳукм

этилган шахсларга нисбатан, агар уларнинг жазони ўташ давридаги хулқ-атвори тузалиш ва ҳалол меҳнат қилиб кун кечириш йўлига ўтишни асло истамаганликларидан далолат берса;

б) оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун ёки ундан ортиқ марта ҳукм этилган шахсларга нисбатан, агар улар жазо муддатини ўтаб бўлганларидан сўнг ички ишлар идораларининг жамият учун зарарли кун кечиришни тўхтатиш тўғрисидаги огохдантиришига қарамай, жамоат тартибини мунтазам бузаётган ва фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказаётган бўлсалар.

3. Маъмурий назорат оғир жиноят содир этганлиги учун судланган, лекин жиноий жазо тури озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган шахсларга нисбатан ўрнатилиши мумкин эмас.

4. Маъмурий назорат ўрнатилган шахсларга нисбатан қуйидаги чекланишлар қўлланилиши мумкин:

— ички ишлар органлари томонидан сутканинг маълум бир вақтида уйдан (хонадан) чиқиб кетиш тақиқланади;

— туман (шаҳар)нинг белгиланган жойида бўлиш тақиқланади;

— ички ишлар органлари рухсатисиз туман (шаҳар) чеккасига чиқиш тақиқланади;

— ҳар ойда бир мартадан тўрт мартагача рўйхатдан ўтиш учун милицияга келиб туради.

Санаб ўтилган чекланишлар назоратга олинганнинг шахсини тавсифловчи турмуш тарзи, оилавий аҳволи, аввал суд қилинганлиги, йш жойи ва бошқа вазиятларга боғлиқ ҳолда тўла ҳажмда ёки алоҳида-алоҳида қўлланилиши мумкин.

5. Судьянинг қарори маъмурий назорат ўрнатиш учун асос ҳисобланади.

6. Маъмурий назорат олти ойдан бир йилгача ўрнатилади; уни ҳар сафар яна олти ойга, лекин ушбу жиноят учун судланганлигини бекор қилиш ёки олиб ташлаш учун қонунда назарда тутилган моддадан ортиқ бўлмаган муддатга чўзиш мумкин;

маъмурий назорат муддатини чўзишни ички ишлар органлари тақдимномаси асосида судьялар амалга оширадилар.

7. Маъмурий назоратни амалга ошириш чоғида ички ишлар органлари назоратдаги шахснинг шахсиятини, унинг турмуш тарзи ва хулқ-атворини ҳисобга олиб, қонунда назарда тутилган чеклашларни ўзгартиш, бўшаштириш ёки кучайтириш ҳуқуқига эга.

8. Маъмурий назорат қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

а) агар уни чўзишга асос бўлмаса, белгиланган муддат тугаши билан;

б) назоратдаги шахс қатъий равишда тузалиш йўлига ўтган бўлса, ишда ва турмушда ижобий тавсифланиши аниқланса, муддатидан илгари;

в) назоратдаги шахс судланганлиги бекор қилинган ёки олиб ташланган тақдирда.

Маъмурий назоратни тўхтатиш ҳақида «а» ва «б» бандлар кўзда тутилган ҳолларда махсус қарор чиқарилиб, ички ишларнинг туман, шаҳар, шаҳардаги туман (бошқарма) бўлимлари бошлиқлари тасдиқлайдиган махсус қарор чиқарилади. «Б» бандида кўзда тутилган ҳолда ички ишлар органи бошлиғи томонидан судга далилий тақдимнома юборилади ва у ўн кунлик муддатда кўриб чиқилиши лозим.

Судья ёки ички ишлар органининг маъмурий назоратни тўхтатиш тўғрисидаги қарори назоратдаги шахсга эълон қилинади.

9. Маъмурий назоратда бўлган шахс қуйидаги мажбуриятларни бажармаса, 206-модда бўйича маъмурий жавобгарликка тортилади:

— чақириқ бўйича ички ишлар органларига кўрсатилган муддатда келмаса, маъмурий назорат қоидаларини бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича оғзаки ёки ёзма тушунтириш бермаса;

— маъмурий назоратни амалга ошираётган милиция ходимларини иш ёки яшаш жойини ўзгартиргани ҳақида, шунингдек, хизмат юмуши билан туман (шаҳар) ташқарисига чиқиши тўғрисида хабардор қилмаса;

— ички ишлар органи рухсати билан аҳоли истиқомат қиладиган бошқа манзилга шахсий юмуш билан бориш ва у ерда уч кеча-кундуздан ортиқ бўлиш маҳаллий ички ишлар органида қайд қилинмаса;

— ўзи учун ўрнатилган чекланишларга амал қилмаса;

Маъмурий назорат қоидаларини бузганлиги учун жавобгарлик маъмурий назорат ўрнатилгани ёки чўзилгани тўғрисидаги қарор эълон қилингандан кейин ва белгиланган муддат доирасида фақат шундай бузилиш учун ўрнатилади.

10. Қонун белгиланган бошқариш тартиби кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг объекти ҳисобланади.

11. Ушбу ҳуқуқбузарликнинг объектив томонини назоратдаги шахс ўзи учун белгиланган назорат қоидаларини бузишга қаратилган турли ҳаракат ташкил этади. Бу ҳаракат фаол ёки сезиларсиз кўринишда бўлиши мумкин, масалан, туман, шаҳарда унинг учун тақиқланган жойларда бўлиш ёки белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш учун милицияга келмаслик.

Фавқулодда ҳолат эълон қилинган жой (205-модда)да амалга оширилган маъмурий назорат қоидаларини бузиш айбни оғирлаштирадиган белги ҳисобланади; шу муносабат билан жазо жиддийроқ бўлиб — айбдорга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солинади ёки у ўттиз суткагача маъмурий қамоққа юборилади. Оддий шароитда (206-модда) маъмурий назорат қоидасини бузишдаги жавобгарлик — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солинади. 206-модда бўйича маъмурий қамоқ жазоси қўллаш кўзда тутилмаган.

12. Ҳуқуқбузарлик субъекти маъмурий назорат ўрнатилган вояга етган шахсдир.

13. Субъектив томондан ҳуқуқбузарлик фақат бевосита қасддан амалга оширилиши мумкин. Шахс маъмурий назорат қоидасини бузаётганини билади ва шуни истайди. Айбдорда бу ўринда махсус мақсад бўлади; бу, маъмурий назорат қоидасини бажаришдан бўйин товлашдир.

14. Маъмурий назорат қоидасининг шундай қилиш учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин назорат ўрнатилган шахс томонидан бузилиши ЖК 226-модда 1-қисми билан жиноий жавобгарликка тортилади.

15. 206-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш шахснинг устидан маъмурий назоратни амалга ошираётган ички ишлар органлари тақдимномаси бўйича маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади (245-модда)

207-м о д д а. **Вояга етмаганни қаровга олиш тўғрисидаги ёзма мажбуриятни бажармаслик**

Ота-оналарнинг, уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг, болалар муассасалари раҳбарларининг ўз қаровига олган вояга етмаганга нисбатан ўзлари қабул қилган ёзма мажбуриятларни бажармаслиги, — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ота-оналар ўз фарзандларини тарбиялашлари, уларнинг жисмоний ривожи ва таълими тўғрисида ғамхўрлик қилишлари, ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлашлари, биз қураётган ҳуқуқий давлатнинг муносиб аъзолари қилиб вояга етказишлари лозим.

Вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш уларнинг ота-оналари зиммасига юкланган. Ота-оналар вояга етмаган фарзандларининг қонуний вакиллари сифатида тан олинганлар, улар барча муассасаларда, шу жумладан, суд муассасаларида ҳам уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини алоҳида ваколатсиз ҳимоя қиладилар.

Ота-оналар ёки улардан бири, агар болаларни тарбиялаш бўйича ўз бурчларини бошқаришдан бўйин товлашаётгани ёки ўз ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилишаётгани, болаларига нисбатан қўпол муносабатда бўлаётгани, ўзининг ахлоқсиз, жамиятга қарши хатти-ҳаракатлари билан фарзандларига салбий таъсир ўтказаётгани, шунингдек, ота-оналар сурункали ичкиликбоз ёки гиёҳванд эканлиги аниқданса, улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилади.

Ота-она оталик ва оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда бола васийлик ва ҳомийлик органлари назоратига берилади.

Ота-онанинг вафоти, ота ва онанинг ота-оналик ҳукуқидан маҳрум қилингани, ота-онанинг бетоблангани оқибатида ва бошқа сабабларга кўра ота-

она ҳомийлигидан маҳрум бўлиб қолган, вояга етмаган болаларни тарбиялаш, шунингдек, шу болаларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун васийлик ва ҳомийлик ўрнатилади.

Васийлик ва ҳомийлик бўйича вазифалар ўн саккиз ёшга етмаган шахсларга нисбатан халқтаълими бўлимларига, суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқатсизлиги чекланган деб топилган шахсларга нисбатан соғлиқни сақдаш органларйга, саломатликнинг аҳволи бўйича ҳомийликка муҳтож лаёқатсиз шахсларга нисбатан социал-таъминот бўлимларига юкланади.

Давлат ёки жамоат муассасалари тарбияси ва таъминотида бўлган шахслар устидан васийлик ва ҳомийлик ўрнатилмайди, васийлик ва ҳомийлик мажбурияти эса ана шу муассасалар зиммасига юклатилади.

Васий ёки ҳомий зиммасидаги вазифани яхши бажармаган тақдирда васийлик ва ҳомийлик органи васий ёки ҳомийни мазкур вазифани бажаришдан четлаштиради.

Васийлик ва ҳомийликдан ғаразли мақсадларда фойдаланиш ёки васийликдаги шахсга зарар етказиш, шунингдек, ҳомийликка олинган шахсни назоратсиз ва зарурий ёрдамсиз қолдириш ҳолларида айбдорлар 207-модда бўйича маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

2. Ўсиб келаётган авлодни тўғри тарбиялаш 207-модда бўйича қонунбузарликнинг қасд қилиш объекти ҳисобланади.

3. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони ҳаракатсизлик шаклида ифодаланади.

4. Субъект — ота-оналар, болалар муассасаларининг мансабдор шахслари.

5. Субъектив томон — совуққонлик, бепарволик шаклидаги бевосита қасд қилиш. Дйбдор ўз қилмиши ҳуқуққа зид эканлигини ҳис қилади, лекин шунга қарамай, уни тўхтатолмайди (спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддалар суиистеъмол қилиш) ёки ғаразли мақсадни кўзлайди (мол-мулк, уй-жой, пул маблағлари сингариларга эгалик қилиш).

6. 207-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

208-модда. **Кафилнинг ёзма мажбуриятни бажармаслиги**

Кафилнинг ёзма мажбуриятни бажармаслиги, олдини олиш учун шахсий кафолат қўлланилган ҳаракатлар айбланувчи томонидан содир этилишига олиб келган бўлса, — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Бошқаришнинг белгиланган тартиби шарҳланаётган ҳуқуқбузарликнинг қасд қилиш объекти ҳисобланади.

2. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони ҳаракатсиз шаклида ифодаланади. Кафил ўз мажбуриятини бажармади: ўзи васийликка олган шахсни бориб

кўрмади, унинг хулқ-атвори ҳақида ота-онасини, уларнинг ўрнини босувчиларни, ўқув юртларини хабардор қилмади, унинг номуносиб хулқи ҳақида бирор тушунтириш ишини олиб бормади.

3. Субъект — 18 ёшга тўлган фуқаролар, мансабдор шахслар.

4. Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони — қасддан айб қилиш ёки эҳтиётсизлик, кафилнинг ёзма мажбуриятни бажармаслиги, совуққонлик, ишхонасида хизмат вазифалари кўпайиб кетганлиги, қандайдир турмуш масалаларини ҳал қилганлиги шаклида ифодаланиши мумкин. Кафилнинг ёзма мажбуриятни бажармаслиги кафиллик натижасининг йўқлиги, яъни айбдор ўз хулқ-атворини ўзгартирмаганлиги сабабли ҳам содир бўлганликда кузатилади.

5. 208-моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

209-м о д д а. **Давлат мукофотларига нисбатан қонунга хилоф ҳаракатлар қилиш**

Орден, медаль, фахрий унвоннинг кўкракка тақиладиган нишонини қонунга хилоф равишда тақиб юриш, сотиб олиш, сотиш, айирбошлаш ёки бировга бошқача тарзда ҳақ эвазига бериш, — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари таъсис этилиши Республикамиз фуқароларида юксак ахлоқий хислатларни, Ватанга садоқатни, фидокорона меҳнатга интилишни, Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва гуллаб-яшнаши учун қаҳрамонлик кўрсатишни тарбиялашга йўналтирилган.

Орденлар, медаллар ва фахрий унвонлар давлат ва халқ олдидаги қаҳрамонона жасорат кўрсатиш, мустақил ҳуқуқий давлатни бунёд этиш ва мустаҳкамлашга салмокди ҳисса қўшиш, Республикада тинчлик ва тараққиётни таъминлаш, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари орасида дўстлик, ўзаро ҳамфикрлик ва инокдикни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон халкдарининг бошқа мамлакатлар халкдари билан дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган алоҳида хизматлари учун, меҳнат муваффақиятлари ва ҳарбий ёки хизмат бурчини бажаришдаги жасорати учун бериладиган давлат мукофотлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларига мушарраф бўлган шахсларга Олий Мажлис ёрлиғи ва кўкрак нишони топширилади.

Орденлар, медаллар, фахрий унвон кўкрак нишонларини тақиб юриш ҳуқуқи, шунингдек, орден ленталари ва медаль ленталарини тақиш ҳуқуқи фақат шу мукофот ва унвон эгаларигагина берилган. Бошқа шахсларнинг Узбекистон Республикаси давлат мукофотлари, фахрий унвонларнинг кўкрак нишонлари ва давлат мукофотлари ленталарини тақиб юриши ноқонуний ҳисобланади ва кўриб чиқилаётган модда бўйича маъмурий жавобгарликка тортилади.

Вафот этган мукофот эгаларининг ва ўлимидан кейин тайинланган Ўзбекистон Республикаси орденлари, медаллари ва фахрий унвонларнинг кўкрак нишони, шунингдек, мукофотлангани ҳақидаги ҳужжатлар мукофот соҳибининг хонадонида сақлаб қолинади ёки хотира сифатида сакдаш учун ўша шахснинг оиласига берилади.

Кўрсатилган мукофот ва нишонларни ана шу мукофот ҳамда унвонларга сазовор бўлмаган шахслар сакдаши ноқонуний ҳисобланади ва шарҳланаётган модда бўйича маъмурий жавобгарликка тортилади.

2. Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони бевосита қасд қилиш билан тавсифланади. Шахс орденлар, медаллар, кўкрак нишонларини тақиб юриш, сотиб олиш, сотиш, алмашиш қонунга хилоф эканлигини тушунади, лекин шунга қарамай, бу ишни амалга оширади, орденлар, медаллар, Ўзбекистон Республикаси фахрий унвони кўкрак нишонларини қонунсиз сакдаш ҳам қасддан ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фахрий унвони жамоат ишлаб чиқариши, фан ва техника, соғлиқни сакдаш, таълим, санъат, маданият, маиший хизматни ривожлантириш, мудофаани мустаҳкамлаш ва меҳнат фаолиятининг бошқа соҳаларидаги алоҳида хизматлари учун ва юксак касбий маҳорати учун таъсис этилган.

Кодекснинг 209-моддаси бўйича жавобгарлик, агар фахрий унвонга кўкрак нишонини бериш ўч олиш характерида бўлса, яъни пул ёки бошқа моддийликлар олиш, бериш билан давом этса, кучга киради.

3. Давлат мукофотларига нисбатан ғайриқонуний ҳаракат субъекти 16 ёшга тўлган шахс бўлиши мумкин.

4. Кодекснинг 209-моддаси бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар (245-модда), шунингдек, туман марказидан олисда ва бориш қийин бўлган ердаги шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қошида тузилган маъмурий комиссиялар (246-модда) томонидан кўриб чиқилади.

210-м о д д а. **Жазони ўташ жойларида, махсус даволаш — олдини олиш ёки махсус ўқув-тарбиявий муассасаларда сақланаётган шахсларга тақиқланган нарсаларни бериш**

Жазони ўташ жойларида, махсус даволаш — олдини олиш ёки махсус ўқув-тарбиявий муассасаларда сақланаётган шахсларга бериш, тақиқланган нарсаларни кўрикдан ўтказишдан яшириб бериш ёки бошқа ҳар қандай йўл билан беришга уриниш, — бериш тақиқланган ашёларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Бошқарувнинг ўрнатилган тартиби ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади.

Жазони ўташ жойларида, махсус даволаш-олдини олиш ёки махсус ўқув-

тарбиявий муассасаларда сақланаётган шахсларга маст қилувчи ичимликлар, гиёвандлик, доривор ва ўсимлик ёки синтетик ҳолатдаги бошқа моддалар, шунингдек, тақикданган моддалар ва нарсалар берилган тақдирда кўрсатилган муассасада сақданаётган шахслар саломатлиги ҳам ушбу ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади.

2. Маҳкумлар сақлаши ва фойдаланиши тақикданган нарса, буюм ва материаллар саноғи ахлоқ тузатиш меҳнат муассасаларининг ички тартиб қоидаларида белгиланган. Ахлоқ тузатишмеҳнат муассасаси учун мавжуд бўлган тегишли меъёрга мувофиқ, озодликдан маҳрум этилганларга қуйидагиларни бериш тақикданади: фуқаролик муомаласидан чиқарилган нарсалар, буюмлар, материаллар; ўқотар ва совуқ қуролларнинг ҳамма тури;

пул, қимматбаҳо буюмлар ва қимматли қоғозлар; олтин асбоблар; қўл ва чўнтак соатлари; спиртли ичимликларнинг барча тури; духи, атир ва гиёҳвандлик, дорибоп моддалар; тиббиётга хос нарсалар; радиоаппаратуралар; ёзув машинкалари, кўпайтирувчи аппаратлар; пичокдар, устаралар (механик ва электрик устаралардан ташқари) ва бошқа қирқувчи ва санчувчи нарсалар; зажигалкалар, чилангарлик, дурадгорлик ва бошқа асбоблар; ўйин қарталари, фотоаппаратлар, фотоматериаллар ва кимёвий моддалар; ҳар қандай ҳужжатлар (суд ҳукми ва ажримининг нусхасидан ташқари); топография хариталари, компаслар; устки кийим, бош кийим ва пойабзал (шиппакдан ташқари); рангли қаламлар, бўёқлар, қора қоғозлар, чолғу асбоблари.

3. Маҳкумларга тегишли меъёрий ҳужжатларда белгиланган маҳсулотларнинг чегараланган хиллари посилкада жўнатилиши ёки олиб келиб топширилиши мумкин. Озиқ-овқат маҳсулотларидан ҳукм қилинганга қуйидагилар посилка қилиниши (келиб топширилиши) мумкин: нон-булка маҳсулотлари, тузланган балиқ, консервалар, мой, пишлоқ, қуруқ қандолат маҳсулотлари, сабзавот, мева, тамакилар. Бошқа Маҳсулотлар ҳукм қилинган маҳкумларга бериш тақиқданган нарсалардир.

4. Даволаш-олдини олиш муассасаларида мажбурий даволанаётган шахсларга спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддалар, пул, қимматбаҳо буюмлар, ўқотар ва совуқ қуроллар, портловчи, заҳарловчи моддалар, меҳнат қуроллари, фотоаппаратлар, уларга мансуб кимёвий моддалар, ўйин қарталари, лото, тиббиёт асбоблари, кийимлар, бош кийимлар, намунаси аникданмаган пойабзаллар, фуқаролик муомаласидан чиқарилган буюмлар ва материаллар келтириб бериш тақиқланади.

5. Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг объектив томонини юзага келтирувчи ҳаракат маҳкумга берилиши, у томонидан сақланиши ва фойдаланиши тақикданган нарсалар, буюмлар, материалларни келтириб бериш ёки шунга уринишда ифодаланади. Бундай иш дийдорлашув пайтида, маҳкумлар яшайдиган жойга ёки ишлаб чиқариш зонасига яширин йўл билан олиб ўтиш, ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаси ҳудудига тўсикдар оша ташлаш, соқчисиз юриш ҳуқуқидан фойдаланувчи маҳкум орқали етказиш йўли билан амалга оширилиши мумкин ва ҳоказо.

6. Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг объектив томонини тавсифлашда қонун чиқарувчи келтириб беришга ҳам, шунга уринишга ҳам жавобгарликни назарда тутиши лозим. Маҳкумларга ва даволаш-олдини олиш муассасаларида мажбурий даволанишда бўлганларга етказиш тақиқланган буюмларни турли хил ҳийла-найранглардан фойдаланиб, текширишдан яшириш шакли сифатида почта жўнатмаларида юборадиган шахслар жавобгарликка тортилишлари мумкин.

7. Ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаси, махсус даволаш-олдини олиш ва махсус ўқув-тарбия муассасаларидаги шахсларга тақиқланган нарсалар, буюмлар, материалларни етказиш ёки шунга уриниш юқоридагиларни яшаш ёки ишлаб чиқариш зонасига етказишга тўғридан-тўғри йўналтирилган ҳаракатлар амалга оширилган пайтда ҳуқуқбузарлик тутаганлиги тан олинади.

8. Қонун олдида жавоб бера оладиган 16 ёшга тўлган шахс — дийдорлашув учун маҳкумнинг олдига келган қариндош-уруғлар ёки бошқа шахслар, ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаси саноат корхонасининг ёки маҳкумлар ишлайдиган контрагент объектларининг ишчи ва хизматчилари бундай ҳуқуқбузарликнинг субъектлари бўлиши мумкин.

9. Ҳарбий хизматчилар, шунингдек, ички ишлар органларининг оддий ходимлари ва бошлиқлари таркибидаги шахслар тақикданган ашёларни ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаси, махсус даволаш-олдини олиш ва махсус ўқув-тарбия муассасаларига қонунсиз етказилгани учун интизомий устав бўйича жавобгарликка тортиладилар.

10. Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик маҳкумлар билан бирга ишлаётган ихтиёрий ёлланганлар ва бошқа вазирлик, идораларнинг хизматчилари томонидан бузилган тақдирда ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаси маъмурияти бу шахсларга маҳкумлар меҳнат қилаётган ишлаб чиқариш объектларига киришни тақиқлаб қўйиш ҳуқуқига эга.

11. Кодекснинг 210-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик субъектив томондан фақат қасддан амалга оширилган бўлиши мумкин, яъни буни бажарган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ноқонуний эканини ҳис қилади, унинг зарарли оқибатларини сезади ёки онгли равишда буни бажаради. Кўпчилик ҳолларда бу каби ҳуқуқбузарлик ғаразли мақсадларда амалга оширилади.

12. Ҳуқуқбузардан тортиб олинган маҳкумга қонунсиз равишда етказиш учун мўлжалланган тақиқланувчи ашёлар, буюмлар, материаллар мусодара қилиниши лозим.

13. Сақлаши, фойдаланиши тақиқланган ашёлар, буюмларни ва материалларни маҳкумдан тортиб олиш жиноят-ижроия қонунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

14. Маҳкумга қонунсиз етказилган (унда бўлган), маҳкумлар жиноий мақсадлар учун ишлатиши мумкин бўлган нарсалар, буюмлар, материаллар

орасидатақиқланганлари аниқланган тақдирда ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаси маъмурияти ўрнатилган тартибда текширув ўтказади ва мавжуд бўлса, текширув материалларини қонуний асосда тергов ёки суриштирув органларига топширади.

15. Кодекснинг 210-моддаси бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

211-модда. **Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш**

Корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда, жамоат жойларида, омборхона биноларида, ётоқхоналар ва тураржойларда, шунингдек, тегишли объектларни лойиҳалаштириш, қуриш ва қайта қуриш чоғида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш ёки ёнғинга қарши инвентарлар, ускуналар, ёнғинни аниқлаш ва ўчиришнинг автомат воситаларйдан фойдаланиш ва уларни сақлаш қоидаларини бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этиш, агар ёнғин чиқишига олиб келган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Жамоат хавфсизлигининг таркибий қисми бўлган ёнғин хавфсизлиги кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади. Енғин хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик объекти ёнғинга қарши курашда давлат чора-тадбирларини таъминлашга қаратилган, ёнғинга қарши қоидалар, меъёрлар ва андозалар билан муҳофаза қилинаётган ижтимоий муносабатлар мажмуи сифатида намоён бўлади. Ёнғиннинг олдини олиш, ёнғин юзага келган ҳолда одамлар хавфсизлигини, шунингдек, халқ хўжалиги объектлари ва аҳоли яшаш жойларини ёнғинга қарши ҳимоя ва ёнғин техникаси воситалари билан ҳимоя қилишга қаратилган тасдиқланган қоида, меъёр ва андозаларни, ёнғин хавфризлигининг бошқа қоида ва меъёрларини бузиш ёки бажармаслик ёнғиннинг юзага келишига ёрдам берадиган, шунингдек, турли ишлаб чиқариш, ижтимоий-маданий ва маиший аҳамиятга молик объектларнинг бемалол фаолият кўрсатишини бузадиган шароит яратувчи ноқонуний қилмиш ҳисобланади.

Ёнғин хавфсизлигининг қоида, меъёр ва андозалари ёнғиннинг юзага келиши ва авж олиши имкониятини истисно этишга, ёнғинни муваффақиятли равишда ўчириш учун шароит яратишга, моддий бойликларни сақлашни таъминлашга ва ёнғин хавфи омилларининг одамларга таъсир этиши олдини олишга қаратилган.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаси республика ва тармоқ қоидаси бўлиши мумкин. Республика қоидаларининг барча вазирликлар, идоралар, бирлашмалар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар қайси идорага мансублигидан қатъи назар, бажаришлари мажбурийдир. Ёнғин хавфсизлигининг тармоқ қоидалари ҳаракат қоидаларини ўз қармоқларидаги объектларга тарқатган вазирлик ва идораларнинг барча бирлашма, корхона, муассасаси учун мажбурийдир. Тармоқ қоидалари ёнғин хавфсизлиги талаблари ўрнатилаётганда халқ хўжалиги тармоқларининг ёнғин хавфсизлигининг ўзига хос шарт-шароит ва хусусиятларини ҳисобга олади.

Ёнғин хавфсизлигининг республика қоидалари Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлиги томонидан, тармоқ қоидалари тегишли вазирлик (идора) ва Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлиги ёнғиндан сақлаш бошқармаси томонидан тасдиқланади.

Ёнғин хавфсизлиги қоидалари қуйидаги турларга бўлинади:

— халқ хўжалигининг бирлашма, корхона, муассаса ва ташкилотлари учун умумий ёнғин хавфсизлиги қоидаси;

— маълум бажариладиган аҳамиятга молик объектлардан фойдаланишдаги ва айрим иш турларини бажаришдаги ёнғин хавфсизлиги қоидалари.

Қурилиши меъёри ва қоидаларининг талаблари фақат лойиҳаланаётган, қурилаётган ёки қайта қурилаётган иморат ва иншоотлар учун тааллуқлидир.

2. Мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан ёнғин хавфсизлиги қоидалари, меъёрлари ва андозаларини бузиш ёки бажармаслик ҳуқуқбузарликнинг объектив томони ҳисобланади. Айбдор шахснинг ноқонуний қилмишини қонун чиқарувчи зарарли оқибат келтириши билан боғламайди. Маъмурий жавобгарликка тортиш учун бузилиш фактининг ўзи (бажармаслик) етарли бўлади, чунки кўриб чиқилаётган соҳадаги маъмурий ҳуқуқбузарлик ноқонуний қилмишнинг ўзи юз берган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

3. 211-модда диспозицияси ҳавола этувчи ҳисобланар экан, айбдор шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш учун қайси муайян қоида бузилганлиги ёки бажарилмаганлигини аниқлаш зарур.

4. Ноқонуний қилмиш мансабдор шахс ёки фуқаронинг фаол ҳаракати шаклида ҳам, ҳаракатсизлик (бажармаслик) шаклида ҳам ифодаланиши мумкин.

5. Ёнғин хавфсизлигининг қоида, меъёр ва андозалари бузилиши ёки бажарилмаслиги субъектив томондан айбдорнинг ўз қилмишига ва юз берган оқибатга турлича муносабати билан тавсифланади. Қоиданинг бузилишига

(бажармаслик) муносабати қасд қилиш шаклида ҳам, эҳтиётсизлик шаклида ҳам, юз берган оқибатга эса фақат эҳтиётсизлик (ўт қўйишни истисно қилиб) шаклида ифодаланиши мумкин. Кўриб чиқилаётган соҳадаги ҳуқуқбузарлик, агар уни амалга оширган шахс ўз қилмиши ноқонуний эканини англаб, ёнғин хавфсизлиги қоидасини онгли равишда бузиш (бажармаслик) сари одимласа, у қасддан қилинган, деб тан олинади.

6. Айбдор шахс ўз ҳаракатининг ноқонуний характерини олдиндан кўрмаган, аслида кўрган бўлиши мумкин бўлса, қонунбузарлик эҳтиётсизлик туфайли содир этилган деб эътироф қилинади. Эҳтиётсизлик шаклидаги айб (парвосизлик ёки менсимаслик) маъмурий жавобгар субъект ўзи олдиндан таниш бўлмаган эса-да, шу соҳада ёнғин ҳимоясининг белгиланган тартибини бўйсундирилган тегишли меъёр ва қоидалар борлигини тушуниб туриб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузувчи ишни амалга оширадиган ҳолатларда юз беради.

7. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузганлиги ёки бажармаганлиги учун маъмурий жавобгарликни белгилаш пайтида субъектларнинг иккита туркуми алоҳида кўрсатилади:

— белгиланган жойда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузадиган ёки бажармайдиган фуқаролар (умумий субъект сифатида), уларнинг хизматдаги мавқеи, бу қоида хизмат бажарилиши жараёнидами ёки бошқа исталган вақтда бузилганми-йўқлигидан қатъи назар;

— ишониб топширилган иш участкасида ёнғин хавфсизлиги қоидалари, меъёрлари ва андозалари бажарилишини таъминлашга бевосита жавоб берадиган мансабдор шахслар (маъмурий жавобгарлиги кучайтирилган махсус субъект сифатида).

8. Ҳуқуқбузарлик амалга оширилган пайтда 16 ёшга тўлган шахслар ёнғин хавфсизлигини тақиқлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгар бўлади.

Маъмурий жавобгарликка тортилган 16 дан 18 ёшгача бўлган шахсларга нисбатан ишлар вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар), шаҳарлардаги туман комиссияларига топширилади.

9. Ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматчилар, шунингдек, ички ишлар органларининг оддий хизматчилари ва бошлиқлар таркиби интизомий устав бўйича ёнғин хавфсизлигининг амалдаги қонунлари, меъёрлари ва андозаларининг бузилиши (бажармаслик) учун жавобгар ҳисобланадилар.

10. Ҳуқуқбузарлик амалга оширилганда қурбонларнинг ва бошқа оғир оқибатларнинг бўлмаганлиги тегишли жиноятдан ёнғин хавфсизлигини таъминлаш соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарликни чеклаш учун асос ҳисобланади.

Одамларнинг жароҳатланиши, давлатга ёки жамоат ташкилотларига катта зарар етказилиши ва бошқалар оғир оқибатлар сирасига киради. Ўзбекистон

Республикаси Жиноят кодексининг VIII қисмига биноан катта зарар — энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўттиз бараваригача, йирик ҳажмдаги зиён — энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача, алоҳида йирик ҳажмдаги зарар эса — энг кам иш ҳақининг юз ва ундан кўп бараваригача, кичикроқ ҳажмдаги зарар эса — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача микдордадир.

11. Ўрта оғирликдаги ёки оғир тан жароҳати юз беришига олиб келган ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш ЖКнинг 259-моддаси бўйича тавсифланади.

12. 211-модда бўйича маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишлар давлат ёнғин назорати органлари томонидан кўриб чиқилади (249-модда).

212-модда. **Стандартларни бузиш**

Хўжалик фаолияти субъектлари томонидан стандартларнинг бузилиши, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ўзбекистон Республикасида стандартлаш ишларини ўтказишнинг умумий ташкилий-техник қоидаларини белгилаб берадиган давлат стандартлаштириш таркиби ишлаб турибди.

Республикада стандартлаш бўйича ташкилий, мувофиқлаштириш ва таъминлаш ишларини қуйидагилар амалга оширадилар:

— халқ хўжалиги тармоқларида — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази (Ўздавстандарт);

— лойиҳалаш ва конструкторлашни қўшилган ҳолда қурилиш, қурилиш индустрияси соҳасида — Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси;

— табиий бойликлардан фойдаланишни ва атроф-муҳитни ифлосланишдан ҳамда бошқа зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишни — Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

— тиббий моҳиятга эга маҳсулотлар, тиббий-техника ашёлари, доривор воситалар, шунингдек, Республика саноати ишлаб чиқараётган, шу жумладан, импортга етказиб берилаётган маҳсулотларда инсон учун зарарли моддалар борлигини белгилаш бўиича масалаларда — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сакдаш вазирлиги.

Стандартларнинг мажбурий талаблари хўжалик фаолиятидаги субъектлар

риоя этиши юзасидан Давлат назоратини юқорида номлари келтирилган органлар ва уларнинг ҳудудий органлари, шунингдек, махсус вакил қилинган бошқа давлат бошқарув органлари ўз ҳуқуқ доирасида амалга оширадилар.

Маҳсулотлар, шу жумладан, шаҳодатланган маҳсулотлар (қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, фойдаланиш, таъмирлаш, утилизация қилиш), хўжалик фаолиятининг уларнинг қайси идорага бўйсуниши ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, субъектлари, соҳибкорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар давлат назорати объекти ҳисобланади.

Хўжалик фаолияти субъектлари давлат назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитни яратиб беришлари лозим.

Ўзбекистон Республикасида стандартлаш бўйича меъёрий ҳужжатларнинг қуйидаги тоифалари қабул қилинган:

— халқаро (давлатлараро, минтақалар бўйича) стандартлар;

— Ўзбекистон Республикаси стандартлари;

— тармоқ стандартлари;

— техникавий шарт-шароит;

— корхона стандартлари;

— хорижнинг миллий стандартлари.

Техника-иктисод ахборотининг таснифи стандартлаш бўйича меъёрий ҳужжатлар тоифасига киради. Кўрсатилган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қўллаш тартиби Ўздавстандарт томонидан белгиланади.

Халқаро (давлатлараро), минтақавий стандартлар, хориж мамлакатларининг миллий стандартлари, шунингдек, халқаро қоида ва меъёрлар Ўзбекистон Республикаси иштирокида тузилган тегишли шартнома ёки битимларга мувофиқ қўлланилади. Бу стандарт, қоида ва меъёрларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш тартиби Ўздавстандарт ва бошқа давлат бошқарув органлари томонидан ўз ҳуқуқ доирасида ўрнатйлади.

Стандартлаш бўйича меъёрий ҳужжатлар мамлакатимиз ва хорижий фан ва техниканинг замонавий ютуқларига асосланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ бўлиши лозим.

Меъёрий ҳужжатларга эга бўлмаган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳимоя қилишни, стандарт бўйича ишлаб чиқарилаетган маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида асосланган пайтда анъанавий технология имкониятларидан илдамлаб, истиқбол учун дастлйбки талаблар ўрнатилади.

Тарафдор истеъмолчиларга етказиб берилаётган маҳсулотлар стандартлари ва уларга ўзгартиш киритиш Уздавстандарт, Давлат меъморчилик қурилиши, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёки уларнинг ишлаб, тайёрлаш жойларидаги рўихатга олиш органларида ҳақ

тўламай давлат рўйхатидан ўтишлари лбзим.

Маҳсулот, атроф-муҳит, аҳолининг ҳаёти, саломатлиги, мол-мулкининг хавфсизлигини таъминлаш учун, технология ва ахборотнинг қўшилишини, маҳсулот ўрнини алмаштиришни, уларни назорат қилиш усулларининг муштараклиги, тамғалашнинг уйғунлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаган бошқа талабларга риоя этиш давлат бошқарув органлари, хўжалик фаолиятининг субъектлари учун мажбурий ҳисобланади.

Стандартларда қонунда назарда тутилган маҳсулот тайёрлаш, ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича шартномага қўшилган бошқа талаблар ҳам белгиланиши мумкин.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги «Стандартлаш тўғрисида»ги қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1994, 2-сон, 46-модда) қоидаларини бузишда айбланган юридик ва жисмоний шахслар, давлат бошқарув органларининг мансабдор шахслари Кодекснинг 212-моддаси бўйича жавобгар бўладилар.

3. Стандартларга мувофиқ белги билан тамғаланган, шу жумладан, анъанавий технология имкониятларини илдамлаб истиқбол учун дастлабки талаблар стандарти бўйича хўжалик юритувчи субъектларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга давлат кафиллик беради.

4. Ўрнатилган бошқарув тартиботи кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг қасд қилиш объекти ҳисобланади.

5. Объектив томони ҳаракат ёки ҳаракатсизлик шаклларида ифодаланади.

6. Субъектлар — эслатиб ўтилган қоидаларни бажаришни таъминлаш хизмат бурчи бўлган мансабдор шахслар.

7. Субъектив томони — ҳуқуқбузарлик қасддан ҳам, эҳтиётсизлик оқибатида ҳам амалга оширилиши мумкин.

8. 212-моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар стандартлаш, метрология ва сертификация бўйича қоидаларга риоя этиш давлат назорати органлари томонидан кўриб чиқилади.

213-м о д д а. **Метрология қоидаларини бузиш Метрология қоидаларини бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.**

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. «Метрология» — ўлчовлар, уларнинг ягона бирликда бўлишларини

таъминлаш усуллари ва воситалари ҳамда талаб қилинадиган аниқликка эришиш йўллари ҳақидаги фан;

«Метрология тўғрисида»ги қонунда (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994, 2-сон, 48-модда) метрология жараёнининг асосий тушунчалари берилган:

— «ягона ўлчов бирлиги» — ўлчовларнинг натижалари қонунлаштирилган бирликларда акс эттирилган ва хатоликлари берилган эҳтимолликда маълум бўлган ўлчов ҳолати.

— «ўлчов воситаси» — ўлчовлар учун фойдаланиладиган ва нормаланган метрологик хусусиятга эга бўлган техника воситаси;

— «бирлик эталони» — физик ўлчам бирлигини бошқа ўлчов воситаларига ўтказиш мақсадида уни қайта ҳосил қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган ўлчов воситаси;

— «давлат эталони» — ваколат берилган миллий органнинг қарори билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўлчов бирлигининг ўлчами сифатида эътироф этилган эталон;

— «метрология хизмати» — давлат органлари ва юридик шахсларнинг метрология хизматлари тармоғи ҳамда уларнинг ўлчовлар ягона бирликда бўлишини таъминлашга қаратилган фаолияти;

— «давлат метрология назорати» — метрология қоидаларига риоя этилишини текшириш мақсадида давлат метрология хизмати органлари амалга оширадиган фаолият;

— «ўлчов воситаларини текширувдан ўтказиш» — ўлчов воситаларининг белгилаб қўйилган техник талабларга мувофиклигини аниқлаш ва тасдиқлаш мақсадида давлат метрология хизмати органлари (ваколат берилган бошқа органлар, ташкилотлар) томонидан бажариладиган операциялар мажмуи;

— «ўлчов воситаларини калибрлаш» — метрологик жиҳатларнинг ҳақиқий қийматларини ва ўлчов бирликларининг қўллашга яроқлилигини аниқлаш ҳамда тасдиқлаш мақсадида калибрлаш лабораторияси бажарадиган операциялар мажмуи;

— «ўлчов воситалари ясаш (таъмирлаш, сотиш, ижарага бериш) учун лицензия»— давлат метрология хизмати томонидан юридик ва жисмонйй шахсларга бериладиган мазкур фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини гувоҳлантирувчи ҳужжат.

2. Метрологияга оик фаолиятни давлат томонидан бошқаришни метрология бўйича миллий орган — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳўзуридаги Ўзбекистон Давлат стандартлаш, метрология ва сертификация давлат маркази («Уздавстандарт») амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасида Халқаро ўлчамлар тизими (СИ)нинг физик ўлчам бирликларини белгиланган тартибда қўллашга йўл қўйилади. Физик ўлчам бирликларининг номи, белгиси, уларни ёзиш ва қўллаш қоидалари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш чоғида контракт шартларига мувофиқ физик ўлчамларнинг ўзга бирликлари ҳам ишлатилиши мумкин.

Физик ўлчамларнинг бирликлари эталонлар воситасида сақланади ва қабул қилинади.

Эталонларни яратиш, тасдиқлаш, сақлаш ва қўллаш тартибини «Ўздавстандарт» белгилайди.

Фойдаланишда бўлган ўлчов воситалари ўлчов натижаларининг қонунлаштирилган бирликларда белгилаб қўйилган аниқликда бўлишини таъминлаши ва қўллаш шартларига мос келиши лозим.

Техника воситаларни ўлчов воситаларига мансуб деб топиш мезонини «Ўздавстандарт» белгилайди.

Ўлчовни бажариш услубиётлари ўлчов натижаларининг хатоликларини баҳолашни ўз ичига олиши ва ўлчов ўтказилишининг мавжуд шароитларда белгилаб қўйилган аниқлашни таъминлаши лозим.

Ўлчовларни бажариш услубиятларини ишлаб чиқиш ва аттестациядан ўтказиш тартибини «Ўздавстандарт» белгилайди.

3. Давлат метрология текшируви ва назорати давлат метрология хизмати органлари томонидан метрология нормалари ва қоидаларига риоя этилишини текшириш мақсадида амалга оширади. Давлат метрология текшируви ва назорати метрология соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилади. Қуйидагилар давлат метрология текшируви ва назоратининг объектлари ҳисобланади.

— эталонлар;

— ўлчов воситалари;

— моддалар ва материаллар таркиби ҳамда кассаларининг стандарт намуналари;

— ахборот-ўлчов тизимлари;

— ўлчовларни бажариш услубиятлари;

— метрология нормалари ва қоидаларида назарда тутилган ўзга объектлар.

Давлат метрология текшируви ва назорати:

— соғлиқни сақлаш, ветеринария, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

— моддий бойликларни ва энергетика ресурсларини ҳисобга олиши;

— савдо-тижорат, божхона, почта ва солиқ операцияларини ўтказиш;

— заҳарли, енгил алангаланувчан, портловчи ва радиоактив моддаларни сакдаш, ташиш ҳамда йўқ қилиб ташлаш;

— давлат мудофаасини таъминлаш;

— меҳнат хавфсизлигини ва транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш;

— сертификатланадиган маҳсулотнинг хавфсизлиги ва сифатини аниқлаш;

— геодезик ва гидрометереологик ишлар;

— ўлчов воситаларини давлат синовидан, текширувидан, калибрлашдан, таъмирлаш ва метрологик аттестациядан ўтказиш;

— фойдали қазилмаларни қазиб олиш;

— миллий ва халқаро спорт рекордларини рўйхатга олишга нисбатан татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасининг норматив ҳужжатларига биноан, давлат метрология текшируви ва назорати фаолиятнинг ўзга доираларига нисбатан ҳам татбиқ этилиши мумкин. Кўрсатилган доиралар фойдаланиладиган, ишлаб чиқариладиган ва импорт бўйича четдан олиб келиниши лозим бўлган ўлчов воситалари давлат синовларидан (кейинчалик уларнинг турини тасдикдаш шарти билан) ёки метрологик аттестациядан ўтказилиши лозим. Ўлчов воситаларининг давлат синовларини ўтказиш, турини тасдиқлаш ва Давлат реестрига киритиш «Ўздавстандарт» томонидан амалга оширилади. Тасдикданган ўлчов воситасига ёки уларнинг фойдаланиш ҳужжатларига ишлаб чиқарувчи Давлат реестри белгисини қўйиши шарт.

Бошқа давлатларнинг ўлчов воситаларини синаш ва метрологик аттестациялаш натижалари тузилган шартномалар ҳамда битимларга мувофиқ эътироф этилади.

Текширувдан ўтказилиши лозим бўлган ўлчов воситалари туркумларининг рўйхати «Ўздавстандарт» томонидан тасдикданади.

Юридик шахсларнинг аккредитация қилинган метрология хизматларига ўлчов воситаларини текширувдан ўтказиш ҳуқуқи берилиши мумкин.

Бошқа давлатларда амалга ошириладиган ўлчов воситаларини текшириш натйжалари халқаро шартномалар ва битимлар асосида эътироф этилади.

Илгари кўрсатиб ўтйлган доираларда қўлланиши мумкин бўлган ўлчов воситаларини юридик ва жисмоний шахсларнинг талабномалари бўйича тайёрлаш, текширувдан ўтказиш ва таъмирлаш, сотиш, уларнинг импорти ва ижроси билан шуғулланишга лицензия бўлган тақдирдагина йўл қўйилади. Мазкур ишларни бажариш ҳуқуқини берувчи фаолиятга лицензия Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда берилади.

Ўлчов воситаларини синаш, текширувдан ўтказиш, стандартлаштирилмаган ўлчов воситаларини аттестация қилиш, ўлчовни бажариш услубларини аттестация қилиш, норматив Ҳужжатларни экспертиза қилиш, юридик ва жисмоний шахсларни ўлчов воситаларини тайёрлаш, текширувдан ўтказиш, таъмирлаш, калибрлаш, реализация қилиш ва ижараси билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар билан таъминлаш ва уларни аккредитациядан ўтказиш бўйича юридик ҳамда жисмоний шахсларга кўрсатиладиган метрологик ишлар ва хизматлар, шунингдек, метрологик фаолиятнинг ўзга турлари учун тузиладиган шартномаларнинг шартларига мувофиқ манфаатдор

шахслар томонидан ҳақ тўланади.

4. Ҳуқуқбузарлик белгиланган бошқарув тартибига қарши қаратилган, корхонанинг хўжалик фаолияти ва истеъмолчиларнинг манфаатларига қасд қилади.

5. Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг субъекти эслатиб ўтилган қоидаларни бажаришни таъминлаш хизмат бурчига кирувчи фақат мансабдор шахслардир.

6. Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони қасддан ҳам, эҳтиётсизлик айби билан ҳам ифодаланиши мумкин. Бунда, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришда айбдор бўлган мансабдор шахслар айбининг шакли турлича (масалан, директорнинг эҳтиётсизлиги, техника назорати бўлими бошлиғининг қасддан қилган айби) бўлиши мумкин.

Айбдор мансабдор шахс қилмишининг далили қилмиш мақсади каби таснифлашда аҳамиятга эга эмас, аммо жазо белгиланаётганда эътиборга олиниши керак.

7. 213-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани Давлат стандарт ҳудудий бошқармаси лабораториясининг мансабдор шахслари тузади.

213-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни стандартлаш, метрология ва сертификация органлари кўриб чиқади (265-модда).

214- м о д д а. **Сертификатлаштириш қоидаларини бузиш**

Тайёрловчиларнинг (тадбиркорларнинг) маҳсулотни (ишларни, хизматларни) мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини бузиши,— энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Сертификатлаштириш:

— одамларнинг ҳаёти, соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф-муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотлар реализация қилинишини назорат этиб бориш;

— маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобат қила олишини таъминлаш;

— мамлакат корхоналари, қўшма корхоналар ва тадбиркорлар халқаро миқёсдаги иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликда ва халқаро савдо-сотиқда иштирок этишлари учун шароит яратиш,

— истеъмолчини тайёрловчининг (сотувчининг, ижрочининг

виждонсизлигидан ҳимоя қилиш;

— маҳсулот тайёрловчиси (сотувчиси, ижрочиси) таъкидлаган сифат кўрсаткичларини тасдикдаш мақсадида амалга оширилади.

Сертификатлаштириш мажбурий ва ихтиёрий тусда бўлади.

«Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунда (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ведомости, 1993, 2-сон, 50-модда) сертификатлаштириш жараёнининг қуйидаги асосий тушунчалари берилган:

— «сертификатлаштириш миллий тизими» — давлат миқёсида амал қиладиган, сертификатлаштириш ўтказишда ўз тартиб ва бошқарув қоидаларига эга бўлган тизими;

— «маҳсулотларни сертификатлаштириш» — маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофикдигини тасдиқлашга оид фаолият;

— «мувофиқлик сертификати» — сертификатланган маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофикдигини тасдикдаш учун сертификатлаштириш тизими қоидаларига биноан берилган ҳужжат;

— «мувофиқлик белгиси» — муайян маҳсулот ёхуд хизмат аниқ стандартга ёки бошқа норматив ҳужжатга мос эканлигини кўрсатиш учун маҳсулотга ёхуд кўрсатилган хизматга доир ҳужжатга қўйиладиган белгиланган тартибда рўйхатга олинган белги;

— «Бир турдаги маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) сертификатлаштириш тизими» — айни бир хил стандартлар ва қоидалар қўлланиладиган муайян маҳсулотлар, ишлар ёки хизматларга тааллуқди сертификатлаштириш тизими;

— «синов лабораториясини аккредитация қилиш» — синов лабораториясининг (марказининг) муайян маҳсулот синовини еки муайян синов турини амалга оширишга доир ваколатларининг расмий эътирофи.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги стандартлаштириш, метрология ва сертификация давлат маркази сертификация бўйича миллий ташкилот ҳисобланади.

Маҳсулотлар, шу жумладан, дастурий ва бошқа илмий-техникавий маҳсулотлар, хизматлар, шунингдек, сифат тизимлари сертификатлаштириш объектлари ҳисобланади.

«Ўздавстандарт» ва давлат бошқарувининг бошқа органлари «Ўздавстандарт» томонидан аккредитация қилинган ёки эътироф этилган стандартлаштириш органлари, синов лабораториялари (марказлари), мулк шаклидан қатъи назар, маҳсулоти сертификатлаштирилиши лозим бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, сертификатлаштириш жисмоний шахслар субъектлари ҳисобланадилар.

Сертификатлаштириш субъектлари — юридик шахслар сертификатлаштириш миллий тизими доирасида сертификация тизимлари тузишлари мумкин. Юридик шахснинг сертификатлаштириш тизимлари

давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Мажбурий сертификатлаштиришни ўтказиш ишларини ташкил этиш «Ўздавстандарт» зиммасига ёки унинг топшириғига биноан, сертификатлаштириш бўйича бошқа ташкилот органларига уларни аккредитлаш шарти билан юклатилади.

Сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотларнинг рўйхатини Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди. Одамларнинг соғлиғи, юридиқ ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган маҳсулотларни тайёрлаш, улардан фойдаланиш, уларни ташиш ёки сақлаш хавфсизлигини таъминловчи талаблар бўлмаган тақдирда давлат бошқарувининг тегишли органи бундай талабномаларни ишлаб чиқиш ва амалга киритиши шарт.

Мажбурий сертификатлаштириш норматив ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ, маҳсулот хусусиятини аниқлаш учун уни синаши ва сертификатланган маҳсулот устидан давлат текшируви ва назорати ўрнатишни ўз ичига олади.

Синовлар аккредитация қилинган синов лабораториялари (марказлари) томонидан тегишли норматив ҳужжатларда белгиланган усулларда, бундай ҳужжатлар бўлмаган тақдирда эса тегишли сертификатлаштириш органлари ишлаб чиққан усулларда амалга оширилади.

Мажбурий сертификатлаштириш ишлари учун аризачи қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ҳақ тўлайди.

Аризачи ўз маҳсулотини мажбурий сертификатлаштиришдан ўтказишга сарфлаган маблағлар суммаси шу маҳсулот таннархига қўшилади.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган, аммо мувофиқлик сертификатига эга бўлмаган маҳсулотни тарғиб қилиш ман этилади.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар қуйидаги ҳолларда:

— сертификатлаштиришга тақдим этилмаган бўлса;

— сертификатлаш талабларига мувофиқ эмаслиги сабабли сертификатлаштиришдан ўтмаган бўлса;

— агар сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган ёки амал қилиши тўхтатиб қўйилган (бекор қилинган) бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилиниши мумкин эмас.

Қонунга хилоф тарзда Мувофиқдик белгиси босилган маҳсулотларни реализация қилиш ман этилади.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулот реализацияси қилувчи, тайёрловчилар (тадбиркорлар):

— мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотни сертификатлаштиришга тақдим этишлари;

— сертификатланган маҳсулотни сертификатлаш органларининг ўзи ёки улар эътироф этган органлар берган сертификат мавжуд бўлган тақдирдагина реализация қилишлари ва унинг норматив ҳужжатлар талабларига мос бўлишини таъминлашлари;

— сертификатланган маҳсулотни, башарти у норматив ҳужжат талабларига мувофиқ келмаса, шунингдек, сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган ёхуд амал қилиш сертификатлаштириш органининг қарори билан тўхтатиб қўйилган ёки бекор қилинган бўлса, реализация қилишни тўхтатиб қўйишлари ёки тугатишлари;

— мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотни сертификатлаштирувчи ва сертификатланган маҳсулотни назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари ўз ваколатларини монеликсиз бажаришлари учун шароит яратишлари;

— сертификатланган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг техникавий ҳужжатларига ёки технологик жараёнига киритилган ўзгартишлар ҳақида сертификатлаштириш органини белгиланган тартибда хабардор этишлари;

— илова қилинган техник ҳужжатда маҳсулот мувофиқ келиши лозим бўлган сертификатлаштириш тўғрисидаги маълумотларни ҳамда норматив ҳужжатларни кўрсатишлари ва бу маълумотлар (истеъмолчи, харидор, буюртмачи) эътиборига етказилишини таъминлашлари шарт.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига етказиб бериш учун тузиладиган контрактлар, шартномалар шартида маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофикдигини тасдикдовчи "Ўздавстандарт" томонидан берилган ёки эътироф этилган мувофикдик сертификатлари ва мувофикдик белгилари бўлиши назарда тутилиши керак.

Миллий мувофикдик сертификатлари ва мувофикдик белгилари ёки бошқа давлатларнинг «Ўздавстандарт» томонидан эътироф этилган мувофиқлик сертификатлари ва мувофикдик белгилари аризачи (маҳсулот етказиб берувчи) томонидан божхона назорати органларига юкка тааллукди божхона декларацияси билан биргаликда тақдим қилинади ва улар маҳсулотни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришга рухсатнома олиш учун зарур ҳужжатлар ҳисобланади.

Четдан олиб келинаётган маҳсулотнинг хавфсиз эканлигини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган тақдирда божхона назорати органлари бу хусусда «Ўздавстандарт»ни хабардор этадилар ҳамда махсулотни сертификатлаштиришдан ўтказиш ёкт чет эл сертификатини эътироф этиш тўғрисидаги масала сертификатлаштириш миллий тизими қоидаларига Мувофиқ ҳал этилганга қадар бу маҳсулотни четдан олиб киришни тақикдаб қўядилар.

3. Тайёрловчиларнинг (тадбиркорларнинг, сотувчиларнинг, ижрочиларнинг), синов лабораторияларининг (марказларининг),

сертификатлаштириш органларининг мажбурий сертификатлаштириш қоидаларига риоя этишлари устидан ҳамда сертификатланган маҳсулот устидан давлат текшируви ва назоратини «Ўздавстандарт»нинг давлат инспекторлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва шартларда амалга оширадилар.

Тайёрловчилар (тадбиркорлар):

— маҳсулотларни мувофиқдик сертификатисиз, шунингдек, қонунга хилоф тарзда маҳсулотни реализация қилганлик учун;

— мувофиқлик сертификатлашига эга бўлмаган маҳсулотларни тарғибот қилганлик учун;

— «Ўздавстандарт»нинг ёки у ваколат берган органларнинг кўрсатмасига биноан реализация қилиш тўхтатиб ёки ман этиб қўйилган маҳсулотларни реализация қилганлик учун жавобгар бўладилар.

Тайёрловчилар (тадбиркорлар) истеъмолчи ёки буюртмачига етказилган зарарнинг ўрнини қонунда белгиланган тартибда тўла ҳажмда қоплашлари шарт.

4. Бошқарувнинг белгиланган тартиби 214-модда бўйича ҳуқуқбузарликнинг қасд қилиш объекти ҳисобланади.

5. Объектив томони ҳаракат ёки фаолиятсизлик шаклида ифодаланади.

6. Субъект — мансабдор шахс (тайёрловчилар, тадбиркорлар)дир.

7. Субъектив томони — атайлаб, ғаразли мақсадда фойда, даромад олиш.

8. 214-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни табиатни муҳофаза қилишдан ташқари, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш органлари кўриб чиқади (265-модда).

215-м о д д а. **Давлат статистик ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш**

Мансабдор шахсларнинг давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиши, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиши ёки тақдим этиш муддатларини бузиши, — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ўзбекистон Республикасида статистикани Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ва унинг Қорақалпоғистон Республикасидаги, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги органлари амалга оширадилар.

Давлат статистика органларидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, бирлашмалар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарув органлари ўз ваколати доирасидаги вазифаларни бажариш учун давлат статистика ҳисоботининг тасдикданган шаклларига мувофиқ давлат статистикаси билан шуғулланадилар.

2. Статистика кузатувининг давлат статистика кузатуви, тармоқ статистика кузатуви, минтақавий статистика кузатуви ва ташаббускорлик асосидаги статистика кузатувидан иборат турлари бўлиши мумкин.

Давлат статистика кузатувлари Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика органлари, шунингдек, давлат статистикаси билан шуғулланувчи бошқа органлар, юридик шахслар томонидан статистика органлари, шунингдек, давлат статистикаси билан шуғулланувчи бошқа органлар, ўзга юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Тармоқ, минтақавий ва ташаббускорлик асосидаги статистика кузатувлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, бирлашмалар, давлат ҳакимияти ва бошқаруви маҳаллий органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарув органлари ва шартнома асосида бошқа юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

3. Барча юридик шахслар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар, структура бирликлари, башарти, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, давлат статистика кузатувлари ўтказиш зарур бўлган маълумотларни бепул тақдим этадилар.

Статистика маълумотлари аниқ бўлиб, тўла ҳажмда, белгиланган муддатда ва белгиланган адреслар бўйича тақдим этилиши лозим. Статистика маълумотлари тақдим этиш таркиби, давлат статистика органлари томонидан тасдиқданган давлат ҳисоботи шаклларида белгилаб берилади.

Давлат статистикаси билан шуғулланувчи Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари, бошқа юридик шахслар:

— Ўз бўйсунувидаги бирликлардан давлат статистика кузатувига доир маълумотлар тўпланиши ва уларни тайёрлашни ташкил этишлари;

— статистика маълумотлари аниқ бўлишини таъминлашлари;

— давлат статистика органларига уларнинг талабига кўра давлат статистика ҳисоботида назарда тутилган статистика маълумотлари ва давлат статистика кузатувлари ўтказиш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этишлари;

— юридик шахсларнинг давлат ва тижорат сирларига риоя этишлари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга доир маълумотларда аниқ шахслар кўрсатилмаслигини таъминлашлари шарт.

4. Давлат статистика кузатувлар ўтказиш учун статистика маълумотларини тақдим этмаган ёки уларни нотўғри ёинки кечикиб тақдим этган

маълумотларни дастлабки тарзда рўйхатга олишни лозим даражада таъмйнламаган, Ўзбекистон Республикаси ҳисобот (статистика) бирликларининг давлат Реестри юритиш тартибини бузган мансабдор шахслар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар 215-модда бўйича жавобгарликка тортиладилар.

5. Статистика тўғрисидаги қонунлар талабларини бузганлик, статистика маълумотларини яширганлик ёки бузганлик учун давлат статистика органларининг ҳамда давлат статистикаси билан шуғулланувчи бошқа органларнинг ходимлари 215-модда бўйича жавобгарликка тортиладилар. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситаларида, илмий ишларда статистика маълумотларидан фойдаланувчи мансабдор шахслар ва фуқаролар ҳам статистика маълумотлари олинган манбаларни кўрсатмаганлик учун ана шу модда бўйича жавобгарликка тортиладилар.

6. Давлат статистика ҳисобини топшириш тартиби кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликка қасд қилиш объекти ҳисобланади.

7. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони ҳаракат ёки ҳаракатсизликда ифодаланади.

8. Фуқаролар ва мансабдор шахслар субъектлар ҳисобланади.

9. Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони — қасддан ёки эҳтиётсизлик орқали содир этилади. Айбдор ўз қилмиши қонунга зид эканини ҳис қилади ва ҳақиқий ҳолатни яшириш мақсадида қилмишини давом эттираверади; ҳисоботни топшириш муддатларининг бузилиши ишга бепарво муносабатда бўлишга, ҳисоботларни топшириш вақтини ўтказиб юборишда ўз ифодасини топиши мумкин.

10. 215-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш истиқболни белгилаш ва статистика органлари томонидан кўриб чиқилади.

215[1]-м о д д а. **Корхонанинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни тақдим этиш тартибини бузиш**

Корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни мансабдор шахслар томонидан банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органларига тақдим этмаслик ёки вақтида тақдим этмаслик, — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Шарҳланаётган модданинг объекти корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги 1996 йил 30 август қонунига (Ўзбекистон Республикасининг Олий

Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 142-модда) асосан, молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тузилади.

Молиявий ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олади:

бухгалтерия баланси;

молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;

асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;

хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот;

изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисоботи соддалаштирилган шаклда тузилади.

Молиявий ҳисоботнинг таркиби ва мазмунини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилайди.

Шуъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналари бўлган корхоналар умумлаштирилган молиявий ҳисобот тузади.

Шуъба корхоналарга қўшилган ҳиссалар бош корхонанинг молиявий ҳисоботида унинг молиявий кўйилмалари сифатида акс эттирилади.

Юридик шахслар ўз филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа таркибий бўлинмаларини мустақил балансга ажратишлари мумкин бўлиб, уларнинг балансlари ва бошқа ҳисобот шаклларини ўзларининг умумлаштирилган ҳисоботига киритишлари шарт.

Ўмумлаштирилган ҳисоботга бош корхона, унинг шуъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналарининг молиявий ҳисоботлари илова қилинади.

Умумлаштирилган ҳисобот бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ тузилади.

Ушбу модданинг талаблари вазирликлар, идоралар ва бюджет ташкилотларининг жамлама молиявий ҳисоботига нисбатан татбиқ этилмайди.

1 январдан 31 декабрга қадар бўлган календарь йил молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври ҳисобланади.

Янгидан ташкил этилган юридик шахслар учун юридик шахс ҳуқуқи қўлга киритилган санадан бошлаб ўша йилнинг 31 декабрига қадар бўлган давр, юридик шахс ҳисобланмайдиганлар учун эса, улар давлат органларида рўйхатга олинган санадан бошлаб биринчи ҳисобот йили деб ҳисобланади.

Агар юридик шахс 1 октябрдан кейин рўйхатга олинган бўлса, биринчи ҳисобот йили кейинги йилнинг 31 декабрида тугайди.

Рўйхатдан ўтишга ёки юридик шахс ҳуқуқини қўлга киритишга қадар амалга оширилган хўжалик операциялари тўғрисидаги маълумотлар биринчи ҳисобот молиявий ҳисоботига киритилади.

Молиявий ҳисобот қуйидагиларга тақдим этилади:

солиқ органларига;

таъсис ҳужжатларига мувофиқ мулкдорларга;

давлат статистика органларига;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органларга.

Молия ҳисоботи ҳисобот йили бошдан қўшилиб борувчи жамлама тартибида йилнинг ҳар чорагида тақдим этилади.

Бюджетдаги муассасалар йили чораги бўйича ва йиллик ҳисоботни юқори органга тақдим этадилар.

Молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатларини Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бухгалтерия ҳисобининг айрим субъектлари учун молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг бошқа муддатларини белгилаши мумкин.

2. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони корхоналарнинг молия хўжалик фаолият тўғрисидаги материалларни тегишли органларига тақдим этмаслик ёки вақтида тақдим этмасликда ифодаланган ҳаракатсизликдан иборат.

3. Ҳуқуқбузарлик субъекти — мансабдор шахслар.

4. Ҳуқуқбузарлик субъектив томонидан қасддан содир этилади.

5. Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органлари томонидан кўриб чиқилади (267^1-модда).

216-м о д д а. **Кимошди савдоси ёки танловда қатнашиш учун берилган талабномаларни яшириш**

Давлат корхоналари ва бошқа объектлар хусусийлаштирилиши муносабати билан ёпиқ тендер тарзидаги кимошди савдосида ёки танловда қатнашиш учун берилган талабномаларни яшириш, кимошди савдоси, танлов натижаларини якунлашда талабномаларни ҳисобга олмаслик, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Кимошди (аукцион) савдосида хусусийлаштириш дейилганда жисмоний ёки юридик шахс давлат мулкини хусусий мулк сифатида сотиб олиши тушунилади. Бунда харидорлардан хусусийлашадиган объектга нисбатан бирор шартни бажариш талаб этилмайди.

Шуниси борки, савдо жараёнида энг юқори баҳони таклиф қилган харидорга мулкчилик ҳуқуқи берилади.

Давлат мулкини кимошди савдосида сотиш ҳақидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат мол-мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси, унинг ҳудудий бошқармалари томонидан давлатдан

ажратиш ва хусусийлаштириш комиссиясининг бу объектни хусусийлаштириш бўйича тадбирлар режаси тақдимномасига биноан қабул қилинади.

Кимошди савдосида қатнашиш учун ўз вақтида ариза, бошқа зарур ҳужжатлар топширган ва хусусийлаштириладиган объектнинг бошлама баҳосидан 10 фоизи миқдорида гаров суммасини белгиланган тартибда тўлаган, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ келадиган харидор сифатида тан олинган юридик ва жисмоний шахслар кимошди савдосида қатнашишга қўйиладилар.

Очиқ кимошди савдосида қатнашишга иштирок этувчи шахсларга кимошди савдосида сотишга қўйилган хусусийлаштирилувчи объектнинг номи, кимошди савдосини ўтказишнинг асосий шартлари ёзилган кимошди савдоси. қатнашчиси билети топширилади. Билет қатнашчига ундан олинган ариза бўйича ва сотувчининг ҳисоб рақамига гаров суммаси ўтказилгани ҳақидаги тўлов ҳужжати кўрсатилиши билан берилади.

Епиқ тендёр қатнашчисига рўйхатдан ўтган санаси кўрсатилган унинг аризаси олинганлиги ҳақида ёзма билдириш қоғози юборилади.

Кимошди савдосида қатнашишга ариза берган шахслар ҳақида маълумот ошкор этилмайди.

Агар мумкин бўлган ҳоллар қуйидагича:

— ариза берган шахс амалдаги қонунга мувофиқ харидор деб тан олинмаса;

— ариза берган шахс зарур ҳужжатларни муддатида тақдим этмаса, унинг кимошди савдосида иштирок қилиши рад этилиши мумкин.

Ёпиқ тендер ўтказилганда тендер тўғрисида ахборот эълон қилингандан бошлаб у тугашига қадар қатнашчиларга улар томонидан берилган таклифлар ҳақида ахборот алмашиш ёки ана шу ахборотларни ошкор этиш ман қилинади.

Очиқ кимошди савдоси қуйидаги тартибда олиб борилади:

— кимошди савдосини сотувчи ёллаган очиқ савдони олиб борувчи ваколатли киши (аукционист) ўтказади;

— савдо объектнинг дастлабки баҳосини эълон қилишдан бошланади.

Объектни эълон қилинган баҳода сотиб олишга тайёр харидор топилмаса, уни олиб борувчи шахс баҳони уч марта такрорлайди;

— агар бошлама баҳо уч марта эълон қилинганда ҳам бирорта харидор чиптасини кўтармаса, кимошди савдоси амалга ошмаган ҳисобланади ва объект сотувчига қайтарилади.

2. Ёпиқ тендер кўринишидаги кимошди савдоси қуйидаги тартибда олиб борилади:

— ёпиқ тендер доимий ҳаракатда бўлган тендер комиссияси томонидан ўтказилади;

— аризаларни қабул қилиш муддати тугагандан сўнг тендер комиссияси

аризалар қабул қилинганлиги тўғрисида баённома тузади.

Тендерда қатнашиш сўралган аризаларни амалга ошириш якун чиқарилаётган пайтда уларни ҳисобга олмаслик мазкур Кодекснинг 216-моддаси бўйича жавобгарликка сабаб бўлади. Жарима тендер комиссияси раиси томонидан солинади. Бу ҳолатда тендер натижалари бекор қилинади.

3. Танлов бўйича хусусийлаштириш дейилганда юридик ёки жисмоний шахс давлат мулкини хусусий мулк сифатида сотиб олиши тушунилади. Бунда харидордан хусусийлаштириладиган объектга нисбатан маълум бир шартни бажариш талаб қилинади.

Хусусийлаштириладиган объектни сотиб олиш ҳуқуқи таклифлари танлов шартларига тўла жавоб берадиган ва энг юқори баҳони таклиф қилган харидорга берилади.

Давлат мулкини танлов асосида сотиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси, унинг ҳудудий бошқармалари томонидан давлатдан ажратиш ва хусусийлаштириш комиссиясининг мазкур объектни хусусийлаштириш бўйича тадбирлар режаси тақдимномасига биноан қабул қилинади. Чунончи:

— корхоналар, цехлар, ишлаб чиқаришлар, участкалар ва мустақил корхона сифатида ажратилган шу корхоналарнинг бошқа бўлинмалари;

— асбоб-ускуналар, бинолар, иншоотлар, лицензиялар, патентлар ва корхоналар, уларнинг бўлинмалари мулкдорнинг қарори билан йўқ қилинадиган бошқа моддий ва номоддий активлар;

— тугалланмаган қурилиш объектлари танлов бўйича сотишга қўйилиши мумкин.

Танлов бўйича объектларни хусусийлаштириш вақтида сотувчи ва харидорлар ўз вакиллари — ишончли шахслар орқали иш юритишлари мумкин.

Сотувчи танлов бўйича давлат мулкини сотиш учун доимий харакатдаги комиссиясини, бир йил муддатга тузиладиган танлов комиссиясини шакллантиради.

Ўз вақтида ариза ва бошқа ҳужжатларни берган, хусусийлаштириладиган объектнинг бошлама баҳосидан 10 фоизи микдорида гаров суммасини тўлаган қонунга мувофиқ келувчи юридик ва жисмоний шахслар танловда қатнашишга қўйилади.

Белгиланган кун ва соатда танлов комиссияси мажлисида юборилган таклифлар хатжилдлари очилади. Танлов комиссияси барча расмиятчиликларга риоя қилади, талаб этиладиган маълумотлар ва ҳужжатлар бор-йўқлигини белгилайди, шу ишлар бўйича баённома тузади ва унда тушган таклифларнинг ҳаммаси, уларнинг танлов шартларига мослиги қайд этилади.

Хатжилдларни очиш ишлари танлов тўғрисидаги ахборот эълон

қилингандан кейин орадан камида бир ой ўтгач, амалга оширилади.

Танловда қатнашиш учун берилган аризаларни яшириш якун чиқарилаётганда уларни ҳисобга олмаслик Кодекснинг 216-моддаси бўйича жавобгарликка олиб келади. Жарима танлов комиссиясираисига солинади.

4. Объектларни хусусийлаштириш қоидалари тартиббузарликка қасд қилиш объекти ҳисобланади.

5. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони Ҳаракат ва ҳаракатсизликда ифодаланади.

6. Субъект — мансабдор шахслар.

7. Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони. — бевосита қасд қилиш. Айбдор ўз қилмишининг ноқонуний эканлигини ҳис этади, аммо ғаразли мақсадни кўзлаб, мақбул оқибатга умид қилади.

8. 216-модда бўйича маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишни маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқади (245-модда).

217-м о д д а. **Матбаа ва штемпель-гравёрлик корхоналарини очиш ҳамда уларнинг фаолият олиб бориши қоидаларини бузиш**

Матбаа ва штемпель-гравёрлик корхоналари ва устахоналарини очиш ва уларнинг фаолият олиб бориши қоидаларини бузиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Матбаа ускуналари, ҳарфлар, матрицалар, муҳрлар ва штампларни қўлга киритиш, сотиш, фойдаланиш, ҳисобга олиш ва сақлаш қоидаларига риоя этиш учун масъул бўлган шахсларнинг бу қоидаларни бузиши, — энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Матбаа ва штемпел-гравёрлик ускуналари, ҳарфлари ҳамда матрицалари — ўз вазифаларига кўра алоҳида регламентация ва муҳофазага муҳтож бўлган нарсалардир, чунки назоратсиз ҳолда уларга эгалик қилиш ва фойдаланиш давлатга ва белгиланган бошқарув тартибига зиён етказиши мумкин.

Матбаа турли хилдаги босма маҳсулотлар тайёрлаш билан шуғулланувчи саноат тармоғидир. Матбаада битта ёки бир нечта матбаа корхоналарида босқичма-босқич амалга ошириладиган жараёнларнинг учта гуруҳи босма шакллари ва ўз босма маҳсулотларини тайёрлаш ҳамда пардозлаш жараёнларига ажралади.

Ҳарфлар — бу босмахона литерлари тўплами, яъни қоғозга босиш учун матн тузиладиган (териладиган) бўрттириб ишланувчи (қуйилган ёки штампаланган) ҳарф ва белгилар.

Матрицалар — қўлда ёки механизация усулида ҳарфлар қўйиш учун матбаа ишлаб чиқаришида қўлланувчи, шунингдек, нусха олинадиган стереотип ёки

босма шакли деб номланмиш нарсалар тайёрланувчи чукурланган формалардир.

Штампел-гравёрлик корхоналари (устахоналари) Ўзбекистон Республикаси Давлат герби, суверен республикаларнинг давлат герблари тасвири туширилган ва вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар номи ёзилган муҳрлар; корхона, муассаса ва ташкилотлар учун оддий муҳрлар; шифокорлар учун оддий муҳрлар; фуқароларнинг келиши ва кетиш варақаларини тасдиқлаш учун оддий муҳрлар; муассаса, корхона, ташкилотларнинг пакетлари учун оддий муҳрлар; вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг бурчакли (бланкали) штампларини тайёрлашга мўлжалланган.

2. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони:

— матбаа ва штемпель-гравёрлик корхоналарини (устахоналари) очиш;

— матбаа ускуналар, ҳарфлари ва матрицаларини қўлга киритиш ва сотиш;

— кўпайтирувчи аппаратлар, ҳарфлар ва матрицалар, матбаа ускуналаридан фойдаланиш, ҳисобга олиш ва саклаш учун белгиланган қоидаларни бузишдан, бажармасликдан иборат.

Матбаа ва штемпель-гравёрлик корхоналари (устахоналари)ни очиш, матбаа ускуналари, ҳарфлари ва матрицаларини қўлга киритиш ва сотиш тартиблари, шунингдек, улардан фойдаланиш, ҳисобга олиш ва сақлаш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ва ИИВ меъёрий ҳужжатларида белгиланган. Жумладан, матбаа, штемпель-гравёрлик корхоналари (устахоналари) фақат ички ишлар органлари рухсати билан давлат, кооператив, жамоат ташкилотлари ва мансабдор шахслар томонидан очилиши мумкинлиги кўзда тутилган. Шунингдек, ана шу органларнинг рухсати билан матбаа ускуналари, ҳарфлар сотиб олинади ва сақланади. Булардан ташқари, ички ишлар органлари зиммасига мазкур корхоналарнинг ишлаш қоидаларига амал қилишлари, шу жумладан, матбаа ускуналари, ҳарфлари ва матрицаларидан тўғри фойдаланиш, ҳисобга олиш ва сақлашни текшириш бўйича мажбурият юкланган.

Ички ишлар органларига тегишли рухсатнома олмай очилган матбаа, штемпель-гравёрлик корхоналари ва устахоналари ишини тақиқлаб қўйиш, белгиланган тартиб бузилган ҳолда тайёрланган муҳр ва штампларни олиб қўйиш ҳуқуқи берилган.

Матбаа ускуналари, ҳарфлари ва матрицаларини сотиш деганда бу нарсаларни ички ишлар органларининг рухсатисиз мукофот эвазига ва усиз бошқа муассасаларга, ташкилотларга ёки шахсларга бериш тушунилади.

Матбаа ва штемпель-гравёрлик корхоналарини очиш, матбаа ускуналари, ҳарфлар ва матрицаларни сотиб олиш ҳамда уларни сотиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик мазкур қоидаларни бажаришни таъминлаш хизмат бурчига кирган мансабдор шахслар зиммасига тушади.

Асосан корхона, муассаса ва ташкилотларнинг шу раҳбарлари матбаа ва штемпель-гравёрлик корхоналарини очиш, матбаа ускуналари, ҳарфлар ва матрицалар олиш ҳамда сотиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

3. Матбаа ускуналари, ҳарфлар ва матрицалардан фойдаланиш, ҳисобга олиш ва сақлашнинг белгиланган тартибига риоя қилиш учун жавобгар шахслар, яъни матбаа ва штемпель-гравёрлик корхоналари, устахоналари цех бошликдари, ишчиларининг муайян миқдори, буюртмаларни қабул қилиш ва беришни амалга оширувчи шахслар, моддий жавобгар шахслар, айрим ҳисоб ходимлари ва қўриқчи ходимлар 217-модданинг 2-банди бўйича ҳуқуқбузарлик субъекти бўладилар.

217-модда диспозициясида кўрсатилган қоидалардан ҳеч бўлмаса биттаси бузилган пайтдан бошлаб зарарли оқибат юз берган-бермаганлигидан қатъи назар, тугал ҳуқуқбузарлик таркиби мавжуд бўлади.

4. 217-модданинг 1-бандида кўзда тутилган ҳуқуқбузарлик фақат қасддан қилинган бўлиши мумкин, яъни уни амалга оширган мансабдор шахслар ўз хатти-ҳаракатининг ноқонуний хусусиятга эга эканлигини ҳис этишади, унинг зарарли оқибатларини олдиндан билишади ва бу оқибатнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйишади. Бу ҳолатда қилмишни тавсифлаш учун далил ва мақсаднинг аҳамияти йўқ. Матбаа ускуналари, ҳарфлар ва матрицалардан фойдаланиш қоидаларининг шу қоидаларга риоя этишга жавобгар бўлган шахс томонидан бузилиши ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик оқибатида юз беради, яъни бу қилмишни содир этган шахс ўз хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг зарарли оқибатлари юзага келишини олдиндан кўради, аммо енгилтаклик қилиб, уларни бартараф этишга ишонади ёки бундай оқибатнинг юз беришини олдиндан кўролмайди.

5. 217-модда бўйича маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишларни маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқади (245-модда).

218-м о д д а. **Оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини қонунга хилоф равишда тайёрлаш ва тарқатиш**

Оммавий ахборот воситаларининг маҳсулотларини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказмасдан ёки уларни чиқариш ёхуд нашр этишни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин қонунга хилоф равишда тайёрлаш ва тарқатиш, — босма ёки бошқа маҳсулотларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, ахборот агентликлари, телевидение (кабелли, эфир-кабелли телевидение) ва радиоэшиттиришлар, ҳужжатли кино, электрон ахборот тизими, шунингдек, доимий номга эга бўлган, давлат тасарруфидаги, мустақил ва бошқа оммавий даврий нашрлар оммавий ахборот воситаларидир.

Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда

иловалар нашр этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот-воситалари эркин бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (67-модда), «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998, 1-сон, 10-модда)га кўра ҳар ким оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошкора баён этиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини цензура қилишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқига эгадирлар. Булар ҳокимликлар ва сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, оммавий ҳаракатлар, ижодий уюшмалар, кооператив, диний, фуқароларнинг қонунга мувофиқ тузилган ўзга бирлашмалар, меҳнат жамоалари ва бошқалардир.

Оммавий ахборот воситаси бир неча муассис томонидан ҳам таъсис этилиши мумкин.

Таҳририят рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳнома олганидан кейин фаолият бошлаши мумкин.

Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ваколат берган давлат органига белгиланган тартибда муассис томонидан топширилади. Рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза топширилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида кўриб чиқилиши шарт.

Хорижий аудиторияга мўлжалланган оммавий ахборот воситаси Вазирлар Маҳкамасида рўйхатга олинади.

Оммавий ахборотни чиқаришга киришиш ҳуқуқи гувоҳнома олинган кундан бошлаб уч ой давомида сакданиб туради. Белгиланган муддат ичида оммавий ахборот воситасининг бирорта ҳам сони (дастури) эълон қилинмаган тақдирда рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

Рўйхатга олиш тўғрисидаги аризада оммавий ахборот воситасининг:

— муассиси (муассислари);

— номи, қайси тилда (тилларда) эълон қилиниши, манзили;

— мақсад ва вазифалари;

— қандай доирадаги ўқувчига (томошабинга, тингловчига) мўлжалланганлиги;

— даврийлиги, ҳажми, моддий-техника таъминоти ҳамда пул билан таъминланиш манбалари кўрсатилиши керак.

Ўзларининг норматив ҳужжатлари ёки ўзга ҳужжатларни расмий

нашрларда, ахборотномалар, бюллетенларда чиқарувчи давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек, ўз фаолиятлари учун зарур бўлган ахборот материалларини ҳамда ҳужжатларни чиқарувчи корхоналар, ташкилотлар, муассасалар (шу жумладан ўқув ва илмий муассасалар) ахборотни рўйхатдан ўтказмаган ҳолда тарқатиш ҳуқуқига эгадирлар.

Оммавий тарқатишга мўлжалланмаган ёки қўлёзма тарзида кўпайтириладиган босма видео ва аудиовизуал маҳсулотни техникавий воситалар ёрдамида тайёрлаш ишларини, агар қонун ҳужжатларида бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, рўйхатдан ўтказиш талаб қилинмайди.

Оммавий ахборот воситаларидан Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, хусусий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш, уруш ва зўравонликни, шафқатсизликни, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этиш, давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган ўзга сирни ошкор этиш, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қийматини таҳқирлаш, уларнинг шахсий ҳаётига аралашиш тақиқланади.

Прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсатисиз дастлабки тергов материалларини эълон қилиш, муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг ҳал қилув қарори ёхуд ҳукми қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиш ёки судга ўзгача йўл билан таъсир кўрсатиш, номини кўрсатмаслик шарти билан маълумот берган шахснинг номини ошкор қилиш (суд ошкор этишни талаб қиладиган ҳоллар бундан мустасно) тақиқланади.

Оммавий ахборот воситаларининг маҳсулотларини бевосита ноширнинг ва таҳририятнинг ўзи ёки шартнома асосида алоқа корхоналари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар тарқатиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари маҳсулотларининг ҳар бир алоҳида сонини тарқатишга муҳаррир (бош муҳаррир) уни чоп этишга (эфирга беришга) рухсат этганидан кейингина йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини тарқатиш Ўзбекистон Республикаси тегишли қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалар қоидалари асосида амалга оширилади.

2. Бошқаришнинг белгиланган тартиби 218-модда бўйича ҳуқуқбузарликка қасд қилиш объекти ҳисобланади.

3. Объектив томони хатти-ҳаракатда (сўз эркинлигини суиистеъмол қилиш, ҳақиқатга тўғри келмайдиган, фуқаро ёки ташкилотнинг шаъни ва қадр-қийматини қораловчи маълумотларни тарқатиш, журналистларга таъсир ўтказиш), фаолиятсизликда — тегишли оммавий ахборот воситасининг қайдномаси йўқлигида ифодаланади.

4. Субъект — давлат ва жамоат органларининг мансабдор шахслари,

оммавий ахборот воситасининг муҳаррири (бош муҳаррир)дир.

5. Субъектив томони — қасддан қилиш, қонуний касбий фаолиятни амалга оширишга тўсқинлик қилиш, ахборотларни тарқатишга мажбурлаш ёки тарқатишдан бўйин товлашдир.

6. 218-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқадилар (245-модда).

Босма ёки бошқа маҳсулотларни мусодара қилиш тўғрисидаги қарор туман (шаҳар) судлари ҳузуридаги суд ижрочилари томонидан ижро этилади (337-модда).

219-м о д д а. **Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларнинг ёки таркибида шундай металл ва тошлар бўлган буюмларнинг муомалада бўлиш қоидаларини бузиш**

Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларни ҳамда таркибида шундай металл ва тошлар бўлган буюмларни ишлаб чиқаришда, қайта ишлашда, улардан фойдаланиш чоғида қабул қилиб олиш, сарфлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, шунингдек, уларнинг парчалари ва чиқитларини тўплаш ҳамда давлат жамғармасига топшириш қоидаларини бузиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар, таркибида шундай металл ва тошлар бўлган буюмлар билан муомала қилишнинг белгиланган тартиби Кодекснинг 219-моддасида кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади. Бу қоидаларни бузиш айрим шахсларга ўғирлаш, қонунсиз бойиш учун қулай шароит яратади ва Ўзбекистон Республикаси валюта жамғармасига зиён етказади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлик Кенгашининг 1979 йил 6 июндаги «Таркибида техник фойдаланишда хизмат муддати тугаган электроникаси бўлган қимматбаҳо металларни ҳисобга олиш, тўплаш, сақлаш ва давлат жамғармасига топшириш тартиби тўғрисида»ги қарорида тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Қонунлар тўплами, 1979 й. 6-сон, 22-модда) йўриқномага мувофиқ олиш, сарфлаш, ҳисоб қилиш ва сақлаш қимматбаҳо металлар (олтин, кумуш, платина, иридий, радий, палладий, рутений, осмий) ва қимматбаҳо тошлар (олмос, гавҳар, ёқут, зумрад сапфир ва марварид)нинг ҳамма кўринишлари (хом ашёлар, ускуналар, асбоблар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, узеллар, деталлар, яримтайёр, тайёр буюмлар, кислота, туз, темир-терсак, чикинди), шунигдек, табиий олмосдан талқон тайёрловчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга тегишлидир.

Вазирликлар ва идоралар шунинг ўзига хослигини ҳисобга олиб, юқорида тилга олинган йўриқномага мувофиқ ўзларига қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларни олиш, сарфлаш, ҳисобини юритиш ва сақлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома

ишлаб чиқишлари ҳамда тасдиқлашлари мумкин. Шунинг учун Кодекснинг 219-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик таркибини аниқдаш учун тегишли идорада қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан муомала қилиш қоидаларидан қайси бири мансабдор шахс томонидан бузилганлигини аниқлаш лозим.

2. Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик объектив томондан битта ёки бир неча қоида бузилишини, яъни қимматбаҳо металларни ва тошларни ёки таркибида шундайлар бўлган буюмларни олиш, сарфлаш, ҳисобини юритиш, сақдаш, шунингдек, уларнинг парчалари ва чиқиндиларини тўплаш ва давлат жамғармасига топшириш қоидаларини бузишни ифодалайди. Ана шундай ҳаракат, ҳаракатсизликнинг бири Кодекснинг 219-моддасида кўзда тутилган ҳуқуқбузарлик таркибини ташкил этади.

Ҳуқуқбузарлик объектив томонининг мажбурий белгиси ушбу ҳуқуқбузарлик содир этилган жой ҳисобланади. Белгиланган қоидаларнинг бузилиши учун жавобгарлик ана шу ҳол барча турдаги қимматбаҳо металл ва тошлари бўлган буюмларни қайта ишловчи, ишлатувчи ва фойдаланувчи корхоналар, муассасалар, ташкилотларда содир этилган тақдирда бошланади. Давлат, кооператив ва жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ҳар бири йўриқномага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли пробир назорати инспекциясида рўйхатдан ўтиши ва қимматбаҳо металлар ҳамда қимматбаҳо тошларни қайта ишлаш ва қўллаш учун рухсатнома (рўйхат гувоҳномаси) олиши лозим.

3. Барча турдаги қимматбаҳо металлар ва тошлар ҳамда буюмларни қайта ишлайдиган, қўллайдиган ва улардан фойдаланадиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг фақат мансабдор шахслари кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг субъектлари бўлиши мумкин. Ҳар бир рўй берган воқеада қимматбаҳо металлар ва тошлар олиш, уларни сарфлаш, ҳисобини юритиш, сақлаш, уларнинг парчалари ва чиқиндиларини тўплаш ва давлат жамғармасига топшириш юзасидан улар бузган қоидаларни бажариш идора йўриқномасига мувбфиқ мансабдор шахс хизмат бурчига киришини аниқлаш лозим. Агар айбдор топилган олтинни давлатга топшириш қоидасини бузган бўлса, у ЖКнинг 185-моддаси бўйича жавобгарликка тортилади..

4. Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони қилмишнинг қасддан содир этилиши шакли сифатида тавсифланади. Аммо у эҳтиётсизлик оқибатида ҳам юз бериши мумкин. Масалан, мансабдор шахс қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар сақлаётган омборхонани муҳрлашни унутиб қўйиши ана шундай ҳолатга киради.

5. 219-модда бўйича маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишлар давлат пробир назорати органлари томонидан кўриб чиқилади (268-модда).

220-м о д д а. **Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни сақлаш ёки ташиш қоидаларини бузиш**

Қурол сақлашга ички ишлар органларидан рухсати бўлган фуқароларнинг ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни сақлаш ёки ташиши қоидаларйни бузиши, —

энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмигача миқдорда жарима солишга ёки ҳақини тўлаб, шу қуроллар ва ўқ-дориларни олиб қўйишга сабаб бўлади.

Худди ана шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўллат нилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

қуроллар ва ўқ-дориларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни сақлаш учун масъул бўлган ходимларининг уларни сақлаш ёки ташиш қоидаларини бузиши, худди шунингдек, бу ходимларнинг ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни бошқа мақсадларда ишлатиши, —

энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Жамоат хавфсизлиги 220-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади. Айбдорлар ўқотар қуроллар ва ўқдориларни сақлаш ёки ташишнинг белгиланган қоидаларини бузар экан, бу билан у қуроллардан ноқонуний фойдаланиш ва йўқотишга имкон берадиган шароит яратади.

2. Қонунчилик фуқароларга ўқотар қуроллар сақлаш ёки ташиш қоидасини ва ўқотар қуроллар ҳамда жанговор ўқ-дориларни сақлашга жавобгар мансабдор шахслар учун тегишли қоидаларни назарда тутади. Бу қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик фуқароларга шарҳланаётган 1 ва 2-бандида, мансабдор шахсларга 3 ва 4-бандида белгиланган.

3. Кодекснинг 220-моддаси 1-бандида кўзда тутилган ҳуқуқбузарликнинг объектив томони фуқаролар қуролларни сақлаш ёки ташиш қоидаларини бузганликда ифодаланади. Қурол деганда фақат текис стволли ўқотар ов қуроли эмас, балки қирқма қуроллар (қирқма ов милтиғи, кичик калибрли спорт қуроли) ва жанговар ўқ-дорилар ҳам тушунилади.

4. Ўқотар қуролларни сақлаш қоидалари, жумладан, қурол эгаси уни қулфланадиган шкафда ёки бегона шахс ва болалар кириши истисно бўлган бошқа жойларда ишончли сақланишини таъминлаш мажбуриятини кўзда тутади. Қурол жилдда (қинида), ўқдорилардан алоҳида жойда сакданиши лозим. Ташиш қоидаси ҳам бир қанча талабларни кўзда тутади. Бундан

ташқари, ўқотар қурол эгалари қуролни олиб юриш, уни сақлаш ҳуқуқи берилган рухсатнома ёнларида бўлиши лозим. Ўқотар қуролларни сақлаш ёки ташиш қоидаларидан бирининг бузилиши 220-модда 1-бандида назарда тутилган тартиббузарлик таркибини ҳосил қилади.

5. Айбдор фуқарода ўқотар қуролни сақлашга ички ишлар органлари рухсатномаси борлиги кўриб чиқилаётган маъмурий тартиббузарлик таркибининг мажбурий белгиси ҳисобланади. Бундай рухсатномасиз текис стволли ўқотар ов милтиғини сақлаш Кодекснинг 221-моддаси бўйича, қирқма қурол ва унинг ўқ-дориларини сақлаш Кодекснинг 222-моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Қуролга, жанговор ўқ-дориларга тегишли рухсатномасиз эгалик қилиш ЖКнинг 248-моддаси бўйича, инсоннинг ўлимига сабаб бўлган ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келган ўқотар қуроли ва унга жанговар ўқ-дориларни бепарволик билан сақланиши ЖКнинг 249-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка олиб келади.

6. Шарҳланаётган модданинг 2-банди шу модданинг 1-бандида кўзда тутилган ҳуқуқбузарликлардан бири учун маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил мобайнида такроран амалга оширилган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни кўзда тутади.

7. Кодекснинг 220-моддаси 3-бандига мувофиқ, қуролларни сақлаш учун масъул бўлган мансабдор шахснинг жавобгарлиги: сақлаш, ташиш қоидасини бузиш ўқотар қурол ва жанговар ўқ-дорилардан ўзга мақсадда фойдаланиш оқибатида бошланади. Бу ўринда қурол дейилганда ички ишлар органларининг рухсати билан ташкилот, корхона, муассаса ихтиёрида бўлган ҳар қандай ўқотар қуроллар тушунилади.

8. Ўқотар қуроллар ва жанговор ўқ-дориларни сақлаш қоидаларининг бузилиши бу нарсаларни ишончли қўриқлаш ва ёнғин хавфсизлиги, қуроллар, уларга ўқ-дориларни бирга сақлаш талабларига жавоб бермайдиган биноларда сақлаш ва бошқаларда ифодаланиши мумкин.

9. Ташиш қоидаларининг бузилиши ўқотар қуроллари ва ўқ-дориларни қўл юки ҳолида транспортда ички ишлар органларининг рухсатисиз, соқчиларсиз, ўқ-дориларнинг белгиланган оғирлигидан ортиқча ташишда ифодаланади.

10. Ўқотар қурол ва жанговар ўқ-дорилардан ўзга мақсадларда фойдаланиш мавжуд қоида билан тақиқланади. Курол ва жанговар ўқ-дорилардан белгиланган мақсад йўлида фойдаланилиши лозим: корхона, муассаса, ташкилотлар соқчилари шахсий таркибини ва бошқа даражадаги хизматчилар (инкасатор, овшунос ва бошқалар)ни қуроллантириш; ишлаб чиқариш, илмийтехник, ўқув ва спорт мақсадларида, ов билан шуғулланиш, ҳаваскор овчилик, кинога олиш, музейлар ва кўргазмаларда экспонатга қўйишда қуроллардан ўзга мақсадларда фойдаланиш 220-модданинг 3-бандида кўзда тутилган ҳуқуқбузарлик таркибини ташкил этади.

11. Кодекснинг 220-моддаси 4-банди ушбу модданинг 3-бандида кўзда тутилган тартиббузарликни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил мобайнида такрор амалга оширганлиги учун жавобгарликни кўзда тутади.

12.Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони айбнинг ҳам қасддан қилиш, ҳам эҳтиётсизлик шакли сифатида тавсифланади.

13.220-модданинг 1 ва 2-бандлари бўйича 16 ёшга тўлган фуқаролар ҳуқуқбузарлик субъектлари ҳисобланади. Модданинг 3 ва 4-бандлари махсус субъектнинг жавобгарлигини кўзда тутади. Бундайлар фақат ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни сақдаш учун масъул бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ходими бўлиши мумкин.

14.220-модданинг 1 ва 2-бандлари бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар 245-моддада кўрсатилган ҳолларда маъмурий ишлар бўйича судьялар, (247-модда) ва вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ҳамда 3 ва 4-бандлар бўйича ички ишлар органлари томонидан кўриб чиқилади (248-модда).

221-м о д д а. **Ўқотар қуролларни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) муддатларини ёки уларни ҳисобдан ўтказдириб қўйиш қоидаларини бузиш**

Ўқотар қуролларини рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) юзасидан белгиланган муддатларни ёки истиқомат жойи ўзгарган тақдирда бундай қуролларни ички ишлар органларида ҳисобдан ўтказдириб қўйиш қоидаларини бузиш, —

энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1.Бошқарувнинг белгиланган тартиби ушбу ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади.

2.Ғайриҳуқуқий ҳаракат объектив томондан фуқаролар ўқотар қуролларни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш)нинг белгиланган муддатларини бузиши ёки истиқомат жойи ўзгарган тақдирда бундай қуролларни ички ишлар органлари ҳисобидан ўтказишни қоидаларини бузишда ифодаланиши мумкин.

Мавжуд қоидаларга мувофиқ фуқаролар сотиб олинган қирқма ва текис стволли ов милтиғини бир ой муддатда яшаш жойларидаги ички ишлар органида рўйхатдан ўтказишлари ва уни сақлашга рухсат олишлари лозим. Рухсат уч йил муддатга берилади. Шу муддат ўтгандан кейин қурол ички ишлар органларида қайта рўйхатдан ўтказилади ва уни сақлашга рухсат берилади. Шу муддат ўтгандан кейин қурол ички ишлар органларида қайта рўйхатдан ўтказилиши лозим. Ўқотар қуролни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) муддатини бузиш Кодекснинг 221-моддаси бўйича жавобгарликка тортилади.

Истиқомат жойи ўзгарган вақтда қурол эгаси ички ишлар органларига янги истиқомат жойини кўрсатиб ариза топширади. Янги истиқомат жойига келганидан кейин қурол эгалари 10 кун муддат ичида маҳаллий ички ишлар органлари ҳисобида туришлари лозим, чегара зонасига келганда эса қуролни қайд эттириш муддати 24 соатга қисқаради. Истиқомат жойи ўзгарган вақтда

қуролни рўйхатдан ўтказиш қоидасини бузиш ҳам кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик таркибини ташкил этади.

3. Субъектив томондан ҳуқуқбузарлик ҳам қасддан қилиш, ҳам эҳтиётсизлик шаклида тавсифланади.

4. 16 ёшга етган шахслар ҳуқуқбузарлик субъекти бўлишлари мумкин.

5. 221-модда бўйича маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишни ички ишлар органлари (248-модда), 247-моддада кўзда тутилган ҳолда эса вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар томонидан кўриб чиқилади.

222-м о д д а. Ўқотар ов қуроллари ва ўқ-дориларни сотишдан бўйин товлаш

Овчилик жамиятидан чиққанликлари муносабати билан ички ишлар органлари ўқотар ов қуроллари ва ўқ-дориларни сақлаш учун берган рухсатини бекор қилган фуқароларнинг бундай қуроллар ва ўқ-дориларни сотишдан бўйин товлаши, —

ҳақини тўлаш шарти билан бу қурол ва ўқ-дориларни олиб қўйиб, энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Бошқарув тартиби ушбу ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади.

Объектив томондан у овчилик жамиятидан чиққанлиги муносабати билан ички ишлар органлари ўқотар текис стволлли ов
қуроллари ва ўқ-дориларни сақлаш учун берган рухсатини бекор қилган фуқаронинг бундай қуроллар ва ўқ-дориларни сотишдан бўйин товлашида ифодаланади.

2. Мавжуд қоидаларга кўра, овчилик жамиятидан чиққан (чиқиш сабабларидан қатъи назар) шахсдаги қуролни сақлаш учун рухсат ички ишлар органлари томонидан бекор қилинади ва эгасига тегишли қурол бир ой мобайнида воситачи дўконларда сотиш учун топширилиши лозим. Қурол эгаларининг бундай йўл билан қуролини сотишдан бўйин товлаш 222-модда бўйича жавобгарликка олиб келади.

3. Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик субъектив томондан айбнинг қасддан қилинган шакли сифатида тавсифланади.

4. 16 ёшга етган шахслар ҳуқуқбузарлик субъекти бўлиши мумкин.

5. 222-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

Ўқотар қуроллар ва жанговар ўқ-дориларни олиб қўйиш ички ишлар органлари томонидан ижро этилади (336-модда).

223-м о д д а. **Паспорт тизими қоидаларини бузиш**

Паспорти бўлиши шарт бўлган фуқаронинг паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан, вақтинча ёки доимий пропискасиз яшаши, паспортни қасддан яроқсизлантириши, шунингдек, паспортни бепарволик билан сақлаши ва бунинг оқибатида паспортнинг йўқолиши —

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқароларнинг йўқолганлиги тўғрисида ўзлари ариза берган ўз паспортларидан, шунингдек, бошқа фуқароларга тегишли паспортлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиши —

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Паспорт тизими қоидаларига риоя этиш учун масъул бўлган шахсларнинг фуқароларнинг паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан ёхуд вақтинча ёки доимий пропискасиз яшашига йўл қўйиш, худди шунингдек фуқароларнинг ўз тураржойларида паспортсиз, вақтинча ёки доимий пропискасиз шахслар яшаб туришга йўл қўйиши —

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан, худди шунингдек, вақтинча ёки доимий пропискасиз яшаб турган фуқароларни ишга қабул қилиш, шунингдек, фуқаролардан паспортларини қонунга хилоф равишда олиб қўйиш ёки уларнинг паспортларини гаровга олиш —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги қонунида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 26 февралдаги Фармонида, шунингдек, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштирш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида ўз ифодасини топган. Ушбу қонун ҳужжатларига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ва унинг эгаси шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжатдир.

Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлган барча фуқароларида Ўзбекистон Республикаси паспорти бўлиши шарт. (Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низомнинг 2-моддасига қаранг).

Ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳномалар ва ҳарбий билетлар ҳарбий хизматчи шахсини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Паспорт хорижга жўнаб кетиш чоғида ҳам амал қилади. Хорижга жўнаб кетаётган фуқаролар учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда расмийлаштирилади.

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонун (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 9-сон, 338-модда)га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти:

—Қонун кучга кирган кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган шахсларга;

—Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига ўтган шахсларга берилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари беради.

Ўзбекистон Республикасининг хорижда доимий яшайдиган фуқароларига, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига ўтган шахсларга

Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси бериши мумкин.

Паспорт беришда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати тасдиқдаган миқдорда ҳақ олинади. Хорижга чиқиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни эгасига топширишда белгиланган тартибда давлат божи олинади. Тўла давлат таъминотида бўлган шахслар божи тўлашдан озод қилинади.

2. Фуқаро ўз паспортини авайлаб асраши шарт. Паспорт йўқотилгани ҳақида фуқаро ички ишлар органларига ёки Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхонасига ёхуд консуллик муассасасига дарҳол хабар қилишга мажбурдир. Улар эса фуқаронинг илтимосига биноан, унга белгиланган намунадаги маълумотнома беради.

3. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилгандан ташқари фуқаронинг паспортини тортиб олиш, шунингдек, паспортни гаров тариқасида қолдириш ва гаровга олиб қолиш тақиқланади.

4. Паспортни атайлаб бузиш — бу, ҳужжатдан ўз вазифасида фойдаланиш мумкин бўлмай қолиши натижасида ёки ундан фойдаланиш (ҳужжатнинг муҳим қисмига сиёҳ тўкилган, ҳужжатнинг бир қисми йиртиб олинган ҳамда йўқотилган ва ҳоказо) анча қийинлашадиган зарар келтиришдир.

5. Фуқаролар ўз паспортларидан ёки бошқа фуқароларга тегишли паспортлардан ғаразли мақсадда фойдаланиши, одатда бирор манфаат кўриш: гаров, қайд этилиши ва ҳоказоларда намоён бўлади.

6. Паспорт бўлмаган ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан яшаш учун қўйишда уй эгалари, одатда ғаразли мақсадларни кўзлайдилар.

7. 3 кундан кўп муддатга, отпускага, меҳмон бўлиб, дам олишга, хизмат сафарига, шунингдек, савдо ва бошқа фаолият билан шуғулланиш учун шаҳарга келган фуқаролар рўйхатдан ўтишлари лозим.

Рўйхатдан ўтиш айнан фуқаро яшаётган жойида: меҳмонхоналарда, мотелларда, туристлар кемпинги ва базалари, дам олиш уйлари ва

пансионатларида, интернат, ётоқхона ва хусусий манзилларда амалга оширилади.

Фуқароларни рўйхатдан ўтказиш тартибига риоя этиш учун:

—уй-жойлардан фойдаланиш идораларининг бошлиқлари, маҳалла қўмиталари раислари, ётоқхона комендантлари, уй-жой қуриш кооперативлари раислари;

—меҳмонхона, дам олиш уйлари, пансионати, туристлар базаси ва кемпинглар, ётоқхоналар ва бошқаларнинг директорлари (мудирлари);

—фуқароларни тураржой секторига жойлаштириш билан шуғулланувчи хусусий ёки бошқа корхоналар раҳбарлари;

— уй ва хонадон эгалари, шунингдек, ихтиёрида яшаш бинолари ва иморатлари бўлган бошқа шахслар масъулдирлар.

Рўйхатдан ўтиш учун фуқаронинг ёнида паспорти ёки шахсини тасдикдовчи бошқа ҳужжатлар, шунингдек, келишдан мақсадини белгиловчи ҳужжатлар (хизмати сафари гувоҳномаси, таътил гувоҳномаси, йўлланма ва бошқалар) бўлиши лозим.

Шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган шахслар рўйхатдан ўтказилмайди.

Шаҳарга келган шахс маъмурий ёки жиноий ҳуқуқбузарлик содир этган тақдирда рўйхатдан ўтганлик бекор қилинади.

8.Паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан ишга қабул қилиш ходимларни ишга қабул қилиш ёки бўшатиш ҳуқуқига эга бўлмаган мансабдор шахс томонидан амалга оширилади.

9. Бошқарувнинг белгиланган тартиби кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликка қасд қилиш объекти ҳисобланади.

10.Объектив томони ҳам ҳаракат, ҳам ҳаракатсизлик шаклида ифодаланади.

11. Субъекти — фуқаролар ва мансабдор шахслар.

12.Субъектив томони қасддан қилиш ёки эҳтиётсизликда белгиланади.

13.223-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари ички ишлар органлари томонидан кўриб чиқилади (248-модда).

224- м о д д а. Чегара зонасига, шунингдек, фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш ҳамда уларда яшаш қоидаларини бузиш

Чегара зонасига, шунингдек, фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш ҳамда уларда яшаш қоидаларини бузиш, —

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ҳуқуқбузарликка хос бу тарзнинг хусусияти унинг чегара минтақасида содир бўлишидир.

2. Номи келтирилган фаолият учун жавобгарликни ўрнатиш фақат фуқароларни рўйхатга олиш, яшаши ва кўчишининг белгиланган тартибини

ҳимоя қилишгина эмас, балки давлат чегараларини қўриқлаш соҳасида республика манфаатини ҳимоялаш, давлатга хиёнат, жосуслик, контрабанда, қонунга зид равишда хорижга бориш ва Ўзбекистон Республикасига ўтиш каби жиноятларга қарши курашда ҳамкорлик қилиш мақсадини кўзлайди.

3.Чегара зонаси, одатда, давлат чегарасига туташиб кетган туман, шаҳар, шаҳарча ёки қишлоқ халқ депутатлари кенгашлари ҳудуди доирасида ўрнатилади. Чегара минтақасининг кенглиги қуруқликда ёки чегара дарёси (кўл) қирғоғидан ўтган чегара чизиғидан 2 километрдан ошмаслиги лозим. Унинг доирасига чегара қўшинлари томонидан қўшимча чеклаш киритилади.

4.Муқим яшовчиси бўлмаган шахсга чегара зонасига кириш учун рухсатнома яшаш жойидаги ички ишлар органлари томонидан белгиланган тартибда берилади. Чегара зонасига, минтақасига кириш ва унда яшашга фақат чегара қўшинлари рухсати билан йўл қўйилади.

5.Чегара зонасига ёки чегара минтақасига кириш қоидасини бузиш рухсатсиз ёки муддати ўтган рухсатнома билан ёки кўрсатилган муддатдан аввал, шунингдек, бегоналарнинг, сохта ёки ноқонуний олинган рухсатномаси билан у ерга боришни билдиради.

6.Номлари келтирилган қоидаларни бузиш бу ерда муқим яшайдиганларга ҳам, вақтинча истиқомат қилувчиларга ҳам тааллуқлидир. Биринчи ҳолда бу истиқомат қилишнинг махсус тартиби (масалан, тураржой ўзгарганлиги ҳақида хабар бермаслик) бузилишида, иккинчи ҳолда — рухсатномада кўрсатилган муддат тамом бўлганидан кейин яшаш ёки зонага қонуний равишда кирилган-у, лекин рухсатномада кўрсатилмаган жойга жўнаган ва ҳоказоларда ифодаланади. Бундай барча бузилишлар паспорт қоидасини бузишнинг махсус кўринишлари ҳисобланади.

7.Чегара зонасида жойлашган аҳоли яшаш масканларида қайд этиш ва паспортни рўйхатдан ўтказиш умумий тартибда ўтказилади, аммо паспортдан ёки паспорт ўрнида бўлган ҳужжатдан ташқари, бу зонага кириш рухсатномаси ҳам кўрсатилиши лозим.

8.Чегара зонасига ноқонуний кириш қилмишнинг объектив томони ҳисобланади.

9.Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони бевосита қасд этиш билан ифодаланади.

10.16 ёшга тўлган фуқаро субъект бўлиши мумкин.

11.Ушбу ҳуқуқбузарлик ҳақида ишлар ички ишлар органлари томонидан кўриб чиқилади (248-модда).

225-м о д д а. **Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш**

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиши, яъни Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаши, вақтинча ёки доимий прописка, кўчиш ёки тураржой танлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этмаслиги, бўлиш муддати

тугагач чиқиб кетишдан бўйин товлаши, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш тартибига риоя қилмаслиги, —

энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқариб юборишга сабаб бўлади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши қоидаларида назарда тутилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қабул қилиш тартибининг мансабдор шахс томонидан бузилиши, —

мансабдор шахсга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни хусусий иш билан Узбекистон Республикасига таклиф қилган фуқаро томонидан мазкур фуқароларнинг вақтинча пропискадан ўтишларини, шунингдек, улар шу ерда бўлишининг белгиланган муддати ўтгач, чиқиб кетишларини таъминлашга доир чоралар кўрилмаслиги, шунингдек, уй-жой, транспорт воситалари бериб қўйилиши ёхуд бошқа хизматлар кўрсатилиши, агар бу Узбекистон Республикасида бўлиш қоидаларининг бузилишига олиб келиши олдиндан аён бўлса, —

энг кам иш ҳақининг икки бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан республикада бўлган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар қонунларга, жамоат тартибига риоя қилишлари, ҳокимият вакилларининг қонуний талабларини бажаришлари лозим.
2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан умумий асосда (алоҳида қоидалар фақат тегишли имтиёз ва иммунитетдан фойдаланувчи шахсларга нисбатан ишлатилади) маъмурий жавобгарликка тортилади.
3. Жамоат тартибини таъминлаш, хорижий фуқаролар учун Ўзбекистон Республикасида бўлган вақтларида ва республика ҳудуди орқали ўтаётганларида нормал шароит яратиб бериш манфаатларини кўзлаб, хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга муайян ва мажбурий қоидалар ўрнатилади. «Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидалари» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрь қарори билан ва ушбу қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 апрель 178-сонли қарорида белгиланган.

4. 225-модданниг 1-бандида кўзда тутилган ҳуқуқбузарликнинг объектив томони қуйидаги ҳаракатда (ҳаракатсизликда) ифодаланади. Ўзбекистон

Республикасида яшаш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан вақтинча ёки доимий пропискасиз яшаши, рўйхатдан ўтиш, прописка, кўчиш ёки турар жой танлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этмаслиги, бўлиш муддати тугагач чиқиб кетишдан бўйин товлаши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш тартибига риоя қилмаслик.

5. 225-модданинг 1-қисмида Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш турлари мукаммал кўрсатиб ўтилган қоидалар ҳуқуқбузарликнинг кўрсатилган аломатларини кенг изоҳлашни истисно қилади.

6. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштириши лозим, яъни ўзларининг хорижий паспортларини ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатларни рўйхатдан ўтказишлари ёки тегишли гувоҳнома олишлари лозим. Бундай гувоҳнома ва фуқаролиги бўлмаган шахслар гувоҳномасини олиш тартиби Ўзбекистон Республикасида хорижий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар гувоҳномалари ҳақидаги Низом билан белгиланади (қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 декабрдаги Фармонига 2-илова).

7. Хорижий паспорт, агар у тегишли тарзда расмийлаштирилган: паспортнинг барча реквизитлари тўлдирилган, эгасининг сурати ёпиштирилган, мансабдор шахсларнинг имзоси қўйилган, муҳр босилган ва ҳоказолар бўлса, ҳақиқий ҳисобланади. Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган паспорт ҳақиқий ҳисобланмайди.

8. Ўзбекистон Республикасига (бир ярим ойдан ортиқ муддатга меҳмонхоналарда қайд этилганлардан мустасно) келган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тураржойдаги ички ишлар органларида прописка ва рўйхатдан ўчирилишлари лозим. Прописка хорижий паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжатлар рўйхатдан ўтгандан кейин 72 соатдан кечикмай расмийлаштирилиши лозим.

9. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб кўчиш, Ўзбекистон Республикасида тураржой танлашлари мумкин.

Умумий қоида шундан иборатки, тураржойини ўзгартириш ёки Узбекистон Республикасига кириш визасида кўрсатилмаган манзилга вактинча жўнаб кетишни истовчи юқорида кўрсатилган шахслар ички ишлар органларидан рухсат олишлари лозим. Аҳоли яшаш пункти (шаҳар, посёлка, қишлоқ) доирасида тураржойни ўзгартиришга рухсатнома талаб этилмайди.

10.Вақтинча келган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар шу ерда бўлишнинг белгиланган муддати тугагач, Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишлари лозим. Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетмаслик сабаби вазиятга қараб узрли деб тан олинади. Одатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетиш жисмонан мумкин бўлмаслик узрли сабаб сифатида тан олинади.

11.16 ёшга етган хорижий фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахс 225-модда 1-бандида кўзда тутилган ҳуқуқбузарлик субъекти бўлиши мумкин.

12.Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш шартларига риоя қилиш билан боғлиқ бўлган ўз вазифаларини номуносиб бажарганлиги учун мансабдор шахсларга ва бошқа фуқароларга қонунда маъмурий жавобгарлик кўзда тутилган.

13.225-модда 2-бандида кўзда тутилган ҳуқуқбузарликнинг объектив томони мансабдор шахсларнинг хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларида кўзда тутилган қабул қилиш тартибини бузишда ифодаланади.

Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатдан ўтказиш, ҳужжатлаштириш, прописка қилиш, бир жойдан иккинчи жойга кўчириш билан (хусусий иш билан келганда бундан мустасно), шунингдек, улар учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришни таъминлаш хорижий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикасида қабул қилувчи корхона, ташкилот, ўқув юртларининг мансабдор шахслари зиммасига юкланади. Хорижий фуқароларни қабул қилувчи тегишли вазирликлар, идоралар, ўқув юртлари ва бошқа ташкилотлар уларга рўйхатдан ўтиш учун хорижий фуқаролар зарурий ҳужжатларни топширганидан кейин 48 соатдан кечикмай ички ишлар органларига ёзма илтимоснома йўллашлари лозим. Ўзбекистон Республикасида яшаш ҳуқуқи берилган ҳужжатларни рўйхатга олишни хорижий фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахс келган пайтдан 48 соатдан оширмай расмийлаштириш меҳмонхона ходимлари учун белгилаб қўйилган.

14.225-модда 2-бандида кўзда тутилган ҳуқуқбузарликнинг субъекти Ўзбекистон Республикасида хорижий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қабул қиладиган ёки уларга хизмат қилишни таъминлайдиган корхонадар, муассасалар, ташкилотлар ва ўқув юртларининг мансабдор шахслари бўлиши мумкин.

15.225-модда 3-бандида кўзда тутилган ҳуқуқбузарликнинг объектив томони хорижий фукаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни хусусий иш билан Ўзбекистон Республикасига таклиф қилган фуқаро томонидан мазкур фуқаролар ўз вақтида рўйхатдан ўтказмаслик, улар шу ерда бўлишининг белгиланган муддати ўтгач, чиқиб кетишларини таъминламасликлари, шунингдек, уй-жой, транспорт воситалари бериб қўйилиши, ёхуд бошқа хизматлар кўрсатилишининг белгиланган қоидаларини бузишда ифодаланади.

16. Ўзбекистон Республикасига хусусий иш билан келган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида бўлиши билан боғлиқ барча масалаларни ички ишлар органларида ўзлари ҳал қиладилар.

17.Ички ишлар органлари ходимлари Ўзбекистон Республикасига хусусий иш билан хорижий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни таклиф этган фуқароларга уларнинг Ўзбекистон Республикасида фуқароларга уларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишларининг тартиби билан боғлиқ

бўлган қоидаларни тушунтириб беришади ва таклиф этувчилар хорижий меҳмон кўрсатилган қоидаларга риоя этишини таъминлаш юзасидан ёзма мажбурият олади.

18.Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлган фуқаролари 225-модда 3-бандида кўзда тутилган ҳуқуқбузарликнинг субъекти бўлишлари мумкин.

19.Тураржой дейилганда уй-жой жамғармасининг барча хил: давлат, жамоат, кооператив ва шахсий турлари тушунилади. Транспорт воситалари дейилганда Давлат автомобил назоратида рўйхатдан ўтиши лозим бўлган автомототранспорт воситаларини тушуниш керак. Берилган транспорт давлатникими, жамоат ташкилотиникими ёки хусусийми, бунинг аҳамияти йўқ. Бошқа хизматлар кўрсатиш дейилганда хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузишга ҳамкорлик қиладиган Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг хатти-ҳаракатлари тушунилади (масалан, ички ишлар органлари бориб кўришга рухсат этмаган аҳоли пунктига темир йўл билети сотиб олиш).

20.225-моддада кўзда тутилган ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони ҳам қасддан қилиш, ҳам эҳтиётсизлик шаклида ифодаланади, айбдор хорижий фуқаро ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикасида бўлишининг мавжуд қоидаларини ёки уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш қоидасини бузаётганлиги тушунилади ва бузишнинг ана шундай турига онгли равишда йўл қўяди ёки ўз хатти-ҳаракатининг жамоат учун зарарли эканини англаши мумкин ва лозим бўлса ҳам англамайди.

21. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш қоидасига амал қилмаслик, худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо белгиланганидан кейин юз берса, ЖКнинг 224-моддаси бўйича жиноятни юзага келтиради.

22. 225-модда бўйича маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишлар ички ишлар органлари томонидан кўриб чиқилади (248модда).

226-м о д д а. **Чет элга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини бузиш**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан чет элга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришни сўраб мурожаат этишнинг белгиланган тартибини бузиш, —

қонунга хилоф равишда расмийлаштирилган ҳужжатларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Белгиланган тартибни бузган ҳолда чет элга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қонунга мувофиқ хусусий, жамоат ишлари билан, доимий яшаш учун, тураржойида, ўқишга, даволаниш учун, хизмат сафари билан чет элга эркин чиқиш ҳуқуқига эгадирлар (қаранг; Узбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари тўплами, 1995, 1-сон, 1-модда).

Чет элга чиқиш ниятида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари яшаш жойидаги ички ишлар органларига белгиланган шаклда тўлдирилган анкета-ариза ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги паспортини кўрсатиб мурожаат қиладилар.

Ички ишлар органлари фуқаронинг анкета-аризасини 15 кунлик муддат ичида кўриб чиқади ва унинг паспортига икки йил муддатга чет элга чиқиши учун белги қўяди. Доимий яшаш учун чет элга жўнаб кетувчи шахслар учун ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати зарур бўлганда 30 кунгача чўзилиши мумкин.

Жўнаб кетувчи фуқаро хорижий давлат визасини (ижозат белгиси) олиш учун тегишли давлат дипломатия ва консуллик ваколатхоналарига мурожаат қиладилар.

18 ёшга тўлган фуқаролар анкета-ариза топширадилар. 18 ёшга етмаган болалар чет элга чиқаётганда уларнинг қонуний вакиллари томонидан анкета-ариза топширилади.

14 дан 18 ёшгача бўлган болалар доимий яшаш учун чет элга жўнаб кетаётганида кетувчиларнинг розилигини тасдикдовчи нотариал тасдиғидан ўтган ҳужжатлар кўрсатилиши лозим.

3. Доимий яшаш учун жўнаб кетаётганда ота-онанинг, эр-хотиннинг розилигини тасдикдовчи нотариал тасдиғидан ўтган ҳужжатлар, юқоридагилар вафот этган бўлса — вафоти ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаси топширилиши керак.

Хизмат сафарига жўнаб кетишни расмийлаштириш хизмат сафарига жўнатаётган ташкилотнинг илтимоси ва жўнаб кетувчи шахснинг анкета-аризасига асосан амалга оширилади. Фуқаролик паспортини ички ишлар органлари расмийлаштиради, бориладиган мамлакатга хизмат визаси Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги воситасида таъминланади.

Давлат шартномаси бўйича ходимларни хорижий мамлакатларга хизмат сафарига жўнатиш ҳақидаги қарор жўнатувчи ташкилот томонидан қабул қилинади.

Хусусий шартномалар бўйича чет элга боришни расмийлаштириш Меҳнат вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Хорижий мамлакатларга ўқувчи, аспирант, олим ва мутахассисларни тажриба орттиришга юбориш ҳақидаги қарорни йўллаётган муассаса ҳал қилади.

Халқаро ҳукумат битимлари бўйича хорижий мамлакатларга жўнатиш тўғрисидаги қарор Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул килинади.

Жамоат ташкилотлари соҳаси бўйича хорижий мамлакатларга хизмат сафарига жўнатиш тўғрисидаги қарор ташкилот раҳбари томонидан қабул қилинади.

Хизмат сафарига жўнаётган ва давлат сирини ташкил этувчи маълумотлар ҳақида хабардор бўлган шахсга хизмат сафарига йўллаётган шахс ташкилот анкета-ариза билан бирга хабардорлик даражаси ҳақидаги хулосани ҳам тақдим этади.

Чет элга чиқиш ҳуқуқи:

—агар шахс давлат сирини ташкил этувчи маълумотлар ҳақида хабардор бўлса ёки унга нисбатан чет элга чиқиши учун тўсқинлик қилувчи шартномавий, битимга хос мажбурият белгиланган бўлса — бу ҳолатлар тўхтатилгунча;

—агар шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса — иш юритиш тўхтатилгунча;

—агар шахс суд ҳукми билан алоҳида хавфли рецидивист сифатида тан олинган бўлса ёки милициянинг маъмурий назорат бекор қилингунча, назоратида бўлса — судланганлик бекор қилингунча (олиб ташлангунча) ёки назорат тўхтатилгунча;

—агар шахс унга нисбатан суд томонидан юкланган мажбуриятни бажаришдан ўзини олиб қочса, мажбуриятни батамом адо этгунча;

—агар шахс ўзи ҳақида атайин сохта маълумотлар берган бўлса;

—агар шахсга судда фуқаролик даъвоси кўрсатилган бўлса — иш юритиш тўхтатилгунча;

—агар шахс чақирув участкасида қайд этилган ва ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилиш лозим бўлган ҳарбий хизматни ўташ муддати тугагунча ёки қонун бўйича ундан озод қилингунча чекланиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган асослар бўйича чет элга чиқиш ҳуқуқи рад этилса, белгиланган муддатга жавоб берилмаса, юқори органларга шикоят қилиш, унинг қароридан норози бўлса — судга мурожаат қилиши мумкин.

3. Чет элга чиқишнинг белгиланган тартиби ҳуқуқбузарликка қасд қилиш объекти ҳисобланади.

4. Объектив томони ҳам хатти-ҳаракатда, ҳам ҳаракатсизликда ўз ифодасини топади.

5. Субъект — 16 ёшга етган фуқаролар ва мансабдор шахслар.

6. Субъектив томони бевосита қасд қилишда ифодаланади. Айбдор ўз қилмиши ғайриҳуқуқий эканини ҳис этади, аммо жавобгарликдан қутулиб қолиш ва ўз мақсадига эришиш мумкин бўлади, деб ўйлайди.

7. 226-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқадилар (245-модда).

8. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай ашё бўлган нарсани мусодара килиш тўғрисидаги қарор туман (шаҳар) судлари қошидаги суд ижрочилари томонидан ижро этилади (337-модда)

227-модда. **Божхонага доир қонун ҳужжатларини бузиш**

Божхонага доир қонун ҳужжатларини бузиш, — ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн

бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ўзбекистон Республикасининг божхона иши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, Бож тарифи, Давлат божхона хизмати тўғрисидаги қонунлари ва бошқа қонун кучига эга бўлган меъёрий ҳужжатлардан иборат. Уларда кўрсатилишича, давлат ташкилотлари, корхоналар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан товар ва бошқа буюмларни божхона чегараси орқали олиб ўтиш тартибига риоя этишларини таъминлаш мақсадида божхона текшируви амалга оширилади.

Божхона текшируви божхона мансабдор шахслари томонидан божхона назоратининг зарурий ҳужжатларини (транспорт воситалари, товар ва бошқа буюмлар назорати, шахсий назорат), божхона чегараси орқали ўтадиган нарсалар ҳисобини текшириш йўли билан ўтказилади.

Текширув ўтказилаётганда инсон ҳаёти ва саломатлиги, ҳайвонлар ва ўсимликлар учун хавфсиз бўлган, корхоналар, ташкилотлар ва фуқароларга зиён етказмайдиган техника воситаларини қўллаш мумкин.

Товар ва бошқа буюмларни божхона чегараси орқали олиб ўтадиган корхона ва ташкилотлар, шунингдек, божхона чегараси орқали ўтадиган фуқаролар божхонага божхона текшируви учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этишлари керак.

Божхона товар ва бошқа буюмларни божхона чегараси орқали ўтказиши, ҳисоб-китоби, уларни божхона пошлинаси ва божхона йиғими солишнинг қонунийлигини текшириш мақсадида транспорт воситалари, товар ва бошқа буюмларни назорат қилиш ҳуқуқига эга.

Узбекистон Республикаси божхона чегараси орқали бундай товар ва бошқа буюмларни ўгказаётган ёки уларни саклашни амалга ошираётган корхона ёки ташкилотларнинг раҳбарлари текширув пайтида ҳозир бўлишлари лозим.

Шахсий текширув, божхона назоратининг алоҳида усули сифатида божхона бошлиғининг ёзма рухсатномаси билан амалга оширилади, бунда божхона чегараси орқали ўтаётган фуқаро ёнида контрабанда буюми ёки божхона қоидасини бузишнинг бевосита объекти ҳисобланган нарсани яшираётганига етарли асос бўлиши лозим.

Текширув олдидан божхона мансабдор шахслари фуқарога божхона бошлиғининг ёзма қарорини кўрсатишлари, фуқарони бундай текширув бажарилаётгандаги ҳуқуқ ва бурчлари билан таништириш ҳамда яширган нарсаларни кўнгилли равишда текширишни таклиф қилишлари лозим.

Шахсий текширувда божхона мансабдор шахси бир хил жинсдаги текширилувчини ўша жинсдаги икки холис иштирокида, санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган алоҳида хонада ўтказиши лозим. Бу хонага текширувда қатнашмайдиган фуқароларнинг киришига, бундай фуқароларнинг шахсий текширувни кузатишига йўл қўйилмаслиги лозим.

Текширилувчининг тана аъзоларини кўздан кечириш фақат тиббиёт ходими томонидан амалга оширилади.

Шахсий текширув ўтказилгани ҳақида қайднома тузилади. Қайдномага шахсий текширувни ўтказувчи божхона мансабдор шахси, текширувдан ўтган фуқаро, холислар, тиббий ходим текширилган бўлса — ўша ходимлар имзо чекади. Текширувдан ўтган фуқаро қайдномага баёнот ёзиш ҳуқуқига эга.

Транспорт воситалари (шу жумладан, шахсий фойдаланиладиган транспорт воситалари) божхона расмийлаштируви товарларни, меросга қолган мол-мулкни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси божхонаси чегарасидан ташқарига кузатилмай ўтказиладиган юклар орасидаги буюмлар, халқаро почта жўнатмалари ва юкларини божхона расмийлаштируви учун божхона йиғими ундирилади.

2. Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ўтиш тартиби, божхона тартиби ҳуқуқбузарликнинг қасд қилиш объекти ҳисобланади.

3. Объектив томони хатти-ҳаракатда ҳам, ҳаракатсизликда ҳам ифодаланади.

4. Субъект — 16 ёшга тўлган фуқаролар, мансабдор шахслар.

5. Субъектив томони — қасддан қилиш ёки эҳтиётсизлик.

6. 227-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича судьялар (245-модда) ва божхона органлари (262-модда) томонидан кўриб чиқилади.

7. 227-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан тузилади.

8. Божхона қонунларининг алоҳида йирик ҳажмда ёки хизмат мавқеидан фойдаланиб, ёриб кириш йўли билан, шунингдек уюшган шахслар гуруҳи манфаати йўлида бузилиши ЖКнинг 182-моддаси бўйича квалификация қилинади.

228-м о д д а. **Мухрлар (пломбаларни) қасддан бузиш ёки юлиб олиш**

Ушбу Кодекс 146-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда ваколатли мансабдор шахс қўйган муҳрлар (пломбалар)ни қасддан бузиш ёки юлиб олиш, —

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик давлат бошқарув органлари (уларнинг мансабдор шахслари) вазифаларини одатдагидек амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларга қасд қилинади.

2. Объектив томондан айбдорнинг атайлаб қилган ҳаракати муҳрлар ва пломбаларни бузиш ёки юлиб олишда ифодаланади. Бу хатти-ҳаракат Кодекснинг 146-моддасида кўзда тутилгандан кўра бир оз бошқача хусусиятга эга.

Шарҳланаётган модданинг ҳаракат доирасига бирорта бузилиш ҳоллари аниқланганда (масалан, рухсат бериш тизими қоидаси, санитария қоидаси, давлат ўт ўчириш назорати, сувдан фойдаланиш қоидалари ва ҳоказолар) ва органнинг (мансабдор шахснинг) ўз вазифасини, шунингдек, фуқаро фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш мақсадида ёки қурилма ишини, транспорт воситаларини тўхтатиб қўйиш учун қўйилган муҳр ва пломбаларни юлиб олиш ёки бузиш ҳоллари киради ва ҳоказо.

Кўрсатилган хатти-ҳаракат (муҳр ва пломбаларни юлиб олиш ёки бузиш) қандай мақсадларда амалга оширилганидан қатъи назар, ҳуқуқбузарлик қилмиши таркиби мавжуд.

3. Субъектив томондан шарҳланаётган модда айбдорда шундай ният борлигини мўлжаллайди. Шахс ноқонуний иш қилаётганини тушунади: пломба, муҳрларни юлиб олади, бузади.

4. Мансабдор шахслар ҳам, фуқаролар ҳам қилмиш субъектлари бўлишлари мумкин.

5. Ушбу ишлар туркуми бўйича қайдномалар муҳрлаш ёки пломбалашни амалга оширувчи мансабдор шахслар, ички ишлар органлари ходимлари, шунингдек, бошқа шахслар (дружиначилар ва бошқалар) томонидан тузилади.

6. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш ва улар бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқи маъмурий ишлар бўйича судьялар (245-модда), табиатни қўриқлаш қонунлари бузилгани учун муҳр (пломба)ланган бўлса — табиатни муҳофаза қилиш органлари (261-модда)га тааллуқлидир.

229-м о д д а. **Бўш иш жонларини яшириш**

Бўш иш жойлари (бўш лавозимлар)ни яшириш, шунингдек, ҳар бир ходим бўшатиб олиниши кутилаётганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида бермаслик. Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармасига ажратмаларни тўлашдан бўйин товлаш, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1998 йил 5—6-сон, 97-модда), меҳнаткашлар ҳар ким иш берувчига бевосита мурожаат қилиш ёки меҳнат органларининг бепул воситачилиги орқали иш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эга.

Иш қидираётган ва меҳнат органларига мурожаат қилган фуқаролар таъмин этиладиган иш турини, иш жойини ва меҳнат режимини эркин танлаш мақсадида касб-корга доир бепул маслаҳатлар олиш, касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ўтиш, малака ошириш ҳамда тегишли ахборот олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш, мустақил иш қидириш ва ишга жойлашиши ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мамлакат ташқарисидаги ҳамда чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидаги меҳнат фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фуқаролар меҳнат органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан бўйсуниш бўйича юқори органга ёки мансабдор шахсга ёхуд бевосита шикоят қилиши мумкин.

Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқариш ҳамда фуқароларга тегишли кафолатларни таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва унинг маҳаллий органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги:

меҳнат бозорини таҳлил этади ва истиқболини белгилайди ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш даражасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади;

аҳолини иш билан таъминлаш масалалари юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий меҳнат органларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамгармаси маблағларидан ишсиз шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, янги иш жойлари яратиш, иш билан банд бўлмаган аҳолини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш учун фойдаланишнинг йўналишларини белгилайди; '

аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Маҳаллий меҳнат органлари:

фуқароларга мақбул келадиган ишни танлашда, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бошқа иш берувчиларга эса зарур ходимларни танлашда ёрдам беради;

меҳнат органларига мурожаат қилган фуқаролар ва иш берувчиларга иш топиш ва ишчи кучи билан таъминланиш имкониятлари тўғрисида, ходимларга нисбатан қўйилаётган талаблар ҳақида ва иш билан таъминлашга тааллуқли бошқа масалалар юзасидан маслаҳатлар беради;

ишламаётган фуқароларни касбга ўргатиш, қайта ўргатиш ва малакасини ошириш тўғрисида ўқув юртлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан шартномалар тузади;

ишсиз шахсларни рўйхатга олишни таъминлайди ва уларга ёрдам кўрсатади, шу жумладан, нафақалар тайинлаш ва.тўлашни амалга оширади;

меҳнат бозорининг ҳолатига ва мазкур бозорни ривожлантириш истиқболларига баҳо беради, унинг мониторингини ташкил этади ва ўтказади ҳамда тегишли ахборот тарқатилишини таъминлайди;

бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) ҳамда иш қидириб мурожаат этаётган ва ишга жойлашишга муҳтож фуқаролар ҳисобини юритади;

аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашади;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан мўлжалланаётган тузилмавий ўзгаришлар ҳамда амалга оширилиши натижасида ходимлар ишдан озод

этилиши мумкин бўлган бошқа тадбирлар тўғрисида, шунингдек, бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) бор-йўқлиги, меҳнат хусусияти ва шароитлари тўғрисида ахборотлар олади;

давлат ва нодавлат таълим муассасаларида уларнинг йўналиши ва ихтисослашуви, битирувчиларнинг касбмалака таркиби ва сони тўғрисида ахборотлар олади;

меҳнат органларига мурожаат этган фуқароларни касб тайёргарлиги ва малака даражасига мувофиқ корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга уларда бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) бўлган тақдирда ишга жойлаштириш учун юборилади;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун ижтимрий ҳимояга муҳтож шахсларни ишга қабул қилишга мўлжалланган энг кам миқдордаги иш жойларини белгилаш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади ва уларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг муҳокамасига киритади, шунингдек, мазкур фуқароларни ишга жойлаштириш учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга юборади;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ишончномаси асосида улар номидан фуқароларни ишга жойлаштириш тўғрисида уларни олдиндан (зарурат бўлган тақдирда) касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, йўлкира, кундалик харажатлар ҳақини тўлаш шарти билан шартномалар тузади, шунингдек, янги яшаш ва иш жойига кўчиб бориш чоғида тегишли корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан ёрдам пули беради;

ишсиз фуқароларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига белгиланган тартибда уларнинг ўз хоҳишига кўра жўнатади;

иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасининг маблағларини белгиланган тартибда тасарруф этади;

фуқароларга ишсизлик нафақасини белгиланган тартибда тайинлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Меҳнат органлари томонидан аҳолига, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, бошқа иш берувчиларга кўрсатилаётган хизматлар, шу жумладан, меҳнат бозори ҳолати тўғрисида ахборот бериш бепул амалга оширилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш борасидаги ваколатларига қуйидагилар киради:

аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини амалга ошириш;

аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг умумий принциплари амалга оширилишини таъминловчи норматив ҳужжатлар қабул қилиш;

аҳолини иш билан таъминлаш юзасидан ҳудудий тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган, таълим муассасаларини

тамомлаган, Қуролли Кучлар, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлиги хизмати қўшинларидан бўшатилган фуқароларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш ва айрим турдаги ишларни (касбларни) эҳтиёт тариқасида сақлаб туриш;

меҳнат бозоридаги аҳвол барқарорлашувига кўмаклашувчи, шу жумладан, меҳнат шартномалари оммавий равишда бекор килинишининг олдини олишни, мавжуд иш жойларини сақлаб қолиш ва янги иш жойларини яратишни, ҳақ тўланадиган вақтинчалик ва жамоат ишларини аниқлашни ўз ичига олган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан, шунингдек, жамоат келишувлари билан ушбу Қонунга зид бўлмаган, фуқароларнинг ижтимоий муҳофазаланганлигини кучайтирувчи мақбул келадиган иш таклиф этиш, ишсизларни рўихатдан ўтказиш ва қайта рўйхатга олишнинг бошқа шартлари ва тартиби, шу жумладан, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ишсизлик нафақаларини тўлаш муддатларини узайтириш ва миқдорларини ошириш, жамоат ишларидаги меҳнатга ҳақтўлаш, шунингдек, касбга ўқитиш даврида стипендия тўлаш назарда тутилиши мумкин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш тўғрисидаги қарорни олти ойгача муддатга тўхтатиб қўйиши мумкин, бунда улар ана шу кечиктириш туфайли корхоналар, муассасалар, ташкилотлар кўрадиган зарагзни қисман ёки тўлиқ қоплайди.

Ўзбекистон Республикасида иш берувчилар иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга қуйидаги йўллар билан кўмаклашадилар:

ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун шароит яратиш;

иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасига молиявий ажратмалар ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда миқдорини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари белгилайдиган иш жойларига ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган; таълим муассасаларини тамомлаган;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидан, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати қўшинларидан бўшатилган фуқароларни ишга жойлаштириш;

бўш иш жойлари (вакант лавозимлари) бор-йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойда, мўлжалланаётган ишдан озод қилишлар тўғрисида ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда ахборотларни олдиндан (камида икки ой олдин) маҳаллий органларига тақдим этиш.

Ахборотнинг ўз вақтида тақдим этилмаслигида ва бўш иш жойларини (вакант лавозимлари) яширганликда айбдор бўлган ҳамда Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасига ажратмалар ўтказишдан

бош тортган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга энг кам миқдордаги иш жойларини яратиш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари чиқарган қарорларни бажармаганлик учун иш берувчилардан ҳар бир яратилмаган иш жойи учун ходимнинг йиллик ўртача иш ҳаки миқдорида жарима ундирилади. Аввал талабнома берилган, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим олган, шунингдек, касб тайёргарлиги олишга ва қайта тайёргарлик ишига қабул қилишдан бош тортганлик учун ҳам худди шу миқдорда жарима ундирилади. Ундириб олинган маблағлар Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасини тўлдириш учун ўтказилади.

Иш берувчиларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар учун белгиланган энг кам миқдордан ортиқроқ кўшимча иш жойларини яратиш, шунингдек, бундай шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш мақсадида қилган сарф-харажатлари маҳаллий бюджет маблағлари, Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағлари ва бошқа маблағлар ҳисобидан қопланади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг иш жойларини қисқартириш ёки тугатиш маҳаллий меҳнат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан касаба уюшмалари қўмиталари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

2. Бошқарувнинг белгиланган тартиби шарҳланаетган ҳуқуқбузарликка қасд қилиш ҳисобланади.

3. Объектив томони ҳаракатда (тамагирлик истагида, ғаразли мақсадда, қариндош-уруғларни ишга жойлаштиришни ўйлаб сингарилар) ва ҳаракатсизликда (ишдан бўшатилганлар тўғрисидаги маълумотни ўз вақтида тақдим этмаслик, Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасига ажратма ўтказишдан бўйин товлаш) ифодаланади.

4. Субъект — мансабдор шахс.

5. Субъектив томон — бевосита қасд қилиш.

6. 229-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар меҳнат бўйича ҳуқуқий ва техник инспекторлар, шунингдек, меҳнат шарт-шароитлари давлат экспертизаси мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилади (225-модда).

230-м о д д а. **Фуқаролик ҳолати актлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Фуқаролик ҳолати актларини ёзиш органларига атайин ёлғон маълумотлар бериш ёки тегишли органларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган фуқаролик ҳолати актлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаслик, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан икки бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Фуқаролик ҳолати далолатномаларининг қайд этилиши Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда янги қабул қилинган Оила кодекси асосида амалга оширилади. Унда кўрсатилишича:

Фуқаролик ҳолати далолатномалари — фуқаролар ҳаётидаги туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш, никоҳдан ажратиш каби воқеа ва фактларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланишидир.

2. Фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш каби воқеа ва фактлар юқорида назарда тутилган фуқаролик ҳолатлари далолатномаларига тегишли ўзгартиришлар киритишда ифодаланади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларни ёзиш давлат аҳамиятига молик ҳужжатлар бўлиб, икки нусхада тузиладй.

Фуқаролик ҳолати далолатномалари туман ва шаҳарларда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларида қайд этилади, шаҳар, қишлоқ ва овулларда эса туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш, никоҳдан ажратиш, оталикни белгилаш — фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) томонидан ҳам қайд этилиши мумкин.

Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олиш борасидаги ҳаракатлари ўзлари жойлашган ҳудудлардаги тегишли фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларининг назорати остида бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг чет элда доимий ёки вақтинча яшовчи фуқароларининг фуқаролик ҳолати далолатномалари консул томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ қайд этилади.

Алоҳида ҳолларда никоҳни қайд этиш касалхона ёки уйда амалга оширилади.

Никоҳни қайд этиш тантанали вазиятда амалга оширилиши мумкин.

Никоҳ тузишга:

—лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида;

—насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида;

—лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузилган фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш етарли асослар мавжуд бўлиб, манфаатдор шахслар ўртасида низо бўлмаганда ушбу далолатнома ёзувлари сақланаётган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан амалга оширилади

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида тузилган фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларига тузатишлар киритиш ҳақидаги аризалар ариза берувчининг яшаш жойларидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларни ёзиш органида кўриб чиқилади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларининг далолатнома ёзувларига ўзгартиш, тузатиш ва қўшимчалар киритишни рад этиш тўғрисидаги хулосаси устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Туғилиш, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш ҳақидаги далолатномалар ёзувлари бу ёзувлар кимга нисбатан тузилган бўлса, фақат ана шуларнинг аризасига кўра тикланади.

Ёзувни тиклашдан манфаатдор тарафлар ўртасида низо бўлса, ёзувни тиклаш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан амалга оширилади.

Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувлари ариза берувчининг яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида тикланади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш пайтида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларига атайин ёлғон маълумот берган шахс Кодекснинг 230-моддаси бўйича жавобгар бўлади.

2. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш тартиби ва қоидалари кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг қасд қилиш объекти ҳисобланади.

3. Объектив томони хатти-ҳаракатда ифодаланади.

4. Субъект — 16 ёшга тўлган фуқаролар ва мансабдор шахслар.

5. Субъектив томони — қасддан қилиш. Айбдор амалга ошираётган қилмишининг ғайриҳуқуқий эканини ҳис этади, аммо ғаразли мақсадларни кўзлаб ёки яна аллақандай сабабларга кўра, шунга йўл қўяди.

6. 230-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

231-м о д д а. Чақирув участкаларида қайд ҳисобидан ўтиши лозим бўлган ёшларнинг рўйхатларини мудофаа ишлари органларига тақдим этмаслик

Ҳарбий ҳисоб ишлари учун масъул бўлган шахсларнинг чақирув участкаларида қайд ҳисобидан ўтиши лозим бўлган ёшларнинг рўйхатларини туман (шаҳар) мудофаа ишлари органларига белгиланган муддатда тақдим этмаслиги, —

энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1.Мудофаа ишлари органларига чақирув участкаларида қайд ҳисобидан ўтиши лозим бўлган ёшлар рўйхатини топширмаслик бошқарув тартибига

қасд қилувчи маъмурий хато ҳисобланади. Уни амалга оширган мансабдор шахс чақирув ўтказилишига, ҳарбий қисмларни бутлашга чақирилувчиларнинг ўзларига маънавий зарар етказади. Бундай рўйхатлар, шунингдек, ҳақиқий ҳарбий хизматга тайёрлаш лозим бўлган ёшлар рўйхати «Ўмумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунга мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ведомостлари, 1992, 10-сон, 40-модда), ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги белгилаган муддатда тегишли туман (шаҳар) мудофаа ишлари органлари тақдим этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари штаби тасдиқлаган ҳарбий хизматчиларни ва чақирилувчилар ҳисобини юритиш тартиби ҳақидаги йўриқномага биноан рўйхатлар ҳар йилнинг декабрида тақдим этилади.

2.Объектив томондан ҳисобга олиш тўла ва сифатли чиқишига қонун бўйича жавобгар бўлган мансабдор шахснинг фаолиятсизлиги кўриб чиқилаётган тартиббузарлик ҳисобланади. Юқорида қайд этилган йўриқномалар ва ҳарбий ҳисоб қоидаларига мувофиқ уй-жой бошқармалари, уйлардан фойдаланишни ташкил этувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, уй эгалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ўқув юртлари кадрлар бўлимлари ҳақиқий ҳарбий хизматга тайёрланиши лозим бўлган ёшларнинг рўйхати, шунингдек, чақирув участкаларида қайд этиладиган ёшларни мунтазам равишда рўйхатга киритишлари лозим.

Рўйхатлар шахсий карточкалар, қайд этилганлик карточкалари, хонадон карточкалари, уй дафтарлари асосида тузилади. Рўйхатларга юқорида номлари келтирилган ташкилотлар раҳбарлари, хусусий уй эгалари бўйича эса қўмиталар раислари имзо чекадилар ва гербли муҳр билан тасдиқланади. Ҳақиқий ҳарбий хизматга тайёрланиши лозим бўлган ёшлар рўйхатига 15 ва 16 ёшли ўсмирлар, қайд этилиши лозим бўлган шахслар рўйхатига эса рўйхатдан ўтган йили 17 ёшда бўлганлар, шунингдек, илгари чақирув участкаларида қайд этилмаган катта ёшдаги ёшлар киритилади.

3.Мансабдор шахс қонунда белгиланган мажбуриятни бажармаслиги хизмат бурчига масъулиятсизлик ва инсофсизлик белгиси кўринишларидан ҳисобланади.

4. Корхона, муассаса, ташкилотларнинг раҳбарлари (директор, бошлиқлар, бошқарувчилар), ўқув юртлари раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг кадрлар бўлими ходимлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг бошқа ваколатли раҳбарлари, ҳарбий ҳисоб ишларига масъул мансабдор шахслар, шунингдек, уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси бошлиқлари ва бошқа мансабдор шахслар лавозимларни тақсимлаш билан боғлиқ бошқа мансабдор шахслар, уй-жой эгалари ушбу модда бўйича масъул субъектлар ҳисобланади.

5.Модда мансабдор шахснинг биринчи қилмиши учун маъмурий жазо олгандан кейин бир йил мобайнида 231-модданинг 1-бандида кўзда тутилган қилмишни такрорлагани учун ортиқ даражада масъулият юклайди.

6. 231-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни маъмурий ишлар бўйича судьялар (245-модда) ва туман марказидан олисда ва бориш қийин бўлган ердаги шаҳарча, қишлоқ ва овуллардаги

фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қошида тузилган маъмурий комиссиялар кўриб чиқиладилар (246-модда).

232-м о д д а. **Чақирилувчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларга улар мудофаа ишлари органларига чақирилаётганлиги тўғрисида хабар беришни таъминламаганлик**

Раҳбарлар ёки ҳарбий ҳисоб ишлари учун масъул бўлган бошқа шахсларнинг туман (шаҳар) мудофаа ишлари органлари талаби бўйича чақирилувчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларга улар мудофаа ишлари органларига чақирилаётганлиги тўғрисида хабар беришни ташкил этмаганликлари ёхуд фуқароларнинг чақирув участкаларига ёки йиғин жойларига ўз вақтида боришларига тўсқинлик қилиш, —

энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, 10-сон, 40-модда)га кўра, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ўқув юртларининг раҳбарлари мудофаа ишлари идораларининг талабига биноан ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни воқиф этишлари ҳамда уларнинг чақирув бўйича ўз вақтида ҳозир бўлишларини таъминлашлари шарт (37-модда). Раҳбарлар фуқароларнинг чақирув участкаларига ва йиғин жойларига ўз вақтида боришларига тўсқинлик қилмасликлари керак.

Қонуннинг 37-моддасига мувофиқ, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ва ўқув юртларида умумий ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар ўртасида «Ўмумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуннинг ҳарбий ҳисоб қисми талабларини оғишмай, аниқ бажариш бўиича кенг тушунтириш ишларини олиб боришлари, бу ишларнинг бажарилши юзасидан тегишли назоратни таъминлашлари лозим.

2.Кодекснинг 232-моддасида мансабдор шахсларга:

—ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларга улар мудофаа ишлари органларига чақирилаётганлиги тўғрисида хабар беришни таъминламаганликлари;

—фуқароларни чақирув участкаларига ёки йиғин жойларига боришларига тўсқинлик қилишлари учун жавобгарлик кўзда тутилган.

3.Шарҳланаётган модда бўйича жавобгарликка тортилган мансабдор шахсларнинг ғайриҳуқуқий хулқ-атвори ўз вазифасига виждонан

муносабатда бўлмаслик, мажбуриятини бажармаслик, бепарво муносабат, бундай хулқ-атвор билан мудофаа ишлари идораларига чақирув бўйича тадбирларни ўтказиш тартибига зарар етказиш мумкинлигини тушунмаслик билан тавсифланади.

4.Раҳбарлар ёки бошқа мансабдор шахслар ушбу ҳуқуқбузарлик субъектлари бўлишлари мумкин (Кодекснинг 15-моддасига қилинган шарҳларга қаранг).

5.Тегишли фуқароларнинг мудофаа ишлари органларига чақирилаётгани ҳақида хабар бермагани шу билан бирга йиғин жойларига ёки чақирув участкаларига боришларига тўсқинлик қилгани учун маъмурий жазо тадбири қўлланилганидан кейин бир йил мобайнида буни такрорлаган шахснинг қилмиши ушбу модданинг 2-қисми бўйича такрорий ҳуқуқбузарлик сифатида квалификация қилинади.

6.232-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни маъмурий ишлар бўйича судьялар (245-модда) ва туман марказидан олисда ва бориш қийин бўлган ердаги шаҳарга, қишлоқ ва овуллардаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қошида тузилган маъмурий комиссиялар кўриб чиқадилар (246-модда).

233-м о д д а. Чақирилувчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларнинг дастлабки ҳисобини юритиш учун зарур бўлган ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этмаслик

Раҳбарлар ёки ҳарбий ҳисоб ишлари учун маъсул бўлган бошқа шахсларнинг, шунингдек, уй эгаларининг туман (шаҳар) мудофаа ишлари органларига ва ҳокимликларга уй дафтарларини, чақирилувчилар ёки ҳарбий хизматга мажбур ҳисобланган шахсларнинг қайд қилиш карточкаларини ва ҳарбий ҳисоб ҳужжатларини ҳарбий ҳисобга олиш ёки ҳисобдан чиқаришни расмийлаштириш учун ўз вақтида тақдим этмаслиги, —

энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Шарҳланаётган ҳуқуқбузарлик бошқарувнинг белгиланган тартибига қасд қилади. Бундай қилмишни амалга оширган мансабдор шахслар ҳарбий ҳисобни тўғри ва аниқ ташкил этишга, ҳарбий тузилмаларни бутлашга, чақирилувчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларга маънавий зарар етказадилар.

Яшовчиларга ҳужжатларни мудофаа ишлари органларига тақдим этиш, фуқароларни яшаш жойлари бўйича мудофаа ишлари органларига чақирилаётганликларни воқиф этиш бўйича мажбуриятлар «Умумий ҳарбий

мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунга мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ведомостлари, 1992, 10-сон, 40-модда) уй-жойдан фойдаланиш идоралари, корхоналар, муассасаларга, тураржой жамғармасини эксплуатация қилиш бўйича ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, уй эгалари зиммасига юклатилади.

Қайд этилганлик, ҳарбий ҳисоб карточкалари ва бошқа ҳужжатлар тураржойлардан фойдаланиш бошқармаларида, ётоқхоналарнинг комендантларида, кооперативлар раисларида ёки паспорт ҳисобини юритувчи шахсларда сақланади.

Фуқароларга, шахсий мулк сифатида тегишли бўлган уйларда қайд этиш ҳокимиятларда ёки уй эгаларида сақланадиган уй дафтарлари бўйича амалга оширилди. Бу ҳужжатларга мудофаа ишлари органларининг ҳарбий хизматга мажбур бўлган фуқароларни ва ҳарбий хизматга чақирилувчиларни, ҳарбий ҳисобга қўйилгани ҳақида белги қўйилади.

Уй дафтарлари, қайднома карточкалари, ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари, ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар ҳисобланган яшовчиларни қайд этиш ҳақидаги гувоҳномалар ҳисоб маълумотларини таққослаш учун мудофаа ишлари органларига топширилади.

2. Объектив томондан шарҳланаётган ҳуқуқбузарлик фуқароларни яшаш жойи бўйича ҳарбий ҳисобга ўтказишни таъминлашга ёрдам бериш билан боғлиқ бўлган мажбурият юкланган мансабдор ва уй эгаларининг фаолиятсизлиги ҳисобланади.

3. Субъектив томондан қонун белгилаган мажбуриятни бажармаслик қасд қилиш билан тавсифланади. Айбдор шахс ўз хулқ-атворининг ғайриҳуқуқий хусусиятини англайди.

4. Уйлардан фойдаланишни амалга оширувчи уй бошқармалари бошлиқлари ва бошқа мансабдор шахслари, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мансабдор шахслари ёки ҳарбий ҳисоб ишлари юклатилган уй эгалари 233-модда бўиича жавобгар субъектлар ҳисобланади.

5. 233-модданинг 2-қисми 1-бандида қайд этилган ҳуқуқбузарликлар бир йил мобайнида такрор содир этилганлик учун янада оғир жавобгарлик ўрнатган.

Модданинг 1-қисмида кўрсатиб ўтилган маъмурий хатти-ҳаракатнинг бири такрор содир этилса, модданинг 2-қисми бўйича квалификация қилинади.

6. 233-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни маъмурий ишлар бўййча судьялар кўриб чиқадилар (245-модда).

234-м о д д а. **Чақирилувчилар ва ҳарбий хизматга мажбурлар тўғрисидаги маълумотларни хабар қилмаганлик**

Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари мансабдор шахсларининг ногиронлик гуруҳидан қатъи назар, ногирон деб топилган барча

чақирилувчилар ва ҳарбий хизматга мажбурлар тўғрисидаги маълумотларни мудофаа ишлари органларига хабар қилмаганлиги, —

энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш идоралари мансабдор шахсларнинг туман (шаҳар) мудофаа ишлари органларига чақирилувчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларнинг фамилияси, исми, отасининг исмидаги ўзгаришларга оид, уларнинг туғилган санаси ва жойи тўғрисида фуқаролик ҳолати актларини ёзиш дафтарига киритилган ўзгартиришлар ҳақидаги, шунингдек, чақирилувчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларнинг вафотини қайд этиш ҳоллари тўғрисидаги маълумотларни хабар қилмаганлиги, —

энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

1. Шарҳланаётган ҳуқуқбузарлик бошқаришнинг белгиланган тартибига қасд қилади.

Бундай қилмишни амалга оширувчи мансабдор шахслар чақирувни ташкил этиш' ишларига, ҳарбий қисмларни бутлашга зарар келтиришлар ва тўсқинлик қилишлари, ҳарбий хизматга мажбурлар ва хизматга чақирилувчиларга маънавий зиён етказишлари мумкин.

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунга мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992, 10-сон, 40-модда), туман (шаҳар), туманлараро тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари ногирон деб топилган барча ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар тўғрисида мудофаа ишлари бўйича тегишли бўлимларга 7 кунлик муддатда маълум қилишлари керак (37-модда, 5-банд).

Фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш идоралари ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар ўз фамилияси, исми, ота исмини ўзгартирганлиги тўғрисида, фуқаролик ҳолатини қайд ҳужжатларига уларнинг туғилган куни ва жойига ўзгартиришлар киритилганлиги ҳақида, шунингдек, ҳарбий хизматга мажбур ёки чақирилувчиларнинг вафоти қайд этилган ҳоллар тўғрисида етти кунлик муддат ичида туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимларига маълум қилишлари шарт (37-модда, 3-қисм).

2. Объектив томондан ҳуқуқбузарлик шифокорлардан иборат меҳнат эксперт комиссияси ёки ФҲДЁ идоралари мансабдор шахсларининг ҳаракатсизлиги билан тавсифланади.

3. Объектив томондан вазифасини бажармасликнинг характерли жиҳати шундаки, айбдор шахс ўз хулқ-атворининг ҳуқуққа зид характерини англайди.

4.234-модданинг 1-қисми бўйича шифокорлардан иборат меҳнат эксперт комиссиялари раислари ва бошқа мансабдор шахслари, 2-қисми бўйича эса ҳокимиятларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этувчи — ФҲДЁ бўлимлари (бюролари)нинг бошлиқлари ёки мансабдор шахслари жавобгарлик субъектлари ҳисобланадилар.

5. Кодекснинг 234-моддаси ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилишини янада қаттиқ жазо белгилайди.

6. 234-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар (245-модда) ва туман марказидан олисда ва бориш қийин бўлган ердаги шаҳарча, қишлоқ ва овуллардаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қошида тузилган комиссиялар томонидан кўриб чиқилади (246модда)

.

235-м о д д а. **Ҳарбий ҳисобдан ўтиш қоидаларини бузиш**

Фуқароларнинг мудофаа ишлари органларига чақирув участкаси қайд ҳисобдан ўтиш учун чақирув бўйича узрли сабабларсиз келмаганлиги,

энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Чақирилувчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларнинг ҳарбий рўйхатдан ўтиш қоидаларни бузиши, шунингдек, чақирув бўйича мудофаа ишлари органларига узрсиз сабабларга кўра келмаслиги ёки тураржойи, ўқиш жойи, иш жойи ва лавозимидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни қаерда ҳарбий ҳисобда турган бўлса, шу органга ўз вақтида маълум қилмаслиги, —

энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан учдан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик, маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, мамлакатни мудофаа қилиш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида истиқомат қилувчи барча фуқаролар вазифасидир. Ўзбекистон Республикасини ташқаридан бўладиган қуролли тажовузидан ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий бурчидир.

Умумий ҳарбий мажбуриятнинг мазмуни Ўзбекистон Республикасининг фуқароларини ўз мамлакатларини қуролли ҳимоя қилиш учун мажбурий ҳарбий тайёргарликдан ўтказишдан иборат бўлиб, Республика қуролли

кучларини бутлаш ва резерв тайёрлашни таъминлаш мақсадларида жорий этилади..

Умумий ҳарбий мажбурият фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлашни, чақирув участкаларида қайд этишни, ҳарбий хизматга чақириш, ҳарбий хизматни (чақирув бўйича ва ихтиёрий равишда) ўташ, захирада хизмат қилишни, ҳарбий рўйхатдан ўтиш қойдаларига риоя этйшни, умумий ҳарбий таълим беришни (уруш даврида) қамраб олади.

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунга мувофиқ Ўзбекистон фуқароларидан:

— чақирув участкаларида қайд қилингунга қадар чақирувгача бўлгангача бўлган тайёргарликдан ўтаётган шахслар — чақирув ёшига етмаган шахслар;

—чақирилувчилар ҳисобида турган шахслар;

—чақирилувчилар;

—ҳарбий хизматни ўтаган шахслар, ҳарбий хизматчилар;

—Қуролли Кучларнинг захираси ҳисобида турган шахслар — ҳарбий хизматга мажбурлар;

—турли сабабларга кўра ҳарбий рўйхатга олинмаган ёки бу рўйхатдан чиқариб юборилган, шу жумладан, истеъфога ўтказидган шахслар ҳарбий хизматга мажбур бўлмаган шахслар деб аталади.

Эркак фуқаролар, башарти саломатликлари ва ёшлари нуқтаи назардан ҳарбий хизматни ўташга яроқли бўлсалар, ҳарбий хизматга чақирилишлари шарт.

Шу муносабат билан улар:

—туман, шаҳар мудофаа ишлари идораларининг чақириғига биноан қайд ҳисобидан тиббий кўрикдан ўтиш, ҳарбий ихтисосни ўрганишга йўлланма олиш, ҳарбий хизматга ва ўқув машқлари йиғинига чақирилув йўлланмасини олиш учун чақирув участкаларига келишлари;

—чақирувга қадар тайёргарликдан ўтишлари, ҳарбий хизматни ўташлари ва захирада хизмат қилишлари;

— ҳарбий рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя этишлари шарт.

Тиббий тайёргаликка эга ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган рўйхатга кўра ҳарбий ихтисосликларга турдош касб эгалари бўлган хотин-қизлар ҳарбий рўйхатга олинишлари мумкин.

Улар тиббий кўрикдан ўтиш ва ҳарбий рўйхат қоидаларини бажариш учун туман, шаҳар мудофаа ишлари идораларининг чақириғига биноан ҳозир бўлишлари шарт.

Тинчлик вақтида хотин-қизлар ихтиёрий равишда битим бўйича ҳарбий хизматга киришлари мумкин. Ҳарбий рўйхатда турган ёки умумий ҳарбий таълим олган хотин-қизлар уруш даврида ҳарбий хизматга Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан чақирилишлари мумкин.

2.Бошқаришнинг белгиланган тартиби шарҳланаётган ҳуқуқбузарликка қасд қилиш объекти ҳисобланади.

3.Объектив томони ҳаракат ҳаракатсизлик шаклларида (чақирув бўйича келмаслик ва ҳарбий рўйхат қоидаларини бузиш) ифодаланади. Ҳарбий

рўйхат қоидалари («Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат ҳақида»ги қонуннинг 36, 37-моддаларига биноан) қуйидагилардан иборат:

— ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирув бўйича хизмат қилиб захирага бўшатилган шахслар ҳарбий рўйхатда расмийлаштирилиши учун тураржойларига қайтиб келганларидан кейин 3 кунлик муддат ичида мудофаа ишлари тегишли идораларида ҳозир бўлишлари шарт;

—яшаш жойи бир ярим ойдан кўпроқ муддатга ўзгарган, уч ойдан кўпроқ муддатга хизмат сафари, ўқиш, таътил ёки даволанишга борган ҳолларда ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар тураржойларидаги ҳарбий рўйхатдан чиқишлари, янги турар жойга (доимий ёки вақтинчалик) келганликларидан сўнг ўн кунлик муддат ичида ҳарбий рўйхатдан ўтишлари лозим.

—ҳарбий хизматга мажбурлар ҳарбий рўйхатдан чиқиши ва ҳарбий рўйхатдан ўтишни расмийлаштириш учун уй-жойдан фойдаланиш идорасига ҳарбий билетларини топширишлари лозим.

—қишлоқ жойига келган ёки у ердан кетаётган ҳарбий хизматчилар ҳарбий рўйхатдан ўтиш ёхуд ҳарбий рўйхатдан чиқишни расмийлаштириш учун ҳарбий рўйхатга доир хужжатлари билан тегишли ҳокимиятга шахсан келишлари лозим;

—захирадаги зобитлар ҳарбий рўйхатдан чиқиш ёки ҳарбий рўйхатга ўтишни расмийлаштириш учун туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимига шахсан келишлари лозим;

—олис ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктларида истиқомат қилувчи захирадаги зобитларни ҳарбий рўйхатга киритиш ва ҳарбий рўйхатдан чиқаришни расмийлаштириш туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимлари белгилайдиган тартибда шахсий бошланғич ҳисобни юритиш вазифаси зиммасига юклатилган тегишли ҳокимиятлар амалга оширишлари мумкин.

Қуйидаги фуқаролар:

—тиббий комиссия томонидан ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган фуқаролар ҳарбий рўихатдан ўчирилган ҳолда;

—захирада бўлиш ёшининг чегарасига етган фуқаролар;

—ҳарбий хизматга чақирилган ёки қабул этилган' фуқаролар;

—бошқа доимий истиқомат жойига жунаб кетган фуқаролар;

—вафот этган фуқаролар ҳарбий рўйхатдан чиқарилишлари лозим.

4. Субъект — 17 ёшга етган ва қонун олдида жавоб бера оладиган шахслар.

5. Субъектив томони — бевосита ва билвосита қасд қилиш.

6. 235-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбўзарлик тўғрисидаги ишлар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қошида тузилган маъмурий комиссиялар (246—модда) ва Мудофаа вазирлиги органлари томонидан кўриб чиқилади (256-модда).

236-м о д д а. **Ҳарбий ҳисоб ҳужжатларини қасддан яроқсизлантириш ёки уларни бепарволик туфайли йўқотиш**

Ҳарбий ҳисоб ҳужжатларини (ҳарбий билетни, муқобил хизмат хизматчисининг гувоҳномасини ҳамда чақирув участкасида қайд этилганлик тўғрисидаги гувоҳномани) қасддан яроқсизлантириш ёки бепарволик билан сақлаш уларнинг йўқолишига олиб келса, —

энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар ҳарбий рўйхатга киритилишлари лозим, ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни ҳарбий рўйхатга киритиш давлатнинг мавжуд бўлган ва ҳарбий хизматга яроқли чақирилувчиларнинг ҳисобини олиш ва таҳлил этиш умумдавлат тизими ҳисобланади.

Ҳисобга олиш тизимининг амал қилиши Узбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан таъминланади.

Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар барчасини ҳарбий рўйхатга киритиш ишлари уларнинг тураржойларида ўтказилиб, умумий махсус, шахсий сифат кўрсаткичи ва шахсан бошланғич рўйхатга бўлинади.

Умумий ҳарбий ҳисобга чақирилувчилар, шунингдек, сафарбар этиш даврида ва уруш вақтида халқ хўжалйги учун бронлаштириш қўйилмаган ҳарбий хизматга мажбурлар бўладилар.

Сафарбар этиш даври ва уруш вақти халқ хўжалиги учун бронлаштириб қўйиладиган ҳарбий хизматга мажбурлар ҳарбийларнинг махсус рўйхатида бўладилар.

Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларнинг шахсий сифат кўрсаткичи рўйхатини юритиш туман (шаҳар) мудофаа ишлари идораларига юкланади.

Ишловчи ёки таълим олаётган ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни номманом рўйхатга олиш қайси идорага бўйсуниши, мулкчилик шакли ва хўжалик юритиш шарт-шароитидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ўқув юртлари томонидан амалга оширилади.

Ҳарбий хизматга мажбурлар ҳарбий рўйхатга киришни ва рўйхатдан чиқишни расмийлаштириш учун ҳарбий билетларини 3 кунлик муддат ичида уй-жойдан фойдаланиш идорасига топширадилар.

Ҳарбий билет, чақирув участкасида қайд этилиши ҳақидаги гувоҳнома, муқобил хизмат хизматчисининг гувоҳномаси маъмурий қилмиш предмети ҳисобланади. Бу ҳужжатлар чақирилувчиларга чақирув участкасида қайд этилганидан сўнг доимий ёки вақтинча яшаш жойидаги туман (шаҳар) мудофаа ишлари идоралари томонидан берилади.

Ҳарбий билетни мазмунига зарар етмаган ҳолда бузишни қасддан бузиш деб тушунилади. Ҳарбий билетга таъсир ўтказиш натижасида зарар етгач,

йўқ қилиб юборилган ва ҳоказолар қилинган тақдирда бу қилмиш ЖКнинг 227-моддаси 1-қисмида кўзда тутилган жиноят сифатида квалификация қилинади.

Ҳарбий билет, чақирув участкасида қайд этилганлик тўғрисидаги гувоҳнома муқобил хизмат хизматчисининг гувоҳномасини бузиш дейилганида айбдорнинг ҳужжатга етказган зарари туфайли ундан белгиланган мақсад учун фойдаланиш мумкин эмаслиги ёки фойдаланишни анча қийинлаштириб қўйиши (масалан, ҳарбий билетнинг бир қисми йиртиб олиниши, йўқ қилиниши, чақирув участкасида қайд этилганлик тўғрисидаги гувоҳнома матни сиёҳ билан ифлослаштирилгани тушунилади ва ҳоказо.

Ҳарбий билет, чақирув участкасида қайд этилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, муқобил хизмат хизматчисининг гувоҳномасини эҳтиётсизлик билан сақлаш (уларни бегоналар кирадиган кўринарли жойларда сақлаш кабилар)ни таъминлаш юзасидан ҳаммага тааллуқли қоидаларга менсимай қарашда ифодаланади.

Йўқотилганлик дейилганда ҳарбий билет чақирув участкасида қайд этилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, муқобил хизмат хизматчисининг гувоҳномаси эҳтиётсизлик билан сақланиши натижасида ушбу шахс ихтиёрисиз унга эгалик қилишдан чиқиши ва бегона шахс мулкига айлангани ёки унинг тақдири номаълумлиги (ёниб кетган, ўғирланган, йўқотилган ва ҳоказолар) билан ифодаланади.

Ҳужжатларни эҳтиётсизлик билан сақлаш ва йўқотишга ўзаро алоқавий сабаб бўлиши лозим.

Ҳарбий билет, чақирув участкасида қайд этилганлик гувоҳномаси, муқобил хизмат хизматчисининг гувоҳномасининг эҳтиётсизлик билан сақланиши уларни йўқотишга олиб келиши, агар бу тасодифий ёки инсон онгига бўйсунмайдиган ҳолат (зилзила, ўт тушиш ва бошқа табиий кулфатлар) натижасида юз берса, қонуга хилоф ҳисобланмайди.

2. Қилмишнинг объектив томони ҳаракат ёки ҳаракатсизликни тавсифлайди. Ҳарбий билет, чақирув участкасида қайд этилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси муқобил хизмат хизматчисининг гувоҳномасини қасддан ишдан чиқариш маъмурий қилмиш сифатида оқибати айбдор учун фойда ёки мақбул натижа бўлган ғаириҳуқуқий хатти-ҳаракатни кўзлайди. Ҳарбий билет, чақирув участкасида қайд этилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, муқобил хизмат хизматчисининг гувоҳномасини йўқотишта олиб келган эҳтиётсиз сакдашлик, ҳужжатларни сакдаш учун тегишли чораларни кўриши лозим бўлган шахснинг ҳаракатсизлигидан далолат беради.

3. Субъектив томон ҳам қасддан қилиш, ҳам эҳтиётсизлик шаклидаги айбни ифодалайди. Ҳарбий билет, муқобил хизмат хизматчисининг гувоҳномасини қасддан ишдан чиқаришни мўлжаллаган шахс ғараз билан, ўч олиш мақсадида атайлаб шундай ҳаракат қилади, ҳужжатларни ишдан чиқаришни истайди.

Ҳарбий билет, муқобил хизмат хизматчиси гувоҳномасини эҳтиётсизлик оқибатида ишдан чиқариш маъмурий жавобгарликка дахлдор эмас, эҳтиётсизлик, шунингдек, ҳарбий билет, муқобил хизмат хизматчининг

гувоҳномасини пала-партиш сақлаши зарурий бетартибликнинг, ҳужжатларни сақдашга диққат билан, эҳтиётлик билан муносабатда бўлишнинг етишмаслиги ҳолларида ҳам ифодаланади.

4. 236-модда бўйича субъект — ҳақиқий, ҳарбий хизматга мажбурлар ёки чақирилувчилар.

5. 236-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар Мудофаа вазирлиги органлари (256-модда) ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда тузилган маъмурий комиссиялар томонидан кўриб чиқилади (246-модда).

237-м о д д а. **Ҳарбий хизматга ёки муқобил хизматга чақирилишдан бош тортиш**

Муддатли ҳарбий хизматга ёки муқобил хизматга чақирилишдан бош тортиш, — энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ўзбекистон Республикасини қуролли тажовуздан ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий бурчидир.

Умумий ҳарбий мажбуриятнинг мазмуни Ўзбекистон Республикасининг фуқароларини ўз мамлакатларини қуролли ҳимоя қилиш учун мажбурий ҳарбий тайёргарликдан ўтказишдан иборат бўлиб, республика Қуролли Кучларини бутлаш ва резерв тайёрлашни таъминлаш мақсадларида жорий этилади.

Умумий ҳарбий мажбурият фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрликни чақирув участкаларида қайд этишни, ҳарбий хизматга чақиришни, ҳарбий хизматни (чақирув бўйича ёки ихтиёрий равишда) ўташни захирада хизмат қилишни, ҳарбий рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя этишни, умумий ҳарбий таълим беришни (уруш даврида) қамраб олади.

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунига мувофиқ Ўзбекистон фуқароларидан:

—чақирув участкаларида қайд этилгунга қадар чақирувгача бўлган тайёргарликни ўтаётган шахслар — чақирув ёшига етмаган шахслар;

—чақирилувчилар ҳисобида турган шахслар, чақирилувчилар;

—ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган шахслар, ҳарбий хизматчилар;

—Қуролли кучларнинг захирасида турган шахслар ҳарбий хизматга мажбурлар;

—турли сабабларга ўра ҳарбий рўйхатга олинмаган ёки бу рўйхатдан чиқариб юборилган, шу жумладан, истеъфога ўтказилган шахслар — ҳарбий хизматга мажбур бўлмаган шахслар, деб номланадилар.

Эркаклар, башарти саломатликлари ва ёшлари нуқгаи назаридан ҳарбий хизматни ўташга яроқли бўлсалар, ҳарбий хизматга чақирилишлари шарт.

Шу муносабат билан улар:

—туман, шаҳар мудофаа ишлари идораларининг чақириғига биноан, қайд ҳисобидан, чақирув участкасига келиш, табиий кўрикдан ўтиш, ҳарбий ихтисосни ўрганишга боришга йўлланма олиш;

—ҳарбий хизматга ва ўқув машқлари йиғинига чақирилув йўлланмасини олишлари учун чақирув участкаларига келишлари;

—чақирувга қадар тайёргарликдан ўтишлари, ҳарбий хизматни ўташлари ва захирада хизмат қилишлари; ҳарбий рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя этишлари шарт.

Тинчлик вақтида саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқли бўлган ва чақирув кунида 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмиш йигитлар муддатли ҳарбий хизматга чақириладилар.

Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан йилига икки марта: май-июнь ва ноябрь-декабрь ойларида ўтказилади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори чақирув бошланишига камида бир ой қолганида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Қарор эълон қилинганидан кейин ҳар бир чақирилувчи, шу жумладан, вақтинча рўйхатда турган чақирилувчи чақирув қоғозида кўрсатилган муддатда чақирув пунктига келишлари шарт. Муддати ҳарбий хизматни ўтамаган ва ҳарбий рўйхатга киритилмаган чақирилув ёшидаги фуқаролар, шунингдек, доимий истиқомат жойидан вақтинча бошқа жойга кетиб қолган ва у ерда ҳарбий рўйхатда турмаган чақирилувчилар тураржойларидаги мудофаа ишлари идораларига боришлари шарт.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, кооперативлар ва бошқа бирлашмаларнинг, шунингдек, ўқув юртларининг раҳбарлари, хизмат сафарида бўлган чақирилувчиларни чақиртириб олишлари ва уларнинг чақирув участкасида ўз вақгида ҳозир бўлишини таъминлашлари шарт.

18 ёшга тўлган ва ундан катта ёшдаги чақирилувчиларнинг ҳарбий рўйхатда туриш жойини ўзгартиришга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги чақирув тўғрисидаги қарори эълон қилингунга қадар йўл қўйилади. Қарор эълон қилингандан кейин эса фақатгина айрим ҳолларда, башарти чақирилувчи мудофаа ишлари идораларига:

—бошқа жойдаги ишга ўтказилганлигини;

—янги истиқомат жойга кўчиб ўтганлигини;

—ўқув юртига қабул қилинганлиги ва таълим олишни давом эттириш учун кетганлиги ёки ўқув юртини тугатиб, йўлланма бўйича ишга жўнатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этгандан кейин ҳарбий рўйхатга туриш жойини ўзгартириши мумкин.

Фуқароларнинг чақирув участкасига мудофаа ишлари органлари белгилаган муддатда бормасликнинг узрли сабаблари қуйидагича:

—фуқаронинг чақирув участкасига шахсан келишига имкон бермаган касаллиги;

—яқин туғишганининг вафот этгани ёки оғир бетоблиги;

—фуқарога боғлиқ бўлмаган ҳолда, уни кўрсатилган участкаларга ва муддатларда шахсан етиб келишига тўскинлик қилган табиий офат ва шунга

ўхшаш бошқа вазиятлар фуқаронинг мудофаа ишлари идоралари белгилаган муддатларда чақириқ участкаларига етиб келмаганлигининг узрли сабаблари ҳисобланади.

Келмасликнинг сабаблари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланиши лозим.

Тинчлик вақтида:

—«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуннинг 17, 18-моддаларига мувофиқ чақирувдан озод этилган шахслар;

—ўтказилаётган дастлабки суриштирув ёки тергов дахлдор бўлган шахслар; жиноий ишга дахлдор бўлган шахслар иши то судда узил-кесил қараб чиқилиб, айблов ёки оклов хулосаси чиқарилгунга қадар;

— Узбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлмаган шахслар муддатли хизматга чақирилмайдилар.

Муддатли ҳарбий хизматга чақириш муддатини узайтириш:

—фуқароларнинг оилавий шароити;

—саломатлигининг ёмонлашгани муносабати билан;

— ўқишни давом эттириш учун туман (шаҳар) чақирув комиссиясининг қарорига биноан амалга оширилади.

Қуйидаги чақирилувчиларнинг чақириш муддати оилавий шароитга кўра узайтирилади, чунончи:

—чақирилувчининг отаси ва онаси ёки улардан бири меҳнатга қобилиятсиз бўлиб, улар билан бирга ёки айрим ҳолда истиқомат қилишдан қатьи назар, ўзларини боқиши шарт бўлган бошқа меҳнатга қобилиятли ўғли бўлмаса. ота-оналарнинг меҳнатга қобилиятсизлиги амалдаги қонунларга мувофиқ аниқланади;

—чақирилувчининг меҳнатга қобилиятли онаси ёлғиз бўлиб, унинг 16 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бўлсаю, истиқомат жойидан қатъи назар, онасига моддий ёрдам кўрсатиши шарт бўлган меҳнатга қобилиятли бошқа болалари бўлмаса;

—чақирилувчининг бир фарзанди бўлиб, уни ёлғиз тарбиялаётган бўлса;

—чақирувчининг икки ва ундан ортиқ фарзанди бўлса, хотини I ёки II гуруҳ ногирони бўлса.

Ота-онасининг вафот этганлиги, уларнинг узоқ муддат бетоблиги ёки бошқа узрли сабабларга кўра чақирилувчини камида беш йил давомида ўз қарамоғида сақлаётган шахслар унинг ота-онасига тенг шахслар ҳисобланадилар.

Ўрта умумий таълим, ҳунар-техника билим юртларида таҳсил кўраётган чақирилувчиларни чақириш муддати — тўлиқ умумий таълим олгунларига қадар, лекин кўпи билан 21 ёшгача, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий ўқув юртларида таълим олаётган студентларга эса ўқув юртини битиргунларига қадар таълим олишни давом эттиришлари мақсадида узайтирилади.

Ўқув юртларидан интизомсизлиги, ўқишда улгурмаслиги ва ўқишни хохламаслиги сабабли ҳайдаб юборилган шахслар чақирилиш муддатини узайтириш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар.

Табиий офат рўй берган жойларидан кўчирилган чақирилувчиларнинг чақириш муддати Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан кўчирилган вақтдан бошлаб кўпи билан 2 йилга кечиктирилади.

Кечиктириш ҳуқуқини йўқотган чақирилувчилар, шунингдек, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасида назарда тутилган, чақирилишдан озод бўлиш асослари бўлмаган шахслар ва турли сабабларга кўра муддатли хизматга чақирилмаганлар қўшинларга жўнатиш кунигача 27 ёшга тўлгунга қадар навбатдаги чақириш амалга оширилаётганда чақириладилар.

Тинчлик вақтида муддатли ҳарбий хизматга чақирилишдан:

—тинчлик вақтида саломатлиги ёмонлиги учун ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган;

—27 ёшга тўлгунига қадар муддатли ҳарбий хизматга ёки муқобил хизматга чақирилмаган;

—рўйхатдан ўтказилган диний идораларнинг бирида диний рутбага эга бўлган;

—туғишган ака-укаларидан бири муддатли ҳарбий хизматни ўташ вақтида халок бўлган ёки вафот этган чақирилувчилар озод этиладилар;

2. 237-модда бўйича ҳуқуқбузарликнинг қасд қилиш объекти бошқарувнинг белгиланган тартибидир.

3. Объектив томони ҳаракат ва ҳаракатсизлик шаклида ифодаланади.

4. Субъект — ҳарбий хизматга мажбур шахс.

5. Субъектив томони — ҳарбий хизматни ўташдан бўйин товлаш мақсадида қасддан, бевосита, билвосита ҳаракат шакли. Айбдор ўз қилмишининг ғайриқонунийлигини тушунади ва атайлаб бўйин товлайди.

6. Кодекснинг 237-моддаси бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чикилади.

7. Маъмурий жазо қўлланилганидан кейин узрли сабабсиз ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирувдан бўйин товлаш ЖКнинг 225-моддаси бўйича квалификация қилинади.

238-м о д д а. **Муқобил хизмат хизматчисининг ўз вазифаларини бажармаслиги**

Муқобил хизматни ўтаётган шахснинг ўз вазифаларини бажармаслиги,—

энг кам иш ҳақининг бир бараврадиан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Муқобил хизмат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўтайдиган давлат хизматининг алоҳида туридир. Бу хизмат фуқаронинг корхоналардаги, муассасалардаги, халқ хўжалиги ташкилотларидаги, юқори малака талаб этилмайдиган (ёрдамчи) ишларни ёки ўз малакасига мос

ишларни, шу жумладан, фалокат, табиий офат ва бошқа фавқулодда ҳолатларнинг оқибатларини бартараф этишга оид ишларни бажариш билан боғлиқдир. Муқобил хизмат фуқароларни ҳарбий ишга ўргатишни ҳамда Қуролли Кучлар учун захирадаги жангчилар тайёрлашни кўзда тутади.

Муқобил хизматни ўташ тартиби «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонунга (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992, 11-сон, 434-модда) ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1993 йил 7 июнда тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси ҲҚТ, 1993, 6-сон, 21-модда) муқобил хизматни ташкил этиш ва ўташ тартиби ҳақидаги низомга кўра белгиланади.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар меҳнат ҳуқуқларини ва мажбуриятларини амалга ошириш чоғида юзага келувчи муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонунлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг 18 дан 27 ёшгача бўлган, ҳарбий ҳисобда турган, муддатли ҳарбий хизматга чакирилиши лозим бўлган фуқаролари, башарти улар:

—хизматга чақирилаётган шахсдан ташқари (тўрт ва ундан ортиқ) 16 ёшга тўлмаган (тўрт ва ундан ортиқ) болали оиладан бўлсалар;

—ҳарбий хизматни ўташ даврида ногирон бўлиб қолган ота-онаси ёки ака-ука (опа-сингиллари) бўлсалар;

—дин таълимоти қурол ишлатишга ва қуролли Кучларда хизмат қилишга йўл қўймайдиган, рўйхатдан ўтган диний ташкилотларнинг аъзоси бўлсалар, муқобил хизматни ўташ ҳуқуқига эга бўладилар.

Вазирлар Маҳкамаси муқобил хизматни ўташ ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг ўзга тоифаларини ҳам белгилаши мумкин.

Муқобил хизматни ўтаётган шахслар муқобил хизмат хизматчилари деб аталадилар.

Муқобул хизмат муддати 24 ой, олий маълумотли фуқаролар учун эса 18 ойдир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари муқобил хизматни Ўзбекистон Республикаси корхоналари, муассасалари, халқ хўжалиги ташкилотларида ўтайдилар. Муқобил хизмат ўталадиган вазирликларнинг, идораларнинг, шундай хизмат қўлланадиган соҳаларнинг ҳамда бажариладиган иш турларининг рўйхатини Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Чақирилувчилар муқобил хизматни ўташи мумкин бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг рўйхатини Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятлари тасдиклайди. Муқобил хизмат хизматчиларидан Ўзбекистон Республикаси ташқарисида фойдаланиш контракт асосида амалга оширилади. Муқобил хизмат хизматчилари:

—ишчи ихтисосини ўрганиш учун ўқув юртларига юборилиши;

—ҳарбий тайёргарлик йиғинларига (машғулотларига) жалб қилиниши мумкин.

Муқобил хизмат хизматчилари ҳарбий қасамёд қиладилар. Муқобил хизматдан бўшаётганда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар захираси ҳисобига киритиладилар.

Муқобил хизматга раҳбарликни Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Муқобил хизмат бошқармаси амалга оширади. Вилоятлар ва Тошкент шаҳрида муқобил хизмат тузилмаларига раҳбарликни мудофаа ишлари бўйича тегишли бошқармалар ҳузуридаги муқобил хизмат бўлимлари амалга оширади. Айрим туманларда (шаҳарларда) мудофаа ишлари бўйича тегишли бўлимлар қошида муқобил хизмат бўлинмалари (гуруҳлари) тузилиши мумкин.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқароларга иш ҳақининг 80 фоизи тўланади.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқароларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган пуллар муқобил хизмат бошқарув идораларининг ҳисобига ўтказилади.

Корхона, муассаса, ташкилотнинг маъмурияти:

—фуқаро муқобил хизматни ўташдан бош тортган ҳоллар тўғрисида, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг тугатилиши, иш ўринлари ва ходимлар миқдори қисқартирилиши ҳақида камида икки ой олдин муқобил хизмат бошқарув идораларини хабардор қилиши;

—муқобил хизматни ўтаёган фуқарога, у ҳалок бўлган ҳолларда эса, унинг оиласига, ишлаб чиқариш фалокати оқибатида, улар хизмат (меҳнат) вазифасини бажараётган чоғда меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда хавфсизлик қоидалари талабларининг бажарилишини таъмин этмаганлик оқибатида унинг саломатлигига етказилган зарар учун бир марта бериладиган нафақа ҳамда товон пули тўлаши мумкин.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқаро:

—хизмат ва иш жойидаги тиббиёт муассасаларида тиббий ёрдамнинг барча турларидан фойдаланиш;

—иш жойидан барча нафақалар, устама ҳақлар ва ёрдамлар, шу жумладан меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотганлик учун нафақалар олиш;

—хизматга чақирилгунга қадар ўзи ишлаган ёки ўқиган корхонага, муассасага, ташкилотга аввалги ишига ёки аввалгисига тенг лавозимга, шунингдек, ўқув юртига қайтиш;

—бошқа хизмат жойига ўтказиш, муқобил хизматдан муддатидан аввал бўшашга оид масалалар бўйича, бошқа мазмундаги аризалар, шикоятлар ва таклифлар билан мурожаат қилиш.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқаро:

—хизматни белгиланган жойда, муқобил хизмат тузилмалари таркибида ўташи;

—«Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонунда, ҳарбий низомда белгиланган талабларни, шунингдек, иш жойида амал қилиб турган ички меҳнат тартиб-қоидаларини сўзсиз бажариши;

—ҳарбий билимларни сабот билан эгаллаши, ишлаб чиқариш топшириқларини ўз вақтида ва сифатли қилиб бажариши;

муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар ҳалокат, фалокат ва табиий офатларнинг оқибатларини бартараф этиш учун жалб этилган тақдирда, улар юзага келган вазиятдан келиб чиқадиган ҳамда ана шу оқибатларни бартараф этиш юзасидан комиссия ёки штабларнинг раҳбарлари аниқлайдиган махсус вазифаларни бажариши шарт.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқаро:

—раҳбарлик ва сайлаб кўйиладиган лавозимларни эгаллаш;

—хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш;

—олий ва ўрта махсус билим юртларига ўқишга кириш;

—тегишли мансабдор шахсларнинг рухсати бўлмагани ҳолда хизмат ва ишдан кетиб қолиш ҳуқуқига эгаэмас.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқаро ҳар йили 15 кунга тенг муддатга таътил олиш ҳуқуқига эгадир. Муқобил хизмат муддати умумий стажга ва махсус меҳнат стажига қўшилади.

Муқобил хизматни ўташ чоғида — меҳнат қобилиятини йўқотган фуқаролар ҳамда шу аснода ҳалок бўлган фуқароларнинг оилалари, шунингдек, ногирон бўлган фуқаролар ёрдам пули ва пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эга.

Фуқаролар:

—оилавий аҳволида ўзгариш содир бўлса;

—саломатлиги бўйича муқобил хизматдан муддатидан илгари бўшатилиши мумкин.

2. Бошқарувнинг белгиланган тартиби кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг қасд қилиш объекти ҳисобланади.

3. Объектив томрни — ҳаракат ёки ҳаракатсизлик (хизматни ўташдан бўйин товлаш), ички меҳнат тартиби қоидаларини, ишлаб чиқариш топшириқларини бажармаслик ва шу кабилар шаклида ифодаланади.

4. Субъект — 18 ёшга етган шахс.

5. Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони бевосита қасд қилишдир. Айбдор ўз қилмишининг ҳуқуққа зид эканини тушунади ва салбий оқибатлар юз беришини истайди.

6. 238-модда бўйича маъмурий тартиббузарлик тўғрисидаги ишларни маъмурий ишлар бўйича судьялар (245-модда) ва туман марказидан олисда ва бориш қийин бўлган ердаги шаҳарча, қишлоқ ва овуллардаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қошида тузилган маъмурий комиссиялар кўриб чиқади.

239-м о д д а. **Ҳарбий хизматга мажбурнинг ўқув ёки синов йиғинларидан бош тортиши**

Ҳарбий хизматга мажбурнинг ўқув ёки синов йиғинларидан бош тортиши, —

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ҳарбий хизматдан бўшатилган, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ва озод этилган фуқаролар (саломатлиги туфайли ҳарбий ҳисобдан чиқарилганлардан ташқари) заҳирадагилар рўйхатига олинадилар. [ч]

Заҳира биринчи ва иккинчи тоифаларга бўлинади.

Ҳарбий хизматда камида 18 ой хизмат қилиб, шу давр ичида ҳарбий ихтисослар рўйхатига кирадиган мутахассисликни эгаллаган ҳарбий хизматга мажбурлар биринчи тоифадаги захирага кирадилар.

12 ойдан кам ҳарбий хизмат қилган ёки ҳарбий хизматга чақирилмаган ҳарбий хизматчилар иккинчи тоифадаги захирага кирадилар.

Иккинчи тоифадаги захирага киритилган ҳарбий хизматга мажбурлар ўқув машқлари йиғинида ҳарбий ихтисослар рўйхатига кирадиган мутахассисликни, тегишли фуқаролик касбни эгаллаганлари тақдирда биринчи тоифа захирага ўтказиладилар.

Ҳарбий рўйхатга олинган хотин-қизлар иккинчи тоифадаги захирада бўладилар.

Ҳарбий хизматга мажбурлар захирада бўлган вақтида ўқув (синов) машқларига ва махсус машқларга чақириладилар.

Йиғинларга чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизмат шарт-шароитларидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлари «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги ва «Ҳарбий хизматчиларнинг мақоми, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги қонунлар билан белгиланади.

Захирадаги ҳарбий хизматга мажбурлар ёшига қараб уч даражага бўлинади. Учинчи даража захирада бўлиш ёшининг чегараси умуман захирада бўлиш ёшининг чегараси ҳисобланади.

Аскарлар, сержантлар ва старшиналар, прапоршчиклар ва мичманларнинг захирада бўлиш ёшининг чегараси қуйидагичадир:

Биринчи даражадагилар учун — 35 ёшгача;

иккинчи даражадагилар учун — 45 ёшгача;

учинчи даражадагилар учун — 50 ёшгача.

Зобитлар таркибига кирувчи ҳарбий унвонларга эга бўлмаган ҳарбий хизматга мажбурлар захирада бўлиш вақтларида йиғинларга қуйидаги муддатларга чақириладилар:

I даража — ҳар бири бир ой муддатли иккита йиғинга;

II даража — ҳар бири бир ой муддатли иккита йиғинга;

III даража — бир ой ўқув машқлари йиғинига. Захирадаги зобитлар таркибига кирувчи шахслар захирада бўлиш вақгларида қуйидаги муддатларга ўқув йиғинларига чақирилишлари мумкин.

I даража — уч йил давомида I ойгача муддатга;

II даража — ҳар бири бир ой муддатли икки йиғинга;

III даража — бир марта, бир ойлик муддатга.

Ҳарбий хизматга мажбурларнинг йиғинларини ўтказиш муддати ва вақтйни Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий минтақавий ва

ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги белгилайди.

Ҳарбий хизматга мажбурлар йиғинлар оралиғидаги даврида Мудофаа вазирлигининг режасига биноан 10 кунлик муҳлатга синов йиғинига жалб этилишлари мумкин.

Захирада бўлиш вактида жами йиғинларнинг умумий вақти тўрт ойдан ошмаслиги керак. Бунда ҳарбий унвон олиш учун тайёргарлик йиғинида бўлиш вақти ҳам захирага зобитларнинг йиғинларда иштирок этиши умумий муддатига қўшилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ҳарбий фаолиятига таҳдид солиш мумкин бўлган фавқулодда вазиятнинг олдини олиш ёки унинг оқибатларини тугатиш учун 2 ойгача муддатга махсус йиғинларга чақирилишлари мумкин.

Йиғинлар чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартиб ва микдорда нақд пул билан таъминланадилар. Йиғинда бўлишнинг бутун даврида, шу жумладан, йиғин ўтказиладиган жойга бориш ва орқага қайтиш учун кетадиган вақт давомида уларнинг эгаллаб турган лавозимлари (ишлари) сақлаб турилади ва уларга иш жойидан ўртача иш ҳақи тўланади.

Уқтириб ўтидган шахслар йиғинга бориш тўғрисидаги чақириқ қоғозини олган кундан бошлаб то йиғиндан қайтгунга қадар ишдан бўшатилиши мумкин эмас, корхона, муассаса ва ташкилот тўлиқ тугатилган ҳоллар ундан мустаснодир. Бундай ҳолларда ҳарбий хизматга мажбурларга тааллуқли иш ҳақи ёки бошқа моддий тўловлар тугатилган корхона, муассаса ёки ташкилот ёхуд уларнинг ҳуқуқий вориси томонидан тўланади.

Шахсий секторда ишлаётган ҳарбий хизматга мажбурларни йиғинларга чақириш тартиби, шунингдек, улар йўқлигида ишлаб чиқаришга етказилган зарар учун товон тўлаш йўл-йўриқлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб берилади.

Башарти, ҳарбий хизматга мажбур шахс йиғин вақтида бетоб бўлиб қолса ва йиғинлар тугагандан кейин ҳам бетоб бўлса, унинг иш жойи ва лавозими сақланади, йиғин тугаган кундан бошлаб эса унга иш ҳақи ўрнига амалдаги қонунларга мувофиқ меҳнатга қобилиятини вақтинча йўқотганлик нафақаси тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича бронлаб қўйилган ҳарбий хизматга мажбурлар ўқув машқлари йиғинида қатнашишдан озод қилинадилар.

2. Бошқаришнинг белгиланган тартиби кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликка қасд қилиш объекти ҳиосбланади.

3. Объектив томони ҳаракат (вақтинча ёки доимо бўйин товлаш, масалан, атайлаб сохта ҳужжат — ишга қобилиятсизлик қоғози кўрсатиш ва бошқалар) да ифодаланади.

4. Субъектлар — оддий ҳарбий хизматчилар ва сержант (старшина)лар таркиби, прапоршчик, мичман ва зобитлар даражасидан бўлган шахслар,

шунингдек, ўқув ёки синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлардир.

5. Субъектив томони — кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик бевосита қасд қилиш билан ва ўқув ёки синов йиғинларидан доимо ёки вақтинча бўйин товлаш мақсадида амалга оширилади.

6. 239-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқадилар (245-модда).

240-м о д д а. **Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши, диндорлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, шунингдек, диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўгараклар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказиш, —

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти, —

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (31-модда) фуқаролар учун виждон эркинлигини кафолатлайди. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, ҳар бир фуқаро ўзининг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод қилмасликка, ибодат қилишга, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликда, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди.

2. Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органларини рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан, бошқа диний ташкилотларни эса — тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Диний ташкилотларни рўйхатга олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

—диний ташкилот тузиш ташаббускорлари бўлган, юз нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси имзолаган ариза;

—диний ташкилот устави;

—таъсис этилишининг баёни;

—тузилаётган диний ташкилот жойлашган манзилни тасдиқловчи ҳужжат;

— рўйхатга олиш йиғими тўланган тўғрисида ҳужжат. Диний ташкилотлар ҳамда уларнинг марказий бошқарув органларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўриб чиқилади.

Адлия органлари қўшимча материаллар талаб қилиб олишга ва тегишли органларнинг эксперт хулосасини олишга ҳақли. Бундай ҳолда қарор рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан уч ойлик муддатда қабул қилинади

(Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги «Виждон эркинлиги, диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси (янги таҳрирда) — Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998 йил, 6-сон, 99-модда).

3. Рўихатдан ўтишдан бўйин товлаш дейилганда раҳбарларнинг аслида барпо этиб бўлинган ва ишга тушган диний жамият ёки диндорлар гуруҳини қонун белгилаган тартибда рўйхатдан ўтказиш учун онгли равишда чоратадбир кўрмаганликлари (рад этишади, зарурий ҳужжатларни тайёрлашни исташмайди ва ҳоказо) тушунилади.

4. Диний бирлашмаларга раҳбарлик дейилганда, жамият ёки унда ҳукмронлик мавқеидаги гуруҳ аъзоларининг бирлашмалардаги фаол иштироки тушунилади.

5. Ибодат, диний расмрусумлар ва маросимлар диний ташкилотлар жойлашган манзилдаги ибодатхоналарда ва уларга тегишли худудларда, зиёратгохдарда, қабристонларда, зарур ҳолларда фуқароларнинг ихтиёрига биноан уларнинг уйларида ўтказилади.

Касалхоналарда, госпиталларда, кексалар ва ногиронлар уйларида, дастлабки қамоқ ва жазони ўташ жойларида ибодатлар ва диний расм-русумлар ва маросимлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришларига йўл қўйилмайди.

Диний ташкилотлар диндорлардан мажбурий пул йиғимлари ва тўловлар ундиришга, шунингдек, уларга нисбатан шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи чораларни қўллашга ҳақли эмас.

6. Диний хизматчилар ва диний бирлашмаларнинг аъзолари қуйидагиларни ташкил этиши ва ўтказиши маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади:

—махсус болалар ва ўсмирлар йиғинлари;

—меҳнат, адабий тўгарак ва гуруҳлари;

— диний эҳтиёжларни қондиришга алоқаси бўлмаган масалаларни ўрганадиган ёки муҳокама қиладиган бошқа тўгарак ва гуруҳлар.

7. Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик, тотувликни қўллаб-қувватлайди, бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (презелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади.

8. Бундай бузилишларга диндорлар ҳам, диний. ташкилот, бирлашма аъзолари ҳам жавобгардир.

9. 240-моддада кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик қасддан амалга оширилган, айбдор ўз қилмиши ноқонуний эканини тушунади, шунга қарамай, бундай ишни бошқараверади.

10. Ушбу моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқадилар (245-модда).

11. Маъмурий жазо қўлланилганидан кейин 240-моддада кўзда тутилган қилмишни такрор содир этиш ЖКнинг 216-моддаси 1, 2-қисми бўйича квалификация қилинади.

241-м о д д а. **Диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш**

Махсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек, хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш, —

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

1. Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари руҳонийлар ва ўзларига зарур бўлган диний ходимлар тайёрлаш учун диний ўқув юртлари барпо этишга ҳақли. Диний ўқув юртлари Узбекистон Республикаси Аддия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиб, тегишли лицензия олганидан кейин фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

2. Олий ва ўрта динии ўқув юртларида таълим олиш учун фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги «Таълим тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, умумий мажбурий ўрта таълим олганидан кейин қабул қилинади.

Диний ўқув юртларида диний фанларни ўқитаётган шахслар диний таълим олган бўлишлари ва ўз фаолиятларини тегишли марказий бошқарув органининг рухсати билан амалга оширишлари лозим.

Хусусий тартибда диний таълим бериш ман этилади (қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни, 9-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5—6-сон 99-модда).

2. Бошқарувнинг белгиланган тартиби кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг қасд қилиш объекти ҳисобланади.

3. Объектив томони ҳаракат (ўқитиш) ва ҳаракатсизликда (диний ташкилот марказий органининг рухсатини олмаслик) ифодаланади.

4. Субъектлар — 16 ёшга тўлган фуқаролар ва мансабдор шахслар.

5. Субъектив томони — бевосита қасд қилиш.

6. 241-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқади (245-модда).

7. Маъмурий жазо қўлланилганидан кейин Кодекснинг 241-моддасида кўзда тутилган ҳуқуқбузарликнинг такрор содир этилиши ЖКнинг 229^2-моддаси бўйича квалификация қилинади.

241[1]-м о д д а. **Текширишларни ўтказиш тартибини бузиш**

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молияхўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишларнинг белгиланган тартибини бузиш, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Шарҳланаётган моддада қайд этилган тартиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги 1996 йил 8 август Фармони ва «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги 1998 йил 19 ноябрдаги Фармонида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги 1998 йил 24 декабрь Қонунида белгиланган. Ушбу Қонун тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш, юқори ташкилотлар ва назорат органларининг корхоналар фаолиятига аралашувига йўл қўймаслик, хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишларни тартибга солиш ва уларнинг сонини қисқартириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ушбу тартибда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

а) назорат органлари — хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назоратини қонунчиликка мувофиқ амалга оширишга вакил қилинган вазирликлар ва идоралар;

б) текшириш — юридик ва жисмоний (шу жумладан, мансабдор) шахсларнинг қонунлар, фармонлар, молия-хўжалик фаолиятини тартибга

солувчи бошқа қонун ҳужжатларини бажариш устидан назорат органлари томонидан амалга ошириладиган айни бир вақтдаги назорат шакли ҳамдир;

в) тафтиш — молия ва солиқ масалалари бўиича қонунчиликка риоя қилиниши, солиқ, божхона, бошқа органларга, банкка ва давлат статистика органларига тақдим этиладиган ҳисоб китоб ва ҳисоботларнинг ишончлилиги устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ва бошқа молия ишлаб чиқариш ҳужжатларини текшириш услуби саналади.

Солиқ ва бошқа назорат органлари текшириш ва тафтиш қилиш субъектлари ҳиосбланади. Назорат органларининг рўйхати ва уларнинг ваколати қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Текширишлар ва тафтишларнинг бошқа вазирликлар, идоралар ҳамда ташкилотлар томонидан ўтказилишига йўл кўйилмайди.

Текширишлар, шу жумладан, назорат текширишлари ва тафтиш натижалари далолатнома билан, зарур ҳолларда эса, аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмалар билан расмийлаштирилади.

Молиявий бузилишлар, шунингдек, суиистеъмолликлар, ўғирликлар аникданган ҳолларда, етказилган зарарларнинг миқдорига қараб, айбдор шахслар белтиланган маъмурий жавобгарликка тортиладилар ёки текшириш материаллари ўн кун муддатда тергов органларига оширилади.

Узбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонунига асосан, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

—текшириш, шу жумладан, тафтиш, муқобил текшириш, назорат тартибида текшириш;

—статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни тахдил қилиш;

— идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади. Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аттестациядан ўгказилиши лозим.

Қонунга мувофиқ, текширишларни ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади:

—махсус ваколатли орган ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси томонидан берилган, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни мувофиқлаштириш режасидан кўчирма;

—назорат қилувчи органнинг мувофиқлаштирувчи режаси асосида чиқарган буйруғи ёхуд махсус ваколатли органнинг текшириш, шу жумладан, тафтиш ўтказиш тўғрисидаги ҳамда текшириш мақсади, уни ўтказиш санаси ва текширишни амалга ошириш топширилган мансабдор шахсларнинг таркиби кўрсатилган қарорлари;

—прокуратура, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар молияхўжалик фаолиятини текшириш учун қўзғатилган жиноий иш мавжудлиги.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режали тарзда текширишлар махсус ваколатли органнинг қарорига биноан йилига кўпи билан бир марта амалга оширилиши мумкин.

Соликдар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўла миқдорда тўловчи бошқа тартиб ва қоидаларга риоя қилувчи, аудиторларнинг ҳар йилги тегишли хулосаларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан, қоида тариқасида, кўпи билан икки йилда бир марта амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш муддатлари ўттиз календарь кунидан ошмаслиги лозим.

2. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони юқоридаги тартибни бузиш, яъни ҳаракатсизликдан иборат.

3. Субъект — мансабдор шахс.

4. Субъектив томондан маъмурий ҳуқуқбузарлик қасддан содир этилади.

5. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 241^1-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади

.

У Ч И Н Ч И Б Ў Л И М

МАЪМУРИЙ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА ВАКОЛАТИ БЎЛГАН ОРГАНЛАР (МАНСАБДОР ШАХСЛАР)

XVII *боб*. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

242-м о д д а. **Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (мансабдор шахслар)**

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни:

1) туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси, хўжалик судлари;

2) шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқароларининг ўзиниўзи бошқариш органлари қошидаги маъмурий комиссиялар;

3) вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи туман (шаҳар) комиссиялари;

4) ички ишлар (милиция) органлари (мансабдор шахслари), давлат инспекцияси органлари (мансабдор шахслари) ва ушбу Кодекс билан ваколат берилган бошқа органлар (мансабдор шахслар) кўриб чиқадилар.

1. 242-моддада маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга вакил қилинган органларнинг тизими мустаҳкамланган.

2. Қонунда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ҳал этишга ваколатли органларни аниқ белгилаш фуқароларнинг ҳуқукдарини кафолатлаш каби масалаларда иш юритишда қонунийликни таъминлаш учун катта аҳамиятга эга.

3. 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасига кўра, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни ва қонунийлик муҳофазасини кучайтириш мақсадида туман (шаҳар) судлари қошида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи маъмурий ишлар бўйича судьялар тайинланиши назарда тутилган (қаранг: 245-моддага шарҳ).

4. Ўзини-ўзи бошқариш органлари қошида тузилган маъмурий комиссиялар 1999 йил 14 апрелдаги «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонуннинг 15-моддасига кўра (қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 110-модда), маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли ҳисобланган коллегиал органлар ҳисобланади. Уларнинг ҳуқуқ доираси 246-моддада белгиланган.

5. Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи туман (шаҳар) комиссиялари 16 дан 18 ёшгача бўлган ўсмирларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича судлов ишларини олиб борувчи ягона давлат органи бўлмаса ҳам асосий коллегиал орган ҳисобланади (247-модданинг шарҳига қаранг). Бу ёшларнинг ёшига хос ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш, тарбиявий таъсир чораларидан, зарур бўлиб қолган тақдирда мажбурлашни қўшган ҳолда, кенг кўмаклашувчи тартиббузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш чораларини кўришга имкон беради.

6. Ҳозирги пайтда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли судлов ишларини олиб бориш учун маъмурий органлар (мансабдор шахслар)нинг бир қатор тармоқлари мавжуд (248—268-моддаларнинг шарҳларига қаранг). Бундай тузилма юз берган маъмурий тартиббузарликка дарҳол эътибор беришни, ишни малакали кўриб чиқишни таъминлайди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ҳал этиш ҳуқуқига тааллукди органларнинг (мансабдор шахсларнинг) белгиланган рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати олий органи ҳуқуқи доирасига киритилиши маъмурий чоралар кўллаши мумкин бўлган орган ва мансабдор шахслар доирасини чеклайди.

243-м о д д а. **Маъмурий комиссиялар ва вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиянинг ваколатлари**

Маъмурий комиссиялар ва вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар ўз ваколатларига кирадиган маъмурий

ҳуқуқбузарликликлар тўғрисидаги ишларни комиссия таркиби аъзоларининг камида ярми бўлганида кўриб чиқишга ҳамда ушбу Кодекснинг Махсус қисмида кўзда тутилган маъмурий жазоларни ўз ваколатлари доирасида қўллашга ва оддий кўпчилик овоз билан қарор қабул қилишга ҳақлидирлар.

1. Ўзини-ўзи бошқариш органлари қошида тузиладиган маъмурий комиссиялар таркибига тегишли шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролари йиғинларида раис, раис ўринбосари, масъул котиб, комиссия аъзолари киради.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари қошида маъмурий комиссиялар фақат туман марказидан олисда ва бориш қийин бўлган ердаги шаҳарча, қишлоқ, овулларда тузилади. Бундай аҳоли яшаш жойлари рўйхатини вилоят ҳокими белгилайди.

Маъмурий комиссиялар ўз фаолиятларида тегишли ўзини-ўзи бошқариш органлари олдида масъул ҳисобланади.

2. Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар раис, раис ўринбосари, бошқа ишлардан озод қилинган масъул котиб ва комиссия аъзолари таркибида ҳаракат қилади.

Кундалик ишларни ва комиссия қарорларининг бажарилиши юзасидан назоратни амалга оширишда вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияларда масъул котиб лавозими, зарур бўлиб қолган тақдирда, шунингдек, болалар билан ишловчи инспектор лавозими жорий этилиши мумкин.

Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар таркибига кенгаш депутатлари, касаба уюшмаси, ёшлар ва бошқа жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоаларининг вакиллари, шунингдек, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, ички ишлар органлари ва бошқа муассасаларнинг ходимлари киритилади.

Ҳокимлар вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар таркибига кейинчалик халқ депутатлари кенгашида тасдиқлашга қўйиладиган ўзгаришлар киритиши мумкин.

3. Маъмурий комиссиялар ва вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар ўз ваколатларига кирадиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни комиссия таркибидаги аъзоларнинг камида ярми ҳозир бўлганида кўриб чиқишга ҳамда ушбу Кодекснинг махсус қисмида кўзда тутилган маъмурий жазоларни ўз ваколатлари доирасида қўллашга ва оддий кўпчилик овоз бериш йўли билан қарор қабул қилишга ҳақлидир.

4. Кўрсатилган органларнинг белгиланган тартибда сайланган аъзоларигина маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишни амалга оширишлари мумкин. Ушбу орган таркибига сайланмаган шахс иштирокида чиқарилган қарор қонунга зид ва бекор қилиш лозим деб ҳисобланиши керак.

Бу органларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича органлар мажлисларининг қонуний ҳуқуқи бу ишларнинг тобелиги билан чамбарчас боғлиқ. Агар мазкур ишни ҳал этишда орган чиқарган қарор ҳуқуқий кучга эга бўлмаса, қарор бекор қилинади ва иш ваколатли органга кўриб чиқиш учун юборилади (322-модданинг шарҳига қаранг).

244-м о д д а. **Мансабдор шахсларнинг ваколатлари**

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ушбу Кодекснинг 242-моддаси 4-бандида кўрсатилган органлар номидан кўриб чиқувчи мансабдор шахсларнинг рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган мансабдор шахслар ушбу Кодекснинг Махсус қисмида назарда тутилган маъмурий жазо чораларини ўз ваколатлари доирасида ва фақат хизмат бурчини бажариб турган чоғдагина қўлланишлари мумкин.

1. 244-моддада маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жазо чораларидан фойдаланиш пайтида қонунийликни таъминлаш бўйича, жумладан, вакил қилинган орган ва мансабдор шахслар ўз ҳуқуқ доираларида қонунчиликка мувофиқ келадиган маъмурий жазо чораларини қўллаш ҳақидаги асосли талаблар аниқлаб берилади.

Бу, аввало, Кодекснинг XVIII бобида атрофлича белгилаб берилган идоравий ишларга қатъий амал қилиш, деган маънони англатади.

2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли мансабдор шахслар ушбу Кодекснинг Махсус қисмида назарда тутилган, яъни ушбу ҳуқуқбузарликка қарши қўлланадиган меъёрий чоралар санкцияларида кўрсатилган меъёрий ҳужжат тури ҳажм ва муддатдаги жазоларнигина белгилашлари мумкин. Моддада кўрсатилган маъмурий қилмиш тўғрисидаги жазонинг энг юқори ҳажмидан оширишга йўл қўйилмайди. Кодекснинг 331-моддасида кўрсатилган ҳолларда энг пасткидан паст жазо қўллаш мумкин.

3. Мансабдор шахслар жазо бериш тўғрисидаги масалани ҳал этишда жазо беришнинг умумий қоидалари (Кодекснинг IV боби)га, Кодекснинг умумий қисми иккинчи бўлими қонун-қоидаларига амал қилишлари лозим.

4. Юқори мансабдор шахс ҳуқуқ доирасига мансуб ҳажмда жарима солувчи амалдор шахснинг хатти-ҳаракатини унга берилган ваколат чегарасидан чиқиб кетганлик сифатида кўриши лозим.

5. Маъмурий қамоқ жазосини белгилаш фақат маъмурий ишлар бўйича судьялар ҳуқуқ доирасига киради. Шунинг учун ички ишлар органларининг мансабдор шахслари, шунингдек, майда безорилик ҳақидаги ишларни кўриб чиқишга вакил қилинганлар айбдорга фақат жарима кўринишида жазо беришлари мумкин. Маъмурий қамоқ жазосини қўллаш зарурати юзага келганда иш маъмурий ишлар бўйича судьяларга топширилиши лозим.

6. 244-моддада ифодаланган қонун қоидага кўра, мансабдор шахслар фақат хизмат бурчини бажариб турган чоғдагина, жазо белгилашлари муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқадики, мансабдор шахс хизмат бурчини бажармаётган пайтда (таътил, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва бошқалар) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда қонуний ҳуқуққа эга эмас.

7.244-модда 1-қисмига кўра, Кодекснинг 242-моддаси 4-бандида тилга олинган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи мансабдор шахслар рўйхати Ўзбекистон Республикаси қонун кучига эга бўлган ҳужжатларида белгиланади. Бу норма маъмурий жазо қўллашга ваколатли ҳисобланган мансабдор шахслар доирасини чеклашга қаратилган бўлиб, уни тартибга солишга ёрдам беради ва ҳуқуқий муносабатларнинг бу соҳасида қонунийликни сақдаш талабларига жавоб беради (245—268[2]-моддаларга қаранг).

XVIII боб. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎРРИСИДАГИ ИШЛАРНИНГ ТААЛЛУКЛИЛИГИ

245-м о д д а. **Маъмурий ишлар бўйича судьялар**

Маъмурий ишлар бўиича судьялар ушбу Кодекснинг 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 52, 56, 57, 58, 59, 60, 61, 62, 64, 66, 67-моддаларида, 76-моддасида (сув хўжалиги иншоотларига зарар етказишга оид қисми), 90-модданинг иккинчи қисмида, 94, 99, 100, 101, 102, 103, 104, 105, 106, 107, 108, 110, 111-моддаларида, 112-моддасида (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан махрум этишга оид қисми), 119-модданинг 2-қисми, 127-модданинг иккинчи қисми, 128-моддасининг тўртинчи қисми, 129-моддасининг иккинчи қисми, 130-моддасининг иккинчи қисми, 131-моддасининг биринчи, иккинчи ва тўртинчи қисмлари, 132, 133, 134-моддалари, 136-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари, 137-моддасида, 142-моддасининг иккинчи қисми, 146-моддасининг учинчи қисмида, 148-моддасида (ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёқиш, тахта тўшамали кўприкларда чекиш учун), 149, 150-моддалари, 151-моддасининг иккинчи қисми, 152-моддасининг иккинчи ва учинчи қисми, 155, 157, 158, 159, 160, 161, 163-моддалари, 164-моддасининг иккинчи қисми, 166, 167, 169, 170-моддалари, 171-моддасининг биринчи, 173-моддасида, 175-моддасининг бешинчи қисми, 175[2], 175[3]-моддаларида, 176-моддасининг иккинчи қисми, 177, 179, 180, 181, 182, 184, 184[1], 185, 186, 186[1]-моддалари, 187-моддасининг иккинчи қисми, 189, 190, 191, 193, 194, 195, 196, 197, 198, 199, 200, 201, 202, 202[1], 203, 204, 205, 206, 207, 208, 209, 210, 216, 217, 218-моддалари, 220-моддасининг биринчи ва иккинчи

қисмлари, 222, 226, 227-моддалари, 228-моддасида (муҳрлар (пломбалар) табиатни муҳофаза этишга оид қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун қўйилган ҳоллар бундан мустасно), 230, 231, 232, 233, 234, 237, 238, 239, 240, 241, 241[1]-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

Маъмурий ишлар бўйича судьялар, башарти ҳуқуқбузар ҳуқуқбузарлик фактини инкор этса, маъмурин ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги бошқа ишларни ҳам бевосита кўриб чиқадилар.

1. Ушбу моддада кўрсатиб ўтилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш шу судьялар ваколати ҳисобланади. Бироқ айрим моддаларда назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бошқа органларга (мансабдор шахсларга) ҳам тааллуқлидир: 1) Кодекснинг 246-моддасида кўрсатилган ҳолларда 102, 103, 104, 105, 106, 107, 108, 110, 111, 148, 149, 151, 159, 160, 161, 163, 186, 187, 200, 203, 209, 231, 232, 234, 238-моддаларда назарда тутилган ишлар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қошида тузилган маъмурий комиссиялар томонидан ҳам кўриб чиқилиши мумкин; 2) 247-моддада кўрсатилган ҳолларда 61, 127, 129, 131, 132, 133, 134, 137, 183, 184, 185, 220-моддаларда назарда тутилган ишлар вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар ҳам кўриб чиқиши мумкин; 3) 127, 129, 131, 142, 161, 183, 187, 204, 205, 220моддаларда назарда тутилган ишлар кодекснинг 248-моддасига асосан ички ишлар органлари томонидан кўриб чиқилади; 4) 142-моддада назарда тутилган ишлар темир йўл, ҳаво ва сув транспорти органлари, шунингдек шаҳар ва шаҳарлараро йўловчи ташийдиган автомобил транспорти, электр транспорти (органлари) (250, 251, 254-моддалар) томонидан ҳам кўриб чиқилади, 119-модда бўйича — давлат кичик ҳажмдаги кемалар инспекцияси органлари (253-модда); 5) 131-моддада назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда 256-моддага кўра мудофаа вазирлиги органлари томонидан ҳам кўриб чиқилади; 6) 76, 148, 228-моддаларда назарда тутилган ишлар табиатни мўҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳам (261-модда); 227-моддада назарда тутилган ишлар божхона органлари (262-модда);

151-моддада назарда тутилган ишлар Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлигининг давлат инспекцияси органлари (263-модда); 164-моддада назарда тутилган ишлар — Давлат солиқ органлари (264-модда); 112-моддада назарда тутилган ишлар Макроиқтисодиёт ва статистика органлари томонидан ҳам (266-модда) кўриб чиқилади.

2. Маъмурий ишлар бўйича судьялар ишларни якка тарзда кўриб чиқадилар.

3. Маъмурий ишлар бўйича судьялар агар ҳуқуқбузар ҳуқуқбузарлик фактини инкор этса, бошқа маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ҳам бевосита кўриб чиқадилар. Бундай ҳолларда шу каби ишлар бу органлар (мансабдор шахслар) томонидан кўрилмаган бўлади ва қарор билан асосланган иш материаллари кўриб чиқиш ҳамда моҳиятига кўра ҳал этиш учун маъмурий ишлар бўйича судьяларга юборилади.

245[1]-м о д д а. **Хўжалик судлари**

Хўжалик судлари хўжалик низоларини ҳал этиш чоғида маъмурий ҳуқуқбузарликни аниқлаган ҳолларда ушбу Кодекс 175-**моддасининг** 3-**қисмида, 176[1], 180 ва 181-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.**

1. Ушбу моддада санаб ўтилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш хўжалик судларининг ҳуқуқ доираси ҳисобланади. Бироқ 175-модда бўйича ишлар солиқ органларига, 176', 180, 181-моддзлари бўйича эса маъмурий ишлар бўйича судьяларга тааллуқлидир.
2. Хўжалик судлари хўжалик низоларини ҳал қилиш жараёнида аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

246-м о д д а. **Маъмурий комиссиялар**

Туман марказидан олисда ва бориш қийин бўлган ердаги шаҳарча, қишлоқ ва овуллардаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қошида тузилган маъмурий комиссиялар ушбу Кодекснинг 56, 60, 64, 65, **69, 102, 103, 104, 105, 106, 107, 108, 110, 111-моддаларида,** 148-**моддаси (ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан** 100 **метргача бўлган масофада олов ёқиш, ёғоч кўприклар ва тахта тўшамали кўприкларда чекиш уч'я), 149, 159, 160, 161, 163, 186, 187, 188, 200, 203, 209, 231, 232, 234**, **235, 236, 238-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.**

1. Маъмурий комиссиялар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи орган ҳисобланади. Бундай комиссиялар, агар улар тузилган бўлса, ваколатига барча маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ҳал этиш киради.
2. Туман марказидан олисдаги бориш қийин бўлган жойлардаги шаҳарча, қишлоқ ва овуллардаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан тузилган маъмурий комиссиялар таркибида раис, раис ўринбосари, масъул котиб ва комиссиянинг камида тўрт аъзоси бўлади. Бундай аҳоли яшаш жойлари рўйхати вилоят ҳокими томонидан белгиланади.

Маъмурий комиссиялар муайян ҳудудда фаолият кўрсатади. Маъмурий комиссиялар ваколатининг ҳудудий чегарасини белгилаш улар ишини тўғри ташкил этиш учун ниҳоят даражада муҳимдир, чунки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳуқуқбузарнинг яшаш жойидаги комиссия томонидан кўриб чиқиш қонунда таъкидлаб ўтилган. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қошида тузиладиган маъмурий комиссиялар ваколати бир хил.

3.Маъмурий комиссиялар шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролари ўзини-ўзи бошқариш органларининг бамаслаҳат иш кўриш ва улар ваколатига

киритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш учун чақириладиган орган ҳисобланади.

Маъмурий комиссияларнинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланмоғи лозим.

4. Комиссия ишларини ташкил этиш учун кўриб чиқиладиган материалларни тайёрлаш бўйича катта техник ишларни амалга оширадиган, қабул қилинган қарорлар бажарилишини таъминлайдиган, корхона, муассаса, ташкилот, ўқув юртлари маъмуриятига ёки яшаш жойларига ҳуқуқбузар маъмурий жазога тортилганлиги ҳақида хабар бериш, кўриб чиқилган ҳуқуқбузарликлар ҳисобини олиб бориш ва таҳдил қилиш, жамоатчи фаоллар билан иш олиб бориш ва ҳоказо ишларни адо этадиган масъул котиб номзодини тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга.

5. Маъмурий комиссиялар — шунчаки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ҳал қиладиган ва айбдорга маъмурий жазо қўллайдиган маслаҳат органи эмас, балки одамларни қонунларга, фуқароларнинг ҳуқуқларига, уларнинг ор-номуси, қадр-қийматига ҳурматни, ўз бурчларини ҳалол бажариш, жамият олдида масъулликни тарбиялашга даъват этадиган органдир. Шу муносабат билан маъмурий ҳуқуқбузарлик юз беришига олиб келувчи сабаб ва шароитларни аниқлаш бўйича комиссияларнинг ишлари муҳим аҳамият касб этади. Комиссия ишларни дастлаб текшириши ва кўриб чиқиши асосида қилмишларни таҳлил этиш, сабабларни аникдаш ва уларни бартараф этишнинг зарурий чораларини кўриш учун катта далилий материалларга эга бўлади. Шу билан бирга, комиссия маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни, одатда, ишдан ташқари пайтларда, очиқ мажлисларда кўриб чиқиши муҳим аҳамият касб этади.

6. Маъмурий комиссиялар фаолиятига раҳбарлик қилиш ва назоратни тегишли шаҳарча, қишлоқлар, овуллар фуқароларининг ўзини-ўзи бошқариш органлари амалга оширади. Комиссияларнинг иш юритиш ва техник хизмати кўрсатиш ҳузурида улар ташкил этилган ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширади.

247-м о д д а. **Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар**

Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи туман (шаҳар) комиссиялари вояга етмаган шахслар томонидан ушбу Кодекснинг 194-моддасида назарда тутилганидан бўлак содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар. Ушбу Кодекснинг 61, 125, 126, 127, 128, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, 136, 137, 138, 183, 184, 185, 220, 221-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар мазкур ишлар келиб тушган орган (мансабдор шахс) ишни шу комиссиялар қараб чиқиши учун топширган ҳоллардагина кўриб чиқадилар. Вояга етмаганлар ишлари билан

шуғулланувчи комиссиялар вояга етмаганларнинг ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахсларга тааллуқли ушбу Кодекснинг 47, 188-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ҳам кўриб чиқадилар.

1. Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи туман (шаҳар) комиссиялари 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахсларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларини кўриб чиқувчи асосий орган ҳисобланади.

Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар туман (шаҳар) ҳокимлик ҳузурида ташкил этилади. Уларни ташкил этиш тартиби ва фаолияти Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг 1985 йил 25 майдаги Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1985 йил 31-сон, 363-модда) билан тасдикданган Низомда кўзда тутилган, кейинчалик унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ишларни ташкил этиш вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияларнинг бош вазифаси ҳисобланади. Комиссиялар бу вазифаларни давлат ва жамоат органлари куч-ғайратини уйғунлаштириб, мазкур ишга касаба уюшмаси қўмиталарини, ота-оналар қўмиталарини, жамоатчилик бошқа вакилларини жалб этиб бажаришлари мумкин (Низомнинг 1—6-моддалари).

Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи туман (шаҳар) комиссияларидан ташқари, ўсмирларга нисбатан маъмурий ишлар, агар булар қонун ҳужжатларида белгиланган бўлса, бошқа органлар томонидан ҳам кўриб чиқилиши мумкин. Масалан, вояга етмаганлар маъмурий юрисдикция органлари олдида катталар билан умумий асосда майда ўғирлик, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш, аҳоли тураржойларида ўқ отиш, майда безорилик қилиш, милиция ходимларининг қонуний талабларини бажармаслик, ўқотар қуроллар ва ўқ-дорилар сақлаш ҳамда ташиш билан боғлиқ қоидаларни бузган ҳолларда жавоб берадилар. Шу билан бирга, юқорида айтиб ўтилган ҳолларда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги тўғрисидаги иш комиссияларга узатилиши мумкин.

2. Қонунга мувофиқ, умумий асосда кўриб чиқилиши мумкин бўлган ишни вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи туман (шаҳар) комиссиясига бериш ҳақидаги қарор материаллар кўриб чиқиш даражасидаги иш келиб тушган маъмурий юрисдикция органларининг вакили (мансабдор шахс) томонидан қабул қилинади, чунки тилга олинган қарорни қабул қилиш учун қилмишнинг характерини баҳолаш, бузғунчининг шахсини ҳисобга олиш керак бўлади.

3. Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар вояга етмаганларга (маъмурий қилмишлари учун) мажбурий-тарбиявий хусусиятга эга ёки маъмурий жазо чораси ҳисобланган таъсир этиш чораларини кўллаши мумкин.

4. Ишни комиссияга бериш тўғрисида қарор қабул қилган орган маъмурий жазоларнинг айрим турларини, масалан, ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум

этиш ва мусодара қилиниш жазосини қўллашга комиссия ҳақсиз эканлигини ҳисобга олиши лозим. Шунинг учун ҳуқуқбузар айнан худди шундай жазо қўлланишга лойиқ бўлса, иш Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияга юборилмаслиги, балки у маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилиши лозим.

5. Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, шунингдек, вояга етмаганлар устидан тегишли назоратни таъминламайдиган ва ўз ота-оналик бурчини назарписанд қилмайдиган ота-оналар (ва улар ўрнини босувчи шахслар)га нисбатан ишларни кўриб чиқиши мумкин. Булар вояга етмаганлар спиртли ичимлик ичиши, вояга етмаганни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатга жалб этиш, болаларни тарбиялаш ва ўқитишда ота-оналар ўз бурчларини бажармасликлари, шунингдек, ўсмирлар содир этувчи ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ишлардир.

6. Вояга етмаганларнинг ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахсларга нисбатан комиссия жамоат танбеҳи бериш, жарима солиш, шунингдек, вояга етмаганлар етказган энг кам иш ҳақи ҳажмидан ошмайдиган зарар ўрнини қоплаш мажбуриятини юклаш ҳуқуқига эга,

Комиссиялар болаларни тарбиялаш бўйича бурчларини бажармаётган ота-оналар ёки улар ўрнини босувчи шахслар ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш учун тегишли давлат ташкилотларига беришлари мумкин. Комиссиялар туман (шаҳар) судига ота-оналарнинг муомала лаёқати чекланганлиги тўғрисида, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳақида, шунингдек, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсларнинг болалари билан бир уйда туриши мумкин бўлмаса, уларни бошқа уй-жой бермай бу тураржойдан чиқариб юбориш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга (Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар ҳақидаги низомнинг 19-моддаси).

7.Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи туман (шаҳар) комиссиялари маъмурий қилмишлар тўғрисидаги ишларни Кодексда белгиланган (тўртинчи бўлим) маъмурий иш юритишнинг умумий қоидаларига мувофиқ кўриб чиқади.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича иш юритиш тартиби бу шахсларнинг ёш хусусиятлари ва уларнинг ҳуқуқий ҳолатини: салоҳиятнинг ва моддий жавобгарликнинг чекланганлигини, ота-она ва улар ўрнини босувчи шахсларнинг болалар ҳуқуқ ва маънавиятларини ҳимоя қилишдаги мажбуриятларини ва бошқаларни ҳисобга олади. Шу билан бирга, Кодекс вояга етмаганларнинг қўшимча процессуал кафолатланган ҳуқуқларини кўзда тутади: булар, вояга етмаган шахс маъмурий йўл билан ушлаб турилгани ҳақида унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар албатта хабардор қилиниши (286-модда); иш кўриб чиқилаётганда вояга етмаганнинг қонуний вакиллари: ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийларнинг қатнашиши (296-модда), ҳақиқатни қарор топтиришга, вояга етмаганнинг ҳуқуқини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қўшимча чораларни, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, уларга ҳуқуқий ёрдам беришни кўзда тутади.

Вояга етмаганлар устидан ишларни кўриб чиқиш учун ўрнатилган иш юритиш тартиби 18 ёшгача бўлган ҳуқуқбузарликни амалга оширган шахс иш ёки бошқа процессуал ҳаракат кўрилаётган пайтда ана шу ёшга етган тақдирда ҳам қўлланилади.

8.Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар ҳақидаги низом, шунингдек, иш кўрилаётганда вояга етмаганлар ҳуқуқларини муҳофаза қилишга бўлган қуйидаги талабларни белгилайди: комиссия йиғилишида вояга етмаганнинг ўзи, ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар, албатта, қатнашиши шарт (уларни ҳатто милиция орқали олиб келиш эҳтимоли ҳам кўзда тутилган, Низомнинг 32-моддаси); комиссия кенгашига мансабдор шахслар келмаган тақдирда комиссия уларни иш ёки ўқиш жойлари бўйича маъмурият, жамият ташкилотлари орқали чақиртириш чораларини кўриши мумкин.

Комиссия йиғилиши ўтказиладиган кун ҳақида прокурорга хабар берилади (Низомнинг 33-моддаси).

Комиссиялар вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқбузарликни амалга оширишига ёрдамлашадиган сабаб ва шарт-шароитларни аниқдашлари, уларни бартараф этиш чораларини кўришлари лозим (Низомнинг 32-моддаси).

248-м о д д а. **Ички ишлар милиция органлари**

Ички ишлар органларига ушбу Кодекс 113-моддасининг биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари, 114, 115-моддалари, 116-моддасининг биринчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари, 121, 122, 123, 125, 126, 127, 128, 129, 130, 131, 135, 136, 138, 139, 140, 141, 142-моддалари (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки мусодара қилиш тарзидаги маъмурий жазо қўлланиш белгиланган ҳуқуқбузарликлар бундан мустасно), 144, 145-моддалари, 146-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 147, 156, 161, 183-моддалари, 187-моддасининг биринчи қисми, 188-моддаси (вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга тааллуқли ишлар бундан мустасно), 192, 204, 205-моддалари, 220-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмлари, 221, 223, 224, 225-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Қуйидагилар ички ишлар органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўлланишга ҳақлидирлар:

1) ушбу Кодекснинг 113-моддасининг биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида, 114-моддасида, 116-моддасининг биринчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 121, 122, 123, 142, 144, 145-моддалари, 146-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 156, 183, 188, 191, 204, 205-моддаларида, 220-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида, 221, 223,

224, 225моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — туман, шаҳар, шаҳардаги туман ва транспортдаги ички ишлар бўлимлари (бошқармалар) бошлиқлари ёки уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, ички ишлар органлари тизимидаги милициянинг ҳудудий (транспорт) бўлимлари бошлиқлари;

2) ушбу Кодекснинг 113-моддаси биринчи қисмида, 114-моддаси биринчи қисмида, 115-моддасида, 121-моддасининг иккинчи қисмида, 122, 123, 156, 183-моддаларида, 187-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — метрополитенни муҳофаза қилиш бўйича ички ишлар бўлимининг бошлиғи ёки унинг ўринбосарлари;

3) ушбу Кодекснинг 225-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — темир йўл вокзаллари ва аэропортлардаги бўлинмаларнинг, ички ишлар органларининг чет элга чиқиш, келиш ва фуқаролик бўлимлари (бошқармалари)нинг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари;

4) ушбу Кодекснинг 122, 123-моддалари, 127-моддаси (мақсадсиз овозли сигнал бериш қисмида), 161-моддаси (фуқароларга нисбатан), 187-моддасининг биринчи қисми, 192, 221-моддалари, 223-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — милиция участкаси бошликдари, милициянинг участка катта инспекторлари ва участка инспекторлари;

5) ушбу Кодекснинг 125, 126-моддаларида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 131-моддасининг учинчи қисмида, 135-моддасида, 136-моддасининг учинчи қисмида, 138, 139, 140, 141, 147-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — Давлат автомобиль назорати бўлинмаси (бўлими, бошқармаси) бошлиғи ёки унинг ўринбосари, маъмурий амалиёт катта инспектори (инспектори), туман, шаҳар, шаҳардаги туман ички ишлар бўлими (бошқармаси)да Давлат автомобиль назорати бўлинмаси (бўлими) бўлмаган тақдирда — Давлат автомобиль назорати катта инспектори, у бўлмаган тақдирда — ички ишлар бўлими бошлиғи ёки унинг ўринбосари;

6) ушбу Кодекснинг 125, 126-моддаларида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 135-моддасининг биринчи қисмида, 138-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 147-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — йўлпатруль хизмати командири ёки унинг ўринбосари;

7) ушбу Кодекснинг 125-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 126-моддасининг биринчи қисмида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи қисмида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 135-моддасининг биринчи қисмида, 138-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун давлат автомобиль инспектори, йўл-патруль хизматининг инспектори ва

йўлҳаракати қоидаларига ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид бошқа нормативларга риоя этиши устидан назоратни амалга оширувчи бошқа инспекторлар.

1. Кодекснинг 248-моддаси биринчи қисмида белгиланганидек, ички ишлар органлари (милиция) қуйидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга: темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш — (113-модда 1, 2 ва 4-қисмлари), темир йўл транспорти воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш (114-модда); метрополитендан фойдаланиш қоидаларини бузиш (115-модда); учиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш (116-модданинг 1, 2 ва 4-қисмлари); транспорт воситалари ички жиҳозларига шикаст етказиш (121-модда); транспортларда белгиланмаган жойларда чекиш (122-модда); транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш (123-модда); транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш (125-модда); кўзгусимон ва усти ўзгартирилган (қорайтирилган) ностандарт ойналар ўрнатилган транспорт воситаларидан фойдаланиш (126-модда); транспорт воситаларининг товуш чиқарувчи ва ёритувчи қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш (127-модда); транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ҳаракат тезлигини ошириб юбориши, йўл белгилари ва йўл ҳаракатининг бошқа қоидалари талабларига риоя қилмаслиги (128-модда); транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ҳаракат хавфсизлигига тахдид солувчи гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишда қатнашиши (129-модда); транспорт воситалари ҳайдовчиларининг темир йўлнинг ўтиш жойларидан ўтиш қоидаларини бузиши (130-модда); транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш (131-модда); бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлари бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқариши (135-модда); транспорт воситалари ҳайдовчиларининг мастлиги ёки маст эмаслигини аникдаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаш (136-модда); пиёдалар ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг ҳаракат қоидаларини бузиши (138-модда); носоз транспорт воситаларини йўлга чиқариш ва транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш (138-модда); маст ҳолдаги ҳайдовчиларнинг ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқаришга йўл қўйиш (140-модда); транспорт воситаларидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш (141-модда); хавфли моддалар ва ашёларни транспортда ташиш қоидаларини бузиш (142-модда); транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилиш ёхуд мусодара қилиш кўринишидаги маъмурий жазо қўлланиши белгиланган ҳуқуқбузарликлардан ташқари. Бу ҳолларда материал туман (шаҳар) судига юборилади. Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликдан ташқари, ички ишлар органлари транспортда чиптасиз юриш (144-модда); йўловчиларни чиптасиз'ташиш (145-модда); ҳаво, темир йўл, сув юк автомобиль транспортларида юкларнинг сақланишини таъминлаш қоидаларини бузиш (146-модда); йўлларга, йўл иншоотларига, йўл ҳаракатини тартибга солиб турувчи техник воситаларга шикаст етказиш,

уларни сақдаш қоидаларини бузиш (147-модда); автомат-телефонларни шикастлантириш (156-модда); шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш (161-модда); майда безорилик (183-модда); жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш (187-модда); вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш (188-модда); вояга етмаган шахсларнинг ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахсларга қўлланиладиган ишлардан ташқари фавқулодда ҳолат тартиби шароитида жамоат тартибига тажовуз қилиш (205-модда); ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни сақлаш ёки ташиш қоидаларини бузиш (220-модданинг 3 ва 4-қисмлари); ўқотар қуролларни рўйхатдан ўтказиш (муддатларини ёки уларни ҳисобдан ўтказдириб қўйиш қоидаларини бузиш (221-модда); паспорт тизими қоидаларини бузиш (223-модда); чегара зонасига, шунингдек, фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш ҳамда уларда яшаш қоидаларини бузиш (224-модда), Узбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш (225-модда).

2. 248-модданинг биринчи қисмида белгиланган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда 248-модданинг иккинчи қисмида санаб ўтилган ички ишлар органларининг фақат мансабдор шахсларигина ўз ваколати доираларида фойдаланадилар.

249-м о д д а. **Давлат ёнғиндан сақлаш назорати органлари**

Давлат ёнғиндан сақлаш назорати органларига ушбу Кодекснинг 84, 124, 211-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Қуйидагилар Давлат ёнғиндан сақлаш назорати органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўлланишга ҳақлидирлар:

Узбекистон Республикаси ёнғиндан сақлаш назорати бош давлат инспектори ва унинг ўринбосарлари — фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваригача миқдорда;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар объектлар ёнғиндан сакдаш назорати бош давлат инспекторлари ва Ўзбекистон Республикаси ёнғиндан сақлаш назорати бош давлат инспекторининг катта ёрдамчилари — фуқароларга энг кам иш ҳақининг тўрт бараваригача, мансабдор шахсларга эса — саккиз бараваригача миқдорда;

Ўзбекистон Республикаси ёнғиндан сақлаш назорати бош давлат инспекторининг ёрдамчилари — фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваригача миқдорда;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёнғиндан сақлаш назорати бош давлат инспекторларининг катта ёрдамчилари — фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваригача миқдорда;

хизмат кўрсатилаётган шаҳарлар, туманлар ва объектларнинг ёнғиндан сақлаш назорати давлат катта инспекторлари — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — икки бараваригача миқдорда;

хизмат кўрсатилаётган шаҳарлар, туманлар ва объектларнинг ёнғиндан сақлаш назорати давлат инспекторлари — фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваригача миқдорда жарима солишга.

1. Кодекснинг 249-моддаси биринчи қисмига мувофиқ давлат ёнғиндан сақлаш назорати органлари ёнғин хавфсизлигини, шу жумладан, ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузиш (84-модда), транспортда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш (124-модда), ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш (211-модда) тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

2. 249-модданинг биринчи қисмида белгиланган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда фақат 249-модданинг иккинчи қисмида санаб ўтилган давлат ёнғиндан сақлаш назорати органларининг мансабдор шахсларигина ўз ваколатлари доирасида фойдаланадилар.

250-м о д д а. **Темир йўл транспорти ва метрополитен органлари**

Темир йўл транспорти органларига ушбу Кодекснинг 113, 114-моддаларида, шунингдек, 53, 121, 122, 123, 124, 142, 144, 145-моддаларида, 146-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (темир йўл транспортида ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Метрополитен органларига ушбу Кодекснинг 115-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Қуйидагилар темир йўл транспорти ва метрополитен органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўлланишга ҳақлидирлар:

станция бошлиғи ва унинг ўринбосари, вокзал бошлиғи ва унинг ўринбосари, локомотив (вагон) депосининг бошлиғи, йўловчилар поезднинг бошлиғи (йўловчилар поезднинг механик бригадири);

йўловчилар поезднинг назоратчи-тафтишчиси, йўловчилар поезднинг тафтишчи-йўриқчиси, даромадларни назорат қилиш бўйича тафтишчи, йўл устаси, йўл дистанцияси бошлиғи, сигнализация ва алоқа дистанцияси бошлиғи;

ҳарбийлаштирилган соқчилик бошлиғи ва унинг ўринбосари, ёнғиннинг олдини олиш бўйича отряд (команда, ўт ўчириш поезди) бошлиғи ва унинг ўринбосари, катта йўриқчи ва йўриқчи, командининг, ўт ўчириш поезднинг, ҳарбийлаштирилган соқчиликнинг бўлинмаси (қоровул) бошлиғи;

бош санитария врачи (тиббий-санитария хизмати бошлиғининг ўринбосари), Марказий санитария-эпидемиология станциясининг бош санитария врачи, санитария-эпидемиология станциясининг бош санитария врачи.

Йўловчилар поездининг бошлиғи (йўловчилар поездининг механик-бригадири), йўл устаси, команданинг, ўт ўчириш поездининг, ҳарбийлаштирилган соқчиликнинг бўлинмаси (қоровул) бошлиғи, бош санитария врачи (тиббий-санитария хизмати бошлиғининг ўринбосари), Марказий санитария-эпидемиология станциясининг бош санитария врачи, санитария-эпидемиология станциясининг бош санитария врачи соладиган жариманинг миқдори энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдоридан ошмаслиги керак.

1. 250-модда темир йўл транспортида ва метрополитенда маълум бир мансабдор шахснинг қандай муайян қилмиш учун жарима солиши мумкинлигини кўзда тутмай маъмурий жазо қўллаши мумкин бўлган мансабдор шахслар рўйхатини белгилайди.

Шу билан бирга, темир йўл транспортида ва метрополитенда транспортдан фойдаланиш қоидалари, ёнғин хавфсизлиги, санитария қоидаларини бузиш каби хилма-хил ҳуқуқбузарликлар содир этилади.

Маъмурий жазо мазкур моддада кўрсатилган мансабдор шахслар томонидан хизмат бурчларини бажариш пайтида ва фақат назорат ижроси ўз зиммаларида бўлган қоидалар бузилганда солинади.

Масалан, станция ва вокзалларнинг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, йўловчилар ташийдиган назоратчи тафтишчилари 114-моддада кўзда тутилган қоидабузарлик учун; ҳарбийлаштирилган соқчилик бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, ёнғинга қарши эҳтиёт чоралари бўйича катта йўриқчи ва йўриқчилар ҳамда бошқа айрим мансабдор шахслар — темир йўл транспортида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузгандиги учун; бош санитар шифокори ва метрополитен бош санитар шифокори — санитар-гигиена ва санитар-эпидемияга қарши қоидаларни бузганликлари учун жарима солишлари мумкин.

2. Кодекснинг 250-моддаси 4 ва 5-қисмида кўрсатиб ўтилган мансабдор шахслар Кодекснинг Махсус қисмидаги муайян ҳуқуқбузарлик квалификация қилинишга мос келувчи моддалар санкцияларида назарда тутилган миқдорда жарима солиш ҳуқуқига эгадирлар.

3. 113, 114, 115, 121, 122, 123, 142, 144, 145-моддалар ва 146-модданинг биринчи ва иккинчи кисмларида кўзда тутилган қоидаларнинг бузилиши тўғрисидаги ишларни темир йўл транспорти органларидан ташқари ички ишлар органлари ҳам кўриб чиқишлари мумкин (248-модда).

4. Санитария-гигиена ҳамда эпидемияларга қарши кураш қоидалари бузилганлиги ҳақидаги ишлар (53-модда) ҳам давлат санитария назоратини амалга оширувчи орган ва муассасалар томонидан кўриб чиқилиши мумкин (257-модда).

5. Темир йўл транспортида ва метрополитенда юз берадиган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар темир йўл транспорти, метрополитен давлат санитария, давлат назорати органларининг ваколатли манфаатдор шахслари ва ички ишлар органлари (милиция) ходимлари томонидан тузилади.

Башарти фуқаро ўзи содир этган ҳуқуқбузарлик фактига эътироз билдирмаса ва унга жойнинг ўзида солинадиган жариманинг миқдори энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан ошмаса, баённома тузилмайди. Бундай ҳолларда айбдорга белгиланган шаклда квитанция берилади (Кодекснинг 283-моддасига қаранг).

251-м о д д а. **Ҳаво транспорти органлари**

Ҳаво транспорти органларига ушбу Кодекснинг 53, 121, 122, 124, 145-моддаларида, 146-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (ҳаво транспортидаги ҳуқуқбузарлик қисми), 116-моддасида (фуқаролар авиацияси органлари қарамоғидаги аэродромларда ёки ана шундай аэродромлар жойлашган ҳудудда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун), 117-моддасида, 142-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 144-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Қуйидагилар ҳаво транспорти органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўлланишга ҳақлидирлар:

Миллий авиакомпаниянинг Бош директори ва унинг ўринбосарлари, авиакомпания учиш мажмуининг директори ва унинг ўринбосари, аэропортда йўловчи ва юк ташиш хизмати бошлиғи, авиакомпания бош инспекцияси бошлиғи, бош инспекция бўлим бошлиқлари ва назоратчиси, ҳаво кемаси командири;

Миллий авиакомпания назорат-тафтиш бўлимининг бошлиғи ва унинг ўринбосари, шу бўлимнинг тафтишчилари, Миллий авиакомпаниянинг тиббий-санитария хизмати бошлиғи;

аэропортнинг ҳарбийлаштирилган соқчилик отряди ва алоҳида командасининг бошлиғи.

Фуқаролар авиацияси бошқармаси (ҳудудий бошқармаси) назорат-тафтиш бўлимининг катта тафтишчиси, тижорат тафтишчиси, тафтишчиси, авиакорхона (аэропорт) йўловчи ва юк ташишни ташкил этиш хизматининг бошлиғи, фуқаролар авиацияси санитария-эпидемиология станциясининг бош врачи, авиакорхона (аэропорт) ҳарбийлаштирилган соқчилик алоҳида командасининг бошлиғи соладиган жарима миқдори энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдоридан ошмаслиги керак.

1. 251-модда маълум бир мансабдор шахснинг қандай муайян қилмиш учун жарима солиши мумкинлигини кўзда тутмай, ҳаво транспортида

маъмурий жазо қўллаши мумкин бўлган мансабдор шахслар рўйхатини белгилайди.

Маълумки, ҳаво транспортида ҳуқуқбузарлик хилма-хилдир. Улар масалан, ҳаво транспортидан фойдаланиш, ёнғин хавфсизлиги, санитар қоидалари соҳасида ва ҳоказоларда амалга оширилади.

Маъмурий жазо шу моддада кўрсатилган мансабдор шахс томонидан ўз хизмат бурчини бажараётган пайтда ва фақат улар зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши устидан назорат қоидаси бузилганлиги учун солинади.

2. Шуни таъкидлаш керакки, Кодекснинг 116, 121, 122, 145-моддалари, ҳамда 142-модданинг 1 ва 2-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар ички ишлар органлари томонидан ҳам кўриб чиқилиши мумкин (248-модда, 1-қисм).

3. Ҳаво транспорти органларининг маъмурий жазо қўллаш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслари Кодекснинг тегишлимоддаларига белгиланган микдорда жарима солишлари мумкин. 251-модданинг 3-қисмида кўрсатилган шахслар бундан мустасно, бундай шахслар энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан ошмайдиган жарима солишлари мумкин.

4. Ҳаво транспортида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузганлик тўғрисидаги ишлар (124-модда)ни, шунингдек, давлат ёнғиндан сақлаш назорати органлари (249-модда), санитария қоидаларини бузганлик (53-модда) тўғрисидаги ишларни эса давлат санитар назорати органлари (257-модда) кўриб чиқиши мумкин.

5. Ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар ҳаво транспорти, давлат ёнғин хавфсизлиги назорати, давлат санитария назорати органларининг ваколатли мансабдор шахслари, шунингдек, ички ишлар органлари (милиция) ходимлари томонидан тузилиши мумкин.

Миллий авиакомпанияларга тегишли бўлмаган аэродромларда учиш хавфсизлиги (116-модда) қоидаларининг бузилиши тўғрисидаги баённомалар ихтиёрида аэродромлари бўлган тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг ваколатли мансабдор шахслари томонидан тузилади.

Йўловчиларнинг чиптасиз учиши тўғрисидаги баённома, агар ҳуқуқбузар ўзига нисбатан қўлланиладиган маъмурий жазога эътироз билдирмаса, тузилмайди. Бу ўринда жарима ўша жойнинг ўзида солинади, ҳуқуқбузарга эса белгиланган шаклдаги квитанция берилади (283-модда).

252-м о д д а. **Сув транспорти органлари**

Сув транспорти органларига ушбу Кодекснинг 53, 121, 122, 124, 145-моддаларида, 146-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (сув транспортидаги ҳуқуқбузарлик учун), 118, 120-моддаларида, 142-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Порт бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, пристань ва вокзалларнинг бошлиқлари, порт, пристань ва вокзалларнинг навбатчи

маъмурлари, порт ҳудудлари бошлиқлари ва шлюз бошлиқлари, кемаларнинг капитанлари, уларнинг ёрдамчилари ва штурманлари, кема қатнови инспекцияларининг катта инспекторлари ва инспекторлари, кема тафтишчилари, порт, пристань жойлашган ердаги ҳарбийлаштирилган идоравий соқчилигининг юқори мансабдор шахси (бирлашган отряд бошлиғи, отряд бошлиғи, командир, ёнғиндан сақлаш йўриқчиси) сув транспорти органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўлланишга ҳақлидирлар.

. 1. Ушбу модда сув транспортида маъмурий жазо қўллаши мумкин бўлган мансабдор шахсларни белгилайди, шу билан бирга, муайян мансабдор шахс қандай аниқ бир қилмиш учун жарима солиши мумкинлигини назарда тутмайди.

Маъмурий жазо мазкур моддада кўрсатилган мансабдор шахс томонидан фақат ўз хизмат бурчини бажараётганда ва улар зиммасига юклатилган ваколат доирасида кўлланиши мумкин.

2. Сув транспортидаги ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баъзи ишларни бошқа органлар ҳам кўриб чиқиши мумкин. Масалан, санитария қоидалари бузилиши тўғрисидаги ишларни давлат санитария назорати органлари муассасалари (257-модда), ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилиши тўғрисидаги ишларни давлат ёнғиндан сақлаш назорати органлари (249-модда), 121, 122, 146-моддаларда кўрсатилган ишларни эса ички ишлар (милиция) органлари (248-модда) кўриб чиқади.

Шуни таъкидлаш керакки, сув транспортидаги ҳуқуқбузарлик учун айбдорга солиниши мумкин бўлган жариманинг энг юқори миқдори ишни кўриб чиқаётган мансабдор шахс хизмати мавқеига ва у қайси идорага мансуб эканлигига боғлиқ. Масалан, порт бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари санитария қоидалари бузилгани учун мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда (53-модда), сув транспортида порт ва участка бош санитария врачлари — энг кам иш ҳақининг уч бараваригача миқдорда жарима солишлари мумкин.

253-м о д д а. Давлат кичик ҳажмдаги кемалар инспекцияси органлари

Узбекистон Республикасининг Давлат кичик ҳажмдаги кемалар инспекцияси органларига ушбу Кодекс 119-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат кичик ҳажмдаги кемалар инспекциясининг бошқармаси (бўлими) бошлиғи ва ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларнинг давлат кичик ҳажмдаги кемалар инспекциялари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, давлат кичик ҳажмдаги кемалар инспекторлари Давлат кичик

ҳажмдаги кемалар инспекцияси органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўлланишга ҳақлидирлар.

1. Давлат кичик ҳажмди кемалар инспекцияси органлари ана шу инспекция назорати остида бўлган кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш қоидаларини, шунингдек, бундай кемалардан ва улар турадиган базаларидан (иншоотлардан) фойдаданиш қоидаларини бузиш (119-модда) билан боғлиқ ишларни кўриб чиқадилар. Кичик ҳажмли кемаларни ҳайдовчи маст ҳолда бошқаргани, шунингдек, кема ҳайдовчиларининг кичик ҳажмли кемаларни маст ҳолда бошқариши, шунингдек, кичик ҳажмли кемани маст ҳолатдаги шахсларга берганлиги тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади (132, 140-моддалар).

2. 253-модданинг 2-қисмида кўрсатилган мансабдор шахслар давлат кичик ҳажмли кемалар инспекцияси органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима сифатида маъмурий жазо бериш ҳуқуқига эга.

254- м о д д а. **Шаҳар ва шаҳарлараро йўловчи ташийдиған автомобиль транспорти ва электр транспорти органлари**

Шаҳар ва шаҳарлараро йўловчилар ташийдиган автомобиль транспорти ва электр транспорти органларига ушбу Кодекснинг 121, 122, 123, 124, 142, 143, 144, 145-моддаларида, 146-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (шаҳар, шаҳарлараро автомобиль транспортида ва электр транспортида содир этилган ҳуқуқбузарликлар қисми) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузар-ликлар тўғрисидаги йшлар тааллуқлидир.

Шаҳар ва шаҳарлараро йўловчилар ташийдиган автомобиль транспорти ва электр транспорти назоратчи-тафтишчилари, чипта текширувчилари ва тегишли ваколати бўлган бошқа ходимлари ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўлланишга ҳақлидирлар.

1. Шаҳар ва шаҳарлараро йўловчи ташийдиган автомобиль транспорти органлари: автобусларнинг, таксиларнинг, маршрут таксиларининг, шаҳар электр транспортининг ички жиҳозларига ва метрополитен вагонларига шикаст етказиш (121-модданинг 2-қисми); шаҳар ва шаҳарлараро автобусларда, таксиларда, маршрут таксиларида ва шаҳар электр транспортида чекиш (122-модда); автобуслардан, таксилардан, маршрутли таксилар ва шаҳар электр транспортидан ахлат ва бошқа нарсаларни ташлаб юбориш (123-модда); транспортда белгиланган ёнғин хавфсизлиги

қоидаларини бузиш (124-модда); автобус, троллейбусда, трамвайда, метрополитенда, маршрут таксида портловчи, тез аланга олувчи, заҳарловчи ҳамда заҳарли моддалар ва ашёлар олиб юриш (142-модда 3-қисм); транспортда чиптасиз юриш (144-модда 4, 5-қисмлар); автомобиль транспортида юкларнинг сақланишини таъминлаш қоидаларини бузиш (146-модда) билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларини кўриб чиқади.

2. Автомобиль транспорти тизимида таркибида назоратчи-тафтишчиларга эга бўлган назоратчи-тафтишчилар хизматининг махсус бўғинлари, бўлимлари мавжуд.

3. 254-модда 2-қисмида кўрсатилган шахслар, агар уларда назорат-тафтиш хизмати гувоҳномалари бўлса, ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

Ҳуқуқбузар жарима тўлашдан бўйин товласа, назорат-тафтиш хизмати гувоҳномаси бўлган назоратчи маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади (283-модда).

Баённома назорат-тафтиш хизматининг тегишли бўлимига юборилади ва у хизмат (бўлим) бошлиғи томонидан кўриб чиқилади.

4. 142-модданинг 2-қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан (245-модда), 121, 122, 123, 142, 144, 146-моддаларда назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар — ички ишлар органлари томонидан (248-модда); 124-модда бўйича давлат ёнғиндан сакдаш назорати органлари томонидан (249-модда); темир йўл транспорти органлари томонидан (250-модда); 121, 122, 124, 142, 144, 146-моддалар бўйича — ҳаво транспорти органлари томонидан (251-модда); 121, 122, 124, 142, 146-моддалар бўйича — сув транспорти органлари (252-модда) томонидан кўриб чиқилади.

255-м о д д а. **Меҳнат бўйича ҳуқуқий ва техник инспекторлар**

Меҳнат бўйича ҳуқуқий ва гехник инспекторлар ушбу Кодекснинг 49, 50, 51, 229-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

Қуйидагилар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораси қўлланишга ҳақлидирлар:

меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун — меҳнат бўиича ҳуқуқий инспекторлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун — меҳнат бўиича давлат техник инспекторлари ҳамда касаба уюшмаларининг меҳнат бўйича техник инспекторлари;

меҳнат нормалари ва меҳнат шартшароитлари қоидаларини бузганлик учун — меҳнат шартшароитлари давлат экспертизаси мансабдор шахслари.

1. Меҳнат бўйича ҳуқуқий ва техник инспекторлар меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар, давлат меҳнат экспертизаси мансабдор шахслари эса меҳнат нормалари ва меҳнат шарт-шароитлари қоидалари бузилиши билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

2. Меҳнат бўйича ҳуқуқий инспекция Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашида, Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашида тузилади. Ҳуқуқий инспекция бўлим ҳуқуқига эга бўлиб, унга меҳнат бўйича бош ҳуқуқий инспектор бошчилик қилади. Меҳнат бўйича ҳуқуқий (бош ҳуқуқий) инспектор тегишли касаба уюшмаси кенгашининг ҳайъати қарори билан тасдиқланади ва мансабидан озод этилади.

3. Меҳнат бўйича техник инспекция Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг меҳнат бўйича техник инспекциясига, тармоқ касаба уюшмалари меҳнат бўйича техник инспекцияларига ва касаба уюшмалари кенгашининг меҳнат бўйича техник инспекцияларига бўлинади ва тегишли касаба уюшмаси органларига бўйсунади.

4. Меҳнат бўйича техник инспекторлар касаба уюшмалари федерацияси кенгаши белгилаган намунадаги махсус гувоҳномага эга бўладилар.

5. Меҳнат тўғрисидаги қонунни бузганлик ҳақидаги ишлар ҳуқуқий (бош ҳуқуқий) инспекторлар қарамоғидадир. «Касаба уюшмалари ва уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги» Қонун (Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992, 9-сон, 344-модда)га мувофиқ, улар меҳнат ҳақидаги қонунларга риоя қилишнинг асосий масалалари меҳнат шартномаси ва меҳнат дафтарчаларини юритиш, иш вақти ва дам олиш вақтининг тартиби; меҳнатга ҳақ тўлаш; кафолат ва компенсация; ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат интизоми ва моддий масъулияти тўғрисидаги масалаларни текширадилар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари бузилиши ҳақидаги ишлар меҳнат бўйича техник инспекторлар қарамоғида бўлади, яъни ишлаб чиқариш бинолари, технология ва энергетика ускуналари, транспорт воситалари, санитария-маиший ускуналар, шамоллатиш ва совутиш тармоқларининг техника хавфсизлиги ва технология жараёнларининг ишлаб чиқариш санитарияси талабларига мос келиши, заҳарли, ёнғин хавфини туғдирувчи, зарарли моддаларни, радиоактив нурланиш манбаларини саклаш, ташиш ва ишлаб чиқаришда қўллашнинг тўғрилиги ва хавфсизлиги улар назоратида бўлади.

Меҳнат нормалари ва меҳнат шарт-шароитлари қоидаларини бузганлик ҳақидаги ишлар Меҳнат давлат экспертизасининг мансабдор шахслари тасарруфидадир.

(Ўзбекистон Республикаси ҲҚТ. 1993, 7-сон, 29-модда; 1995, 2-сон, 4-модда).

6. Бундан ташқари, меҳнатҳуқуқ инспекторлари давлат иш билан таъминлаш хизмати томонидан юборилган фуқароларни ишга олишдан бош

тортиш (50-модда), меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлов (51-модда) ва бўш иш жойларини яшириш (229-модда) тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

256- м о д д а. **Мудофаа вазирлиги органлари**

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги органларига ушбу Кодекснинг 125-моддасида, 128-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 130-моддасида, 131-моддасининг иккинчи қисмида, 135, 136, 138, 139, 140, 141-моддаларида (транспорт воситаларининг ҳайдовчилари — ҳарбий хизматчилар ва йиғинларга чақи-рилган ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган), 235, 236-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Қуйидагилар Узбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўлланишга ҳақлидирлар:

ушбу Кодекснинг 235, 236-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимлари бошлиқлари ва туман (шаҳар) муқобил хизмат бўлимлари бошлиқлари;

ушбу Кодекснинг 125-моддасида, 128-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 130-моддасида, 131-моддасининг иккинчи қисмида, 135, 136, 138, 139, 140, 141-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — Ҳарбий автомобиль инспекциясининг бошлиғи, катта инспектори, инспектори.

Транспорт воситаларининг ҳайдовчилари — ҳарбий хизматчилар ва йиғинларга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар содир этган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомалар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда белгилаб қўядиган тартибда Ҳарбий автомобиль инспекциясига юборилади.

1. Ҳарбий ҳисобдан ўтиш қоидаларини (235-модда) ва ҳарбий ҳисоб ҳужжатларини қасддан яроқсизлантириш ёки уларни бепарволик туфайли йўқотиш (236-модда) тўғрисидаги ишларни туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлими бошлиқлари ва муқобил хизматининг туман (шаҳар) бўлимлари кўриб чиқадилар.

2. Транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш (125-модда), 128-модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатларни йил давомида қайта такрорлаш (128-модданинг 1 ва 2-қисмлари) транспорт воситалари ҳайдовчиларининг темир йўлнинг ўтиш жойларидан ўтиши (130-модда), транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини алкоголли ичимликлардан, гиёҳвандлик модда таъсиридан ёки ўзга тарзда маст ҳолда бошқариши (131-модданинг 2-қисми), бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлари бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқариши (135модда), транспорт воситалари ҳайдовчиларининг мастлиги ёки маст эмаслигини аниқдаш учун

текширувдан ўтишдан бўйин товлаши (136-модда), пиёдалар ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг ҳаракат қоидаларини бузиши (138-модда), носоз транспорт воситаларини йўлга чиқариш ва транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш (139модда), маст ҳолатдаги ҳайдовчиларнинг ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқаришига йўл қўйиш (140-модда), транспорт воситаларидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш (141-модда) тўғрисидаги ишлар, агар мазкур ҳуқуқбузарликлар ҳайдовчи-ҳарбий хизматчилар ва йиғинларга чақирилган ҳарбий хизматга мажбур шахслар томонидан содир этилса, ҳарбий автомобиль инспекциянинг бошлиғи, катта инспектори, инспектори томонидан кўриб чиқилади.

3. Транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ҳайдовчи-ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар содир этган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомалар Узбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда белгилаб қўйилган ҳарбий автомобиль инспекцияси (ҲАИ)га юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг транспорт воситалари ҳайдовчилари транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилиш кўринишидаги маъмурий жазо қўлланиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликни содир этган тақдирда ҲАИ мансабдор шахси иш кўриб чиқилгунга қадар ҳайдовчидан транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиб қўяди. Олиб қўйилган гувоҳнома йўл ҳаракати қоидаси бузилганлиги тўғрисидаги баённома билан бирга туман (шаҳар) судларининг маъмурий ишлар бўйича судьяларига топширилади.

4. 131-модда I ва III қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар (245-модда); 246-моддада кўрсатилган ҳолларда 235, 236моддаларда ўзини-ўзи бошқариш органлари қошида тузилган маъмурий комиссиялар; 247-моддада кўрсатилган ҳолларда 125, 128, 130, 131, 135, 138-моддаларда вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар; 125, 128, 130, 131, 135, 136, 138, 139, 140, 141-моддаларида кўзда тутилган ҳуқуқбузарликлар — Ички ишлар органлари (248-модда) томонидан кўриб чиқилади.

257-м о д д а. **Давлат санитария назорати органлари**

Давлат санитария назорати органларига ушбу Кодекснинг 53, 54, 55-моддаларида, 85-моддасида (атмосфера ҳавосига йўл қўйиладиган энг юқори нормативдан ортиқ даражада зарарли физикавий таъсир кўрсатганлик ва атмосфера ҳавосига биологик организмлар чиқариб ташлаганлик, шунингдек, махсус ваколат берилган давлат органларининг рухсатисиз атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатганлик ва атмосфера ҳавосига биологик организмлар чиқариб ташлаганлик учун, агар бу ҳуқуқбузарлик санитария-гигиена қоидаларини бузиш бўлса), 86, 88, 89, 95-моддаларида (агар атмосфера

ҳавосига физикавий таъсир кўрсатилган бўлса ва бу ҳуқуқбузарликлар санитария-гигиена қоидаларини бузиш бўлса), 87-моддасида (автомобиллар, самолётлар, кемалар ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ҳамда қурилмаларни ишлатиш пайтида шовқин даражаси белгиланган нормативдан ортиб кетганлиги учун), 96-моддасида (санитария-экологик экспертизаси қисмида), 178-моддасида (истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Қуйидагилар давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чорасини қўлланишга ҳақлидирлар:

Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи ва унинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг етти бараваригача миқдорда;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат санитария врачлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, туманларга бўлинган шаҳарларнинг бош давлат санитария врачлари ва сув транспортидаги ҳавзалар бош давлат санитария врачлари — энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда;

туманларга бўлинмаган шаҳарларнинг, туманларнинг бош давлат санитария врачлари ҳамда сув транспортидаги портлар ва тармоқ участкаларининг бош давлат санитария врачлари — энг кам иш ҳақининг уч бараваригача миқдорда жарима солишга.

1. Давлат санитария назорати органлари санитария-гигиена ва санитария-эпидемияга қарши қоида ҳамда меъёрларнинг бузилиши билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади. Бу меъёрлар аҳолининг меҳнат, таълим, турмуш, дам олиш шароитини соғломлаштиришга, атроф-муҳитнинг ифлосланишини йўқотиш ва олдини олишга, касалликнинг олдини олиш ва уни камайтиришга қаратилган.

2. Давлат санитария назорати органларининг тармоғи «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонун (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотнрмаси. 1992, 9-сон, 355-модда) билан белгиланган. Бу тармоққа: Ўзбекистон Республикаси бош санитария-эпидемиология хизмати; бош санитария-эпидемиология бошқармалари (Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология бошқармалари); республика санитария-эпидемиология станциялари; вилоятлар, шаҳар ва туманлар санитария-эпидемиология станциялари; сув транспортида ҳавза, тармоқ, порт санитария-эпидемиология станциялари киради.

Мазкур органларга Бош давлат санитария шифокорлари бошчилик қиладилар.

Бош давлат санитария шифокорларига давлат санитария назоратини амалга ошираётган орган ва муассасалар номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик

тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва айбдор шахсларга маъмурий жазо қўллаш ваколати берилган.

3. Бош давлат санитария шифокорлари солган жарима ҳажми буни кўллаётган мансабдор шахснинг мартабасига ҳам, бузилгани учун жарима ундирилаётган қоиданинг турига ҳам боғлиқ.

4. 53-моддада кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар темир йўл, ҳаво, сув транспорти органлари томонидан (250, 251, 252-моддалар), 53, 54, 55-моддалар бўйича — Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг санитария назоратини амалга оширувчи тиббий хизматлари (258-модда); 55-модда бўйича — саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилувчи давлат қўмитаси органлари (260-модда), 85, 86, 87, 88, 89-моддалар бўйича давлат экология экспертизаси қисмида — атмосфера ҳавосига (89, 95, 96-моддалар) зарарли физик таъсир кўрсатиш бундан истисно, 178-модданинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонуннинг бузилиши қисмида — табиатни муҳофаза қилувчи органлар (261-модда), 178-модда (истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонуннинг бузилиши қисмида) — стандартлаш, метрология ва сертификатлаштириш органлари (265-модда), меъморчилик ва қурилиш бўйича (268^2-модда), 178-модданинг 1-қисми бўйича эса — демонополизация ва рақобатни ривожлантириш (268'-модда) органлари томонидан кўриб чиқилади.

258-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг санитария назоратини амалга оширувчи тиббий хизматлари

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг санитария назоратини амалга оширувчи тиббий хизматларига ушбу Кодекснинг 53, 54, 55-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар (шу жумладан, санитария-гигиена қоидаларини ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш нормаларини бузганлик) тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Қуйидагилар ушбу модданинг биринчи қисмида айтиб ўтилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чорасини қўлланишга ҳақлидирлар:

Мудофаа вазирлиги бош санитария врачи — марказий санитария-эпидемиология лабораториясининг бошлиғи ва унинг ўринбосари;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тиббиёт бошқармаси бош санитария врачи ва унинг ўринбосари (Республика санитария-эпидемиология станцияси бошлиғи), Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тиббиёт бўлимининг бош санитария врачи ва унинг ўринбосари (санитария-эпидемиология станцияси бошлиғи), вилоятлар, Тошкент шаҳар ички ишлар бош

бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари тиббиёт бўлимларининг бош санитария врачлари ва уларнинг ўринбосарлари (санитария-эпидемиология станцияларининг бошлиқлари), Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар бошқармасининг бош санитария врачи ва унинг ўринбосарлари (санитария-эпидемиология станцияси бошлиғи ва катта эпидемиолог-врач);

Миллий хавфсизлик хизмати ҳарбий-тиббий хизмат санитария-эпидемиология станцияси бошлиғи.

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати ўзларининг тиббий хизматига, шу жумладан, ҳаракатдаги қўшинлар ва шу органлар қарамоғидаги объектларнинг санитария-эпидемиология хизматига эга. Шу муносабат билан, қонун чиқарувчи орган улар зиммасига кўрсатиб ўтилган объектларда санитария-эпидемиологияга қарши норма ва қоидалар учун (шу жумладан, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича) давлат санитария назорати вазифасини юклади. Бу, уларнинг фаолият соҳасидан Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология хизмати тармоғидаги бош санитария шифокорларини холос этиш, деган маънони билдирмайди.

2. Кўрсатилган хизматларни амалга ошираётган назорат Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматига тобе объектларга ҳам тегишлидир. Шу билан бирга, фақат ҳарбий хизматчи бўлмаган шахсларгагина жарима солиниши мумкин (16-моддага берилган шарҳга қаранг).

3. 53-моддада кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар темир йўл, ҳаво, сув транспорти органлари (250, 251, 252-моддалар), 53, 54, 55-моддалар бўйича эса — давлат санитар назорати органлари (257-модда), 55-модда бўйича саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилувчи давлат қўмитаси органлари (260-модда) томонидан кўриб чиқилади.

259-м о д д а. Давлат ветеринария назорати органлари

Давлат ветеринария назорати органларига ушбу Кодекснинг 109-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Қуйидагилар давлат ветеринария назорати органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чораси қўлланишга ҳақлидирлар:

Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар (Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоят марказлари) бош давлат ветеринария инспекторлари, темир йўл бош давлат ветеринария инспектори — энг кам иш ҳақининг икки бараваригача миқдорда;

туманлар, шаҳарларнинг давлат ветеринария инспекторлари, чегара текшируви ветеринария пунктларининг бошлиқлари, дезинфекция-ювиш станциялари ва пунктларидаги ветеринария назорати бошлиқлари, участка ветеринария шифохоналарининг, ветеринария участкаларининг, ветеринария-санитария участкаларининг мудирлари, ветеринария-санитария экспертизаси лабораторияларининг мудирлари — энг кам иш ҳақининг бир бараваригача миқдорда жарима солишга.

1. Давлат ветеринария назорат органларига ишларни кўриб чиқиш ва ҳайвонлар карантини қоидаларини ҳамда Ветеринарлик низомида, шунингдек, эпизоотияга қарши кураш масалалари бўйича маҳаллий халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимлар қарорида кўзда тутилган бошқа ветеринария-санитария қоидаларини бузганлик учун жарима солиш хусусида қарор чиқариш ҳуқуқиберилган (109-модда).

2.Ўзбекистон Республикаси ветеринария хизматига раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси амалга оширади.

Вилоятларда ва Тошкент шаҳрида ветеринария хизматига раҳбарликни тегишлича вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг давлат ветеринария бошқармалари амалга оширадилар.

Туман ва шаҳарларда ветеринария хизматига раҳбарликни туман ва шаҳар давлат ветеринария бўлимлари амалга оширадилар 1(қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги Қонуни — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 9-сон, 335-модда).

Давлат чегараларида ва транспортда ветеринария хизматига раҳбарликни давлат чегараси ва транспортдаги давлат Ветеринария назорати бошқармаси амалга оширади (кўрсатилган қонуннинг 5-моддасига қаранг).

Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлардаги ветеринария хизматининг бошқарув давлат идоралари вилоят доирасида тегишли ҳокимларга ёки юқори идораларга бўйсунадилар.

3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда турли савиядаги давлат ветеринария (хизмати) инспекторлари маъмурий жавобгарликни қўллаш юзасидан турли ҳажмдаги ҳуқуққа эга бўладилар. Давлат ветеринария инспекторининг бошқариш тармоғидаги мансабдор шахс сифатида қанчалик юксак мавқега эга бўлса, у шунчалик катта миқдорда жарима солиши мумкин. Жарималар миқдори 259-модданинг 3-қисмида кўрсатилган.

4. Ветеринария назоратининг мансабдор шахслари жарима қўллашда ушбу Кодекснинг 109-моддасидаги санкцияга амал қилишлари лозим. Бу моддада фуқароларга жарима солиш энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса — иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солиш белгиланган.

260-м о д д а. Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги органлари

Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги органларига ушбу Кодекснинг 55, 70-моддаларида, 71-моддасида (табиатни муҳофаза қилиш қоидалари бундан мустасно), 72-моддасида (термал сувларга доир қисмида), 97, 98-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Қуйидагилар Узбекистон Республикасй Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чораси қўлланишга ҳақлидирлар:

Ўзбекистон Республикаси Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигининг раиси ва унинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг етти бараваригача миқдорда;

Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги бошқармаларининг бошлиқлари — энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда;

Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигининг туман (вилоятлараро) инспекцияси бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг уч бараваригача миқдорда;

Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигининг давлат инспекторлари — энг кам иш ҳақининг бир бараваригача миқдорда жарима солишга.

1. Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги органлари радиацион хавфсизликка доир қоидалар, нормалар, йўриқномалар ва бошқа талабларни бузиш (55-модда); ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш талабларини бузиш (70-модда), ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини олиб бориш қоидалари ва талабларини бузиш; бунда табиатни муҳофаза қилиш мустасно (71-модда), сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш (72-модда); саноатда ҳамда «Давтехконназорат» органлари назорати остидаги бошқа объектларда ишларни бехатар олиб боришга оид қоидалар, нормалар ва йўриқномаларни бузиш (97-модда); саноатда ҳамда «Давтехконназорат» органлари назорати остидаги бошқа объектларда портловчи ҳамда радиоактив материалларни (манбаларни) ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини, нормалари ҳамда йўриқномаларини бузиш (98-модда) ҳақидаги ишларни кўриб чиқади.
2. Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги органлари соладиган жарима миқдори бузилиш турига ва

маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишларни кўриб чиқувчи мансабдор шахснинг мартабасига боғлиқ.

3. 55-моддада кўзда тутилган маъмурий **ҳуқуқбузарлик** тўғрисидаги ишлар давлат санитария назорати органлари (257-модда); Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматининг санитария назоратини амалга оширувчи тиббий хизматлари (258-модда); 70-модда, 71-модда (табиатни муҳофаза қилишга оид қисми), 72-модда (термал сувларга оид қисми бундан мустасно) — табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари (261-модда) томонидан кўриб чиқилади.

261-м о д д а. **Табиатни муҳофаза қилувчи органлар**

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларига ушбу Кодекснинг 63-моддасида, 65-моддасининг иккинчи қисмида (қишлоқ хўжалиги ерларини ва бошқа ерларни яроқсиз ҳолга келтирганлик бундан мустасно), 68-моддасида (шаҳарлар ва посёлкаларнинг ерларига, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларга, сув фонди ерларига оид қисми), 70-моддасида, 71-моддасида (табиатни муҳофаза қилишга оид қисмида); 72-моддасида (термал сувларга доир қисми бундан мустасно); 73-моддасида, 74-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 75-моддасида (ирригация тармоқларидан олинадиган сувларни ҳисобга олиш бундан мустасно, шунингдек, давлат сув кадастрини юритишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун), 77, 78, 79, 80, 81, 82, 83, 84-моддаларида, 85-моддасида (санитария-гигиена қоидаларини бузиш деб ҳисобланувчи атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш, биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш бундан мустасно), 86, 87, 88, 89-моддаларида (атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш бундан мустасно), в-моддасида, 90-моддасининг биринчи қисмида 91, 92, 93, 95-моддаларида, 96-моддасида (давлат экология экспертизаси қисмида), 148-моддасида (ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёққанлик, ёғоч кўприклар ва тахта тўшамали кўприкларда чекканлик учун маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бундан мустасно); 162-моддасида; 178-моддасида (истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик қисмида); 214-моддасида (табиатни муҳофаза қилишга оид қисмида), 228-моддасида (табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда муҳрлар (пломбалар) қўйилган ҳоллар) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурин жазо чорасини қўлланишга ҳақлидирлар:

Узбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бош давлат инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг бош давлат инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари — фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваригача миқдорда;

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг катта давлат инспекторлари, туманлараро, туманлар, шаҳарлар инспекциясининг бошлиқлари — фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваригача миқдорда;

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг давлат инспекторлари, давлат қўриқхоналари ва давлат миллий табиат боғларининг муҳофаза қилиш ходимлари — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваригача миқдорда жарима солишга.

1. Табиатни муҳофаза қилувчи органлар ушбу Кодекснинг 261-моддаси 1-қисмига мувофиқ қуйидаги ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар: ғайриқонуний маҳсулотларини қабул қилиш (63-модда), ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз ҳолга тушириш (65-модда), хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳаларидан ўзбошимчалик билан четга чиқиш, давлат ер кадастри юритиш қоидаларини бузиш (68-модда), ерости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш талабларини бузиш (70-модда), еростининг геологик жиҳатини ўрганиш ишларини олиб бориш қоида ва талабларини бузиш (71-модда), сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш (72-модда) (табиатни муҳофаза қилиш қисмида), зарарли моддалар ва қоришмаларга оид операцияларни кема ҳужжатларида қайд этиш мажбуриятларини бажарилмаслик (73-модда), сувдан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши (74-модданинг 2-қисми), сувларнинг давлат сув ҳисобини юритиш қоидаларини бузиш (75-модда), сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш, улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (76-модда), ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш (77-модда), кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланиш тартибини бузиш (78-модда), дарахтларни, ғайри-қонуний равишда буталар ва бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш (79-модда), ўрмонларни тиклаш қоидаларини бузиш (80-модда), Қизил китобга киритилган ўсимликларни йиғиш (81-модда), алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тартибини бузиш (82-модда), ўрмон учун фойдали ҳайвонот

дунёсини йўқ қилиш (83-модда), ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузиш (84-модда), ифлослантирувчи моддаларни атмосферага нормадан ортиқ даражада ёки рухсатсиз чиқариб ташлаш (85-модда), атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалаш иншоотидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, шунингдек, ундан фойдаланмаслик (86-модда), чиқиндиларида ифлослантирувчи моддалар нормалардан ортиқ бўлган транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни тайёрлаш ҳамда фойдаланишга чиқариш (87-модда), атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик (88-модда), ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва қўлланиш қоидаларини бузиш (89-модда), тақиқланган ва яроқсиз ҳолга келган кимёвий моддаларни зарарсизлантириш қоидаларини бузиш (89^1-модда), ов қилиш ёки балиқ тутиш қоидаларини, шунингдек, ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш (90-модда), саноат, рўзғор чиқиндилари ва ўзга чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш, утиллаштириш ва кўмиб ташлаш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш (91-модда), ҳайвонлар яшайдиган муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни вужудга келтириш, иқлимлаштириш ва чатиштириш (92-модда), Қизил китобга киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар турларини сақлашга зарар келтиради, деб топилган ҳайвонлар ва ўсимликларни қонунга хилоф равишда олиб келиш (93-модда), табиий муҳитни тиклаш, табиий захираларни қайта ҳосил қилиш ва табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаслик (95-модда), лойиҳаларни давлат экологик (санитария-экология) экспертизасининг ижобий хулосасисиз рўёбга чиқариш (96-модда), ёғоч кўприклардан 100 мертгача бўлган масофада олов ёқиш, ёғоч кўприклар ва тахта тўшамали кўприкларда чекиш, темир йўллар ва автомобиль йўллари учун ажратилган минтақаларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш (148-модда), шаҳарлардаги дарахтларни шикастлантириш ёки ўзбошимчалик билан кесиб ташлаш (162-модда), монополияга қарши қонунларнинг, истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш қоидаларининг бузилиши (178модда), сертификация қоидаларини бузиш (214-модда), табиат муҳофазаси қонунларини бузганлиги учун муҳрлар (пломбалар) қўйилган тақдирда муҳрга (пломбага) қасддан шикаст етказиш ёки уни юлиб ташлаш (228-модда).

2. 261-модданинг 2-қисмига мувофиқ 161-модда 1-қисмида кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнй кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллаш Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси номидан фақат табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг Бош давлат инспекторлари ва уларнинг ўринбосарлари, давлат катта инспекторлари, давлат инспекторлари, шунингдек, туманлараро, туманлар, шаҳарлар инспекцияларининг бошликдари, қўриқхоналар ва миллий боғлар муҳофазаси ходимлари 261-модда 2-қисмида кўзда тутилган ўзларининг ҳуқуқ доираларида эгадирлар.

3. 76-моддада (сув хўжалиги иншоотларини шикастлантириш қисмида), 148-моддада (ажратилган масофаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёқиш, ёғоч кўприкларда чекканлиги учун), 228-моддада (муҳрлар (пломбалар) табиатни муҳофаза этишга оид қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун йўл қўйилган ҳоллар бундан мустасно) кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар (245-модда); 246-моддада кўрсатилган 65, 69-моддалар бўйича фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қошида тузилган маъмурий комиссиялар; 84-модда бўйича — давлат ёнғиндан сақдаш назорати органлари (249-модда); 70-модда, 71-модда (табиатни муҳофаза қилишга доир қоидалардан ташқари), 72-модда (термал сувларга доир қисми) бўйича саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитаси органлари (260-модда); 178-модда 1-қисми бўйича монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органлари (268^1-модда) ва қурилиш органлари (268^2-модда), шунингдек, стандарт-лаштириш, метрология ва сертификатлаштириш органлари (265-модда), 65-модда (қишлоқ хўжалигига тегишли қисми), 68-модда (давлат ер кадастрини татбиқ этиш тартибини бузиш, ерлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни бузиб кўрсатиш, ахборотлар беришдан бўйин товлаш ёки нотўғри ахборот бериш қисмида) бўйича ер ресурслари давлат қўмитаси органлари (266^1-модда); 74-модданинг, 2, 3-қисмлари, 75-модда (ирригация тармоқларидан олинадиган сув миқдори ҳисобини юритиш, шунингдек давлат ер кадастрини киритишнинг белгиланган тартибини бузиш қисмида) бўйича — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Ўзсувназорат» республика сув инспекцияси органлари (266^2-модда) кўриб чиқадилар.

262-м о д д а. **Божхона органлари**

Божхона органларига ушбу Кодекснинг 227-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Божхона бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари божхона органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чорасини қўллашга, шунингдек, Узбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган, транспортировка (халқаро транзит бундан мустасно) қилинаётган ва сақланаётган, акциз маркаси қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларни, экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулотни мусодара қилишга ҳақлидирлар.

1. Божхона қоидалари бузилишида ифодаланган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш (Божхона органларига) ҳуқуқий тегишли (227-модда).

2. Божхона қоидаларини бузганлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳуқуқи божхона номидан божхона бошлиғи (262-модданинг 2-қисми) ва унинг ўринбосарларига берилгандир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида кўриб чиқилган иш якуни бўйича божхона бошлиғи ёки унинг ўринбосари айбдор фуқарога энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсга ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солиши, зарур бўлса, экспорт қилиш тақиқланган буюмлар ва маҳсулотларни мусодара қилиши мумкин. Экспорт қилиш тақиқланган буюмлар ва маҳсулотларни мусодара қилиш ҳақидаги божхона органининг қарори тегишли ҳокимиятларда тузилган доимий комиссиялар томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

263-м о д д а. **Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлигининг давлат инспекция органлари**

Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги тизимининг давлат алоқа инспекцияси органларига ушбу Кодекс 151-моддасининг биринчи қисмида, 152-моддасининг биринчи қисмида, 153, 154, 156-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги Давлат алоқа инспекциясининг бошлиғи, шунингдек, Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент ҳудудий органларининг давлат алоқа инспекциялари бошлиқлари ушбу модданинг биринчи қисмида айтиб ўтилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чорасини қўлланишга ҳақлидирлар.

1. Ўзбекистон Почта ва телекоммуникация агентлиги тизимининг давлат алоқа инспекцияси органлари қуйидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар: тегишли тартибда рўйхатдан ўтказмай ёки рухсатсиз радиоқурилмалар ўрнатиш ва улардан фойдаланиш (151-модда, 1—2-қисмлар), радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни қўлга киритиш (бировга бериш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш) ва улардан фойдаланиш (152-модда), алоқа хизматининг сифатига доир нормалар ва давлат тармоқ стандартларини бузиш (153-модда), алоқа йўллари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш (154-модда), телефонларни шикастлантириш (156-модда).

2. 263-модданинг 2-қисми 263-модданинг 1-қисмида кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколат берилган мансабдор шахслар рўйхатини белгилайди. Кўрсатилган барча даражадаги инспекциялар бошлиқлари шундай шахслар қаторига киритилган. Уларнинг ҳаммаси маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги

ишларни кўриб чиқиш ва Кодекснинг 151, 152, 153, 154, 56-моддалари санкциясига биноан маъмурий жазо бериш ҳуқуқига эга. 156-моддада кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ички ишлар органлари, 151-модданинг 3-қисмй бўйича эса, маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқиши мумкин (245-модда).

264-м о д д а. **Давлат солиқ органлари**

Давлат солиқ органларига ушбу Кодекснинг 164-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 165, 168-моддалари, 171-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 172, 174-моддалари, 175-моддасининг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмида, 176-модданинг биринчи қисмида, 176^2-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Давлат солиқ органларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари давлат солиқ органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чорасини қўлланишга ҳақлидирлар.

1. Давлат солиқ органлари қуйидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар: савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш (164-модда), харидорни ёки буюртмачини алдаш (165-модда), бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш (168-модда), ёнилғи-мойлаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, олиш қоидаларини бузиш (172-модда), солиқлар ва бошқа тўловлар тўлашдан бўйин товлаш (174-модда), солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операцияларини юритиш тартибини бузиш (175-модда), тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибларини бузиш (176-модда).

2. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган давлат солиқ органлари мансабдор шахсларининг рўйхати 264-модданинг 2-қисмида белгилаб берилган. Булар фақат давлат солиқ органларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарларидир. Уларнинг ҳаммаси 164-модданинг 1, 3-қисмлари санкциясида, 165, 168, 172, 174, 175-моддалар, 176-модданинг 1-қисмида ва 176^2-моддаларида кўзда тутилган маъмурий жазоларни қўллаш ҳуқуқига эга.

«264^1 -м о д д а. **Назорат-тафтиш бош бошқармаси органлари**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси органларига ушбу Кодекснинг 175^2-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-

тафтиш бошқармаларининг бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чорасини қўлланишга ҳақлидирлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий органлари бюджет маблағларини бюджетда ёки бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллаш, шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича бюджетдан ажратилган маблағларнинг лимитлардан ортиб кетиши, штатсмета интизомини бузиш, бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларга иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа харажат тўлови учун пул маблағлари бериш банкларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан асоссиз равишда кечиктирилганликда ифодаланган ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқишга ҳакди.

Бу органлар фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳақидаги Низомда белгиланган (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат қарорлари тўплами,12-сон, 37-модда)

265-м о д д а. **Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш органлари**

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги қоидаларга риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларга ушбу Кодекснинг 178-моддасида (истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига оид қисми), 212, 213-моддаларида, 214-моддасида (табиатни муҳофаза қилишга доир қисми бундан мустасно) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Қуйидагилар стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги қоидаларга риоя қилиниши устидан давлат . назоратини амалга оширувчи органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чорасини қўлланишга ҳақлидирлар:

стандартлар ва ўлчов воситалари устидан назорат қилувчи Ўзбекистон Республикаси Бош давлат инспектори, Қорақалпоғистон Республикаси Бош давлат инспектори, вилоятлар, Тошкент шаҳар бош давлат инспекторлари ва уларнинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг етти бараваригача миқдорда;

стандартлар ва ўлчов воситалари устидан назорат қилувчи давлат инспекторлари — энг кам иш ҳақининг уч бараваригача миқдорда жарима солишга.

1. 265-модданинг 1-қисмига биноан стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш қоидаларига риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга оширувчи органлар: стандартларни бузиш (212-модда), метрология қоидаларини бузиш (213-модда), сертификациялаштириш қоидаларини бузиш (214-модда) (Қаранг: «Стандартлаштириш ҳақида», «Метрология ҳақида», «Сертификация ҳақида» Қонунлар — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси 1994, 2-сон, 46, 48, 50-моддалар) тўғрисидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқадилар.

2. 265-модданинг 2-қисми юқорида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва маъмурий жазо қўллашга ваколатли мансабдор шахсларни аниқ белгилайди. 212, 213 ва 214-моддалар санкциясида назарда тутилган жарималар стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш қоидаларига риоя этилиш юзасидан назоратни амалга оширувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан ҳуқуқ доирасида фуқароларга, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига нисбатан солинади.

3. 214-моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар табиатни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳам кўриб чиқилади (261-модда).

266-м о д д а. Қишлоқ хўжалигидаги машиналар ва қурилмаларнинг техник ҳолатини назорат қилувчи Бош давлат инспекцияси органлари

Қишлоқ хўжалигидаги машиналар ва қурилмаларнинг техник ҳолатини назорат қилувчи бош давлат инспекцияси органларига ушбу Кодекснинг 112-моддасида, 139-моддасида (қишлоқ хўжалик техникасига тааллуқли қисми) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Қишлоқ хўжалигидаги машиналар ва қурилмаларнинг техник ҳолатини назорат қилувчи Бош давлат инспекциясининг бошлиғи ва унинг ўринбосари, бош ва етакчи мутахассислари, вилоятлар инспекцияларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, туман инспекцияларининг бошлиқлари қишлоқ хўжалигидаги машиналар ва қурилмаларнинг техник ҳолатини назорат қилувчи Бош давлат инспекцияси органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чорасини (бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш бундан мустасно) қўлланишга ҳақлидирлар.

1. Қишлоқ хўжалигидаги машиналар ва қурилмаларнинг техник ҳолатини назорат қилувчи Бош давлат инспекцияси органлари: механизаторлар томонидан қишлоқ хўжалик машиналаридан техник жиҳатдан фойдаланиш ва техника хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузиш (112-модда), носоз транспорт воситаларини йўлга чиқариш ва транспорт воситаларидан

фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш (139-модда)га оид маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

2. Қишлоқ хўжалигидаги машиналар ва қурилмаларнинг техник ҳолатини назорат қилувчи Бош давлат инспекцияси бошлиғи, унинг ўринбосари, инспекциянинг бош ва етакчи мутахассислари, вилоятлар инспекцияларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, туман инспекцияларининг бошлиқлари ушбу модданинг 1-қисмида кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни инспекция органлари номидан кўриб чиқиш ва 112, 139-моддалар санкцияси доирасида маъмурий жазо қўллаш ҳуқуқига эга. Бу шахслар ҳолати ишлаш хавфсизлигини таъминламайдиган ва техник хизмат кўрсатишни ёки таъмирлашни талаб этувчи қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланишни тақиқлаш ҳуқуқига эгадирлар.

3. 112-моддада кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни 28-моддага асосан (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қисми) маъмурий ишлар бўйича судьялар, 139-модда бўйича эса ички ишлар органлари ҳам кўриб чиқадилар.

266[1]-м о д д а. **Ер ресурслари давлат қўмитасининг органлари**

Ер ресурслари давлат қўмитасининг органларига ушбу Кодекснинг 65-моддасида (ерларини ишлаб чиқариш ва бошқа чиқиндилар, кимёвий ва радиоактив моддалар ҳамда оқова сувлар билан ифлослантирганлик бундан мустасно), 68-моддасида (шаҳарларга ва посёлкаларнинг ерлари, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар, сув фонди ерлари бундан мустасно), 69-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ер ресурслари давлат қўмитаси органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чорасини қўллашга қуйидагилар ҳақлидирлар:

—Узбекистон Республикаси ерлардан фойдаланиш ва уларнинг муҳофаза этилишини назорат қилиш бўйича Бош давлат инспектори ва унинг ўринбосарлари — фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваригача миқдорда;

—Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманларнинг ерлардан фойдаланиш ва уларнинг муҳофаза этилишини назорат қилиш бўйича давлат инспектори — фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваригача миқдорда жарима солишга.

1. Ер ресурслари давлат қўмитаси унинг ҳудудий органлари Узбекистон Республикасининг Ер кодекси қоидаларини рўёбга чиқариш, ерга оид муносабатлар соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ер

ресурсларини бошқариш структурасини такомиллаштириш ва ердан фойдаланишни таъминлаш мақсадида Узбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 24 июль Фармонига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,7-сон, 135-модда) асосан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ер тузиш ва ердан фойдаланиш бош бошқармаси билан Ердан фойдаланишни назорат қилиш бўйича давлат инспекцияси негизини Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси, тегишли ҳудудий ер тузиш хизматлари негизида Қорақалпоғистон Республикаси ер ресурслари бошқармаси, ер ресурслари вилоят бошқармалари ва туман хизматлари ташкил этилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси фаолиятининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига оид қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш;

ер тузишни ташкил этишни, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, ер ресурсларига бериладиган баҳони ҳисобга олишни такомиллаштиришга қаратилган чоратадбирларни ишлаб чиқиш, қулай экология муҳитини вужудга келтириш;

ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини ташкил этиш, юридик ва жисмоний шахслар, бошқарув органлари, маҳаллий ҳокимият органлари қонун талабларига риоя этишларини таъминлаш, йўл қўйиладиган бузилишларни бартараф этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриш.

3. Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари давлат кўмитасининг ерлардан фойдаланиш ва уларнинг муҳофаза этилишини назорат қилиш бўйича Бош давлат инспектори ва унинг ўринбосарлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари давлат бошқармалари ва туман, шаҳар ер ресурслари хизматларининг ерлардан фойдаланиш ва уларнинг муҳофаза этилишини назорат қилиш бўйича давлат инспекторлари Кодекснинг ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз ҳолга тушириш (65-модда), чегара ва чеклов белгиларни йўқ қилиш ёки шикастлантириш (69-модда) каби ҳуқуқбузарликлар учун фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда; ер бериш тартибини бузиш (66-модда) билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда маъмурий жарима солиш ҳуқуқига эгадирлар.

266[2]-м о д д а. **Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзсувназорат» республика сув инспекцияси органлари**

«Ўзсувназорат» республика сув инспекцияси органларига ушбу Кодекснинг 74-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 75-моддасида (ирригация тармоқларидан олинадиган сув миқдорини ҳисобга олиш,

шунингдек, Давлат сув кадастри юритишнинг белгиланган тартибини бузишга оид қисми), 76-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Қуйидагилар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзсувназорат» республика сув инспекцияси органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чорасини қўллашга ҳақлидирлар:

«Ўзсувназорат» республика сув инспекциясининг бошлиғи ва унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар сув инспекцияларининг бошлиқлари, сув инспекцияларининг катта инспекторлари — фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваригача миқдорда;

сув инспекцияларининг туман инспекторлари — фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваригача миқдорда жарима солишга.

1. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзсувназорат» республика сув назорати инспекцияси 266^2-модданинг 1-қисмига мувофиқ Кодекснинг 74-моддаси 2-3-қисмларида, 75-моддаси ирригация тармоқларидан сув олиш миқдори ҳисобини юритиш, шунингдек, Давлат сув кадастрини жорий қилишнинг белгиланган тартибини бузиш қисмида, 76-модданинг 2-қисмида кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга.

74-модданинг 1-қисми ва 76-модданинг 1-қисми (сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш) бўйича ишларни табиатни муҳофаза қилиш органлари кўриб чиқадилар.

2. Ушбу Кодекснинг 266^2-моддаси 2-қисмида кўрсатилган мансабдор шахслар Қишлоқва сув хўжалиги вазирлиги «Ўзсувназорат» республика инспекцияси органлари номидан маъмўрий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чорасини қўллаш ваколатига эгалар.

266^3-м о д д а. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш давлат маркази органлари

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш давлат маркази органларига ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Қуйидагилар ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни

кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чорасини қўлланишга ҳақлидирлар:

Қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси бош давлат инспектори — энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда;

Қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича давлат маркази инспекторлари, қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича вилоятлар давлат инспекторлари — энг кам иш ҳақининг етти бараваригача миқдорда;

Қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича туманлар инспекторлари — энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солишга.

1. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш давлат маркази органларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг «Уруғчилик тўғрисида»ги 1996 йил 29 август Қонунида ва ўша йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низомда қайд этилган.

Уруғликларни сертификатлаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш давлат маркази:

барча қишлоқ хўжалик экинларининг уруғликлари сифатини назорат қилишни ташкил этиш бўйича жойлардаги бўлинмаларининг ишига раҳбарлик қилади;

хўжаликлар, корпорациялар, бошқа корхоналар ва муассасаларда уруғликлар ва экиладиган кўчатларнинг нави ҳамда экинбоплик хусусиятларини аниклайди;

уруғликларнинг сифатини аникдаш услубларини ишлаб чиқади, такомиллаштиради ва тасдикдайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларини бажаради.

Қишлоқ хўжалик экинлари уруғликларини сертификатлаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш вилоят марказларининг бошлиқлари тегишинча қишлоқ хўжалик экинлари уруғликларини сертификатлаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича вилоят давлат инспекторлари ҳисобланадилар.

Қишлоқ хўжалик экинлари уруғликларини сертификатлаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош давлат инспектори, Қишлоқ хўжалик экинлари уруғликларини сертификатлаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича давлат марказининг инспекторлари, қишлоқ хўжалик экинлари уруғликларини сертификатлаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича вилоят давлат инспекторлари, туман инспекторлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

сифат кўрсаткичлари қанчалик тўғрилигини ва давлат стандартларига мувофиклигини текшириш мақсадида зарур таҳлиллар ўтказиш учун уруғ намуналарини танлаб олиш;

уруғликнинг ҳимоя қилинадиган навларидан ғайриқонуний фойдаланишни тақиқлаш;

ҳар қандай уруғлик етиштирувчининг, уруғлик етказиб берувчининг ва уруғлик билан савдо қилувчи ташкилотнинг ҳудудига кириш;

уруғчилик далалари ва уруғлик туркумларига доир зарур ахборот, ҳужжат ва намуналар олиш;

қонун ҳужжатларини бузган ҳолда уруғлик етиштириш, уни сақдаш ва сотиш ҳолларини тўхтатиб қўйиш ёки тақиқлаш.

2. Қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш органлари мансабдор шахслари рўйхати Кодекснинг 266^3-моддаси иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларда берилган.

267-м о д д а. **Истиқболни белгилаш ва статистика органлари**

Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасининг органларига ушбу Кодекснинг 215-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасининг раиси ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасининг раиси ва унинг ўринбосарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг истиқболни белгилаш ва статистика бош бошқармалари (бошқармалари) бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимликларининг истиқболни белгилаш ва статистика бўлимлари бошлиқлари ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чорасини қўлланишга ҳақлидирлар. (Ҳозирги вақтда бу орган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 15 май Фармонига асосан Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги деб ўзгартирилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 4—5-сонлар, 1997 йил, 161-модда).

1. Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси идоралари: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар: давлат статистика кузатувларини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузиш, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатини бузиш (215-модда) тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

2. Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси давлат қўмитаси раислари ва уларнинг ўринбосарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги бошқармаларининг бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, туман ва шаҳар ҳокимлари бўлимлари бошликлари Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси идоралари номидан 217-модданинг 1-қисмида кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни Кодекснинг 215-моддаси санкцияси доирасида кўриб чиқиш ҳамда жарима солиш ҳуқуқига эгадирлар

.

267'-м о д д а. **Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органлари**

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органларига ушбу Кодекснинг 215[1]-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Қуйидагилар ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чорасини қўлланишга ҳақлидирлар:

Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси раиси ва унинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда;

Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солишга.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни мансабдор шахслар томонидан банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органларига тақдим этмасликда ифодаланган маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқишга ҳақди.

Кодекснинг 215[1]-моддаси биринчи қисмида кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг такрор содир этилиши иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ва унинг ўринбосарлари томонидан кўриб чиқилади ва энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда жарима солинади. Кодекснинг 215[1]-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар иқтисодий корхоналар ишлари қўмитаси вилоят, шаҳар, туман бошқарма (бўлинма) бошликдари томонидан кўриб чиқилади ва энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солинади.

268-м о д д а. **Давлат пробир назорати органлариъ**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар қўмитасининг Давлат пробир палатаси

органларига ушбу Кодекснинг 219-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар қўмитаси Давлат пробир палатасининг бошлиғи Давлат пробир палатаси органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чорасини қўлланишга ҳақлидир.

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар қўмитасининг Давлат пробир палатаси пробир назорати органларига тегишлидир.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 12.08.94 йилда тасдиқланган Пробир назорати тўғрисидаги низомга мувофиқ палата қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларни қайта ишловчи, татбиқ этувчи ва фойдаланувчи, қимматбаҳо тошлардан ишланган маҳсулотларни сотиш, сотиб олиш ва гаровга олиш билан шуғулланувчи, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек, соатсоз ва заргарлар, тиш шифокорлари ва техниклари кабинетлари устидан назоратни амалга оширади. Шу муносабат билан уларга қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар ёки таркибида ана шундай моддалар бўлган маҳсулотларни қабул қилиш, сарфлаш, ҳисобини юритиш, сақлаш, шунингдек, уларнинг бўлаклари ва чиқиндиларини тўплаш ҳамда Давлат жамғармасига топшириш қоидалари бузилганлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳуқуқи берилган.

3. Кодекснинг 268-моддаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар қўмитасининг Давлат пробир палатаси бошлиғига белгиланган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳуқуқини беради.

4. Кодекснинг 268-моддасида кўрсатилган мансабдор шахс 219-моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни мазкур ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома асосида кўриб чиқади. Кодекснинг 219-моддасида кўзда тутилган ҳуқуқбузарлик содир бўлгани тўғрисидаги баённома 12 нусхада тузилади. Корхона ва ташкилотлар бундай баённомаларни ана шу корхона ва ташкилотларда тафтиш (текширув) ўтказаётган Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар қўмитасининг Пробир палатаси ва Молия вазирлиги Марказий аппарати ходимлари тузиш ҳуқуқига эга.

Баённомага корхона, ташкилот маълумотномаси, ҳужжатлар нусхаси, мутахассислар хулосаси ва бошқа зарур материаллар ёки тафтиш (текширув) тугагунга қадар тузилган ораликдаги далолатнома илова қилинади.

5. Баённоманинг йўналиши у қандай мансабдор шахс, қайси корхона томонидан тузилганига боғлиқ. Агар қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар қўмитасининг марказий аппарати ходими томонидан исталган объектдан ёки Қимматбаҳо металлар қўмитасининг доимий назоратчиси томонидан давлат пробир назоратига олинмаган корхоналарда,

ташкилотларда тузилса, бу масалани ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа материаллар билан бирга кўриб чиқиш учун Қимматбаҳо металлар қўмитаси бошлиғига юборилади. Агар Қимматбаҳо металлар қўмитасининг доимий назоратчиси томонидан Давлат пробир назоратига тегишли корхоналарда, ташкилотларда тузилса, бошқа материаллар билан бирга қимматбаҳо металлар қўмитаси бошлиғига кўриб чиқиш учун юборилади.

6. Агар Қимматбаҳо металлар қўмитасининг бошлиғи маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётганда, бу ҳуқуқбузарлик ўз характерига кўра, қонунларга мувофиқ, жиноий жавобгарликни юзага келтириши ҳақида бир хулосага келса, ишни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилиши, тегишли материалларни прокурорга ёки дастлабки тергов органларига юбориши лозим. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, иш 271-моддада назарда тутилган асос мавжуд бўлган тақдирда, 310-модданинг 1-қисми 2-бандига мувофиқ тўхтатилади. Бу ҳолда прокурор ёки дастлабки тергов органига ҳеч қандай материал юборилмайди.

268[1]-м о д д а. **Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органлари**

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органларига ушбу Кодекснинг 178 ва 178[1]-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чорасини қўлланишга қуйидагилар ҳақлидирлар:

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг раиси ва унинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг етти бараваригача миқдорда;

монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий органларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солишга.

1. Монополиядан чиқиш ва рақобатни ривожлантириш органлари 268[1]-модда 1-қисмига мувофиқ 178-модданинг монополияга қарши фаолиятни амалга оширувчи ваколатли органга ахборот тақдим этмаслик ёки атайин нотўғри маълумотлар тақдим этиш қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга. 178-модда бўйича истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунларнинг бузилиши қисмидаги ишларни давлат санитария назорати органлари (257-модда), табиатни муҳофаза қилувчи органлари (261-модда), стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш органлари (265-модда) ва архитектура ва қурилиш органлари (268[2]-модда) кўриб чиқадилар.

2. Ушбу Кодекснинг 268[1]-моддаси 2-қисмида кўрсатилган мансабдор шахслар ўз органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги

ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш кўринишидаги маъмурий жазо чорасини кўллаш ваколатига эга.

268[2]-м о д д а. **Архитектура ва қурилиш органлари**

Архитектура ва қурилиш органларига ушбу Кодекснинг 178-моддасида (истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига оид қисми) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чорасини қўлланишга қуйидагилар ҳақлидирлар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг раиси ва унинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда;

архитектура ва қурилиш ҳудудий органларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг тўрт бараваригача миқдорда жарима солишга.

1. Архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрдаги «Архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинади. Меъморчилик — шаҳарсозлик қонунларини бузган шахс белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 178-моддаси истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида қонунларни бузганлиги учун жавобгарликни белгилайди. Архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги ана шундай бузилиш ҳақидаги ишлар 178-модданинг 1-қисмида кўрсатилган органлар томонидан кўриб чиқилади. Бу органлардан ташқари, шундай бузилишлар ҳақидаги ишлар давлат санитария назорати органлари, табиатни муҳофаза қилиш органлари, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш органлари томонидан кўриб чиқилади.

2. Ушбу моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни Кодекснинг 268[2]-моддаси 2-қисмида кўрсатилган мансабдор шахслар архитектура ва қурилиш органлари номидан кўриб чиқиш ваколатига эга.

Шу билан бирга, улар Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунига амал қилишлари лозим.

Т Ў Р Т И Н Ч И Б Ў Л И М
МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ

XIX боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

269-м о д д а. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифалари**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифалари: ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда аниқлаб чиқишдан, бу ишни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда ҳал этишдан, чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлашдан, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шартшароитларни аниқлашдан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашдан, қонунийликни мустаҳкамлашдан иборатдир.

1.Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифалари маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунлар вазифаларига тўғри келади.

2.Ҳар бир иш ҳолатини ўз вақтида юзага чиқариш айбдор жавобгарлигининг муқаррарлигини, янги ҳуқуқбузарликнинг олдини олишни таъминлайди. Кодекснинг 305, 316, 319-моддаларида белгиланган процессуал муддатлар ҳам ана шунга йўналтирилган.

3.Ишни ҳар томонлама ва тўлиқ тадқиқ этиш ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатларни аниқлаш лозим, деган маънони англатади.

Қуйидагилар ана шундай ҳолатлар ҳисобланади: Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир бўлганми; уни содир этишда мазкур шахс айблими, у маъмурий жавобгарликка тўғри келадими; мулкий зарар етказилганми; жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлатувчи вазиятлар борми; шахс ҳақида маълумотлар, унинг мулкий ҳолати; ишни тўхтатишга олиб келувчи ҳолатлар борми.

Шунингдек, ишни ҳал этиш учун аҳамиятга молик бошқа вазиятлар ҳам аниқланиши талаб этилади.

4. Иш ҳолатини аниқлашнинг объективлиги ишга нисбатан адолатсизлик, тахминларга асосланган маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг фойдасига гувоҳдик берадиган ҳолатларни менсимай айблайдиган йўналишни истисно этади. Объективлик процесс қатнашчиларига, илтимос билан арз қилувчиларга нисбатан асабий муносабатда бўлишга, кенгаш давомида қўполлик кўрсатишларга зиддир.

5. Ишларни аниқ қонунлар асосида ҳал этишга бўлган ишора муҳим аҳамиятга эга. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ҳеч ким қонун ҳужжатларида

белгиланган асослар ва тартибдан бошқача тарзда таъсир чорасига тортилиши мумкин эмас.

Тегишли ваколат берилган органлар ва мансабдор шахслар маъмурий таъсир кўрсатиш чораларини ўз ваколатлари доирасида аниқ қонунлар асосида қўллайдилар (8-модда).

6. Кодекснинг 8-моддаси 4-қисмига биноан, маъмурий муҳокамада қонунийликни таъминлашнинг ҳуқуқий кафолати ваколатли, юқори турувчи органлар ва мансабдор шахслар томонидан мунтазам назорат қилиб турилиши билан, прокурор назорати билан, шикоят бериш ҳуқуқи билан ва қонунларда белгиланган бошқа ҳуқуқ ва қонунларда белгиланган бошқа усуллар билан таъминланади.

7. Чиқарилган қарорлар ижросини таъминлаш маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифаси ҳисобланади. Жазо белгиланганлиги ҳақида чиқарилган қарор бажарилмаса ёки тўла бажарилмаса, маъмурий жазонинг нафи йўқолади.

8. Маъмурий ҳуқуқбузарликларга кўмаклашувчи сабаб ва шарт-шароитларни юзага чиқариш маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу ҳолатларни аниқлаш ишни юргизувчи органлар ва мансабдор шахслар учун мажбурий характер касб этади.

9. Ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни аниклаганда тегишли ташкилотларга (мансабдор шахсларга) бу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тақдимномани киритади (313-модда).

10. Раҳбар бу тақдимнома келиб тушган кундан бошлаб бир ой ичида уни юборган орган (мансабдор шахсга)га кўрилган чоралар ҳақида маълум қилиши шарт.

11. Фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига аниқ ва оғишмай риоя этиш руҳида тарбиялаш маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

270-м о д. д а. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

1. Маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби ушбу Кодексда, Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларида кўрсатилган қоидаларнинг ўзаро боғлиқ тармоғи билан белгиланади.

2. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишларни юритиш ва кўриб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ихтиёрига берилган.

3. Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларида мавжуд процессуал меъёрлар, асосан, Кодекснинг қоидаларида ўз аксини топган.

4. Республика ҳужжатлари қабул қилинганидан кейин, лекин унинг меъёрлари Кодексга киритилмасдан аввал далолатнома Кодекс билан бирга ҳаракат қилади.

271-м о д д а. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни истисно этувчи ҳолатлар**

Қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тугатилиши лозим:

1) маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ёки аломати йўқ бўлса;

2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш пайтида шахс ўн олти ёшга тўлмаган бўлса;

3) ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этган шахс ақли норасо бўлса;

4. шахс ҳаракатни зарурий мудофаа ҳолатида ёки охирги зарурат ҳолатида қилган бўлса;

5) амнистия акти чиқиши, агар у маъмурий жазо чорасини қўлланишни бекор қилса;

6) маъмурий жавбгарликни белгиловчи ҳужжат бекор қилинган бўлса;

7)маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтига келиб, ушбу Кодекснинг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетган бўлса;

8)маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс хусусида шу факт юзасидан маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги ваколатли орган (мансабдор шахс) қарор чиқарган бўлса ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни тугатиш тўғрисида чиқарилган қарор бекор қилинмаган бўлса, шунингдек, мазкур факт юзасидан жиноят тўғрисидаги иш қўзғатилган бўлса;

9) шахс иши юритила бошланган пайтда вафот этган бўлса.

1.Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар Кодекснинг 271-моддасида кўрсатилган ҳолатлардан лоақал биттаси мавжуд бўлса ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишга йўл қўйилмайди.

Кодекснинг 271-моддасида зикр этилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда ишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тўхтатилиши лозим. Бу асослар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қарор юзасидан шикоят ва эътирозларни кўриб чиқишда ҳам қўлланилади.

2.Маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ва таркибининг бўлмаслиги маъмурий қилмиш фактини тасдикловчи маълумотларнинг йўқ эканлигини ёки ҳодиса бўлган-у, аммо унда йиғиндиси маъмурий қилмиш таркибини юзага келтирувчи аломатлари мавжуд эмаслигини билдиради.

3. Ушбу Кодекснинг 13-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортиладилар. Ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтда 16 ёшга тўлмаган шахслар иш кўриб чиқилаётганида унинг ана шу ёшга тўлган-тўлмаганлигидан қатъи назар, ишни тўхтатиш керак. Ҳуқуқбузарлик аникданаётганда ҳуқуқбузарнинг ёши ҳуқуқбузарликнинг тугаш пайти билан белгиланади. Шахснинг у ёки бу ёшга тўлгани у туғилган кундан кейинги сутканинг нол соатидан ҳисобланади.

4. Ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этган акди норасо шахс иш юритишни истисно этувчи ҳолат ҳисобланади. (Акди норасолик тушунчаси ҳақида 20-моддага берилган шарҳларга қаранг).

5. Охирги зарурат ёки зарурий мудофаа ҳолати тушунчаси ҳақида 18, 19-моддаларга берилган шарҳларга қаранг.

6. Эълон қилинган амнистия акти агар маъмурий жазо кўллашни йўққа чиқарганда ҳам иш юритиш тўхтатилади. Амнистияни қўллаш доираси Олий Мажлиснинг тегишли ҳужжатларида кўрсатиб ўтилади.

7. Маъмурий жавобгарликни белгилаган ҳужжат бекор қилинган тақдирда ҳам иш юритиш исталган босқичда тўхтатилиши лозим. Агар янгидан қабул қилинган ҳужжат жавобгарликни енгиллаштирса, иш юритиш оддий тартибда давом эттирилади, аммо жазо кейинги ҳужжатга мувофиқ белгиланади.

8. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш пайтига келиб маъмурий жазо қўллаш муддатининг тугаши ҳақида 36-модданинг шарҳларига қаранг.

9. Маъмурий жавобгарликка жалб этилган шахсга нисбатан ваколатли органларнинг маъмурий жазо қўллаш ҳақидаги қарори ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни тўхтатиш ҳақида бекор қилинмаган қарор бўйича факт юзасидан иш юритиш мумкин эмас, бошланган иш эса тўхтатилади.

10. Ушбу факт бўйича жиноий иш мавжуд бўлган тақдирда ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг бошланиши мумкин эмас, бошлангани эса тўхтатилиши лозим.

Жиноий иш тўхтатилган, аммо кўриб чиқиш жараёнида маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида гувохдик берувчи фактлар аниқланган тақдирда, терговчи, суд тегишли ташкилотларни бундан огоҳ этади. Бу маъмурий иш қўзғатиш учун асос ҳисобланади.

11. Иш юритилган шахснинг унга нисбатан вафот этиши бу ишни тўхтатишга олиб келади, чунки маъмурий жавобгар шахс бўлмайди.

12. Қонун билан белгиланган ҳолатларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бошқа асослар бўйича ҳам тўхтатилиши мумкин (21, 278, 310-моддаларга қаранг).

13. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўришни тугатиш билан қарорни бекор қилиш оқибатлари Кодекснинг 324-моддасида назарда тутилган.

14.Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорнинг ижросини тўхтатиш ҳақида Кодексдаги 329-модданинг шарҳига қаранг.

272-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни фуқароларнинг тенглиги асосида кўриб чиқиш

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш барча фуқароларнинг жинси, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва **ижтимоий мавқеи, ирқи, миллати, тили, дини** ва **эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида** ва **шу ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) олдида тенглиги асосида кўриб чиқилади.**

1. Ушбу моддада мустаҳкамланган асослар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида маълум қилинган фуқароларнинг ижтимоий ва мулкий келиб чиқиши, жинси, миллати, тили, дини, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан, машғулот тури ва хусусияти, тураржойи ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги ҳақидаги қоидалардан келиб чиқади.

2. Маъмурий.ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганда фуқароларнинг қонун олдида тенглиги барча фуқароларга бир хил қонун лойиҳалари ва процессуал қоидалар қўлланилади, деган маънони билдиради. Маъмурии қилмишнинг меъёрий тушунчаси, жавобгарликка тортиш имкониятини истисно этувчи ҳолатлар, жазо белгилаш принциплари, ишни кўриб чиқиш тартиби, далилни текшириш ва баҳолаш, қарор чиқариш, қарор хусусида шикоят ва норозилик билдириш кабилар ҳимоя учун бир хил ҳаракатдадир.

Бу масадаларнинг ҳаммаси қонун билан тартибга солинган ва иш юритиш унинг талаби асосида амалга оширилади. Ҳамма учун ягона ҳисобланган қонун хизматга доир, ижтимоий, мулкий мавқеи ёки бошқа ҳолатлар билан боғлиқ имтиёзни ҳеч кимга бермайди.

3. Фуқароларнинг қонун ва суд олдидаги конституциявий тенглик принципи (Конституциянинг 19-моддаси) Кодекснинг ушбу моддасида янада ривожлантирилган. Унда меъёрий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни маъмурий ишлар бўйича туман (шаҳар) судьялари ҳам, бошқа орган, масалан, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қошида тузилган маъмурий комиссиялар ҳам кўриб чиқиши ваколати берилган.

4. Фуқароларнинг қонун олдидаги тенглигидан маъмурий ҳуқубузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга вакил қилинган орган олдида ҳам тенглиги келиб чиқади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишда ҳамма учун ягона бўлган қонунларга таянилади, ҳеч кимга устунроқ шароит яратиб берилиши мумкин эмас, аксинча, қонунда кўзда тутилмаган чеклашлар ўрнатилган.

273-м о д д а. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритиладиган тил**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ўзбек тилида, Қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда юритилади. Иш юритилаётган тилни билмайдиган иш иштирокчиларига таржимон орқали иш материаллари билан тўлиқ танишиш ва ишни моҳияти бўиича кўриб чиқиш чоғида қатнашиш ҳуқуқи, шунингдек, ўз она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

1. Ушбу моддада мустаҳкамланган асослар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида маълум қилинган Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тили ҳисобланиши ҳақидаги қоидадан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи, барча миллат ва элатларнинг тили, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши, уларнинг ривожланиши учун шароит яратилишини таъминлайди (42-модданинг шарҳларига қаранг).

2. Иш юритилаётган тилни билмайдиган иш иштирокчиларига таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва ишни моҳияти бўйича кўриб чиқиш чоғида қатнашиш ҳуқуқи, шунингдек, она тилида сўзлаш ҳуқуқи билан таъминланади (300-модданинг шарҳларига қаранг).

3. Кўрсатилган ҳуқуқ бузилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинлигини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракати устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Бу конституциявий қоидага Кодекснинг 314, 315, 316, 317-моддаларида белгиланган қоидалар жавоб беради (шарҳларга қаранг).

274-м о д д а. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг очиқ кўрилиши**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш очиқ кўрилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг тарбиявий ва огоҳлантирувчи ролини ошириш мақсадида бундай ишлар ҳуқуқбузарнинг иш, ўқиш жойидаги жамоаларида ёки яшаш жойида кўриб чиқилиши мумкин.

1. Жамиятнинг барча сиёсий тузуми учун, барча давлат органларининг иши учун ошкоралик принципи хосдир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ошкоралик тушунчасини очиб берди ва суд ишида унга амал қилиш мажбуриятини ўрнатди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 113-моддасига мувофиқ ҳамма судларда ишлар очиқ

кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Ушбу модданинг 1-қисми шундай ишларни кўриб чиқишга ваколат қилинган барча орган ва мансабдор шасларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни очиқ кўриб чиқиши мажбурийлиги белгиланган.

Ишнинг очиқ кўрилиши унинг аҳоли иштирокида амалга оширилаётганлигини билдиради, барча фуқароларга меҳнат жамоаларининг, жамоатчиликнинг, оммавий ахборот воситалари
(матбуот, радио, телевидение)нинг вакилларига иш кўрилаётган залда ҳозир бўлишларига рухсат этилади.

2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг очиқ кўрилиши иш юзасидан жазога тортилаётган шахсга, шунингдек, ишни кўриб чиқишда қатнашаётганларга тарбиявий таъсир ўтказишга ҳамкорлик қилади.

Ишнинг очиқ кўрилиши уни тўла, ҳар томонлама, тўғри ҳал этиш (кўриб чиқиш), маъмурий органлар ва мансабдор шахслар ўз вазифаларини тегишлича бажариш ва қонун талабларига қатъий риоя этиш масъулиятини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Ишнинг очиқ кўрилиши маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи орган ва мансабдор шахслар, шунингдек, иш юзасидан иш юритишда, ҳуқуқбузарликнинг юзага келишига ёрдам берувчи сабаб ва шарт-шароитларни тагтомири билан йўқотишга жамоатчиликни сафарбар этишда қатнашадиган шахслар фаолиятини ижтимоий назорат қилишни амалга оширишда ҳамкорлик қилади.

3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг тарбиявий ва огоҳлантирувчи ролини ошириш мақсадида бундай ишлар ҳуқуқбузарларнинг иш, ўқиш, яшаш жойларидаги жамоада кўриб чиқилиши мумкин. Қабул қилинган қарорни оммавий ахборот воситалари орқали халққа етказиш ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

275-м о д д а. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш чоғида қонунларнинг ижроси устидан прокурор назорати**

Прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш чоғида қонунларнинг ижроси устидан назоратни амалга оширар экан:
маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатишга; иш материаллари билан танишиб чиқишга; иш юритиш вақтида органлар (мансабдор шахслар)нинг ҳаракатлари қонунийлигини текширишга; ишни кўриб чиқишда қатнашишга;

ишни кўриб чиқиш вақтида вужудга келган масалалар хусусида илтимосини баён этишга, хулосалар беришга;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун тегишли органлар (мансабдор шахслар) таъсир кўрсатиш чораларини тўғри қўлланилганлигини текширишга;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қабул қилинган қарорга ёки шикоят юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорига протест келтиришга;

қонунда назарда тутилган бошқа ҳаракатлар қилишга ҳақлидир.

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар барча вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат назорат идоралари. ҳокимлар, шунингдек, кимга бўйсунишидан, кимнинг тасарруфида бўлишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар, ҳарбий қисмлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, фуқаролар қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этишлари устидан назоратни амалга оширадилар. (1992 йил 9 декабрдаги «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддаси).

2. Прокурор умумий назоратни амалга ошира бориб, тегишли органлар ва мансабдор шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик учун таъсир чоралари қўлланишининг қонунийлигини текширади. Шу мақсадда прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги материалларнинг ҳаммасини қонунга мувофиқ равишда текшириш учун талаб қилиб олиши, барча кўрсатилган материалларни текшириш, бевосита ўша жойга тегишли мансабдор шахс ва фуқароларни чақиртириш ҳамда улардан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этишда йўл қўйилган ҳуқуқбузарлик муносабати билан оғзаки ёки ёзма тушунтириш хати олиш; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш юритиш; ишни кўриб чиқишда қатнашиш, илтимоснома билан чиқиш, ишни кўриб чиқиш пайтида юзага келадиган масалалар юзасидан хулоса ёзиш; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарор ёки шикоят юзасидан қарорга эътироз билдириш ҳуқуқига эга. Барча ҳолатларда прокурор фуқаро ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши лозим.

3. Прокурорнинг қонунда назарда тутилган бошқа ишларни амалга оширишга ҳаққи бор. Масалан, давлат органларига, жамоат ташкилотларига ва мансабдор шахсларга қонун бузилишини, бузилиш сабабларини ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тавсиянома киритади.

4. «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 24—29-моддаларига мувофиқ, прокурорнинг талабини барча органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар бажариши мажбурийдир.

276-м о д д а. **Далиллар**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далиллар ҳар қандай фактик маълумотлардан иборат бўлиб, органлар (мансабдор шахслар) шу маълумотларга асосланиб маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлигини, муайян шахснинг уни содир этишда

айбдорлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлайди.

Бу маълумотлар қуйидаги воситалар: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, маъмурий жавобгарликка тортилаётгак шахснинг тушунтиришлари, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисида тузилган баённома, шунингдек, бошқа материаллар билан белгиланади.

1. Бу ҳолатда чиқарилган қарор тавсифи Кодекснинг 30-моддаси талабларига асосланиши лозим (30-модданинг шарҳига қаранг), яъни қўлланилган жазо ҳуқуқбузарлик хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айбдорлик даражаси, мулкий аҳволи, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мос бўлиши керак.
2. 276-модданинг 8-қисмида кўрсатилган манбалардан олинмаган маълумотлар далил сифатида қабул қилинмайди.
3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича маълум бўлган маълумотлар қилмиш содир этилган жойда маъмурий жарима қўллаш пайтида ёзма шаклда қайд этилмайди. Лекин бу жазони белгилаш ёки бошқа қарор қабул қилишда уларни ҳисобга олиш имкониятини истисно этмайди.
4. Объектив ҳақиқат тамойиллари бузилиши натижасида ҳуқуқ тадбиқ этувчи томонидан олинган маълумотлар далил сифатида кўрсатилишига йўл қўйилмайди.
5. Далиллар фақат ишлари бўйича зарур бўлган вазиятларгагина мансуб бўлиши лозим. Шуниси ҳам борки, улар тасдиқлаш билан бирга, бирор ҳолатни рад этадиган ҳам бўлиши мумкин.

Шунинг учун Кодекснинг 271-моддасида қайд этилган ҳолатлар барча ҳолат турлари каби исботланишга дахлдордир.

6. Далиллар бевосита ва иккинчи даражали бўлади. Бевосита далилга ҳуқуқбузарлик ашё ва далилларини, ҳужжатларини йўқ қилиш, транспорт воситаларининг авария ҳолати сингари маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш фактлари киради.
7. Далиллар бошланғич ва ясама турларга бўлинади. Бошланғич далилларга, одатда, ҳақиқий ҳужжатлар кўринишидаги ахборот манбалари (паспорт, жарима тўланганлиги тўғрисида квитанция, иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома ва бошқалар) киради. Ясама далиллар қаторига ҳужжатларнинг нусхалари, чизма, шу кабилар киради.
8. Маъмурий жавобгарлик фақат маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби аникданганда ва шахснинг айби исботлангандагина бошланиши мумкин.

277-м о д д а. **Далилларга баҳо бериш**

Орган (мансабдор шахс) далилларга ишнинг ҳамма ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва объектив жамлаб текширишга асосланган ўзининг ички ишончи билан қонунга амал қилган ҳолда баҳо беради.

1. Қилмишнинг содир этилиши фактига тегишли ҳар бир алоҳида олинган далил ҳамда ҳосил қилинган барча аниқ маълумотлар баҳо беришга мансубдир.

2. Далилларни «қимматли», «қиммати паст» деган тамойил бўйича фарқлаш мумкин эмас.

3. Экспертнинг, иш бўйича мутахассиснинг хулосаси, маъмурий иш юритиш қатнашчиларининг кўрсатмалари, агар улар ишнинг бошқа далилларига, материалларига зид келса, қарор қабул қилиш учун асос бўлиши мумкин эмас.

4. Ишга алоқаси бўлган бирор далилнинг устунлиги сезилмаса, далилга эътиқод бўйича баҳо беришга йўл қўйилмайди. Далилларга баҳо бериш ҳар бир муайян иш бўйича қарор чиқаришга тайёргарликнинг анча муҳим ва зарурий шарти ҳисобланади. Шу билан бирга, далилларга ҳар томонлама, тўлароқ ва холис баҳо бера билиш қобилияти иш юзасидан қабул қилинадиган қарорнинг қонунийлигига таъсир этади.

278-м о д д а. **Материалларни прокурорга топшириш**

Башарти ишни кўриб чиқиш пайтида орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарлик ҳолатида жиноят аломатлари бор деган хулосага келса, материалларни прокурорга топширади.

1. 278-модда орган (мансабдор шахс) ишни кўриб чиқиш пайтида ҳуқуқбузарликда жиноят аломатлари бор, деган хулосага келган ҳолатларни ўз ичига олади.

2. Материаллар ҳуқуқбузарликда Жиноят кодексининг 14-моддаси ва махсус қисмидаги тегишли моддалар аломатлари бўлган ҳолларда прокурорга топширилиши мумкин. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги материаллар жиноий иш қўзғаш, тергов ҳаракатлари олиб бориш ва шахсни ишда айбдор сифатида тан олиш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун прокурорга топшириш билан маъмурий иш юритиш тўхтатилмайди.

Маъмурий жазо олганликнинг мавжудлиги ҳам материалларни прокурорга топшириш ҳақида қарор қабул қилишга асос бўлади. Масалан, такрорий (бир неча марта) содир этиши жиноят таркибини ташкил этувчи қилмиш кўриб чиқилаётганда Жиноят кодексининг (109, 127, 130, 132, 139, 140, 143, 148, 188, 190, 217, 224, 225, 226-моддалар) шарҳига қаранг.

XX *боб* МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БАЁННОМА

279-м о д д а. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузиш**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисидаги баённома ваколатли мансабдор шахс томонидан тузилади.

Ушбу Кодекснинг 283-моддасида назарда тутилган ҳолларда баённома тузилмайди.

1. Кодекснинг 279-моддасига мувофиқ баённома, ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида маъмурий жазо қўлланадиган ҳоллардан ташқари, барча ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги факти қайд этилган ягона ҳужжат ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ваколатли мансабдор шахслар томонидан тузилади.

2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ҳуқуқи текширув ва назоратни амалга оширувчи орган (мансабдор шахс) вазифасидан келиб чиқади. Давлат органига текшириш-назорат вазифасини амалга оширишни юклаш (унинг, ходимлари) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган ҳолатларда бу ҳақда баённома тузиш ҳуқуқига эга деган маънони билдиради.

3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузилмайдиган ҳолат 283-модда шарҳида берилган.

280-м о д д а. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишга ваколати бўлган шахслар**

Бузилиши маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қоидаларга риоя этилишини текшириш ва назорат қилиш қонун ҳужжати билан зиммасига юклатилган тегишли органнинг ваколатли мансабдор шахси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузади.

1. Кодекснинг 280-моддасига мувофиқ, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузилиши маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қоидаларга риоя этишини текшириш ва назорат қилиш қонун ҳужжати билан зиммасига юклатилган тегишли органнинг ваколатли мансабдор шахси томонидан тузилади.

Бундай шахсларга, масалан, қуйидагилар мансуб: туманларда, шаҳарларда ва транспортда ички ишлар бўлими (бошқармаси) бошликдари ёки бошлиқ ўринбосарлари, шунингдек, милициянинг ҳудудий (транспорт) бўлинмалари бошлиқлари; метрополитенни қўриқлаш бўйича ички ишлар бўлимларининг бошлиқлари ёки бошлиқ ўринбосарлари; темир йўл вокзаллари ва аэропорт бўлинмалари бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари; ички ишлар органларининг келиш, кетиш ва фуқаролик бўлимлари (бошқарма) бошлиқлари; давлат автомобиль инспекцияси бўлинмалари (бўлим,

бошқарма) бошлиқлари, йўл-автомобиль катта инспектори, йўл-патруль хизматининг командири ёки ўринбосари, давлат автомобиль инспектори, йўл-патруль хизмати инспектори ва йўл ҳаракатини таъминлашга мансуб йўл ҳаракати қоидаларига ва бошқа меъёрларга риоя этиш учун текширувни амалга оширадиган бошқа инспекторлар; ёнғиндан сақдаш назорати бўйича Бош давлат инспектори ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, объектларнинг бош давлат инспекторлари ва катта ёрдамчилари, Ўзбекистон Республикаси ёнғиндан сақлаш назорати Бош давлат инспекторининг ёрдамчилари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ёнғиндан сақлаш назорати бош давлат инспекторларининг катта ёрдамчилари, шаҳар, туман ва объектларга хизмат қилувчи ёнғиндан сақлаш назорати бўйича давлат катта инспекторлари.

Юқорида кўрсатилган шахслар зиммасига текшириш ва назорат қилиш юклатилган бўлиб, улар маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича баённома тузиш ҳуқуқига эгадирлар. Ўларга Кодекснинг 248 ва 249-моддаларида кўзда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳуқуқи ҳам берилган.

Бу шахслардан ташқари, участка инспекторлари, паспорт аппаратлари инспекторлар таркиби, профилактика хизмати, рухсатнома таркибининг бўлинмалари инспекторлари ўз ҳуқуқ доираларида маъмурий ҳуқуқбузарликлар (Ўзбекистон Республикаси ИИВ йўриқномаси) тўғрисида баённома тузиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳуқуқбузарлик тўғрисида маъмурий баённома тузиш ва шу ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколат қилинган бошқа шахслар ҳақида Кодекснинг 250—268-моддаларига беридган шарҳларга қаранг.

281-м о д д а. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённоманинг мазмуни**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада: шу баённома тузилган сана ва жой, баённомани тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми; ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумотлар; маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳияти, ана шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат; агар гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлса, уларнинг фамилиялари ва яшаш манзиллари; ҳуқуқбузарнинг тушунтириши; ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади. Башарти ҳуқуқбузарлик туфайли моддий зарар етказилган бўлса, бу ҳам баённомада кўрсатилади.

Баённома уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан имзоланади; гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлган тақдирда эса — баённома мазкур шахслар томонидан ҳам имзоланади.

Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага бу ҳақда ёзиб қўйилади. Ҳуқуқбузарлик

содир этган шахс баённоманинг мазмуни юзасидан баённомага илова қилинадиган тушунтириш ва мулоҳазаларини беришга, шунингдек, мазкур баённомага имзо чекишдан бош тортиш сабабларини баён этишга ҳақлидир.

Баённомани тузиш вақтида ҳуқуқбузарга ушбу Кодекснинг 294-моддасида назарда тутилган унинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади ва бу хусусида баённомага ёзиб қўйилади.

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ишнинг моҳиятини диққат билан кўриб чиқиш ва у ҳақда асосли қарор қабул қилиш имкониятини берадиган ҳуқуқбузарлик ва ҳуқуқбузарнинг шахси тўғрисидаги маълумотларни қайд этган ҳужжати ҳисобланади.

Шунинг учун Кодекснинг 281-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомада акс этиши албатта лозим бўлган маълумотлар белгилаб берилган.

2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада шу баённома тузилган сана, баённома тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

3. Баённомага ишни тўғри кўриб чиқиш учун муҳим ҳисобланган ҳуқуқбузарликнинг шахсига оид маълумотлар — фамилияси, исми, ота исми, туғилган йили ва жойи (вояга етмаган шахслар хусусида туғилган куни, ойи ва йили), иш ва яшаш манзили, лавозими, иш ҳақининг миқдори (нафақа, стипендия) оилавий аҳволи, қарамоғидаги шахслар сони, шунингдек, илгари маъмурий жавобгарликка тортилгани-тортилмагани тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

Ҳуқуқбузарнинг шахсияти ҳақидаги барча маълумотлар унинг ёнида бўлган ҳужжатлар бўйича ёки бошқа усул билан, масалан, иш ёки яшаш жойига телефон қилиб, аниқланади. Муҳими ҳуқуқбузарнинг шахсияти аниқ белгиланишидадир.

Баённомада ҳуқуқбузарлик қаерда, қачон содир этилгани, айнан қайси ҳаракатда (ҳаракатсизликда) ифодалангани кўриниб туриши учун маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳияти кўрсатилади.

4. Кодекснинг 281-моддаси баённомада, агар гувоҳ ва жабрланувчи бўлса, уларнинг фамилиялари ва манзилларини кўрсатишни кўзда тутади (жабрланувчи ва гувоҳлар тўғрисида 295, 298-моддаларга берилган шарҳларга қаранг).

5. Ушбу ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи меъёрий ҳужжат сифатида, одатда, мана шу Кодекснинг махсус қисми кўрсатилади. Агар шундай жавобгарлиги бўлган меъёрий ҳужжат Кодексда белгиланган тартибга ҳали киритилмаган, бевосита қўлланилаётган бўлса, шу ҳужжатнинг тегишли моддасига ҳавола қилиниши лозим.

Одатда баённомалар шакли Кодекснинг 281-моддасида кўрсатилган талабларга мос келадиган тарзда олдиндан босмада тайёрланган бланкаларда тузилади.

6. Агар ҳуқуқбузарлик туфайли моддий зарар етказилган бўлса, бу ҳам баённомада ёки унга илова қилинган ҳужжатларда кўрсатиб ўтилади.

7. Баённома тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахс томонидан имзоланади, гувохдар ва жабрланувчилар бўлган тақдирда эса — мазкур шахслар томонидан ҳам имзоланади. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённоманинг мазмуни бўйича баённомага илова қилинадиган тушунтириш ва мулоҳазаларини беришга, шунингдек, мазкур баённомага имзо чекишдан бош тортиш сабабларини баён этишга ҳақдидир.

Ҳуқуқбузар баённомага имзо чекишдан бош тортган тақдирда.бу ҳақда баённомага ёзиб қўйилади.

8. Баённомани тузиш вақтида ҳуқуқбузарга Кодекснинг 294моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади (294-моддага берилган шарҳга қаранг) ва бу хусусда баённомага ёзиб қўйилади.

Баённомани тузиш вақтида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўзига тегишли бўлган ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидир. Масалан, ишни кўриб чиқишга тайёрланиш (303-модда) ёки уни ҳал қилиш вақтида кўриб чиқиладиган илтимоснома бериши мумкин.

282-м о д д а. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани жўнатиш**

Баённома бошқа ҳужжатлар ва иш бўиича ашёвий далиллар билан бирга ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайтдан бошлаб бир суткадан кечиктирмай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган орган (мансабдор шахс)га юборилади.

1.Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилиб, бошқа ҳужжатлар ва ашёвий далиллар тўпланганидан кейин улар бир суткадан кечиктирилмай, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган орган (мансабдор шахсга)га юборилади.

2.Кўпинча ходимлари баённомани тузган органнинг раҳбари баённомани йўллаш ҳақида қарор қабул қилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни турли мансабдор шахслар кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган тақдирда, кейингиларнинг ўзлари баённомани кўриб чиқиш ёки маъмурий жазо қўллаш бўйича каттароқ ҳуқуққа эга бўлган мансабдор шахсларга юбориш ҳуқуқига эга (250, 258, 259, 260, 261-моддаларнинг шарҳларига қаранг).

3. Баённомани ваколатли орган (мансабдор шахс)га юбориш вақтида Кодекснинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар кўриб чиқиладиган жой ҳақидаги талабни ўрнатувчи меъёрлари ҳисобга олинади (304-модда шарҳига қаранг).

283-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайдиган ҳоллар

Башарти фуқаро ўзи содир этган ҳуқуқбузарлик фактига эътироз билдирмаса ва унга жойнинг ўзида солинадиган жариманинг микдори энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан, йўл ҳаракати қоидабузарликлари тўғрисидаги ишлар юзасидан эса — бир бараваридан ошмаса, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга ҳолларда баённома тузилмайди.

Жарима тўлаганлиги тўғрисида айбдорга белгиланган шаклдаги квитанция берилади.

Башарти фуқаро ўзига солинадиган жаримага эътироз билдирса, у ҳолда ушбу Кодекснинг 279-моддасига мувофиқ баённома тузилади.

1. Ушбу Кодекснинг 283-моддаси қонунбузарлик содир этилган жойда баённома тузилмай маъмурий жазо қўллаш имкониятини беради. Аммо бу тартибдан 283-модданинг 1-қисмида кўрсатилгандек, фақат қонунда белгиланган ҳоллардагина фойдаланилади.
2. Қоидага кўра, ваколатли мансабдор шахс ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда қатъий молиявий ҳисобот ҳужжати ҳисобланадиган белгиланган шаклдаги квитанция бериш билан жарима солинади.
3. Кодекснинг 283-моддаси 1 ва 2-қисми фуқаро ўзи содир этган ҳуқуқбузарлик фактига эътироз билдирмаган ҳоллардагина жазо қўллаш ва ижро этиш усули соддалаштирилишини белгилайди.

Агар ҳуқуқбузар ўзига қўлланган жазо чорасидан норози бўлса, ҳуқуқбузарлик ҳақида баённома тузилади ва иш юзасидан барча бундан кейинги иш юритишлар Кодексда белгиланган умумий тартибда амалга оширилади (283-модданинг 3-қисми).

4. 3-қисмга мувофиқ, маъмурий ишлар бўйича судьялар, агар ҳуқуқбузар ҳуқуқбузарлик фактини рад этса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги бошқа ишларни ҳам кўриб чиқадилар. У ҳолда кимга қарашли бўлишидан қатъи назар, бундай ишлар маъмурий ишлар бўйича судьяларга юборилиши лозим.

284-м о д д а. Ҳуқуқбузарни ушлаб келтириш

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш мақсадида, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик қилинган жойда тузиш мумкин бўлмаса, ҳуқуқбузар милиция ходими ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишга ваколатли бошқа шахс томонидан милицияга ёхуд фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи биносига ушлаб келтирилиши мумкин.

Транспорт воситаларидан фойдаланиш, ҳаракат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш, транспортда юкларни бут сақлашни таъминлаш борасидаги қоидалар, транспортда ёнғиндан сақлаш қоидалари,

санитария-гигиена ва эпидемияга қарши кураш санитария қоидалари бузилган тақдирда ҳуқуқбузар, агар унда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва бу ҳақда зарур маълумотлар бериши мумкин бўлган гувоҳлар бўлмаса, ваколатли шахс томонидан милицияга ушлаб келтирилиши мумкин.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда баённома тузиш мақсадида, башарти ҳуқуқбузарнинг шахсини ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида аниқдаш мумкин бўлмаса, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш ва ундан фойдаланиш устидан назорат олиб борувчи органларнинг ходимлари, алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, милиция ходимлари шундай ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни милицияга ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи биносига ушлаб келтиришлари мумкин. Ҳуқуқбузар табиатни муҳофаза қилиш жамоатчи инспекторлари, овчилик жамоатчи инспекторлари, балиқларни муҳофаза қилиш жамоатчи инспекторлари ва ўрмонларнинг жамоатчи инспекторлари томонидан ҳам ушлаб келтирилиши мумкин.

Юридик шахсларнинг қўриқланадиган объектларига, бошқа хил мол-мулкига тажовуз қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда ҳуқуқбузар ҳарбийлаштирилган соқчилик ходимлари томонидан ҳуқуқбузарлик ҳаракатига барҳам бериш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш ва ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш учун ҳарбийлаштирилган соқчилик хизмати биносига ёки милицияга ушлаб келтирилиши мумкин.

Ҳуқуқбузарни олиб келиш иложи борича қисқа муддатда амалга оширилиши лозим.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи биносига олиб келинган шахс бу ерда бир соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмас.

1. Ҳуқуқбузарни ушлаб келтириш — уни маъмурий ҳуқуқбузарлик қилинган жойдан милицияга, шаҳарга, қишлоқ, овуллардаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари биносига, ҳарбийлашган соқчиликнинг хизмат биносига кўчириш билан боғлиқ ҳуқуқий воситадир.
2. Ушлаб келтиришнинг умумий мақсади — башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик қилинган жойда тузиш мумкин бўлмаса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишдан иборат.

Бундан ташқари, қонун бир неча ҳолларда бошқа мақеадга эришишни ҳуқуқбузарликнинг пайини қирқиш учун ҳуқуқбузарни ушлаб келтириш, унинг шахсини аниқлаш ва ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишни ҳам назарда тутади. Маъмурий ҳукуқбузарликнинг айрим турларини амалга оширган шахсни ушлаб келтириш учун қонун томонидан қўшимча шартлар белгиланган. Кодекснинг 284-моддаси 2-қисми ваколатли мансабдор шахсларнинг транспорт воситаларидан фойдаланиш, ҳаракат тартиби ва

хавфсизлигини сақлаш, транспортда юкларни бут сакдашни таъминлаш борасидаги қоидалар транспортда ёнғиндан сақлаш қоидалари, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши санитария қоидаларини бузган ҳуқуқбузарларни, агар уларда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва улар ҳақда зарур маълумотлар бериши мумкин бўлган гувоҳлар бўлмаса, милицияга ушлаб келтириш ҳуқуқини назарда тутади.

3. Кодекснинг 284-модда 3-қисми ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш устидан назорат олиб борувчи органларнинг ходимларига, алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудларнинг мансабдор шахсларига, шунингдек, милиция ходимларига ҳуқуқбузарларни ушлаб келтириш ҳуқуқини беради.

Кўрсатиб ўтилган субъектлардан ташқари, табиатни муҳофаза қилиш жамоатчи инспекторларига, ўрмонларнинг жамоатчи инспекторларига, овчилик жамоаларнинг жамоатчи инспекторларига, овчилик жамоатчи инспекторларига ва бошқаларни муҳофаза қилиш жамоатчи инспекторларига ҳам ушлаб келтириш ҳуқуқи берилган.

4. Юридик шахсларнинг қўрикданадиган объектларига, бошқа хил мол-мулкига тажовуз қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда ҳуқуқбузарни ушлаб келтириш ҳуқуқига эга бўлганларнинг яна бир гуруҳи, бир қатор вазирликлар ихтиёрида бўлган ҳарбийлаштирилган соқчилик хизматининг; алоқа иўллари, фуқаро авиациясининг ва шунга ўхшаганларнинг ходимларидир.

Кодекснинг 284-моддаси ҳуқуқбузарлик содир этилган жойдан ҳуқуқбузар ушлаб келтириладиган бинонинг оралиғи турлича бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, ушлаб келтиришнинг охирги муддатини ўрнатмайди ва олиб келиш иложи борича қисқа муддатда амалга оширилиши лозимлиги ҳақидаги кўрсатма билан чекланади. Олиб келинган шахс фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи биносида бир соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмас (285-модданинг шархдарига қаранг).

XXI *боб* МАЪМУРИЙ ЙЎЛ БИЛАН УШЛАБ ТУРИШ, АШЁЛАР ВА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ, АШЁЛАР ВА ХУЖЖАТЛАРНИ ОЛИБ ҚЎЙИШ

285-м о д д а. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари**

Бошқа таъсир кўрсатиш чоралари қўлланиб бўлинганидан кейин маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тузиш имкони бўлмаган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш, ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида мазкур шахсни маъмурий йўл билан ушлаб

туришга, шахсан кўрикдан ўтказишга, унинг ашёлари, транспорт воситаларини кўздан кечиришга ва ашё ҳамда ҳужжатларини олиб қўйишга йўл қўйилади.

Ушбу моддада назарда тутилган мақсадларда шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туриш, шахсан кўрикдан ўтказиш, унинг ашёлари, транспорт воситаларини кўздан кечириш ва ашё ҳамда ҳужжатларини олиб қўйиш тартиби ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан иш юритишни таъминлаш чоралари маъмурий йўл билан ушлаб туриш, шахсан кўрикдан ўтказиш, унинг ашёлари ва транспорт воситаларини кўздан кечириш ва ашё ҳамда ҳужжатларини олиб қўйиш каби процессуал чораларни ўз ичига олади.

Амалда бу чораларни амалга ошириш шахснинг ҳуқуқлари чекланганлиги билан боғлиқ бўлгани сабабли, Кодекснинг XXI бобида шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туриш, ашё ва ҳужжатларини кўздан кечириш ва олиб қўйишга ижозат бериш ҳоллари ва тартиби батафсил тартибга солинади, уларни қўллашга ваколатли орган ва мансабдор шахслар кўрсатиб ўтилади, фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш кафолатланади.

2. 285-моддада маъмурий огохлантириш ва олдини олиш чораларини қўллашнинг умумий қоидалари, мақсад ва шартлари кўзда тутилган. Уларга бошқа таъсир кўрсатиш чоралари қўлланиб бўлингандан кейин ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида баённома тузиш имкони бўлмаган тақдирда баённома тузиш мақсадида ёки агар ҳуқуқбузарда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаса ёки ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш ва мана шундай ишлар бўйича чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида йўл қўйилади.

3. Эҳтиёт чоралари, агар у тўғридан-тўғри ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган бўлса, қўлланиши мумкин.

286-м о д д а. **Маъмурий йўл билан ушлаб туриш**

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида баённома тузилиб, унда: баённома тузилган сана ва жой, баённома тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми, ушлаб турилган шахс ҳақидаги маълумотлар; уни ушлаб туриш вақти, жойи ва унинг асослари кўрсатилади.

Баённома уни тузган мансабдор шахс ва ушлаб турилган шахс томонидан имзоланади. Ушлаб турилган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага шу ҳақда ёзиб қўйилади. Ушлаб турилган шахснинг илтимосига кўра, у ушлаб турилган жой ҳақида унинг қариндош-уруғлари, адвокат, иш ёки ўқиш жойидаги маъмурият хабардор қилиб қўйилади. Вояга етмаган шахс ушлаб турилгани ҳақида

унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар албатта хабардор қилинади.

1. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш деганда, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахснинг ҳаракат ва юриш эркинлиги, одатда, қисқа муддатга мажбурий равишда чеклаб қўйилиши тушунилади. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш — маъмурий ҳуқуқбузарликка қарши кураш самарадорлигини таъминловчи ваколатли мансабдор шахснинг кечиктириб бўлмайдиган ишларидир.

2. Ҳуқуқбузарга нисбатан бошқа таъсир чоралари тугаб бўлгач, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, тўхтатиш мақсадида маъмурий йўл билан ушлаб туриш қўлланилади. Масалан, ҳуқуқбузарликни тўхтатиш ҳақидаги талаб бажарилмайди ва бинобарин, маъмурий эҳтиёт чоралари ҳисобланади.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш, шунингдек, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, башарти баённома тузиш мажбурий бўлсаю, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда тузишнинг иложи бўлмаса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишмақсадида қўлланилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқаронинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини эълон қилиб ва мустаҳкамлаб, шахснинг жамиятда дахлсизлиги кафолатларига катта эътибор беради (25-модда). Мамлакатимизда ҳеч ким, қонунларда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, бекордан-бекор ушланишга дучор қилинмайди. Шахсни ҳурматлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний мажбурйятларини ҳимоя қилиш барча давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва мансабдор шахслар-нинг бурчидир.

4. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш фақат ҳуқуқбузарлик мавжуд бўлгандагина амалга оширилади. Ҳуқуқбузарлик бўлмаса, ушлаб туришга йўл қўйилмайди. Жамоат жойларида бўлиши атрофдагиларга ва ўзлари учун ҳам хавф туғдирадиган руҳий беморлар ва кичик болаларни маъмурий йўл билан ушлаб туриш бундан мустасно.

5. Маъмурий йўл билан ушлаб туришга, шунингдек, қуйидаги ҳолларда ҳам йўл қўйилмайди:

—маъмурий ҳуқуқбузарликнинг аҳамиятсиз эканлиги ва уни бошқа воситалар билан тўхтатиш имконияти (ҳуқуқбузарликни тўхтатиш тўғрисидаги ҳуқуқбузар бажариши, оғзаки танбеҳ, у ёки бу ҳаракат (ҳаракатсизлик)га йўл қўймаслик ва ҳоказо) бўлганда;

—ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ҳуқуқбузар шахсини, воқеа тафсилотини аниқлаш имкониятининг бўлиши, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишда;

—маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда жарима кўринишида жазолаш учун асоснинг борлигида. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида баённома тузилади. Унда баённома тузилган сана (йил, ой, кун) ва жой (милиция, ўзини-ўзи бошқариш органининг биноси), баённома тузган

шахснинг лавозими, фамилияси, исми, ота исми; ушлаб турилган шахс ҳақидаги маълумотлар; уни ушлаб туриш вақти (соат, дақиқа), жойи ва асослари кўрсатилади.

6. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисидаги баённома рўйхатдан ўтказилади ва ушлаб туришга асос ҳисобланувчи маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома билан бирга, маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли мансабдор шахсга топширилади (287-модданинг шарҳ-ларига қаранг).

7. Дипломатик дахлсизликдан фойдаланувчи ва бунинг тасдиғи учун дипломатлик паспорти ва консуллик гувоҳномаси ёки шахсий хизмат гувоҳномасини кўрсатувчи ҳуқуқбузарлик содир этган хорижий фуқаролар маъмурий йўл билан ушлаб туришга дахлдор эмас.

Одатда ҳарбий хизматчилар маъмурий ушлаб турилиш жазосига тортилмайдилар. Бироқ жамоат жойларида жиддий ҳуқуқбузарликни содир этишда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатларда ҳуқуқбузарлик ҳақидаги материалларни ҳарбий комендантларга ёки ҳарбий қисмлар командирларига тезда етказиш учун ҳарбий хизматчиларни ҳарбий патруль бўлмаганида ушлаб туриш мумкин. Халқ депутатлари кенгашларининг депутатлари, прокурорлар, судьялар маъмурий йўл билан ушлаб турилмайди.

9. Дипломатик дахлсизликдан ташқари хорижий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни ҳуқуқбузарликни содир этган тақдирда, умумий асосда маъмурий йўл билан ушлаб туриш мумкин.

10. Вояга етмаганларни маъмурий йўл билан ушлаб туриш кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларни истисно қилганда кундузги пайтлари амалга оширилади.

Агар вояга етмаган шахс маъмурий йўл билан ушлаб турилганда ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар ҳозир бўлишмаса, улар вояга етмаган боланинг қаерда эканлиги ҳақида иш юритилаётган органга хабар қиладилар.

11. Ушлаб турилган шахснинг илтимосига кўра ушлаб турилган жой ҳақида унинг қариндош-уруғлари, адвокат, иш ёки ўқиш жойидаги маъмурият хабардор қилиб қўйилади.

12. Ушлаб турилганлар, агар ушлаб туриш зарурати қолмаган бўлса, яъни қонунда белгиланган ушлаб туриш муддати тугаган ва Кодекснинг 276-моддасида назарда тутилган ҳолат мавжуд бўлса, ушлаб туришнинг белгиланган муддатидан олдин озод қилинадилар.

287-м **о д д** а. **Маъмурий йўл билан ушлаб туришга ваколатли органлар (мансабдор шахслар)**

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш бу ишга Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ваколат бериб қўйилган органлар (мансабдор шахслар) томонидангина амалга оширилиши мумкин, чунончи:

1) ушбу Кодекснинг 56, 57, 58, 61, 90, 91, 92, 94, 113, 114, 115, 116, 117-моддаларида, 118-моддасининг учинчи қисмида, 121, 122, 123, 125, 126, 127, 128, 129, 130, 131, 133, 134, 135, 136, 137, 138, 141, 142-моддаларида,

144-моддасининг учинчи қисмида, 146-моддасида, 147-моддасининг биринчи қисмида, 152-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 154, 156-моддаларида, 164-моддасининг иккинчи қисмида, 170-моддасида, 176-моддасининг иккинчи қисмида, 183, 184, 185, 186, 187, 188, 189, 190, 191, 192, 194, 195, 198, 199, 201, 203, 204, 205, 209, 210, 218, 220, 224-моддаларида, 225-моддасининг биринчи қисмида, 228, 240-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда — ички ишлар органлари томонидан;

2) ушбу Кодекснинг 198, 224-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда — чегара қўшинлари томонидан;

3) ушбу Кодекснинг 61, 198-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда — шу қўриқланадиган объект жойлашган ердаги ҳарбий соқчиликнинг катта мансабдор шахси томонидан;

4) Қуролли Кучлар, чегара ва ички қўшинларнинг транспорт воситаларини бошқарувчи ҳайдовчилар ёки бошқа шахслар ушбу Кодекснинг 125, 126, 127, 128, 129, 130, 131, 133, 134, 135, 136, 137, 138, 141-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этган тақдирда — Ҳарбий автомобиль инспекциясининг мансабдор шахслари томонидан;

5) ушбу Кодекснинг 60-моддасида, 69-моддасида (қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бундан мустасно), 77, 79, 81, 82, 83, 84, 90, 91, 92, 93, 94, 162, 198-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда — Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг мансабдор шахслари томонидан;

6) ушбу Кодекснинг 198, 227-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда — божхона органлари хизматчилари томонидан;

7) ушбу Кодекснинг 194, 204, 205-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда — ҳарбий патруль томонидан;

8) ушбу Кодекснинг 152-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган (радиоэлектрон воситаларни ёки юқори частотали қурилмаларни сотиш ёхуд ўзгага доимий ёки вақтинчалик фойдаланиш учун бериш қисми), 164-моддасининг иккинчи қисмида, 166, 170-моддаларида, 176-моддасининг иккинчи қисмида, 198-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда — давлат солиқ органларининг мансабдор шахслари томонидан.

1. 287-модданинг 1-бандида кўрсатилган барча ҳолатларда ва қонун ҳужжатларида бевосита назарда тутилган бошқа ҳолатларда фуқаролар агар ушбу эҳтиёт чораларини амалдаги қонунлар асосида амалга оширишни ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича иш юртишни

таъминлашни ички ишлар органининг бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) улар зиммасига юютаган бўлса, ички ишлар органининг бошлиғи ёки навбатчиси, милициянинг участка инспектори, жиноий қидирувнинг оператив ходимлари, шунингдек, ички ишлар органларининг бошқа ходимлари томонидан маъмурий йўл билан ушлаб туришлари мумкин.

Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлар ДАН (давлат автомобиль назорати) бошлиғи (командири) ва бўлинма навбатчиси, давлат автомобиль назоратчилари, йўл-патруль хизмати назоратчилари ҳамда йўл ҳаракати қоидаларига ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга алоқадор бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этишни текширишни амалга оширувчи бошқа назоратчилар томонидан маъмурий йўл билан ушлаб турилишлари мумкин.

2. Маъмурий йўл билан ушлаб туришни амалга оширишга ваколатли мансабдор шахслар, чегара қўшинлари рўйхатини Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати белгилайди.

3. Ҳарбий соқчиликнинг мансабдор шахслари (қоровул бошлиғи, қоровул бошлиғининг ёрдамчиси, гуруҳ бошлиқлари, бўлинма командирлари) қўриқланаётган объектлар, бошқа давлат мулкига қасд қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туриш ҳуқуқига эга. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш амалга оширилгандан кейин кўрсатилган мансабдор шахслар бу ҳақда қоровулликка тайинланган ҳарбий бўлинма бошлиғига хабар қилиши лозим.

Ушбу ваколат, шунингдек, идоравий ҳарбий соқчилик хизматчилари ва ички ишлар органлари ҳузуридаги ноидоравий соқчилик ходимларига ҳам тааллуқлидир.

4. Ҳарбий автомобиль инспекциясининг мансабдор шахсларига (инспекция бошлиғи, унинг ўринбосари, ҳарбий квалификация комиссиясининг раиси, катта инспектор, инспекторга, шунингдек, белгиланган тартибда ҳарбий автомобиль инспекциясининг. штатсиз инспектори қилиб тайинланган зобит, прапоршчик ва мичманларга) йўл ҳаракати қоидаларини бузишнинг олдини олиш, баённома тузиш, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳақидаги ишларни ўз вақтида, тўғри кўриб чиқиш, шу иш юзасидан қарорни бошқариш мақсадида маъмурий йўл билан ушлаб туриш ҳуқуқи берилади.

Мазкур мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари чегара ва ички қўшинларининг ҳайдовчилари, транспорт воситаларини бошқарувчи бошқа шахсларни маъмурий йўл билан ушлаб туришлари мумкин.

Ички ишлар вазирлиги ваколат берган ички ишлар ва ички қўшинлар органларининг мансабдор шахслари комендант соати жорий қилинган шаҳарча ва аҳоли яшаш жойида ўз хатти-ҳаракати билан миллий нифоқ солаётган ёки жамоат тартибини бузаётган, жамоатчиликка қарши ҳаракат қилишга ундаётган, шунингдек, фуқаро ва мансабдор шахсларга ўз қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажаришга фаол тўсқинлик қилаётган шахсларни маъмурий йўл билан ушлаб туриш ҳуқуқи берилиши мумкин (205-модда шарҳига қаранг).

5. Кодекснинг 287-моддаси 5, 6, 7 ва 8-бандларига мувофиқ, табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг божхона органларининг ҳарбий патруллар ва солиқ органларининг ходимлари маъмурий йўл билан ушлаб туришни амалга оширишлари мумкин.

6. Ҳуқуқбузар ушланиб, материаллар расмийлаштирилгандан кейин органлар (мансабдор шахслар), агар бундай ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлмаса, материалларни бундай тоифадаги ишларни кўриб чиқишга ҳуқуқи бўлган органга (мансабдор шахсга) ушбу Кодекснинг 282-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда юборадилар.

288-м о д д а. **Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддатлари**

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш уч соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас. Айрим ҳолларда алоҳида зарурат муносабати билан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида маъмурий йўл билан ушлаб туришнинг бошқача муддатлари белгиланиши мумкин.

Чегара тартибини ёки Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси орқали ўтиш пунктларидаги тартибни бузган шахслар баённома тузиш учун уч соатгача муддатга ушлаб турилиши мумкин, ҳуқуқбузарнинг шахсини ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳолларда эса — ушлаш пайтидан бошлаб йигирма тўрт соат ичида прокурорга ёзма тарзда маълум қилиб, уч суткагача ёки ҳуқуқбузарда ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса, прокурорнинг санкцияси билан ўн суткагача муддатга ушлаб турилиши мумкин.

Ушбу Кодекснинг 56, 57, 58, 61, 90-моддаларида, 164-моддасининг иккинчи қисми, 170, 183, 184, 191, 194, 195, 201, 204, 205, 206, 210-моддаларида, 225-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ёхуд ўзининг шахси тўғрисидаги маълумотларни яширган шахслар ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иши маъмурий ишлар бўйича судья ёки ички ишлар органи бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) томонидан кўриб чиқилгунга қадар, лекин 24 соатдан кўп бўлмаган муддатга ушлаб турилиши мумкин.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш .муддати ҳуқуқбузарни баённома тузиш учун олиб келиш пайтидан бошланади, маст ҳолдаги шахслар учун эса — улар ҳушёр тортган вақтдан бошланади.

1. Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати, ушланган сифатида баённома тузиш учун олиб келиниишидан озод қилинган пайтгача бўлган вақтни ўз ичига олади, бунда Кодекснинг ушбу моддасида белгиланган муддатдан ошириб юборилмайди.

2. Ушбу модданинг 3-қисмида кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахс ёки ўз шахсини яшираётган шахс маъмурий судья ёки ички ишлар органи бошлиш (бошлиқнинг ўринбосари) ишни кўриб чиққунга қадар 24 соатгача муддатда ушлаб турилиши мумкин.

3. Чегара тартибини ёки Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси орқали ўтиш пунктларидаги тартибни бузган шахслар уч соатгача муддатга, зарур бўлган ҳолларда эса ушлаш пайтидан бошлаб йигирма тўрт соат ичида прокурорга ёзма тарзда маълум қилиб, уч суткагача ёки ҳуқуқбузарда ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса, прокурор санкцияси билан ўн суткагача муддатга ушлаб турилиши мумкин.

Давлат чегарасини бузган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жиноий иш қўзғаш учун етарли асос йўқлиги ва бу фуқароларга нисбатан белгиланган тартибда уларни қўшни давлат чегара ҳокимиятига топшириш ҳақида қарор қабул қилинган бўлса, прокурор санкцияси билан уларни топшириш учун зарур бўлган вақт мобайнида ушлаб турилади.

Ўзбекистон Республикаси чегараларидан маъмурий йўл билан чиқариб юборишга дахлдор хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар чиқариб юбориш учун зарур бўладиган муддатгача ушлаб турилади.

289-м о д д а. **Шахсни кўрикдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш**

Шахсни кўрикдан ўтказиш ички ишлар органларининг, ҳарбий соқчилик, ҳаво транспортининг, божхона органлари ва чегара қўшинларининг ваколатли шахслари Ўзбекистон Республикаси қонунларида бевосита назарда тутилган ҳолларда эса, шунга ваколати бўлган бошқа органлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Шахсни кўрикдан ўтказиш кўрикдан ўтказилаётган шахс билан бир жинсда бўлган шахслар томонидан ва шу жинсдаги иккита холис гувоҳ иштирок этган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Ашёларни кўздан кечириб чиқиш ички ишлар органларининг, ҳарбий соқчилик, ҳаво транспортининг, божхона органларининг, чегара қўшинларининг, солиқ органларининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида бевосита назарда тутилган ҳолларда эса шунингдек, тегишли ваколати бўлган органларнинг бошқа ваколатли шахслари томонидан амалга оширилади.

Ашёларни, ов қилиш ва балиқ тутиш қуролларини, қўлга киритилган маҳсулотлар ва бошқа буюмларни кўздан кечириш, одатда, шу ашё ва буюмлар кимнинг мулки ёки эгалигида бўлса, ўша шахс иштирокида амалга оширилади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, мазкур ашёлар, буюмлар мулкдорсиз (эгасисиз) иккита холис гувоҳ иштирокида ҳам кўздан кечириб чиқилиши мумкин.

Шахсий кўрикдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш тўғрисида баённома тузилади ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага ёхуд маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисидаги баённомага тегишинча ёзиб қўйилади.

Божхона муассасаларида шахсий кўрикдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш божхонага доир қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

1. Шахсни кўрикдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш, бошқа таъсир чоралари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузиш, шахсни аниклаш маъмурий ишларни ўз вақтида ва тўғри кўриб чикилишини таъминлаш сингари таъсир чоралари тамом бўлганда ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

Кўрикдан ўтказиш қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

—шахс маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган пайтда ёки бевосита уни содир этгандан кейин ушлаб олинганда;

—фуқаролик кийимларида ёки унинг буюмларида турли излар кўринишида ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлганда;

—гувоҳлар муайян шахсни ҳуқуқбузарликни содир этган деб аниқ кўрсатганда;

— техник назорат воситаси маълумотлари мавжуд бўлганда;

— кўрикдан ўтказиш ва кўздан кечириш Ўзбекистон Республикаси қонунларида бевосита назарда тутилган бўлса.

2. Маъмурий кўздан кечиришнинг моҳияти қурол ёки ҳуқуқбузарликнинг бевосита объекти ҳисобланган ҳужжатлар, ашёлар ва бошқа нарсаларни топиш ва олиб қўйиш мақсадида шахсни ва унинг мулкини мажбурий кўрикдан ўтказишдан иборат.

3. Вазирлар Маҳкамаси рўйхатида белгиланган халқ хўжалиги тармоқлари корхоналарида кўздан кечириш тартибини ИИВ ва прокуратура билан келишилган тармоқ йўриқномаси йўлга солади. Шахсни кўрикдан ўтказишнинг мазмуни рухсатнома тартибини амалга оширувчи ходим томонидан шахсларни ташқи кўриниши бўйича кўздан кечириши, шунингдек, уларнинг мулкларини кўчмас назорат қурилмалари ёрдамида кўрикдан ўтказиш ташкил этади.

4. Кўздан кечиришдан аввал ваколатли ходим ҳуқуқбузарлик ёки қонунда кўзда тутилган бошқа ҳодисаларни содир этганлиги ҳақида маълумотларга эга шахсга ҳуқуқбузарликнинг қуроли ёки бевосита объекти ҳисобланган, ушлаб келтирилганнинг шахсини тасдикдайдиган ҳужжатлар ёки буюмларни ва бошқа нарсаларни кўрсатиши лозим.

5. Фуқарони шахсан кўрикдан ўтказиш шу жинсдаги иккита холис гувоҳ иштирокида кўрикдан ўтказилаётган шахс билан бир жинсда бўлган шахслар томонидан бинода ёки бегона фуқаролар киритилмайдиган ҳамда санитария ва гигиена қоидаларига жавоб берадиган бошқа жойда амалга оширилади. Шахсни кўрикдан ўтказишда кўрикдан ўтказилаётган шахснинг хавфсизлиги ва саломатлиги, унинг шахсий қадр-қиммати кўрикдан ўтказилаётган пайтда кўрикдан ўтказилаётган шахсни обрўсизлантирадиган маълумотлар бутлиги таъминланиши лозим.

Ушбу талаблар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида таъкидланган қонунига биноан ҳеч ким инсон қадр-қимматини камситувчи тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

6. Буюмларни, бошқа нарсаларни кўздан кечириш ушбу модданинг 3-қисмида назарда тутилган ваколатли шахслар томонидан иккита холис гувоҳ иштирокида амалга оширилади. Шу билан бирга, кўздан кечирилаётган ашёлар ва буюмларнинг бутлиги, уларнинг товар сифатидаги ташқи кўриниши саклаб олиниши керак.

7. Ваколатли шахс шахсни кўрикдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечиришни тугатгандан кейин баённома тузилади ё маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага ёки маъмурий йўл билан ушлаб туриш ҳақидаги баённомасига тегишинча ёзув киритилади. Бу ҳужжат ёки ёзув ваколатли шахс, иккита холис гувоҳ ва кўриб чиқилаётган шахс томонидан имзоланади. Кўриб чиқилаётган шахсдан топилган ҳуқуқбузарлик қуроли ёки бевосита объекти ҳисобланган ашёлар 287 ва 289-моддаларда назарда тутилган органларнинг мансабдор шахслари томонидан олиб қўйилади.

290-м о д д а. **Ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш**

Ҳуқуқбузарларни ушлаш, шахсий крикдан ўтказиш ёки ашёларни кўздан кечириш вақтида аниқланган ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай нарса бўлмиш ашё ва ҳужжатлар ушбу Кодекснинг 287 ва 289-моддаларида назарда тутилган органларнинг мансабдор шахслари томонидан олиб қўйилади. Олиб қўйилган ашё ва ҳужжатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилгунга қадар, шундай ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш ҳуқуқи берилган органлар (мансабдор шахслар) томонидан белгилаб бериладиган жойларда сақланади, иш кўриб бўлинганидан кейин эса, уни кўриб чиқиш натижаларига қараб, бу ашё ва ҳужжатлар белгиланган тартибда мусодара қилинади ёки эгасига қайтариб берилади ёхуд йўқ қилиб юборилади, ашёлар ҳақ тўлаб олиб қўйилган тақдирда эса — сотиб юборилади.

Олиб қўйилган орден, медаль, фахрий унвоннинг кўкракка тақиладиган нишони қонуний эгасига қайтариб берилади, башарти, эгаси номаълум бўлса, унда тегишли органга жўнатилади.

Божхона қоидалари бузилган тақдирда, башарти ҳуқуқбузар Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлмаса, жарима ундирилишини таъминлаш мақсадида унинг ашёлари (қимматли буюмлари) олиб қўйилиши мумкин.

Ашё ва ҳужжатлар олиб қўйилган тақдирда бу хусусда баённома тузилади ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага ёхуд буюмларни кўздан кечириб чиқиш ёки маъмурий йўл билан ушлаб туриш ҳақидаги баённомаларга тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

Содир этилган ҳуқуқбузарлик учун ушбу Кодексга мувофиқ, транспорт воситасини, кичик ҳажмли кемани бошқариш ҳуқуқидан, ов

қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзида маъмурий жазо қўлланиши мумкин бўлса, ҳуқуқбузардан унинг иши юзасидан қарор чиқарилгунга қадар транспорт воситаси, кичик ҳажмли кемани бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома, овчилик билети олиб қўйилади ва бу ҳақда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага, шунинглек, ҳайдовчилик гувоҳномасининг талонига, кема бошқарувчиси гувоҳномасининг талонига тегишлича ёзиб қўйилиб, талонлар транспорт воситаси ҳайдовчисига, кема бошқарувчисига қайтариб берилади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиб қўйиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, кичик ҳажмли кемаларни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани ва ов қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиб қўйиш эса — Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси белгилаган тартибда амалга оширилади.

Ушбу Кодекснинг 185-моддасида, 222-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 221 ва 222-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, милиция ходимлари иш кўриб чиқилгунга қадар ўқотар қуролни, шунингдек, ўқ-дориларни олиб қўйишга ҳақлидирлар, бу хусусда мазкур қуролнинг марка ёки модели, калибри, туркуми ва тартиб рақами, ўқдориларнинг миқдори ва тури кўрсатилган ҳолда баённомага тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

Ўз хизмат бурчини бажариш вақтида ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан унинг ашёларини олиб қўйиш, шахсий кўрикдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириб чиқиш жуда зарур бўлган ҳоллардагина қўлланилади.

1. Ҳуқуқбузарликнинг бевосита объекти ҳисобланган ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш қонунга зид ҳолда топилган мулкдан фойдаланиш ва бошқариш имкониятидан ҳуқуқбузарни мажбуран маҳрум этишни ўз ичига олган маъмурий-ҳуқуқий таъсир этиш чораси ҳисобланади.
2. Ушбу чораларни қўллаш ҳуқуқи ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни ушлаш ва кўрикдан ўтказиш ваколати берилган органларнинг мансабдор шахсларига дахлдор (287, 289-моддаларнинг шарҳдарига қаранг).
3. Ҳуқуқбузарлик қуроли ёки бевосита объекти ҳисобланган ашё ва ҳужжатлар иш кўриб чиқилгунга қадар сақланади. Ишни кўриб чиқиш натижаларига қараб, мазкур ашё ва ҳужжатлар белгиланган тартибда мусодара қилинади ёки эгасига қайтариб берилади ёхуд йўқ қилиб юборилади, ашёлар ҳақ тўлаб олиб қўйилган тақдирда эса сотиб юборилади.
4. Олиб қўйиш факти қоидага кўра баённома тузиш билан расмийлаштирилади ё маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага ёхуд буюмларни ва ҳужжатларни кўздан кечириб чиқиш ёки маъмурий йўл билан ушлаб туриш ҳақидаги баённомаларга тегишли ёзув киритилади.
5. Транспорт воситаси ҳайдовчиси, кичик кема бошқарувчиси томонидан йўл ҳаракати (сузиш) қоидаси бузилганда бошқариш ҳуқуқидан маҳрум

қилиш кўринишидаги маъмурий жазо бериш мумкин бўлганда, унинг Давлат автомобиль назорати ходими ёки йўл ҳаракати (сузиш) хавфсизлигини назорат қилувчи бошқа ходим томонидан ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилади.

6. Агар транспорт воситаларини бошқараётган шахс мастлик ҳолатида деб ҳисоблашга етарли асослар бўлса, бундай шахс транспорт воситасини бошқаришдан четлаштирилиши ва мастлик ҳолатини аниқлаш учун белгиланган тартибда текширувдан ўтказилиши лозим бўлади (292-модданинг шарҳига қаранг).

7. Ички ишлар органлари: ашё ва ҳужжатларни, ўқотар қуролларни ҳамда жанговар ўқдориларни сақлаш ва фойдаланиш қоидалари бузилганда; транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани йўл ҳаракати қоидалари бузилганда; радиоузатувчи қурилмаларни улар қонунсиз тайёрланган ва фойдаланилганда олиб қўйиш ҳуқуқига эгадир,

Ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш билан бошқа давлат инспекцияси органлари ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ваколат берилган органлар (мансабдор шахслар) шуғулланишлари мумкин.

8. Айрим ҳолларда ашёларни, бўғча, юк ва бошқа нарсаларни кўриб чиқиш мулкдор (эгаси)нинг йўқлигида амалга оширилади.

Ваколатли шахс иккита холис гувоҳ иштирокида ашё ва бошқа нарсаларни қуйидаги ҳолатларда кўздан кечириши мумкин:

—автоматик сақлаш камераларида сақлашнинг муддати тугаганда;

—ашё ёки нарсаларнинг эгасини аниқлашнинг иложи бўлмаганда;

—ичида портловчи модда борлиги ҳақида маълумот олинган бўлса;

—бу Ўзбекистон Республикаси қонунларида бевосита кўзда тутилган бўлса.

Ашё ва бошқа нарсаларни мулкдор (эгаси) йўқдигида кўздан кечириш ҳақида махсус баённома тузилиб, ваколатли шахс ва икки холис гувоҳ имзо чекадилар. Бунда ашёларнинг сакданиши ва уларнинг бутлиги таъминланган бўлиши лозим.

9. Божхона қоидалари бузилган тақдирда, башарти, ҳуқуқбузар Узбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлмаса, жарима ундирилишини таъминлаш мақсадида ҳуқуқбузарликни содир этган шахснинг ашёлари ва қимматли буюмлари олиб қўйилиши мумкин.

10. Уз хизмат бурчини бажариш вақтида ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан унинг ашёларини олиб қўйиш, шахсий кўрикдан ўтказиш, ашёларни кўздан кечириб чиқиш, одатда, жуда зарур бўлган ҳоллардагина қўлланилади.

291-м о д д а. **Транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўрикдан ўтказиш асослари ва тартиби**

Транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўрикдан ўтказиш қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган органлар (мансабдор шахслар) томонидан ушлаб туриш сабаби бартараф этилгунга ва маъмурий

ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўрилгунга қадар амалга оширилиши мумкин, чунончи:

а) транспорт воситаларини ҳайдовчилар томонидан ушбу Кодекснинг 125-моддасининг тўртинчи қисмида, 126, 131, 135, 136, 137-моддаларида, 194-моддасида (милиция ходимининг транспорт воситасини тўхтатиш тўғрисидаги қонуний талабини бажармаслик хусусидаги қисми) назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилганда, шунингдек, қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолларда — ички ишлар органлари томонидан;

б) Қуролли Кучларнинг, чегара қўшинлари ва ички қўшинларнинг транспорт воситаларини бошқараётган ҳайдовчилар ва бошқа шахслар йўл ҳаракати қоидаларини бузганда — ҳарбий автомобиль инспекциясининг мансабдор шахслари томонидан;

в) ушбу Кодекснинг 60, 78, 79, 81, 82, 84, 90, 92, 94моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда — Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг мансабдор шахслари томонидан;

г) ушбу Кодекснинг 198, 227-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда — Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан.

Ушлаб қолинган транспорт воситаларини сақлаш тартиби (Қуролли Кучларнинг, чегара қўшинлари ва ички қўшинларнинг транспорт воситаларидан ташқари) ҳокимлар билан келишиб туриб, ички ишлар органлари томонидан белгиланади.

1. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўриниб турганидек, транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўрикдан ўтказиш фақат Кодекснинг 60, 78, 79, 81, 82, 84, 90, 92, 94-моддаларида, 125-модданинг тўртинчи қисмида, 126, 131, 135, 136, 137-моддаларида, 194-модданинг транспорт воситасини тўхтатиш тўғрисида милиция ходимининг қонуний талабини бажармаслик қисмида), 198 ва 227-моддаларида назарда тутилган қоидабузарлик юз берганда, ушлаб туриш сабаблари бартараф этилгунча ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўрилгунга қадар амалга оширилади.

Айтилганлардан кўриниб турибдики, қонун чиқарувчи транспорт воситаларини ушлаб туришнинг муайян муддатини белгиламаган. Бу муддатлар ушлаб туриш сабабларига боғлиқ ва турлича бўлиши мумкин.

2. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолларда транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўрикдан ўтказиш фақат ички ишлар органлари, Ҳарбий автомобиль инспекциясининг мансабдор шахслари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг мансабдор шахслари, шунингдек, божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади.

3. Ички ишлар органлари транспррт воситаларини ушлаб туриш ва кўрикдан ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида

бевосита назарда тутилган бошқа ҳолатларда қатнашиш ҳуқуқига эга. Масалан, қидирилаётган транспорт воситасини топишда.

Ушбу модданинг иккинчи қисми талабларига мувофиқ, ушлаб турилган транспорт воситаларини сақлаш тартиби (Қуролли кучларнинг, чегара қўшинлари ва ички қўшинларнинг транспорт воситаларидан ташқари) ҳокимлар билан келишиб туриб, ички ишлар органлари томонидан белгиланади.

292-м о д д а. **Транспорт воситасини бошқаришдан четлатиш, мастлик ҳолатини аниқлаш учун текширувдан ўтказиш**

Транспорт воситаларини бошқараётган мастлик ҳолатида деб ҳисоблашга етарли асослар бўлган шахс транспорт воситасини бошқаришдан четлаштирилиши ва мастлик ҳолатини аниқлаш учун белгиланган тартибда текширувдан ўтказилиши керак.

Мазкур шахсни текширишга юбориш ва бу текширувни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

1. Йўл-транспорт ҳодисаси юз беришининг асосий сабабларидан бири транспорт воситаларини мастлик ҳолатида бошқариш ҳисобланиб, бу билан халқ хўжалигига катта зарар етказилади, кўпчилик фуқаролар саломатлигини шикастлантиради, бир қанча ҳолларда эса улар ҳалокатига сабаб бўлади. Йўлларнинг ҳаммасида транспорт воситаларини мастлик ҳолатида бошқариш ҳаракатларига қарши кескин кураш олиб бориш заруратини юзага келтиради

2. Транспорт воситаси ушбу турини бошқаришга рухсат берувчи белгили ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлган шахслар, умуман ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган шахслар ҳам, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар ҳам транспорт воситаларини бошқарувчи шахс ҳисобланади.

3. Транспорт воситаларини, шу жумладан, кемаларни бошқариш дейилганда транспорт воситаларини ҳаракатга келтиришдаги, уни ўзи бошқарганда ёки транспорт воситаларини бошқаришга ўргатилаётган шахс билан ёндош бошқаришни амалга оширишдаги шахснинг ҳаракатлари тушунилади.

4. Мастлик белгиларининг мавжудлиги (оғзидан ичимлик ҳиди келиши; қаддини тутиб туролмаслик; нутқининг ўзгариши; қўл бармоқларининг титраши; юз терисининг ранги кескин ўзгариши; вазиятга хос бўлмаган хулқ-атвор; ҳайдовчини бошқариш қобилиятига шубҳа туғдирувчи транспорт воситаси ҳаракатининг хусусияти; ҳайдовчи спиртли ичимлик ичгани ҳақидаги фуқаролар хабари; спиртли ичимлик ичганига ҳайдовчининг ўзи иқрор бўлиши ва ҳоказолар). Транспорт воситаларини бошқараётган

ҳайдовчилар ёки бошқа шахслар мастлик ҳолатида эканини гумон қилишга етарли асослардир.

5. Мастлик ҳолатини аниқлаш ва мастлик ҳолатини аниқлаш учун текширувдан ўтказишга юбориш тартибини Ўзбекистон Республикаси ИИВ, Соғлиқни сақлаш, Адлия вазирликлари белгилайди.

6. Текширувдан ўтказиш тиббий муассасаларда, шунингдек, белгиланган тартибда техник воситалардан фойдаланиб (қаранг: Давлат автомобиль назорати тўғрисидаги низом — Ўзбекистон Республикаси ИИВ буйруғи, 30-сон, 1995 й.) амалга оширилади. Жабрланувчилар бўлган ёки каттагина моддий зарар етказган йўл-транспорт ҳодисаси қатнашчилари бўлган ҳайдовчилар гувоҳлаштириш учун тиббий муассасаларга мажбуран юборилишлари лозим.

7. Тиббий муассасаларда текширувдан ўтказиш куннинг исталган пайтида наркология диспансерларининг ихтисослашган хоналарида, даволаш-профилактика муассасаларида ёки кўчма ихтисослашган тиббий лабораторияларда психиатр-нарколог, невропатолог шифокорлар, шунингдек, махсус тайёрланган бошқа мутахассисликдаги шифокорлар томонидан амалга оширилади. Ўрта маълумотли тиббиёт ходимларнинг текширув ўтказиши тақиқланади.

8. Тиббий муассасаларга текшириш учун юборишни милиция ходимлари ва транспорт воситаларидан фойдаланиш бўйича масъул корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари амалга оширадилар. Бу ҳолатда мансабдор шахслардан текширишга қабул қилиш ёзма йўлланма билан адо этилади. Текширилаётган шахсни олиб келувчи унинг шахсиятини аникдаш учун чора кўриши лозим. Ҳужжатларнинг йўклиги текширувдан ўтказмасликка асос бўлолмайди. Бундай ҳужжатлар бўлмаса, текширувдан ўтказиш ҳужжатида текширилаётган шахснинг белгилари ва шахсият ҳақидаги маълумотлар текширилаётган шахснинг сўзидан ёзиб олингани кўрсатилади. Зарур бўлиб қолган тақдирда бу шахс ҳақидаги маълумотларга милиция ходимлари томонидан аниқлик киритилади ва тиббий муассасага хабар қилинади. Шифокор барча ҳолатларда ҳам Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаган шаклда текширувдан ўтказилганлик ҳужжатини тузади. Текширувдан ўтказилувчи шахсни олиб келганга унинг илтимосига кўра ҳужжатдан кўчирма ёки бир нусха берилади. Камдан-кам ҳолатда кузатиб келувчи бўлмаган тақдирда текширувдан ўтказилганлик ҳужжати текширувдан ўтказилган шахсни йўллаган ташкилотга почта орқали юборилади. Шахс тиббий текширувдан ўтказиш натижасидан рози бўлмаса, бошқа шифокор ёки тиббий комиссия томонидан такрорий текширилади.

9. Мастлик ҳолати аниқланганда ҳайдовчи ва бошқа шахс бошқаришдан четлаштирилади. Транспорт воситаси эса ички ишлар органларининг навбатчи қисмига, милиция станционар пости ёнидаги майдончага, пулли манзилга (бу масалада халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг тегишли рухсатномаси бўлса) олиб бориб қўйилади. Транспорт воситасига нисбатан уни сақлаш чоралари кўрилади.

Транспортни бошқаришдан четлатиш ўт олдириш қулфидан калидини чиқариб олишда, транспорт воситаси кабинасидаги шахснинг ҳайдовчи ўрнини бўшатиб қўйишида ифодаланади.

10., Ҳайдовчилар ва бошқа шахсларнинг мастлик ҳолатини белгиланган тартибда аниклшдан бўйин товлаганлик учун Кодекснинг 136-моддасида назарда тутилган жавобгарлик юзага келади. Бу ҳолатда мастлик аломатлари ва ҳуқуқбузарнинг текширувдан ўтказишдан бўйин товлашидаги хатти-ҳаракати кўрсатиб ўтилган баённома тузилади. Кўрсатилган факт иккита гувоҳ томонидан тасдиқланиши лозим (мастлик ҳолатини текширувдан ўтказишдан бўйин товлаш ҳақида 136-модданинг шарҳига қаранг).

293-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари устидан шикоят бериш

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш, шахсни кўрикдан ўтказиш, ашёларни кўздан кечириш, транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўздан кечириш, ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш, транспорт воситасини бошқаришдан четлаштириш устидан манфаатдор шахс юқори органга (мансабдор шахсга), прокурорга ёки судга шикоят бериши мумкин.

1. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш, шахсни кўрикдан ўтказиш, ашёларни кўздан кечириш, транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўздан кечириш, ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш, транспорт воситасини бошқаришдан четлаштириш устидан манфаатдор шахс юқори органга (мансабдор шахсга) ёки прокурор ёхуд судга шикоят бериши мумкин.
2. Мансабдор шахснинг қарорига шикоят юқори органга (мансабдор шахсга) ёки бевосита шикоят йўлланган судга юборилади (315-модданинг шарҳларига қаранг).

Мансабдор шахснинг ҳаракати хусусида прокурорга шикоят қилинган тақдирда, маъмурий йўл билан ушлаб туриш, шахсни кўрикдан ўтказиш, ашёларни кўздан кечириш, транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўздан кечириш ва ҳоказолар тўғрисидаги қарорга назорат тартибида протест билдирилиши мумкин (317-модданинг шарҳига қаранг).

3. Шикоятни кўриб чиқувчи юқори орган (юқори турувчи мансабдор шахс) чиқарилган қарорнинг қонунийлиги ва асослигини текширади. Қонун шикоятни тез ва холисона кўриб чиқишни, кўриб чиқилаётган шикоят муносабати билан у ёки бу мансабдор шахснинг ишидаги хато ва камчиликларни бартараф этишни, фуқаронинг бузилган ҳуқуқи ва қонуний манфаатини тезда тиклаш чораларини кўришни талаб қилади.
4. Агар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритишни таъминлаш юзасидан мазкур ишни кўриб чиқишга ваколати бўлмаган орган (мансабдор шахс) томонидан қарор чиқарилган бўлса, у бекор қилинади ва

иш ваколатли органга, мансабдор шахсга кўриб чиқиш учун юборилади (321-модда).

5. Ушланган шахснинг ҳаракатида маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби бўлмаганлиги учун иш юритишни таъминлаш чораларини қўллаш тўғрисидаги қарор бекор қилинган тақдирда, ўша шахсдан расмий кечирим сўралиши, тортиб олинган.ашё ва ҳужжатлари қайтариб бериши, шунингдек, ундан ҳуқуқий чекланишлар олиб ташланиши лозим. Олиб қўйилган ашёларни қайтариб беришнинг иложи бўлмаса, уларнинг қийматини тўланади.

XXII боб. МАЪМУРЙЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШНИ ЮРИТИШДА ҚАТНАШУВЧИ ШАХСЛАР

294-м о д д а. Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари

Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иш материаллари билан танишиб чиқишга, изоҳлар беришга, далиллар келтиришга, ўз илтимосини баён этишга, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашишга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилади. Мазкур шахсга ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабар қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бўлган ва ундан ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган ҳоллардагина иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.

Башарти содир этган ҳуқуқбузарлиги учун ушбу Кодексда маъмурий қамоққа олиш, ашёларини мусодара қилиш ёки ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш чораларини қўлланиш назарда тутилган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш вақтида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг қатнашиши шарт. Мазкур шахс бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда қатнашишдан бўйин товлагани тақдирда у маъмурий ишлар бўйича судьянинг ажримига биноан ички ишлар (милиция) органи томонидан мажбуран олиб келиниши мумкин. Экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулот Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ бўлиб, мусодара чораси қўлланилиши мумкин бўлган маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги иш божхона органи томонидан алоҳида ҳолларда, агар маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлса ёки унинг қаердалигини аниқлашнинг

иложи бўлмаса, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг иштирокисиз кўриб чиқилади.

1. 294-моданинг 1 ва 2-қисмлари аъмурий жавобгарликка тортиладиган шахснинг процессуал ҳукуқларини, 3-қисми эса унинг процессуал мажбуриятини белгилайди. Бу бизнинг маъмурий судлов ишларимизни олиб бориш жараёнининг демократизмидан далолат беради.
2. Жавобгарликка тортилувчи шахс, энг аввало, иш материаллари билан танишишга ҳаққи бор, бу эса, унга нима билан айбланаётганини, қандай далилларга асосланиб маъмурий жавобгарлик тортилаётганини, унинг фойдасини кўзловчи барча материаллар ишда юритилган-юритилмаганлигини ва ҳоказоларни билишга имкон беради, иш материаллари билан танишиш жавобгарликка тортилаётган шахсга ўзининг бошқа кўпгина процессуал ҳукуқларидан тушунтириш бериш, далил келтириш ва илтимоснома баён этиш қоидаларидан фойдаланиш ва бу билан иш материалларини зарурий ахборотлар, жумладан, шу шахснинг фойдасини кўзловчи маълумотлар билан бойитиш имконини беради.
3. Юқорида эслатилган ҳукуқлар 294-моддада жамланма, яъни иш юзасидан иш юритишнинг қайси бир босқичи билан боғланмаган равишда мустаҳкамланган, яъни маъмурий жавобгарликка тортилган шахслардан иш юритишнинг исталган ёки кўпгина босқичларида фойдаланиши мумкин.
4. Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс деярли исталган вактда адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиши мумкин. Масалан, баённома тузилгандан кейин дарҳол юридик маслаҳатхонага бориши ва адвокат билан маслаҳатлашиши, ундан ёзма тушунтирув ва бошқа ҳужжатларни тайёрлашда ёрдам сўраши мумкин. Адвокат ҳукуқбузарликни содир этган шахсни ушлаб туриш пайтидан бошлаб ишни кўриб чиқиш жараёнида қатнашиши мумкин (297-модданинг шарҳларига қаранг).
5. Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахсга ўз она тилида сўзлашга, агар у иш олиб борилаётган тилда сўзлашни билмаса, таржимон хизматидан фойдаланиши мумкин.
6. Маъмурий жавобгарликка тортилаетган шахснинг кўрилаётган иш бўйича чиқарилган қарори бўйича шикоят килиш ҳукуқи 294-модда билан мустаҳкамланиши маъмурий юрисдикция жараёни қонунийлиги кафолатларидан бири сифатида муҳим аҳамиятга эга (8, 315-моддаларнинг шарҳларига қаранг).
7. 294-модда маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишда маъмурий жавобгарликка тортилган шахснинг иштирок этиши лозимлигини кўрсатади. Ишнинг айнан шундай кўриб чиқилиши жараённинг асослигини таъминлайди, ҳукуқбузарга янада кучлироқ тарбиявий таъсир ўтказишга имкон беради, иш юзасидан кейинчалик тўғри қарор чиқаришда аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг ҳаммасини ойдинлаштиради. Бироқ, айрим пайтларда ўзига нисбатан материаллар тўпланган шахс у ёки бу сабаб билан ишни кўриб чиқилишида иштирок этишни йстамайди ва унда қатнашмайди. 294-модда, агар ҳукуқбузарга ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабар

қилинган, лекин у келмаган, ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида илтимос қилмаган бўлса, ишни сиртдан кўриб чиқишга йўл қўяди. Лекин ушбу модданинг 3-қисмига, башарти, содир этган ҳуқуқбузарлиги учун ушбу Кодексда маъмурий қамоққа олиш, ашёларни мусодара қилиш ёки ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш чораларини қўллаш назарда тутилган бўлса, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг у ҳақдаги иши кўриб чиқилаётганда қатнашиши шартлиги ва ишни кўриб чиқишда қатнашишдан бўйин товлаган тақдирда мажбуран олиб келиниши киритилган.

294-моддани изоҳлашда, шунингдек, айрим маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилаётганда (майда безорилик, йиғилиш, митинг, кўча юришлари ва намойишлар) иш кўриб чиқилгунга қадар ҳуқуқбузарни маъмурий ушлаб туришга йўл қўйилиши ишни кўриб чиқишда ҳуқуқбузарнинг қатнашишини автоматик тарзда кафолатлаши муҳим аҳамиятга эга.

8. Айрим ҳоллардагина мусодара қилиниши мумкин бўлган, экспорт этилиш тақиқланган ашё ва маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ташқарисига олиб кетиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлса ёки унинг қаерда эканлигини аниқдашнинг иложи бўлмаса, божхона органи унинг иштирокисиз ҳам кўриб чиқиши мумкин.

295-м о д д а. **Жабрланувчи**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказилган шахс жабрланувчи деб топилади.

Жабрланувчи ишга оид ҳамма материаллар билан танишиб чиқишга, кўрсатувлар беришга, далиллар келтиришга, илтимослар қилишга, ишни кўриб чиқиш пайтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашга ва таржимон хизматидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир.

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан иш юритишда ҳуқуқбузарлик билан зарар етказилган шахс жабрланувчи ҳисобланади. Бу зарар, биринчидан, маънавий, масалан,
41-моддада шахсни ҳақорат қилиш; иккинчидан, жисмонан, масалан, 52-моддада енгил тан жароҳати етказиш, учинчидан, мулкий, масалан, бошқа шахсга тегишли автомашинани шикастлаш ва натижада йўл ҳаракати қоидаси бузилган бўлиши мумкин.

2. Жабрланувчи, одатда, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг шоҳиди ҳам бўлади. Бундан ташқари, жабрланувчининг кўрсатмалари ёрдамида аниқланган ўзига нисбатан зарарнинг хусусияти ва ўлчами бу ҳуқуқбузарликнинг ўзини тавсифлаш ва ҳатто уни жиноят сифатида туркумлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Қонун жабрланувчига ишга оид ҳамма материаллар билан танишиб чиқиш, кўрсатувлар бериш, илтимоснома ёзиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор бўйича шикоят бериш ҳуқуқини беради. Бундан ташқари, жабрланувчи далиллар келтиришга, ишни кўриб чиқиш пайтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш, ўз она тилида сўзлаш, таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Жабрланувчидан тушунтириш хати олувчи шахс жабрланувчиларнинг 295-модда 2-қисмида назарда тутилган ҳуқуқларини тушунтириб бериши лозим.

296-м о д д а. **Қонуний вакиллар**

Вояга етмаган ёки ўзининг жисмоний нуқсонлари ёхуд руҳий касалликлари сабабли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан ўз ҳуқуқини ўзи амалга оширолмайдиган — маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ёки жабрланувчининг манфаатларини улар учун мазкур шахсларнинг қонуний вакиллари (ота-оналари, эр ёки хотинлари, вояга етган болалари, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар) ифодалашга ҳақлидирлар.

Қонуний вакиллар иш материаллари билан танишишга ва манфаатларини ўзлари ифода этаётган шахс номидан илтимослар қилишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидирлар.

1. Қонун кучи билан бошқа фуқаролар — ишга яроқсиз, чекланган равишда яроқли, шунингдек, ишга яроқли, аммо жисмоний ҳолатига кўра (кексалик, касаллик, ногиронлик ва ҳоказоларга кўра) ўз ҳуқуқ ва бурчларини шахсан амалга оширолмайдиган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ваколатли шахс қонуний вакил ҳисобланади.

2. 296-моддага мувофиқ, қонуний вакиллар фақат иш жараёнининг икки қатнашчиси жавобгарликка тортилган шахс ва жабрланувчи манфаатларини маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан ҳимоя қиладилар, шуниси ҳам борки, кейингиси вояга етмаган (16 ёшга тўлмаган) ёки жисмоний нуқсонлари ёхуд руҳий касалликлари сабабли улар ўз ҳуқуқларини ўзлари амалга оширолмайдиган даражада бўлиши лозим. Модданинг шарҳида бевосита айтилганидек, ота-оналари, эр ёки хотинлари, вояга етган болалари, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар қонуний вакил сифатида улар манфаатини ҳимоя қилишлари мумкин. Улар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ихтиёрида бўлган орган (мансабдор шахс) талабига кўра, уларнинг қонуний вакиллик мақомини тасдиқловчи ҳужжатлар (паспорт, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, фарзандликка олиш ёки васийлик ва ҳомийликни ўрнатиш тўғрисида маҳаллий кенгаш ҳокимлигининг қарори)ни кўрсатишлари керак.

3. Қонуний вакил бир пайтнинг ўзида гувоҳ ролини бажариши мумкинлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

296-модда қонуний ворисларга иш материаллари билан танишиш, манфаатлари ҳимоя қилинаётган шахс номидан илтимоснома баён этиш, иш юзасидан чиқарилган қарор бўйича шикоят қилиш ҳуқуқини беради.

297-м о д д а. **Адвокат**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда шу ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни ушлаб туриш пайтидан бошлаб адвокат қатнашиши мумкин.

Адвокат ишга оид материаллар билан танишиб чиқишга, уни таклиф қилган шахснинг топшириғига биноан ва унинг номидан илтимослар қилишга ва иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир.

1.Ушбу Кодекснинг 297-моддасига мувофиқ, адвокатлар юридик ёрдам кўрсатиш билан бирга, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича судда ва бошқа давлат органларида вакилликни амалга оширадилар.

2.Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга ҳақдидир (294-модда).

Кодексга мувофиқ, адвокатга берилган ҳуқуқлардан ташқари, у Ўзбекистон Республикаси «Адвокатура тўғрисида»ги қонунида мустаҳкамлаб қўйилган барча мукаммал қонунларга эгалик қилади.

3. Адвокат ўз фаолиятида амалдаги қонунлар талабларига аниқ ва оғишмай амал қилиши, ўзига юридик ёрдам сўраб мурожаат қилган фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда қонунда назарда тутилган восита ва усулларнинг барчасидан фойдаланиши лозим. Адвокатнинг ваколат берувчи юридик ёрдам кўрсатиш муносабати билан унга етказган маълумотни ошкор қилишга ҳаққи йўқ.

4. Фуқароларга пулли юридик ёрдам кўрсатилади. Юридик маслаҳатхона мудири қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик ёрдам ҳақининг миқдорини белгилайди.

Ушбу Кодекснинг 297-моддаси 2-қисми адвокатга маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда қатнашувчи сифатида уни таклиф этган шахснинг топшириғига кўра иш материаллари билан танишиб чиқиш, унинг номидан илтимоснома баён этиш, иш бўйича чиқарилган қарор хусусида шикоят қилиш ҳуқуқини беради.

298-м о д д а. **Гувоҳ**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича аниқланиши керак бўлган бирон бир ҳолатдан воқиф бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс шу иш юзасидан гувоҳ сифатида чақирилиши мумкин.

Ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) чақирувига биноан гувоҳ кўрсатилган вақтда келиши, ҳаққоний кўрсатувлар бериши, шу иш хусусида ўзига маълум бўлган ҳамма нарсаларни айтиб бериши ва қўйилган саволларга жавоб бериши шарт.

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича аниқлиниши керак бўлган бирон-бир ҳолатдан воқиф бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс иш юзасидан гувоҳ сифатида чақирилиши мумкинлигига берадиган кўрсатма гувоҳнинг тенгсиз эканлигини таъминлайди.

Жабрланувчи, шунингдек, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ва жабрланувчининг қонуний вакиллари ҳам, гувоҳ сифатида қатнашишлари мумкин. Бироқ бундай қатнашув жабрланувчи ёки қонуний вакил ҳуқуқларида бирор чекланишга олиб келмайди. Башарти, иш юзасидан аниқданиши лозим бўлган ҳолат эксперт, таржимон тайинлаган шахсга маълум бўлса, у рад этилади ва иш бўйича гувоҳ сифатида қатнашиши мумкин.

Милиция ходими ёки ҳуқуқбузарликнинг олдини олган, ҳуқуқбузарни ушлаб келтирган ёки иш юзасидан иш юритишни таъминлаш чораларини кўрган бошқа шахслар гувоҳ сифатида жалб этилишлари мумкин. Холис гувоҳлар шахсни кўрикдашлари мумкин. Холис гувоҳлар шахсни кўрикдан ўтказиш ва ашёларни куздан кечириш, аше ва ҳужжатларни мусодара қилиш, транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўздан кечириш ҳолатларида гувоҳ сифатида қатнашишлари мумкин.

2. 16 ёшга етмаган шахслар, фавқулодда ҳолатларда эса кичик ёшдагилар ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахслар ўқитувчилар ҳузурида гувоҳ сифатида сўроқ қилинишлари мумкин. Берилган гувоҳликни тўғри баҳолаш учун ота-оналар, тарбиячилар сўроқ қилинишлари мумкин.

3. Ушбу модданинг 2-қисмидаги гувоҳга бўлган талаб маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишга ваколатли шахснинг ҳузурига гувоҳ чақириш ҳолатида бўлгандек, у мана шундай ишларни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс)ларга ҳам тааллуқдидир.

4. Гувоҳ қаерга ва кимнинг ҳузурига, шунингдек, келадиган кун ва соати кўрсатилган чакириқ қоғози билан чақиртирилади, чақириқ қоғози гувоҳнинг имзоси билан у вақтинча уйда бўлмаса, оиладаги катта ёшли аъзосига, иш жойидаги маъмуриятга, у яшаётган уй-жой органларига ёхуд фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига топширилади.

Вояга етмаганларни, 16 ёшга тўлмаганларни чақириш уларнинг ота-онаси ёки қонуний вакиллари орқали амалга оширилади.

5. Гувоҳ ўзига маълум бўлган ҳамма ҳолатларни ҳаққоний айтиб бериши лозим, у олинган ахборотлар манбаини, бу ҳолатлар ҳақида кўрган ёки эшитган шахсларни, у ёки бу маълумотлар олинган тегишли ҳужжатларни кўрсатиши керак.

6. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритишда гувоҳ кўрсатма беришни рад этгани ёки бўйин товлагани ва сохта кўрсатма бергани учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайди.

299-м о д д а. **Эксперт**

Эксперт маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) томонидан махсус тушунчага эга бўлиш зарурати туғилган ҳолларда тайинланади.

Эксперт ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) чақириғи бўйича келиши ва ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан холис хулосалар бериши шарт.

Эксперт экспертиза предметига оид иш материаллари билан танишиб чиқишга, хулоса бериш учун илтимослар қилишга, жавобгарликка тортилаётган шахсга, жабрланувчига, гувоҳларга маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) рухсати билан экспертиза предметига оид бўлган саволларни беришга, ишни кўриб чиқиш вақтида қатнашишга ҳақлидир.

1. Махсус билимларга эга бўлган шахс экспертликка тайинланиши мумкин. Эксперт муассасасининг ходими каби бир мартали тартибда экспертликни бажаришга жалб этиладиган билимдон шахслар ҳам эксперт бўла оладилар. Эксперт 299-моддага биноан «Махсус тушунчага эга бўлиш зарурати туғилган ҳолларда» тайинланади, яъни эксперт жараённинг мажбурий иштирокчиси ҳисобланмайди.
2. Эксперт 299-модда 2-қисмининг мазмунига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) томонидан тайинланиши мумкин.
3. Экспертнинг асосий вазифаси — ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан холис хулосалар беришдан иборат. Бунинг учун у ишни юритаётган орган (мансабдор шахс)нинг чақириғи бўйича келиши лозим (299-модданинг 2-қисми).

Эксперт экспертиза предметига оид иш материаллари билан танишиб чиқишга хулоса бериш учун қўшимча материаллар тақдим этиш ҳақида илтимослар қилишга ҳақлидир. У ишни кўриб чиқишда қатнашиш ва ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) рухсати билан жараённинг бошқа қатнашчилари — маъмурий жавобгарликка тортилган шахсга, жабрланувчига саволлар бериш ҳуқуқига эга. Албатта, бу саволлар экспертиза предметларига оид бўлади.

Демак, экспертнинг барча бурч ва ҳуқуқлари ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан холис ва малакали хулосалар беришдир, бу иш юзасидан қонуний ва асосланган қарор қабул қилиш учун зарурдир.

4. Эксперт жиноий иш жараёни қатнашчиси сифатида хулоса беришдан асоссиз равишда бўйин товлагани ва атайлаб ёлғон хулоса бергани учун жиноий жавобгарликка тортилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишга татбиқан экспертнинг бундай жавобгарлиги белгиланмаган.

5. Экспертга маъмурий ҳуқуқбузарлйк тўғрисидаги ишлар юзасидан иш юритаётган орган (мансабдор шахс)га чақирилиш бўйича келиш билан боғлиқ чиқимлар қопланади (310-модданинг шархларига қаранг).

300-м о д д а. **Таржимон**

Таржимон маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) томонидан тайинланади.

Таржимон мазкур органнинг (мансабдор шахснинг) чақириғига биноан келиши, ўзига топширилган таржимани тўлатўкис ҳамда аниқ бажариши шарт.

1. Ушбу модданинг мазмуни Кодекснинг маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс агар иш олиб борилаётган тилда сўзлашни билмаса, ўз она тилида сўзлашга ҳаққи борлигини назарда тутувчи 294-модда талаблари билан чамбарчас бирлашиб кетган.

2. Оғзаки нутқни тушунмайдиган ёки яхши тушунмайдиган, шу тилда бемалол фикрини тушунтира олмайдиган, ўқиёлмайдиган, у ёки бу атамаларни англашда қийналадиган шахслар иш юритаётган тилни билмайдиган ҳисобланади.

3. Агар маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг иш юритилаётган тилни билиш-билмаслиги хусусида шубҳаланиб қолинса, қандай тилларни билиши ва қайси тилда кўрсатма бериши аниқланади ва унинг жавобига кўра таржимонни чақириш масаласи ҳал этилади. Таржимон иш юзасидан бошқа вазифани бажариши мумкин эмас. Таржимонлик вазифасини бажараётган шахс ишни кўриб чиқувчи шахс, адвокат, эксперт, гувоҳ ва ҳоказо бўлишга йўл қўйилмайди.

4. Таржимон маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) томонидан тайинланиши керак.

Таржимоннинг ишда қатнашиши тўғрисида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада башарти у ишни кўриб чиқишда қатнашса, иш бўйича чиқарилган қарорда ёзиб қўйилган бўлиши лозим.

5. Таржимонни чақириш расмий тарзда чақирув қоғози билан амалга оширилади: Бунда таржима амалга оширилиши лозим бўлган иш, уни кўриб чиқиш вақти ва манзили кўрсатилади. Таржимон ишнинг натижасидан манфаатдор бўлмаган, тилни яхши биладиган шахс бўлиши лозим.

Таржимон маъмурий жавобгарликка тортилган шахсга унга берилган ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятини таъминлашга, иш материаллари билан танишишга, илтимоснома баён этишга ва ҳоказоларга даъват этилган (294-модда).

301-модда. **Жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар ва таржимонларнинг қопланиши лозим бўлган харажатлари**

Жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар ва таржимонлар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) ҳузурига келишлари муносабати билан уларнинг қилган харажатлари белгиланган тартибда қопланади.

Жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар ва таржимонлар сифатида чақирилган шахсларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) ҳузурига келишлари муносабати билан улар ишда бўлмаган вақтда ўз иш жойидаги маоши белгиланган тартибда сақланади.

Эксперт ва таржимон хизмат топшириғи тартибида бажарилган ҳоллардан ташқари, ўзининг вазифаларини бажарганлиги учун мукофотланиш ҳуқуқига эгадир.

1. Жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар ва таржимонларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритилаётган органга (мансабдор шахс ҳузурига) келиб-кетиши билан боғлиқ чиқимларини қоплаш ҳақида махсус меъёрий ҳужжат йўқ.

Бундай ҳужжат қабул қилингунга қадар масалани ҳал этиш учун «Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертларнинг, мутахассислар, таржимонлар ва холисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдори тўғрисида»ги қонун хизмат қилиши мумкин (Узбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1992, 9-сон, 359-модда).

2. Юқорида тилга олинган Қонунга мувофиқ, суриштирув органларига, терговчи, прокурор ҳузурига ёки судга чақириладиган гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларга гувохдар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларга ўз тураржойидан шу чакирилган ерга келиш ва бу ердан қайтиб кетиш харажатлари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ходимларига хизмат сафарига бориш ва қайтиш харажатларини қоплаш учун белгиланган тартибда тўланади.

Органга чақирилган юқорида кўрсатиб ўтилган шахсларга доимий яшаш жойларидан ташқаридаги улар шу чақирилган жойда бир суткадан ортиқ туришлари лозим бўлганда, уларга уй-жой биносини ижарага олганлик учун қилинган харажатлар ва суткалик харажатлар, шунингдек, хизматлари билан боғлиқ қўшимча харажатлар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг хизмат сафари билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш учун белгиланган тартибда ва миқдорда тўланади.

Қонунда бориш ва келиш, муайян бир ишни бажариш билан боғлиқ тўловлар (экспертлар, мутахассислар, таржимонлар) суммаси миқдори кўрсатиб ўтилган.

Уларни чақиртирган орган юқоридаги шахслар ўз мажбуриятларини бажарганликларидан кейин Қонунда кўрсатилган суммани дарҳол тўлашлари лозим.

Ҳарбий хизматчиларнинг харажатларини қоплаш ҳарбий қисмларнинг талаби ва ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминоти ҳақидаги Низомда белгиланган меъёр бўйича қопланади.

Ушбу Қонун хизмат топшириғи сифатида ўз вазифаларини бажарадиган экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга тааллуқли эмас.

3. Жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар ва таржимонлар сифатида чақирилган шахсларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) ҳузурига келишлари муносабати билан улар ишда бўлмаган вақгда ўз иш жойидаги маоши белгиланган тартибда сақланади. Кўрсатилган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга жалб этган орган (мансабдор шахс) берган маълумотнома асос сифатида хизмат қилиши мумкин.

302-м о д д а. Маъмурий жавобгарликка қонунга хилоф равишда тортилганлиги сабабли фуқарога етказилган зарарни қоплаш

Маъмурий жавобгарликка қонунга хилоф равишда тортилганлик натижасида фуқарога етказилган зарар, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиққан органнинг (мансабдор шахснинг) айбидан қатъи назар, давлат томонидан тўлиқ ҳажмда тўланади.

Зарарни қоплаш ҳуқуқи маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш тугатилган тақдирдагина вужудга келади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) фуқарога бузилган ҳуқуқларини тиклаш тартибнни тушунтириб бериши ва маъмурий жавобгарликка қонунга хилоф равишда тортилганлиги натижасида фуқарога етказилган зарарни қоплаш учун қонунда назарда тутилган чораларни кўриши шарт.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида таъкидланганидек, давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди. Ҳар бир фуқаро давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш мумкин (43, 44-моддалар).

Кодекс 302-моддасининг мазмуни фуқароларнинг конституциявий талабларига жавоб беради ва ҳуқуқ ҳамда эркинликларини кафолатлайди.

2. Қонунга хилоф равишда маъмурий жавобгарликка тортилганлик натижасида етказилган зарар Ўзбекистон Республикаси қонунларида, ушбу Кодекс ва фуқаровий процессуал қонунларда белгиланган тартибда қопланади.

Зарар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиққан органнинг (мансабдор шахснинг) айбидан қатъи назар, давлат томонидан тўлиқ ҳажмда тўланади.

Башарти жабрланувчининг ўзи зарар келтиришда ҳамкорлик қилган бўлса, жабрланувчининг айбдорлик даражасига нисбатан (зарар келтирувчининг

айби бўлганда — унинг айбдорлик даражасига нисбатан) зарарни қоплаш ҳажми, агар у қонунда назарда тутилмаган бўлса, камайтирилган бўлиши лозим ёхуд зарарни қоплаш рад этилиши керак.

3. 302-модданинг 2-қисми белгилашича, зарарни қоплаш ҳуқуқи маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш тугатилган тақдирдагина вужудга келади.

4. 302-модданинг 3-қисмига мувофиқ, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган мансабдор шахс фуқарога бузилган ҳуқуқларини тиклаш тартибини тушунтириб бериши ва етказилган зарарни қоплаш чораларини кўриши шарт.

XXIII боб МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

303-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга тайёрланиш

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга тайёрлаш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс):

1) мазкур ишни кўриб чиқиш ўзининг ваколат доирасига кириш-кирмаслиги;

2) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар тўғри тузилган-тузилмаганлиги;

3) ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахслар уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинган-қилинмаганлиги;

4) зарур қўшимча материаллар сўраб олинган-олинмаганли

5) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс, жабрланувчи, қонуний вакиллар, адвокат қилган илтимослар тўғрисидаги масалаларни ҳал этади.

1. Кодекснинг 303-моддасида кўрсатилган барча масалаларни ҳал этиш маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган коллегиал орган учун ҳам, мансабдор шахс учун ҳам мажбурий ҳисобланади.

2. Орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга тайёрланишда, энг аввало, бу иш унинг соҳасига кириш-кирмаслик масаласини ҳал этмоғи лозим. Бу маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг унга тегишлисини белгилашнинг қонунда назарда тутилган қоидаларидан келиб чиқиб ҳал этилади. Кодекснинг 245-268-моддалари, ҳуқуқбузарликнинг тегишли турлари учун жавобгарликни назарда тутувчи Кодекснинг алоҳида қисми кўрсатмалари билан маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳар бир органнинг амалий ҳуқуқи доирасини белгилайди. Агар орган (мансабдор шахс) келтирилган иш унинг ҳуқуқ доирасига кириши аниқланса, ўзи иш юритиш учун қабул қилади. Агар иш унинг ҳуқуқ доирасига кирмаса, у иш материалларини бўйсинишдаги идораларга йўллайди.

Қонун маъмурий ҳуқуқбузарликнинг айрим турлари бўйича ишларни қўш-қарамоқлик аталмиш икки органга (мансабдор шахсларга) кўриб чиқиш ҳуқуқини берган. Бундай ҳолларда иш, одатда, у келиб тушган орган (мансабдор шахс)да кўриб чиқилади. Масалан, аввал ички ишлар органларининг бошлиқлари кўриб чиққан майда безорилик ҳақидаги иш агар улар солишга ҳуқуқи бўлган жарима айбдорга нисбатан етарли жазо чораси эмаслиги тан олинса, у кейинчалик судга йўлланади.

3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома иш кўриб чиқиладиган асосий процессуал ҳужжат ҳисобланади. Орган (мансабдор шахс) баённоманинг тўғрилиги масаласини ҳал этишда орган (мансабдор шахс) ваколати билан баённома тузилганми, унинг мазмунига мос қонун талабларига риоя этилганми, ишни ҳал этиш учун аҳамиятга молик барча фактлар тўла баён этилганми — ҳаммасини текшириб чиқиши лозим. Қонун талаблари ва ишга оид бошқа материалларининг мувофиқлиги текшириб чиқилади.

Ишнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама тўлиқ, холис аниқлашга тўсқинлик қиладиган ҳуқуқбузарлик амалга оширилганда баённома уни тузган томонга юборилиши лозим. Бунда уни тузишда қандай камчиликларга йўл қўйилганлиги, баённомада ҳуқуқбузарлик содир этишнинг қандай ҳолатлари борлиги ва ҳуқуқбузарнинг шахсияти ҳақидаги маълумотлар ўз ифодасини топганлиги кўрсатилиши зарур,

4. Орган (мансабдор шахс) ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахслар иш ўтказиладиган вақт ва манзил ҳақида огоҳлантирилганлигига ишонч ҳосил қилишлари лозим. Бунда шуни назарда тутиш керакки, ишнинг айрим тоифаси бўйича қонунга мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг иш кўриб чиқилаётганда қатнашиши мажбурий ҳисобланади. Ички ишлар органлари ёки маъмурий ишлар бўйича судьялар чақириғига асосан келишдан бўйин товлаганларга нисбатан ички ишлар органлари мажбурий келтириш чорасини қўллайдилар.

5. Орган (мансабдор шахс) ишни кўриб чиқиш учун зарур бўлган қўшимча материалларни талаб қилинган-қилинмагани аниқланиши лозим; ишнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва холис аниқлаштириш учун материаллар етарли даражада эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

6. Қонун маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахсга (294-модда), жабрланувчига (295-модда), қонуний вакилларга (296-модда), адвокатга (297-модда) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича илтимоснома юбориш ҳуқуқини беради. Орган (мансабдор шахс) ишни тайёрлаш ва кўриб чиқиш пайтида илтимосномани ҳал этиши — рад қилиши ёки илтимосни қондириши лозим.

304-м о д д а. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш жойи**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш шу ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда кўриб чиқилади.

Ушбу Кодекснинг 113-моддасининг бешинчи қисмида, 119, 125, 126, 127, 128, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, 136, 139, 140-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар транспорт воситалари рўйхатга олинган жойда кўриб чиқилиши ҳам мумкин.

Ушбу Кодекснинг 187-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар шундай ҳуқуқбузарликлар содир этилган жойда ёки ҳуқуқбузарнинг истиқомат жойида кўриб чиқилади.

Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳуқуқбузарнинг истиқомат жойида кўриб чиқадилар.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бошқа жойда кўриб чиқилиши ҳам назарда тутилиши мумкин.

1. 304-моддада умумий қоида белгиланган бўлиб, унга мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш шу ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда кўриб чиқилади.

2. Ушбу модда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни транспорт воситаси ҳисобга олинган жойда ҳам, ҳуқуқбузарнинг истиқомат жойида ҳам кўриб чиқилиши мумкинлигига.йўл қўяди.

Қонун, аввало, йўл ҳаракати қоидаларини, кемаларда юриш қоидалари, кичик ҳажмли кемалардан фойдаланиш ва транспортдан фойдаланиш қоидалари бузилишининг айрим кўринишлари ҳақида ишни кўриб чиқиш мумкинлигига йўл қўяди. Бу Кодекснинг 119, 125, 136, 139, 140-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларга тааллуқлидир. Бу ўринда ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ҳам ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишни кўриб чиқишнинг муқобили сақлаб қолинади. Қонунда бундай ишлар тоифаси қачон ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда, қачон транспорт воситаси ҳисобга олинган жойда кўриб чиқилиши тўғрисида кўрсатма йўқ. Кўриб чиқилаётган қонунбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг кўпчилиги умумий қоидага мувофиқ ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ҳал этилаётгани амалиётдан маълум. Ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ваколатли мансабдор шахс томонидан қарор қабул қилишнинг иложи бўлмаган тақдирда мазкур ишлар транспорт воситаси рўйхатга олинган жойда кўриб чиқилади. Масалан: мансабдор шахс томонидан транспорт воситасини бошқаришга ҳужжати бўлмаган шахсларга транспорт воситасини бошқаришга рухсат берилиши ва ушбу ҳуқуқбузарлик тегишли корхона, муассаса ҳудудидан ташқарида аниқланган бўлса, мазкур усул қўлланади.

3. Шарҳланаётган модда ҳуқуқбузарликнинг айрим турлари учун маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш жойи ҳақидагп масалани муқобил ҳал этишни назарда тутади, яъни ё ҳуқуқбузарлик содир этилган жой ёки ҳуқуқбузарнинг истиқомат жойи бўйича ҳал этилади. Ишни кўриб чиқиш жойини белгилаш Кодекснинг 187-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича аникданган. Истиқомат жойида ишни кўриб чиқишга юбориш содир этилган жойда ҳал этиш қийин

бўлган ёки мақсадга мувофиқ эмас, деб топилган тақдирда (масалан, айбдор ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда йўл-йўлакай бўлганда) амалга оширилади.

4. Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар ишини фақат ҳуқуқбузар истиқомат жойида кўриб чиқадилар. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни бошқа жойда ҳам кўриб чиқиш қонунда назарда тутилган бўлиши мумкин.

305-м о д д а. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш муддатлари**

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш мазкур ишни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар олинган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичида кўриб чиқилади.

Ушбу Кодекснинг 170, 180, 181, 183, 184, 187, 194-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бир сутка мобайнида кўриб чиқилади, ушбу Кодекс 164-моддасининг иккинчи қисмида, 201, 202, 203, 204, 205-моддаларида назарда тутилган ишлар — уч сутка ичида, ушбу Кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган ишлар эса — беш сутка ичида кўриб чиқилади.

1. Ушбу модда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг умумий ва қисқартирилган муддатларини кўзда тутади. Орган (мансабдор шахс) баённома ва иш бўйича бошқа материалларни олгач, иложи борича қисқа муддатда, ишни кўриб чиқишга тайёргарлик Кодекснинг 303-моддасига мувофиқ ўтказилганидан кейин кўриб чиқишга киришиши лозим (шу модданинг шархдарига қаранг).

2. Қонун умумий қоида ўрнатиб, бунга мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш мазкур ишни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан 15 кунлик муддат ичида кўриб чиқилади. Шу вақт мобайнида, агар ушбу ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш учун қисқартирилган муддат ўрнатилмаган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги барча ишлар кўриб чиқилиши лозим.

3. Кодекснинг 305-модда 2-қисми маъмурий ҳуқуқбузарликнинг айрим тоифадаги ишларни кўриб чиқиш учун қисқартирилган муддатнинг уч турини: бир суткалик, икки суткалик ва беш кунлик муддатларни белгилайди. Бир сутка мобайнида Кодекснинг 170, 180-184-моддаларида, 187-модданинг 1, 2, 3-қисмларида, 194-моддада назарда тутилган ишлар кўриб чиқилиши лозим. Уч кун мобайнида 164-модданинг 1-қисмида, 151, 201, 203-моддаларда назарда тутилган ишлар кўриб чиқилади. Беш кунлик муддат Кодекснинг 61-моддасида кўзда тутилган ишлар учун белгиланган.

4. 305-моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш муддати ишни кўриб чиқишга ваколатли орган

(мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишнинг бошқа материалларини олган кундан бошланади.

306-м о д д а. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш тартиби**

Ишни кўриб чиқиш шу ишни кўрувчи органнинг таркибини эълон қилиш ёки мансабдор шахсни таништиришдан бошланади.

Ишни кўриб чиқувчи органнинг мажлисида раислик қилувчи ёки ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс қандай иш кўриб чиқилиши лозимлигини, маъмурий жавобгарликка ким тортилаётганлигини эълон қилади, ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини тушунтиради, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани ўқиб эшиттиради. Мажлисда ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларнинг сўзлари эшитилади, келтирилган далиллар ўрганилади ва тушган илтимослар ҳал этилади. Ишни кўриб чиқишда прокурор қатнашган тақдирда унинг хулосаси ўқиб эшиттирилади.

1. Кодекснинг 306-моддасида назарда тутилган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар моҳиятини кўриб чиқиш учун шароит яратишга даъват этилган. Бундан ташқари, ушбу модда процессуал ҳаракатларни бажариш изчиллигини белгилайди ва бу билан маъмурий-юрисдикция фаолиятини тартибга келтиради.

2. Ишни кўриб чиқиш маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги тортилаётган шахснинг зиммасига қандай айб қўйилганини, қандай далиллар тадқиқ этилиши лозимлигини билиб олишади. Баённома ишнинг барча иштирокчилари эшитиши ва унинг мазмунини англаши учун товуш чиқарилиб, баланд овозда ўқиб чиқилиши керак. Баённома эълон қилиб бўлингач, органда раислик қилувчи ёки мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка ишни кўриб чиқувчи органнинг таркибини эълон қилиш ёки мансабдор шахсни таништиришдан бошланади. Орган мажлисида раислик қилувчи ишни кўриб чиқаётган органнинг номини, раиснинг фамилиясини ва шу орган аъзоларини эълон қилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган мансабдор шахс ўз лавозими, унвони, фамилиясини айтиб, процесс иштирокчиларига ўзини таништиради.

Орган таркибини эълон қилиш ёки мансабдор шахсни таништириш мухим ахамиятга эга чунки шу пайтдан бошлаб улар ва процесснинг бошқа қатнашчилари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар моҳиятини кўриб чиқиш босқичига мансуб бўлган процессуал ҳаракатларни амалга оширишлари мумкин.

3. Иш кўриб чиқиладиган мажлис очилганда орган ёки мансабдор шахс қандай иш кўриб чиқилиши лозимлигини эълон қилади. Шу билан бирга, Кодекснинг махсус қисми моддаси ёки ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи бошқа меъёрий ҳужжатлар айтиб ўтилади. Қонун маъмурий

жавобгарликка тортилаётган шахсни эълон қилишни талаб этади. Орган (мансабдор шахс) жавобгарликка тортилувчининг шахсига ишонч ҳосил қилиши лозим.

4. Шарҳланаётган модда орган (мансабдор шахс) Кодексининг 294-302-моддалари талабларидан келиб чиқиб, ишни кўришда қатнашаётган шахсларга ҳуқуқ ва вазифаларини тушунтириб беришга ундайди (шу моддаларга берилган шарҳларга қаранг).

5. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани эълон қилиш ишни кўриб чиқишнинг муҳим ажралмас қисми ҳисобланади. Ишни кўриб чиқишда иштирок этаётганлар маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахсдан баённома унга тушунарлими, йўқми, зиммасига қандай айб қўйилганини англаяптими-йўқми суриштириши лозим. Башарти, шахс баённомага тушунмаганлигини айтса, у қайси маъмурий ҳуқуқбузарликда айбланаётгани, Кодекс махсус қисмининг қайси моддаси унинг қилмиши учун жавобгарликни назарда тутишини тушунтириб бериш лозим.

6. Одатда процесс қатнашчиларини тинглаш маъмурий жавобгарликка тортилаётганини шахсни у содир этган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари хусусида сўроқ қилишдан бошланади. Унга ўзи зарур деб ҳисоблаган ҳамма нарсани гапиришга имкон бериш керак. Шундан кейингина баённомада ёки ишнинг бошқа материалларидан айтилганларни ёки маълумотларни ойдинлаштиришга киришиши лозим. Кейин ишни кўриб чиқишнинг бошқа иштирокчиларининг сўзлари тингланади.

7. Ишни кўриб чиқиш жараёнида орган (мансабдор шахс) далилларга асосланиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлигини, муайян шахснинг уни содир этишда айбдорлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни (276-модданинг шарҳларига қаранг) аниқлайди. Шу билан бирга, ишни кўриб чиқаётган орган (мансабдор шахс) ўзидаги далилларни тадқиқ этиш билан чекланиб қолмайди, у ўз ташаббуси ёки ишни кўриб чиқиш иштирокчиларининг тавсияси билан қўшимча далиллар (қўшимча гувохдарни чақиртириш ва сўроқ қилиш, қўшимча далилларни талаб қилиб олиш ва текшириш)ни ишга жалб этиш ва текшириш ҳуқуқига эга.

8. Кодекснинг 294-299-моддаларига мувофиқ, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс жабрланувчи, қонуний вакил, адвокат, экспертларга илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Илтимоснома қўшимча далил ва ҳужжатлар талаб этиш экспорт томонидан хулоса бериши учун зарурий материалларни кўрсатиш тўғрисида ва ҳоказо тарзда бўлиши мумкин. Ҳар бир илтимоснома кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши лозим. Ишни кўриб чиқаётган орган (мансабдор шахс) илтимоснома ишни тўғри ва холис кўриб чиқиш учун аҳамиятга эга ёки эга эмаслигидан келиб чиққан ҳолда уни баҳолаши ва ҳал қилиши лозим. Агар улар мана шундай аҳамиятга эга бўлса, илтимоснома қондирилади, башарти аҳамияти бўлмаса, рад этилади. Бу ҳакдаги қарор илтимосномани баён этган шахсга етказилади.

9. Кодекснинг 275-моддасига мувофиқ, прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш чоғида қонунларнинг ижроси устидан назоратни амалга ошириб, ишни кўриб чиқишда қатнашишга ҳақлидир (шарҳларга қаранг). Бундай ҳолларда ишни кўриб чиқиш жараёнида прокурорнинг хулосаси ўқиб эшиттирилади.

307-м о д д а. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс): маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни, мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини, унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўқлигини, мулкий зарар етказилган-етказилмаганлигини, шунингдек, ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шарт.

1. Шарҳданаётган модда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни белгилайди. Шу билан бирга, моддада кўрсатилган ҳолатларни аникдаш маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган орган (мансабдор шахс)нинг вазифаси ҳисобланади.

2. Ҳуқуқбузарлик содир этилмаганлигини аниқлаш иш кўриб чиқилаётганида исбот қилиниши лозим бўлган асосий масала ҳисобланади. Бунинг учун муайян бир воқеа содир бўлганми (майда ўғрилик ва ҳоказолар), содир этилган қилмйш оқибатлари ва бу ҳодиса ҳамда оқибат ўртасидаги алоқа сабабининг мавжудлиги, воқеа ҳолатларининг маъмурий ҳуқуқбузарликнинг муайян таркиби аломатлари билан мослиги аникданиши лозим. Маъмурий жавобгарлик— қилмишнинг оғирлигига мувофиққеладиган ҳаққоний жазо тўғрисидаги қонунни тўғри, қўллаш малакали ихтисосга боғлиқ. Ишни кўриб чиқаётган орган (мансабдор шахс) қилмишнинг далилий ҳолатлари мажмуини баҳолаб, маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибининг қайси аломатлари ҳолатга мувофиққелишини ва Кодекснинг махсус қисмидаги қайси модда ушбу ҳуқуқбузарлик учун жавобгар эканини назарда тутишини белгилайди. Башарти, мазкур шахс ҳаракатида ҳуқуқбузарликларнинг муайян белгилари бўлмаса, иш тўхтатилиши лозим. Агар қилмишда интизомий ножўя ишлар белгиси ёки бошқа ҳуқуқбузарлик мавжуд бўлса, иш материаллари тегишли идорага юборилиши лозим.

3. Орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисасини белгилаб, унинг содир этилиши вақти ва жойини аниқлаши керак. Шундан кейин ишни кўриб чиқувчи ҳуқуқбузарлик содир этилишида мазкур шахс айбдорми-айбдор эмаслигини аниқлаши лозим. Бунинг учун барча иш ҳолатларига баҳо бериш асосида мазкур шахс айнан қандай қонунсиз ҳаракат қилганини, унинг таъсирида қандай зарарли оқибат юзага келганини белгилаш, шунингдек,

мана шу шахсда қасд ёки эҳтиётсизлик мавжуд бўлган-бўлмаганлигини аникдаш зарур.Охирги масала Кодекснинг 11 ва 12-моддалари талабларидан келиб чиқиб ҳал этилиши лозим (шарҳларга қаранг).

Бундан ташқари, ҳуқуқбузарликнинг мақсад ва сабаблари аниқланиши лозим. Ҳуқуқбузарликнинг айрим таркиблари учун сабаб ва мақсад субъектив томондан мажбурий аломат ҳисобланади, транспорт воситаларидан ноқонуний равишда фойдалангани учун ҳуқуқбузарга жавобгарлик қонун асосида белгиланади (141-модда). Агар кўрсатилган мақсад иш материаллари билан исботланмаган бўлса, ушбу ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик мустасно қилинади.

4. Ишни кўриб чиқишда муайян шахс маъмурий жавобгарликка тортилиши лозимми ёки лозим эмасми эканлиги, Кодекснинг 271-моддасида назарда тутилган қилмишда унинг жавобгарлигини истисно этувчи ҳолатлар бор-йўқлиги аниқлаштирилиши лозим (шарҳларга қаранг). Агар бундай ҳолатлар аниқланса, иш тўхтатилиши керак.

5. Қонун маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс)га фақат ҳуқуқбузарликнинг хусусиятини айбдорнинг шахсиятинигина эмас, балки жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳам аникдашни юклайди.

Мавжуд енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларнинг таҳлили қилмишнинг оғирлигини ва айбдор шахсини ҳар томонлама ва тўлароқ баҳолаш, ҳаққоний чора, жазо белгилаш имкониятини беради.

6. Кодекснинг 307-моддасига мувофиқ етказилган мулкий зарар мавжудлиги аникданиши лозим. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқаётган орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарлик ҳажмини ҳам аниқдаши лозим. Ишни ҳал этиш учун, аввало, зарарнинг қийматини баҳолаш муҳимдир (38-модда шарҳларига қаранг). Зарар белгиланган энг кам иш ҳақидан ошмайдиган ҳажмда бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) маъмурий жазони белгилаш билан бирга етказилган мулкий зарарни айбдордан ундириш масаласини ҳам ҳал этишга ҳақлидир. Маъмурий ишлар бўйича судья бу масалани етказилган зарар микдоридан қатъи назар, ҳал қилади (38-модда шарҳларига қаранг). Бошқа ҳолларда орган (мансабдор шахс) жабрланувчига етказилган мулкий зарарни қоплаш фуқаролик ҳуқуқий тартибда ҳал қилинишини тушунтириб бериши лозим.

7. Орган (мансабдор шахс) ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган бошқа ҳолатларни ҳам аниқлаштириши лозим. Бунга: ҳуқуқбузарликг кам аҳамиятли бўлган тақдирда маъмурий жавобгарликдан озод этишнинг мақсадга мувофиқлиги (21-модда); маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилишига кўмаклашувчи сабаб ва шарт-шароитлар (313-модда); олиб қўйилган ашёлар ва ҳужжатлар тақдири (309-модда) ва бошқалар тўғрисидаги масалалар киради.

308-м о д д а. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш баённомаси**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтида тегишли орган баённома юритади. Унда:

1) мажлис бўлган сана ва жой;

2) ишни кўриб чиқувчи органнинг номи ва таркиби;

3) кўрилаётган ишнинг мазмуни;

4) ишда қатнашувчи шахсларнинг ҳозир бўлган-бўлмаганлиги ҳақидаги маълумотлар;

5) ишни кўришда қатнашувчи шахсларнинг тушунтиришлари, уларнинг илтимослари ва бу илтимосларни кўриб чиқиш натижалари;

6) ишни кўриб чиқиш пайтида ўрганилган ҳужжатлар ва ашёвий далиллар;

7) қабул қилинган қарорни ўқиб эшиттириш тўғрисидаги маълумотлар ва қарор устидан шикоят бериш тартиби ва муддатлари тушунтирилганлиги кўрсатилган бўлади.

Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг, жабрланувчининг ва ўзга манфаатдор шахсларнинг илтимосига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиши қандай бораётганлиги ушбу модданинг биринчи қисми талабларига мувофиқ равишда юритилувчи баённомада акс эттирилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш баённомаси тегишинча орган мажлисидаги раислик қилувчи ва котиб томонидан ёки ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс томонидан имзоланади.

1. Қонун маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни агар у орган иш юритишида бўлса, кўриб чиқиш бўйича мажлис баённома тузиш шарт эканлигини назарда тутади. Иш ваколатли мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилаётганда баённома тузилади.

2. Орган мажлисининг баённомада ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш жараёни қайд этилади.

3. Баённомада мажлиснинг сана ва жойининг кўрсатилиши 304 ва 305-моддаларнинг талабларига риоя қилингани ҳақида фикр юритиш имконини беради (шу моддаларнинг шарҳларига қаранг). Ишни кўриб чиқувчи органнинг номи ва таркибини қайд этиш ишни олиб боришга орган ваколатлими-йўқми, иштирок этаётган таркибдаги орган уни ҳал қилишга ҳақлими-йўқми сингарилардан далолат беради. Масалан, 243-моддага мувофиқ, маъмурий комиссиялар ва вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар маъмурий ҳуқуқбузарлар тўғрисидаги ишларни комиссия таркиби аъзоларининг камида ярми бўлганида кўриб чиқишга ҳақлидир.

4. Орган мажлиснинг баённомасида ишнинг мазмуни, у қандай вазиятда содир этилгани, Кодекс Махсус қисмининг қайси моддаси бўйича маъмурий

жавобгарликка тортилаётгани қисқа, тушунарли, аниқ тарзда кўрсатилиши керак.

5. Шарҳланаётган модда ишда қатнашадиган шахснинг келгани ҳақида маълумот баённомада кўрсатилишини талаб этади. Ишни кўриб чиқаётган орган мажлисида ҳуқуқбузарнинг қатнашиши шарт эканлигида бу талаб катта аҳамиятга эга бўлади. Башарти бундай ҳолларда иш ҳуқуқбузарнинг иштирокисиз кўриб чиқилса, иш бўйича қабул килинган қарор қонуний деб тан олинмайди ва у бекор қилиниши лозим.

6. Баённомада ишни кўришда қатнашувчи шахсларнинг тушунтиришлари, уларнинг илтимослари ва уларни кўриб чиқиш натижаларини батафсил баён этиш лозим.

7. Ҳужжат ва ашёвий далиллар, ишни кўриб чиқишда ўрганилиши баённомада ўз аксини топиши лозим. Шунингдек, тегишли ашёвий далиллар (эгасига қайтариб бериш, йўқ қилиб юбориш, мусодара қилиш, ҳақ тўламай бекор қилиш ва шу кабилар) тақдири юзасидан органнинг қарори ҳам баён этилиши муҳимдир.

8. Қабул қилйнган қарорни ўқиб эшиттириш мустақил процессуал ҳаракат ҳисобланади ва у баённомада ўз ифодасини топиши лозим. Иш бўйича чиқарилган қарор устидан шикоят бериш тартиби ва муддатлари ҳам муҳимдир.

9. Орган мажлисининг баённомаси котиб томонидан ёзилади ва у ишни кўриб чиқишни қисқа ва шу билан бирга тўла ифодалашга ҳаракат қилади.

Агар баённома ушбу модда талабларига мувофиқ расмийлаштирилган бўлса, далилий кучга эга бўлади. Баённома раис ва котиб томонидан имзоланади.

309-м о д д а. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор**

Орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, шу иш юзасидан қарор чиқаради.

Қарорда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак: қарор чиқарган органнинг (мансабдор шахснинг) номи; иш кўриб чиқилган сана; иши кўриб чиқилаётган шахс хусусидаги маълумотлар; ишни кўриб чиқиш пайтида аниқланган ҳолатларнинг баёни; мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат; иш юзасидан қабул қилинган қарор.

Башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ушбу Кодекснинг 242-моддаси биринчи, иккинчи ва учинчи бандларида кўрсатиб ўтилган органлар (мансабдор шахслар) томонидан маъмурий жазони қўлланиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш пайтида айбдордан етказилган мулкий зарарни ундириб олиш масаласи ҳам ҳал этиладиган бўлса, иш юзасидан чиқарилган қарорда ундириб олиниши лозим бўлган шу зарарнинг миқдори, уни ундириб олиш муддати ва тартиби кўрсатилади.

Иш юзасидан чиқарилган қарорда олиб қўйилган ашёлар ва ҳужжатлар, шунингдек, ушлаб турилган транспорт воситалари тўғрисидаги масала ҳам ҳал этилган бўлиши, лозим.

Қарор мажлисда иштирок этаётган коллегиал орган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор мансабдор шахс томонидан, органнинг қарори мажлисда раислик қилувчи ва котиб томонидан имзоланади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жазо қўлланилганлиги тўғрисида маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги баённомага тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилган иш натижалари тегишли қарор билан расмийлаштирилиши лозим. Иши кўрилаётган шахснинг айбдорлиги ёки айбдор эмаслиги айни шу қарорда кўрсатилади. Агар шахс айбдор ҳисобланса, қарорда тайинланган маъмурий жазо чораси, шикоят қилиш муддатининг ҳисоби ва бошқалар белгилаб қўйилади.
2. Қарор юридик кучга эга. Кодекснинг 325-моддасига мувофиқ, уни барча органлар мулкчиликнинг ҳар қандай шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг бажариши мажбурийдир.
3. Қарор шакли бўйича ҳам, мазмуни бўиича ҳам унинг реквизитлари ва шаклини назарда тутувчи 309-модда талабларига мувофиқ бўлиши керак. Иш бўйича чиқарилган қарорда кўрсатилган ҳамма нарса уни кўриб чиқиш материалларига асосланган бўлиши лозим.

Қарор уни чиқарган органнинг (мансабдор шахснинг) номи, иш кўриб чиқилган сана, иши кўриб чиқилаётган шахс ҳақидаги маълумотларни кўрсатиш билан бошланади, кейин ишни кўриб чиқиш пайтида аниқланган ҳолатларнинг баёни, мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи меъёрий ҳужжат, иш бўйича қабул қилинган қарор ифода этилади.

Агар ишни орган кўриб чиқаётган бўлса, унинг таркиби, раислик қилувчи шахс ва котиб кўрсатилиши зарур.

Мансабдор шахс қарорда ўз фамилиясини, хизмат лавозими ва махсус унвонини кўрсатиши лозим.

Ҳуқуқбузарга нисбатан бериладиган маълумотларда унинг фамилияси, исми, ота исми, туғилган йили, оилавий аҳволи, иш ёки ўқиш жойи, моддий аҳволи ва иш юзасидан ҳал қилувчи аҳамиятга молик бошқа маълумотлар кўрсатилиши зарур. Шунингдек, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳам кўрсатиш керак.

Кейин қарорда ишни кўриб чиқиш чоғида аниқланган ҳолатлар кўрсатилади.

Қилмишни квалификация қилиш ҳақидаги хулоса маъмурий ҳуқуқбузарликнинг ушбу тури учун жавобгарликни назарда тутувчи меъёрий

ҳужжат (модданинг тартиб рақами, унинг қисмини) кўрсатиш йўли билан қарорда қайд этилади.

Орган (мансабдор шахс) иш бўйича чиқарган қарорида ишнинг барча ҳолатларини баҳолаш асосида қайд этади. Бу қарор маъмурий жазо қўлланишга ёки ишни юритишни тугатишга олиб келади (310-модданинг шарҳларига қаранг).

4. Башарти, маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ушбу Кодекснинг биринчи, иккинчи ва учинчи бандларида кўрсатиб ўтилган органлар (мансабдор шахслар) томонидан маъмурий жазони қўлланиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш пайтида айбдордан етказилган мулкий зарарни ундириб олиш масаласи ҳам ҳал этиладиган бўлса, иш бўйича чиқарилган қарорда ундириб олиниши лозим бўлган шу зарарнинг миқдори, уни ундириб олиш муддати ва тартиби кўрсатилади.

5. Қарор мажлисда иштирок этаётганларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади ва раис ҳамда котиб томонидан имзоланади. Агар иш мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилган бўлса, қарорга у имзо чекади.

6. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жазо қўлланилгани тўғрисида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага тегишли ёзув киритилади.

310-м о д д а. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорнинг турлари**

Орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

1) маъмурий жазо қўлланиш тўғрисида;

2) ишни юритишни тугатиш тўғрисида.

Ишни юритишни тутатиш тўғрисидаги қарор оғзаки огоҳлантириш эълон қилинганда, шунингдек, ушбу Кодекснинг 271-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда чиқарилади.

1. Орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича икки қарордан бирини, яъни маъмурии жазо қўлланиш тўғрисида ёки ишни юритишни тўхтатиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишга ҳақли.

Муайян бир маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганликда шахснинг айби иш материаллари билан исбот қилингандан кейингина маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор чиқарилади.

Кодекснинг 30—32-моддалари талабларига мувофиқ (шу моддаларнинг шарҳларига қаранг) қарорда маъмурий жазо чоралари (унинг тури, ҳажми ва муддати) белгиланган бўлиши лозим. Агар Кодекснинг Махсус қисми моддаси асосий жазо билан бир қаторда қўшимча жазони ҳам назарда тутса, қарорда қўшимча жазо ҳам ифодаланиши лозим бўлади.

Жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор орган (мансабдор шахс)нинг ҳуқуқ доирасини акс эттиради, ҳуқуқбузар ва ваколатли органларнинг уни бажариш бўйича ҳуқуқий вазифаларини юзага келтиради, ҳуқуқбузарнинг алоҳида

ҳуқуқий ҳолатига сабаб бўлади (жазога тортилган кундан бошлаб бир йил мобайнида у маъмурий жазога тортилган шахс ҳисобланади).

2. Ишни юритишни тугатиш ҳақидаги қарорни орган (мансабдор шахс) оғзаки, огоҳлантириш эълон қилингандан кейинок, шунингдек, 271-моддада кўзда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда чиқаришга ҳақлидир (шарҳларга қаранг).

Қонуннинг белгилашича, агар ишни кўриб чиқиш пайтида орган (мансабдор шахс) жиноят аломатларини топса, у материалларни прокурорга топширади (278-модданинг шарҳларига қаранг). Бу ҳолатда ишни юритишни тугатиш тўғрисидаги қарорда бундай қарорга келишнинг сабаби кўрсатилган бўлиши лозим.

311-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорни эълон қилиш ва унинг нусхасини бериш

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор ишни кўриб чиқиш тугаши биланоқ дарҳол эълон қилинади.

Қарорнинг нусхаси уч кун ичида устидан шу қарор чиқарилган шахсга, шунингдек, ўзининг илтимосига кўра жабрланувчига топширилади ёки жўнатилади.

Қарорнинг нусхаси тилхат билан берилади, башарти қарорнинг нусхаси жўнатилса, бу ҳақда ишга тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

Ўқотар қуроллар, шунингдек, ўқ-дорилар хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан ишониб топширилган ёки корхона, муассаса, ташкилот томонидан вақтинча фойдаланиш учун берилган шахсларга нисбатан ушбу Кодекснинг 185-моддасида, 220-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорнинг нусхаси маълумот учун тегишли корхона, муассаса ёки ташкилотга, мазкур шахснинг ўқотар қуролдан фойдаланишини тақиқлаш масаласини кўриб чиқиш учун эса ички ишлар органига юборилади.

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чикиш қарор қабул қилиш билан якунланади. Уни органда раислик қилувчи эълон қилади. Эълон қилиш жараён қатнашчилари иштирокида амалга оширилади. Маъмурий жавобгарликка тортилган шахс бўлмаган тақдирда ҳам, башарти Кодекснинг 294-моддасида назарда тутилган шахс ишни кўриб чиқиш йиғилишида иштирок этмаса ҳам қарор эълон қилинаверади.

2. Қарор эълон қилинган пайтдан бошлаб, қарор хусусида шикоят бериш учун белгиланган муддат ҳисоблана бошлайди (316-модда), маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор кучга киради, жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор муддатини кечиктириш даврининг ўтиши бошланади (330-модда).

3. Шарҳланаётган модда қарор нусхасини топшириш ёки жўнатиш тартиби ва муддатини белгилайди. У қарор чиқарилган шахсга ёки

жабрланувчига тилхат олиш билан, уч кун ичида топширилади, божхона қоидаларини бузиш ҳақидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарор нусхасини топшириш тартиби бундан ўзгачадир. Бу ишлар бўйича чиқарилган қарор нусхасини топшириш божхона қонунларида белгиланган тартибда амалга оширилади

4. 185-моддада, 220-модданинг 1, 2-қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича чиқарилган қарор нусхалари тегишли корхона, муассаса ёки ташкилотларга маълумот учун, ички ишлар органларига — ҳуқуқбузарликни содир этган шахснинг ўқотар қуролдан фойдаланишни тақиқлаш масаласини кўриб чиқиш учун юборилади.

312-м о д д а. Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорни корхона, муассаса, ташкилот ва мансабдор шахслар эътиборига етказиш

Ушбу Кодекснинг 61, 131, 140, 183, 187, 233, 237-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарга нисбатан маъмурий жазо қўлланиш ҳақида чиқарилган қарорни шу ҳуқуқбузар ишлаб ёки ўқиб турган жойдаги маъмурият эътиборига етказади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) қабул қилинган қарор тўғрисида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган мансабдор шахснинг эътиборига етказади.

1. 61, 131, 140, 183, 187, 233 ва 237-моддаларда назарда тутилган ҳолатларда мана шу ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарга нисбатан маъмурий жазо қўлланиш ҳақида чиқарган қарор шу ҳуқуқбузар ишлайдиган ёки ўқийдиган жойдаги маъмурият эътиборига етказилиши лозим. Шу билан бирга, бу ҳақда ҳуқуқбузарнинг эътиборига етказилади.

2. Маъмурий жазони қўллаш ҳақидаги маълумотни маъмурият эътиборига қандай шаклда ҳавола этиш Кодексда белгиланмайди. Маъмурий жазо қўлланиш ҳақидаги қарорнинг нусхаси ёки шундай санкция қўлланилгани ҳақидаги хабар махсус бланкага ёзиб жўнатилиши мумкин.

313-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома

Ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни аниқлаганда бу сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилиш юзасидан чоралар кўриш тўғрисидаги тақдимномани тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига киритади. Раҳбар тақдимнома

келиб тушган кундан бошлаб бир ой ичида уни киритган органга (мансабдор шахсга) кўрилган чоралар ҳақида маълум қилиши шарт.

1. Маъмурий судлов ишлари фақат аввал содир бўлган ҳодисаларни кўриб чиқиш билан чекланмай, балки қонуннинг бузилиши олдини олишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Маъмурий жазо қўлланиш мақсадларидан бири ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишнинг олдини олишдир (22-модда шарҳларига қаранг), ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш — маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш вазифаларидан биридир (269-модда шарҳларига қаранг). Шарҳланаётган модда ишни кўриб чиқаётган орган (мансабдор шахс)га ҳуқуқбузарликнинг содир этилиш еабаб ва шарт-шароитларини аниклаш вазифасини юклайди.

2. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларини аникдаган орган (мансабдор шахс) ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбир кўриш юзасидан тегишли корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарларига тақдимнома киритади. Тақдимномада маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш учун айнан қайси ҳолатлар қулай шарт-шароитлар яратиб берганлигини кўрсатиш зарур. Бунда ишни кўриб чиқаётган орган (мансабдор шахс) корхона, муассаса, ташкилот ёки мансабдор шахсларнинг оператив фаолиятига бевосита аралашишга ҳаққи йўқ. Шу билан. бирга, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этишга йўл очувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақидаги тақдимнома бу ташкилотлар, мансабдор шахсларга ушбу тақдимномани кўриб чиқиш вазифасини юклайди.

3. Қонунга мувофиқ раҳбарлар тақдимнома келиб тушган кундан бошлаб бир ой муддатда уни киритган орган (мансабдор шахс)га кўрилган чоралар ҳақида маълум қилиши шарт.

XXIV боб. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШ ЮЗАСИДАН ЧИҚАРИЛГАН ҚАРОР ХУСУСИДА ШИКОЯТ БЕРИШ ВА ПРОТЕСТ БИЛДИРИШ

314-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш ҳуқуқи

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида устидан шу қарор чиқарилган шахс, жабрланувчи, шунингдек, уларнинг қонуний вакиллари ва адвокат томонидан шикоят берилиши мумкин.

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш ҳуқуқи фуқароларнинг бузилган ҳуқуқи ва ҳимоя қилинадиган манфаатларини тиклаш имконини, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга ваколатли органлар фаолиятидаги камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш воситаларини, давлат аппарати

фаолиятининг бирор шаклида фуқаролар иштирокини давлат томонидан кафолатланишини ифодалайди (Конституциянинг 35моддаси).

Устидан қарор чиқарилган шахс, шунингдек, жабрланувчи, уларнинг қонуний вакиллари ва адвокат уни чиқарган исталган орган устидан шикоят бериши мумкин.

Шикоят бериш ҳуқуқидан фойдаланиш ана шундай ҳуқуқ берилган шахсларнинг ихтиёрига боғлиқ, улар бундай ҳуқуқдан фойдаланишлари ёхуд ундан воз кечишлари ҳам мумкин.

2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида белгиланган муддат ичида шикоят берилиши мумкин (316-модда), ана шу муддатда у маъмурий жазо кўлланиш тўғрисидаги қарорнинг ижросини тўхтатиб туради (318-модда).

3. Шикоят фақат ёзма шаклда берилиши мумкин ва у белгиланган муддатда ваколатли органлар томонидан кўриб чиқилиши лозим, кўриб чиқилган иш натижалари шикоят берган шахсга етказилиши керак (319-модда, 321-модданинг 3-қисми).

315-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш тартиби

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) ёки маъмурий ишлар бўйича туман (шаҳар) судьясига, судьянинг маъмурий ишлар бўиича қарори устидан эса — туман (шаҳар) суди раисига ёки юқори турувчи судга шикоят берилиши мумкин. Хўжалик судининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодексида белгиланган тартибда шикоят қилинади.

Шикоят маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор қабул қилган орган (мансабдор шахс) орқали ёки бевосита шикоят йўлланган судга юборилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор чиқарган орган (мансабдор шахс) шикоятни олгач, уни уч сутка ичида иш билан бирга ушбу моддага мувофиқ шикоятни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган органга (мансабдор шахсга) юборади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят берган шахс давлат божи тўлашдан озод этилади.

1. Кодекснинг 315-моддаси биринчи қисми маъмурий ишлар бўйича судьялар чиқарган қарор хусусида туман (шаҳар) суди раисига ёхуд Олий судга, бошқа орган (мансабдор шахс) қарори устидан юқори турувчи орган (мансабдор шахс)га ёки маъмурий ишлар бўйича туман (шаҳар) судьясига шикоят берилиши ҳақидаги қоида белгиланган.

2.Кодекснинг 315-моддаси иккинчи қисми шикоят бериладиган жойни аниқ белгилаб беради. Шикоят маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш

юзасидан қарор қабул қилган орган (мансабдор шахс) орқали ёки бевосита шикоят йўллаган судга юборилади.

Шикоятни олган орган (мансабдор шахс) уни уч кун ичида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш билан бирга ушбу моддага мувофиқ шикоятни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган органга (мансабдор шахсга) юборади.

3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят берган шахс давлат божи тўлашдан озод этилади (315-модданинг IV қисми).

316-м о д д а. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш муддати**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шу қарорнинг нусхасини олган кундан бошлаб ўн кун ичида шикоят берилиши мумкин. Мазкур муддат узрли сабаблар билан ўтказилиб юборилган тақдирда, бу муддат шикоятни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан қайта тикланиши мумкин.

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят қилиш учун белгиланган ўн кунлик муддат манфаатдор шахсларга давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний қарорлари бўйича шикоят қилишнинг реал имкониятини бериш мақсадини кўзлайди.

2. Амалдаги меъёрларга мувофиқ, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят қилиш муддати қарор нусхаси олинган кундан бошланади.

3. Шикоятнома бериш учун белгиланган муддатга риоя этиш: почта квитанцияси ёки тамға босилган почта конверти; қайд этиш журнали маълумотлари; шикоятномани, бошқа ишончли маълумотларни қабул қилиб олган шахснинг тилхати билан тасдиқланиши мумкин. Муддат шикоят қилиш учун берилган охирги ўнинчи куни иш вақти тамом бўлгач, тугайди. Агар муддатнинг охири, ишланмайдиган кунга тўғри келса, ундан кейинги берилган иш куни муддатнинг сўнгги куни ҳисобланади. Агар шикоят почтага муддат тугагунча топширилган бўлса, муддат ўтказиб юборилган ҳисобланмайди.

4. Қонунларда узрли сабаблар билан ўтказиб юборилган муддатни тиклаш имконияти назарда тутилган. Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза ўзига нисбатан қарор чиқарилган шахс, шунингдек, бошқа шахслар томонидан шикоятни кўриб чиқишга ваколатли судга (296, 297-моддалар) берилади. Муддатни ўтказиб юборишнинг узрли сабаблари тўғрисидаги масала ҳар бир конкрет ҳолда шахсан кўриб чиқилади. Муддатни ўтказиб юборишнинг узрли сабаблари, масалан, касалланиб қолиш, хизмат сафарига бориш ва манфаатдор шахсга муддатида шикоят қилишга халақит берувчи бошқа ҳолатлар бўлиши мумкин. Ўтказиб

юборилган муддатнинг тиклангани ҳақида ва бу рад этилгани тўғрисида илти-моснома берган шахсга етказилади.

317-м о д д а. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида протест билдириш**

Прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан:

1) туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўнича судьяси қарори устидан — туман (шаҳар) суди раисига ёки юқори турувчи судга;

2) бошқа орган (мансабдор шахс) қарори устидан — қарор чиқарган органга (мансабдор шахсга) протест билдириши мумкин.

Хўжалик судининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодексида белгиланган тартибда протест келтирилади.

1. Конституцияга мувофиқ, мамлакатда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат қилиш Бош прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорлар зиммасига юклатилган.
2. Прокурор фаолиятининг йўналишларидан бири давлат бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар қонунларни ижро этишлари устидан назоратни амалга оширишдан иборат («Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, (1993 йил, 1-сон, 29-модда).
3. Прокурор умумий назоратни амалга ошира бориб, ўз ваколати доирасида тегишли органлар (мансабдор шахслар) маъмурий ҳуқуқбузарлик учун таъсир чоралари қўлланишининг қонунийлигини текширади.
4. Органлар (мансабдор шахслар) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича қонунга зид қарор қабул қилса, прокурор уларга эътироз билдиради.
5. Прокурор қарорга протестни ана шу қарорни чиқарган органга ёки юқори идорага топширади, мансабдор шахснинг ноқонуний қарорига нисбатан ҳам худди шу тартибда протест топширади.
6. Прокурорнинг протести у топширилган вақтдан бошлаб кўпи билан ўн кунлик муддат ичида тегишли орган (мансабдор шахс) томонидан қараб чиқилиши шарт. Протестни қараб чиқиш натижалари тўғрисида прокурорга дарҳол маълум қилинади («Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддаси).

318-м о д д а. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор ижросини тўхтатиб туриш**

Белгиланган муддатда шикоят бериш маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорнинг ижросини шикоят кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб туради, маъмурий қамоқ жазоси қўлланиш тўғрисидаги қарор

ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ундириб олинадиган жарима солиш ҳоллари бундан мустаснодир.

Прокурорнинг протест билдириши маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қабул қилинган қарор ижросини протест кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб турарди.

1. Белгиланган муддатда шикоят бериш маъмурий жазони қўлланиш тўғрисидаги қарор ижросини шикоят кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб туради; Маъмурий қамоқ жазоси қўлланиш тўғрисидаги қарор ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ундириб олинадиган жарима солиш ҳоллари бундан мустаснодир.
2. Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорни бажариш (шикоят қаноатлантирилмаган тақдирда) шикоятни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) қарор чиқарган пайтдан бошлаб бунга ваколатли орган томонидан амалга оширилади.
3. Прокурорнинг протест билдириши маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қабул қилинган қарор ижросини протест кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб туради.
4. Протестни кўриб чиқиш натижалари прокурорга маълум қилинади.

319-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестни кўриб чиқиш

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестни ваколатли органлар (мансабдор шахслар) шикоят ва протест тушган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида кўриб чиқадилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестни кўриб чиқиш пайтида орган (мансабдор шахс) чиқарилган қарорнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширади.

1. Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор бўйича шикоят ва протестни қараб чиқишнинг кўрсатилган ўн кунлик муддати жавобгарликка тортилган шахсни тезда жазолаш ёки окдашни кафолатлаш учун маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни оператив ҳал этишни, шикоят ва протестларни ваколатли орган (мансабдор шахс) тезда кўриб чиқишини таъминлаш мақсадида ўрнатилган.
2. Ўн кунлик муддатни ҳисоблаш шикоят ва протест уларни кўриб чиқишга ваколатли органда қайд этилган кундан бошланади. Бу, масалан, шикоят кўриб чиқиш ва ҳал этишга ваколатли бўлмаган орган (мансабдор шахс)га топширилган ва у ваколатли органга жўнатган ҳолатга ҳам тааллуқлидир. Шикоят ёки протестни кўриб чиқиш муддатининг тугаши шу хусусда қарор чиқарилган кундан бошланади.

3. Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор бўйича берилган шикоят ёки билдирилган протестни кўриб чиқишнинг бошқа муддатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари томонидан маъмурий ножўя ишнинг муайян тоифаси бўйича белгиланиши мумкин.

4. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестни кўриб чиқиш пайтида орган (мансабдор шахс) чиқарилган қарорнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширади.

320-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестни кассация инстанцияси судида кўриб чиқиш

Маъмурий ишлар бўйича судьянинг қарори юзасидан берилган шикоят ёки протест бўйича кассация инстанцияси судида иш юритиш тартиби мазкур моддада кўзда тутилган истиснолардан ташқари, ушбу боб қоидалари билан белгиланади.

Маъмурий ишлар бўйича судьянинг қарори юзасидан берилган шикоят ёки билдирилган протест бўиича иш кассация инстанцияси судьяси томонидан суд раиси топшириғига биноан кўриб чиқилади.

Кассация инстанцияси суди судьяси маъмурий ишлар бўиича судьянинг қарори юзасидан берилган шикоят ёки билдирилган протест бўйича қарор шаклидаги ҳал қилув қарори чиқаради ва у чиқарилган вақтдан бошлаб кучга киради.

1. Маъмурий ишлар бўйича судьянинг қарори бўйича берилган шикоят ёки протест юзасидан кассация инстанцияси суди (вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари)да иш юритиш тартиби мазкур моддада кўзда тутилган истиснолардан ташқари, Кодекснинг XXIV боби қоидалари билан белгиланган.

2. Маъмурий ишлар бўиича туман (шаҳар) судьяларининг қарори хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протест юзасидан иш кассация инстанцияси судьяси томонидан суд раиси топшириғига биноан кўриб чиқилади.

3. Кассация инстанцияси суди судьяси маъмурий ишлар бўйича судьянинг қарори хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протест бўйича қарор шаклидаги ҳал қилув қарори чиқаради ва у чиқарилган вақтдан бошлаб кучга киради.

4. Маъмурий ишлар бўйича судьянинг қарорига шикоят ёки протест Ўзбекистон Республикаси Олий судига тушган тақдирда бу ҳақда иш юритиш Кодекснинг 320-моддасида белгиланган қоида бўйича амалга оширилади.

321-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестни кўриб чиқувчи органнинг (мансабдор шахснинг) ҳал қилув қарори

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестни кўриб чиқиш пайтида орган (мансабдор шахс) қуйидаги ҳал қилув қарорларидан бирини қабул қилади:

1) чиқарилган қарорни ўзгаришсиз, шикоят ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдиради;

2) чиқарилган қарорни бекор қилади ва ишни қайта кўриб чиқиш учун юборади;

3) жазо чорасини кучайтирмаган ҳолда уни маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисидаги норматив ҳужжатда назарда тутилган доирада ўзгартиради.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун: орган (мансабдор шахс) томонидан иш тўлиқ бўлмаган ҳолда ёки бир томонлама кўриб чиқилиши; орган (мансабдор шахс) ҳал қилув қарорининг ва ушбу Кодекс Махсус қисмининг қўлланилган нормалари ва маъмурий жавобгарлик назарда тутилган бошқа норматив ҳужжатлар ишнинг фактик ҳолатларига мос келмаслиги; маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш қоидаларининг жиддий бузилиши; қўлланилган маъмурий жазонинг адолатсизлиги асос бўлиб ҳисобланади.

Мазкур ишни кўриб чиқишга ваколати бўлмаган орган (мансабдор шахс) томонидан чиқарилган қарор бекор қилинади, иш эса ваколатли органга (мансабдор шахсга) кўриб чиқиш учун юборилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор юзасидан берилган шккоят ёки билдирилган протест бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорида: у чиқарилган вақт ва жой; шикоят ёки протестни кўриб чиқаётган мансабдор шахс; прокурор ва бошқа иштирок этаётган шахслар; шикоят берган шахс ёки протест билдирган прокурор; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўиича чиқарилган шикоят берилган ёки протест билдирилган қарорнинг ҳамда шикоят, протестнинг моҳияти; чиқарилаётган қарорнинг асосланиши; шикоят ёки протест юзасидан қарор кўрсатилиши лозим.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестга доир ҳал қилув қарорининг нусхаси ўзи ҳақида ана шу қарор чиқарилган шахсга уч кун муддат ичида юборилади, жабрланувчига эса — унинг илтимосига биноан юборилади. Протестни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида прокурорга маълум қилинади.

1. Шикоят ва мурожаатни кўриб чиқаётган орган (мансабдор шахс) содир этилган ҳуқуқбузарликнинг барча ҳолатларини текшириш ва иш юзасидан чиқарилган қарор асосли, қонунга мос эканлигига ишонч ҳосил қилиб, уни ўзгаришсиз қолдиради, шикоят ёки протестни қаноатлантирмайди.

2. Агар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган қарор мазкур модданинг 2-қисмида кўрсатилган асосарсиз бўлса, шикоят ёки протестни кўриб чиқаётган орган (мансабдор шахс) уни бекор қилади ва иш қайтадан кўриб чиқиш учун юборилади.

3. Мазкур ишни кўриб чиқишга ваколатли бўлмаган орган (мансабдор шахс) томонидан чиқарилган қарор бекор қилинади, иш эса ваколатли орган (мансабдор шахс)га кўриб чиқиш учун юборилади.

4. Агар шикоят ёки протестни ҳал этишда айбнинг оғирлиги ва уни содир этган шахс хусусида чиқарилган қарор бўйича белгиланган жазонинг номувофиқлиги кўзга ташланса, шикоят ёки протестни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) жазо чорасини маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисида меъёрий ҳужжатда кўзда тутилган доирада жазо чорасини ўзгартиришга ҳаққи бор. Бироқ, бунда жазо кучайтирилмаслиги лозим.

5. Орган (мансабдор шахс) Кодекснинг 271-моддасида кўзда тутилган ҳолатларда қарорни бекор қилади ёки ишни тўхтатади.

6. Шикоят ёки протест бўйича чиқарилган қарорда ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган маълумотлар кўрсатилган бўлиши лозим.

7. Шикоят ёки протест бўйича чиқарилган қарорнинг бир нусхаси ўзи ҳақида ана шу қарор чиқарилган шахсга уч кун муддат ичида, жабрланувчига эса унинг илтимосига биноан юборилади. Протестни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида прокурорга маълум қилинади.

322-м о д д а. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорни қайта кўриб чиқувчи органнинг (мансабдор шахснинг) ваколатлари**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан орган (мансабдор шахс) чиқарган қарор юқори турувчи орган раҳбари, прокурорнинг протести бўйича эса уни чиқарган орган томонидан ҳам ушбу Кодекснинг 321-моддасида иккинчи ва учинчи қисмларида белгиланган асослар бўйича бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

1. Ушбу модда билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича бошқа орган (мансабдор шахс) чиқарган қарорни бекор қилиш ёки ўзгартиришнинг алоҳида тартиби ўрнатилган.

2. Амалда бу тартиб айрим ишларни ҳал этишда муайян қийинчиликларни юзага келтиради ва бир қатор ҳолларда асосланмаган қарорлар чиқаришга олиб келади. Айниқса, бу маъмурий қилмиш билан жиноятни чегаралаш масалаларига тааллуқлидир. Ҳуқуқбузарнинг шахсиятини баҳолашда ҳам хатога йўл қўйилмоқда.

3. Кодекснниг 322-моддасида ўрнатилган қоидага мувофиқ, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан орган (мансабдор шахс) чиқарган қарор юқори орган раҳбари, прокурор билан келишган ҳолда эса қарор чиқарган орган томонидан бекор қилинади ёки унга тузатиш киритилади.

323-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорига протест билдириш

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан берилган шикоят юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорига прокурор протест билдириши мумкин.

Шикоят юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорига протест мазкур қарорни чиқарган органдан (мансабдор шахсдан) юқори турувчи органга киритилади.

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят юзасидан чиқарилган қарорга уни чиқарган органдан қатъи назар, протест билдирилиши мумкин.
2. Шикоят бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш хусусида чиқарилган қарорга протест фақат шикоят юзасидан қарор чиқарган орган (мансабдор шахс)дан юқори турувчи орган (мансабдор шахс)га киритилади.
3. Қарор бўйича шикоят қилиш хусусида ноқонуний ва асоссиз чиқарилган қарорга протест билдириш прокурорнинг нафақат ҳуқуқи, балки бурчидир.
4. Прокурорнинг протести фақат ёзма шаклда берилади ва прокурорнинг лавозими ҳамда мансаб унвони кўрсатилиб, имзо чекилади.

324-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўришни тугатиш билан қарорни бекор қилиш оқибатлари

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўришни тугатиш билан қарорни бекор қилиш ундириб олинган пул суммаларини, ҳақи тўлаб олиб қўйилган ва мусодара қилинган нарсаларни қайтариб беришга, шунингдек, илгари қабул қилинган қарор билан боғлиқ бошқа чеклашларни бекор қилишга сабаб бўлади. Нарсани қайтариб бериш мумкин бўлмаган ҳолларда унинг қиймати, башарти бу нарсалар тадбиркорлик учун мўлжалланган бўлса, бой берилган фойдаси ҳам қопланади.

Фуқарони маъмурий қамоққа олиш ғайриқонуний равишда қўлланилганлиги натижасида етказилган зарар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

1. Тегишли орган ва мансабдор шахс мазкур моддадан фойдаланиш чоғида ноқонуний қарор оқибатида келтирилган зарарни чеклашларни бекор қилиш

билан тўла миқдорда қопланиши лозим. Зарарни, масалан, ғайриқонуний қамоққа олиниш оқибатида келтирилган зарарни тўла қоплашнинг иложи бўлмаса, уни фуқаро учун қулай шаклда товон пули тўлашга ҳаракат қилиш лозим.

2.Мавжуд ҳолатда мулкий зарарни қоплаш билан бирга, ошкора кечирим сўраш ва у ёки бу шахсни маъмурий жавобгарликка қониқарсиз равишда тортиш факти ҳақда ва ундан маъмурий жазо олиб ташлаш кабилар хусусида оммавий ахборот воситалари орқали хабар беришдан фойдаланиш мумкин. Фуқароларга ғайриқонуний равишда маъмурий жавобгарликка тортиб, етказилган зарарни қоплаш тартиби ҳақида Кодекснинг 302-моддаси шарҳида батафсил берилган.

Б Е Ш И Н Ч И Б Ў Л И М

МАЪМУРИЙ ЖАЗО ҚЎЛЛАНИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ

XXV *боб*. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

325-м о д д а. Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор ижросининг мажбурийлиги

Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорни корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар ижро этиши мажбурийдир.

1. 325-моддада маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорни корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар ижро этиши мажбурийлиги таъкидланади. Бу, Кодекснинг 245-268-моддаларида кўрсатиб ўтилган орган (мансабдор шахс)лардан бири ўз ҳуқуқ доирасида, шунингдек, қонун талабларига риоя этилган ҳолда чиқарган қарор тўлалигича бажарилиши шарт демакдир. 329-моддада кўзда тутилган ҳолат ва фақат бу қарорни чиқарган орган (мансабдор шахс)дан бошқа ҳеч кимнинг уни бажарилишини бекор қилишга ёки тўхтатишга ҳаққи йўқ.

326-м о д д а. Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорни ижро этишга қаратиш

Маъмурийжазо қўлланиш тўғрисидаги қарор, башарти ушбу Кодексда ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида ўзгача қоида белгиланмаган бўлса, чиқарилган пайтдан бошлаб ижро этилиши лозим.

Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорга шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда бу қарор берилган шикоят ёки

билдирилган протест қаноатлантиришсиз қолдирилгандан кейин ижро этилиши керак. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида ундириб олинадиган жарима солиш тўғрисидаги қарор бундан мустаснодир.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор уни ихтиёрий равишда бажариш ушбу Кодекснинг 332-моддаси биринчи қисмида белгилаб қўиилган муддати ўтиб кетганидан кейин мажбурий равишда ижро этилади.

Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор уни чиқарган орган (мансабдо шахс) томонидан ижро этишга қаратилади.

1. 326-модданниг 1-қисми ўрнатиладиган умумий қоидага мувофиқ, маъмурий жазога тортиш тўғрисидаги қарорни бажариш шу қарор чиқарилган пайтдан бошланади. Бу қоида шикоят қилинмаган ёки протест билдирилмаган қарорларга, шунингдек, жойнинг ўзида ундириладиган жазонинг жарима кўринишидаги чорани қўлланиш хусусидаги қарорга тақлид қилинади.

2. 326-модданниг 2-қисми, агар қарорга шикоят билдирилган ёки протест билдирилган тақдирда бу қарор берилган шикоят ва билдирилган протест қаноатлантиришсиз қолдирилгандан кейин ижро этилишини, жойнинг ўзида ундириб олинадиган жарима кўринишидаги жазо чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор бундан мустаснолигини кўзда тутади.

3. Жарима солиш тўғрисидаги қарор уни ихтиёрий равишда бажаришнинг 332-модда 1-қисмида белгилаб қўйилган муддати ўтиб кетганидан кейин мажбурий равишда ижро этилади.

4. Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор одатда уни чиқарган орган (мансабдор шахс) томонидан ижро этишга қаратилади. Маъмурий ишлар бўйича судьянинг транспорт воситаларни бошқаришдан махрум этиш тўғрисидаги қарорини бажариши эса ички ишлар органларининг бунга ваколатли бўлган мансабдор шахс томонидан амалга оширилади.

327-м о д д а. **Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш**

Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор ушбу Кодексда ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органлар (мансабдор шахслар) томонидан ижро этилади.

Бир шахсга нисбатан маъмурий жазо қўлланиш тўғрисида бир неча қарор чиқарилган ҳолларда уларнинг ҳар бири мустақил равишда ижро этилади.

1. Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорни бажариш тартиби жазо турига боғлиқ. Маъмурий жазони бажариш тартиби ушбу Кодексда (332—348-моддаларнинг шарҳларига қаранг) ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартйбда ваколатли органлар (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 1993 йил 28 декабрдаги «Суд қарорларини

бажаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғига қаранг) томонидан ижро этилади.

2. Бир шахсга нисбатан маъмурий жазо қўлланиш ҳақида икки ва ундан ортиқ қарор чиқарилган ҳолларда уларнинг ҳар бири Кодекс жазонинг бу кўриниши учун белгиланган қоида бўйича ижро этилади.

328-м о д д а. **Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорнинг ижросини кечиктириш**

Маъмурий қамоққа олиш ёки жарима солиш (жойнинг ўзида ундириб олинадиган жарима солиш бундан мустасно) тарзида маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорни дарҳол ижро этишга имкон бермайдиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, шу қарорни чиқарган орган (мансабдор шахс) унинг ижросини бир ойгача муддатга кечиктириши мумкин.

1. Қамоққа олиш ёки жарима солиш (жойнинг ўзида ундириб олинадиган жарима солиш бундан мустасно) тарзида маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорни дарҳол ижро этишга имкон бермайдиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, шу қарорни чиқарган орган (мансабдор шахс) унинг ижросини бир ойгача муддатга кечиктириш ҳуқуқига эга.

2. Ўзига нисбатан қарор чиқарилган шахснинг аризаси бўйича ёхуд зиммасига уни бажариш юклатилган мансабдор шахснинг илтимоси билан иш кечиктирилади. Фақат қарор чиқарган орган (мансабдор шахс)га кечиктириш имконияти бой берилади.

329-м о д д а. **Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорнинг ижросини тугатиш**

Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисида қарор чиқарган орган (мансабдор шахс) қуйидаги ҳолларда унинг ижросини тугатади:

1) амнистия акти эълон қилиниб, у маъмурий жазо чорасини қўлланишни йўқ қилса;

2) маъмурий жавобгарликни белгиловчи норматив ҳужжат бекор қилинган бўлса;

3) устидан қарор чиқарилган шахс вафот этган бўлса.

1. Мазкур моддада асосларнинг мукаммал рўйхати келтирилган бўлиб, улардан биттаси ҳам мавжуд бўлса, маъмурий жазо қўлланиш тўғрисида қарор чиқарилган орган (мансабдор шахс) ижроиявий иш юритишни тўхтатади.

2. Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор ижросини тўхтатиш масаласини қўйган орган (мансабдор шахс) тегишли қарор қабул қилади. Унда бошқа зарур маълумотлар билан бирга, албатта, тўхтатишнинг асоси кўрсатилиши лозим. Қарор маъмурий жавобгарликка тортилган шахс, зарур ҳоларда бу қарорни ижро этувчи орган (мансабдор шахс) ҳамда бошқа шахслар эътиборига етказилади.

330-м о д д а. **Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор ижросининг муҳлати**

Башарти маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб уч ой давомида ижро этишга қаратилмаган бўлса, у ҳолда бундай қарор ижро этилмайди. Ушбу Кодекснинг 318-моддасига мувофиқ, қарорнинг ижроси тўхтатиб турилган тақдирда, кучини йўқотиш муддатининг кечиши шикоят ёки протест кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб қўйилади. Ушбу Кодекснинг 328-моддасига мувофиқ, қарорнинг ижроси кечиктирилган тақдирда, кучини йўқотиш муддатининг кечиши муддатини кечиктириш даври ўтгунга қадар тўхтатиб қўйилади.

1. Қарорнинг ушбу моддасида агар маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб уч ой давомида ижро этишга қаратилмаган бўлса, у ҳолда бундай қарор ижро этилмаслиги белгилаб қўйилган. Бу қоида барча турдаги жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор ижросига ҳам тааллуқли (жойнинг ўзида жарима ундириш бундан мустасно).
2. Агар юқорида кўрсатилган қарорнинг ижроси Кодекснинг 318-моддасида назарда тутилган асосга кўра тўхтатилган ёки 328-моддага мувофиқ кечиктирилган бўлса, кучини йўқотиш муддати шикоят ёки протест рад қилинган пайтдан ёхуд муддати ўтган кундан бошланади.
3. Фуқаровий судлов ишларидан фарқли равишда, Кодекс қарор ижрога тақдим этиш учун ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳуқуқини назарда тутмайди.

331-м о д д а. **Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорнинг ижроси билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш**

Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорнинг ижроси билан боғлиқ бўлган масалаларни шу қарорни чиқарган орган (мансабдор шахс) ҳал этади.

Маъмурий. жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорнинг тўғри ва ўз вақтида ижро этилишини назорат қилиш шу қарорни чиқарган орган (мансабдор шахс) зиммасига юклатилади.

Органларнинг (мансабдор шахсларнинг) маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорнинг ижросига оид ҳаракати хусусида берилган шикоятлар ушбу Кодекснинг 315-моддасида айтиб ўтилган органлар томонидан 319 ва 320-моддаларида белгиланган талабларга риоя этилган ҳолда ҳал этилади.

1. 331-моддада башарти маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорнинг ижроси билан боғлиқ масалалар юзага келиб қолса, унда бу масалалар шу қарорни чиқарган орган (мансабдор шахс) ҳал этадиган тартиб ўрнатилган.
2. Қарор чиқарган орган (мансабдор шахс) зиммасига уни ўз вақтида ижро этиш бўйича назорат ҳам юкланади. Қарорнинг қанчалик ўз вақтида ва тўғри,

яъни ушбу Кодексга мувофиқ тез ва аниқ, қатъийлик билан бажарилиши — берилган жазонинг тарбиявий таъсирига, шунингдек, бу қарорни чиқарган орган (мансабдор шахс)нинг обрўэътиборига ҳам боғлиқ.

3. 331-модданинг 3-қисмида ўрнатилган қоидага кўра, органларнинг (мансабдор шахсларнинг) маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорнинг ижросига оид ҳаракати хусусида берилган шикоятлар Кодекснинг 315-моддасида кўрсатилган орган томондан 319, 320-моддаларда белгиланган талабларга риоя этилган ҳолда ҳал этилади.

XXVI боб. ЖАРИМА СОЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРНИ ИЖРО ЭТИШ БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШ

332-м о д д а. Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш муддатлари ва тартиби

Жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда — шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши лозим.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг мустақил иш ҳақи бўлмаган тақдирда, жарима уларнинг ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахслардан ундириб олинади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун солинган жарима ҳуқуқбузар томонидан Ўзбекистон Республикаси жамғарма банки муассасасига тўланади, ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида ундириб олинадиган жарима бундан мустасно.

1. Ушбу модда жарима солиш тўфисидаги қарорни ихтиёрий равишда бажариш учун бўлган муддат ва тартибни белгилайди. Жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ихтиёрий равишда тўлашнинг 15 кунлик муддати белгиланади. Башарти, қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган бўлса, муддат шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида берилган кунданбошланади.

2. Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг мустақил иш ҳақи бўлмаган тақдирда, жарима уларнинг ота-оналаридан ёки улар ўрнини босувчи шахслардан ундириб олинади. Агар бундай шахс ишлаётган бўлса, у ўз иш ҳақидан жарима тўлаши лозим.

3. Жарима ҳуқуқбузар томонидан жамғарма банкининг исталган муассасасига тўланади, бу ҳақда унга белгиланган намунада квитанция берилади.

Ушбу Кодексда жарима ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида ундириб олишни ҳам кўзда тутади (334-модда шарҳларига қаранг). Бундай ҳолда жарима тегишли мансабдор шахсга тўланади ва у ўз навбатида ҳуқуқбузарга жарима

тўлангани ҳақида тегишли квитанция беради (масалан, транспортда чиптасиз юргани учун).

333-м о д д а. **Жарима солиш тўғрисидаги қарорни мажбурий ижро этиш**

Ҳуқуқбузар жаримани ушбу Кодекснинг 332-моддасида белгиланган муддат ичида тўламаган тақдирда, жарима солиш тўғрисидаги қарор фуқаролик-процессуал қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган қоидаларга мувофиқ жаримани унинг иш ҳақи ёки бошқа маошидан, нафақасидан ёки стипендиясидан мажбурий тартибда ундириб олиш учун юборилади.

Башарти жарима солинган шахс ишламаётган бўлса ёхуд жаримани ҳуқуқбузарнинг иш ҳақи ёки бошқа даромадидан, пенсияси ёки стипендиясидан бошқа сабабларга кўра ундириб олишнинг иложи бўлмаса, уни ундириб олиш туман (шаҳар) судининг суд ижрочиси томонидан жарима солиш тўғрисидаги тегишли орган (мансабдор шахс) чиқарган қарор асосида ҳуқуқбузарнинг шахсий мулкидан, шунингдек, умумий мулкдаги унинг ҳиссасидан ундириб олиш йўли билан амалга оширилади.

Жарима Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ижро ҳужжатлари бўиича ундириб олиниши мумкин бўлмаган молмулкдан ундириб олиниши мумкин эмас.

1.Жарима қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичида тўланмаганда, шикоят қилиш ёки протест билдириш ҳолларида эса у қаноатлантирилмагани тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечикмай унинг иш ҳақи ёки бошқа даромадидан, нафақасидан ёки стипендиясидан жарима солиш ҳақидаги орган (мансабдор шахс) қарори асосида мажбурий тартибда жарима ундирилади.

2.Жарима солиш тўғрисидаги қарор Фуқаролик-процессуал кодекси қоидалари бўйича жаримани ушлаб қолиш учун ҳуқуқбузарнинг ўқиш, иш ёки пенсия оладиган жойига юборилади. Агар жарима миқдори ҳуқуқбузарнинг иш ҳақи, нафақа ёки стипендиясининг 20 фоизидан ошмаса, у тўлалигича бир йўла ундирилади. Башарти жарима миқдори ҳуқуқбузарнинг иш ҳақи, нафақа ва стипендиясининг 20 фоизидан ошса, жарима бутунлай тўлангунча қисмларга бўлиб ундирилади.

3.Агар жарима солинган шахс ишлаётган бўлса ёхуд жаримани ҳуқуқбузарнинг иш ҳақи ёки бошқа даромадидан, нафақаси ёки стипендиясидан бошқа сабабларга кўра ундириб олишнинг иложи бўлмаса, уни ундириш суд ижрочиси томонидан жарима солиш тўғрисида тегишли орган (мансабдор шахс) чиқарган қарор асосида ҳуқуқбузарнинг шахсий мулкидан, шунингдек, умумий мулкдаги унинг ҳиссасидан ундириб олиш билан амалга оширилади.

4. Жаримани ҳуқуқбузарнинг шахсий мулкидан, шунингдек, умумий мулкдаги унинг ҳиссасидан ундириб олишда Фуқаролик-процессуал қонунлари

талабларига қатъий риоя этиш зарур. Ҳуқуқбузарга ва унинг қарамоғидаги шахсларга зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар, уй жиҳозлари ва анжомлари, зарурий миқдордаги қорамол ва бошқа молмулкларни жарима сифатида ундириш мумкин эмас

334-м о д д а. **Жойнинг ўзида ундириб олинадиган жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш**

Ушбу Кодекснинг 283-моддасига мувофиқ, жарима маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилинган жойнинг ўзида ундириб олинган тақдирда ҳуқуқбузарга қатъий молиявий ҳисобот ҳужжати ҳисобланган белгиланган нусхадаги квитанция берилади.

Жарима маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тўланмаса, ишни кўриб чиқиш ва қарорни ижро этиш ушбу Кодекснинг 332 ва 333-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

1. Кодекснинг 334-моддасида назарда тутилган ҳолларда, агар ҳуқуқбузар берилган жазога қаршилик билдирмаса баённома тузилмайди, жарима эса ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида ундирилади. Жарима бунга ваколати бўлган мансабдор шахс томонидан ундирилади. Ҳуқуқбузарга жарима ундирилгани ҳақида белгиланган намунада квитанция берилади.
2. Жарима маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тўланмаса, белгиланган тартибда кўриб чиқиладиган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилади. Бундай ҳолларда қарорни бажариш ушбу Кодекс қоидалари (332 ва 333-моддалар) бўйича амалга оширилади.

335-м о д д а. **Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш ишларини тугаллаш**

Жарима солиш тўғрисидаги қарорга мувофиқ жарима тўла-тўкис ундириб олингач, унинг ижро этилганлиги ҳақида белги қўйилиб, шу қарорни чиқарган органга (мансабдор шахсга) ёки судга қайтарилади.

1. Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш ишларини туталлаш учун ҳуқуқбузарнинг ундиришга тегишли жаримани тўлаши асос ҳисобланади.
2. Жарима ундирилгани ҳақидаги белги билан шу қарорни чиқарган орган (мансабдор шахс)га қайтарилиши жарима солиш тўғрисидаги қарор ижро этилиши далили ҳисобланади.

XXVII *боб*. НАРСАНИ ҲАҚИНИ ТЎЛАШ ШАРТИ БИЛАН ОЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРНИ ИЖРО ЭТИШ БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШ

336-м о д д а. **Нарсани ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш**

Ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш тўғрисидаги қарор асосида олиб қўйилган нарсаларни сотиш учун воситачи дўконга ёки олиб қўйилган мол-мулк турган жойдаги шундай мақсад учун махсус белгилаб қўйилган дўконга топширилади.

Уқотар қуролларни ва ўқ-дориларни ҳақини тўлаб олиб қўйиш тўғрисидаги қарор ички ишлар органлари томонидан ижро этилади.

Ҳақини тўлаш шарти билан қўйилган нарсани сотишдан тушган пуллар ушбу Кодекснинг 26-моддасига мувофиқ олиб қўйилган нарсаларни сотиш харажатларини чегириб қолиб, шу нарсаларнинг собиқ эгасига топширилади.

1.Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг қуроли ёки бевосита объекти ҳисобланган нарсанинг ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш маъмурий жазо чораси сифатида Кодекснинг 142-модда 2-қисмида, 220-модда 1-қисмида ва 222-моддада кўзда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилиш ҳолатларида қўлланилади. Хавфли моддалар ва ашёларни транспортда ташиш қоидалари бузилган ҳолда ана шу модда ва ашёлар (142-модда), ўқотар қуроллари ва ўқ-дориларни сақлаш ёки ташиш қоидалари бузилган тақдирда қурол ва ўқ-дорилар (220-модданниг 1-қисми), шунингдек, ички ишлар органлари томонидан қурол ва ўқ-дорилари сақлашга берилган рухсатномаси бекор қилинган шахс уларни сотишдан бўйин товлаши ҳолларида шу қурол ва ўқ-дорилар (222-модда) ҳақини тўлаб олиб қўйилиши лозим.

2.Ички ишлар органлари бошлиқлари ёки бошлиқ ўринбосарлари ёхуд транспорт органининг тегишли мансабдор шахси Кодекснинг 142-модда 2-қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб ва хавфли моддалар ҳамда нарсаларни ҳақини тўлаб олиб қўйиш ҳақида қарор чиқариб, уларни сотиш учун восита дўконига ёки олиб қўйилган мол-мулк турган жойдаги шундай мақсад учун махсус белгилаб қўйилган дўконга топширадилар. Агар кўрсатилган нарсаларни сотиш мумкин бўлмаса, улар белгиланган тартибда йўқ қилинади.

3. Маъмурий ишлар бўйича судья ва вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг Кодекснинг 220-модда 1-қисмида кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ва 222-модданинг ўқотар қурол ҳамда ўқ-дориларни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш ҳақидаги иш бўйича тузилган қарорлар, ўқотар қурол ва ўқ-дориларни дўконда сотиш чораларини кўрадиган ички ишлар органларига юборилади. Дўкон ички ишлар органига ўқотар қурол ва ўқ-дориларнинг сотилиши ҳақида ахборот беради. Бу ҳақда собиқ эгаси огоҳлантириб қўйилади ва сотишдан тушган маблағ сотиш харажатлари чегириб қолиниб, қолган пул собиқ эгасига топширилади.

Божхона органининг экспорт қилиш тақиқланган ашё ва маҳсулотларни мусодара қилиш тўғрисидаги қарори тегишли ҳокимиятларда белгиланган тартибда тузиладиган доимий ҳаракатдаги комиссиялар томонидан ижро этилади.

XXVIII *боб*. НАРСАНИ МУСОДАРА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРНИ ИЖРО ЭТИШ БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШ

337-м о д д а. **Нарсани мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай ашё бўлган нарсани мусодара қилиш тўғрисидаги қарор туман (шаҳар) судлари қошидаги суд ижрочилари томонидан ижро этилади.

Божхона органининг Ўзбекистон Республикаси ташқарисига олиб чиқиб кетилаётган, экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулотларни, шунингдек, Узбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган, транспортировка (халқаро транзит бундан мустасно) қилинаётган ва сақланаётган, акциз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларни мусодара қилиш тўғрисидаги ҳамда солиқ органининг сақланаётган, реализация қилинаётган, яширин равишда ишлаб чиқарилаётган, акциз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларни мусодара қилиш тўғрисидаги қарорлари тегишли ҳокимиятлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузадиган доимий ҳаракатдаги комиссиялар томонидан ижро этилади.

1. Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш куроли ёки бевосита объекти ҳисобланган нарсани мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни ижро этишда Кодекснинг 290-моддасига биноан бу нарсалар олдиндан олиб қўйилади ва иш кўриб чиқилгунча ҳамда қарор қабул қилингунча ваколатли мансабдор шахсда сақланади.

2. Суд ижрочилари Кодекснинг 56-модда 2-қисмида, 90-моддада; 94-модданинг 2-қисмида; 117-модданинг 2-қисмида; 142-модданинг 3-қисмида; 151-модданинг 2-қисмида; 164-модда 3,4-қисмларида; 167-моддада, 169, 170, 184—186, 189-моддаларда; 191-модданинг 1-қисмида; 203-моддада; 210-моддада; 218-модданинг 2-қисмида, 220 ва 227-моддаларда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишлар бўйича мусодара этиш тўғрисидаги қарорни ижро этадилар. Суд ижрочиси нарсаларни мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни олиб, иш юритиш ижроси тўғрисидаги йўриқномада кўзда тутилган чораларни кўради.

3. Эксгюрт қилиш тақиқланган нарса ва маҳсулотларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига транспортда (халқаро транзитдан ташқари) олиб кириладиган акциз маркалари билан тамғаланмаган сақланувчи тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларни мусодара қилиш ҳақида божхона органи ва акциз маркалари билан тамғаланмаган сақланувчи, сотилувчи, яширинча тайёрланадиган тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларни муодара қилиш ҳақида солиқ идораси қарор чиқарган ҳолларда, бундай қарор тегишли ҳокимиятларда қонунларда белгиланган тартибда ташкил этилувчи доимий ҳаракатдаги комиссиялар томонидан ижро этилади.

338-м о д д а. **Мусодара қилинган нарсани сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай ашё бўлган мусодара қилинган нарсани сотиш ва йўқ қилиб ташлаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

1. Мусодара қилинган нарсани сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби мусодара қилинган, хўжасиз мол-мулклар мерос ҳуқуқи билан давлатга ўтган мол-мулклар ва дафиналарнинг ҳисобини олиш, баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низом билан белгиланади.
2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик қуроли ёки бевосита объекти ҳисобланган нарсаларни мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни, одатда, молия органлари ижро этади. Мана шу органларнинг ўзи мусодара қилиш учун берилган нарсаларни сақдаш ва баҳолаш чораларини кўради. Нарсаларни табиий равишда тегишли молия органи вакилига нарсаларни мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни бажарувчи суд ижрочиси топширади. Нарсаларни қабул қилиш ва топшириш нарсаларни топширувчи шахс ва молия органи вакилининг нарсаларни хатлаш далолатномасидаги имзолари билан тасдиқланади. Мусодара қилинган нарсаларни баҳолашни молия органи ва бу нарсаларни топшираётган ташкилот вакилларидан иборат комиссия амалга оширади. Нарсаларни хатлаш ва баҳолаш далолатномалари тегишли молия органи раҳбарияти томонидан улар тузилгандан кейин уч кундан кечикмай кўриб чиқилади ва тасдиқланади.
3. Мусодара қилинган нарсалар молия органлари томонидан фақат маҳаллий савдо органлари қарори билан мана шу мақсад учун махсус ажратилган воситачи дўконлар орқали сотилади. Бундай дўконлар мавжуд бўлмаган жойларда мусодара қилинган нарсаларни сотиш учун дўкон ажратиш хусусида молия органи илтимосини халқ депутатларининг маҳаллий кенгашлари ҳал қилади.
4. Мазкур туманда сотилиши мумкин бўлмаган мусодара қилинган нарсалар тегишли дўкон бўлган бошқа туманда сотилади.
5. Мусодара қилинган нарсаларни сотишдан тушган маблағ давлат бюджетига ўтказилади.
6. Белгиланган тартибда сотилиши мумкин бўлмаган мусодара қилинган нарсалар (масалан, тутиш, овлашнинг тақиқланган қуроллари) йўқ қилинади.

339-м о д д а. **Нарсани мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш бўйича иш юритишнинг тугалланиши**

Ашёни мусодара қилиш тўғрисидаги қарор ижро этилганлиги қайд қилинган жойда қуйидагиларга қайтарилади:

уни чиқарган маъмурий ишлар бўйича судьяга;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетилаётган, экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулотларни, шунингдек,

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган, транспортировка (халқаро транзит бундан мустасно) қилинаётган ва сақланаётган, акциз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларни мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилган божхона органининг мансабдор шахсига;

сақланаётган, реализация қилинаётган, яширин равишда ишлаб чиқарилаётган, акциз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларни мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилган солиқ органининг мансабдор шахсига. Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ёки бевосита объекти бўлган нарсаларни мусодара қилиш тўғрисидаги қарор мусодара қилинган нарсалар сотишни амалга оширадиган молия органларига топширилгандагина ижро этилган ҳисобланади.

1. Мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни ижро этишни амалга оширган суд ижрочиси ёки ҳокимиятнинг доимий ҳаракатдаги комиссияси молия органига мусодара қилинган нарсаларни, ижро варағи ёхуд мусодара қилиш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси, нарсаларни хатлаш далолатномасини топширади. Молия органлари вакили ва суд ижрочиси ёхуд мусодара қилишни адо этувчи ҳокимиятнинг доимий ҳаракатдаги комиссияси раиси мусодара қилинган нарсаларни топшириш ва қабул қилиш вақтларини ўз имзолари билан тасдиқлайдилар.
2. Молия органи қарорни чиқарган маъмурий ишлар бўйича .судья божхона ёки солиқ органларининг мансабдор шахсларига мусодара қилиш тўғрисидаги қарор бажарилганини тасдиқловчи маълумотнома беради. Ижро варағи ёки қарорнинг нусхасини молия органи далолатномасининг бир нусхасини қўшиб қайтаради ва бу билан молия органига етказилгани тасдиқланади.

XXIX боб. МАХСУС ҲУҚУҚДАН МАҲРУМ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРНИ ИЖРО ЭТИШ БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШ

340-м о д д а. Махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш тўғрисидаги қарорни ижро этувчи органлар

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарор ушбу Кодекснинг 248-моддасида кўрсатиб ўтилган ички ишлар органларининг мансабдор шахслари томонидан ижро этилади.

Кема ҳайдовчиларини кичик ҳажмли кемаларни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарор ушбу Кодекснинг 253-моддаси иккинчи қисмида кўрсатиб ўтилган Ўзбекистон Республикаси кичик ҳажмли кемалар давлат инспекцияси органларининг мансабдор шахслари томонидан ижро этилади.

Ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарор ушбу Кодекснинг 261-моддаси иккинчи қисмида айтиб ўтилган ов қилиш қоидаларига риоя

этилиши устидан давлат назорати олиб борувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан ижро этилади.

1. Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарор Кодекснинг 248-моддасида кўрсатиб ўтилган ички ишлар органларининг мансабдор шахслари томонидан ижро этилади. Булар давлат автомобиль назорати бўлинмаси (бўлим, бошқарма) бошлиғи ёки бошлиқ ўринбосари, маъмурий амалиётнинг катта инспектори, туман, шаҳар ички ишлар бўлими (бошқармаси), давлат автомобиль назорати туман бўлинмаси (бўлим) бўлмаган тақдирда давлат автомобиль назорати катта инспектори, у ҳам бўлмаганида — ички ишлар бўлимининг бошлиғи ёки бошлиқ ўринбосари ҳисобланади.

2. Кема ҳайдовчиларини кичик ҳажмли кемаларни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш Кодекснинг 253-моддаси 2-қисмида кўрсатиб ўтилган кичик ҳажмли кемалар давлат назорати органларининг мансабдор шахслари томонидан ижро этилади. Булар кичик ҳажмли кемалар Давлат назорати бошқармасининг (бўлим) бошлиғи ва унинг ўринбосари, кичик ҳажмли кемалар давлат назорати бошликдари ва уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар кичик ҳажмли кемалар давлат инспекторлари ҳисобланади.

3. Ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарор Кодекснинг 261-модда 2-қисмида кўрсатиб ўтилган ов қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назорати олиб борувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан ижро этилади. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бош давлат инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда, Тошкент шаҳрида •бош давлат инспекторлари ва уларнинг ўринбосарлари шундай шахслар тоифасига киради.

341-м о д д а. Транспорт воситаларини ёки кичик ҳажмли кемаларни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш тартиби

Транспорт воситаларини ёки кичик ҳажмли кемаларни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарор ҳайдовчилик гувоҳномасини, шунингдек, унинг талонини олиб қўйиш йўли билан ижро этилади.

Башарти ҳайдовчи ёки кема ҳайдовчиси транспорт воситаларининг ёки кичик ҳажмли кемаларнинг айрим турларини бошқариш ҳуқуқидангина маҳрум этилган бўлса, ҳайдовчилик гувоҳномасига ва унинг талонига транспорт воситаларининг ёки кичик ҳажмли кемаларнинг қайси турларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги ёзиб қўйилади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларни олиб қўйиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан, кичик ҳажмли кемаларни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларни олиб қўйиш тартиби эса — Ўзбекистон Республикаси кичик ҳажмли кемалар давлат инспекцияси томонидан белгиланади.

1. Ҳайдовчилар транспортнинг барча турларини бошқаришдан маҳрум қилинган тақдирда бу жазо чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни бажариш ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўйиш йўли билан ижро этилади.

2. Башарти ҳайдовчи транспорт воситаларининг битта ёки бир неча турини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган бўлса, у ҳолда ҳайдовчилик гувоҳномасига ҳайдовчи бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган транспорт воситасининг тури ёзиб қўйилади. Бундай ҳайдовчилик гувоҳномаларини алмаштириш маҳрум этилганлик муддати тугагандан кейин белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. Кодекснинг 290-моддасига мувофиқ, содир этилган ҳуқуқбузарлик учун транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш кўринишидаги жазо қўлланилганда ҳайдовчилик гувоҳномаси (кемаларни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома) иш кўриб чиқилгунга қадар олиб қўйилади ва транспорт воситаларини бошқаришга вақтинчалик рухсатнома берилиб, бу ҳақда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага ёзиб қўйилади.

4. Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳайдовчи ҳайдовчилик гувоҳномасини (кемаларни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома) топширишдан бўйин товлаган тақдирда бу ҳуқуқдан маҳрум этиш тўғрисида қарор чиқарган мансабдор шахс — Давлат автомобиль назорати бўлинмаси (бўлими, бошқармаси) бошлиғи ёки бошлиқ ўринбосари, Кодекснинг 248-моддасида кўрсатиб ўтилган мансабдор шахсларуни олиб қўйишнинг барча зарурий чораларини кўришлари лозим.

5. Бир йил ва ундан кўп муддатга транспорт воситалари (кема)ни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсларга гувоҳнома қоида бўйича билимлари ва бошқариш кўникмаси текширилгандан кейин қайтариб берилади.

6. Ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўйиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ИИВ тасдикдаган йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома билан тартибга солинади.

342-м о д д а. **Ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш тартиби**

Ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарор овчилик билетини олиб қўйиш йўли билан ижро этилади.

Ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс овчилик билетини топширишдан бўиин товлаган тақдирда ов қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширувчи органлар овчилик билетини белгиланган тартибда олиб қўядилар.

1. Олиб қўйиш тўғрисида қарор чиққунга қадар олиб қўйилиши (процессуал чора сифатида) мумкин бўлган ҳайдовчилик гувоҳномасидан фарқли ўлароқ равишда овчилик билети фақат қарор чиқарилгандан кейин шу қарор асосида олиб қўйилади.

2. Бундай ишларни кўриб чиқиш ва ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисида қарор чиқаришга ов қилиш қоидаларига риоя этилишининг давлат назоратини амалга оширувчи республика, вилоятлар ва туманлар органларининг раҳбарлари ҳақдидирлар.

3. Овчилик билети ҳуқуқбузарни ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисида қарор чиқарган мансабдор шахс томонидан қарор эълон қилинганидан кейин, шикоят қилинган ҳолатда эса — шикоят эътиборсиз қолдирилгандан кейин олиб кўйилади. Ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилгани ҳақида ҳуқуқбузар ҳисобда турган овчилар жамиятига хабар берилади.

4. Агар ҳуқуқбузар қарорни бажаришдан бўйин товласа ва овчилик билетини топширмаса, қарор чиқарган орган (мансабдор шахс) тегишли чора кўрилиши учун ҳуқуқбузар ҳисобида турган жамиятга ва овчилик қуроли қайд этилган ички ишлар органларига бу ҳакда хабар етказади.

343-м о д д а. **Махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш муддатини қисқартиришнинг асослари ва тартиби**

Муайян муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан ёки ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиши ва намунали хулқ-атвори билан ўзини кўрсатган тақдирда, унга жазо қўлланган маъмурий ишлар бўйича судья белгиланган муддатнинг камида ярми ўтгач, корхона, муассаса ва ташкилот маъмурияти илтимоси билан бундай ҳуқуқдан маҳрум этиш муддатини қисқартириши мумкин.

1. 343-модда ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилиш жазосини тайинлаган маъмурий ишлар бўйича судьяга ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилиш муддатини қисқартириш ҳуқуқини беради.

2. Махсус ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс аъзоси ҳисобланувчи корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг шу ҳақдаги илтимосномасини махсус ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этиш муддатини қисқартириш ҳақидаги масалани кўриб чиқишга асос ҳисобланади. Бу ҳуқуқдан маҳрум этилган шахснинг меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиши ва намунали хулқ-атвори билан ўзини кўрсатиши ана шу илтимосноманинг мажбурий шарти ҳисобланади.

3. 343-моддада назарда тутилишича, асосли илтимоснома фақат ҳуқуқбузар меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган ва намунали хулқ-атвори билан ўзини кўрсатган тақдирда белгиланган муддатнинг ярми ўтгандан кейингина қаноатлантирилиши мумкин.

4. Моддада махсус ҳуқуқдан маҳрум этилиш овчилар жамиятидан чиқаришга олиб келса, олиб қўйилган овчилик билетини қайтариб бериш тўғрисидаги масала овчилар ва балиқ овловчилар жамиятлари уюшмаси низомига мувофиқ ҳал этилади.

Агар ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахснинг овчилар жамиятига аъзолиги сақланиб қолган бўлса, олиб қўйилган билетни унга қайтариб бериш тўғрисидаги масалани овчилар жамияти бошланғич жамоа бюроси ҳал қилади.

344-м о д д а. **Махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш муддатини ҳисоблаш**

Транспорт воситаларини ҳайдовчилар ва ов қилиш қоидаларини бузган шахслар махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш тўғрисида қарор чиқарилган кундан бошлаб шундай ҳуқуқдан маҳрум этилган деб ҳисобланадилар.

Махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати ўтгач, шунингдек, бу муддат ушбу Кодекснинг 343-моддасига мувофиқ қисқартирилган тақдирда, шундай маъмурий жазо чорасига тортилган шахсга ундан олиб қўйилган ҳужжатлар белгиланган тартибда қайтариб берилади.

Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳайдовчи ҳайдовчилик гувоҳномасини топширишдан бош тортган тақдирда, бу ҳуқуқдан маҳрум этиш муддати гувоҳнома олиб қўйилган кундан бошлаб, лекин қарор чиқарган орган белгилаган маҳрум этиш муддати тугашидан кечиктирмасдан ҳисобланади.

1. Ҳайдовчилар ёки ов қилиш қоидаларини бузган шахслар маъмурий ишлар бўйича судьянинг қарор чиқарган кунидан бошлаб, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан ёки ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳисобланади. Мазкур қарор юзасидан шикоят берилганда ёки протест билдирилганда, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан ёки ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган деб, шу шикоят ёки протест бўйича қарор чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар туман (шаҳар) суди ёки юқори турувчи суд, қарорни бекор қилиш ва уни қайта кўриб чиқишга юбориш тўғрисида қарор қабул қилса, у ҳолда транспорт воситасини бошқариш ёки ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган деб, иш бўйича қайта қарор чиқарилган кундан ҳисобланади.
2. Махсус ҳуқуқдан маҳрум этилган шахс, шундай ҳуқуқларга Кодекснинг 343-моддасида назарда тутилган ҳолатлар асосида маҳрум этилиш муддатлари қисқартирилганда ёки маҳрум этиш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддат тўла ўтганда эга бўлиши мумкин.
3. Шахсдан олиб қўйилган ҳайдовчилик гувоҳномаси шахсга, йўл ҳаракати қоидалари ва транспорт воситасини бошқариш кўникмаларини билишини текширилганидан сўнг қайтарилади.
4. Агар ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазо чораси ўзида овчилик жамиятидан шахсни ҳайдашни назарда тутса, у ҳолда олиб қўйилган овчилик гувоҳномасини қайтариш Овчилар ва балиқчилар жамияти низоми асосида ҳал этилади.

XXX боб МАЪМУРИЙ ҚАМОҚҚА ОЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРНИ ИЖРО ЭТИШ БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШ

345-м о д д а. **Маъмурий қамоққа олиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш**

Маъмурий қамоққа олиш тўғрисидаги қарор чиқарилгандан кейин дарҳол ижро этилади.

1. Маъмурий ишлар бўйича судьянинг шарҳланаётган моддага мувофиқ маъмурий қамоққа олиш тўғрисидаги қарори чиққанидан кейин ушбу жазо қонунда кўзда тутилган қайси ҳуқуқбузарлик эканидан қатъи назар, тезда ижро этилади.
2. Маъмурий қамоққа олиш тўғрисидаги қарорни дарҳол ижро этиш маъмурий қамоққа олинган шахсга мазкур қарор билдирилгандан кейин милиция ходимлари томонидан Ички ишлар органларига жазони ўташ учун келтиридди деган маънони билдиради.
3. Агар қамоққа олиш тўғрисидаги қарорга прокурор протести келтирилса, уни бажариш протест кўриб чиқидгунга қадар тўхтатилади.

346-м о д д а. **Маъмурий қамоқни ўташ тартиби**

Маъмурий қамоққа олинган шахслар ички ишлар органлари белгилаб қўйган жойларда қамоқда сақланадилар. Маъмурий қамоққа олиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш чоғида қамоққа олинганлар шахсий кўрикдаи ўтказиладилар.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати маъмурий қамоқ муддатига қўшиб ҳисобланади.

Маъмурий қамоқни ўташ Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади.

Маъмурий қамоққа олинган шахслар жисмоний ишларда фойдаланилади.

Маъмурий қамоққа олинган шахслар меҳнатидан фойдаланишни ташкил этиш туман (шаҳар) ҳокимликларига юклатилади.

Маъмурий қамоққа олинган шахсларга қамоқда бўлган вақтлари учун доимий иш жойларидан иш ҳақи тўланмайди.

1. Маъмурий қамоққа олиш қонунга мувофиқ ички ишлар органларига юклатилган. Улар қамоққа олинган шахснинг қамоқда сақланадиган жойини белгилайдилар. Милиция ходимлари судьянинг маъмурий қамоққа олиш тўғрисидаги қарорини бажариб, ҳуқуқбузарни суд залидан ички ишлар органлари ҳузуридаги маъмурий қамоққа олинганлар сақланадиган махсус қабулхоага, вақтинча сақланадиган изолятор ёки тергов изоляторига олиб келишади. Юқорида кўрсатилган шахслар, агар аҳоли яшаш пунктида маъмурий қамоққа олинган шахслар сақланиши учун махсус қабулхона бўлмаган тақдирдагина вақтинча сақланадиган изоляторга ва тергов изоляторига жойлаштирилади. Ҳуқуқбузар номлари тилган олинган жойларда маъмурий қамоққа олиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган муддат давомада сақланади.
2. Қонун маъмурий қамоққа олингани тўғрисида қарор чиқарилган шахс мажбуран шахсий кўрикдан ўтказилишини назарда тутади. Бу тадбир маҳбусни

камерага киритиш олдидан ўтказилади. Қамоққа олинганни шахсий кўрикдан ўтказиш Кодекснинг 289-моддасида назарда тутилган тартибда ўтказилади.

3. Маъмурий қамоққа олиш ижро этилаётганда бу жазони ўташ муддати маъмурий ушлаб туриш муддатига киришини назарда тутиш керак. Бу маъмурий қамоққа олиш тўғрисидаги қарорда ўз ифодасини топиши лозим.

4. Маъмурий қамоқни ўташ тартибини белгилаш Ўзбекистон Республикаси ихтиёридадир. Белгиланган қоидага мувофиқ, маҳбуслар камераларда қамоқда сақланаётган бошқа туркумдаги шахслардан алоҳида тутилади. Маҳбуснинг бир кунлик таъминоти турмада умумий тартибда сақланаётганлар учун белгиланган меъёрда амалга оширилади. Уларга кўрпа-ёстиқ берилмайди, қамоқдалик пайтида чекиш тақиқланади. Маъмурий қамоққа олишни ижро этувчи милиция ходимларига қамоққа олинганларнинг кўрсатилган қоидаларга риоя этишларини таъминлаш мажбурияти юкланган.

5. Маъмурий қамоққа олинган шахслар қамоққа олиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган муддат тугаши билан озод қилинадилар. Озод қилинаётганда унга қамоқда бўлган вақти ва ушбу маъмурий жазога у содир этган ҳуқуқбузарликнинг характери ҳақида маълумотнома берилади.

6. Маъмурий қамоққа олинган шахслар жисмоний меҳнатидан фойдаланилади. Уларнинг меҳнатидан фойдаланиш ҳокимиятлар зиммасига юкланади.

7. Маъмурий қамоққа олинган шахсларга қамоқда бўлган вақтлари учун доимий иш жойларидан иш ҳақи тўланмайди.

Қонун маъмурий қамоққа олинган шахслардан меҳнат ишларида фойдаланишни назарда тутади. Ушбу талабни ҳисобга олиб, Кодекснинг 29-моддаси ҳомиладор аёлларни, 14 ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахсларни, 18 ёшга тўлмаганларни, I ва II гуруҳ ногиронларини маъмурий қамоққа олиш чорасини қўллашни тақиқлайди. Шарҳланаётган моддага мувофиқ, маъмурий қамоққа олинганлардан фақат жисмоний ишлардан фойдаланиш лозим. Қамоққа олинганлардан кўчаларни, саройларни, жамоат фойдаланадиган жойларни тозалаш ва бошқа жисмоний ишларни бепул амалга оширишда фойдаланиш мумкин.

8. Қамоққа олинганлар учун муайян ҳуқуқий чекланишларни юмшатиш жисмоний ишларда қатнашиш билан боғлиқ. Қамоққа олинганнинг бир кунлик таъминоти турмада умумий тартибда сакданаётганлар учун белгиланган меъёрда амалга оширилади, иссиқ овқат кунда берилади, иссиқ овқатдан маҳрум этилган куни фақат меъёрдаги нон, туз ва қайнаган сув берилади. Агар меҳнатга жалб этилганлар ишга ҳалол муносабатда бўлсалар, улар кунда белгиланган меъёрда иссиқ овқат билан таъминланадилар.

9. Маъмурий қамоққа олинган шахслардан маъмурий ишлар бўйича судьяларнинг қарорига биноан қам&чганларни сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар суткасига^энг кам иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида ундириб олинади.

Қамалган шахс маъмурий қамоқда бўлган вақтида ишлаган, бу билан ўзини сақлаш харажатларини қоплаган ҳолларда ундан харажатлар ундириб

олинмайди. Қамалганлар меҳнатга қобилиятсиз бўлсалар, улар ҳам бу харажатларни ундиришдан озод қилинадилар.

Айрим ҳолларда судьялар аниқ ҳолатларни ва қамалганнинг шахсини ҳисобга олиб, уни мазкур харажатларни тўлашдан озод қилиши мумкин.

(Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 6 майда қабул қилинган «Маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида»ги қонунига қаранг. — (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 6-сон, 116-модда).

XXXI *боб* ҚАРОРНИНГ МУЛКИЙ ЗАРАРНИ УНДИРИБ ОЛИШ ХУСУСИДАГИ ҚИСМИНИ ИЖРО ЭТИШ БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШ

347-м о д д а. **Қарорнинг мулкий зарарни ундириб олиш хусусидаги қисмини ижро этиш тартиби ва муддатлари**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорнинг мулкий зарарни ундириб олиш хусусидаги қисми ушбу Кодекс ва Узбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда ижро этилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорнинг мулкий зарарни ундириб олиш хусусидаги қисми ижро ҳужжати ҳисобланади.

Мулкий зарар ҳуқуқбузар томонидан унга қарор топширилган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай тўланиши лозим (ушбу Кодекснинг 311-моддаси), бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда — шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги маълум қилинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай қопланиши лозим.

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган қарорнинг мулкий зарарни ундириб олиш ҳақидаги қисмини ижро этиши тартиби ушбу Кодекс (38, 347, 348-моддалар) ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида фуқаролик-процессуал қонунларида белгилаб берилган (Ўз.Р. ФПК 370-385-моддалар).

2. Ўзини-ўзи бошқариш органи қошидаги маъмурий комиссиялар, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, маъмурий ишлар бўйича судьялар қарорининг мулкий зарарни ундириб олиш хусусидаги қисми ижро ҳужжати ҳисобланади. Бу ана шу қарорга асосан ҳуқуқбузардан фуқаролар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фойдасига тегишлича пул маблағини мажбурий тарзда ундириш мумкин, деган маънони беради.

3. Модданинг 3-қисмида белгиланган муддат ҳуқуқбузарга келтирилган моддий зарарни ихтиёрий равишда қоплаш имкониятини беради. Агар шу муддатда зарар қопланмаса, Кодекснинг 348-моддасидаги қоида ҳаракатга келади (ушбу модданинг шарҳларига қаранг).

4.Қонунларда бир қатор маъмурий жазоларга нисбатан қилинганидек, қарорнинг мулкий зарарни ундириб олиш қисмини ижро этишни кечиктириш назарда тутилмаган (328-модданинг шарҳларига қаранг). Бироқ 332-модданинг (шу модданинг шарҳларига қаранг) мазмунидан келиб чиқиб, ҳуқуқбузар қарорнинг мулкий зарарни ундириб олиш хусусидаги қисмини ижро этишни кечиктириш ҳақида масала қўйилиши мумкин, ишни кўриб чиқаётган орган эса бундай кечиктиришга ижозат бериши ва унинг бир ойдан ошмайдиган муддатини белгилаши лозим.

348-м о д д а. **Қарорнинг мулкий зарарни ундириб олиш хусусидаги қисмини бажармаслик оқибатлари**

Қарорнинг мулкий зарарни ундириб олиш хусусидаги қисми ушбу Кодекснинг 347-моддаси учинчи қисмида белгиланган муддатда ижро этилмаса, фуқаролик-процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган ижро қилиш тартибида зарарни ундириб олиш учун юборилади. (Ўз.Р. ФПК 370—385-моддалар).

Мазкур модданинг қоидалари Кодекснинг 147-моддаси 3-қисмида кўзда тутилган, яъни айбдорга етказилган моддий зарарни ихтиёрий равишда қоплаш имконияти бериладиган муддатлар тугаган ҳолатда қўлланилади. Бу муддатлар тугагач, ўзини-ўзи бошқариш органининг маъмурий комиссиялари, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари қарорни туман (шаҳар) судига йўллайдилар. Қарор суд идорасида қайд этилгандан кейин суд ижрочисига берилади. Мулкий зарарни ундириб олиш хусусидаги қисми бўйича судьянинг қарори ҳам суд ижрочисига топширилади, ўз навбатида у Кодекснинг 347-модда 3-қисмида назарда тутилган муддат ўтиши билан фуқаролик-процессуал қонунлари тартибида моддий зарарни қоплаш чораларини кўради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ХАҚИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ

1994 йил 22 сентябрь

Қ А Р О Р И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, 3-сон, 7-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қ а р о р қ и л а д и:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 1995 йилнинг 1 апрелидан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси амалга киритилган кундан бошлаб маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларининг Кодексга зид келмайдиган қисми қўлланилади.

3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 1995 йилнинг 31 мартидан кейин содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликларга нисбатан қўлланилади.

4. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишнинг Кодекс билан белгиланган тартиби Кодекс амалга киритилгунига қадар содир этилган ҳуқуқбузарликларга ҳам тааллуқлидир.

1995 йилнинг 1 апрелига қадар кўрилмай қолган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс билан белгилаб берилган кимга тааллукди эканлигидан қатъи назар, қайси органнинг (мансабдор шахснинг) юритишида бўлса, шу орган (мансабдор шахс) томонидан кўриб чиқилади.

5. Туман (шаҳар) судлари 1995 йилнинг 1 февралидан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш чоғида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексида кўзда тутилган ахлоқ тузатиш, меҳнат ишларига жалб этиш тарзидаги маъмурий жазони қўлламасинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: Ўзбекистон Республикасининг қонунларини Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ ҳолга келтириш хусусида Олий Кенгашга таклифлар тақдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳужжатларини Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ ҳолга келтирсин;

республика вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга зид келадиган ўзларининг норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

8. Ўзбекистрн Республикаси Адлия вазирлиги икки ойлик муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси нашр этилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. ХАЛИЛОВ

М У Н Д А Р И Ж А

Б И Р И Н Ч И Б Ў Л И М УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

I ***б о б.*** Асосий қоидалар 7

И К К И Н Ч И Б Ў Л И М

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

У М У М И Й Қ И С М

II ***б о б.*** Маъмурий ҳуқуқбузарлик..... 23
III ***б о б.*** Маъмурий жазо..... 48
IV ***б о б.*** Маъмурий жазонинг қўлланилиши..... 58

М А Х С У С Қ И С М

V ***б о б.*** Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик 72
VI ***б о б.*** Аҳоли соғлиғини саклаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик..... 87
VII ***б о б.*** Мулкка .тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик 96
VIII ***б о б.*** Табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик 110
IX ***б о б.*** Саноатдаги, қурилишдаги ва иссиқлик ҳамда электр энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик 163
X ***б о б.*** Қишлоқ хўжалигидаги ҳуқуқбузарлик, ветеринария-санитария қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик 178
XI ***б о б.*** Транспортдаги, йўл хўжалиги ва алоқа соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик 190
XII ***б о б.*** Фуқароларнинг тураржой ҳуқуқларига тааллуқли, коммунал, хизмат ва ободонлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик 260
XIII ***б о б.*** Савдо, тадбиркорлик ва молия соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик 270
XIV ***б о б.*** Одил судловга тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик 303
XV ***б о б.*** Жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобғарлик..... 308
XVI ***б о б.*** Бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик..... 324

У Ч И Н Ч И Б Ў Л И М
МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА ВАКОЛАТИ БУЛГАН ОРГАНЛАР (МАНСАБДОР ШАХСЛАР)

XVII ***б о б.*** Умумий қоидалар 443
XVIII ***б о б.*** Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлилиги 447

Т Ў Р Т И Н Ч И Б Ў Л И М
МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ

XIX ***б о б.*** Умумий қоидалар 493
XX ***б о б.*** Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённома 504

XXI ***б о б.*** Маъмурий йўл билан ушлаб туриш, ашёлар ва транспорт воситаларини кўздан кечириш, ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш 511
XXII ***б о б.*** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда қатнашувчи шахслар 529

XXIII ***б о б.*** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш 540
XXIV ***б о б.*** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш ва протест билдириш 556

Б Е Ш И Н Ч И Б Ў Л И М
МАЪМУРИЙ ЖАЗО ҚЎЛЛАНИШ ТЎҒРИСИДАГИ КАРОРЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ

XXV ***б о б.*** Асосий қоидалар 566
XXVI ***б о б.*** Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш бўйича иш юритиш 571
XXVII ***боб.*** Нарсани ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш бўйича иш юритиш 573
XXVIII ***б о б.*** Нарсани мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш бўйича иш юритиш 575
XXIX ***б о б.*** Махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш бўйича иш юритиш 578
XXX ***б о б.*** Маъмурий қамоққа олиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш бўйича иш юритиш 583
XXXI ***б о б.*** Қарорнинг мулкий зарарни ундириб олиш хусусидаги қисмини ижро этиш бўйича иш юритиш 586
Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини амалга киритиш тартиби ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 22 сентябрь қ а р о р и 588

Таржимонлар: ***А. АҲМЕДОВ, А. АБДУМАЖИДОВ***
Муҳаррир ***Шерали СОКИН***
Рассом ***Зиёд АБДУРАСУЛОВ***
Техник муҳаррир ***Азимжон РАҲИМОВ.***

Босмахонага 15.11.1999 йидда берилди. Босишга 15.05.2000 йилда рухсат этилди. Қоғоз бичими 60x84'/$_{6}$. Босма табоги 37,0. Нашриёт ҳисоб табоғи 41,0. Шартли босма табоғи 36,0. Буюртма № 4838. Адади 10000. Нархи шартнома асосида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Адолат»
нашриёти. 700047, Тошкент, Сайилгоҳ кўчаси, 5.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кучаси, 41.